ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВАЗИРЛИГИ
БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИК ОЛИЙ МАКТАБИ

MINISTRY OF ECONOMIC DEVELOPMENT AND POVERTY REDUCTION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN
GRADUATE SCHOOL OF BUSINESS AND ENTREPRENEURSHIP

# ACTUAL PROBLEMS OF BUSINESS AND ENTREPRENEURSHIP DEVELOPMENT IN THE DIGITAL ECONOMY

# РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ



International scientific-practical conference

23 December / Dekabr 2022

Халқаро илмий-амалий конференция

TASHKENT

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ
ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВАЗИРЛИГИ

БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИК ОЛИЙ МАКТАБИ

# РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

***халқаро илмий-амалий конференция материаллари***

**2022 йил 23 декабрь**

**ТОШКЕНТ – 2022**

**Рақамли иқтисодиёт шароитида бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришнинг долзарб муаммолари.** Халқаро илмий-амалий конференция материаллари – Тошкент: Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби, 2022.– 497 б.

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Масъул муҳаррир:** | **Холбаев Б.А.** | – | Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби директори ўринбосари |
| **Таҳрир ҳайъати:** | | | |
| | **Суюнов Д.Х.** | – | иқтисодиёт фанлари доктори, профессор |
| | **Кенжабаев О.Т.** | – | иқтисодиёт фанлари доктори, профессор |
| | **Расулова Д.В.** | – | иқтисодиёт фанлари доктори, профессор |
| | **Бобоқулов Т.И.** | – | иқтисодиёт фанлари доктори, профессор |
| | **Алиқориев О.Ф.** | – | иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент |
| | **Садриддинов Б.Б.** | – | кимё фанлари номзоди, доцент |
| | **Юсупов Р.А.** | – | иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент |
| **Масъул ходимлар:** | **Шодмонов А.Х.** | – | Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби бош мутахассиси |
| | **Набиева Ш.М.** | – | Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби етакчи мутахассиси |
| | **Кайтаров В.Р.** | – | Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби бош мутахассиси |

Ушбу тезислар тўпламида Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» Фармонида белгиланган устувор вазифалардан келиб чиқиб, хорижий ҳамда миллий етакчи профессор-ўқитувчи ва мутахассисларни жалб қилган ҳолда, рақамли иқтисодиёт, корпоратив ва лойиҳа бошқаруви, капитал бозори, кичик бизнес ва тадбиркорлик ҳамда бошқа соҳалар бўйича янги фикр ва тажриба алмашиш, ёшларнинг илм-фанга бўлган интилишлари ва ғояларини қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги хузуридаги Бизнес ва тадбиркорлик олий мактабида 2022 йил 23 декабрь куни **“Рақамли иқтисодиёт шароитида бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришнинг долзарб муаммолари”** мавзусида ташкил қилинган халқаро илмий-амалий конференция маъруза тезислари жамланган.

*Материалларда келтирилган маълумотларга муаллифларнинг ўзлари масъулдирлар.*

Мазкур тезислар тўплами 2023 йил 5 январдаги Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби Илмий кенгаши томонидан нашрга тавсия қилинган.

© Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби, 2023 йил.

## *OPENING SPEECH*

***Kholbaev B.A.*** *– Deputy Director of Graduate School of Business and Entrepreneurship*

# ACTUAL PROBLEMS OF BUSINESS AND ENTREPRENEURSHIP DEVELOPMENT IN THE DIGITAL ECONOMY

Good morning, dear colleagues and all dear participants of today's international conference. It is an honor for me to be among the first participants and launch today's scientific event. Today we all gathered on this beautiful day to discuss global trends of entrepreneurship, discuss problems, share opinions, and, of course, emphasize the importance of entrepreneurial activity.

Entrepreneurship refers to business activities in the digital media, information and communication technologies. It encompasses entrepreneurial pursuits in areas such as artificial intelligence, blockchain, internet of things, and augmented reality among many more. The digital economy is expected to bring about $60 Trillion in revenue by 2025. With the rise and proliferation of emerging technologies globally, entrepreneurs have pursued opportunities to leverage skills, abilities, and resources to find innovative revenue streams. Companies such as Facebook, Uber, and Twitter are examples of highly successful digital firms that have become giants in the industry. Entrepreneurs and executives from all over the world are looking to follow in their footsteps. Today’s International Conference will outline and discuss ideas and approaches for organizations of all sizes to benefit from the digital economy.

Entrepreneurs have the ability to find business opportunities in market gaps, they define the way of doing things, which reflects their perspective of knowledge. Moreover, organizations created by entrepreneurs are “an extrapolation of their subjective worlds”, the entrepreneur´s interpretation of what is happening in any particular sector. This leads to a vision of what they want to achieve, which consequently creates the commercialization of a new product or industrial process.

It is fundamentally important to understand that as entrepreneurship is an increasing relevance on the world´s scene, the role of the entrepreneur is more and more important in the local scenario. This impact, as well as this empowerment, has furthered the digital economy, likewise, the digital economy is boosted by entrepreneurship.

Digital economy, as Neal Lane defined, is an outstanding force for the economic growth and social development. Therefore, when someone is investing in research, products or services, or even modifying laws and policies to the “realities of the new age”, it is possible to make wiser decisions by understanding the essential transformations from the vast potential of this up to growing market. There is, in point

of fact, a large impact on investments as economies follow strategies to push digitalization, as it can boost economic growth and sustainability.

For businesses, digital economy allows to expand the trade, increase the productivity of capital and to strengthen its competitiveness in the market, which leads to innovation. Especially for multinational corporations, it can be seen a significant impact on the digital economy, which is likewise worth to show. According to a report carried out by United Nations, the number of tech firms increased sinificantly, and, similarly, the shares more than doubled in total assets and operating revenues, and with even a more pronounced drift. This type of organizations represents one of the most developments in the recent years.

This trend will not stabilize, and for that reason, companies must reinvent themselves to be successful. This increasing development in "today´s business landscape" has had a significant influence on various possibilities to create innovative businesses based on new digital information and communication networks. Therefore, entrepreneurs must be aware of the evolution and so, innovate themselves to be up to the challenges and opportunities of this new type of economy. The lack of information about the main role of the entrepreneur in the development of digital economy outstands, as there are not many business decisions that have been able to draw on a significant research foundation in this area. In fact, there are not many studies about this matter, and as a recent and emerging market, it is extremely important to analyze the resistance to change, people and communication that leaders have to face while trying to achieve the best performance and the organizations' goals.

The pandemic crisis has affected people around the world and many of its damaging effects are yet to come. Everyone is talking about a global economic crisis like never seen before, with employment rates plunging after the lockdown and the world economy being significantly disrupted. I feel lucky that we have experienced the pandemic in 2020 given that humanity has reached a stage when technology has been developed to the point that although social distancing measures have been enforced, individuals can still connect, communicate and interact with one another.

I believe human interaction is at the core of a thriving economy, and the more you diminish it, the slower the economy will grow. So, the question arises: How can entrepreneurs and innovators contribute to help shift human interaction from primarily physical to digital?

We've witnessed how solutions like Zoom have skyrocketed during Covid-19. It is essential to note how important such solutions have been in supporting economic players like businesses and consumers. Digital tools have made it possible for many businesses to survive and contribute to the economy during these difficult times.

Many of us imagine the future looking like a time when robots have taken over essential tasks and communications, making our lives easier and creating a more efficient economy. Covid-19 might have been the catalyst to transition into the futuristic economy that we once imagined, and day after day, it is becoming more evident that there is no going back.

I want this Conference to be a source of inspiration for entrepreneurs, who I believe are the backbone of the world economy and the pillars of the future.

The Covid-19 crisis will likely linger for at least another year, and its impacts will be felt beyond that. In the post-Covid-19 era, I believe it is critical that entrepreneurs focus on contributing to the global digital economy. There are multiple areas in need of optimization, many of which are being explored by entrepreneurs right now. Entrepreneurs looking to shape the digital economy may consider exploring:

1. AI-driven investment funds for the masses that give people the option to invest in hedge fund-like investment portfolios that are currently only accessible to very high net worth individuals.

2. Platforms that provide high net worth individuals with the opportunity to connect directly with people in need and donate to them. These platforms could help with redistribution of wealth, especially in an overloaded system during times of crisis.

3. Tailored home-schooling solutions for parents to provide their children with quality education that is unique to each individual child's needs.

4. Technologies to allow the masses to be paid fairly in exchange for their personal data.

5. Applications that connect socially responsible corporations with citizens and incentivize them to do good by giving a reward in exchange.

The global economy has never been more dependent on entrepreneurs and innovators. Just as some jobs exist today that no one had even thought of twenty years ago, new jobs that we have never thought of will be created in the near future. The challenge is finding a way for more people to earn an income from the digital economy.

Worldwide, governments are doing their best to keep liquidity in the economy; however, I believe the remedy to the problem, in large part, lies in the hands of innovators who can build up a digital ecosystem that provides people with numerous opportunities beyond the physical economy.

Although the reality is that these are hard times, humans have proved that no matter how challenging the times, we adapt to find the most efficient solutions to our problems — and this is the core of innovation.

Thank you very much!

***Суюнов Д.Х.** – ОБМ кафедра мудири, и.ф.д., проф.*

## АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВНИ БАҲОЛАШ ТИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Акциядорлик жамиятларида стратегик бошқарувга асосланган маъмурий фаолиятнинг мураккаб тизими бўлмиш корпоратив бошқарув акциядорлик жамияти фаолиятининг зарур натижаларига эришиш учун ресурс салоҳиятини, ташкилий, иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқарув муносабатларини муқобиллаштиришга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармонига кўра, “...компанияларнинг молиявий-

иқтисодий фаолияти самарадорлигини ошириш, корпоратив бошқарувни оптималлаштириш мақсадида ишлаб чиқариш ва бошқариш жараёнларини автоматлаштириш (ERP) тизимларини жорий қилиш, давлат қимматли қоғозларини норезидентлар томонидан харид қилишга рухсат бериш, корпоратив қимматли қоғозлар бозорида ликвидликни ошириш ва давлат улуши мавжуд корхоналарда хусусийлаштириш жараёнларига хорижий инвесторлар ва халқаро молия институтларини жалб қилиш[1] каби вазифаларниниг белгиланиши айнан шунда корпоратив бошқауврни баҳолашни ташкил қилишнинг долзарблигини билдиради.

Корпоратив бошқарув тизими (КБТ) натижадорлигини аниқлаш учун шарт-шароитлар қуйидагиларни санаш мумкин бўлади:

1. Акциядорлик жамиятининг пировард мақсадларига эришиш, унда унинг асосий мақсади амалга оширилади.

2. КБТнинг муайян фаолиятининг режалаштирилган натижаларига эришиш.

3. Стратегик ривожланиш устуворликларини белгиловчи фаолият ҳолатидаги салоҳиятли эҳтиёжларни аниқлаш.

Умуман олганда, акциядорлик жамияти фаолияти натижадорлигини баҳолаш унинг асосий йўналишларини акс эттиради, бу эса КБТ ва унинг элементлари салоҳиятининг ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатади. Корпоратив бошқарувнинг назарий асосларини ўрганиш натижалари асосида бундай соҳалар стратегик, ресурс ва маъмурий деб белгиланган.

Демак, корпоратив бошқарув натижадорлигини баҳолаш тизими шакллантирилиб, у муайян тамойиллар, усуллар ва мезонларга мос келади ва интеграциялашган ёндашув асосида шакллантирилиши мумкин. Замонавий акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини шакллантириш ва баҳолаш бўйича муаллифлик нуқтаи назарини асослаш мақсадида концептуал ёндашувларнинг моҳияти таҳлил қилинади.

Фикримизча, корпоратив бошқарув тизими натижадорлигини баҳолашнинг илмий-услубий ёндашуви стратегик бошқарув, компетентлик ва ресурс ёндашувлари интеграцияси асосида қурилиши мумкин (1-расм), бу эса компания фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган рақобат устунликларини тўлиқ амалга ошириш имконини беради.

Корпоратив даражадаги компетентлар, ресурс салоҳияти ва стратегик бошқарувни ўрганиш натижасида қуйидаги хулосаларни чиқаришимиз мумкин. КБТ фаолиятининг илгари аниқланган вазифавий соҳалари (стратегик, ресурс, маъмурий) бизга услубий нуқтаи назардан уларга адекват бўлган КБТ фаолиятини ташкил этиш ёндашувлари – компетентлик, стратегик ва ресурсни кўриб чиқиш имконини берди.

Хусусан, Д.Суюновнинг “Корпоратив бошқарув рейтинги”, М.Хамидулиннинг “Корпоратив бошқарув даражасини баҳолаш рейтинги”,

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони.

Д.Бегматованинг “Корпоратив бошқарув даражасини рейтинг баҳолаш усули”, З.Ашуровнинг “Корпоратив бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизми самарадорлигини рейтинг асосида баҳолаш усули”, М.Худойкуловнинг “Акциядорлик жамиятларида томонлар қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда бошқарув самарадорлигини баҳолаш усули”.

Д.Суюновнинг услубиятига мувофиқ, корпоратив бошқарув рейтинги 3 гуруҳ мезонлар бўйича 100 балли шкала асосида аниқланган.




**1-расм. КБТ фаолиятини баҳолашда интеграциялашган ёндашувлар схемаси**

М.Хамидуллиннинг услубиятига мувофиқ, корпоратив бошқарув даражасини баҳолашнинг миллий рейтинги 10 балли шкала асосида баҳолаш параметрларини ўз ичига олган 10 та асосий кўрсаткич гуруҳи бўйича аниқланади.

Д.Бегматованинг услубиятига мувофиқ, корпоратив бошқарув даражаси 47 та кўрсаткичларни ўз ичига олган 7 та мезон бўйича аниқланади.

Республикамиз тадқиқотчиларидан Н.Т.Пулатов томонидан кимё саноати акциядорлик жамиятлари бошқаруви самарадорлигини баҳолаш учун интеграл кўрсаткичидан фойдаланиш усули таклиф этилган:

$$I = К_И * W_У + К_М * W_М$$

Бу ерда: $W_и$ *ва* $W_м$ – мос равишда иқтисодий самарадорлик умумий кўрсаткичи ва молиявий ҳолат умумий кўрсаткичи вазн коэффициентлари;

$К_и$ – иқтисодий самарадорлик умумий кўрсаткичи;

$К_М$ – молиявий ҳолат умумий кўрсаткичи.

Ушбу услубиятлар, асосан, у ёки бу даражада корпоратив бошқарув амалиётини стандартлар ва тамойилларга нисбатан баҳолашга, айримлари эса мулкдорлар манфаатларини ҳимоялаш механизмининг ишлаш самарадорлигини ўзаро таққослашга асосланган. Улар ҳеч бири, корпоратив бошқарув тизими фаолиятининг корпорация пировард фаолияти натижадорлиги, рақобатдаги устунлигига таъсири нуқтаи назаридан баҳолашга қаратилмаган.

Бунинг учун баҳолаш усулида қуйидаги формула бўйича геометрик ўртачага асосланган интеграл кўрсаткични ҳисоблашдан фойдаланамиз:

$$К_{КБТ} = \sqrt[3]{К_{ВМН} * К_{СЙН} * К_{РТН}}$$

бу ерда, $К_{ВМН}$ – вазифавий-маъмурий жиҳатнинг натижадорлик кўрсаткичи;

$К_{СЙН}$ – стратегик йўналишнинг натижадорлик кўрсаткичи;

$К_{РТН}$ – ресурсларни тақсимлашнинг натижадорлик кўрсаткичи.

Корпоратив бошқарув тизими фаолияти натижадорлигининг даражасини ошириш бўйича чора-тадбирлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш корпоратив бошқарув тизими самарадорлигини баҳолаш услубиятининг якуний босқичи ҳисобланади.

Корпоратив бошқарув тизимининг натижадорлигини баҳолаш босқичлари ва тартиблари шаклидаги муаллифнинг услубий ёндашуви корпоратив бошқарув тизимининг натижадорлигини баҳолаш алгоритмини ва корпоратив бошқарув тизимини шакллантириш ва унинг натижадорлигини баҳолашнинг концептуал ва мантиқий схемасини ишлаб чиқиш имконини берди.

Концептуал-мантиқий схема муаллифнинг корпоратив бошқарув тизимининг асосий фаолиятини гуруҳлаши билан ажралиб туради, бу эса унинг ишлаш ҳолатини баҳолаш услубиятини такомиллаштиришга имкон беради.

Етакчи акциядорлик жамиятлари раҳбарлари ва менежерлари ўртасида ўтказилган эксперт сўрови жараёнида олинган маълумотлар таҳлили корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш йўналишларини янгилаш ва 3 та йўналиш бўйича корпоратив бошқарув тизими натижадорлигини баҳолаш кўрсаткичларини танлаш имконини берди.

1. Маъмурий-бошқарув жиҳатини тавсифловчи кўрсаткичлар. Асосий баҳолаш мезонлари: фойда, таннарх, харажатлар, бошқарув ходимларининг сони, мукофот кўрсаткичлари, акциядорлик жамияти қиймати, бошқарув ходимларининг унумдорлиги, мослашувчанлиги, самарадорлиги, корпоратив бошқарув тизимининг мустақиллиги.

Яратилган кўрсаткичлар рўйхатидан фойдаланиш зарурати акциядорлик жамияти фойдасини ошириш, бошқарув харажатларини камайтириш ва бошқарув ходимларига ҳақ тўлаш самарадорлигини ошириш орқали корпоратив бошқарув тизимининг диққат марказида бўлиши билан боғлиқ. Шундай қилиб, кўрсаткичлар мажмуи корпоратив бошқарув тизимининг бошқарув ва маъмурий жиҳатини тавсифлайди ва акциядорлик жамияти фаолиятининг зарурий шарти ҳисобланади.




**2-расм. КБТ натижадорлигини баҳолаш алгоритми**

2. Акциядорлик жамиятининг истиқболини кўра билишликни тавсифловчи кўрсаткичлар.

Шаклланган кўрсаткичлар гуруҳи акциядорлик жамиятининг стратегик жиҳатини тавсифлаб, мақсадларга қанчалик самарали эришилганлигини акс эттиради. Кўрсаткичларни такомиллаштириш акциядорлик жамиятининг узоқ муддатли фаолиятини яхшилайди, акциядорлик жамияти ичидаги стратегия элементларининг изчиллигини таъминлайди, инвестицияларни янада самарали режалаштиради ва корпоратив стратегиялардаги рискларни аниқроқ ҳисобга олади.

3. Акциядорлик жамиятининг ресурсларни тақсимлаш самарадорлигини тавсифловчи кўрсаткичлари.

Ушбу кўрсаткичлар гуруҳи акциядорлик жамиятида ресурслар қанчалик самарали тақсимланганлигини баҳолайди. Кўрсаткичлардаги ўзгаришлар режали фаолият самарадорлигини, корпоратив ресурс тақсимлаш самарадорлигини, ресурсларни тақсимлашнинг кутилаётган самарасини ва қисқа муддатли ва узоқ муддатли даромадлар ўртасидаги мувозанатни баҳолаш имконини беради.

Хулоса қиладиган бўлсак, корпоратив бошқарув тизими фаолияти натижадорлигини ишлаб чиқилган услубга баҳолашда ҳам расмийлаштирилган параметрлар, ҳам расмийлаштирилмаган маълумотлар, шунингдек, корпоратив

веб-сайтлар тўғрисидаги маълумотлар ва эксперт баҳолаш натижаларидан фойдаланилди.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш ҳамда жамоатчилик назорати тизимларини такомиллаштириш"га оид масалалари бўйича йиғилиш материаллари.
2. Benedek, Petra. (2012). Compliance Management - a New Response to Legal and Business Challenges. Acta Polytechnica Hungarica. 9.
3. Foorthuis, Ralph & Bos, Rik. (2011). A Framework for Organizational Compliance Management Tactics. Lecture Notes in Business Information Processing. 83. 259-268. 10.1007/978-3-642-22056-2_28.
4. Suyunov D.H. "The main problems of corporate governance and ways to solve them", EPRA International Journal of Economic Growth and Environmental Issues (EGEI) ISSN:2321-6247 Impact Factor: 8.007 (SJIF 2020) 202101-13-006137, 9, 1, January, 2021.
5. Алешин М.М., Алешина Е.И. Комплаенс как инструмент повышения стоимости корпорации // Интернет-журнал «НАУКОВЕДЕНИЕ» Том 8, №5 (2016) http://naukovedenie.ru/PDF/48EVN516.pdf.
6. Бондаренко Ю. Эффективное управление compliance - рисками: системный подход и критический анализ // Корпоративный юрист, 2008, №6. С. 31–34.
7. Беляев Ю.К. Применение инструментов комплаенс-контроля для оптимизации корпоративного управления фармацевтическими компаниями// Известия УрГЭУ, 2013, №1 (45). С. 45-50.
8. Суюнов Д.Х. ТМИнинг "Ҳалқаро молия ва ҳисоб" илмий онлайн журнал, №3, июл, 2020 йил, 58-63 бетлар.

***Садриддинов Б.Б.*** *- ОБМ,кафедра мудири к.ф.н.,доц.*

## IT-ЛОЙИҲАЛАР ПОРТФЕЛИНИ БОШҚАРИШ

Илмий мақолада лойиҳаларни бошқаришнинг тўғри усулини танлаш ва лойиҳанинг иқтисодий самарадорлигини баҳолашда қийинчиликларга дуч келаётган мамлакатимиз иқтисодиётининг замонавий компаниялари томонидан IT-лойиҳалар портфелини бошқариш масаласини таҳлил қилишга бағишланган. Корхонанинг IT-лойиҳалари портфелини шакллантириш жараёнининг асосий босқичлари белгиланган. Маҳаллий компаниялар томонидан IT-лойиҳалар портфелини шакллантириш жараёнининг асосий вазифалари санаб ўтилган. IT-лойиҳалар портфелини бошқариш учун фойдаланиладиган лойиҳаларни бошқаришнинг асосий усулларининг хусусиятлари кўриб чиқилади. Лойиҳаларнинг ҳар бирининг афзалликлари ва камчиликлари таҳлил қилинади. Лойиҳани бошқаришда муваффақиятсизликка олиб келадиган асосий муаммолар такидланган. Лойиҳаларни бошқариш усулларидан фойдаланган ҳолда

компаниялар учун асосий қийинчилик ва таҳдидларни тенглаштиришга қодир бўлган мувозанатли IT-лойиҳалар портфелининг роли таҳлил қилинади. IT-лойиҳалар портфелини шакллантиришнинг асосий моделлари ва усуллари, шу жумладан уларнинг қисқача тавсифлари ва хусусиятлари кўриб чиқилади.

Корхоналарнинг лойиҳаларини бошқаришнинг амалий қўлланилиши бошқарув фаолиятини такомиллаштириш учун триггер(триггер - бу тизимга маълум бир воқеа содир бўлганлиги ҳақида сигнал берувчи буйруқ ёки функция.)лар сони ортиб бораётган рақобат муҳити туфайли тобора долзарб бўлиб бормоқда. Корхоналар сони ортиб бормоқда, лойиҳаларни бошқаришда янги инновацион ёндашувлар ишлаб чиқилмоқда, бунинг натижасида янги стандартлар пайдо бўлмоқда. Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида компаниянинг стратегик ўсиши ва ривожланишига эришиш учун энди алоҳида лойиҳа ва дастурларни муваффақиятли якунлашнинг ўзи кифоя қилмайди - компанияда амалга оширилаётган барча лойиҳаларни якунлаш керак. Бундан ташқари, бизнес рақобатбардошлигининг барқарор ўсишига эришиш нафақат лойиҳаларни бошқариш бўйича тўғри иш натижасидир, балки компания раҳбарияти амалга ошириладиган лойиҳаларни тўғри танлашга мажбурдир.

Замонавий корхоналар дуч келадиган асосий муаммолардан бири бу улар амалга ошираётган кўплаб лойиҳа ва дастурларнинг компаниянинг стратегик мақсадлари билан боғлиқлиги ва барча лойиҳалар ўртасида чекланган ресурсларни самарали тақсимлаш жараёнидир[1].

Айнан шу сабабли, мамлакатимиз бозорида компаниянинг IT-лойиҳа портфелини бошқариш усулларини танлаш ва моделларни шакллантириш муаммоси бўйича илмий тадқиқотларнинг долзарблиги анча юқори.

Мақоланинг илмий тадқиқот мақсади лойиҳани бошқаришнинг тўғри усулини танлаш ва лойиҳанинг иқтисодий самарадорлигини баҳолашда қийинчиликларга дуч келаётган мамлакатимиз иқтисодиётидаги замонавий компаниялар томонидан IT-лойиҳалар портфелини бошқариш масаласини таҳлил қилишдир.

Илмий тадқиқот доирасида қуйидаги вазифаларни ҳал қилиш зарур:

- корхонанинг IT-лойиҳалари портфелини шакллантириш жараёнининг асосий босқичларини ажратиб кўрсатиш;
- маҳаллий компаниялар томонидан IT-лойиҳалар портфелини шакллантириш жараёнининг асосий вазифаларини санаб ўтиш;
- IT-лойиҳалар портфелини бошқариш учун фойдаланиладиган асосий лойиҳаларни бошқариш усулларининг хусусиятлари кўриб чиқиш;
- ҳар бир лойиҳанинг афзалликлари ва камчиликларини таҳлил қилиш;
- IT-лойиҳалар портфелини шакллантиришнинг асосий моделлари ва усулларини, шу жумладан уларнинг қисқача тавсифлари ва хусусиятларини кўриб чиқиш;
- лойиҳани бошқаришда муваффақиятсизликка олиб келадиган асосий муаммоларни ажратиб кўрсатиш;

[1] Матвеев А.А., Новиков Д.А. Модели и методы формирования портфеля проектов. URL:http://econold.asu.ru/lib/ sborn/model2006/pdf/24.pdf (дата обращения: 26.11.2019).

- лойиҳаларни бошқариш усулларидан фойдаланган ҳолда компаниялар учун асосий қийинчиликлар ва таҳдидларни тенглаштиришга қодир бўлган IT-лойиҳаларнинг мувозанатли портфелининг ролини таҳлил қилиш.

Аввало шуни таъкидлаймизки, компаниянинг IT-лойиҳалари портфелини шакллантириш жараёни бир неча босқичлардан иборат[1]:

- IT портфели лойиҳаларини аниқлаш (жорий ва режалаштирилган лойиҳалар рўйхати тузилади);
- IT-лойиҳаларни гуруҳлаш (гуруҳлар бизнес мақсадига қараб белгиланади, лойиҳалар ушбу гуруҳлар орасида тақсимланади);
- IT-лойиҳаларнинг сифат таҳлили (баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари аниқланади, лойиҳалар баҳоланади, лойиҳаларни таҳлил қилиш ва танлаш амалга оширилади);
- IT-лойиҳаларнинг миқдорий таҳлили (иқтисодий самара ва лойиҳани амалга ошириш муддати ҳисоблаб чиқилади, харажатлар бюджетлари ва лойиҳа стратегиясини амалга ошириш муддатлари/режаси аниқланади);
- IT-лойиҳаларнинг устуворлиги;
- IT-лойиҳалар портфелини мувозанатлаш (портфелни молиялаштириш жадвали шакллантирилди, портфел ресурс режаси шакллантирилди).

Шундай қилиб, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган компанияларининг IT-лойиҳалари портфелини шакллантириш жараёнининг қуйидаги вазифаларини ажратиб кўрсатиш мумкин[2]:

- лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш;
- лойиҳалар портфелини шакллантириш;
- лойиҳани амалга ошириш жараёнини режалаштириш;
- портфел лойиҳалари ўртасида ресурсларни тақсимлаш;
- лойиҳа портфелини бошқариш.

IT-лойиҳаларни бошқаришнинг муҳим жиҳати амалий методология ҳисобланади. Бугунги кунга келиб, лойиҳа бошқаруви мавжуд бўлган вақт давомида деярли ҳар қандай эҳтиёж учун лойиҳани бошқаришнинг кўплаб турли усуллари яратилган.

Энг мос методологияни танлаш учун компаниянинг IT-лойиҳалари учун энг муҳим мезонларни, масалан, муддатлар (тугаш муддатлар), ресурслар, жараёнга риоя қилиш ёки бир вақтнинг ўзида бир нечта омилларни аниқлаш керак ва кейин лойиҳани бошқариш усулини танлаш керак. Албатта ижобий кўрсаткичга эришишга қаратилган.

Мослашувчан бошқарувнинг биринчи усули бу Агиле (Agile). Ушбу ёндашув лойиҳалар ва маҳсулотларни бошқариш учун мослашувчан итератив-инкрементал усуллар оиласидир. Ушбу ёндашувга кўра, лойиҳа кетма-кет босқичларга эмас, балки кичик кичик лойиҳаларга бўлинади, кейинчалик улар

[1] Емельянова К., Седова К. Отбор проектов в портфель: как сделать правильный выбор. URL: http://www. pmexpert.ru/presscenter/publication/ detail.php?ID=2811 (дата обращения: 26.11.2019).

[2] Матвеев А.А., Новиков Д.А., Цветков А.В. Модели и методы управления портфелями проектов. URL: http://www.mtas.ru/person/novikov/upp.pdf (дата обращения: 26.11.2019).

тайёр маҳсулотга "йиғилади"[1].

Ушбу усулнинг асосий афзаллиги унинг мослашувчанлиги ва ҳар қандай ички шароитга, айниқса ташқи муҳитга мослашишидир.

Ушбу усулнинг камчиликлари жамоа аъзолари - ходимлар учун қўшимча масъулиятнинг мавжудлигидир.

Кейинги мослашувчан методология – СКРУМ (SCRUM). Бу IT лойиҳасини бошқариш учун идеал усул. Лойиҳа қисми корхона ичидаги ҳар қандай вазифа бўлиши мумкин[2].

Усул компаниянинг IT-лойиҳаларини бошқариш воситаси сифатида қуйидаги афзалликларга эга[3]:

- биринчидан, бу мажбурий жараён бўлиб, унда ҳар бир ходим ва жамоа аъзоси ҳар куни ўз ишини сарҳисоб қилади, ўз ҳамкасблари ва раҳбарлари билан ҳал қилинмаган вазифаларни муҳокама қилади, шунингдек, кейинги давр учун режаларни белгилайди;
- иккинчидан, ғоялар ва вазифаларни тизимлаштириш жараёни мавжуд, чунки жамоа аъзолари ҳар бир ходим ишининг асосий моҳиятини кўрсатадиган СКРУМ доскасига матн маъноси бўлган стикерларни ёпиштирадилар. Вазифалар бажарилгандан сўнг, жамоа стикерларни бир устундан иккинчисига ўтказади ва шу билан мувозанатли хаританинг стратегик мақсадларини амалга оширишга яқинлашади;
- учинчидан, лойиҳа якунида жамоа аъзолари ўз раҳбарлари билан ҳал қилинган вазифалар ва иш жараёнида юз берган ўзгаришларни муҳокама қиладилар. Натижалар компаниянинг лойиҳани амалга ошириш билан боғлиқ бўлган афзалликлари ва камчиликлари билан умумлаштирилади.

Шу билан бирга, СКРУМ моделидан фойдаланишнинг камчиликлари ҳам мавжуд:

- манфаатдор томонлар билан шартномалар тузишда қийинчиликлар;
- жамоа интизомига путур етказадиган истиснолар кўпроқ.

Кейинги усул – Леан (Lean), унда худди СКРУМда бўлгани каби, иш алоҳида ва мустақил равишда амалга ошириладиган кичик етказиб бериш пакетларига бўлинади. Леан СКРУМ каби мослашувчанлик ва тузилмани бирлаштиради, лекин бироз бошқача тарзда[4].

Бироқ, лойиҳанинг ҳар бир қисми бир хил батафсил ва синчковлик билан ўрганиш ва эътиборни талаб қилмайди. Аммо Леан ҳар бир вазифа ва босқичга айнан шундай ёндашувни назарда тутади. Бу йирик ва бир турдаги IT лойиҳалари учун Леандан фойдаланишнинг асосий камчилигидир.

IT-лойиҳаларни бошқаришдаги энг сўнгги тезкор методология Канбан ҳисобланади. Агар Леан бироз мавҳум кўринса, Канбан билан биргаликда фойдаланиш осонроқ бўлади. Канбан СКРУМ усулида рухсат этилганидан

---

[1] ТОП 7 методов управления проектами. URL: https://www.pmservices.ru /project-management-news/top-7-metodov-upravleniya-proektami-agile-scrum-kanbanprince2-i-drugie/ (дата обращения: 26.11.2019).

[2] Впечатления от методологии Скрам. URL: http://projectimo.ru/upravlenie-proektami/metodologiyascrum. html (дата обращения: 26.11.2019).

[3] Как Amazon и Google: применяем Скрам в вашей команде. URL: http://igate.com.ua/news/14921-kakamazoni-google-primenyaem-skram-v-vashej-komande (дата обращения: 26.11.2019).

[4] ТОП 7 методов управления проектами. URL: https://www.pmservices.ru /project-management-news/top-7-metodov-upravleniya-proektami-agile-scrum-kanbanprince2-i-drugie/ (дата обращения: 26.11.2019).

камроқ қатъий интизомни ўз ичига олади. Ҳар бир жамоа аъзоси кўпроқ ҳаракат эркинлигига эга бўлиши ва бир вақтнинг ўзида бир нечта лойиҳаларни бошқариши мумкин.

СКРУМ сингари, Канбан ҳам яхши мулоқотга эга бўлган жуда қаттиқ боғланган жамоалар учун жуда мос келади. Канбан ёндашувининг заиф томони шундаки, у аъзоларнинг маҳорати бир-бирига мос келадиган жамоалар учун энг мос келади. Шундай қилиб, улар бир-бирларига муаммоларни ҳал қилишда қийинчиликларни енгишга ёрдам беришлари мумкин.

Бундай ижобий тахминларга қарамай, аксарият миллий ва хорижий корхоналар IT-лойиҳалар портфелини бошқаришни самарасиз жараёнга айлантирадиган турли муаммоларга дуч келишмоқда. Одатда, IT-лойиҳа эски хизматларни янгиларига алмаштириш, тижорат сайтини ишлаб чиқиш, янги турдаги иш столларини яратиш ёки маълумотлар базаларини бирлаштириш каби ноёб маҳсулот, хизмат ёки муҳит яратишга қаратилган қисқа муддатли ҳаракатдир[1].

Таниқли иқтисодчи олим ва лойиҳаларни бошқариш бўйича маслаҳатчи Жозеф Филипс Америка Қўшма Штатлардаги фаолияти давомида қуйидаги статистик маълумотларга дуч келганини таъкидлади: лойиҳаларнинг атиги 29 фоизи муваффақиятли якунланган. Бундай юқори носозликнинг асосий сабаблари (71%) қуйидаги асосий муаммолардир:

- IT соҳасида лойиҳаларни бошқариш одатий лойиҳаларни яратишга қараганда анча қийин;
- лойиҳани бошқариш етарли даражада ишлаб чиқилмаган режалаштириш босқичини ўз ичига олади;
- асосан, IT-лойиҳалар ўзини турли хавф-хатарларга дучор қилиб, шошқалоқлик билан амалга оширилади;
- қоида тариқасида, IT соҳасидаги лойиҳаларни бошқаришда менежерлар катта ҳажмдаги ишларнинг мавжудлигига дуч келишади, бу оптималлаштириш ва самарадорлик нуқтаи назаридан тўғри эмас.

Ушбу муаммолар ва таҳдидларни текислаш учун компания раҳбариятининг тўғри қарори IT-лойиҳалар портфелини бошқаришнинг мувозанатли усулини танлаш бўлади. Бироқ, мувозанатли портфелни шакллантириш қуйидаги қийинчиликка дуч келади. Мезонларни танлаш ва ҳар бир лойиҳа самарадорлигини баҳолашда.

IT-лойиҳаларнинг энг самарали портфелини шакллантириш учун турли модел ва усуллардан фойдаланиш керак. Шундай қилиб, келинг, IT-лойиҳалар портфелини шакллантиришнинг асосий моделлари ва усулларини, шу жумладан уларнинг қисқача тавсифлари ва хусусиятларини кўриб чиқайлик[2]:

- “Босқич-дарвоза” жараёни(Stage-Gate Process (SGP) - бу янги маҳсулотни (технологияни) ғоядан бошлаб тижоратга чиқаришгача тарғиб қилишнинг концептуал ва операцион модели. SGP инновацион жараённи

[1] Управление IT-проектами: определение и решение ключевых проблем. URL: http://www.advantagroup. ru/blog/upravlenie-it-proektami/ (дата обращения: 26.11.2019).

[2] Аньшин В.М., Демкин И.В., Никонов И.М., Царьков И.Н. модели управления портфелем проектов в условиях неопределенности. URL: https://www.hse.ru/data/530/907/1224/Publ5_Anshin.pdf (дата обращения: 26.11. 2019).

олдиндан белгиланган босқичларга ажратади, уларнинг ҳар бири тадбирлар мажмуини ифодалайди.)га асосланган модел (моделнинг ўзига хос хусусияти шундаки, янги маҳсулотни яратиш лойиҳаси босқичларга бўлинади. Ҳар бир босқич бошланишидан олдин лойиҳа ўтиши керак бўлган эшиклар мавжуд. натижалари бўйича лойиҳа тақдири тўғрисида қарорлар қабул қилинади);

- Радулеск модели (моделнинг ўзига хос хусусияти шундаки, у молиявий ресурсларни чеклаш билан хавф шароитида чизиқли бўлмаган математик 0-1 дастурлаш воситаларидан фойдаланган ҳолда эксперт баллари асосида мустақил лойиҳалар портфелини бошқаришга қаратилган);
- тармоқни ривожлантириш лойиҳаларини бошқариш модели (моделнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, тармоқни ривожлантириш мақсадлари ва ушбу мақсадларга эришишни таъминлайдиган дастур шакллантирилади. Ҳар бир лойиҳа “харажат – самарадорлик” мезони бўйича баҳоланади);
- Бабри-Девис модели (моделнинг ўзига хос хусусияти шундаки, у ташкилотнинг бизнес жараёнларини амалга ошириш учун ахборот тизимлари, технологиялари, платформаларини жорий этиш бўйича лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш имконини беради);
- ўзаро боғлиқ лойиҳалар портфелини шакллантириш учун оптималлаштириш модели (моделнинг ўзига хос хусусияти шундаки, лойиҳалар ўртасидаги муносабатлар ҳисобга олинади, лойиҳа портфели компаниянинг стратегик мақсадларига мувофиқ мувозанатланади).

Шундай қилиб, лойиҳалар портфелини шакллантиришнинг асосий вазифаси лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш, уларни амалга ошириш жараёнини режалаштириш ва портфелдаги лойиҳалар ўртасида ресурсларни тақсимлашдан иборат. Шу билан бирга, компаниянинг стратегик мақсадлари ва бизнеснинг тармоқ хусусиятларига қараб, лойиҳа портфелини шакллантириш учун тўғри методология ва моделни танлашнинг муҳимлиги ва зарурлигини билиш керак.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Матвеев А.А., Новиков Д.А. Модели и методы формирования портфеля проектов. URL: http://econold.asu.ru/lib/sborn/model2006/pdf/24.pdf (дата обращения: 26.11.2019).
2. Емельянова К., Седова К. Отбор проектов в портфель: как сделать правильный выбор. URL: http://www.pmexpert.ru/presscenter/publication/ detail.php?ID=2811 (дата обращения: 26.11.2019).
3. Матвеев А.А., Новиков Д.А., Цветков А.В. Модели и методы управления портфелями проектов. URL: http://www.mtas.ru/person/novikov/upp.pdf (дата обращения: 26.11.2019).
4. Аньшин В.М., Демкин И.В., Никонов И.М., Царьков И.Н. модели управления портфелем проектов в условиях неопределенности. URL: https://www.hse.ru/data/530/907/1224/Publ5_Anshin.pdf (дата обращения: 26.11. 2019).
5. Как Amazon и Google: применяем Скрам в вашей команде. URL:

http://igate.com.ua/news/14921-kakamazoni-google-primenyaem-skram-v-vashej-komande (дата обращения: 26.11.2019).
6. Впечатления от методологии Скрам. URL: http://projectimo.ru/upravlenie-proektami/metodologiyascrum. html (дата обращения: 26.11.2019).
7. ТОП 7 методов управления проектами. URL: https://www.pmservices.ru /project-management-news/top-7-metodov-upravleniya-proektami-agile-scrum-kanbanprince2-i-drugie/ (дата обращения: 26.11.2019).
8. Управление IT-проектами: определение и решение ключевых проблем. URL: http://www.advantagroup. ru/blog/upravlenie-it-proektami/ (дата обращения: 26.11.2019).

***Францизска Франк (Germany)*** *– ESMT, Директор*

## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ РАЗВИТИЯ БИЗНЕСА И ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА В ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКЕ

Цифровизация усиливает конкурентное давление



Самые большие препятствия на пути цифровизации




Компании все еще не справляются с первым уровнем шагов по цифровизации




Используется или планируется значительная автоматизация




HR, финансы и счета-фактуры находятся дальше всех в процессе цифровизации




Германия как страна также должна пройти путь вперед




Но есть и много историй успеха: цифровой двойник **Siemens**

Siemens использовал Digital Twin для разработки электрического авиационного двигателя, который не только весит 50 кг, но и в пять раз мощнее аналогичных электродвигателей. Мировой рекорд. Но это еще не все. Digital Twins также раскрывает возможности 3D-печати

Но есть и много историй успеха: решение ***Smart Groundwater Monitoring***

Решение Smart Groundwater Monitoring, разработанное компанией T-Systems для измерения потребления воды для фермеров и властей

Счетчики воды становятся "вещами" в Интернете вещей (IoT) и передают данные о воде в цифровом и автоматическом виде, чтобы компьютерная система на задней панели могла интерпретировать и обрабатывать их.

Но есть и много историй успеха: декарбонизация промышленности

Новый стартап Bosch Decarbonize Industries разрабатывает программное решение, которое поможет промышленным предприятиям достичь углеродного нейтралитета. Решение будет представлять собой платформу, разработанную совместно Bosch и поставщиком энергии EWE AG, которая будет использовать текущие данные с энергетического рынка, законодательства и других источников, чтобы показать компаниям оптимальный путь к большей устойчивости. В результате, дорожная карта для более устойчивого будущего находится всего лишь на расстоянии щелчка мыши.

*Гулямов С* - *ЎзР ФА, и.ф.д., проф.,академик*

# РАҚАМЛИ ЎЗБЕКИСТОН - 2030 СТРАТЕГИЯСИДА РАҚАМЛИ БИЗНЕС САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. 20.12.2022й

- Ялпи ички маҳсулот ҳажми илк бор 80 миллиард доллардан ошди.
- Иқтисодиётимизга шу йилнинг ўзида 8 миллиард доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар кириб келди, экспортимиз эса, 19 миллиард долларга етди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони: «Рақамли Ўзбекистон—2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 — 2022 йилларда ҳудуд ва тармоқларни рақамли трансформация қилиш доирасида: 587 минг нафар кишини, шу жумладан «Бир миллион дастурчи» лойиҳаси доирасида 500 минг нафар ёшларни қамраб олиш орқали компьютер дастурлаш асосларига ўқитиш ташкиллаштирилади;

**Целевые показатели стратегии «Цифровой Узбекистан-2030»[76].**

| Показатель | 2021 г | Прогноз | | |
|---|---|---|---|---|
| | | 2022 г | 2025 г | 2030 г |
| Протяжённость сети оптико-волоконной линии связи, тыс. км | 41 | 70 | 120 | 150 |
| Уровень охвата высокоскоростным интернетом регионов, % | 67 | 74 | 85 | 100 |
| Уровень обеспеченности высокоскоростным интернетом объектов социальной сферы, % | 45 | 100 | 100 | 100 |
| Уровень обеспеченности домохозяйств широкополосным доступом к интернету, % | 67 | 74 | 85 | 100 |
| Уровень обеспеченности населённых пунктов сетью широкополосной мобильной связи, % | 78 | 100 | 100 | 100 |
| Доля услуг, предоставляемых через Единый интерактивный портал государственных услуг, % | 25 | 45 | 60 | 75 |
| Количество пользователей услуг онлайн-банкинга, млн. ед. | 10 | 15 | 17 | 20 |
| Количество стартап-проектов, включённых в программы инкубации и акселерации технопарков, шт. | 50 | 250 | 700 | 2300 |

**Глобал** Учинчи **Рақамли Ренессанс барқарор** иқтисодиёт пирамидаси **(АҚШ ва ЕИ модели:**

- Табиий ресурслар капитали
- Моддий ресурслар капитали (бино, инфраструктура)
- Ишлаб чиқариш воситалари (технологиялар)
- Ахборот капитали (BIG DATA)
- Рақамли иқтисодиёт технологиялари
- ақл-заковат капитали (таълим) <+ сунъий интеллект

Рақамли бизнес стратегияси модели:




Иқтисодий назарияда бозор иқтисодиётининг асосий категориялари: Хусусий мулк ва рақобатнинг салбий томонлари ҳам мавжуд.

Рақамли бизнес моделида: Шеринг, Кашеринг, Пиринг технологиялари орқали хусусий мулкдан ҳамкорликда суткасига 24 соат/7 кун узлуксиз фойдаланиш иқтисодиётнинг самарасини бир неча баробар оширади.

Рақобат модели: Ютдим-ютқаздим.

Рақамли иқтисодиётда Кашеринг, Шеринг, Пиринг орқали «Ютдим-ютдим» моделини қўллаб: рақобатини ўзига дўст қилиб, унинг мулкидан, молияси ва билимидан ҳамкорликда фойдаланиб, қўшимча синергетик фойда топиб, тенг бўлиб олиш технологиясидан Ўзбекистонда кенг фойдаланиш тавсия этилди.

Краудфондинг ва Краудсорсинг технологиялрини қўллаб бутун Дунёдан Ўзбекистонда инновацияларни ва рақамли бизнесни ривожлантириш учун инвестициялар ва инновацион гоялар ёғиш.

Хорижий мутаҳасисларни (айниқса, дастурчиларни) масофадан жалб қилиш энг самарали йўл.

• Муҳтарам Президентимиз қарорларидаги «бир миллион дастурчи тайёрлаш лойиҳаларига» йўл харита тузиб, барча туман ва шаҳарларда 205 та мактабларда сифатли дастурчиларни тайёрлаб, масофадан туриб, онлайн шаклда ривожланган давлатларга ишга жойлаштиришимиз зарур.

Хитой ва Ҳиндистон ҳар йили минглаб дастурчиларни хорижга ишга масофадан жойлаб, камбағалчиликдан қутулмоқда!

РИ стратегияси: Ракамли иктисодиётни комплекс инновацион технологиялари(15та):

1. Катта хажмли маълумотлар билан ишлаш технологиялари – BIG DATA;
2. Сунъий интеллект –Artificial Intellect;
3. Булутли технологиялар – Cloud Technologies;
4. Мобил технологиялар- e-mobile;
5. Буюмлар интернети – Internet of Things;
6. Робототехника ва сенсорика;
7. Ракамли электрон платформалар ва экосистемалар;
8. Квант технологиялари;
9. СМАРТ-контрактлар;
10. 4.0 саноат технологиялари
11. Виртуал ва кушимча реаллик технологиялари – Virtual Reality and Augmented Reality (VR, AR);

12. Крауд-сорсинг ва крауд-фондинг технологиялари;
13. Блокчейн технологиялари;
14. Криптовалюталар ва ICO (Initial Coin Offering) технологиялари;
15. 3Д, 4Д-технологиялар.
16. Дрон - технологиялари

Бугунги мактаб ва ОТМри рақамли технологиялар мутаҳасисликларини 60 % янгилаш зарур.




Рақамли бизнесга кадрлар: 2020 йил октябрь ойида Жахон ифтисодий форуми (https://www.weforum.org/) "Kasblar kelajagi" to'g'risida hisoboti e'lon qilindi.

2025 йилга келиб, одамлар ва машиналар ўртасидаги меҳнат тақсимотининг ўзгариши туфайли янги рақамли (масофадан) иш ўринлари (97 миллион) яратилишига ҳамда айрим касблар қисқаришига (85 миллион) олиб келади, бу эса ўз навбатида:

Талаб ошадиган касблар(он-лайн ишлайди):
1. Маълумотларни таҳлил қилувчилар ва олимлар
2. Сунъий Интеллект ва Машина ўрганиш мутахассислари
3. Катта маълумотлар (Big data) мутахассислари
4. Рақамли маркетинг ва стратегия мутахассислари
5. Жараённи автоматлаштириш мутахассислари
6. Бизнесни ривожлантириш бўйича мутахассислар
7. Рақамли трансформация бўйича мутахассислар
8. Ахборот Хавфсизлиги Таҳлилчилари
9. Дастурий таъминот ва дастур тузувчилари
10. “Нарсалар Интернети” (Internet of Things) мутахассислари

Талаб қисқарадиган касблар:
1. Маълумотларни киритиш бўйича мутахассислари
2. Маъмурий-ижроия котиблари
3. Бухгалтерияни юритиш ва иш ҳақини юритиш бўйича мутахассислари
4. Бухгалтерлар ва аудиторлар
5. Монтаж ва завод ишчилари

6. Бизнес хизматлар ва бошқарув раҳбарлари (ЎзР кескин ошди)
7. Мижозлар ҳақида маълумот ва мижозларга хизмат кўрсатиш ходимлари
8. Бош ва операцион менежерлар
9. Механика ва машинасозлик таъмирчилари
10. Материалларни рўйхатга олиш ва сақлаш бўйича хизматчилар

***Dr. Jinwon Ahn(Korea)*** *– Hondong Global University*

## ENTREPRENEURSHIP & INCLUSIVE ECONOMIC INSTITUTION

What is entrepreneurship?

- Narrow sense
- Making a business
- Starting a venture
- Creating jobs
- Broad sense: Creating something out of nothing!
- Mindset change
- Attitude and life style
- Creating a new industry
- Creating a new nation

Entrepreneur defined

• An entrepreneur is one who creates a new business in the face of risk and uncertainty for the purpose of achieving profit and growth by identifying significant opportunities and assembling the necessary resources to capitalize on them (Zimmerer & Scarborough, 2008)

• The process of creative destruction, in which entrepreneurs create new ideas and new business that make existing ones obsolete, is a sign of a vibrant economy.

Core attributes of entrepreneurs (timmons & spinelli, 2009)

- **Commitment & Determination**
- Tenacious & Decisive, Able to commit & recommit quickly
- Immersed in the mission
- **Courage**
- Moral strength & Fearless experimentation
- Not afraid of conflicts & failure
- **Leadership**
- Self-starter & Team builder by inspiring others
- Honest, Reliable & Patient
- **Tolerance of Risk, Ambiguity & Uncertainty**
- Calculated risk taker & risk minimizer
- Tolerant of uncertainty, stress & conflict
- **Creativity, Self-reliance & Adaptability**
- Restless with the status quo
- Able to adapt & change
- Not afraid of conflicts, failure

- **Motivation to Excel**
- Goal & result oriented
- Driven to achieve & grow

Importance of inclusive enconomic institutions

- Inclusive economic institution is essential to the development of entrepreneurship.
- Without inclusive economic institution, entrepreneurial environment will be weakened or demolished.

Inclusive & extractive economic institutions: **Institutions:**

- Institutions are the rules of the game in a society or, more formally, are the humanly devised constraints that shape human interaction (Douglass C. North, 1990)

* Institutions are determined by individuals as members of a society
* Institutions place constraints on behavior
* Institutions shape behavior by determining incentives

- 1) Different societies typically have different institutions, 2) These different institutions create different types of incentives, 3) The incentives help determine the degree to which societies accumulate the factors of production and adopt new technology.

Inclusive & extractive economic institutions

- **Economic Institutions:**
- property right, judicial system, financial arrangements, regulations about entry to new business or new occupations
- **Inclusive Economic Institutions:**
- Strong private property protection, fair law and order, protected private contracts, free entry, motivation-driven achievements …
- **Extractive Economic Institutions:**
- Weak private property protection, unfair law and order, abused private contracts, entry barriers, order-driven achievements
- Extractive economic institutions are related with concentration of political power in the hands of the political elite to extract resources from the rest of society and put little constraint on how political power can be used.
- Former Soviet Republics, Myanmar, Pakistan, Argentina, Guatemala, Peru,D.R. Congo, Egypt, Kenya, North Korea…

BLOCKING THE RAILWAYS In $19^{th}$ CENTURE

- In 1860, UK 9,073 miles, Germany 6,890 miles, USA 30,626 miles
- Russia and Austro-Hungary did not invest in railways.

Russia and Austro-Hungary were afraid of political creative destruction.

- Emperor Francis I of Austro-Hungary

opposed to industrialization and railways, which would undermine his power.

- Emperor Nikolai I (1825-1855) of Russia thought railways would bring workers complaint and instability.
- Internet is still curtailed or suppressed to control dissension and maintain political power.

***Andrea Peraldo(Italy)*** *– PIXEL Accociazione,*
*Senior European Project Manager,*

## FUNDING AND TRAINING OPPORTUNITIES TO RAISE BUSINESS AND ENTREPRENEURSHIP IN DIGITAL ECONOMY

With reference to Andrea' presentation, please find below few sentences summarizing up the main idea of his intervention:

Digitalization has rapidly developed in the last decades.

The capabilities of digital networks and devices are much greater today, and many new technologies and services have been developed and become pervasive.

Indeed, digitalization and frontier technologies created both new opportunities for doing business and new challenges and risks.

In terms of opportunities the rapid circulations of information accelerates knowledge sharing, removes barriers and optimize routine procedures and processes promoting efficiency.

In terms of risks digitalisation may produce inequitable distribution of benefits, might lead to job losses, growing income inequality, greater concentration of market power and wealth and raise legal, regulatory and ethical challenges.

On the basis of Pixel experience, we identified three possible ways to reply to the challenges related to the widespread of digital economy as far as business and entrepreneurship are concerned:

• Direct access to funding opportunities
• Investment in training
• Networking, internationalization and sharing of good practices

***Жумағулов А.Э.*** *– ТДЮУ, доц. в.в.б., (PhD)*

## РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ХХР ВЕНЧУР ИНВЕСТИЦИЯЛАР ҚОНУНЧИЛИГИ ТАҲЛИЛИ

Ўзбекистонда электрон тижорат тизимини ривожлантириш шароитида ҳал қилиниши керак бўлган бир қанча вазифалар мавжуд бўлиб, улардан бири, бу хорижий интернет-дўконларидан товарларни етказиб бериш вақтини қисқартириш ва бизнинг интернет дўконлардан хорижга юборилаётган товарларнинг ўтказилишини енгиллатиш лозим бўлади. Хусусан, бу борада халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда, “махсус”  божхона омборхоналарини

яратиш ва улар фаолиятини тўлиқ автоматлаштириш ҳам кенг қулайлик туғдирар эди. Бунинг учун Ўзбекистон, Туркманистон, Тожикистон, Қозоғистон ва яқин келажакда Афғонистон бозорларига йўналтирилган бонд зоналарини яратиш мумкин. Бу эса, Ўзбекистоннинг қўшни давлатлар билан трансчегаравий савдо алоқаларининг янада ривожланишига, яратилажак божхона “бонд зоналари” электрон тижорат орқали жўнатилаётган товарларнинг етказилиб берилишининг тезлашишига ва мижозлар учун қулайликларнинг янада ортишига имконият яратади. Шу билан бирга, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган товарларнинг ҳам электрон тижорат йўли билан бошқа давлатларга жўнатиш йўлларининг механизмларини ишлаб чиқиш лозим бўлади. Бу масалаларни мутахассислар иштирокида синчковлик билан ўрганиб чиқиш ва лозим бўлганда мавжуд норматив ҳужжатларга тузатишлар киритиш орқали амалга ошириш мумкин.

Яқин келажакда жаҳон савдо айланмаси тез, қулай ва арзон бўлган электрон тижорат тизимига тўлиқ ўтишга ҳозирлик кўряпти ва уни ўзига тўлиқ мослаштирган, қулайлик ва афзалликларидан кенг фойдаланаётган мамлакатлар катта имкониятларга эга бўлиши, жуда кўплаб аҳолининг иш билан таъминланиши кўзланяпти. Мамлакатимизда электрон тижоратни ривожлантириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бўлиб қолмоқда ва уни янада тараққий эттириш йўлларини излаб топиш, амалиётга татбиқ этиш муҳим вазифалардан бирига айланиши учун барча имкониятларни ишга солишимиз зарур бўлади.

***Yusupov R.A.** – OBM, bo‘lim boshlig‘i, i.f.n., dots.*

## O‘ZBEKISTONNING “BIZNESNI YURITISH” REYTINGIDAGI ISHBILARMONLIK MUHITI SIFAT KO‘RSATKISHLARINING TAHLILI VA UNI YANADA YAXSHILASHGA QARATILGAN SHORA-TADBIRLAR

Mamlakatimiz Prezidenti Sh.M.Mirziyoev 2017-2021-yillarda O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishlari bo‘yisha Harakatlar Strategiyasida “kishik biznes va xususiy tadbirkorlikni keng rivojlantirish ushun qulay ishbilarmonlik muhitini yaratish, tadbirkorlik tuzilmalarining faoliyatiga davlat, nazorat va huquqni muhofaza qiluvshi organlarning noqonuniy aralashuvini qat’iy oldini olish” lozimligi to‘g‘risida alohida to‘xtalib o‘tgan edi.

Shuningdek, Prezidentimizning 2019-yilda amalga oshirilgan asosiy ishlar yakuni va O‘zbekiston Respublikasini 2020-yilda ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishning eng ustuvor yo‘nalishlariga bag‘ishlangan murojaatnomasida “Jahon bankining “Biznes yuritish” reytingida 7 pog‘ona ko‘tarilib, biznesni ro‘yxatga olish ko‘rsatkishi bo‘yisha dunyoning 190 ta davlati orasida 8-o‘rinni egalladik va eng yaxshi islohotshi davlatlar qatoridan joy oldik”, deb alohida ta’kidlab o‘tilgan.

“Biznes yuritish (Doing Busines)”, bu – kishik va o‘rta biznesning ishbilarmonlik faolligini yaxshilaydigan yoki sheklaydigan qonunshilikni baholaydigan yillik hisobot. Birinshi hisobot 2003 yilda nashr etilgan bo‘lib, “Biznesni yuritish-2020” (Doing Business 2020) yillik hisobotlar seriyasining 17-nashri hisoblanadi.

2019-yil davomida Jahon bankining “Doing Business” xalqaro reytingida respublikamizning o‘rnini yaxshilashga qaratilgan tadbirlarni amalga oshirish orqali quyidagi natijalarga erishildi (1-jadval).

Jahon bankining “Biznesni yuritish-2020” (Doing Business 2020) guruhi 190 davlat o‘rtasida o‘tkazgan yillik reytingida O‘zbekiston 2019-yil yakuni bo‘yisha 69,9 ball to‘plab, 69-o‘rinni egalladi. O‘tgan yilgi reytingga nisbatan mamlakatimiz 7 pozitsiya yuqoriga ko‘tarilgan. Shu nuqtai nazardan qaraganda o‘tgan yilgi va hozirgi vaqtdagi baholashlarda qanday omillar ustivor bo‘lganligi kishida ma’lum bir qiziqish uyg‘otmoqda.

“Biznesni yuritish-2019” (Doing Business 2019) hisoboti o‘tgan yilning 31-oktyabrida e’lon qilindi. Bir yil avval O‘zbekiston 190 davlat orasida 67,4 ballni qo‘lga kiritib, 76-o‘rinni egallagan. Bu esa o‘tgan yilgi ko‘rsatkishga nisbatan 1,08 ball ko‘proqdir.

**1-jadval**

**2016-2020-yillarda “Biznesni yuritish” reytingi ishbilarmonlik muhiti sifat ko‘rsatkishlari bo‘yisha O‘zbekistonning egallagan o‘rni**

| **Ko‘rsatkishlar** | **DB-2020** | **DB-2019** | **DB-2018** | **DB-2017** | **DB-2016** | **Reytingdagi o‘zgarish** | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | **2020 yilda 2019 yilga nisbatan** | **2019 yilda 2018 yilga nisbatan** | **2018 yilda 2017 yilga nisbatan** | **2017 yilda 2016 yilga nisbatan** |
| **Biznesni yuritishning umumiy reytingi** | 69 | 76 | 74 | 87 | 87 | +7 | -2 | +13 | - |
| **Korxonalarni ro‘yxatdan o‘tkazish** | 8 | 12 | 11 | 25 | 42 | +4 | -1 | +14 | +17 |
| **Qurilish ushun ruxsatnomalarni olish** | 132 | 134 | 135 | 147 | 151 | +2 | +1 | +12 | +4 |
| **Elektr ta’minoti tizimiga ulanish** | 36 | 35 | 27 | 83 | 112 | -1 | -8 | +56 | +29 |
| **Mulkni ro‘yxatga olish** | 72 | 71 | 73 | 75 | 87 | -1 | +2 | +2 | +12 |
| **Kredit olish** | 67 | 60 | 55 | 44 | 42 | -7 | -5 | -11 | -2 |
| **Minoritar investorlarni himoya qilish** | 37 | 64 | 62 | 70 | 88 | +27 | -2 | +8 | +18 |
| **Soliqqa tortish** | 69 | 64 | 78 | 138 | 115 | -5 | +14 | +60 | -23 |
| **Xalqaro savdo** | 152 | 165 | 168 | 165 | 159 | +13 | +3 | -3 | -6 |
| **Shartnomalarning bajarilishini ta’minlash** | 22 | 41 | 39 | 38 | 32 | +19 | -2 | -1 | -6 |
| **To‘lov qobiliyatsizligini hal qilish** | 100 | 87 | 72 | 77 | 75 | -13 | -15 | +5 | -2 |

O‘zbekiston “To‘lov qobiliyatsizligini hal qilish” indikatoridan tashqari reytingning deyarli barsha ko‘rsatkishlari bo‘yisha ko‘rsatkishlarni yaxshiladi.

O‘tgan yili ish sharoitlarini yaxshilash ko‘rsatkishlari deyarli barsha ko‘rsatkishlar bo‘yisha qayd etildi, kreditlar olish va shartnomalar bajarilishini ta’minlash bundan mustasno. Jahon banki tahlilshilarining ta’kidlashisha, o‘tgan yili xalqaro savdo, minoritar investorlarni himoya qilish va soliqqa tortish ko‘rsatkishlari bo‘yisha eng sezilarli o‘zgarishlar kuzatilgan.

“Qulay ishbilarmonlik muhiti qashshoqlik darajasining pastligi bilan bog‘liq bo‘lib, normativ tartibga solish samaradorligining yaxshilanishi esa tadbirkorlikni, startaplarni, innovasiyalarni rivojlantirishga, shuningdek, kredit va investitsiyalarni jalb qilishga olib kelishi mumkin”, – deb ta’kidlaydi Jahon banki.

**2-jadval**

**“Biznes yuritish-2020” bo‘yisha sobiq ittifoq davlatlari reytingi**

| T/r | Mamlakatlar | Jahondagi o‘rni |
|---|---|---|
| 1. | Gruziya | 7 |
| 2. | Litva | 11 |
| 3. | Estoniya | 18 |
| 4. | Latviya | 19 |
| 5. | Qozog‘iston | 25 |
| 6. | Rossiya | 28 |
| 7. | Ozarbayjon | 34 |
| 8. | Armaniston | 47 |
| 9. | Moldova | 48 |
| 10. | Belarusiya | 49 |
| 11. | Ukraina | 64 |
| 12. | O‘zbekiston | 69 |
| 13. | Qirg‘iziston | 80 |
| 14. | Tojikiston | 106 |

2-jadval ma’lumotlaridan shuni anglash mumkinki, “Biznes yuritish-2020” bo‘yisha sobiq ittifoq davlatlari reytingida O‘zbekiston 12-o‘rinda turgani, hali mamlakatimizda investitsiya muhitini yaxshilash borasida bir qator muammolar mavjudligidan dalolat beradi. Bu borada O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoevning 2019-yilda amalga oshirilgan asosiy ishlar yakuni va O‘zbekiston Respublikasini 2020-yilda ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishning eng ustuvor yo‘nalishlariga bag‘ishlangan murojaatnomasida “Islohotlarimizga jiddiy to‘sqinlik qilayotgan «yashirin iqtisodiyot”ga barham berilmas ekan, sog‘lom raqobat ham, qulay investitsiya muhiti ham shakllanmaydi” deb alohida ta’kidlab o‘tilgan edi.

O‘zbekistonning “Doing Business” xalqaro reytingidagi o‘rnini yaxshilashga qaratilgan quyidagi shora-tadbirlarni amalga oshirish maqsadga muvofiq.

birinshidan, tadbirkorlik sub’ektlari ushun to‘siqlarsiz kredit olishni ta’minlash;

ikkinshidan, qarzdorlar va kreditorlarning ta’minlangan bitimlar bo‘yisha huquqlarini kengaytirish, kredit ma’lumoti almashinuvi mexanizmlarini takomillashtirish;

ushinshidan, shartnomaviy majburiyatlarning bajarilishini ta’minlashning huquqiy mexanizmlarini takomillashtirish;

to‘rtinshidan, to‘lovga qobiliyatsizlikni hal qilish masalalarini takomillashtirish;

beshinshidan, elektr ta'minotiga ulanish tizimini takomillashtirish;

oltinshidan, qurilishga ruxsat olish jarayonini soddalashtirish va boshqalar.

“Biznes yuritish” hisobotida mamlakatimiz ko‘rsatkishlarini yaxshilash bo‘yisha aniq shora-tadbirlar O‘zbekiston Respublikasi Prezidentning 2018-yil 21-sentyabrdagi “2019-2021-yillarda O‘zbekiston Respublikasini innovasion rivojlantirish strategiyasini tasdiqlash to‘g‘risida”gi PF-5544-son Farmonida ham belgilab berildi .

## Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “O‘zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo‘yisha Harakatlar strategiyasi to‘g‘risida” gi 2017-yil 7-fevraldagi PF-4947-sonli Farmoni. - https:// www.lex.uz/
2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.Mirziyoevning 2020-yil ushun mo‘ljallangan eng muhim ustuvor vazifalar haqidagi Oliy Majlisga Murojaatnomasi. - https://uza.uz/oz/politiss/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020
3. Doing Business. Otsenka biznes regulirovaniya. - http://russian.doingbusiness.org/
4. https://review.uz/oz/post/ot-doing-business-2019-k-doing-business-2020
5. https://www.gazeta.uz/uz/2019/10/24/doing-business/

***Ашурова Ш.А.*** *– ОБМ, (PhD), доц.*

# ЭЛЕКТРОННАЯ КОММЕРЦИЯ

Глобальный Интернет сделал электронную торговлю доступной для предприятий любого размера. Если раньше организация электронного обмена данными требовала значительных вложений в коммуникационную инфраструктуру и была доступна только крупным компаниям, то сегодня использование Интернета позволяет пополнить ряды электронных торговцев и небольших фирм. Витрина во всемирной паутине дает любой компании возможность привлекать клиентов со всего мира.

Такой онлайн-бизнес создает новый канал продаж - виртуальный, практически не требующий материальных вложений. Если информация, услуги или продукты могут быть доставлены через Интернет, то весь процесс продаж, включая оплату, может происходить через Интернет.

Электронная коммерция

Обычно под электронной коммерцией понимается продажа товаров и услуг через Интернет. Электронная коммерция - это расширение обычного ведения бизнеса через Интернет. Таким образом, электронная коммерция не ограничивается актом покупки и продажи через Интернет. Можно сказать больше, организация надежных как для клиента, так и для продавца денежных расчетов в сети, имеющая достаточную законодательную базу, является наиболее важной и сложной задачей электронной коммерции в настоящее время.

Процесс продажи товаров и услуг обычно подразделяется на маркетинг, рекламу и продажу, концепции, которые, конечно, взаимосвязаны и взаимозависимы, но все же не сводятся друг к другу. Маркетинг - это то, что делается для привлечения потенциальных потребителей и клиентов и рассказывания им о предлагаемых продуктах и услугах. Реклама - это часть маркетинга, это рассказ о компании и о том, что она предлагает. Продажа - это следующий шаг к заключению сделки с потребителем или покупателем.

Веб-страница в Интернете может быть помощником на всех этапах бизнес-цикла. Создание привлекательного имиджа упрощает получение кредита в банке и позволяет снизить проценты. Интерактивная веб-страница предоставляет информацию для определения нужных продуктов и услуг для потенциальных покупателей в данный момент, позволяет поддерживать интерес постоянных клиентов и проводить целевые и, следовательно, более дешевые рекламные кампании. На заключительном этапе бизнес-цикла веб-страница позволяет вам указать, где, когда и на каких условиях вы можете покупать товары и услуги. Таким образом, если не учитывать производственный цикл, электронная коммерция сводится к следующим моментам:

- продвижение бренда
- размещение рекламы, рекламные услуги
- служба поддержки
- исследования рынка
- прямой маркетинг
- онлайн-продажи

Разновидности электронной коммерции

Сегодня существует огромное количество различных типов электронной коммерции. Продажа товаров, предоставление разнообразных рекламных, туристических, медицинских, банковских услуг, обмен информацией, брокерские операции -это лишь небольшая часть списка, который можно было бы составить, если бы нашей целью было перечисление всех видов интернет-торговли. Однако есть несколько устоявшихся категорий, в которые попадает электронная коммерция. Как правило, такое разграничение проводится по целевой группе потребителей.

Диаграмма B2B или бизнес-бизнес

Принцип такого взаимодействия очень прост: предприятие торгует с другим предприятием. B2B - одно из самых перспективных и активно развивающихся направлений электронной коммерции на сегодняшний день. Интернет-платформы позволяют значительно упростить транзакции на всех этапах, сделать торговлю более эффективной и прозрачной. Часто в таких случаях представитель стороны клиента имеет возможность интерактивно контролировать процесс выполнения заказа, работая с базами данных продавца. Примером сделки B2B является продажа шаблонов веб-сайтов компаниям для последующего использования в качестве основы для дизайна собственного веб-ресурса компании. Конечно, это включает в себя любые взаимодействия,

связанные с оптовыми поставками товаров или аналогичным выполнением заказов.

Схема B2C или бизнес для потребителя

В этом случае компания торгует напрямую с клиентом (не с юридическим, а с физическим лицом). Как правило, речь идет о розничной продаже товаров. Для клиента такой способ совершения коммерческой сделки позволяет упростить и ускорить процедуру покупки. Ему не нужно идти в магазин, чтобы выбрать желаемый товар: достаточно просмотреть характеристики на сайте поставщика, выбрать желаемую конфигурацию и заказать товар с доставкой. Для продавца возможности Интернета позволяют быстрее отслеживать спрос (в дополнение к экономии на помещениях и персонале). Примерами такого типа торговли являются традиционные интернет-магазины, ориентированные на целевую группу прямых потребителей товаров.

Самые популярные виды электронной коммерции

Интернет-магазины, продающие широкий спектр товаров, по-прежнему являются одним из самых распространенных и стабильных методов электронной коммерции. Но, в то же время, набирают популярность и другие разновидности. В последнее время довольно привлекательным для предпринимателей стал метод сбора микроплатежей. На сайтах, где используется такая система, за очень небольшую сумму пользователь может получить для безраздельного пользования определенную программу, скачать музыку, фильмы или книги. Достойная рентабельность достигается за счет значительного количества посетителей таких ресурсов.

Не забывайте про рекламу в Интернете. Для большинства владельцев бизнеса глобальная сеть - это, прежде всего, большая рекламная площадка с очень привлекательными возможностями. Таким образом, размещение и правильная подача информации о компании в сети сегодня остается прибыльным делом и будет оставаться таковой еще надолго.

Еще один вид электронной коммерции, который быстро набирает обороты, - это интернет-банкинг. Речь идет не только о взаимодействии клиента с настоящим банком через браузер, но и о финансовых учреждениях, полностью основанных на виртуальной основе. Такие банки стали возможны только с появлением систем Интернет-кошельков с электронной валютой. Эта область также включает в себя множество обменных сервисов, которые позволяют вам обменивать одни виртуальные деньги на другие за определенный процент.

Следующий довольно популярный вид торговли через Интернет - это продажа информации. Сюда входят платные сайты знакомств, обмены удаленной работой, различные базы данных и социальные сети. Как правило, такие сервисы либо предлагают пользователю зарегистрироваться на определенную сумму, либо взимают плату за доступ к определенной информации и некоторым бонусам.

Влияние развития электронной коммерции на экономику

На первом этапе развития электронной коммерции не сетевая экономика влияла на реальную экономику, а наоборот. Поэтому сейчас платежные карты

стали основным методом расчетов между физическими лицами и продавцами товаров в сети Интернет. Дело в том, что у западного покупателя принято использовать платежную карту при покупке по почте или телефону. Если бы для оплаты было принято использовать, например, чеки, то теперь платежи через Интернет выглядели бы иначе.

Однако электронный бизнес - это глобальное явление как в концептуальном, так и в практическом плане. Влияние электронной коммерции на экономику началось и скоро станет повсеместным, затронув как бизнес, так и общество в целом. Для компаний, которые полностью используют свой потенциал, электронная коммерция предлагает возможность радикальных изменений, которые изменяют потребности клиентов до такой степени, что трансформируют рынок или создают совершенно новые рынки. Все остальные компании, включая те, которые пытаются игнорировать новые технологии, впоследствии почувствуют влияние этих рыночных изменений и новых требований клиентов. Отдельные члены общества также получат совершенно новые возможности для покупки товаров и услуг, доступа к информации и взаимодействия с правительством. Выбор будет широким и свободным от географических и временных ограничений.

Прогнозируются быстрые темпы роста товарооборота за счет развития электронной коммерции для различных сфер экономической деятельности. Причина столь быстрого роста количественных и качественных показателей традиционных отраслей кроется в ключевых особенностях систем электронного бизнеса. Электронная коммерция позволяет поставщикам и клиентам в равной степени использовать новые возможности с добавленной стоимостью.

**Список литературы**


1. Нигматуллина Г.Ф. Российский рынок B2B: состояние и тенденции развития. - Региональный рынок товаров народного потребления: особенности и перспективы развития, качество и безопасность товаров и услуг: сб. научный. тр. - Тюмень: ТюмГНГУ, 2008.
2. Нигматуллина Г.Ф. Социомониторинг состояния электронной коммерции в регионе. - // Новости высших учебных заведений. Социология. Экономика. Политика, 3.2007 - Тюмень: ТюмГНГУ, 2009.
3. Перов А. В. Электронная коммерция - Москва, 2007.
4. Зайцева А. А. Электронная коммерция, преимущества и недостатки. - Москва 2015.



***Кайтаров В.Р.*** *– ОБМ, таянч доктарант*


## РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИНГ АҲАМИЯТИ ВА ИҚТИСОДИЙ ЎСИШГА ТАЪСИРИ

Рақамли иқтисодиёт - бу нолдан бошлаб яратилиши лозим бўлган қандайдир бошқача иқтисодиёт эмас. Бу янги технологиялар, платформалар ва

бизнес моделлари яратиш ва уларни кундалик ҳаётга жорий этиш орқали мавжуд иқтисодиётни янгича тизимга кўчириш деганидир.

Ўзбекистонда сўнги йилларда миллий иқтисодиётни модернизация қилиш бўйича олиб борилаётган кенг қамровли ислохатлар доирасида мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти ва давлат бошқаруви тизимига рақамли технологияларни жорий этиш борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-60-сонли “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармонида рақамли иқтисодиётни асосий «драйвер» соҳага айлантириб, унинг ҳажмини камида 2,5 баравар оширишга, иқтисодиётнинг реал секторида ҳамда молия ва банк соҳаларида ишлаб чиқариш ва операцион жараёнларни рақамлаштириш даражасини 2026 йил якунига қадар 70 фоизгача ошириш, дастурий маҳсулотлар индустрияси ҳажмини 5 баравар, уларнинг экспортини эса 10 баравар ошириб, 500 миллион АҚШ долларига етказиш устувор вазифалар сифатида белгилаб берилган[1].

Рақамли иқтисодиётнинг мамлакат иқтисодиётига таъсири ялпи унинг ички маҳсулотидаги улуши билан белгиланади. Статистик маълумотларга кўра, рақамли иқтисодиётнинг мамлакатлар ялпи ички маҳсулотидаги улуши АҚШда 10,9 фоиз, Хитойда 10 фоиз, Ҳиндистонда 5,5 фоизини ташкил этади. “Vouchercloud” портали тадқиқотчилари дунёдаги “энг ақлли” 25 давлат рўйхатини эълон қилди. Ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, биринчи ўринни Япония эгаллаган. Кунчиқар юрт тадқиқотнинг асосий кўрсаткичлари — Нобель мукофоти лауреатлари сони, аҳолининг ўртача IQ (ақл-заковат) даражаси, мактаблардаги ўзлаштириш кўрсаткич бўйича ҳам энг юқори баҳога сазовор бўлди.

Кейинги ўринлардан Швейцария, Хитой, АҚШ ва Нидерландия жой олди. Хитой аҳоли ақл-заковат даражаси юқори бўлгани учун учинчи ўринни олган бўлса, АҚШга тўртинчи ўринда жойлашишига Нобель мукофоти лауреатлари сони ёрдам берди. Жанубий Корея, Тайвань ва Сингапур билимли (ақл-заковатли) ёшлар сони бўйича етакчи ўринларда, аммо фақатгина Нобель мукофоти лауреатлари сони камлиги сабабли рейтингда юқорида жойлаша олмади.

“McKinsey” экспертларининг баҳолаши бўйича, бугунги кунда жаҳон ЯИМнинг қарийб 10 фоизи рақамли активларга тўғри келади, шу билан бирга, уларни ишлаб чиқиш суръати жаҳон иқтисодий ўсишининг 30 фоизига тенг. Рақамли активларнинг ривожланиши акселератор (тезлаштирувчи) ҳаракатига ўхшайди.

Сўнгги йиллар давомида рақамли иқтисодиётни ривожлантиришга қаратилган кўпгина чора-тадбирлар дунё миқёсида амалга оширилмоқда. Бу орқали мамлакатлар яшаш фаровонлигини яхшилашни мақсад қилишган. Хусусан, Ўзбекистонда ҳам бу борада амалга оширилаётган ислоҳотлар салмоқли аҳамиятга эга. Бунда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони

йил 21 ноябрдаги ПҚ-4022-сонли "Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида рақамли инфратузилмани янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"1ги қарори қонуний асос қилиб олинган. Бундан ташқари, 2020 - йилга "Илм маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили" деб ном берилиши ҳам бежизга эмас.

Рақамли иқтисодиётнинг мамлакат учун асосий афзаллик ва имкониятлари:

1. Яширин иқтисодиётни йўқ қилишда ёрдам беради: Келишувлар рақамли тизим орқали амалга оширилса, уларни осонгина кузатиб бориш мумкин. Исталган мижоз томонидан амалга оширилган ҳар қандай тўлов қайд этилади. Шу тарзда, ноқонуний битимларни амалга ошириш учун ҳеч қандай восита бўлмайди. Накд пул операцияларини чеклаш ва фақат рақамли тизимга солинган тўловлардан фойдаланиш орқали мамлакат яширин иқтисодиётни самарали равишда сиқиб чиқариши мумкин.

2. Даромадларнинг кўпайишига сабаб бўлади: Бу рақамли иқтисодиётнинг энг аниқ ва кенг тарқалган афзалликларидан биридир. Транзаксиялар рақамлаштирилганда, савдо ва солиқ тўловларини кузатиш қулай бўлади. Ҳар бир транзаксия қайд этилганлиги сабабли, харидорлар харид учун ҳисоб варағини оладилар ва сотувчилар сотишдан солиқ тўловини ҳукуматга тўлашларига тўғри келади. Бу, ўз навбатида, давлат даромадларини кўпайтиради ва натижада мамлакатнинг молиявий аҳволи ўсишига олиб келади.

3. Инсонларга имконият беради: Рақамли иқтисодиётга ўтишнинг энг катта афзалликларидан бири бу фуқароларга имконият яратишидир. Тўловлар рақамли ҳолга келганда, ҳар бир киши банк ҳисоб рақамига мобил қурилмалари орқали боғланади. Бу эса, ҳукумат субсидияларини инсонларнинг тўғридан-тўғри банк ҳисоб рақамларига ўтказиш жараёнини осонлаштиради.

4. Электрон бошқарувга йўл очади: анъанавий бошқарувга алтернатив бўлган тез, хавфсиз ва самарали электрон бошқарув рақамли иқтисодиётнинг якуний натижаси ҳисобланади. Рақамли иқтисодиёт барча давлат хизматлари электрон кўринишда амалга ошириладиган электрон бошқарувга йўл очади.

Янги иш ўринларини яратишга хизмат қилади: Рақамли иқтисодиёт янги бозорларда иш ўринларини кўпайтириш, шунингдек ҳукуматдаги мавжуд касбларнинг айримларида бандликни ошириш учун жуда кўп имкониятларга эга. Шу тарзда, мамлакатда ишсизлик даражаси пасайишига ижобий таъсир этади.

Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида очиқлик, халқаро иқтисодий-сиёсий алоқаларнинг ривожланиши юртимизда саноат тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш имкониятларини юзага чиқарди. Бунга мамлакатимиз ташқи савдо ҳажмининг ўсишини мисол қилиб келтириш мумкин. “Электрон ҳукумат”, “электрон бошқарув”, “телекоммуникация”, “интернет”, “веб-сайт” каби юзлаб иборалар ҳаётимизнинг ажралмас бўлагига айланди. IT кундалик ҳаётимизнинг барча соҳасини қамраб олмоқда.

[1] Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида рақамли инфратузилмани янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, №ПҚ-4022, 21.11.2018 й. www.lex.uz

Яна бир муҳим жиҳат — мамлакатимизда аҳоли энг кўп тўқнаш келаётган соҳаларни рақамлаштириш, одамларнинг оғирини енгил қилишга устуворлик қаратиляпти. Жумладан, соғлиқни сақлаш, кадастр, ижтимоий ҳимоя, қишлоқ хўжалиги, таълим йўналишларини рақамлаштириш бўйича амалий жараёнлар бошланди ва тез орада ўзининг ижобий самараларини беради.

Рақамли иқтисодиёт жамиятда муайян ўзгаришларни юзага келтиради, хусусан, унинг меҳнат шароитларига таъсири сезиларли бўлади. Рақамли трансформация шароитида автоматлаштириш жараёнларининг кучайиши, сунъий интеллект, улкан маълумотлар билан ишлайдиган аналитик тизимлар, роботлардан фойдаланиш кўламининг ортиши меҳнат ресурслари учун ўринбосар бўлиб хизмат қилади. Натижада бизнес юритиш шароитлари такомиллашиб ва самарадорлик сезиларли даражада ортади.

Юқорида такидлангандек рақамли иқтисодиёт жуда кўп афзаллик ва имкониятларга эга. Бу тўловларнинг нархини пасайтиради ва янги даромад манбаларини очади. Онлайн хизмат кўрсатиш харажатлари анъанавий иқтисодиётга қараганда анча паст ва хизматларнинг ўзлари ҳам ижтимоий ҳам тижорат жиҳатидан анча арзонроқдир. Таклиф этилаётган маҳсулот истеъмолчининг янги истаклари ёки эҳтиёжларини қондириш учун дарҳол ўзгартирилиши мумкин. Рақамли иқтисод ҳар хил ахборот, таълим, илмий соҳадаги янгиликларни тез, сифатли ва қулай тарзда тақдим этади.

Шунингдек, хулоса ўрнида қуйидагиларни келтиришни лозим деб ҳисоблаймиз. Рақобабардошликнинг пастлиги. Мамлакатимизда интернет провайдерлари ҳам, дастурий таъминот компаниялари ҳам саноқли. Уларнинг тақдим этаётган хизматлари ва уларнинг нархлари ҳам бир-бирига жуда яқин. Фойдаланувчилар сони кўп бўлмагандан кейин таклиф этувчиларнинг ҳам маҳсулотлари хилма-хил бўлмайди.

Рақамли иқтисодий тизимни ривожлантириш учун рақобатни кучайтириш лозим. Бунинг учун рақамли иқтисодиёт инфратузилмасини давлат томонидан ташкилий, молиявий ва ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш лозим. Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бошқа мамлакатлар каби, Ўзбекистон учун ҳам унинг дунё миқёсидаги рақобатбардошлигини белгилаб берадиган стратегик аҳамиятга молик масалалардан бири ҳисобланади. Шуни ҳам тан олиш керакки, Ўзбекистонга бугунги кунда мақбул келадиган тадбир қисқа даврда – биринчи навбатда, технологик ортда қолишдан қутулишдир. Ҳозирда эса мамлакатимизда зарур миқдордаги тўлақонли иқтисодиёт субъектлари йўқлиги туфайли етук ва тўлақонли рақамли иқтисодиётни ўз-ўзидан шакллантириш учун шарт-шароитлар йўқ.

Бу эса давлатимизга рақамли иқтисодиётнинг ривожланишини учун шарт-шароитлар яратиш, уни энг керакли соҳаларга йўналтириш ва бу жараённи имконият даражасида рағбатлантириш зарурлиги демакдир. Миллий иқтисодиётимизнинг яна бир муҳим ажралиб турадиган жиҳати шундаки, ЯИМ асосий қисми давлат корпорациялари (ёки давлат иштироки улуши катта бўлган компаниялар) томонидан яратилади. Ишлаб чиқаришнинг кўплаб тармоқларида

давлат иштирокидаги ўйинчилар бозорнинг 80%гача бўлган қисмини ташкил қилиши мумкин.

Бундай шароитларда профилли вазирликлар ёки давлат корпорациялари раҳбарлиги остида индустриал рақамли платформалар яратиш энг оқилона қадам бўлиб ҳисобланади. Бундай платформалар рақамли иқтисодиётнинг тез ривожланиши ва унга мос келувчи технологияларнинг кенг тарқалиши учун зарур инфратузилма базисини яратади.

***Алимов Б.Б.*** *– ОБМ, кафедра проф.в.б., и.ф.ф.д.(PhD)*

## АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ СОҲАСИДАГИ ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИҲАЛАР

Инвестицион лойиҳаларни самарали амалга ошириш орқали ривожланган бозор иқтисодиётини барпо этиш билан боғлиқ кўпгина вазифалар ҳал этилади, унинг муваффақиятли амалга оширилишини таъминлаш инвестиция фаолияти юритилишининг зарур инвестиция муҳитини яратишни ва уни тобора қулайлаштириб боришни талаб қилади.

2019 йилги Инвестиция дастурига 16,6 миллиард АҚШ долларилик 3 мингдан зиёд лойиҳа киритилган. Бу 2018 йилдагига нисбатан 16 фоиз кўпдир[1].

Инвестицион лойиҳа келишилган муддатларда аниқ мақсадларга эришиш ҳамда режалаштирилган натижаларни олиш учун аниқ миқдордаги ресурсларни (интеллектуал, молиявий, моддий) қўйишни, жойлаштиришни кўзда тутувчи тадбирлардир йиғиндисидир. Шу билан бирга, инвестиция лойиҳа, ресурслар ва муайян вақт билан чекланади ҳамда қўйилган мақсадга эришишни кўзда тутади[2].

Инвестиция лойиҳалари даври концепцияси лойиҳаларни таснифлашни, уларни бошқариш зарурлигини назарда тутади. Лойиҳаларни бошқариш услубияти "лойиҳа даври концепцияси" ва "лойиҳа таҳлили" кўринишларида кенг тарқалган. Ушбу концепциялар инвестицияларнинг мазмун ва моҳиятидан келиб чиққан ҳолда пул оқимларининг вақтли қиймати концепцияси асосида ташкил этилади.

Лойиҳаларнинг кўлами, тузулма, ресурслари, қиймати ва бошқаларга қараб уларни бошқаришнинг махсус усулларига эҳтиёж ортиб боради. Бошқариш аслида қўйилган мақсадларга эришиш вазифасини, лойиҳани амалга ошириш муаммоларини бартараф қилиш, ҳуқуқлар ва масъулиятларни жамлаш вазифаларини кўзлайди.

Инвестицион лойиҳаларни бошқариш инвестицияларни бошқариш билан боғлиқ бўлиб, инвестиция менежментининг мақсади кўпроқ фойда келтирувчи ва камроқ рискка эга бўлган инвестицияларни, инвестиция лойиҳаларини танлашдан иборатдир[3].

Инвестиция лойиҳасида белгиланган натижаларга бажариладиган ишлар

---

[1] www.stat.uz (Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси)

[2] Бочаров В.В. Методы финансирования инвестиционной деятельности предприятий. -М.: Финансь и статистика, 2016. - 42 с.

[3] Узоқов А., Носиров Э, Саидов Р., Султанов М. Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ва уларнинг мониторинги. Ўқув қўлланма. -Т.: Иқтисод-молия, 2016. 27- б.

таркиби, ҳажми, қиймати, сифати ва лойиҳа иштирокчилари манфаатлари таъминланиши бўйича эришиш учун бошқарувнинг замонавий усуллари, техника ва технологиясидан фойдаланиш йўли билан лойиҳа мақсадларига самарали эришишга йўналтирилган лойиҳа даври оралиғида меҳнат, молиявий ва моддий-техникавий ресурсларни режалаштириш, ташкил этиш, бошқариш ва мувофиқлаштириш методологиясига инвестицион лойиҳаларни бошқариш дейилади.

Инвестицион лойиҳаларни бошқариш ва унинг сифатини оширишда назоратнинг ўрни ва аҳамияти бениҳоя катта. Назоратни фақатгина корхонага зарар келтирувчи, фаолиятни чекловчи ва ўзини қатъий қоидаларга бўйсунишга мажбурловчи деб тушуниш бошқарув фаолиятининг муҳим жабҳаси - лойиҳадаги мақсадларни амалга оширишни бой беришдир. Назорат шундай жараёнки, бунда лойиҳа раҳбари ундаги қўйилган мақсадлар рўёбга чиқишини таъминлайди, унга тўсиқ бўлувчи сабабларни белгилайди.

Инвестицион лойиҳаларни бошқариш лойиҳавий тадқиқотлардан бошланади, яъни инвестициялаш бўйича қарорлар қабул қилиш чекланган имкониятлар билан боғлиқ ва шунинг учун чекланган ресурслардан фойдаланишнинг кўплаб муқобил вариантларидан энг самаралисини танлашни талаб қилади. Бунда инвестицион лойиҳаларни бошқаришнинг марказий майдонини лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш эгаллайди.

Хорижий инвестицион лойиҳаларга бир назар ташласак:

**1. Қўшма Интернет харидлари лойиҳаси.**

Лойиҳанинг номи: Биргаликда харидларни амалга ошириш учун Интернет майдони яратиш лойиҳаси;

Ҳужжат тури: бизнес-режа, шу жумладан жамоавий харидлар ва онлайн тижорат бозорининг умумий кўриниши;

Лойиҳа бюджети: 112,9 миллион рубл;

Саноат: Интернет, савдо;

Молиялаштириш манбалари: хусусий инвесторларнинг маблағлари;

Лойиҳанинг мақсади: молиялаштириш тузилмасини ҳисобга олмаган ҳолда лойиҳанинг тижорат самарадорлигини асослаш;

Йўналиш: тижорат;

Қизиқарли фойдаланувчилар: хусусий инвесторлар;

Лойиҳанинг хусусиятлари: қўшма харидлар ҳар ой тобора оммалашиб бормоқда: уларнинг иштирокчилари ва ташкилотчилари сони тез суръатлар билан ўсиб бормоқда. Буни ижтимоий тармоқларда қўшма харидларнинг янги ҳамжамиятлари қанчалик тез-тез пайдо бўлиши ва ушбу жамоалардаги иштирокчилар сонига қараб баҳолаш мумкин. 2011 йил ноябр ойида "ВКонтакте" ижтимоий тармоғи 5 тадан кўп бўлмаган қўшма харидлар гуруҳидан иборат бўлса, 2012 йил январ ойида бу кўрсаткич 50 тага, март ойида эса 3700 тага кўтарилди. Иштирокчилар сони, қоида тариқасида, 500 дан 3000 кишигача. бир гуруҳ, баъзан 10 000 дан ошди. Таклиф этилаётган хизмат қўшма харидлар бўйича ортиб бораётган талабни қондиришдаги бўшлиқни тўлдириш учун мўлжалланган. Бу харидларни ташкил қилиш учун оддий ва қулай хизмат

бўлиб, маҳсулот каталогларини бошқариш, буюртмаларни кузатиш ва мижозлар билан мулоқот қилишни осонлаштиради. Энди буюртмаларни автоматик равишда ҳисоблаш, шунингдек, етказиб берувчидан буюртма бериш ва иштирокчиларга тарқатиш учун товарлар рўйхатини яратиш мумкин, бу ташкилотчининг вақтини сезиларли даражада тежайди, яъни бу айланмани кўпайтириш ва мумкин бўлганидан кўра кўпроқ фойда олиш имконини беради.

**2. Мобил тўлов хизматини ташкил этиш ва ривожлантириш бўйича инвестиция лойиҳаси.**

Лойиҳа номи: “Check-n-Pay” мобил тўлов хизматини жаҳон бозорида ташкил этиш ва илгари суриш бўйича инвестиция лойиҳаси.

Иш тури: инвестиция лойиҳасини ишлаб чиқиш

Иш тузилиши: маркетинг тадқиқотлари ҳисоботи; хизматни яратиш харажатларининг лойиҳадан олдинги ҳисоб-китоблари; технологик ечимларни асослаш; лойиҳанинг динамик молиявий модели; инвестиция лойиҳасининг бизнес-режаси.

Саноат: Ахборот технологиялари

Инвестициялар ҳажми: 14 658 939 АҚШ доллар

Лойиҳа мижози: Digital Grass Group

Лойиҳани амалга ошириш ҳудуди: Россия, Европа, Осиё, араб мамлакатлари, Шимолий ва Жанубий Америка

Лойиҳа йўналишлари: Check-n-Pay мобил тўлов хизматини тақдим этиш - фойдаланувчиларнинг мобил қурилмалари ёрдамида барча товарлар ва хизматлар учун тўловларни тўлашнинг қулай усули.

Қизиққан фойдаланувчилар: лойиҳа ташаббускори ҳамда лойиҳа ташаббускори ҳамкорлари.

Лойиҳа иқтисодиёти: лойиҳани амалга ошириш учун инвестициялар 9 729 112 АҚШ долларини ташкил этади; қарзга олинган маблағлар миқдори - 5 651 631 АҚШ доллари; инвестиция харажатлари - 729,112 АҚШ доллари; айланма активларни молиялаштириш - 4 922 519 АҚШ доллари.

Тижорат самарадорлиги:

- NPV (соф ҳозирги қиймат) -66 210 290 доллар;
- IRR (ички даромад даражаси) - 90%;
- PBP (қайтарилиш муддати) - 5,4 йил;
- DPBP (дисконтланган тўлов муддати) - 6,2 йил;
- Бюджет самарадорлиги: солиқ имтиёзларини ҳисобга олган ҳолда барча даражадаги бюджетларга жами солиқ тўловлари 98 507 804 долларни ташкил этади;
- Ижтимоий самарадорлик: 55 та иш ўрни яратиш режалаштирилган.

Лойиҳанинг муҳим параметрларининг сезгирлик таҳлили шуни кўрсатадики, комиссиялар нархининг ўзгариши лойиҳа самарадорлиги кўрсаткичларини кескин ёмонлаштириши мумкин.

Маркетинг муҳити: Лойиҳа доирасида нақд пулсиз, электрон ва мобил тўловлар бозорлари таҳлил қилинди. Дунёда электрон тўлов операциялари сони қарийб 29,9 миллиард донани ташкил этади. 2013 йилда ўсиш 19% га

баҳоланмоқда, аммо яқин келажакда бозор тўйинганлиги сабабли ўсиш суръатлари 17% гача пасайиши кутилмоқда. Россия электрон тўловлар бозори ҳали тўйинганликдан узоқдир. Бундан ташқари, Россия бозорида смартфонларнинг кириб бориш даражаси анча яхши - Россия Федерацияси аҳолисининг қарийб 36 фоизи смартфонларга эга.

Тадқиқот доирасида онлайн тўловларни қабул қилиш бозори ҳам кўриб чиқилди. Ушбу бозорнинг асосий иштирокчилари банклар, процессинг марказлари ва тўлов агрегаторларидир. Онлайн тўловларни қабул қилишнинг турли технологиялари ҳам кўриб чиқилади: NFC технологияси, мобил оператор тўловлари, мобил ҳамёнлар, Visa ва MasterCard контаксиз карталари, mPOS-эквайринг.

Истеъмолчи таҳлили нуқтаи назаридан, Check-n-Pay хизматидан фойдаланиш энг мақбул ва қулай бўлган ички ва жаҳон бозорлари кўриб чиқилди ва баҳоланди: уй-жой коммунал хизматлари, пуллик телевидение ва Интернет билан таъминлаш, суғурта бозори, курерлик етказиб бериш , онлайн тижорат, пуллик таълим ва тиббий хизматлар.

Бугунги кунда инновацион молиявий муҳит кўплаб янги лойиҳалар ва стартаплар билан тавсифланади. Ривожланишнинг энг машҳур йўналишлари - м-пос-эквайринг ва мобил ҳамёнлар сегментлари. Бироқ, пайдо бўлаётган лойиҳаларнинг кўплигига қарамай, Check-n-Pay лойиҳасининг тўғридан-тўғри аналоглари деярли йўқ. Check-n-Pay хизматининг ўзига хос хусусияти - олувчи томонидан тўловларни бошлаш. Хизмат якуний тўловчига ҳисоб-китоб қилиш функциясини амалга оширади.

Check-n-Pay хизматини ривожлантириш ва тарғиб қилиш бўйича ишнинг мақсадли йўналишлари қуйидагилардир: Россияда электрон тўлов хизматлари бозорида компаниянинг улушини ошириш; дунё минтақаларида электрон тўлов хизматлари бозорларига чиқиш; дунё минтақаларида электрон тўлов хизматлари бозорида компания улушини ошириш; янги тўлов воситалари, янги тўловларни қабул қилиш қурилмалари хизматига уланиш.

Технологик ечимлар ва хизмат кўрсатишни ташкил этиш: Check-n-Pay хизматининг ишлаши учун технологик схема тузилди; хизматнинг ишлаши учун дастурий таъминотни ишлаб чиқиш харажатлари ҳисоблаб чиқилган, космик ва ишлаб чиқариш объектларига бўлган эҳтиёж; хизмат кўрсатишнинг жорий қиймати аниқланади; керакли иш ҳақи фонди учун ҳисоб-китоблар амалга оширилди.

Лойиҳанинг ўзига хос хусусиятлари:

Ушбу лойиҳа, лойиҳа ташаббускорининг ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштиришни, шунингдек, молиялаштиришни жалб қилишни назарда тутади. Лойиҳа ташаббускори жалб қилинган молиялаштириш манбаи сифатида венчур фондини белгилади.

Лойиҳа компания қийматининг қийматларини ва инвестор улушининг қийматини режалаштириш даврида йиллар бўйича аниқлади.

**3. Овозли микроблогларни ривожлантириш.**

Лойиҳа номи: Овозли микроблог форматида ижтимоий тармоқни

ривожлантириш лойиҳаси.

Ҳужжат тури: бизнес-режа, шу жумладан ижтимоий медиа бозорини ўрганиш.

Лойиҳа бюджети: 47,62 миллион рубл.

Саноат: Интернет;

Молиялаштириш манбалари: хусусий инвесторларнинг маблағлари.

Лойиҳанинг мақсади: бошқа ижтимоий медиа ресурсларига нисбатан бир қатор рақобатдош устунликларга ва ноёб имкониятларга эга бўлган янги алоқа формати сифатида овозли микроблогнинг пайдо бўлиши ғоясини малакали жойлаштириш ва ривожлантириш;

Йўналиш: тижорат;

Қизиқишли фойдаланувчилар: хусусий бизнес вакиллари - потенциал инвесторлар;

Лойиҳанинг хусусиятлари: хизматнинг ўзига хос хусусиятлари (анъанавий матн формати ўрнига овозли хабарларни ёзиб олиш) сизга максимал қулайлик билан блог юритиш, қизиқарли мавзулар бўйича Интернет ҳамжамиятининг фикрларини тинглаш, блогосфера овозига қўшилиш ёки алтернатива билан бўлишиш имконини беради. воқеалар кўриниши. Қулайликдан ташқари, хизмат матнли блогларга нисбатан яна бир қанча афзалликларга эга. Биринчидан, бу блогга нафақат мажозий маънода, балки том маънода ҳам ўз овозини бериш ва ҳис-туйғуларни тўғридан-тўғри ифодалаш, кулгичлар ва бошқалар каби ёрдамчи усуллар ёрдамида эмас. Иккинчидан, овозли хабарлар сизга долзарб мавзулардаги мунозараларда қатнашиш эффектини яратишга имкон беради. Ҳозирги вақтда турли хил ижтимоий Интернет-лойиҳаларнинг жадал ривожланиши шароитида жуда муҳим НПВ, ИРР кўрсаткичлари ва қисқа муддатли тўлов муддати бизнес-режа ва молиявий моделнинг ўзига хос хусусиятига айланди.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 17 февралдаги “Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида”ги Қонуни.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 26-мақсад.

3. Бочаров В.В. Методы финансирования инвестиционной деятельности предприятий. -М.: Финансь и статистика, 2016. - 42 с.

4. Узоқов А., Носиров Э, Саидов Р., Султанов М. Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ва уларнинг мониторинги. Ўқув қўлланма. -Т.: Иқтисод-молия, 2016. 27- б.

5. www.stat.uz (Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси).

***Раҳимов Ф.Х.*** - *ЎзР. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги бўлими бошлиғи, т.ф.д., доц.*
***Ибодова Д.И.*** - *ЎзР. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, бош мутахассиси*

# РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК РАҚОБАТБАРДОШЛИГИ

Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш аксарият иқтисодий жиҳатдан ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар, шунингдек, Ўзбекистонда ҳам давлат сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади.

Рақамли иқтисодиёт, унга асосланган фаолият билан боғлиқ қарашлар, рақамли иқтисодиётнинг таркибий қисмлари ҳамда назарий жиҳатларига оид қатор илмий изланишлар натижаларидан маълум.

Илмий тадқиқотлар шарҳи кўрсатишича рақамли технологияларнинг жадал ривожланиши, уларнинг анъанавий бизнесга кириб бориши, рақамли маҳсулот ва хизматларнинг янги турларини пайдо бўлиши, онлайн-каналлардан оммавий фойдаланиш, бизнес-жараёнларни қайта қуриш, бизнес-моделларни трансформациясига, маркетинг тизимини бошқариш ҳамда истеъмолчи хатти-ҳаракатларини ўзгаришига олиб келади.

Ривожланган мамлакатлардаги каби Республикамизда ҳам ижтимоий-иқтисодий соҳаларига инновацион ишланмалар, шу жумладан, рақамли технологияларни жорий этилиши иқтисодий ривожланишни янги босқичга кўтаришда муҳим аҳамият касб этади. Буни мамлакатимизда “Тадбиркор” ахборот тизимини жорий этиш орқали мутасадди ташкилот ва идоралар, тадбиркорлик субъектлари учун қатор қулайликлар яратилишида ҳам кўришимиз мумкин:

тадбиркорлик субъектлари томонидан тижорат банкларининг кредитлари бўйича кафиллик, шунингдек, фоиз харажатларини қоплаш учун компенсация олиш мақсадида онлайн буюртманомалар топшириш;

топширилган буюртманомаларнинг Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан тезкор онлайн кўриб чиқиш;

тижорат банкларининг кредитлари бўйича, электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда, кафиллик, шунингдек, фоиз харажатларини қоплаш учун компенсация бериш тўғрисида электрон шартномалар тузиш;

тижорат банклари ва уларнинг мижозларига Жамғарманинг расмий веб-сайти ва SMS-хабарнома орқали реал вақт режимида буюртмаларни кўриб чиқиш ва уларнинг ижроси ҳолатини кузатиш.

Шунингдек, бизнес муҳитини мониторинг қилиш, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини баҳолаш, лицензия ва рухсатномалар олиш жараёнини янада такомиллаштириш, бюрократик тўсиқлар ва коррупцион ҳолатларга барҳам бериш мақсадида соддалаштирилган сўровномалар ўтказиш тизими ишга туширилган.

Бундан ташқари, республика туман ва шаҳарларидаги бозорларда ижтимоий аҳамиятга эга асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари нархларини ҳафталик, шунингдек, “Қўйлиқ улгуржи деҳқон бозори”даги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва “Эски Жува Чорсу” деҳқон бозоридаги гўшт маҳсулотларининг кунлик нархларини мониторинг қилиш тизимлари жорий этилган.

Қолаверса, давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларини интеграция қилиш орқали мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таҳлил қилиш, келгусида прогнозлаштириш имконини берувчи “Маълумотларни бошқариш” ахборот тизими ишлаб чиқилган.

Тошкент шаҳрининг геопорталини жорий этиш тажрибаси доирасида “Рақамли Тошкент” вазиятлар маркази ишга туширилган. “Рақамли Тошкент” комплекс тизими учун етарли даражада серверлар ва технологиялар билан таъминланган алоҳида маълумотлар маркази (“Data center”) қурилган, геопорталнинг лицензияли дастурий платформаси жорий этилган.

Юқоридаги каби ижобий жараёнлар Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятларда хизматларни бошқариш, ижтимоий соҳа объектлари, ишлаб чиқариш, йўл транспорт, коммунал инфратузилма каби 40 дан ортиқ соҳалар бўйича маълумотларнинг интеграциялашган ахборот муҳитини ташкил этиш орқали реал вақт режимида маълумотларнинг таҳлилини юритиш ва тезкор қарорларни қабул қилиш мақсадида геопорталларни ташкил этишга оид “йўл харита” ишлаб чиқилган.

Иқтисодиёт тармоқларида фаолият кўрсатаётган корхоналар, шу жумладан кичик бизнес субъектлари сони 2019-йилда 323 517 та ва 262 930 та, 2020-йилда 398 133 та ва 334 767 та, 2021-йилда 475 197 та ва 411 203 тани ташкил этган (1-расм).




**1-расм. 2019-2021 йилларда фаолият юритаётган корхоналар ва кичик бизнес субъектлари сони**

Кичик бизнес субъектларининг ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ҳажмида улуши 2021 йилда 54,9 фоизни ташкил этган.

Республикамиз иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш борасидаги тизимли ишлар туфайли барча корхоналар, жумладан кичик бизнес субъектлари

ҳажмидаги инновацион фаолият юритаётган корхоналар сони ошди, яъни мос равишда 2019-йилда 3916 та 2033 та, 2020-йилда 6771 та ва 2599 тани, 2021-йилда эса 3974 та ва 3875 тани ташкил этган.




**2-расм. 2019-2021 йилларда инновацион фаолият юритаётган корхоналар, кичик бизнес субъектлари**

2021-йилда 2020-йилга нисбатан инновацион корхоналар 58,7%га камайиш кузатилган бўлсада, улар ҳажмидаги кичик бизнес субъектлари сони 149,1 фоизга ўсиш кузатилган.

2021-йилда ЯИМ ҳажми жорий нархларда 734 587,7 млрд. сўмни ташкил этди ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 7%га ўсди. ЯИМ дефлятор индекси ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 113,6% ни ташкил этди.

Ўз кучи билан ишлаб чиқарилган инновацион маҳсулотлар, ишлар, хизматлар ҳажми 2020-йилда 31 142,7 млрд.сўмни, 2019-йилнинг мос даврига нисбатан 116%га ўсиш кузатилган, 2021-йилда 27 378,6 млрд.сўмни ташкил этиб, 2020-йилга нисбатан 87,8%ни ташкил этган, бу ўз навбатида пандемия шароитини инновацион корхона ва кичик бизнес субъектларига таъсири билан изоҳланади (3-расм).




**3-расм. 2019-2021 йилларда инновацион фаолият юритаётган корхоналарда ишлаб чиқарилган инновацион маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар ҳажми, млрд.сўм.**

2021-йилда жами **3936** та технологик инновациялар жорий қилинган бўлиб, шундан **3035** таси маҳсулотлар, **901** таси жараёнлар, **145** таси маркетинг, **67** таси ташкилий инновациялар ва 17 таси ташкилий моделларни ташкил этган.

2020-йилда технологик, маркетинг ва ташкилий инновацияларга харажатлар молиялаштириш манбалари бўйича жами 6,8 трлн.сўмни ёки мос равишда 2019-йилга нисбатан 3,5%га, 2021-йилда эса 17,6 трлн.сўмни ташкил этиб, 2020 йилга нисбатан 2 мартага ортган. Ижобий ўзгариш сифатида тижорат банкларининг кредитлари ёрдамида 2020-йилда 971 млрд.сўм, 2021-йилда 806,7 млрд.сўм маблағ молиялаштирилганини кузатиш мумкин.

2021-йил мобайнида республика бўйича 255 та ташкилотда иқтисодий фаолият турлари бўйича илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмалари бажарилган. Жумладан, касбий, илмий ва техник фаолиятда 177 та, таълимда 67 та, ишлаб чиқариш саноатида 11 та (4-расм).




**4-расм. 2019-2021 йилларда иқтисодий фаолият турлари бўйича илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмалари**

Шунингдек, инновацион фаолият, рақамли ва “яшил” иқтисодиёт омиллари, қўшимча қиймат ва янги иш ўринлари яратиш билан боғлиқ ёндашувларга асосланиб, тегишли давлат бошқаруви, қонунчилик ва ижро органлари билан ҳамкорликда Ўзбекистоннинг маҳаллий корхоналарини дунёнинг Топ брендлари рўйхатига киритиш ва бунда “Brand Finance” компаниясининг хизматларини жалб қилиш, ҳудудлар, соҳаларни (шу соҳа компонентларини инобатга олиб) комплекс ривожлантириш борасида ишлар олиб борилмоқда.

Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг рақобатбардошлигини ошириш рақамли технологиялар (рақамли платформалар, сунъий интеллект, ахборот технологиялари) асосида янги услубларни трансформация (digital transformation) этишни тақазо этмоқда.

Рақамли тадбиркорликни ривожлантиришга катта эҳтиёж мавжуд, чунки рақамли технологиялар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари учун харажатларни мақбуллаштириш, рақобатбардошлигини ошириш, савдо алоқаларини кенгайтириш, хизматлар сифатини ошириш ҳамда янги бозорларни ўзлаштириш имкониятларини яратади.

**Хулоса қилиб айтганда**, рақамли технологиялар иқтисодиётни барқарорлаштиришда муҳим аҳамиятга эга. Шу боис ривожланаётган мамлакатлар, жумладан Ўзбекистон Республикаси учун ҳам рақамлаштириш ва рақамли трансформация асосий устувор вазифа ҳисобланади.

Бунда, рақамли иқтисодиётни ривожлантириш учун қуйидагиларга эътибор қаратиш таклиф этилади:

дастурий таъминот, аппарат таъминоти, телекоммуникациялар ва бошқаларни ўз ичига олган инфратузилмани такомиллаштириш;

янги бизнес моделлар, илмий ва ижтимоий тармоқларни ривожлантиришни жадаллаштириш;

рақамли инфратузилманинг ишончлилиги ва хавфсизлигини таъминлаш;

хавф-хатарларни олдиндан баҳолаш ва уларни бартараф этиш чораларини кўриш;

рақамли иқтисодиёт йўналишида кадрлар салоҳиятини ошириш;

рақамли технологиялар ишлаб чиқаришни жадаллаштириш.

Шу билан биргаликда, рақамли иқтисодиёт шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадаллаштириш, бунда инсон капиталидан фойдаланиш, ижтимоий-иқтисодий соҳалар ривожига ижобий таъсирини кўчайтириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, устувор бошқариш дастурларини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш имкониятларини кенгайтириш ўта долзарб вазифадир.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати**


1. Евроосиё иқтисодий комиссияси глоссарийси [Электрон ресурс] // *www.eurasiancommission.org/ru/act/dmi/workgroup/Pages/glossary.aspx* (чоп этилган сана 27.07.2019 й.)
2. Дудин М.Н. “Хизмат кўрсатиш ва савдо соҳасида рақамли тадбиркорлик: моҳияти, мақсадлари, иқтисодий фойдани баҳолаш / М.Н. Дудин, З.К. Омарова // ma123.ru/ru/journal/ (чоп этилган сана 27.07.2019).
3. www.patent-kravets.ru/about/tekstymoix-zhurnalnyx-statej-opublikovannyx-v-2010-2014-godax/intellektualnayasobstvennost-i-konkurenciya-2/ (чоп этилган 27.07.2019).
4. Д.И.Ибодова, Ф.Х.Рахимов. Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш устуворликлари ва истиқболлари. Иқтисодиёт: таҳлиллар ва прогнозлар. 2022, №3(19). 172-176-бетлар.
5. Ю.С.Қўчқоров, Ф.Х.Рахимов. Инновацион корхона ва кичик бизнес субъектларининг пандемия шароитидаги фаолияти тенденциялари. Иқтисодиёт: таҳлиллар ва прогнозлар. 2021, №3(14). 90-96-бетлар.
6. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2019, 2020, 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг илмий-техникавий салоҳияти ва инновациялар ривожланишининг асосий маълумотлари.



***Бутабаев М.Ш.*** *– Центра исследований АУГА РУз, к.ф.-м.н.*


## МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ ВОПРОСЫ ОЦЕНКИ УРОВНЯ ВНЕДРЕНИЯ ПРАВИЛ КОРПОРАТИВНОГО УПРАВЛЕНИЯ

Дальнейшее углубление процессов развития современной экономической системы Узбекистана связывается с финансовым укреплением крупных

акционерных предприятий и банков через их структурную трансформацию и внедрения принципов корпоративного управления. Одним из шагов в данном направлении стало утверждение Правил корпоративного управления в предприятиях с государственным участием (далее – Правила), разработанное при техническом содействии АБР [1]. Правила были разработаны в соответствии с Руководящими принципами Организации экономического сотрудничества и развития по корпоративному управлению (2015г.) для предприятий с государственным участием, и внедрены в практику ряда акционерных обществ с государственным участием. Правила состоят из свода 44 пунктов Правил, объединенных в 7 разделов. Большинство пунктов закрепляют требования по выполнению определенных действий, установлению определенного положения или недопущению совершения определенных действий в предприятии с государственным участием. В тоже самое время представляется недостаточным только принятие и внедрение Правил. По-видимому, необходимо также разработать некоторую методологию оценки уровня внедрения этих Правил на местах. Для этого можно использовать некоторые полезные свойства существующих методик оценки уровня корпоративного управления компаний.

В мировой практике существуют несколько общепризнанных систем оценки уровня корпоративного управления наиболее авторитетных рейтинговых агентств. Наиболее известным из них является Рейтинг корпоративного управления GAMMA компании Standard and Poor's. Рейтинг GAMMA выявляет относительно положительные и отрицательные стороны корпоративного управления определенной компании. Целью данного рейтинга является сравнительный анализ соответствия действующей практики корпоративного управлени компании общепризнанным стандартам, в особенности принципам корпоративного управления ОЭСР [2]. Другими наиболее известными рейтинговыми системами являются рейтинговая система компании GMI, основывающаяся на сопоставлении характеристик корпоративного управления компаний, и состоящий из 600 базовых показателей, которые объеденены в семь основных категорий, и методология определения Коэффициента CGQ (Corporate Governance Quotient) разработанного ISS (Institutional Shareholder Services), в котором учитываются не только структура корпоративного управления компании, но и оценивается его рыночные позиции. Данный коэффициент выражается в процентах (от 0 до 100%) и определяется восмью основными группами, включающих в себя 61 показатель.

Система рейтинговой оценки эффективности совета директоров разработанная TCL (The Corporate Library) и именуемая как Board Analyst оценивает корпоративное управление компании, а также взаимные отношения между советом директоров, менеджментом компании и его акционерами, и имеет шкалу оценки от “A” до “F”. Рейтинговые услуги Deminor оказываются компанией Deminor Rating SA, ведущую свою деятельность в качестве прокси консультанта и агентства рейтинга корпоративного управления. Методология данной системы основывается на оценке около 300 показателей корпоративного управления, распределяемые на четыре категорий: права и обязанности

акционеров, масштабность средств защиты против поглощений, раскрытие информации по корпоративному управлению, структура и функции совета директоров.

Исходя из вышеизложенного предлагается следующая методология оценки уровня внедрения Правил. Методология основывается на оформлении таблицы оценки, в которой каждая строка содержит номер параметра Методологии, содержание контрольного пункта Правил, оценку уровня соблюдения и комментарии, оформляемые по необходимости в соответствии с следующей таблицей:

**Таблица 1**

**оценки уровня соблюдения Правил корпоративного управления в предприятиях с государственным участием в_____________________**

| Код аспекта | Контрольный пункт Правил | Оценка уровня соблюдения пункта | Коммен-тарии |
|---|---|---|---|
| *(Код)* | *(Оцениваемый пункт Правил)* | | |
| ... | ... | | |
| | Всего баллов | | |
| | Количество оцениваемых аспектов | | |
| | Итоговый средний балл оценки | | |

Оценка каждого аспекта соблюдения Правил производится в соответствие с следующей шкалой:

«0» – фактическое состояние предприятия или совершаемые действия не соответствуют требованиям пункта Правил.

«0,5» – фактическое состояние предприятия или совершаемые действия частично соответствуют требованиям пункта Правил.

«1» – фактическое состояние предприятия или совершаемые действия полностью соответствуют требованиям пункта Правил.

«1,5» –фактическое состояние предприятия или совершаемые действия полностью соответствуют требованиям пункта Правил, и кроме того практика корпоративного управления по данному аспекту более прогрессивна чем минимальные требования пункта Правил.

«2» – практика корпоративного управления по данному аспекту настолько прогрессивна чем минимальные требования пункта Правил, что может быть рекомендована для внедрения в Правила как улучшенный пункт или отдельный пункт Правил.

Итоги оценки по каждому аспекту суммируются и усредняются по формуле:

$$\textbf{ИОСП} = \sum \textbf{ОАСПП} / \textbf{ОКА}$$

где ИОСП – интегральная оценка соблюдения Правил,

ОАСПП – оценка аспекта соблюдения пункта Правил,

ОКА – общее количество аспектов.

Ожидается, что результат оценки предприятия будет иметь значение в интервале от «0» до 1, и в редких позитивных случаях выше, чем 1.

Оценивание производится только по актуальным для предприятия аспектам. При неприменимости некоторых аспектов оценки, оценки не производятся, а средняя рассчитывается за вычетом их количества от общего количества аспектов (ОКА).

Таким образом, данная Методология позволяет:

- экспертно оценить уровень соблюдения предприятием требования Правил;

- выявить недостатки практики корпоративного управления в предприятии и дать соответствующие рекомендации;

- дать обратную связь с практикой, с возможностью получить важные рекомендации по совершенствованию и дополнению самих Правил.

В дальнейшем итоговый балл оценки можно умножить на 100% и оценивать уровень внедрения Правил в акционерной компании по следующей шкале:

0-25% - Правила не внедрялись в практику АО;

25-50% - плохой уровень внедрения Правил;

50-75% - средний уровень внедрения Правил;

75-100% - хороший уровень внедрения Правил.

Вышеприведенное краткое изложение методологии оценки уровня внедрения корпоративного управления составляет один из направлений разработок Центра исследований проблем приватизации и управления государственными активами АУГА РУз. Центр выражает заинтересованность в участии реализации проектов в данной сфере в качестве разработчика методологической базы и готовность сотрудничать с заинтересованными сторонами.

**Список использованной литературы**

1. Правила корпоративного управления в предприятиях с государственным участием. Одобрен протоколом заседания Комиссии по повышению эффективности деятельности акционерных обществ и совершенствованию системы корпоративного управления от 20 апреля 2018 года № 15.
2. https://topreytings.ru/reyting-korporativnogo-upravleniya-gamma/.

***Кайтаров В.Р.*** *– ОБМ, таянч доктарант*

## РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ РИВОЖЛАНИШИНИНГ БАНК ТРАНСФОРМАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИГА ТАЪСИРИ

Мамлакатимизда бугунги кунда рақамли технологиялар иқтисодиётимизнинг барча тармоқларига жадал кириб бормоқда. Рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши банк тизимида турли тўлов хизматларини етказиб берувчилар ўртасида рақобат муҳитининг шаклланиши ва кучайиши, чакана тўловлар бўйича транзакцион харажатларнинг қисқариб бориши, шунингдек, тўловларни амалга оширишда молиявий институтларнинг воситачиликни талаб

этмайдиган инновацион ва жозибадор тўлов воситаларининг жорий қилинишини тақозо этмоқда.

Бугунги кунда республикамизда рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши натижасида, тижорат банкларининг янги инновацион электрон хизматларига талаби янада ортган. Аҳоли ўртасида банк биносига бормасдан, биргина телефон, компьютер ёки бошқа информацион технологиялар оркали кўплаб амалиётларни бажариш имконияти оммалашиб бормоқда.

Шунингдек, танланган банкнинг мобил иловаси ёки расмий сайтига кириб, керакли маълумотни олиш, турли тўловларни амалга ошириш, буюртма бериш ва шикоят ёки эътирозлар йўллаш мумкин.

Ҳозирда электрон базага жамланган ахборотларнинг рақамлаштирилганлиги натижасида авваллари маълум муддат кутишга тўғри келадиган банк амалиётларини бир неча сонияда ўтказиш имконини берувчи дастурлар, қурилмалар яратилган. Ҳаётимизга ахборот-коммуникация технологияларининг мана шундай шиддат билан кириб келиши жахон хўжалик алоқаларининг глобаллашувини, товар ва хизматлар, шу жумладан, молиявий хизматларни етказиб берувчилар бозорида рақобатни кескин кучайтириб юборди. Банк тизимида замон талабларига мос ҳолда ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш ва шу орқали кўплаб банк хизматларини автоматлаштириш ишлари жадаллашган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 - 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш Стратегияси тўғрисида”ги ПФ-5992-сонли фармонида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, тижорат банкларининг бизнес жараёнларини автоматлаштириш ва масофавий банк хизматлари турларини кенгайтириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида тижорат банкларини корпоратив трансформация килиш жараёнида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш соҳасида асосий вазифалар белгилаб олинган:

- ➢ масофавий банк хизматлари, шу жумладан, контактсиз тўловлар сони ва қамровини кенгайтириш;
- ➢ автоматлаштирилган скоринг тизими, ракамли идентификациялаш ва кредит конвейерларидан кенг фойдаланиш;
- ➢ банк маълумотлари ва тизимларининг ахборот хавфсизлигини кучайтириш;
- ➢ банк соҳасидаги янги концепция ва технологияларни кенг жорий этиш (финтех, ракамли банк).

Бу вазифаларни амалга оширишдан кўзланган мақсад республикамизда ракамли иқтисодиётни ривожлантириш асносида ахолининг молиявий ва хуқуқий саводхонлигини ошириш, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги интеграциясини жадаллаштиришдан иборат.

Маълумки, банкларни рақамлаштириш жараёни банк ва мижоз ўртасидаги муносабатларни рақамли ахборот-коммуникация технологиялари асосида барпо этиш ҳисобланади. Бу жараёнда банк мижозларига молиявий хизматлар қулай,

сифатли хамда тезкор равишда амалга оширилиши, операцион харажатларни камайишида муҳим аҳамият касб этади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили Ўзбекистон банк тизимида сўнгги йилларда банк хизматларининг сифати ва кўламини ошириш бўйича қатор ишлар амалга оширилди. Лекин жаҳонда бўлаётган ўзгаришлар, глобаллашув жараёни, рақобатбардошликни ҳаддан зиёд ривожланиши, тижорат банкларининг трансформация жараёнини янада фаоллаштириш, мижаозларга кўрсатилаётган банк хизматларини янги босқичга олиб чиқиш заруратини юзага келтиради.

Бу борада Президентимиз Ш.М. Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномада, “2021 йилда стратегик аҳамиятга эга бўлган 32 та йирик корхона ва тармоқни трансформация қилиш ишлари амалга оширилади. Банклар фаолиятига рақамли технологияларни кенг жорий этиш эътиборимиз марказида бўлади. 2021 йилда “Саноатқурилишбанк”, “Асака банк”, “Ипотека банк”, “Алоқа банк”, “Турон банк” ҳамда “Қишлоқ қурилиш банк”ни хусусийлаштиришга тайёрлаймиз. Камида битта йирик банкдаги давлат улуши стратегик инвесторларга тўлиқ сотилади.

Бу борада етакчи Европа банклари билан музокаралар олиб борилмоқда». “Яна бир жиддий камчилик шуки, рақамли технологияларни кенг жорий этиш ҳисобидан ходимлар сони ва иш жараёнларини оптималлаштириш чоралари кўрилмаётганлигидир » деб таъкидлаб ўтганлар.

Рақамли трансформацияга бир қатор иқтисодчи олимлар ўз таърифларини берганлар. Жумладан, хорижлик иқтисодчилар Т.Аблязов, В.Асаул нинг фикрича, рақамли трансформация жараёни мавжуд бизнес моделларини такомиллаштириш, шунингдек, иш самарадорлигини ошириш учун рақамли технологиялардан фойдаланишни англатади. Ушбу жараён инновацион технологияларни доимий равишда жорий қилишни ўз ичига олади, бу бутун иқтисодиётни тўлиқ рақамли ўзгартиришга олиб келади.

Россиялик иқтисодчи олим Вадим Аркадьевич Кощеев, молиявий секторни ривожлантириш нуқтаи назаридан рақамли трансформация янги иш муҳитини шакллантирувчи бизнесни юритишнинг амалий усулларини такомиллаштириш сифатида ўрганилади деб ҳисоблайди.

Таниқли ўзбекистонлик иқтисодчи олим, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати, иқтисод фанлари доктори, профессор. Н.Х.Жумаев “Рақамли иқтисодиётда IT ёрдамида таннархни камайтиришга, натижада оптималлашувга ва самарадорлик ошишига эришилади.

Рақамли иқтисодиётда замонавий илмий ёндашувлар ва инновациялар муҳим ҳамда устувор аҳамиятга эга бўлади. Бунда илмий сиғимкорлик юқори бўлган тармоқлар равнақ топишини таъкидлайди.

Биз юқорида келтирилган фикрларга қўшилган холда банк сохасида рақамли трансформацияни ривожлантириш мижозлар эҳтиёжларини синчковлик билан ўрганиш ва мавжуд имкониятларни таҳлил қилиш орқали, мижозга йўналтирилган янги инновацион стратегияни ишлаб чиқиш орқали амалга оширилиши керак деб ҳисоблаймиз.

Республикамизда сўнгги 4 йилда банк тизимини трансформация қилиш ҳамда ривожлантириш бўйича тўғридан-тўғри таъсирга эга мақбул қарор ва фармонлар қабул қилинди: «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги қонун (янги таҳрирда); «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонун (янги таҳрирда); «Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида»ги қонун; “Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чоратадбирлар тўғрисида”ги (ПФ-5177-сон, 02.09.2017); “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (ПҚ-3270-сон, 12.09.2017); “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида” (ПФ-5992, 12.05.2020) фармонлар.

Мазкур қарор ва фармонларнинг қабул қилиниши натижасида валюта бозори либераллаштирилиши ҳисобига нақд пул билан боғлиқ муаммолар ечилди, банкоматлар инфратузилмаси ҳамда замонавий тўлов тизимларини жорий этишга шароит яратди, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари учун банк хизматларидан фойдаланиш имкониятлари кенгайди, мижозлар билан ишлаш тизими ўзгармоқда, замонавий банк хизматлари турлари кўпайтирилди ва рақамлаштирилмоқда, банкларни аҳолига янада яқинлаштириш ва қулайликлар яратиш мақсадида банк хизматлари марказлари ташкил этилмоқда.

Бу борадаги жараёнларни кенгайтириш мақсадида 12 май 2020 йилдаги ПФ5992-сонли “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси Банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги Президент фармонига мувофиқ жорий йилдан бошлаб, банклар трансформация жараёнлари ўтказилиши белгилаб қўйилган. Фармонга мувофиқ замонавий технологияларни жорий қилиш, контакциз тўловлар сони ва қамровини кенгайтириш, автоматлаштирилган скоринг тизими, рақамли идентификациялаш, кредит конвейеридан кенг фойдаланиш, рақамли банкнинг тамойилларига асосланган бизнес-моделларини жорий этиш белгиланди, шунингдек, Ўзбекистонда биринчи рақамли “АнорБанк” ташкил қилиниб, ўз фаолиятини 2021 йилдан бошлади.

Фикримизча, рақамли иқтисодиётнинг ривожланишини банк молиявий хизматларидаги ривожлантириш мақсадида қуйидаги масалаларни ҳал этиш лозим:

- банклар иқтисодиётнинг локомотиви вазифасини янада ривожлантириб илдамланган ҳаракатга ўтиши ва молиявий хизматларни рақобат устунликлари, ихтисослашуви ва ўсиш нуқталарини инобатга олган холда, шакллантириши ва амалга ошириш керак;

- банклар тижорат ташкилоти эканлиги, энг аввало, тижорий мақсадни кўзлаши ҳамда бозор механизмлари асосида иш ташкил этилиши лозим.;

-банкларнинг асосий фаолиятидан ташқарида бўлган вазифаларни бажариши каби ҳолатларини олдини олиш зарур. Натижада, рақамли иқтисодиётни ривожлантириш ва унда банк масофавий хизматларини янада кенгайтириш мамлакатимиз аҳоли турмуш даражасини ошриш, иқтисодиёт

тармоқларининг шаффоф фаолиятини йўлга қўйишга ҳамда ахборот технологиялардан кенг фойдаланиш имкониятини оширади.

**Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 - 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш Стратегияси тўғрисида”ги ПФ-5992-сонли фармони. 12.05.2020. https://lex.uz/docs/4811025
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. //Халқ сўзи 2020 йил 30 декабрь № 276 (7778). 1-4-б.
3. Ablyazov T., Asaul V. On competitive potential of organization under conditions of new industrial base formation // SHS Web of Conferences. 2018. Vol. 44. 00003.
4. Кощеев В.А., Цветков Ю.А. Цифровая трансформация банковского сектора. https://cyberleninka.ru/article/n/tsifrovaya-transformatsiya-bankovskogo-sektora
5. http://www.cbu.uz/uz/payment-systems/remote-banking-services/
6.https://review.uz/oz/post/raqamli-iqtisodiyot-mamlakatimiz-taraqqiyoti-garovidir

***Абдурахманова М.** – ОБМ,тингловчи*

## АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ МУНОСАБАТЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИГА НАЗАРИЙ ЁНДАШУВ

Миллий иқтисодиётда корпоратив секторни муваффақиятли ривожлантириш учун самарали бошқарув механизмларини жорий этиш ҳамда бизнесни ривожлантиришнинг стратегик вазифаларини ҳал этишда муҳим омил ҳисобланади. Ўзбекистонда сўнгги йилларда корпоратив бошқарув тизимидаги ёндашувларни тубдан ўзгартириш, бошқарувнинг адолатлилик, жавобгарлик, шаффофлик ва ҳисобдорлик каби халқаро тамойилларга амал қилиш, хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш, мамлакат рақобатбардошлигини ошириш жараёнларини жадаллаштириш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Корпоратив бошқарув амалиётини яхшилаш Ўзбекистон иқтисодиётини ислоҳ қилиш жараёнининг бир қисми бўлиб, у хусусий мулкни ҳимоялаш, акциядорлар манфаатлари ва ҳуқуқларини таъминлашда мамлакат иқтисодида алоҳида ўрин тутади. Инвестицион жозибадор, рақобатбардош миллий корпорацияларни шакллантириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш бугунги кундаги долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

“Корпорация” тушунчаси иқтисодиётда кенг тарқалган атамалардан бўлиб, бугунги кунда ҳам кенг кўламда жорий этилмоқда. Корпорацияларнинг ривожланиб бориши билан “корпоратив бошқарув”га оид илмий-назарий ёндашувлар шаклланa бошлаган. Хусусан, корпоратив бошқарув назариясида иккита асосий ёндашувга амал қилинади:

биринчи томондан, корпоратив бошқарув назарияси иқтисодий назариялар

эволюцияси бўйлаб ривожланиб бориши;

иккинчи томондан, корпоратив бошқарув назарияларининг эволюцияси корпоратив муносабатларнинг асосий иштирокчилари, яъни акциядор ва менежерлар ўртасида юзага келадиган муаммоларни ечишга доир концепцияларнинг ривожланиши билан узвий боғлиқлиги.

Ҳозирги шароитда айрим шахсларнинг акциядорлик таъсисчилиги билан боғлиқ корпорация йирик тадбиркорликнинг энг тарқалган ва муҳим шакли ҳисобланади.

Корпоратив бошқарув атамасининг ўзи тарихан 1970 йилларнинг ўрталарида АҚШда юзага келган. Кейинчалик ушбу атама Европада кенг тарқалиб, унда корпоратив менежмент, корпоратив ҳуқуқ ва корпоратив тузилмаларни яратиш соҳаларига доир тадқиқотлар давом эттирилган. Манбаларда кўрсатишича, корпоратив бошқарув атамаси биринчи марта Р.Иллс томонидан қўлланилган бўлиб, унинг тадқиқотларида корпоратив тузилмалар ва уларининг фаолияти моҳиятини очиб берилган[1].

Америкалик ҳуқуқшунос олим А.Берли ва иқтисодчи Г.Минзнинг классик ишларида эса корпоратив муносабатлар тизими корпоратив ва хусусий мулкни бошқариш жараёни сифатида ўрганилган[2]. Уларнинг тадқиқотларида корпоратив бошқарув атамаси тилга олинмаган бўлса-да, улар корпоратив бошқарувни ишониб топширувчилар - principals (аутсайдерлар, инвесторлар) ва вакиллар - agents (инсайдерлар, бошқарувчилар) ўртасидаги муносабатларини ўрганишган.

Мамлакатимиз олимларидан Т.К.Мадиёров “корпоратив бошқарув ишлаб чиқаришни ривожлантириш фаолияти, мавжуд моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланишни капитал маблағларнинг янги техника ва технологияларни кўплаб жалб этилиши билан уйғунликда олиб борилади” деб талқин қилган бўлса[3], Ш.Н.Зайнутдинов ва Д.Н.Рахимовалар “корпоратив бошқарув - манфаатдор шахсларнинг даромад олиш мақсадида биргаликдаги ҳаракатларидир” деган таърифни келтиришган[4]. Яна бир иқтисодчи олим Д.Х.Суюнов мазкур масалага “корпоратив бошқарув - корпоратив мулк шаклига кирувчи субъектларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи амалдаги меъёрлар ҳамда бошқарувнинг маълум бир тамойиллари - асосида корхона мақсадига эришиш учун амалга ошириладиган ҳаракатлар мажмуидир” деб таъриф берган[5].

Фикримизча, юқорида келтирилган таърифлар ҳар бир тушунча моҳиятини англашга ёрдам бергани ҳолда, ўз навбатида, маълум аниқлик киритишни талаб этади. Яъни корпоратив бошқарув жисмоний ва юридик шахсларнинг ихтиёрий равишда капитални бирлаштириш орқали доимий фаолият юритиш мақсадида ташкил этилган, шерикчиликка асосланган, бошқарув функциялари ёлланма профессионал бошқарувчиларга юкланган, ундаги муносабатлар мамалакатнинг

---

[1] Eells R.S.F. The Meaning of Modem Business: An Introduction to the Philosophy of Large Corporate Enterprise. -New York: Columbia University Press, 1960. -427 p.

[2] Berle A., Means G. The modem Corporation and Private Property - New York: Macmillan, 1932. - 478 p.

[3] Мадиёров Т.К. Дехкончилик-саноат мажмуида ижтимоий-иктисодий ислоҳотлар тизими ва корпоратив бошқарувни жорий этиш хусусиятлари: икт. фан. док.... дис. иши. - Т.: 1993

[4] Зайнутдинов Ш.Н., Рахимова Д.Н. Корпоратив бошқарув асослари. - Т.: Академия, 2007. - 48 б.

[5] Суюнов Д.Х. Корпоратив бошқарув механизми: муаммо ва ечимлар. Монография. - Т.: Академия, 2006. - 116 6.

тегишли қонунчилигига зид бўлмаган равишда ички маъмурий қоидалар ва жамоавий қарорлар орқали тартибга солинувчи кўшимча тизим ҳисобланади.

Маҳаллий иқтисодчи олимлардан М.М.Ташходжаевнинг тадқиқот ишида корпоратив бошқарув тизимининг назарий-услубий модели ишлаб чиқилган бўлиб, унда таркибий ва статистик таҳлил усуллари ёрдамида корхонада корпоратив бошқарув механизми таҳлил қилинган. Таққослаш усули қўлланилган ҳолда корпоратив бошқарув моделлари (инглиз-америка, немис ва япон моделлари)нинг қиёсий хусусиятлари аниқланган.

Н.М.Расулов эса ўз тадқиқот ишида корпоратив бошқарувнинг иқтисодий механизмини тадқиқ этишга, унинг негизида корхона ривожланиш самарадорлигини белгилашга ҳаракат қилган. Ишнинг алоҳида методологик томони шундаки, унда турли услубий ёндашувларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш асосида корпоратив бошқарувнинг моҳияти ва иқтисодий аҳамияти мантиқий таҳлил қилиниб, мавзуга алоқадор ҳолатлар илмий абстракциялаш ёрдамида очиб берилган. Жумладан, корпоратив бошқарув тушунчасига берилган турли таърифлар, назарий концепциялар ва амалий ёндашувлар монографик планда махсус ўрганилган. Ҳусусан, муаллиф тушунчага куйидагича таърифи келтирган: “корпоратив бошқарув - бу корпорацияларнинг бошқарув қонунлари, механизмлари ва тамойилларига хос, унинг асосида ётувчи мақсад, вазифалар ва муносабатлар асосида фаолият кўрсатувчи тизимдир”[1]. Бизнинг фикримизча, корпоратив бошқарув - қонун ва бошка норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида компания эгалари, менежмент ва бошқа манфаатдор шахслар ўртасида умумий манфаатларини таъминлашда адолатли, фаолият ва ундан олинган адолатли натижаларини тенг тақсимлаш ҳамда улар ўртасида ижтимоий манфаатларни қонуний таъминлаш тизими ҳисобланади.

Шу ўринда корпоратив корхона тушунчасининг ўзига хос мазмун касб этишини таъкидлаш мақсадга мувофиқдир. Манбаларга кўра, корпоратив корхона - бу ташкилий тузилишидан қатъий назар ўзининг таъсисчилари, иштирокчиларининг аъзолигига асосланган корхона ҳисобланади». Фикримизча, бундай таъриф мазкур тушунчанинг умумий жиҳатларини ифода этса-да, унинг тўлиқ маъносини қамрай олмайди. Корпоратив корхона бўйича адабиётларда мутахассислар томонидан билдирилган фикрларни умумлаштирган ҳолда корпоратив корхона - бу мулкка эгалик қилиш ва уни бошқариш жиҳатлари ажралган ҳолда иқдисодий фаолиятни самарали ташкил этишда иштирок этувчи томонлар манфаатлари уйғунлашувини таъминловчи хўжалик юритувчи субъектдир деб таъриф бериш мақсадга мувофиқдир.

Ушбу тадқиқот ишида ҳам муаллиф қиёсий таҳлил ёрдамида хорижий ва Россия корпорацияларини бошқариш тизими, шу жумладан, корпоратив бошқарув моделлари ва уларнинг шаклланиш омиллари таққосланган. Шунингдек, тадқиқотчи томонидан корпоратив бошқарувни ўрганишда математик моделлаштириш усуллари қўлланилган бўлиб, улар ёрдамида

---

[1] Н.М.Расулов. Корпоратив бошкарувнинг иқгисодий механизмларини такомиллаштириш негизида корхоналар ривожланиш самарадорлигини ошириш (Ўзбекистон Республикаси саноат корхоналари материаллари мисолида). Иқтисодиёт фанлари номзоди илмий даражасини олиш учуй ёзилган диссертация автореферати - Т., 2010.

корпоратив бошқарув самарадорлиги ва корпоратив бошқарув механизмини шакллантиришга таъсир этувчи омиллар ўртасидаги боғлиқлик аниқланган.

Масалан, И.А.Храбровнинг фикрича, корпоратив бошқарув бу - бизнесни ташкилий-ҳукуқий расмийлаштириш, ташкилий тузилмани оптималлаштириш, ташкилот ичидаги тузилмаларнинг компания мақсадларига мос келувчи ўзаро муносабатларини ўрнатишдир[1], [2].

С.Карнаухов эса корпоратив бошқарувга синергетик самараларнинг маълум бир тўпламини бошқариш дея таъриф беради[3]. Аммо бизнинг фикримизча, ушбу таърифлар бизнеснинг корпоратив шаклларидан фойдаланиш натижаларига тааллуқли бўлиб, муаммонинг моҳиятини тўлиқ очиб бера олмайди.

Кейинги ёндашув бугунги кунда кўпроқ ишлатиб келинмоқда. Бу ёндашув бизнеснинг корпоратив шаклларидан фойдаланиш оқибатида мулкдорлар ва бошқарувчилар институтларининг алоҳида ажралишига асосланади. Бунда асосий эътибор корпоратив муносабатлар иштирокчиларининг манфаатларини менежерларнинг самарасиз фаолиятидан ҳимоялаш масалаларига қаратилади, яъни мулк эгалари - акциядорлар манфаатларини ҳимоя қилади. Бошқа ёндашувларда, корпоратив бошқарувга акциядорлар билан биргаликда молиявий инвесторлар гуруҳини ташкил этувчи кредиторлар манфаатларини ҳам ҳимоялайди, деб таъриф берилган.

Маълумки, акциядорлар корпоратив бошқарувнинг вужудга келиши учун зарур бўлган молиявий база манбалари бири ҳисобланади. Корпоратив бошқарувдаги уларнинг манфаатлари дивидендлар ёки корпорацияда ўз улушларининг қийматини ошириш ҳисобига маълум миқдордаги фойда олишдан иборатдир. Кредиторлар ҳам молиявий инвесторлар ҳисобланиб, корпорация қиймати ва фойдалилигини оширишдан манфаатдор бўлган акциядорлардан фарқли ўлароқ, кафолатланган даромад олиш учун корпорациядаги молиявий ҳолатнинг барқарорлигидан манфаатдор ҳисобланадилар.

Ушбу мулоҳазалардан келиб чиқиб, корпоратив бошқарув моҳиятини кенгроқ очиб берадиган таъриф сифатида корпоратив бошқарув бу -ҳам молиявий (акциядорлар ва кредиторлар), ҳам номолиявий инвесторлар (ишловчилар, давлат, ҳамкорлар ва бошқалар) манфаатларини ҳимоялаш ҳамда бошқарувнинг маълум бир тамойиллар асосида корпорация мақсадига эришиш учун амалга ошириладиган ҳаракатлар мажмуидир деб таъриф бериш ўринли деб ҳисоблаймиз.

Фикримизча, корпорация ва унинг ҳамкорлари ўртасидаги бундай муносабатларни корпорациянинг ташқи алоқалари эмас, балки ички алоқалари сифатида қараш мақсадга мувофиқдир. Маҳсулот етказиб берувчининг манфаатлари корпорациянинг алоҳида ички тузилмаси манфаати сифатида ифодаланади.

[1] Толковые словари. Образовательный ресурс. http://www.edudic.iu/biz/10526/
[2] Храброва И.А. «Корпоративное управление: вопросы интеграции. Аффилированные лица, организационное проектирование, интеграционная динамика» М., 2000 - с. 64
[3] С. Карнаухов. «Эффективность корпоративных структур» // РИСК №1-2, 2000, стр. 4

Корпоратив бошқарувда классик методология усули назарий ҳамда амалий усуллардан бири бўлиб, унинг моҳияти корпоратив корхоналар ўртасидаги бошқарув алоқаларини шакллантиришдан иборат. Иқтисодий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, методология қадимги юнон тилидан олинган бўлиб “бирон нарсага йўл” ёки бирор предметни ўрганиш йўллари, усуллари ва методларини ўрганиш сифатида қаралади.

Корпоратив тушунчасига методологик ривожланиш жиҳатидан иқтисодчи-олимлар томонидан ҳозиргача ягона илмий асосланган таъриф мавжуд эмас. Масалан, баъзи иқтисодчилар “Корпоратив бир нечта фирмаларнинг умумий мақсадга йўналтирилган ва уларнинг имтиёзларини ҳимоя қиладиган акциядор жамиятдир” деб таъриф берадилар[1].

Бошқа бир гуруҳ иқтисодчилар: “Корпоратив бошқарув молиявий-иқтисодий фаолият бўлиб, унинг қатнашчилари маълум микдордаги мулкка эгалик қилсаларда, бошқарув вазифасини мутахассис менежерлар амалга оширадилар”, - деб ҳисоблайдилар. Шунга яқин ёндашувлар куйидаги таърифда ҳам кузатилади: “Корпоратив бошқарув Ғарбда кенг тарқалган тадбиркорлик фаолияти бўлиб, у маълум мулкка, ҳуқуқий ҳолатга эгалик қилади, бошқарувнинг умумлашган вазифалари эса менежерлар қўлидадир”[2].

Умуман олганда, корпоратив бошқарувда мулк масаласи биринчи даражадаги аҳамиятга эга. Биринчидан, фуқаролик кодексига биноан, корпорация мулки таъсисчиларнинг қўйган бадаллари ҳисобига ташкил қилинади, иккинчидан эса, фаолият жараёнида жамият сотиб олган мулкига юридик шахс сифатида эгалик қилиши мумкин. Масаланинг мураккаблиги яна шундан иборатки, юридик шахс сифатида корпорация томонидан фаолият жараёнида сотиб олинган моддий ва номоддий активлар барибир таъсисчиларга қарашли бўлиб, айрим ҳолларда уларнинг қўйган улушларига мутаносиб равишда таъсисчилар ўртасида тақсимланиши мумкин.

Иқтисодчи олимлар И.В.Беликов ва В.К.Вербицкий, корпоратив бошқарувни “компания акциядорлари ва унинг менежменти ўртасидаги, турли акциядорлар гуруҳлари ўртасидаги, компания ва бошқа манфаатдор гуруҳлар ўртасидаги кўрсатиб ўтилган корпоратив муносабатлар қатнашчиларининг манфаатларини, компаниянинг самарали фаолият юритишини, унинг ижтимоий мақсадлар ва жамият манфаатларига мувофиқлигини таъминлаш масалалари бўйича ўзаро муносабатлар” тизими сифатида талқин қилганлар[3]. А.В.Завалишин эса, аксинча, корпоратив бошқарув мазмунини “корпорациянинг соф фойдасини оптимал тақсимлаш ва янги корпоратив инвесторларни жалб қилиш” масалаларини ҳал қилиш билан боғлайди[4]. Корпорация соф фойдасини тақсимлаш (хусусан, акциядорларга дивиденд тўловлари ва қайта инвестициялаш ўртасидаги мутаносибликни аниқлаш) масаласи корпоратив бошқарув тизими билан узвий алоқада бўлиб, корпоратив муносабатлар ривожланишига катта таъсир кўрсатади.

[1] Райзберг Б.А. Основы бизнеса. Осв-89, - М., 2000, С.223.
[2] Старовойтов М.К. Современная Российская корпорация: организация, опыт и проблемы. - М.: Наука, 2001,-с.35
[3] Беликов И.В., Вербицкий В.К. Корпоративное управление, стандарты и их внедрение // Общество и экономика. - 2005. - №10-11. - С.117.
[4] Завалишин А.В. Тенденции развития рынка корпоративной собственности // Вестник УрГУ. - 2014. - №7. - С.22.

Фикримизча, корпоратив бошқарув мазмунини корпорация ривожланишининг стратегик муаммоларини ҳал қилиш билангина боғлаш унчалик тўғри эмас; у тезкор бошқарув даражаларида ҳам, масалан, миноритар акциядорларнинг даъволарига корпорация жавоб қайтариши, корпорация ижроия дирекцияси вакилларининг акциядорлар мурожаатларига жавоблари ва ҳоказолар доирасида амалга оширилиши мумкин.

Шундай қилиб, корпоратив бошқарув корпорацияни ривожлантиришга алоқадор бўлган турли гуруҳлар манфаатлари мувозанатини таъминлаш ҳисобига қўшимча рақобатли устунликларга эришиш ва шу асосда молиявий-иқтисодий, пировардида, ижтимоий самарадорликни оширишга имкон берадиган замонавий акциядорлик жамиятлари менежментининг долзарб йўналишларидан бирини ифодалайди.

***Ашурова Ш.А.** – ОБМ, (PhD), доц.*

## THE IMPORTANCE OF INNOVATION IN THE DEVELOPMENT OF THE DIGITAL ECONOMY

Doctor of Philosophy in Philological Science (PhD), Docent, Business English teacher of the Graduate School of Business and Entrepreneurship of the Ministry of Economic Development and Poverty Reduction of the Republic of Uzbekistan

It is important to ensure sustainable growth of the economy on the basis of innovative factors in the context of the shrinking amount of traditional, limited, non-reproducible economic resources in the world. Countries such as Switzerland, Sweden, the United States, Great Britain, South Korea, the Netherlands, Finland, Singapore, Denmark and Germany (the leader in the global innovation index) have accumulated a lot of experience in ensuring sustainable economic growth in the world economy at the expense of innovative factors.

In recent years, reforms have been implemented in our country in order to increase the innovative potential of the economy. In particular, the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan "On approval of the innovative development strategy of the Republic of Uzbekistan in 2022-2026" defines the achievement of the following main target indicators by the end of 2026:

- To achieve the inclusion of the Republic of Uzbekistan among the 56 advanced countries of the world according to the Global Innovation Index rating;

increasing the number of innovative active business entities from 613 to 2250;

- increasing the number of new innovative (spin-off) enterprises specializing in the production of scientific voluminous products to 36 (currently not available);

- increasing the number of new jobs created as a result of innovative entrepreneurship from 5 to 25;

- increasing the number of infrastructure entities of innovative activity (technological parks, technology transfer centers, innovation clusters, venture funds, innovation centers, business incubators and accelerators) from 25 to 75;

- increasing the share of high-tech products in the total export to foreign markets from 2.1% to 6%;

number of commercialized scientific developments in domestic and foreign markets

Increase from 150 to 325;

- to increase the quality and coverage of education at all levels, to develop the continuous education system, to ensure the flexibility of the personnel training system to the needs of the economy;

- creation of effective mechanisms of integration of education, science and entrepreneurship in order to strengthen the scientific potential of scientific research and development and increase its effectiveness, to widely introduce the results of scientific research, experimental design and technological works;

- to increase the efficiency of the activities of state authorities by introducing modern management methods and tools;

- ensuring the protection of property rights, creating equal conditions for organizing competitive markets and doing business, developing public-private partnership;

- creation of stable social and economic infrastructure was defined as the main task.

Along with the measures and achievements in the field, there are many problems and things to be done in the Republic. As President Sh. Mirziyov noted, "Of course, we know very well that the formation of the digital economy requires the necessary infrastructure, a lot of funds and labor resources. However, no matter how hard it is, if we don't start today, when will we?! Tomorrow will be too late. Therefore, active transition to the digital economy will be one of our top priorities in the next 5 years".

Also the President of the Republic of Uzbekistan

As a result of the implementation of the Decree "On the approval of the innovative development strategy of the Republic of Uzbekistan in 2019-2021", great achievements have been made in the provision and promotion of innovative and technological development in economic sectors and social spheres, including agriculture, energy, construction, education, and health care. has been achieved. In particular:

compared to 2015, our republic rose by 36 places in the ranking of the Global Innovation Index, which is evaluated on 81 indicators;

The amount of annual funds allocated from the state budget to the fields of innovation and science was increased by 3 times compared to 2018 and reached 1.5 trillion soums;

there were 6.5 thousand young scientists in 2018, and in 2022 their number was 10.8 thousand, that is, it increased by one and a half times;

The decisive factor for the sustainable development of the innovative economy is the formation and development of an innovative environment in modern conditions. By the 21st century, most of the countries in the world economy began to pay special attention to the development of innovative potential in order to create new types of products, develop production and thereby increase the competitiveness of the economy.

This is the year of the world's high-tech markets

It is estimated at 2.5 trillion dollars. 39% of them are from the United States of America, 30% from Japan, 16% from Germany, and the remaining 15% from other countries of the world.

The reforms carried out in the modernization of production in our country require not only the updating of equipment and technological processes used in enterprises, but also an innovative approach to the organization of management accounting. At the same time, we should emphasize once again that the essence of digitalization of the economy goes back to innovative developments and technologies.

As long as the main indicators of innovation policy in the country do not improve, problems will arise in the establishment of the digital economy. The widespread use of the innovative system in the fields of our country, the development of the banking, trade, insurance, and education sectors will serve as an important factor in increasing the share of the digital economy in the production sectors and will lead to an increase in the country's competitiveness in the world economy.

In addition, we think that it is possible to increase the level of use of the innovative potential of the national economy by implementing the following in the country:

- currently, most of the innovations in the economy are projects financed by enterprises' own funds. The main part of them are funds spent on innovative products. Enterprises do not have the opportunity to finance major innovations with their own funds. Therefore, we believe that it is necessary to update the technological process, create innovative products and programs at the expense of the state and other investment funds;
- the activity of investment funds in our country is also not satisfactory. 80 percent of the country's innovative activity development depends on investments. Therefore, it is necessary to modernize the activity of investment funds;
- in order to develop innovative activities, based on the experience of foreign countries, it is necessary to develop venture funds. The establishment of such funds will serve as an important factor in the creation of innovative products and financing of large projects in the future. Venture and investment funds can be established with state, non-state and private capital. This makes it possible to save the funds of the state budget and to diversify the funds directed to the innovative sector.

**Literature:**

1. Decree of the President of the Republic of Uzbekistan "On approval of the innovative development strategy of the Republic of Uzbekistan in 2022-2026" https://lex.uz/docs/6102462.

2. Address of the President of the Republic of Uzbekistan to the "Supreme Assembly of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev" dated January 24, 2020 // Xalq sozi No. 19 of January 25, 2020.

3. Decree of the President of the Republic of Uzbekistan "On approval of the innovative development strategy of the Republic of Uzbekistan in 2019-2021" https://lex.uz/docs/3913188.

4. Umarov O. 2019 Digital economy and its development trends. Scientific electronic magazine "Economy and innovative technologies". #3, May-June, 2018.

***Абдухолиқов К.М.*** *- ОБМ,тингловчи*

## ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТОМОНИДАН КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИНИ КРЕДИТЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясида кредит портфели ва таваккалчиликларни бошқариш сифатини яхшилаш, кредитлаш ҳажмларининг мўътадил ўсишига амал қилиш, мувозанатлашган макроиқтисодий сиёсат юритиш, корпоратив бошқарувни такомиллаштириш ва халқаро амалий тажрибага эга бўлган менежерларни жалб қилиш, молиявий таваккалчиликларни баҳолаш учун технологик ечимларни татбиқ этиш орқали банк тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш камайтириш мамлакат банк тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари қилиб белгиланган[1]. Бу эса, мамлат банк тизимида фаолият юритаётган тижорат банкларининг миллий иқтисодиётни ривожлантиришдаги, шу жумладан миллий иқтисодиёт ривожининг таянч асоси бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришдаги ўрни ва аҳамиятини ошириш заруиятини юзага келтиради.




**1-расм. Ўзбекистон Республикасида тижорат банклари томонидан кичик тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар, млрд. сўм[2]**

1-расм маълумотларидан кўринадики, республика тижорат банклари томонидан кичик тадбиркорлик субъектларига берилган кредитлар миқдори 2017-2021 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган, аммо, мазкур кредитлар миқдори 2020 йилда 2019 йилга нисбатан сезиларли даражада камайган. Бу эса, қуйидаги сабаблар билан изоҳланади:

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги фармони//ҚҲММБ:06/205992/0581-сон. 13.05.2020 й.

[2] Расм муаллиф томонидан Марказий банкнинг статистик маълумотлари асосида тузилган.

1. коронавирус пандемиясининг кичик тадбиркорлик субъектларининг тўловга лаёқатлилигига салбий таъсир кўрсатди;
2. пандемия тижорат банкларининг кредитлар бериш салоҳиятига нисбатан салбий таъсирни юзага келтирди.

2021 йилда кичик тадбиркорлик субъектларини, шу жумладан, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, хотин-қизлар ва ёшларнинг тадбиркорлик ташаббусларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадлари учун 436 мингдан ортиқ лойиҳага жами 59,6 трлн. сўм кредит маблағлари ажратилган.

Фикримизча, тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларини кредитлаш амалиётини такомиллаштириш учун кичик бизнес субъектларини овердрафт ва контокоррент шаклларида кредитлаш тартиби, юзага келадиган кредит рискини пасайтириш йўллари, жорий ҳисобрақамнинг дебетли ва кредитли қолдиғига фоизлар тўлаш механизми махсус йўриқномада ўз аксини топиши лозим.

Хориж тажрибасини ўрганиш натижалари кўрсатадики, овердрафт кредитлари таъминотсиз берилади. Бундай шароитда кредит риски даражасини пасайтириш учун мижоздан ойнинг сўнгги кунида жорий ҳисобрақамда кредитли қолдиқ бўлишини таъминлаш талабини қўйишга тўғри келади[1].

Республикамиз амалиётида тўловларнинг мақсадли кетма-кетлигининг қўлланилаётганлиги овердрафт ва контокоррент шаклларида кредитлашни тижорат банклари учун юқори рискли шаклларга айлантиради. Бунинг натижасида, тижорат банклари кредитлашнинг мазкур шаклларидан фойдаланишдан манфаатдор бўлмайдилар[2].

Агар контокоррент кредитлаш шаклида контокоррент ҳисобрақамининг дебетли ва кредитли қолдиғига фоиз ҳисоблаш тартиби алоҳида йўриқномада белгилаб қўйилмаса, у ҳолда, банклар ва кичик бизнес субъектлари ўртасида тушунмовчиликлар юзага келиши мумкин.

Шунингдек, мазкур йўриқномада овердрафт ва контокоррент кредитларига фоиз тўловларини қайси усулда ҳисобланиши ҳам аниқ кўрсатилган бўлиши керак.

Хориж тажрибасини ўрганиш натижалари кўрсатадики, тижорат банклари контокоррент ҳисобрақамининг кредитли қолдиғига талаб қилиб олинадиган депозитларга тўланадиган фоиз ставкаси даражасида фоиз тўлайди. Аммо, ушбу фоиз ставкасининг даражаси мижоз билан келишилган бўлиши ва контокоррент кредитининг фоиз ставкаси даражаси билан маълум бир боғлиқликда бўлиши керак.

2016-2020 йилларда Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига кўрсатилган ҳисоб-китоб хизматларининг таркибида салмоғига кўра биринчи ўринни тўлов топшириқномалари билан амалга оширилган тўловлар эгаллайди. Бу эса, нақд ҳисоб-китоб хизматлари кўрсатиш амалиётини такомиллаштириш нуқтаи-

---

[1] Банковское дело. Учебник. Под ред. проф. О.И. Лаврушина. – М.: КНОРУС, 2008.- С.443-444.

[2] Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг қарори. Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида//Ўзбекистон қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2010. - №11 (511).

назаридан салбий ҳолат ҳисобланади. Бунинг сабаби шундаки, тўлов топшириқномасининг жиддий камчилиги бўлиб, тўловнинг кафолатланмаганлиги ҳисобланади. Бунинг устига, тўлов топшириқномалари билан амалга оширилган тўловларнинг нақд пулсиз тўловларнинг умумий ҳажмидаги салмоғи 2020 йилда 2016 йилга нисбатан сезиларли даражада (16,11 ф.п.) ошган.

2016-2021 йилларда республикамиз бўйича амалга оширилган нақд пулсиз тўловларнинг умумий ҳажмида мемориал ордерлар билан амалга оширилган тўловларнинг салмоғи сезиларли даражада юқори бўлган. Бу эса, нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклларидан фойдаланиш амалиётини такомиллаштириш нуқтаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланмайди. Чунки, биринчидан, мемориал ордер нақд пулсиз ҳисоб-китоб шакли ҳисобланмайди; иккинчидан, мемориал ордерда тўловни амалга ошириш учун тўловчининг розилиги талаб этилмайди.

Республикамиз бўйича 2016-2021 йилларда амалга оширилган нақд пулсиз тўловларнинг умумий ҳажмида тўлов талабномаси билан амалга оширилган тўловларнинг салмоғи жуда паст даражада бўлган. Бу эса, нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклларидан фойдаланиш амалиётини такомиллаштириш нуқтаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади. Бунинг сабаби шундаки, биринчидан, тўлов талабномаси бозор иқтисодиёти талабларига тўғри келмайди. Чунки, тўлов талабномаси пули тўланмай жўнатилган товарларнинг пулини олиш мақсадида қўлланилади. Бозор иқтисодиёти шароитида пули тўланмай, яъни тўлови кечиктириб сотилган ҳар қандай товар кредитга сотилган ҳисобланади ва ушбу товарлар суммаси унга фоиз ҳисобланган ҳолда тўланади. Кредитга сотилган товарлар суммасига кўпчилик ҳолларда тижорат вексели ёзилади ва векселда товар суммаси ва унга қўшиб тўланадиган фоизнинг ставкаси кўрсатилади. Иккинчидан, тўлов талабномасида тўлов кафолатланмаган.

Республикамиз бўйича 2016-2021 йилларда амалга оширилган нақд пулсиз тўловларнинг умумий ҳажмида инкассо ва ҳужжатлаштирилган аккредитивлар билан амалга оширилган тўловларнинг салмоғи жуда паст даражада бўлган. Бу эса, нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклларидан фойдаланиш амалиётини такомиллаштириш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади. Бунинг сабаби шундаки, биринчидан, нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг инкассо шаклида тўловчини тўловни ўз вақтида амалга оширишга ундовчи жиҳат мавжуд. Яъни, тижорат банки товарлар суммаси тўланмагунга қадар товар ҳужжатларини тўловчига бермайди. Тўловчи товар ҳужжатларини олмаса товарни ола олмайди. Бу эса, тўловчини товарлар суммасини тезроқ тўлашга мажбур қилади. Иккинчидан, ҳужжатлаштирилган аккредитивларда тўлов суммаси тўлиқ кафолатланган. Қопланадиган аккредитивларда тўлов суммаси тўловчининг жорий ҳисобрақамидан ечиб олиниб, алоҳида ҳисобрақамга ўтказиб қўйилади ва ушбу суммадан тўловчи фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлмайди. Қопланмайдиган аккредитивларда тўловчининг банки ҳужжатлаштирилган аккредитивни очилиши билан, яъни мол етказиб берувчининг банкига аккредитив телеграммасини жўнатиши билан тўлов юзасидан кафилга айланади. Агар товар ҳужжатлари келиб тушганда тўловчининг талаб қилиб олингунча депозит

ҳисобрақамида пул маблағлари бўлмаса, у ҳолда, тўловчининг банки ҳужжатлаштирилган аккредитив суммасини ўзининг кредити ҳисобидан тўлаб беради.

Тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига кўрсатиладиган ҳисоб-китоб хизматини такомиллаштириш учун аккредитив банк мақомидаги тижорат банклари томонидан мижозларнинг етказиб берилган товарлар ва кўрсатилган хизматлар юзасидан тўлов мажбуриятлари бўйича очиладиган қопланмаган ва тасдиқланмайдиган ҳужжатлаштирилган аккредитивлар ҳажмини оширишлзим. Бунинг учун биринчидан, пул оқимининг мажбуриятларга нисбатан даражаси бўйича кредит тўловига лаёқатлиликнинг биринчи ва иккинчи тоифасига мансуб бўлган мижозлар гуруҳини шакллантириш ва уларнинг тўловлари бўйича мазкур шакллардаги аккредитивларни очиш лозим; иккинчидан, мазкур мижозлар гуруҳига ҳужжатлаштирилган аккредитивларнинг қайта тикланадиган ва аванс тариқасида тўланадиган аккредитив турларидан фойдаланиш имконини бериш керак; учинчидан, ҳужжатлаштирилган аккредитивларни аккредитив банкнинг кредит линияси орқали кредитлашга устуворлик бериш керак.

Пул оқимининг мажбуриятларга нисбати бўйича аниқланадиган кредит тўловига лаёқатлиликнинг биринчи ва иккинчи тоифасига мансуб бўлган мижозлар тўловга лаёқатлилик даражаси юқори бўлган мижозлар ҳисобланади.

***Ахмедов Ж.Б.*** *– ОБМ, тингловчи*

## КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВНИНГ ЗАМОНАВИЙ СТАНДАРТЛАРИНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли Фармони билан тасдиқланган Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясида иқтисодиёт тармоқларида барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш орқали келгуси беш йилда аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулотни — 1,6 баравар ва 2030 йилга бориб аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадни 4 минг АҚШ долларидан ошириш ҳамда «даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар» қаторига кириш учун замин яратиш, миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш ва ялпи ички маҳсулотда саноат улушини оширишга қаратилган саноат сиёсатини давом эттириб, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини 1,4 бараварга ошириш миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини сақлаб қолишнинг зарурий шартлари сифатида эътироф этилган[1]. Бу эса, корхоналарда корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш заруриятини юзага келтиради. Ўз навбатида, корхоналарда корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш корпоратив бошқарувнинг замонавий стандартларини жорий этишга боғлиқ.

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли Фармони. Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегияси тўғрисида//www.lex.uz.

М.Ефремов ва В.Луневларнинг фикрига кўра, корпоратив бошқарувнинг феномен сифатида тан олиниши агентлик назариясининг юзага келиши билан боғлиқ. Айни пайтда, агентлик назарияси корпоратив эгалик ва назоратнинг бир-биридан ажралишига асосланади[1]. Бундай ажралиш корпоратив менежментнинг (назорат) ишонч ва фидуциар мажбуриятлар асосида мулкдор манфаатларини ҳимоя қилиши ва акциядорлик қийматини максималлаштиришини кўзда тутади. Назорат ва эгаликнинг бир-биридан ажралиши оқибатида агентлик муаммоси дея аталмиш корпоратив бошқарув соҳасида энг кўп муҳокама қилинадиган ва баҳсларга сабаб бўладиган масала пайдо бўлди. Бу муаммо замирида акциядорлар (принципал - мулк эгалари) ва агентлар (менежерлар) ўртасидаги манфаатлар қарама-қаршилиги ётади. Шу билан бирга, компаниянинг капитал таъминотчилари ва бошқа манфаатдор томонлар оладиган тўловлар тузилмаси ва тартиби турлича бўлганлиги боис, улар билан юз берадиган манфаатлар қарама-қаршилиги ҳам турлича бўлишини қайд этиб ўтиш зарур.

Бир гуруҳ иқтисодчи олимларнинг фикрига кўра, корпоратив бошқарув атамаси моҳиятан анча кенг бўлиб, бир пайтнинг ўзида ташкилотлардаги турли функцияларни, жумладан, менежмент, молия, ҳисоб, бизнес ҳуқуқи, бизнес этикаси ва иқтисодиётини мужассамлаштиради. Шунингдек, корпоратив бошқарув ҳисобдорлик, шаффофлик, ошкоралик, ижтимоий масъулият, ҳалоллик (софлик) каби жиҳатларни ҳамда бошқарув органлари, акциядорлар ва манфаатдор томонлар ўртасидаги муносабатларни қамраб олади. Бундан ташқари, ушбу концепция ташкилотларни самарали бошқариш ва назорат қилиш учун тартиб-қоидалар, сиёсат, усуллар ва таркибий тузилмаларни белгилаб беради. Корпоратив бошқарув концепциясининг бундай кенг қамровлилиги боис, бу борада ягона умумқабул қилинган атама мавжуд эмас. Мазкур атама юқори менежмент, акциядорлар, директорлар кенгашлари ва бошқа корпоратив манфаатдор томонлар ўртасидаги ўзаро муносабатлардан келиб чиқадиган ўзига хос масалаларни қамраб олувчи атама бўлиб, молиявий таъминотчиларнинг инвестициялари учун даромад олишни таъминлаш йўллари, компаниядаги операцияларни назорат қилиш бўйича қонунлар, қоидалар ва омиллар тизими, мулкка эгаликнинг тақсимланиши, капитал тузилмаси, менежментни рағбатлантириш тизими, қўшиб олишлар, директорлар кенгаши, институционал инвесторлар томонидан босим, товар бозорларидаги рақобат, ташкилий тузилма ва бошқаларни қамраб олувчи квази ренталарни тақсимлаш жараёнларига таъсир ўтказадиган институтлар мажмуидир[2].

Ривожланган мамлакатлар амалиётида корпоратив бошқарув кодекси ички ҳужжат бўлсада, акциядорлик компаниялари фаолиятини тартибга солишда муҳим аҳамият касб этади. Корпоратив бошқарув кодекслари амалда 1990-йиллардан қўлланила бошланган[1]. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015-йил 24-апрелдаги “акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари

---

[1] Ефремов М., Лунев В. “Корпоративные стандарты как инструмент управления сервисными организациями”, Журнал: Вестник Нижегородского университета им. Н.И. Лобачевчкого. Серия: Социальные науки, 2015, №1(37), стр.18-22.

[2] Freeman R.E. Strategic Management: A Stakeholder Approach, Cambridge University Press, Cambridge. 2010.; Salvioni D.M.; Gennari F. Corporate governance, sustainability and capital markets orientation. Int. J. Manag. Sustain. 2014, 3, 469–483.; Carati, G.; Tourani, A. Convergence of corporate governance systems. Manag. Financ. 2000, 26, 66–83.

тўғрисида”ги 4720-сонли Фармони талаблари асосида республикамизда ҳам Корпоратив бошқарув кодекси намунавий тарзда ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилди.

2020 йил 27 октябрдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-6096 сонли “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Унга кўра Корпоратив бошқарув ва молиявий аудит жорий этиладиган, операцион самарадорлиги ошириладиган давлат иштирокидаги корхоналар рўйхати тасдиқланди. Рўйхатга киритилган 39 та корпоратив тузилмада 2021 йил 1 июлга қадар харидлар ва бошқарув тизимларини аудитдан ўтказиш ҳамда «мувофиқлик тизими (комплаенс) ва коррупсияга қарши хизматларни шакллантиришни назарда тутадиган замонавий корпоратив бошқарув тизимини жорий этиш масалалари белгилаб қўйилди.

Корпоратив бошқарувнинг сифати анъанавий равишда "+" ёки "-" тоифалари билан тўлдириладиган баллар шкаласи бўйича баҳоланади. Аксарият ҳолларда компаниялар ўзларининг корпоратив бошқарув рейтингларини ихтиёрий равишда ошкор қилиши ёки ошкор этмасликлари ҳам мумкин. Компаниянинг хоҳишига кўра рейтинг очиқ ёки махфий бўлиши мумкин. Шкаланинг ҳар бир позицияси ўз талқинига эга. Масалан, 10 рейтинги Standard&Poor’s маълумотларига кўра корпоратив бошқарув амалиётида жуда кучли позицияларга эга бўлган компанияларга берилади.

Жаҳон тажрибасида биринчи бўлиб, АҚШлик молиявий аналитик ва ҳуқуқшунос Генри Варнум Пур томонидан “H.V. and H.W. Poor Co” фирмаси ташкил қилинган бўлиб, кейинчалик ушбу фирмани ҳалқаро "Standard & Poor’s” рейтинг агентлигига айлантирган. Ушбу агентлик аниқ компанияларда корпоратив бошқарув тажрибаси ва сиёсатини баҳолашда 1998 йилда рейтинг агентлиги томонидан ишлаб чиқилган “Gamma Brochure” мезонлари асосида яратилган методология бўйича аниқлай бошлаган. Бугунги кунда агентлик компанияларнинг узоқ ва қисқа муддатли кредит рейтингини GAMMA-2 (governance, accountability, management metrics and analysis – бошқарув, ҳисобдорлик, бошқариш ва таҳлил) методологияси орқали аниқлаб беради. GAMMA-2 рейтинги ривожланаётган бозорларда компаниялар акцияларини сотиб олишда номолиявий рискларни баҳолайди ва асосан ушбу компаниялар акцияларига қизиқувчи инвесторлар учун муҳим ҳисобланади. GAMMA рейтинги турли мамлакатлардаги компанияларни 1 дан 10 гача баллар бериш орқали таққослаш имконини беради[1].

Ўзбекистоннинг корпоратив бошқарув тизими шаклан немис моделига ўхшашдир. Бу ўхшашлик икки поғонали кенгаш, молиялаштиришда банк тизимининг етакчилиги кабиларда намоён бўлади. Шу билан бирга, миллий корпоратив бошқарув тизимининг ўзига хос жиҳатлари ҳам мавжуд. Масалан, олтин акция амалиёти немис корпоратив қонунчилиги ва кодексида мавжуд эмас. Шунингдек, Ўзбекистон корпоратив тузилмаларида ишчи ва ходимларнинг

---

[1] Palepu, K. Globalization and dissimilarities in corporate governance: A cross-country analysis. Rev. Econ. Stat. 2006, 88, 69–90.

кузатув кенгашига номзод кўрсатиши ёки иштирок этишига рухсат этилмайди. Айни пайтда, йирик немис корпорациялари кузатув кенгашларининг 50 фоизини айнан ишчи ва ходимларнинг вакиллари ташкил этади. Кенгашнинг икки поғонали бўлиши айни пайтда директорлар корпуси томонидан компанияни тўлиқ идора қилиш, юқори бонус ва мукофот илинжида риск мақбул бўлмаган даражасида фаолият юритиш ҳолатларини олдини олишга хизмат қилади. Бироқ Кузатув кенгаши таркибида компания фаолияти хусусиятларини тўлиқ англайдиган, унинг стратегик ривожланиши бўйича аниқ тасаввурга эга бўлмаган аъзолар мавжуд бўлиши, шунингдек, таркибда турли вазирлик ва давлат идоралари раҳбарлари улушининг юқори бўлиши шароитида кенгаш фаолияти самарадорлиги билан боғлиқ муаммолар юзага келиши мумкин. Зеро, Россия Федерацияси амалиёти кўрсатишича, мустақил директорлар ҳукумат вакилларига нисбатан самаралироқ фаолият олиб бормоқда. Россия Федерацияси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотларига кўра, давлат корпорациялари кенгашларининг йиғилишларида иштирок этиш (давомат) даражаси мустақил директорларда – 77 %, давлат вакилларида эса – 71 %ни ташкил этган[1]. Шунга мос равишда мустақил директорларнинг директорлар кенгашидаги салмоғи нафақат Россияда, балки жаҳон миқёсида ўсиш тенденциясига эга. Чунончи, S&P 500 индексидан жой олган компанияларда директорлар кенгаши ўртача 11 кишидан ташкил топган бўлса, шундан 9 тасини мустақил директорлар ташкил этган[2].

Фикримизча, корпоратив бошқарувнинг замонавий стандартларини республикамиз корхоналарининг корпоратив бошқарув амалиётига жорий қилиш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

1. Корпоратив бошқарув тамойилларидан тўлақонли фойдаланишни таъминлаш мақсадида, биринчидан, корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолашдан ташқари кузатув кенгаши фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш ва улар асосида умумий кенгаш фаолияти, унинг қўмиталари ва ҳар бир аъзоси фаолиятини баҳолаш амалиётини жорий этиш талабларини Корпоратив бошқарув кодекси билан мустаҳкамлаб қўйиш. Иккинчидан, кузатув кенгаш аъзоларига тўланадиган мукофотлар ҳажмини кенгаш фаолиятини баҳолаш натижаларига боғлаш ва ҳар бир аъзони кенгашнинг умумий фаолияти самарадорлигига қўшган ҳиссасига қараб рағбатлантириш сиёсатини қўллаш. Учинчидан, кузатув кенгаши таркибидаги мустақил аъзоларнинг нафақат минимал миқдорини таъминлаш, балки уларнинг улуши ортишини рағбатлантириш чораларини кўриш. Тўртинчидан, кузатув кенгашининг мустақил аъзосини ким кўрсатиши масаласига аниқлик киритиш, уларнинг маълумотлар базасини шакллантириш, малакасини ошириш тизимини шакллантириш керак.

Корпоратив бошқарув тузилмасида фарқлар бўлишига қарамасдан, мамлакатлар миллий корпоратив бошқарув тизимини шакллантиришда

[1] Marina Martynova, Luc Renneboog, Spillover of corporate governance standards in cross-border mergers and acquisitions, Journal of Corporate Finance, Volume 14, Issue 3, 2008, Pages 200-223.

[2] Suyunov D.H.”The main problems of corporate governance and ways to solve them”, EPRA International Journal of Economic Growth and Environmental Issues (EGEI) ISSN:2321-6247 Impact Factor: 8.007 (SJIF 2020) 202101-13-006137, 9, 1, January, 2021.

корпоратив бошқарувнинг халқаро тамойилларига риоя қилиш, хусусан, миллий корпоратив бошқарув кодексларини ишлаб чиқишда айнан шу халқаро тамойилларни ҳисобга олишга ҳаракат қилишади. Бундан келиб чиқадики, тузилманинг қандай бўлишидан қатъи назар, корпоратив бошқарувнинг умумқабул қилинган тамойили, усули ва механизмларини самарали жорий этиш устувор аҳамият касб этади.

2. Ижроия органи (бошқарув ва бош директор) фаолияти самарадорлигини баҳолашда танлаб олинадиган самарадорликнинг энг муҳим кўрсаткичларининг (KPIs) мувозанатлашган ҳолда бўлишини таъминлаш ва уларнинг умумий йиғма (интеграл) кўрсаткични шаклланишидаги салмоғини белгилаш жараёнларини тартибга солиш зарур.

Халқаро амалиёт кўрсатишича, фақатгина молиявий кўрсаткичларни самарадорликнинг муҳим кўрсаткичи сифатида танлаб олиш билан менежментни тўғри йўналтириш ва фаолияти самарадорлигини таъминлаш мумкин эмас. Мазкур мезонларни шакллантиришда молиявий кўрсаткичлардан ташқари бизнес жараёнлари, мижозлар билан муносабатлар, персонални ўстириш жиҳатлари ҳам қамраб олиниши мақсадга мувофиқ. Шунингдек, самарадорликнинг муҳим кўрсаткичларига бириктириладиган салмоқ ҳам корхона фаолият юритадиган тармоқ хусусиятларидан келиб чиқиши ва менежерларга ҳеч нарсани ўзгартирмасдан ҳам юқори мукофот олиш имконини таъминлайдиган (қайси кўрсаткич бўйича меъёр бажарилган ва режа кўрсаткичига эришиш мумкин бўлса, шу кўрсаткич салмоғини ҳаддан ташқари юқори белгилаш амалиёти) қилиб ўрнатилишига йўл қўймаслик зарур.

Натижа шуни англатадики, раҳбар бошқарув фаолиятида биринчи бўлиб энг муҳим вазифаларни амалга оширишга киришади. Сўнгра истиқболли вазифаларни ҳал қилишга ҳаракат қилади. Бу ундаги касбий малакаси яхши эканлигини англатади. Раҳбарнинг мукаммал касбий малакага эга бўлиши ташкилот ишининг самарадорлигини таъминловчи асосий омиллардан ҳисобланади. Айнан ушбу натижалар асосида ўрганилган раҳбарга иш вақтидан рационал ташкил қилиш бўйича айрим тавсияларни ишлаб чиқиш мумкин. Чунки, раҳбарлик фаолиятида истиқболли масалаларга эътибор қилиш ҳам муҳим омиллардан ҳисобланади. Раҳбарнинг фаолият самарадорлигини ошириш унинг фаолиятида бир қанча натижадорлик касб этиши билан биргаликда ташкилот фаолиятига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Раҳбар бу борада вақтдан унумли фойдаланиш, ўзи ва жамоа олдига мақсад қўя олиш, мақсад сари интилиш, тезкор ва истиқболли қарорлар қабул қилиш, стратегия ва тактика ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалда қўллаш, энг асосийси доимий равишда ўзида бошқарув бўйича билим ва кўникмаларини ривожлантириш учун ҳаракат қилиши лозим. Қолаверса, ходимларнинг ривожланиши учун шарт-шароитларни яратиш ҳақида ўйлаш керак.

***Бердиев Н.Р.** – ОБМ, тингловчи*

# ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ КРЕДИТ ВА ДЕПОЗИТ ХИЗМАТЛАРИНИ РАҚАМЛАШТИРИШНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛГАН МУАММОЛАР

Диссертацион тадқиқотнинг иккинчи бобида амалга оширилган таҳлиллар республикамиз тижорат банкларининг кредит ва депозит хизматларини рақамлаштиришни чуқурлаштириш билан боғлиқ бўлган бир қатор долзарб муаммоларнинг мавжудлигини кўрсатди. Улардан асосийлари сифатида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Тижорат банклари активларининг диверсификация даражасини паст эканлиги ва таснифланган кредитлар таркибини ёмонлашаётганлиги.

Амалга оширилган таҳлилларнинг натижалари кўрсатдики, республикамиз тижорат банкларининг кредит портфели ва қимматли қоғозлар портфелларининг диверсификация даражаси паст.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг кредит портфелида битта тармоққа ёки соҳага берилган кредитларнинг улуши 40 фоиздан юқоридир. Бу эса, уларнинг кредит портфелини диверсификация даражасини паст эканлигидан далолат беради. Халқаро банк амалиётида умумэътироф этилган мезонга кўра, тижорат банки кредитларининг 25 фоиздан ортиқ қисмини битта тармоқда ёки соҳада тўпланиши мумкин эмас.

Тижорат банклари кредит портфелининг диверсификация даражасининг паст эканлиги улар фаолиятидаги кредит рискини самарали бошқариш имконини бермайди. Бунинг сабаби шундаки, кредит портфелини диверсификация қилиш кредит рискини бошқаришнинг самарали усулларидан бири ҳисобланади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, республикамиз тижорат банкларининг қимматли қоғозлар портфелининг диверсификация даражаси паст. Бу эса, банкларнинг қимматли қоғозларини самарали бошқариш имконини бермайди.

Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар портфелини бир вақтнинг ўзида бир нечта белгиларига кўра диверсификация қилиш фонд рискини ошиб кетишининг олдини олишда муҳим роль ўйнайди. Бунда, диверсификациялашнинг асосий белгилари сифатида сотиб олинган қимматли қоғозларнинг валютавий таркиби, қимматли қоғозлар эмитентларнинг тармоқ хусусияти ва эмитентларнинг мулк шаклига кўра таркиби назарда тутилмоқда.

Бир вақтнинг ўзида бир нечта валюталарда ёзилган қимматли қоғозларни сотиб олиниши валюта курсларининг тебраниши натижасида қимматли қоғозларга қилинган инвестцияларнинг реал қийматини пасайиш хавфини олдини олади.

Республикамиз тижорат банкларида қимматли қоғозларга қилинган инвестицияларнинг брутто активларга нисбатан даражасининг паст эканлиги уларнинг қимматли қоғозлар билан операциялар ўтказиш амалиётини такомиллашмаганлигини кўрсатади (3.1-расм).




**3.1-расм. АТ “Асакабанк” ва АТ “Туронбанк”да қимматли қоғозларга қилинган активларнинг брутто активлар ҳажмидаги салмоғи, фоизда**

3.1-расм маълумотларидан кўринадики, Асакабанк ва Туронбанкда таҳлил қилинган давр мобайнида (2017-2021 йй.) қимматли қоғозларга қилинган инвестицияларнинг брутто активлар ҳажмидаги салмоғи жуда паст ва беқарор бўлган. Бу эса, мазкур банкларнинг қимматли қоғозлар билан операциялар ўтказиш амалиётини такомиллашмаганлигини кўрсатади.

Диссертацион тадқиқотнинг иккинчи бобида амалга оширилган таҳлиллар кўрсатдики, республикамизнинг бир қатор тижорат банкларида таҳлил қилинган давр мобайнида таснифланган кредитлар таркибининг ёмонлашиши юз берди. Яъни, таҳлил қилинган давр мобайнида, тижорат банкларининг таснифланган кредитлари ҳажмида стандарт ва субстандарт кредитларнинг салмоғини пасайиши ва қониқарсиз ва шубҳали кредитлар салмоғини ошиши кузатилди.

Таснифланган кредитлар тоифалари бўйича захира ажратмаларининг ставкалари ўртасида сезиларли фарқ бўлганлиги сабабли таснифланган кредитлар таркибида қониқарсиз ва шубҳали кредитлар салмоғини ошиши банкларнинг кредит портфелини сифатини ёмонлашишига олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида»ги йўриқномасига (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 14 июлда 2696-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган) асосан таснифланган кредитларнинг беш тоифаси бўйича ҳам захира ажратмалари шакллантириладиган бўлди:

“стандарт кредитлар – 1 %;

субстандарт кредитлар – 10 %;

қониқарсиз кредитлар – 25 %;

шубҳали кредитлар – 50 %;

умидсиз кредитлар – 100 %”.[1]

[1] Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг қарори. Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 28-сон, 374-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.04.2018 й., 10/18/2696-2/1120-сон.

2. Республикамиз тижорат банкларида чакана кредитлар бериш жараёнини замонавий банк технологияларини жорий қилиш йўли билан такомиллаштириш масаласи ҳал қилинмаган. Хусусан, чакана кредитлашда қўлланиладиган қатор технологиялар ҳозирга қадар тижорат банкларининг амалиётига жорий қилинмаган.

Халқаро банк амалиётида чакана кредитлашда кенг қўлланилаётган технологиялардан бири бўлиб, BANCS Loans технологияси ҳисобланади. Ушбу технология чакана кредитларнинг бир нечта турларига (истеъмол кредити, мақсадсиз шахсий кредитлар, уй-жой ссудалари ва бошқ.) хизмат кўрсатиш имконини беради.

BANCS Loans технологияси реал вақт режимида банкнинг барча филиаллари бўйича мижозларга кредит хизмати кўрсатишни амалга ошириш имконини беради. Бу ерда, кредитларга хизмат кўрсатиш деганда кредит олиш учун берилган аризани қайта ишлашдан тортиб муддати ўтган кредитларни қайта таркиблашгача бўлган операциялар назарда тутилмоқда.

3. Тижорат банкларида таснифланган кредитлар таркибининг ёмонлашаётганлиги.

Диссертацион тадқиқотнинг иккинчи бобида амалга оширилган таҳлилларнинг натижалари кўрсатдики, таснифланган кредитлар таркибининг ёмонлашаётганлиги, замонавий банк технологияларидан фойдаланиш даражасининг паст эканлиги банкларнинг барқарорлигига нисбатан салбий таъсирни юзага келтирмоқда.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар ўтказган илмий тадқиқотлар тижорат банкларининг барқарорлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган бошқа муаммоларнинг мавжудлигини кўрсатди. Ушбу муаммолардан долзарблари сифатида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

– миллий валютанинг қадрсизланиш суръатининг юқори эканлиги импортнинг қимматлашишига ва инфляциянинг кучайишига олиб келди. Бунинг натижасида корхоналарнинг хорижий валюталарда олган кредитларини тўлаш билан боғлиқ бўлган харажатлари ва маҳсулотлар таннархининг ошиб кетиши юз берди. Натижада, уларнинг тўловга қобиллик даражаси пасайди[1];

– республикамиз тижорат банкларида активлар ва мажбуриятлар ўртасида кучли номутаносибликнинг мавжудлиги, банклар фаолиятидаги трансформация рискининг чуқурлашишига олиб келди. Ўз навбатида, трансформация рискининг чуқурлашиши банкларда баланслашмаган ликвидлилик муаммосининг чуқурлашишига олиб келди[2];

– таснифланган кредитлар таркибининг ёмонлашиши республикамиз тижорат банкларининг ликвидлилигига ва молиявий барқарорлигига салбий таъсир кўрсатди. Бу эса, таснифланган кредитлар таркибининг ёмонлашиши кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг миқдорини ошишига олиб келди. Ўз навбатида, кредитлардан

[1] Мажидов Ж.К. Тижорат банклари активлар портфелини шакллантиришнинг сифатини оширишнинг долзарб масалалари//Халқаро молия ва ҳисоб. – Тошкент, 2017. – №1, февраль;
[2] Гадоев С.Ж. Тижорат банкларида ликвидлилик рискини бошқаришни такомиллаштириш.И.ф.б.ф.д. дисс. автореф. – 47 б.

кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг миқдорини ошиши банкнинг соф фойдаси миқдорининг камайшига олиб келди. Чунки, кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари суммаси тўлиқ тижорат банкининг харажатига олиб борилади[1];

– республикамизда тижорат банклари мижозларнинг жорий ҳисобрақамларидаги пул маблағларини, уларнинг рухсатисиз ишлатаётганлиги банкларнинг барқарорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Ҳолбуки, мижознинг жорий ҳисобрақамидаги пул маблағларини, унинг розилигисиз ишлатиш, нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ташкил қилиш принципларига зиддир[2].

4. Банкларда коммуникация ва ижтимоий платформалардан фойдаланиш амалиётини такомиллашмаганлиги.

Тадқиқотларга кўра, банкларнинг деярли ярми келгуси 5 йил ичида мижозлар билан асосий алоқа усули сифатида ижтимоий ахборот воситаларига таяниши кутилмоқда. Банклар учун бу ўз мижозлари билан мулоқотни қандай тартибга солиш ва соддалаштириш уларнинг ижтимоий медиа стратегиясини жорий этиш йўли бўлиши мумкин. Шунинг учун банклар ҳозирдан Facebook, Twitter, Telegram ва Instagram каби ижтимоий платформаларнинг кенг қамровини ҳисобга олган ҳолда, ушбу каналлардан самарали фойдаланиш стратегияларини ишлаб чиқиши лозим.

***Назаров Б.С.*** *– ОБМ, тингловчи*

## АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАР СОҲАСИДА БИЗНЕС ИННОВАЦИЯЛАР ВА ТАДБИРКОРЛИКНИНГЎРНИ ВА АҲАМИЯТИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясида рақамли инфратузилмани янада ривожлантириш орқали барча аҳоли масканларини ва ижтимоий объектларни ҳамда магистрал автомобиль йўлларини кенг полосали уланиш тармоқлари билан қамраб олиш, иқтисодиётнинг реал секторида ҳамда молия ва банк соҳаларида ишлаб чиқариш ва операцион жараёнларни рақамлаштириш даражасини 2026 йил якунига қадар 70 фоизгача ошириш, дастурий маҳсулотлар индустрияси ҳажмини 5 баравар, уларнинг экспортини эса 10 баравар ошириб, 500 миллион АҚШ долларига етказиш рақамли иқтисодиётни асосий «драйвер» соҳага айлантиришнинг устувор йўналишлари сифатида эътироф этилган[3].

Бу эса, ахборот технологиялари соҳасида бизнес инновациялар ва тадбиркорликни аҳамиятини ошириш заруриятини юзага келтиради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев 2018 йил декабрь ойида Олий Мажлисга қилган мурожаатида рақамли технологиялар асосида

[1] Бердияров Б.Т. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг ликвидлилиги ва тўлов қобилиятини таъминлаш масалалари. И.ф.д. дисс. автореф. – Тошкент, 2020. – 73 б.

[2] Исмаилов А.А. Ўзбекистон Республикаси пул тизимини мустаҳкамлашнинг назарий-услубий асосларини такомиллаштириш. И.ф.д. илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2016. – 81 б.

[3] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли Фармони. Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегияси тўғрисида//www.lex.uz.

иқтисодиётнинг барча соҳаларини янгилашни кўзда тутадиган, рақамли иқтисодиётнинг Миллий концепциясини ишлаб чиқиш ва шу асосда “Рақамли Ўзбекистон – 2030” дастурини татбиқ этиш кераклигини, рақамли иқтисодиёт ички маҳсулотнинг камида 30 фоизга ўсишини таъминлашини ва коррупцияни кескин камайтиришини таъкидлади[1].

Бугунги кунга келиб, “Рақамли Ўзбекистон – 2030” Миллий стратегияси концепцияси лойиҳаси ишлаб чиқилди ва “Ўзбекистон Республикаси меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини муҳокама қилиш” сайтида муҳокама қилинди. Таклиф этилган концепция 7 боб, умумий қоидалар, асосий тамойиллар ва мақсадларни, рақамлаштиришнинг мавжуд ҳолати ва шартларини, асосий йўналишларини, амалга ошириш босқичлари ҳамда механизмини, амалга оширишдаги хавф-хатарлари ва кутиладиган натижаларни ўз ичига олади. Концепцияда асосий эътибор 3-бобга тўғри келади, унда рақамли инфратузилмани ривожлантириш, инсон капитали, давлат бошқаруви тизими, рақамли инновацияларнинг экотизими ва самарали ахборот хавфсизлиги тизимини яратишнинг устувор масалалари кўриб чиқилган. Таклиф этилаётган Концепцияда Миллий стратегия асосий тамойиллар ва мақсадлари белгилаб берилган.

2022 йил 1 январь ҳолатига кўра, ахборот-коммуникация соҳасида 8620 та корхона рўйхатга олинган бўлиб, бу рўйхатдан ўтган корхона ва ташкилотлар умумий сонининг 1,2 фоизни ташкил етади (720964). Шундан 8049 та корхона ва ташкилот фаолият юритмоқда ва 550 тасининг фаолияти тўхтаган. 2019 йилда 180 та корхона ва ташкилот янгидан ташкил этилди, шунингдек, 8 таси тугатилди. Чет эл капитали 285 та корхонани ўз ичига олади, улардан 274 таси фаол, 10 тасининг ҳаракати тўхтатилган, 6 таси янги ташкил этилган ва 2 таси тугатилган.




**1-расм. Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари, шунингдек, компьютер ва маиший товарлар таъмирлаш хизматлари ҳажмининг ЯИМдаги улуши, фоизда[2].**

1-расм маълумотларидан кўринадики, 2019-2021 йилларда алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари, шунингдек, компьютер ва маиший товарлар таъмирлаш хизматлари ҳажмининг ЯИМдаги улуши пасайиш тенденциясига эга бўлган.

Фикримизча, республикамиз ахборот технологиялари соҳасида бизнес инновациялар ва тадбиркорликнинг ўрни ва аҳамиятини ошириш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

---

[1] Отақўзиева З.М. Развитие и особенности электронной занятости в РУз Журнал «Иқтисодиёт ва таълим». 2020 йил, 5-сон. – Б. 171-174.
[2] Валовой внутренний продукт. Официальный сайт Госкомстата РУз. https://stat.uz/uploads/doklad/2022/.

1. Катта маълумотлар асосидаги аналитика (Big Data analytics) таянган ҳолда ечимларни комплекс автоматик қабул қилишни йўлга қўйиш лозим.

Катта маълумотлар асосидаги аналитика (Big Data analytics) ҳамма жойларда (масалан, Google Maps) ривожланмоқда. Google инсонларнинг манзилларини сақлаши, жорий жойлашиш ўрнини билиши ва маълумотларни трафик оқимлари билан реал вақтда бирлаштириши бориш манзилига тезроқ етиб бориш мумкинлигига олиб келади. Қандайдир даражада Google бориш манзилига етиб бориш учун ечимни қабул қилишга ёрдам беради. Бундай аналитика ақлли ишлаб чиқишга киради. Энг яхши ишлаб чиқариш қурилмасини қидириш ёки бу жорий графикни яхшилаш ёки сифат нуқсонларини яхшилаш бўлсин, барча бундай масалаларга аналитика ёрдам беради.

2. Буюмлар интернетидан (IoT) саноат корхоналарида фойдаланиш кўламини кенгайтириш мақсадида қуйидаги шартларнинг мавжудлигини таъминлаш лозим:

*маҳсулотларнинг кенг номенклатурасини чиқариш, таркибий қисмларнинг катта рўйхатидан фойдаланиш;

*маҳсулот сифатини ошириш ва нуқсон даражасини пасайтириш зарурати;

*илгари етказиб берилган маҳсулотларга самарали сервис хизмати кўрсатишга бўлган эҳтиёж;

*ишлаб чиқаришнинг операцион харажатларини камайтиришга бўлган эҳтиёж;

*муҳим энергия ишлаб чиқариш қуввати;

*мураккаб ишлаб чиқариш шароитлари;

*режасиз ишлаб чиқаришни тўхтатиш учун технологик асбоб-ускуналарнинг нотўғри ишлашини тезкор диагностика қилиш кераклиги;

*ходимларнинг юқори маҳсулдорлигини таъминлашга бўлган эҳтиёж;

*ходимларнинг хавфсизлигини таъминлашга бўлган эҳтиёж;

*кенг спектрли тизимни интеграция қилиш зарурати.

Буюмлар интернети технологияси асосида қурилган ечимлар, бугунги кунда кўплаб технологиялар билан боғлиқдир. Технологиялардаги тараққиёт туфайли, саноатда улардан фойдаланиш унумли ҳисобланади.

Аввало, бу сенсорлар соҳасидаги тараққиётга боғлиқ. Сенсорлар ишлаб чиқаришда Интернет технологиялари экотизимининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади. Улар реал вақтда маълумотларни бирлаштиради ва маълумотлар базаси тизимлари, ишлаб чиқариш тизимлари ёки маълумотлар омборлари билан тўғридан-тўғри интеграция қилиш қобилиятига эга.

IoT сенсорларини алоқа тармоқларига (симсиз уланишга) боғлаш яна бир муҳим янгиликдир. Бир неча йил олдин бўлган холатдан фарқли ўлароқ, Интернет-уланишлар ишончли ва арзон бўлиб, ишлаб чиқарувчилар уларни ўз қурилмаларига жойлаштиришига имкон беради. Bluetooth, Wi-Fi, RFID, ZigBee, IPv6 оиласи каби мавжуд стандартлар ҳозирда заводларда IoTни қўллаб-қувватловчи технологияларда кенг қўлланилади. Бошқа ривожланаётган стандартлар ҳам бўлиб, улар баъзи қурилма ишлаб чиқарувчилари томонидан

қўллаб-қувватланади, керакли рақобатни яратади ва ечимларни арзонлаштиради хамда алоқа сифатини оширади.

*Ахмедов Ж.Б. – ОБМ, тингловчи*

## КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВНИНГ ЗАМОНАВИЙ СТАНДАРТЛАРИ

Корпоратив бошқарувнинг стандартлари эса – бу компаниянинг бошқарув ва барча бошқа ходимларининг белгиланган вазифа ва фунцияларини амалга оширишни таъминловчи норма ва қоидалар мажмуасидир.

Ушбу стандартлар турли халқаро ташкилотлар, хусусан Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИҲТТ), Жаҳон банки, Халқаро валюта фонди, Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) ҳамда бошқа халқаро ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган. Ишлаб чиқилган стандартлар тавсиявий характерга эга бўлиб, компаниялар томонидан ўз ихтиёри ва хоҳиши бўйича қабул қилинади. Аммо корпоратив бошқарувнинг замонавий стандартларини бошқарув жараёнига самарали қўллш компаниянинг очиқлигини, инвестицион жозибадорлигини, жаҳон бозорида рақобатбардошлигинини амалга оширишини таъминлайди.

Корпоратив бошқарув стандартлари масалаларига иқтисодиёт ва менежмент соҳасида турли илмий ёндашувлар мавжуд. Иқтисодчи олимлардан М.В.Ефремов ва В.В.Луневларга кўра корпоратив бошқарув стандартлари - бу ташкилот учун мажбурий бўлган нормалар, қоидалар, талаблар ва характеристикаларнинг таркибий мазмун-моҳиятини ифода қиладиган ҳужжатдир[1].

Иккита компания ўртасидаги корпоратив бошқарув стандартларининг бузилиши ўзаро савдо ва бошқарувга салбий таъсир қилиши мумкин. Корпоратив бошқарув стандартларига риоя қилиниши эса трансчегаравий бирлашишлар ва қўшиб олишлар самарадорлигида янада кенгроқ намоён бўлади. Бу эса корпоратив бошқарув стандартларининг сезиларли ўзгариб боришини тақозо қилади[2].

Корпоратив бошқарувнинг замонавий стандартларидан бири бўлган рақамли техногияларни акциядорлик жамиятларини бошқариш жараёнларига жорий қилишдан мақсад топ-менежерларнинг корпоратив стратегияни амалга ошириш жараёнларини назорат қилиш, компания фаолиятига “комплаенс-назорат” тизимини жорий қилиш ва компания билан унинг стейкхолдерлари ўртасидаги ўзаро манфаатли муносабатларни қўллаб-қувватлашни таъминлашга қаратилган[3].

Корпоратив бошқарув рейтинги масаласи 2000 йилларнинг бошида жуда ривожланиб кетди. Бунинг асосий сабабларидан бири инвесторларнинг Enron ёки Worldckom каби компания ва унинг раҳбарларига бўлган ишончи пасайиши

---

[1] Ефремов М., Лунев В. “Корпоративные стандарты как инструмент управления сервисными организациями”, Журнал: Вестник Нижегородского университета им. Н.И. Лобачевчкого. Серия: Социальные науки, 2015, №1(37), стр.18-22.

[2] Jensen M., 1993. The modern industrial revolution, exit, and the failure of internal control systems. Journal of Finance 48, 831-880.

[3] Fuxiu Jiang, Kenneth A. Kim, Corporate governance in China: A modern perspective, Journal of Corporate Finance, Volume 32, 2015, Pages 190-216.

ва корпоратив фирибгарликларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида турли мамлакатларда компаниялар устидан давлат ва бизнес-тузилмалар назоратини ўрнатиш талаб қилина бошланди. Бундай назоратлардан 2002 йил Sarbanes-Oxley акти орқали корпоратив бошқарувга ахборот очиқлигини таъминлаш бўйича жиддий талаблар қўйилди. Корпоратив бошқарув рейтингини аниқлашдан мақсад инвесторлар учун зарур ахборотлар очиқлигини таъминлаш ва инвесторларнинг риск қилиш даражасини пасайтиришдир. Шундай қилиб корпоратив бошқарув рейтингини аниқлаш ва инвесторлар учун зарур маълумотларнинг очиқлигини таъминлаш амалга оширилди. Бугунги кунда бу жараён ривожланиб, такомиллашиб бормокда ва бу борада корпоратив бошқарувнинг рейтинги Standard & Poor's; Fitch Ratings; Moody's; Morningstar ва бошқалар томонидан аниқланиб келинмоқда. Рейтинг агентликларининг асосий вазифаси кредит рейтингини, яъни кредит маблағларини қарз олувчига бўлган ишонч рейтингини аниқлашдир. Рейтинг компаниялари томонидан эълон қилинаётган корпоратив бошқарувнинг сифати бир неча қуйидаги белгиларига қараб таснифланиши мумкин:

-ўрганилаётган ривожланган мамлакатлар ёки ривожланаётган мамлакатлар мисолида (АҚШ, Германия, Корея, Россия, Ўзбекистон ва бош.);

-ўтказилиши режалаштирилаётган тадқиқот йўналиши бўйича (фақат корпоратив бошқарув ёки кредит рейтинглари аниқланиши бўйича зарур кўрсаткичларни ҳамда умумий ва тор доирадаги махсус рейтингларни амалга оширишни характерлайди);

-рейтинг ўтказишнинг қамраб олиш даражаси бўйича (бир ёки бир неча давлатлараро ёки бозорнинг ўзгариш таъсирини ҳисобга олмаган ҳолдаги рейтингни амалга оширишдир);

-рейтингни амалга оширувчи компаниялар бўйича (турли компаниялар томонидан амалга оширилган рейтинг натижалари ёки бошқа илмий тадқиқот ташкилотлари томонидан ўтказилган рейтинглардир)1.

Жаҳон тажрибасида бугунги кунда корпоратив бошқарувнинг замонавий стандартлари ва усулларига молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари (МҲХС) ҳам киради.

МҲХС – бу дунёнинг турли мамлакатларида молиявий ҳисоботларни тайёрлаш батафсил ёки аниқ ҳуқуқий қоидалар билан тартибга солинади ёки қонун ҳисоботларни ягона меъёрий тартибга солишнинг ҳуқуқий асосларини таъминлайди, муайян масалалар стандартлар томонидан белгиланади ёки асосан стандартлар қўлланилади ва бунда қонунчиликнинг аҳамияти унчалик катта бўлмайди. МҲХСнинг мақсади акциядорлик жамиятлари молиявий ҳолати шаффофлигини ва стабиллигини қўллаб-қувватлашга қаратилганидадир. Бундай мақсаднинг натижаси акциядорлик жамиятлари фаолиятига бўлган хорижий ва маҳаллий инвесторларнинг ишончини ва инвестицияга жалб қилишдаги ишончини оширишга хизмат қилади.

[1] Суюнов Д.Х. Корапоратив бошқарув стандартлари//"Халқаро молия ва ҳисоб" илмий журнали. № 3, июнь, 2021 йил. ISSN: 2181-1016

1973 йилда Халқаро миқёсда молиявий ҳисоботлардан фойдаланувчилар ушбу ҳисоботни такомиллаштириш ва бирлашиш мақсадида бир қатор мамлакатларда давлат бухгалтерия ҳисоби ва аудиторлик ташкилотлари ҳалқаро проффесионал нодавлат ташкилоти – Халқаро молиявий стандартлар қўмитасини (International Accounting Standards Committee, IASC) ташкил қилишган. 1981 йилдан бери бу қўмита амалда бухгалтерия ва молиявий ҳужжатларнинг мамлакатлар учун ягона шаклини жорий қилиш йўлида иш олиб бормоқда. 2005 йилдан бошлаб Европа комиссиясининг 2002 йилдаги қарори билан Европа биржаларида акциялари котировка қилинган акциядорлик жамиятлари МҲХСлари талаблари асосида концолидациялашган молиявий ҳисоботлар тузиши керак бўлади. 2001 йилнинг апрел ойида Халқаро молиявий стандартлар қўмитаси МҲХС Кенгашига айлантирилган (IASB) ва 2001 йилдан бошлаб МҲСК (IASB) номи билан янги стандартларни ишлаб чиқмоқда. Бу Кенгаш нодавлат ташкилот ҳисобланиб, давлат ташкилотлари олдида хеч қандай жавобгарлиги йўқдир. У давлат секторига кирмайдиган компаниялар учун умумий фойдаланиш учун қулай бўлган, бир хилликка ёндашувлашган стандартларни ишлаб чиқади ва белгилаб беради[1].

МҲХСларининг турларини классификация нуқтаи назаридан қуйидагича изоҳлаш мумкин:

Биринчидан ҳар бир мустақил давлат МҲХСларни миллий стандартлар сифатида тан олиб қўллаб келади. Бундай мамлакатларга Кипр, Қувайт, Латвия, Малта, Покистон, Тринидад, Тобаго, Хорватия ва бошқаларни киритиш мумкин.

Иккинчидан МҲХСни миллий стандартлар сифатида шартли холатда фойдаланиш ёки фаолиятда ишлатиб, аммо халқаро стандартлар билан қамраб олинмаган масалалар бўлса мамлакат ўз миллий стандартларини ишлаб чиқади ва ундан фойдаланади. Бундай мамлакатларга Малайзия ва Янги Гвинеяларни мисол қилиш мумкин бўлади.

Учинчидан МҲХСни ўз мамлакатида миллий стандартлар сифатида фойдаланиш ва унга амал қилиш билан бирга баъзи ҳолларда уларни мамлакат миллий хусусиятларига мувофиқ ўзгартириш киритиб фойдаланиш ҳам мумкин бўлади. Бундай мамлакатлар қаторига Албания, Бангладеш, Барбадос, Замбия, Зимбабве, Кения, Колумбия, Полша, Судан, Таиланд, Уругвай, Ямайка каби давлатларни киритиш мумкин.

Тўртинчидан, мамлакатнинг миллий стандартлари МҲХСга асосланади ва унга қўшимча ўзгартиришлар киритилиб, ушбу ўзгартиришларга тушунтиришлар берилади. Бундай усулда ишлайдиган мамлакатларга Хитой, Эрон, Словения, Тунис, Филиппинни киритиш мумкин.

Бешинчидан, миллий стандартлар МҲХСга асосланади, аммо мамлакатдаги стандартлар МҲХСларга қараганда кенгроқ ва батафсилроқ ишлаб чиқилган бўлади. Бундай мамлакатларга Бразилия, Ҳиндистон, Ирландия, Литва, Мавритания, Мексика, Намибия, Нидерландия, Норвегия, Португалия, Сингапур, Словакия, Туркия, Франция, Швейцария, Жанубий Корея давлатларини киритиш мумкин.

[1] 3. Ernst & Young. Первое применение МСФО. — М.: Альпина Паблишер, 2013. — С. 17- ISSN 978-5-9614-2241-2.

Олтинчидан, мамлакатлар миллий стандартлари МҲХСга асосланади, бундан ташқари ҳар бир миллий стандартда миллий стандартни МҲХС билан таққослайдиган ўз қоидаларига эга бўлади. Бундай давлатларга Австралия, Дания, Италия, Янги Зеландия, Швеция каби давлатлар киради.

Еттинчидан, Европа иттифоқига кирувчи мамлакатларнинг компаниялари акциялари фонд бозорларида котировкага эга бўлса улар январ 2005 йилдан МҲХСларига ўтган бўлиши талаб қилинади[1].

Корпоратив бошқарувнинг замонавий стандартлари нинг яна бир талаби - бу корпоратив бошқарув кодексининг қабул қилиниш ва унга қаттиқ амал қилинишидир. Бугунги кунга қадар дунёда ушбу соҳада стандартларни белгиловчи 100 дан ортиқ ҳужжатлар қабул қилинган. Биринчилардан бўлиб Кадбери кодекси 1991 йилда Буюк Британияда молиявий маълумот кенгаши, Лондон фонд биржаси ва Профессионал бухгалтерлар уюшмаси томонидан тузилган махсус қўмита томонидан ишлаб чиқилган. Шунга ўхшаш ҳужжатлар бошқа мамлакатларда, шунингдек АҚШ, Франция, Германия, Канада, Япония, ЖАР, Бразилия, Мексика, Руминия, Финляндия, Чехия, Швеция, Жанубий Корея, Туркия, Дания ва бошқалар яъни 96 та давлатда қабул қилинган бўлиб, Ўзбекистонда ҳам махсус комиссиянинг 2015 йил 31 декабрда 9-сонли қарори билан корпоратив бошқарув кодекси қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқорида қайд қилинган 2015 йилдаги ПФ-4720 сонли фармони билан 2015 йил 31 мартдаги ПҚ-2327-сонли қарори билан ташкил этилган “Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссияси”га акциядорлик жамиятлари учун корпоратив бошқарув кодексини ишлаб чиқиши ва тасдиқлаш вазифалари юклатилган ва бу вазифалар ўз вақтида бажарилган. Бугунги кунда Ўзбекистонда фаолият юритаётган барча акциядорлик жамиятлари ушбу кодексни қабул қилди. Ушбу кодексда акциядорлик жамиятлари ўзининг ҳаққоний ва очиқ бизнес юритиш тарафдори эканлигини намоён қилган ҳолда ихтиёрий равишда амал қилувчи тавсиялардан иборат ва корпоратив бошқарувнинг халқаро тамойилларига асосланган. Бундан ташқари Кузатув кенгашига мустақил аъзолар тайинлаш тартиби (кузатув кенгаши аъзолари сонининг 15 фоиздан кам бўлмаган) мустақил аъзо, кимлар мустақил аъзолар бўлишлиги, корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш мезонлари ва бошқа нормалар киритилди[2].

***Абдуразакова Н.Р.*** *– ТЭПИ, самостоятельный соискатель*

## ПОТОКИ ПРЯМЫХ ИНОСТРАННЫХ ИНВЕСТИЦИЙ ДО И ВО ВРЕМЯ COVID-19

Прямые иностранные инвестиций (ПИИ) остались на уровне 1,39 триллиона долларов в 2019 году и упали на 1% по сравнению с пересмотренными 1,41

---
[1] Суюнов Д.Х. Корапоратив бошқарув стандартлари//“Халқаро молия ва ҳисоб” илмий журнали. № 3, июнь, 2021 йил. ISSN: 2181-1016.
[2] Суюнов Д.Х. Корапоратив бошқарув стандартлари//“Халқаро молия ва ҳисоб” илмий журнали. № 3, июнь, 2021 йил. ISSN: 2181-1016.

триллиона долларов в 2018 году. Это связано с более низкими макроэкономическими показателями и неопределенностью инвестиционной политики, включая торговую напряженность. В соответствии с прогнозами, содержащимися в Докладе о мировых инвестициях за 2019 год, переход к ПИИ, который снижает неопределенность, вызванную разовыми операциями и внутренними финансовыми потоками, увеличился на 5 процентов - небольшой сдвиг, который продолжает дефляцию, наблюдаемую на протяжении десятилетия. Исторически низкие потоки прямых иностранных инвестиций в развивающиеся страны упали еще на 6% до 643 миллиардов долларов при приблизительной скорости.




**Рисунок 1 Приток прямых иностранных инвестиций: глобальный и по группам экономик, 2008–2019 гг. (Млрд долларов США)Источник: ЮНКТАД.**

Согласно рисунке 1 потоки разработки остались стабильными на уровне приблизительно 695 миллиардов долларов США. В Латинской Америке и Карибском бассейне ПИИ увеличились на 16%, а в Африке - на 3%. После падения на 6% в 2019 году одна треть мировых прямых иностранных инвестиций осталась в развитии Азии. Две трети, до 57 миллиардов долларов США, - это потоки стран с переходной экономикой.

Ввиду более постепенного роста мировой экономики ЮНКТАД ожидает, что потоки ПИИ несколько увеличатся в 2020 году. Предполагается, что корпоративные доходы останутся высокими, и появятся признаки роста торговой напряженности. Однако заявленное сокращение числа новых проектов на 22 процента - показатель будущих тенденций, высоких геополитических рисков и опасений относительно дальнейшего изменения протекционистской политики.

Глобальные потоки ПИИ оставались стабильными на уровне 1,39 триллиона долларов в 2019 году, что на 1% меньше, чем 1,41 триллиона долларов, обновленных в 2018 году. В Европе и Азии наблюдалось снижение импорта, не изменившееся в Северной Америке, и рост в странах с переходной экономикой в Африке, Латинской Америке и других странах. Карибский бассейн (рис. 2). В 2019 году влияние бюджетной реформы в США в 2017 году, которая сократила внешние и глобальные потоки прямых иностранных инвестиций США, похоже, снизилось.




**Рисунок 2 Приток ПИИ по регионам, 2018 и 2019 гг.Источник: ЮНКТАД**

Согласно рисунке 2 в рамках этой группы страны с формирующейся рыночной экономикой по-прежнему получают более половины глобальных потоков ПИИ и половину из 10 крупнейших получателей ПИИ (диаграмма 3). США оставались крупнейшей целью прямых иностранных инвестиций с притоком в 251 миллиард долларов, за которыми следовали 140 миллиардов долларов из Китая и 110 миллиардов долларов из Сингапура.

Тенденции ПИИ в странах Азии

По прогнозам, в 2019 году ПИИ в развивающиеся страны Азии достигнут 473 трлн долларов. Общий спад был вызван, прежде всего, падением инвестиций в Восточной Азии на 21%. Инвестиции Гонконга сократились почти вдвое до 55 миллиардов долларов, при этом инвестиции продолжаются круглый год. Потоки в Корейскую Республику, в основном из-за торговых споров и изменений политики в отношении инвестиций, снизились на 46 процентов до 7,8 миллиарда долларов. В Китай стабильно поступает 140 миллиардов долларов.

Юго-Восточная Азия остается движущей силой роста в регионе и увеличила прямые иностранные инвестиции до 177 миллиардов долларов, что на 19 процентов больше, чем в 2018 году. В 2019 году Сингапур, крупнейшая принимающая страна для прямых иностранных инвестиций, продолжал расти благодаря сделкам в области информации и коммуникаций. 110 миллиардов долларов США - на 42 процента. Инвестиции Индонезии выросли на 12 процентов до 24 миллиардов долларов США, при этом крупные потоки поступают в оптовый, розничный и производственный секторы, включая цифровую экономику.

Южная Азия увеличила прямые иностранные инвестиции на 10 процентов до 60 миллиардов долларов. Лидером роста стала Индия, приток которой оценивается в 49 триллионов долларов, рост на 16 процентов. Остальная часть

сосредоточена в сфере услуг, включая ИТ. Приток из Бангладеш и Пакленда упал на 6% до 3,4 млрд долларов и 1,9 млрд долларов, соответственно, на 20%.

Потоки ПИИ в Западной Азии снизились с 30 миллиардов долларов в 2018 году на 16 процентов до примерно 25 миллиардов долларов. Потоки в Турцию снизились из-за экономических проблем с 13 миллиардов долларов в 2018 году до 8,3 миллиарда долларов. Инвестиции Саудовской Аравии выросли на 9 процентов, при этом объем сделок за пределами нефтегазовой отрасли оценивается в 4,6 миллиарда долларов. Например, Tronox Ltd (США) купила часть национального титана (Саудовская Аравия) за 2,2 млрд долларов, что стало крупнейшей в мире сделкой M&A в области металлов.

Взносы в восстановление ПИИ могут выходить за рамки финансирования. Многонациональные предприятия (МНП), как правило, крупнее, в большей степени интенсивны в области исследований и разработок (НИОКР) и более производительны, чем чисто отечественные фирмы. Таким образом, они могут помочь правительствам справиться с последствиями пандемии. Агентства по продвижению инвестиций (АПИ), которые несут ответственность за привлечение и стимулирование ПИИ, также работают со своими клиентами и местными зарубежными партнерскими сетями для облегчения делового сотрудничества и содействия усилиям правительства по борьбе с пандемией (см. Следующую заметку о поощрении инвестиций в периоды неопределенности. Агентства ОЭСР во время и после кризиса COVID-19). Трансграничные партнерства и сотрудничество между компаниями могут облегчить поиск долгосрочных бизнес-решений, таких как способы возобновления производства, в то же время защищая здоровье рабочих.

**Использованные литературы**

1. Daoud, J. I., 2017. Multicollinearity and Regression Analysis. *IOP Conf. Series: Journal of Physics: Conf. Series,* pp. 1-7.
2. De Mooij, R. & Ederveen, S., 2001. Taxation and foreign direct investment: A synthesis of empirical. *CPB Netherlands Bureau for Economic Policy Analysis.*
3. https://unctad.org/

***Абдурахимова Д.К.*** *– ТМИ, доцент в.б., PhD*

## ИННОВАЦИОН БАНК МАХСУЛОТЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ БИЛАН БАНКЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Ўтган асрнинг сўнгги декадаси ва жорий асрда ахборот технологияларининг шиддат билан ривожланиши мазкур технологияларнинг молия соҳасига кириб келиб унинг ажралмас қисмига айланишига олиб келди.

Бугунги кунда молиявий технологиялар жаҳон ва миллий даражада молия бозорининг самарадорлиги ва барқарорлигини ошириш учун зарур булган омилга айланиб улгурди. Молиявий технологиялар молиявий хизматларнинг анъанавий йўналишларини рақамли трансформация қилиш ва кенгайтириш учун

имкониятлар яратмоқда ва улар асосида истеъмолчилар учун арзон ва сифатли рақамли маҳсулотлар ва хизматлар жорий этилмоқда. Бу эса ўз навбатида банк фаолияти самарадолигини ошишига олиб келмоқда.

Мазкур масаланинг ниҳоят долзаблигидан келиб чиқиб, Ўзбекистонда ҳам банк саҳасини трансформация қилиш орқали ислоҳотлари амалга оширилмоқда. Мазкур ислоҳотлар «2020-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси» банк тизимини ривожлантириш стратегияларининг асосий мақсади сифатида қайд этилган[1].

Молиявий технологияларининг банк фаолиятига кириб келиши банк фаолиятининг самарадорлигини ошириб юборди. Бу борада мазкур фикрни қўллаб-қувватловчи бир қатор тадқиқотлар мавжуд.

Масалан, Globe Newswire халқаро компаниясининг прогнозларига кўра 2025 йилгача халқаро молия технологиялари бозори ҳар йили 20%дан зиёд кўрсаткичга ўсиб боради.[2]

Insider intelligence компанияси тадқиқотлари натижасида молиявий технологияларга йўналтирилган компания ва ташкилотлар барқарор рақобатбардош устунликларни шакллантиришга ёрдам берадиган ва янада ҳаётий бизнес моделларини таклиф қиладиган янги ва ишончли ечимларни жорий қилмоқда. Улар блокчейн технологияси, сунъий интеллект ёки марказлаштирилмаган янги авлод кредит платформаларини яратиш орқали янги авлод молия тизимини шакллантириб бормоқда.[3]

И.А Седыхнинг фикрига кўра бунинг сабаби мижозларнинг талабларига жавобан молиявий технологиялар бозорлари иштирокчилари чакана ва корпоратив банк, суғурта, брокерлик ва бошқалар сегментлари учун истеъмолчиларга йўналтирилган инновацион ечимларни яратаётганлари. Ушбу иштирокчилар нафақат анъанавий молия ташкилотлари, балки технологик компаниялар бўлганлиги сабабли, бу улар ўртасида рақобатнинг кучайишига олиб келиши истеъмолчилар учун қўл келиши шубҳасиз.[4]

C.C.Lee, X.Li, Ch.Yu ва J.Zhaoлар 2003-2017 йилларда Хитойдаги бир қатор банклар фаолиятини ўрганиб чиқиб, молиявий технологиялар ривожланишининг таъсирини кўриб чиқишди ва молиявий технологиялар соҳасидаги инновациялар нафақат банкларнинг иқтисодий самарадорлигини оширганлигини, балки банклар томонидан қўлланиладиган технологияларни ҳам яхшилашда қўл келганлигини аниқлашди[5].

Мазкур тадқиқот натижаларини амалда исботлаш учун фаолиятида молиявий технологиялардан кенг фойдаланиб келаётган Ўзсаноатқурилишбанк, Сбербанк (Россия) ва DBS (Сингапур) банкларининг 2019-2021 йил давомидаги фаолиятининг асосий кўрсаткичларини таҳлил қиламиз (1-расмга қаранг).

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги “2020 - 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ислоҳ қилиш Стратегияси тўғрисида”ги ПФ-5992-сонли Фармони

[2] Globe Newswire - Global Fintech Market Report 2020-2025 - Competition, Forecast & Opportunities/ Dublin, Dec. 17, 2020

[3] Insider intelligence: Overview of the fintech industry. Feb 12, 2020.

[4] Седых И.А. Рынок инновационных финансовых технологий и сервисов. Национальный исследовательский университет Высшая школа экономики. 2019 г.

[5] C.C.Lee, X.Li, Ch.Yu, J.Zhao Does fintech innovation improve bank efficiency? Evidence from China’s banking industry/International Review of Economics & Finance. - Volume 74, July 2021, Pages 468-483

**1-жадвал**

**Ўзсаноатқурилишбанк, Сбербанк ва DBSнинг 2019-2021 йилларда молиявий ҳолати кўрсаткичлари таққослама таҳлили**[1]*фоизда*

| Кўрсаткичлар | DBS | | | Сбербанк | | | УзСҚБ | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | 2021 | 2020 | 2019 | 2021 | 2020 | 2019 | 2021 | 2020 | 2019 |
| NIM | 1,45 | 1,62 | 1,89 | 5,4 | 5,5 | 5,4 | 4,6 | 4,7 | 3,99 |
| CIR | 45,2 | 42,2 | 43 | 32,2 | 33,2 | 35,8 | 29,6 | 36,85 | 44,57 |
| ROA | 1,02 | 0,75 | 1,13 | 3,1 | 2,3 | 3,1 | 1,65 | 1,9 | 2,3 |
| ROE | 12,5 | 9,1 | 13,2 | 24,7 | 16,1 | 20,5 | 13,2 | 12,3 | 12,7 |
| LDR | 81,5 | 80 | 89 | 101 | 109 | 101 | 342 | 349 | 327 |
| NPL | 1,3 | 1,6 | 1,5 | 2,1 | 4,3 | 4,3 | 3,8 | 1 | 1,5 |

1-жадвал маълумотларига асосан, ҳар учала банклар мисолида банкларда амалга оширилган трансформация жараёнлари ва яратилган инновацион маҳсулотлар банк фаолияти ривожига қуйидаги самарани олиб келади: операцион харажатларни камайтиради; рақамли банк маҳсулотлар арзонлиги ҳисобига уларга бўлган талаб ошади, натижада банк активлари ва пассивларини оширишга; банк рискларини самарали бошқариш имконини оширади,. Айнан бу борада 2021 йилда миллий банкларда муаммоли активлар салмоғининг ошиши кузатиб борилди, шунингдек, миллий банкларда қарз ва жалб қилинган маблағлар нисбати жуда юқори бўлиб, мазкур миллий банк тизимига хос бўлган ҳолатлар Ўзсаноатқурилиш банкда ҳам кузатилади (ушбу жадвалда УзСҚБнинг LDR (327-342%) ва NPL (1,5-3,8%) кўрсаткичлари мисолида буни кўриш мумкин). Бу эса рақамли банк маҳсулотлари таъсирида банк операцион харажатларини камайтириб бориш, рискларини самарали бошқариш ва самарадорлик даражасини барқарор ушлаб туриш ва ошишига эришиш мумкинлигини кўриш мумкин.

Бугунги кунда Ўзбекистон банк тизимида ҳам анъанавий банк хизматидан ва мижозларнинг банк офисларига ташрифлари орқали банк хизматларини кўрсатишдан рақамли банк хизматига ўтиш кузатилмоқда. Анъанавий банк фаолиятига асосланган банкларда ҳам рақамли хизматларнинг улуши ортиб бормоқда. Мамлакатимиздаги барча банк стратегиялари аллақачон рақамли технологиялардан фойдаланишни ўз ичига олиб бўлган.

Албатта, бунда миллий рақамли банк тизимларини ривожлантириш учун рағбатлантирувчи омиллар зарур, яъни инсон ресурслари, капитал, талаб ва тартибга солиш тизими. Бунинг учун қуйидагиларни амалга ошириш тавсия этилади:

1. Зарур техник кўникмаларга ега ходимлар зарур. Бунда таълим муассасалари замон ва талабга қараб мослаштириш имкони бўлган ўқув дастурларини асосида банк маҳсулотлари бозоридаги эҳтиёжларга мувофиқ даражадаги мутахассисларни тайёрлашлари лозим;

2. Банкларда молия технологияларини ҳам молиявий ҳам техник жиҳатдан мукаммал ривожлантиришнинг миллий стратегиясини ишлаб чиқиш лозим;

[1] “Ўзсаноатқурилишбанк”, Сбербанк ва DBS очиқ маълумотлари ёрдамида ҳисоб-китоблар асосида муаллиф томонидан тузилди.

3. Сунъий интеллект ва маълумотларни таҳлил қилиш ёрдамида молиявий хизматларда маълумотлардан хавфсиз фойдаланиш тамойилларини ишлаб чиқиш зарур;

5. Финтех стратаплари учун оптимал патентлаш тизимини яратиш;

6. Банкларнинг рақамли инновациялар учун миллий ва глобал онлайн платформалар яратиш лозим.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**


1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги “2020 - 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ислоҳ қилиш Стратегияси тўғрисида”ги ПФ-5992-сонли Фармони

2. Globe Newswire - Global Fintech Market Report 2020-2025 - Competition, Forecast & Opportunities/ Dublin, Dec. 17, 2020

3. Insider intelligence: Overview of the fintech industry. Feb 12, 2020.

4. C.C.Lee, X.Li, Ch.Yu, J.Zhao Does fintech innovation improve bank efficiency? Evidence from China’s banking industry/International Review of Economics & Finance. - Volume 74, July 2021, Pages 468-483

5. Седых И.А. Рынок инновационных финансовых технологий и сервисов. Национальный исследовательский университет Высшая школа экономики. 2019 г.

6. Саноат қурилиш банк расмий веб-сайти www.sqb.uz

7. Sberbank расмий веб-сайти www.sberbank.ru

8. DBS расмий веб-сайти www.dbs.com



***Абдурахмонов И.Х.*** *– ЎзР.Банк-молия академияси*
*Кафедра мудири, и.ф.н., доц*


## СУҒУРТА СОҲАСИДА БЛОКЧЕЙН ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ҚЎЛЛАШ ИСТИҚБОЛАРИ

Охирги йилларда инновациялар иқтисодиётнинг молия секторидаги ўзгаришларни ҳаракатга келтирувчи асосий омили сифатида намоён бўлиб келмоқда. Молия секторининг суғурта соҳаси ҳам бундан мустасно эмас, шунингдек суғурта соҳаси ҳозирги кунда рақамли трансформация даврига қадам қўймоқда ва бу кўплаб тадқиқотчиларни жамият ҳаётини такомиллаштириш юзасидан илмий таҳлил қилиш усулларини такомиллаштиришга ундамоқда.

Суғурта бозорида рақобатнинг кучайиши ва ахборот каналларининг ривожланиши, истеъмолчиларнинг хулқ-атворидаги ўзгаришлар суғурта компанияларини бизнес юритишнинг мавжуд технологик тамойилларини қайта кўриб чиқишга ундаяпти. Айнан инновацион ёндашувда суғурта бизнесининг келажаги ётади, шунинг учун суғурта соҳасида янги инқилобий блокчейн технологиясидан фойдаланиш имкониятларини кўриб чиқиш муҳим ҳисобланади.

Суғурта соҳасидаги инновацияларнинг ўзига хос хусусиятларига бўлган мавжуд ёндашувлар таҳлили шуни кўрсатдики, баъзи олимлар уларни радикал, комбинацион ва модификацияланган инновацияларга ажратадилар. Ушбу инновациялар барча турларининг умумий хусусияти суғурта каби бизнес соҳасининг хавфлилигидир. Ушбу фаолият натижаларига таъсир этувчи омилларнинг ноаниқлиги ҳам юқори инновацион рискларни келтириб чиқаради. Суғурта компанияларининг инновацион фаолиятига бевосита ёки билвосита таъсир этувчи ташқи ва ички муҳит омиллар инновацион сиёсат, инновацион риск ва инновацион фаолият мажмуини шакллантиришга яқиндан ёрдам беради.

Инновациялар бу компаниянинг асосий рақобатбардош устунлигидир. 2013 йилдаги Accenture Consumer-Driven Innovation тадқиқотлари шуни кўрсатдики, суғурталанувчилар арзонроқ нархда ва қулай суғурта маҳсулотларини талаб қилишмоқда. Суғурта соҳасидаги технологик янгиликлар суғурта компаниялари томонидан фойдаланиладиган суғурта маҳсуотларини сотиш каналларининг ўзгаришига олиб келди.

Блокчейн технологиялари молия бозорининг турли соҳаларида кенг қўлланилиб келинмоқда, масалан улар суғурта соҳасида томонларнинг манфаатларини тартибга солиш ва уларга риоя қилиш тизими сифатида қаралиши мумкин. Гарчи суғурта соҳаси (инновацион технологияларни жорий этиш бўйича) банк соҳасидан ортда қолса-да, у асосий жараёнларни автоматлаштриш орқали самарадорликни ошириш ва харажатларни камайтириш тизимида улкан салоҳиятга эгадир.

Суғурта соҳасида блокчейн технологиясидан фойдаланиш бизнесга янги туртки бериши мумкин бўлган тўртта йўналиш мавжуд:

1) Молиявий хавфсизлик;
2) Зарарларни қоплаш бўйича даъволарни кўриб чиқиш;
3) Суғурталаш технологияларнинг янги усуллари;
4) Блокчейн ёрдамида компаниянинг киберхавфсизлиги реал вақт режимида таъминланади.

Охирги йилларда молия институтлар мавжуд тўлов тизими доирасда блокчейнни қўллашга жиддий қизиқиш билдира бошладилар. Блокчейн технологиясининг асосий афзалликларидан бири бу тизимнинг шаффофлиги ва хавфсизлиги ҳисобланади: блокчейн транзакция ҳақидаги барча маълумотларни, жумладан вақт, сана, миқдор, олувчи ва тўловчини қамраб олади, шунингдек маълумотларни кетма-кетлик занжирида мустаҳкамлангандан кейин ушбу маълумотларга ўзгартириш киритиш имконияти бўлмайди.

Суғурта соҳаси блокчейн технологияларини жорий этиш учун истиқболли соҳадир. Қуйида жаҳон бозоридаги стартапларнинг айримларига мисоллар келтириб ўтамиз:

1. *Etherisc.* Ушбу илова парвозни суғурталаш имконини берувчи ақлли шартномалар асосида қурилган бўлиб, парвоз кечиб қолган тақдирда суғурта тўловини амалга ошириш имконини беради. Etherisc маҳсулоти тўловларни автоматлаштириш имконини беради, шунингдек маълумотлар хавфсизлиги ва шаффофлигини таъминлайди.

2. *Inchain.* Бу марказлашмаган блокчейн поатформаси бўлиб, бунда фойдаланувчиларга рискларни суғурта қилиш, инвесторларга эса суғурта облигацияларига инвестиция киритиш имконини беради. платформа Ethereum блокчейн ва смарт-шартномалар асосида қурилган.

3. *Prosto. Insure.* 2017 йилда Россия суғурта бозорида амалга оширилган суғурта блокчейн-платформаси. Ушбу лойиҳа саёҳат суғуртаси учун мўлжалланган. Ушбу тизим фойдаланувчи маълумотларининг ўзгармас ҳолатда сақлаш ва фирибгарликдан ҳимоя қилиш имконини беради.

4. *Allianz Risk Transfer.* Анъанавий суғуртасиз, ақлли шартномалардан фойдаланган ҳолда рискларни суғурталаш механизмига асосланган.

Блокчейн технологиясидан фойдаланиш ахборот ва маълумотлар хавфсизлиги соҳасидаги кўплаб, юқори нархли мутахассисларни талаб этмайди.

Бунда иқтисодий самарадорлик қуйидагилардан иборат бўлади:

1) Мижозларга хизмат кўрсатиш учун вақтнинг тежалиши 70-85%га;

2) Маблағларнинг иқтисод қилиниши, тайёр ишланмаларнинг мавжудлиги анъанавий ечимлар нархини 60-90% гача камайтириш имконини беради;

3) Рискларнинг камайиши, фирибгарлик ҳолатларининг қисқаришига олиб келади.

Хулоса сифатида шуни таъкидлашимиз мумкинки, блокчейн технологиясидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги бу аниқдир: ушбу технологиялардан фойдаланадиган суғурта компаниялари ўз фаолиятини оптималлаштириш ва самарадорлигини ошириш имкониятига эга бўладилар. Шу билан бирга блокчейнни амалга ошириш самарадорлигини тўлиқ баҳолаш ва фойдаланиш стандартларини ишлаб чиқиш керак бўлади.

Шунингдек, мавжуд афзалликларга қарамай, миллий суғурта компаниялари ўз бизнес жараёнларида замонавий технологиялардан фойдаланиш ва жорий этишда бир қатор муаммолар ва хавфларга дуч келишлар мумкин, булар қўйидагилардан иборат:

– Энергия истеъмоли, кенг кўламлилик, бунда интеграция жараёнларининг харажатлари аниқ асосланган бўлиши керак;

– Киберфирибгарлик;

– Ҳуқуқий ва тартибга солиш масалалари, шунингдек бу борадаги стандартларнинг йўқлиги.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда шуни таъкидлаш мумкинки, суғурта соҳасида блокчейн технологияси юқори истиқболли ривожланиш салоҳиятига эга. Унинг қўлланилиши суғурта бозорида янги маҳсулотларнинг пайдо бўлишига (P2P суғурта, микросуғурта, манзилли (параметрик) суғурта), шунингдек, соҳанинг иқтисодий ривожланишига олиб келади.

Шунингдек, блокчейннинг муваффақиятли ишлаши учун тартибга солиш ва қонунчилик шартларини аниқ ишлаб чиқиш ва кутилаётган “тармоқ эффекти”ни ойдинлаштириш керак бўлади. Бундаг ташқари, дастлабки жорий этишдан олдин технологияларнинг афзалликлари ва камчиликларини диққат билан ўрганиш ва таҳлил қилиш, рискларни ҳисобга олиш ва уларнинг оқибатларини минималлаштириш керак бўлади. Ушбу муаммоларни ҳал қилиш

учун асосларни, жумладан, илмий асосланган асосларни яратиш муҳим ҳисобланади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Саввина Н.Е. Инновации в российском страховании: мода или необходимость? // Финансы: Теория и Практика. 2014. № 6.
2. The Accenture 2013 Consumer-Driven Innovation Survey: Explore the data URL: http://www.accenture.com/ microsites / consumerdriveninnovation / Pages / index.aspx.
3. Апатова Н.В., Королев О.Л. Финансовая безопасность и технологии блокчейн // Научный вестник: финансы, банки, инвестиции. № 4 (41). (2017) С. 35–41.
4. Белова Ю. А. Макарова Л.Н. Матохина А.В. Использование технологии блокчейн в страховании и кредитовании. VI Международная научно-практическая интернет-конференция. «Проблемы экономического роста и устойчивого развития территорий». г. Вологда, ФГБУН ВолНЦ РАН, 19 – 21 мая 2021 г.
5. Гарипов Р.И., Максимова Н.Н. Исследование внедрения блокчейн в сферу страхования. Вестник совета молодых ученых и специалистов Челябинской области. – 2020. – №3 (30), Т. 1. – С. 62-65

***Абиркулов Б.А.** – “UzLife” АЖ ,Бош директор*

## МЕЖДУНАРОДНАЯ ПРАКТИКА РАЗВИТИЕ ПЕНСИОНННОГО СТРАХОВАНИЯ

Зарождение и последующее развитие пенсионного страхования связаны, с одной стороны, с эволюцией страхования, и, с другой стороны, – со становлением и совершенствованием системы социальной защиты.

В рассматриваемый период наряду со ставшими традиционными видами личного страхования (на случай смерти, от несчастного случая, болезни, потери кормильца) появляется страхование от безработицы. В 20- х годах XX века в Австрии, Болгарии, Великобритании, Германии, Ирландии, Италии, Польше, Австрии, Швейарии было официально введено обязательное страхование по безработице. Среди иных новелл – создание системы перестрахования, что связано, прежде всего, с укрупнением страховых рисков, вытекающих из концентрации капиталистического общественного производства, и рост влияния публичных властей национальных государств в сфере страхования. Причем он отразился в двух процессах: в усилении государственного страхового надзора и в расширении сферы обязательного страхования, в том числе обязательного социального (пенсионного и др.) страхования.

В специальной литературе оригинально представлены этапы и вехи формирования элементов социальной поддержки и социального страхования в Новое время и в период капиталистической индустриализации. Что касается

непосредственно механизмов пенсионного страхования, важной вехой в их формировании и последующем позитивном развитии принято считать последние два десятилетия XIX века – первое десятилетие XX века. В указанный период в ряде стран формировались национальные системы государственного пенсионного обеспечения, основанные на «прямых пенсиях» («пенсиях без взносов»). Их назначали и выплачивали определенным лицам (как правило – чиновникам), достигшим официально установленного пенсионного возраста, удовлетворяющим иным легальным требования (стажа служебной /трудовой/ и пр.). Законодательные акты, предусматривающие такие пенсии, были приняты, прежде всего, в Дании (1891 год), Новой Зеландии (1898 год), Франции (1905 год), Австралии (1908 год).

Не отличавшаяся массовым охватом система пенсионного обеспечения стала преобразовываться в систему обязательного пенсионного страхования населения национальных государств. Наиболее предусмотрительной здесь оказалась кайзеровская Германия, где впервые появилась упорядоченная система пенсионного страхования, благодаря политическим и социально-экономическим реформам «железного канцлера» – герцога Лауэнбургского Отто Эдуарда Леопольда фон Бисмарк-Шёнхаузена (1815-1898).

Особую роль в истории становления пенсионных систем сыграла Вторая мировая война и предшествовавший ей период глобального финансового кризиса («Великая депрессия»). Именно эти сложные периоды истории XX века способствовали пересмотру ключевых подходов к принципам формирования пенсионного обеспечения и страхования в ряде зарубежных стран.

В частности, широкое распространение получили идеи известного британского экономиста, лорда (барона) Уильяма Генри Бевериджа (1879-1963), предложившего уход от либеральных принципов построения пенсионной системы в сторону гарантированного государством всеобщего пенсионного обеспечения и страхования.

Во Французской Республике в период 1945-1960 годов эволюционирующая национальная система пенсионного обеспечения и страхования стала постепенно расширять действие двух своих фундаментальных элементов – схем: «общей», охватывающей наемных работников частного сектора, и «специальной», предназначенной для рабочих и служащих государственного сектора. Управление ими на паритетных началах было официально возложено на «социальных партнеров», то есть представителей профсоюзов и (или) ассоциаций работников, с одной стороны, и ассоциаций работодателей, с другой стороны, действующих под постоянным контролем государства, что, как представляется, стало своеобразным симбиозом моделей Бевериджа и Бисмарка.

Наконец, последней основной вехой в развитии пенсионного страхования стали конец 1990-х годов – 2000-е годы. В этот период в экономически развитых странах Запада в обществе оформилось понимание того, что национальные пенсионные системы, основанные на классических моделях Бисмарка и Бевериджа по-своему удовлетворительны до тех пор, пока работающая

молодежь и люди зрелого возраста уплачивают страховые взносы, платят налоги, из которых часть идет на выплату пенсий старикам и инвалидам. Все это, безусловно, хорошо до тех пор, пока рождаемость превышает смертность, большинство семей – многодетные, продолжительность жизни – сравнительно невысокая. Однако после того, как рождаемость резко стала падать, почти в каждой семье число детей сократилось максимум до одного-двух, продолжительность жизни выросла до 70 лет и свыше, количество лиц, которые вправе рассчитывать на пенсию по старости, резко увеличилось. А число молодежи и иных людей трудоспособного возраста, способных, так или иначе, содержать своих престарелых сограждан, резко сократилось.

Соответствие той или иной национальной пенсионной системы модели Бисмарка или модели Бевериджа – не единственный критерий классификации национальных пенсионных систем. Однако, общие принципы, заложенные в основу их функционирования везде примерно одинаковы.

В национальных пенсионных системах, построенных на рассмотренных выше классических моделях, пенсия трактуется, с одной стороны (по Бевериджу), как компенсация индивиду утраченного в старости заработка, обеспечивающая его защиту от бедности, гарантирующая ему уровень дохода, рассчитанный на основе прожиточного минимума, официально принятого в государстве. С другой стороны (по Бисмарку), пенсия – это отложенная часть заработной платы работника – застрахованного лица, которая гарантирует ему в старости уровень жизни, рассчитанный на основе уплаченных им самостоятельно и (или) его работодателем официально предусмотренных страховых взносов по пенсионному страхованию и продолжительности его страхового стажа.

**Список литературы.**

1. Хмелевский С.В. Эволюция пенсионнного страхования в некоторых зарубежных странах. Экономико-юридический журнал №2’2016. – с 21-28.

2. Роик В.Д., Степанов Б.Г., Эченикэ Е.В. Зарубежный опыт организации и модернизации пенсионных систем: уроки для России. – М.: Издательство «Энди_Зайн», 2007. – 368 с.

3. Палмер А. Бисмарк. Перевод с английского. – Смоленск: Издательство «Русич», 1998. – 544 с.

4. Степанов В.Л. Социальное законодательство О. фон Бисмарка и законы о страховании рабочих в России //Отечественная история. – 1997. – №2. – С.59-73.

5. Доморацкая Э.И. Социальное законодательство Франции /Ответственный редактор: Усенин В.И. – М.: Издательство «Наука», 1975. – 175 с

***Азизкулов Б.Х.*** *- СамДУ Ургут фил.,кафедра мудири, и.ф.н.*
***Мелибоев И.М.*** *- СамДУ Ургут фил.,ўқитувчи-стажёр*

# РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Ҳозирги вақтда жаҳон мамлакатларида кичик бизнеснинг аксарият қисми оилавий корхона шаклида иш юритмоқда. Европа давлатлари ялпи милий маҳсулотининг (ЯММ) 40-50 фоизини, Осиё мамлакатларида 65 фоиздан 82 фоизгачасини, Лотин Америкасида 70 фоизга яқинини оила бизнеси ишлаб чиқаради. АҚШ иқтисодиётидаги оилавий бизнес улуши 95 фоиздан кўпни ташкил қилади, уларга иқтисодиётдаги умумий бандларнинг 62 фоизи тўғри келади. Иқтисодиёти ривожланган кўплаб мамлакатларда оилавий тадбиркорлик соҳасидаги тадқиқотларни олиб борувчи, унинг манфаатларини ҳимояловчи ва оилавий корхоналарнинг фаолият кўрсатиши борасида тажриба алмашиш учун мунозара майдонларини ташкил этувчи махсус бирлашмалар мавжуд. Бундай ёндашув аҳолини тадбиркорлик фаолиятига фаол жалб қилишни кенгайтириш, оилавий анъаналарни, оилавий тадбиркорлар сулоласини шакллантириш ва ривожлантириш имконини беради.

Шу нуқтаи назардан оилавий тадбиркорликни ишлаб чиқариш ҳамда хизматлар кўрсатиш салоҳиятини янада ошириш йўлларини асослаш долзарб масалалар қаторига киради. Шу билан бир қаторда, “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастурини амалга ошириш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарорида “... ижобий натижаларга эришган ишбилармонлик тажрибасига эга тадбиркорларни маҳаллаларда янги бизнес фаолияти билан шуғулланишни бошлаган оилаларга бириктириш – мини кластерлар ташкил этиш” вазифаси қўйилган.

Маълумки, аҳолиси 36 миллион нафардан ортиқни ташкил қиладиган Ўзбекистонда ишсизлик даражаси анча юқори. Аксарият ишчи кучи мамлакатни тарк этиб узоқ ва яқин хорижда меҳнат мигрантлари сифатида оила боқяпти. Расмий маълумотларга кўра, иқтисодий фаол аҳоли ўртасида ярим йилда ишсизлик даражаси 9,3 фоизни ташкил қилган. Бу ерда иқтисодий фаол аҳоли (14,6 млн.) ва иқтисодий нофаол аҳоли (4,2 млн.) орасидаги фарққа ҳам эътибор қаратиш лозим. Ҳукумат бундай вазиятнинг салмоқли ечими сифатида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш масаласини кун тартибига қўйган. Оилавий тадбиркорлик тўғрисидаги қонун 9 йил аввал кучга кирган бўлсада, ҳукумат ҳамон уни такомиллаштириш ҳаракатида.

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш йўлида тўлиқ эркинлик бериш, амалиётда “Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади”, деган тамойил асосида ислоҳотлар бошланган. Мамлакатимизда айнан оилавий тадбиркорлик учун қулай шарт-шароит ва бу орқали янги иш жойлари яратишга эътибор ортди.

Мисол учун, оилавий тадбиркорлик ҳамда ҳунармандчиликни ривожлантириш мақсадлари учун 2020 йили 367,2 млрд. сўм ажратилди. Ҳозирги кунда юртимизда 13 мингдан ортиқ оилавий корхоналар мавжуд. Лекин ҳудудлар кесимида ўрганганимизда, юридик мақомга эга оилавий тадбиркорлик субъектлари сонидаги кескин фарқларга гувоҳ бўламиз. Айрим ҳудудларда тегишли тартибда рўйхатдан ўтмаган ҳолда, ноқонуний тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган фуқаролар ҳалигача учрамоқда. Мазкур ҳолатларга одамларнинг оилавий тадбиркорлик субъектларига берилган қонуний имтиёзлар ҳамда қулайликлар ҳақида етарлича тушунчага эга эмасликлари сабаб бўлаяпти.

Мамлакатимиз Президенти 2018 йил 8 июнь куни имзолаган “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастурини амалга ошириш тўғрисида”ги қарор ҳам оилавий тадбиркорлик, ҳунармандчилик, касаначилик ва бошқа тадбиркорлик фаолияти турларини кенг оммалаштириш, ҳар бир оиланинг барқарор даромад манбаига эга бўлиши учун шарт-шароитлар яратиш ва ишсизликка барҳам беришни мақсад қилган. Режага кўра, дастур олис, табиий-иқлим шароити оғир ҳудудларда аҳолининг моддий шароитларини тубдан яхшилаш, турмуш тарзи сифати ва даражасини оширишга хизмат қилиши керак. Тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган аҳолининг ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга имтиёзли кредитлар ажратиш ҳамда ишбилармонлик фаолиятини ташкил этиш ва амалга оширишда амалий ёрдам кўрсатилиш белгиланган.




**1 расм. Оилавий тадбиркорлик ривожлантириш учун 2020 йилда ажратилган кредитлар йўналишлари кесимида**

Бунда асосий эътибор аҳолини қўшимча даромад манбаларига эга бўлишига ҳамда кафолатланган янги иш ўринларини яратишни назарда тутувчи тадбиркорлик субъектларининг лойиҳаларини молиялаштиришга қаратилди. Ушбу кредитларнинг **78 фоизи** (4,8 трлн. сўми) “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури, **22 фоизи** (1,3 трлн. сўми) бошқа дастурлар ҳиссасига тўғри келади.

Мазкур маблағларнинг **1 трлн. 620 млрд. сўми** хотин-қизлар тадбиркорлигини, **1трлн. 840 млрд.сўми** ёшлар тадбиркорлигини ривожлантиришга ажратилган. Оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимида молиявий

кўмаклашиш ҳам амалга оширилаётган стратегик вазифаларнинг таркибий қисмидир. Оилавий тадбиркорликнинг барқарор фаолият кўрсатиши кўп жиҳатдан ажратилаётган кредитлар салмоғига боғлиқлигини тадқиқотларимиз кўрсатмоқда. Бу борада шуни айтиш жоизки, кўрсатилаётган микро-молиявий хизматлар тадбиркорлар талабини тўлиқ қондириш даражасида эмас. Сўралган 5 оилалар ичида оила ресурслари базасида оилавий тадбиркорликни ташкил қилиш истагида бўлганлар буни амалга оширганларга қараганда икки баравар кўпни ташкил қилган.

Бундан кўринадики, оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган омиллардан энг асосийси молиявий омилдир. Чунки оилаларнинг кўпчилиги бунинг учун етарли молиявий манбага эга эмаслигини маълум қилишади. Бунга далил сифатида айтиш мумкинки, ҳозирги шароитда тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган оила камида 20-25 млн. сўм маблағ жалб қилиши керак бўлади. Жамғарма шаклидаги бундай маблағга сўралган оилаларнинг 60-70 фоизи эга холос, 30-40 фоиз оилалар эса кредит маблағларига муҳтож.

Шундай экан, бу борада Д. Муродованинг тадқиқотларига асосланган ҳолда, молиявий кўмакка муҳтож бўлган оилавий тадбиркорлик субъектларини 3 гуруҳга ажратиб ўрганиш юқори самара бериши мумкин: Биринчи гуруҳга, тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган оилаларга бошланғич капитални шакллантириш учун энг кам фоизли микрокредитларни (20-25 млн. сўм) ажратиш ва иқтисодий-ҳуқуқий маслаҳат хизматларини кўрсатиш. Иккинчи гуруҳ, асосан ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайтириш истагида бўлган оилавий тадбиркорлик субъектлари бўлиб, уларга янги иншоотларни қуриш, хомашё ва ярим тайёр маҳсулотлар сотиб олиш учун узоқ муддатли банк кредитларини ажратиш ва асбоб-ускуналарни лизингга бериш. Учинчи гуруҳда эса, барқарор юқори самарали фаолиятни йўлга қўя олган, банк кредитларини олиш учун етарли гаров таъминотига эга бўлган оилавий тадбиркорлик субъектларига ўз товар ва хизматларини ташқи бозорларга чиқариш бўйича ҳуқуқий, молиявий ва ташкилий хизматлар кўрсатишга кўмаклашиш лозим.

Бундай чора-тадбирларнинг амалда қўлланилиши, оилавий тадбиркорлик субъектларини банклардан имтиёзли кредитлар олиш жараёнини соддалаштиришга, ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янги босқичга чиқаришга хизмат қилиб, банк-молия томонидан соҳанинг кенг қўллаб-қувватланишига имкониятларни яратади. Шунингдек, оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимида ҳамкорликда, биргаликда, ҳамжиҳатликда ҳаракат қилиш тамойилларини ифода этувчи кластерларни ташкил қилиш ҳам уларнинг рақобатбардошлигини оширишда муҳим аҳамият касб этиши мумкин.

Оилавий тадбиркорликни нафақат ҳуқуқий ва молиявий қўллаб-қувватлашга, балки ўзини-ўзи ташкил этиш ва ривожлантиришига ҳам эътибор берилади. Ўзини-ўзи ташкил этиш механизмлари синергетиканинг предмети ҳисобланади. Оилавий тадбиркорликни ўз-ўзини ташкиллаштириш хусусиятлари бир-бирини кредитлаш механизми ўз-ўзини молиялаштириш ассоциацияларга (уюшмаларга) бирлашиши, кластерлар тузиш, ишчи кучини такрор

ишлаб чиқариш, ўзаро манфаат-ларнинг мос келиши, ўз фаолитининг турларини белгилаш мустақил қарорлар қабул қилиш оилавий корхона бошлиғини сайлаш Ворислик Таъсис шартномасига ўзгартириш киритиш оилавий корхона устав фондини белгилаш ўз мутахассисларини ўзи тарбиялаши.

Фикримизча, оилавий тадбиркорликни синергетик ёндашув асосида тадқиқ қилиш, унинг қуйидаги жиҳатларидан келиб чиқади:

- оилавий тадбиркорлик - ўзини-ўзи ташкил этиш ва ўзини-ўзи ривожлантиришга мойил очиқ тизим эканлиги;
- оилавий тадбиркорлик ўзига хос субъект (тизим) сифатида унинг барча ташкил этувчи элементлари (капитали, мулки, аъзолари) ўзаро таъсирда ва боғлиқликда бўлиши;
- "оила - оила мулки - оилавий тадбиркорлик" категориялари бир-бири билан узвий боғлиқ мураккаб тушунчалар бўлиб, уларнинг бир-бирисиз мавжуд бўлмаслиги;
- оилавий тадбиркорликнинг ривожланишида унинг ҳар бир устуворлиги ва афзаллиги (ворислик, манфаатдорлик, рақобатбардошлик, капитал тежамкорлик ва б.) алоҳида аҳамият касб этиши ва б.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони. "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришни ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947 ЎзР Қонун хужжатлари тўплами 2017й.,6- сон,70 модда.
2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Тошкент, "Ўзбекистон", -2017 й. 104 б.
3. Календжян С.О., Волков Д.А. Семейное предпринимательство: анализ Российской практики // Российский внешнеэкономический вестник. Мировая экономика. №9,2011. С. 17-20.
4. Муродова Н.К. Кичик бизнес субъектларининг тадбиркорлик фаолия-тини ошириш йўналишлари. Дис. ... икт. фан. номз. – Т., 2008.
5. www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумот-лари миллий базаси.
6. www.stat.uz – Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий сайти.

***Азизов Ж.Д.** – "Hududgazta'minot"АО, Вед.спец.*
***Арипова Д.Х.** – "Hududgaz Konsalting"ООО, Глав.спец.*

## ПУТИ ФОРМИРОВАНИЯ ПРИБЫЛИ ПРЕДПРИЯТИЯ И ЕЕ ЭФФЕКТИВНОГО ИСПОЛЬЗОВАНИЯ

Прибыль – это денежное выражение основной части полученных средств, создаваемых предприятиями независимо от его формы собственности. Она является одной из основных характеристик финансового результата предпринимательской

деятельности предприятия. Прибыль является показателем, отражающим уровень эффективности производства, объема и качества произведенной продукции, ее себестоимость.

За счет прибыли осуществляется финансирование мероприятий по инновационному развитию предприятий, материальному стимулированию работников.

В условиях рыночных отношений это особенно важно, так как предприятие должно стремиться к получению максимальной прибыли, то есть к такому ее объему, который позволял бы обеспечивать динамичное развитие его производства в условиях конкуренции.

Отсюда, как определено в нашем законодательстве, прибыль является основной целью предпринимательской деятельности, ее конечным результатом. Поэтому задачей выступает получение больше прибыли при наименьших затратах и наиболее эффективное ее использования.

Для анализа показателей финансовой устойчивости, и платежеспособности предприятия используются данные формы 1 Бухгалтерского баланса предприятия, формы 2 Отчета о финансовых результатах, формы 5 – Отчета о собственном капитале.

Прибыль бывает разных видов и на ее величину и значение влияют самые разные факторы:

- **Валовая прибыль от реализации продукции** представляет собой чистую выручку предприятия от реализации продукции за вычетом из нее затрат на производство реализованной продукции;
- **Прибыль от общехозяйственной деятельности или прибыль до уплаты налогов на прибыль** – все доходы предприятия за минусом себестоимости реализованной продукции, расходов периода, расходов от финансовой деятельности и прочих расходов;
- **Чистая прибыль** – т.е. это прибыль от общехозяйственной деятельности за минусом налогов на нее;

При формировании прибыли следует иметь в виду, что НДС и акцизы в этом плане не участвуют, так как они взыскиваются до образования прибыли.

В общем виде, прибыль представляет собой выраженный в денежной форме чистый доход (разница между совокупным доходом и совокупными затратами). Предприятие получает прибыль, если совокупный доход превышает совокупные затраты:

$$П_р = С_д - С_з \qquad (1)$$

где $П_р$ — прибыль сум; $С_д$ – совокупный доход, сум. $С_з$ – совокупные затраты, сум;

Если совокупный доход равен совокупным затратам, то удалось лишь возместить затраты на производство и реализацию продукции. При этом отсутствует и прибыль как источник производственного развития. Если затраты, превышают доход, предприятие получает убытки – отрицательный финансовый результат, что не исключается и банкротство.

Прибыль, являясь одной из важнейших экономических категорий выполняет следующие функции:

1. Характеризует конечный финансовый результат деятельности предприятия за определенный период;

2. Выполняет стимулирующую функцию. Содержание этой функции состоит в том, что прибыль одновременно является финансовым результатом и одним из основных элементом финансовых ресурсов предприятия;

3. Является основным источником формирования доходной части бюджетов разных уровней.

Существуют различные методы формирования прибыли.

**Метод прямого счета**. Метод является наиболее распространенным, и его используют при обосновании создания нового или расширения действующего производства.

В данном методе прибыль от реализации продукции, рассчитывается по отдельным видам хозяйственной деятельности, При этом, он имеет, свои достоинства и недостатки. Достоинства: точность и объективность. Недостатки: трудоемкость, при наличии большой номенклатуры.

Разновидностью метода прямого счета является **метод поассортиментного планирования прибыли**. При этом методе прибыль складывается по всем видам ассортимента.

**Нормативный метод** предполагает формирование прибыли на основе системы разнообразных нормативов, таких как норма прибыли на собственный капитал, норма прибыли на активы предприятия, норма прибыли на единицу реализованной продукции и т.д. Достоинства: возможность планировать и прогнозировать. Недостатки: может применяться только при стабильной цене.

**Метод экстраполяции** основан на анализе динамики за несколько лет, выявлении общих тенденций в формировании прибыли и прогнозе ее на новый период.

**Аналитический метод**. Этот метод сводится к определению прибыли предыдущего периода (анализ), ее доли в общем валовом доходе предприятия и на единицу реализованной продукции. В результате, с учетом изменения объемов производства устанавливается прогнозируемая прибыль предприятия. Этот метод основан на определении влияния различных факторов на результаты деятельности предприятия.

**Метод совмещенного расчета** предполагает синтез двух методов: прямого счета и аналитического расчета прибыли предприятия.

Распределение и использование прибыли является наиважнейшим элементом деятельности предприятия.

На предприятии распределению подлежит чистая прибыль, то есть прибыль, оставшаяся в распоряжении предприятия после уплаты налогов и других обязательных платежей. Из нее взыскиваются санкции, уплачиваемые в бюджет и некоторые внебюджетные фонды. Прибыль, остающаяся в распоряжении предприятия, используется им самостоятельно и направляется на дальнейшее развитие предпринимательской деятельности.

Одним из важнейших моментов в работе с прибылью, является оценка эффективности ее использования (оценка финансовой устойчивости, и платежеспособности).

Функционирование предприятия зависит от его способности приносить необходимую прибыль.

К числу основных показателей, характеризующих структуру источников средств формирования имущества, относится и коэффициент независимости:

$$К_{нез} = \frac{ИСС}{ИП} х100 \qquad (2)$$

где $К_{нез}$ – коэффициент независимости; ИСС – источники собственных средств; ИП – имущество предприятия.

Этот коэффициент характеризует долю средств, в том числе прибыль, вложенных собственниками в общую стоимость имущества предприятия.

Коэффициент финансовой устойчивости (стабильности) показывает удельный вес тех источников финансирования, которые предприятие может использовать в своей деятельности длительное время:

$$К_{ф.у.} = \frac{ИСС+ДЗО}{ИП} х100 \qquad (3)$$

где $К_{ф.у.}$ – коэффициент финансовой устойчивости (стабильности); ДЗО – долгосрочные заемные обязательства; ИП – имущество предприятия.

Достаточно важным можно считать и коэффициент финансирования, который показывает, какая часть деятельности предприятия финансируется за счет собственных средств, а какая - за счет заемных:

$$К_{ф} = \frac{ИСС}{О} х100 \qquad (4)$$

где $К_{ф.}$ – коэффициент финансирования; ИСС — источники собственных средств; О – обязательства (заемные средства).

Ситуация, при которой величина коэффициента финансирования меньше 1 может свидетельствовать об опасности неплатежеспособности и нередко затрудняет возможность получения кредита.

Коэффициент инвестирования – 1 показывает, в какой степени источники собственных средств покрывают произведенные инвестиции и рассчитывается по формуле:

$$К_{и} = \frac{ИСС}{ДА} х100 \qquad (5)$$

где $К_{и}$ – коэффициент инвестирования 1; ИСС – источники собственных средств; ДА - долгосрочные активы.

Коэффициент инвестирования - 2 указывает, насколько собственные источники и долгосрочные кредиты формируют инвестиции предприятия и рассчитывается по формуле:

$$К_{и2} = \frac{ИСС+ДКЗ}{ДА} х100 \qquad (6)$$

где $К_{и2}$ – коэффициент инвестирования 2; ИСС – источники собственных средств; ДКЗ – долгосрочные кредиты и займы; ДА – долгосрочные активы.

В аналитических целях используются такие показатели, как рентабельность всей совокупности активов, так и рентабельность текущих активов:

$$R_{та} = \frac{ПДУН}{СВТА} x100 \qquad (7)$$

где $R_{та}$ – рентабельность текущих активов; ПДУН - прибыль до уплаты налогов; СВА – средняя величина текущих (оборотных) активов.

Наилучшей оценкой результатов хозяйственной деятельности является наличие прибыли на вложенный капитал, называемый также рентабельность собственного капитала, определяется по формуле:

$$R_{ск} = \frac{ПРП}{ИСС} x100 \qquad (8)$$

где $R_{ск}$ – рентабельность собственного капитала; ПРП - прибыль в распоряжении предприятия; ИСС – источники собственных средств.

Другой важный коэффициент – рентабельность реализованной продукции - рассчитывается по формуле:

$$R_{р} = \frac{ПДУН}{ВР} x100 \qquad (9)$$

где $R_р$ – рентабельность реализации; ПДУН – прибыль до уплаты налогов; ВР – выручка от реализации.

Значение этого коэффициента показывает, какую прибыль имеет предприятие с каждого рубля реализованной продукции.

Изменения финансового результата от реализации продукции формируется под воздействием следующих основных факторов:

- изменения цен на реализуемую продукцию
- изменения объема реализуемой продукции
- изменения себестоимости реализуемой продукции
- изменения структуры реализуемой продукции

Рассмотрим подробнее факторы, повлиявшие на изменение финансовых результатов. Для этого рекомендуется составление таблицы.

Таблица – Формирование финансовых результатов, млн.сум

| Показатели | Предыду-щий период | Отчетный период в ценах предыдущего периода | Отчетный период |
|---|---|---|---|
| Реализация продукции | 3472,1 | 4853,2 | 5563,6 |
| Себестоимость реализованной продукции | 1485,8 | 1831,6 | 1928,3 |
| Затраты на 1 сум реализованной продукции (тийин) | 42,8 | 37,7 | 34,7 |
| Прибыль от реализации | 1986,3 | 3021,6 | 3635,3 |

Анализ данных, приведенных в таблице, позволяет сделать следующие выводы.

Рост прибыли от реализации за отчетный период составил 1649,0 млн.сум (3635,3–1986,3) за счет:

1. Изменения цен дополнительно получено 710,4 млн.сум (5563,6–4853,2).

2. Влияние роста объема реализации на размер прибыли на 1195.7 млн.сум. Расчет влияния этого фактора можно следует определить в 2 этапа

Прирост объема реализации составил 60,2 % (5563,6х100/3472,1 = 160,2)

Рост прибыли от реализации – 1195,7 млн.сум (1986,3х60,2/100)

3. Рост производственной себестоимости реализованной продукции привел к снижению прибыли на 96,7 млн.сум (1831,6 – 1928,3)

4. Изменение структуры реализованной продукции позволило увеличить прибыль на 1688,7 млн.сум. Расчет также следует проводить в 2 этапа:

Расчетная прибыль от реализации продукции по фактической структуре за анализируемый период в ценах предыдущего периода - 3021,6 млн.сум (4853,2–1831,6). Прибыль от реализации продукции отчетного периода в условиях структуры предыдущего периода с учетом роста объема реализации продукции – 3182,0 млн.сум (1986,3х160,2/100). Снижение прибыли 160,4 млн.сум (3021,6–3182,0).

Таким образом, можно сделать вывод, что основным фактором, позволившим увеличить объем прибыли от реализации явился рост объема реализации (порядка 63%) и рост цен (около 37%). Помимо этого, в современных условиях, рост прибыли может быть обеспечен за счет цифровизации всего процесса производства, включая формирование финансовых результатов.

## ЛИТЕРАТУРА

1. Ивонина И.Э., Хашимова Н.А. "Градиенты и скалярные отношения финансово-хозяйственной деятельности предприятий". Т.: - "Fan va texnologiya", 2013, 176 с.
2. http://bmanager.ru/articles/pribyl-predpriyatiya-raspredelenie-i-ispolzovanie-pribyli.html

***Алиева Н.*** *– СамДАҚУ, ўқитувчи*
***Адамбаева Д.*** *– СамДАҚУ, талаба*

## СОЛИҚ СОЛИШ МАҚСАДИДА КЎЧМАС МУЛКНИ БОЗОР ҚИЙМАТИДА БАҲОЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги "2022 - 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги ПФ-60 сонли Фармонига асосан махаллий бюджетлар даромадлари базасини кенгайтириш масалалари ёритиб берилган асосий хужжатлардан бири хисобланади .

Унда қуйида келтирилган долзарб йуналишидаги масалаларни хал этиш белгилаб берилган.

харажатларнинг ижтимоий йўналтирилганини сақлаб қолган ҳолда Давлат бюджетининг барча даражаларида мутаносибликни таъминлаш, махаллий бюджетларнинг даромад кисмини мустахкамлашга қаратилган бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш;

ижтимоий-иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш, халқнинг турмуш даражаси ва даромадларини ошириш учун хар бир худуднинг табиий, минерал-хомашё, саноат, кишлок хўжалиги, туристик ва мехнат салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш;

Ушбу вазифаларни амалга оширилиши натижасида тармоқлар ва минтақаларни барқарор ривожланиши таъминланиб махаллий бюджетларнинг даромад манбаи ошади.

Ўзбекистан Республикаси Президента Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йил 29 июнда «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси туғрисида» ПФ-5468-сонли Фармонини имзолаб, унда солиқ соҳаси олдида турган бир қатор долзарб муаммоларни санаб ўтилди.

Ушбу фармонга асосан қуйидагилар Ўзбекистан Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясининг асосий йуналишларидан бири этиб белгиланди:

- солиқларни унификация килиш орқали уларнинг сонини оптималлаштириш, шунингдек, ўхшаш солиқ солиш базасига эга булган солиқларни бирлаштириш, солиқ хисоботларини қисқартириш ва соддалаштириш, операцион харажатларни минималлаштириш белгилаб қўйилди.

Кўчмас мулкни тасарруф этиш ва ундан оқилона фойдаланиш кўчмас мулкларнинг иқтисодий аҳамиятини белгилаб беради.

Маҳаллий бюджет даромадлари базасини ташкил этишда кўчмас мулкларнинг иқтисодий ахамияти юқори бўлиб, даромад манбаидан бири ҳисобланади.

Дарҳақиқат Махаллий солиқ ва йиғимларнинг маъмуриятчилиги механизмларининг самарасизлиги оқибатида уларнинг йиғилувчанлик даражаси етарли эмаслиги бу соҳада тегишли чора-тадбирларини амалга ошириш, бунда илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиш хамда кенг қўллаш орқали ушбу масалага тизимли ёндашиш кераклигини тақозо этади.

Хозирги даврда солиқ сиёсатининг устувор йуналишлари сифатида бюджет даромадларини ошириш, солиқка тортиш маъмуриятчилигини такомиллаштириш оркали махаллий бюджет даромадлари базасини кенгайтириш, солиқларни унификация килиш каралади.

Мол-мулк ва ер солиқлар давлат бюджетининг асосий қисмини ташкил этмасада бирок давлат бюджетини шакллантиришда ўзининг ўрнига эга. Ер ва мол - мулкни солиқка тортиш тизими азалдан мавжуд бўлиб иқтисодий соха олимлари уни солиқка тортиш буйича турли хил қарашларини ифода этиб келганлар.

Ўзбек олимларидан Ниязметов Исламбек Машарипович хам бу борада фикр юритиб мол-мулк солиғи объекти таркибида факат кўчмас мулк объектларини колдириб, уни ер солиғи билан бирлаштириб юридик ва жисмоний шахслар учун бир хил тартибда амал киладиган кўчмас мулк солиғига боскичма-боскич ўтиш таклифини илгари сурган. Биз хам юқоридаги айтилган фикрга қўшилган холда кўчмас мулк солиғини боскичма-боскич жорий этиш, юридик шахслар учун мол-мулк солиғини белгилашда ўртача йиллик қолдиқ киймат, жисмоний шахслар учун кадастр ёки (бозор) нархига якин нархда белгилаш тизимини ривожлантириш лозимлигини таъкидламокчимиз.

Фикримизча кўчмас мулк солиғини жорий этиш негизида давлат ва худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, ер ва мулк ресурсларидан

самарали фойдаланиш, аҳолининг мулкка бўлган хукукларини янада мустахкамлаш даражаси ётади.

Юкоридагилардан келиб чикиб ресурс хамда мулкни солиққа тортиш тизимини бозор иктисодиёти талаблари асосида шакллантириш зарурдир. Давлатнинг солиқ сиёсатини тўғри белгилаши кўчмас мулкдан окилона фойдаланишни таъминлайди.

Бугунги кунда кўчмас мулкка солиқ солиш дунёнинг 100 дан зиёд мамлакатларига амал килади. Баъзи мамлакатларга мулкка нисбатан солиқ мавжуд эмас. Жумладан Эстонияда кўчмас мулк солиқа тортилмайди. Словакия ва Швеция хам шулар қаторида. Хар бир давлатда мулк солиғининг ўзига хос тизмим мавжуд. Жахон амалиётида кўчмас мулк учун солиқ ер ва унинг устида курилган бино, яшаш ёки тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун мулжалланган иншоотлар учун ундирилади.

Баъзи мамлакатларда мол-мулк ва ер солиғи ўрнига икковини кўшган холда кўчмас мулк солиғи жорий этилган. (АК,Ш, Италия, Испания, Япония).

Кўчмас мулкни солиққа тортишдан мақсад

Солиқ тизимида кўчмас мулкни солиққатортиш куйидаги максадларни белгилайди:

**Фискал-махаллий бюджетга тушумлар келиб тушади**

**ижтимоий максади- ахоли катламлари уртасидаги фаркни камайтиради**

**ижтимоий максади- ахоли катламлари уртасидаги фаркни камайтиради**

Сунги йилларда солиқ тизимини ислох килиш максадида Жахон банки, Халкаро валюта фонди мутахассислари жалб килиниб уларнинг тегишли таклифлар урганиб чикилиб амалиётга жорий этилмокда.

1-жадвал

**Кўчмас мулкка нисбатан солиқ хисоблаш учун шартли белгиланган қийматлар (млн.сум.)**

| Йиллар | Вилоят марказлари ва Тошкент шахри учун | бошқа шахарлар ва қишлоқ жойларда | Изох |
|---|---|---|---|
| 2016 | 20,328 | 8,833 | инвентар бахоси мавжуд булмаганда шартли қиймат |
| 2017 | 20,328 | 8,833 | инвентар бахоси мавжуд булмаганда шартли қиймат |
| 2018 | 210,0 | 90,0 | кадастр қиймати мавжуд булмаганда шартли қиймат |
| 2019 | 210,0 | 90,0 | кадастр қиймати мавжуд булмаганда шартли қиймат |
| 2020 | 210,0 | 84,0 | кадастр қиймати мавжуд булмаганда шартли қиймат |

2018 йилнинг 1 январига кадар бино ва иншоотларнинг инвентар нархида

белгилаш тизими амалиётда эди.

2018 йилнинг 1 январидан бошлаб солиқ солиш максадида кўчмас мулк объектлари қийматини кадастр бахоларида белгилаш тизими жорий килинди. Бунинг натижасида бюджет тушумларида мулк солиғининг улуши сезиларли даражада ошди.

2020 йилда мол-мулкнинг шартли қиймати учун база кирк икки миллион сум килиб белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Ш.М.Мирзиёев 2018 йил 29 июнда «Узбекистон Республикасининг солиқ, сиёсатини такомиллаштириш концепцияси туғрисида»ги ПФ- 5468-сонли Фармонида кўрсатиб ўтилган еттинчи тизимли муаммо «Махаллий солиқ ва йиғимларнинг маъмуриятчилиги механизмларининг самарасизлиги оқибатида уларнинг йиғилувчанлик даражаси етарли эмаслиги, шунингдек, кўчмас мулк ва ер участкаларини тўлиқ хисобга олиш ва қийматини объектив аниқлашнинг имкони мавжуд эмас» лиги хисобланади.

Шунингдек солиқ хизмати органлари билан кадастр ташкилоти маълумотлар базасининг ўзаро тулиқ интеграциялашмаганлиги оқибатида солиқ туловчиларнинг маълумотларида номувофиклик юзага келмокда. Кадастр дастурларида қуйидаги камчиликлар кўринмокда:

Кадастр рақами берилган объектнинг эгаси билан хақиқатдаги эгасининг бошқалиги. Кадастр рақами терилганда мулк эгаси бошка шахс бўлиб чиқади.

Битта мулк эгасининг номига бир нечта кадастр рақамлари бириктирилган.

Кадастр ташкилоти дастурга объект киритганда бу объект солиқ органи базасига маълумот киритилган куннинг ўзида кўринмайди. Солиқ органи дастурига кўриниши учун 1-3 кун ўтиши керак. Солиқ тўловчини кадастр ташкилоти кадастр базасига киритгач солиқ тўлашга келганда солиқ тўлаш имкони мавжуд эмас. Сабаби солиқ тўловчи солиқ органининг базасига кўринмайди. Солиқ тўловчи 3 кундан сўнг қайтиб келиши лозим.

**2-жадвал**

**Кўчмас мулк солиғининг элементлари**

| № | Солиқ элементлари | Изох |
|---|---|---|
| 1 | Солиқ туловчилари | Кўчмас мулк эгалари ва ижарачилар |
| 2 | Солиқ объекти | Ер ва мулклар (ер устидаги бино, иншоот ва бошкалар) |
| 3 | Солиқ базаси | Бозор қиймати ёки бахолаш органлари томонидан бозор якинлаштирилган бахоланган қиймат |
| 4 | Кўчмас мулк қийматини аниклаш усуллари | Даромад усули, харажат усули, таққослаш усули |
| 5 | Кўчмас мулкни бахоловчи органлар | Солиқ органлари, бахолаш органлари |
| 6 | Солиқ ставкаси | Катъий ва фоизларда |
| 7 | Имтиёз | Ижтимоий катлам доирасидаги ахолига берилади. |
| 8 | Солиқ тури | Махаллий |

Кадастр ташкилоти дастурининг тўғри шакллантирилмаганлиги солиқ

ундиришда ноқулайликларни, солиқ тўловчилар сони ва базасини аниқлаш имконияти мураккаблаштирмоқда. Фукаролар солиқ тўлаш учун кўп вакт сарфламокда. Бу халқаро солиқ тўлаш учун кетадиган вақт меъёридан жуда юқори.

Ушбу жадвал маълумотларидан кўринадики, солиққа тортиш максадида кўчмас мулкни қийматини бозор бахоларида белгиланиши асосий солиқ базаси хисобланади.

Кўчмас мулкни кадастр ёки бозор нархига яқин килиб белгиланиши мулкнинг рақобатбардошлигини ошириб, мулк эгасининг хуқуқларини ҳимоя қилишга хизмат қилади. Кўчмас мулк қийматини аниқлаш усулларининг турли хиллиги иккала томоннинг ўзаро манфаатларига хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 - 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60 сонли Фармонига асосан «Ҳаракатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари» деган тамойил асосида ислоҳотларнинг узвийлиги ва давомийлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, Ҳаракатлар стратегияси ҳар бир соҳада улкан ислоҳотларни амалга ошириш билан бошланган бўлса, Тараққиёт стратегиясида эса мазкур ислоҳотлар узвийлиги таъминлангани ҳолда давом эттирилади, тўпланган катта тажриба ва имкониятлар асосида ислоҳотлар янада қатъийлик ва жадаллик билан такомиллаштирилиб борилади. Бунда натижадорлик коэффициенти ортиб, олиб бориладиган ислоҳотларнинг самарадорлиги ортади.

Хусусий мулк дахлсизлиги ва ҳимояси кафолатларини кучайтириш, мулкий, шу жумладан ер участкасига бўлган ҳуқуқларни сўзсиз таъминлаш борасида алохида мақсадлар белгилаб олинган.

Хозирги кунда жисмоний шахслар эгалигидаги мол-мулк ва ер солиқларини хисобга олишда, белгиланган тартибда солиқлар хисобланишида, имтиёзлар куллашда ва бошка бир катор солиқ элементларини хисобга олишда такрорланишлар ва ер солиғи хисоблашнинг мураккаблиги мавжудлиги солиқ туловчилар учун кийинчилик ва муаммоларнит туғдирмокда.

Жумладан:

Бир объект учун иккита шахсий карточка юритилади;

Бир объект учун иккита хисоб ракамга туловлар амалга оширилади;

Солиқ тўловчилар битта объект учун иккита хисоб рақамга тўловларни тўлашлари лозим.

Юкоридагилардан келиб чиқиб қуйидагиларни таклиф киламиз:

Ривожланшган давлатлар тажрибасидан келиб чикиб, мол-мулк ва ер солиқларини бирлаштириб кўчмас мулк солиғини жорий этиш.

Бунинг натижасида солиқни хисоблаб чикариш механизми соддалашади, адолатлилик, шаффофлик принципи таъминланади. Солиқни хисобини юритиш, тўлаш жараёни соддалашиб унинг харажатлари камаяди.

Дастурий махсулотда ишлаш тезлиги ошади.

Жисмоний шахсларга тегишли булган 7 млн дан ортик шахсий карточка камаяди.

Жисмоний шахсларга тегишли булган мол-мулк ёки ер солиғидан карздорлик мавжуд ортиқча тўловлар хисобидан камаяди.

Солиқни тўлаш механизми соддалашади.

**Фойдаланилган адабиётлар**


1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 -2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60 сонли Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президента Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йил 29 июнда «Ўзбекистон Республикасининг солиқ, сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тутрисида» ПФ-5468-сонли Фармони.
3. Кенэ, Ф. Физиократы. Избранные экономические произведения/ Ф. Кенэ, А.Р.Ж. Тюрго, П.С. Дюпон де Немур. [тарж. франц., англ., нем.] - М.: Эксмо, 2008. - 1200б.
3. Дрожжина И.А. Формировани систем налогообложени объектов недвижимости на основе дифференцированног подхода. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун тайёрланган дисс. автореферата.-О.:2005.-б.12.
4. Михина Е.В. Налог на недвижимость и перспективы его развития в регионе. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун тайёрланган диис. автореферата.-М.:2005й.б.-6.
5. Ниязметов И.М. солиқ юкининг тадбиркорлик субъектлари молиявий фаолиятига ва бюджет даромадларига таъсири тахдили. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун тайёрланган диис..-Т.:2008й.-б.99
6. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кумитаси маълумотлари асосида тадкикотчи томонидан мустакил хисоблаб чикилган.



***Абдурахимова Д.К.** – ТМИ доцент в.б., PhD*


# РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙЛАНГАН ҲОЛДА ИННОВАЦИОН БАНК МАХСУЛОТЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ

XXI асрда ахборот технологияларининг ривожланиши иқтисодиётга, одамларнинг хулқ-атворига ва умуман жамиятга катта таъсир кўрсатмоқда. Айнан жаҳон банк сектори бир сўнгги ўн йилликда, асосан, атроф-муҳит ва бизнесни рақамлаштириш ҳисобига сезиларли ўзгаришларга дуч келди. Мавжуд технологияларнинг хилма-хиллиги одамларга бир-бири билан ва бизнес билан ўзаро муносабатларнинг янги усулларига ўтишга имкон беради. Мижозлар банк хизматларини олиш учун тобора кўпроқ каналлардан фойдаланмоқдалар, банклар билан ўзаро алоқалар учун янги платформалардан фойдаланмоқдалар. Бунга параллел равишда, технология одамларнинг хулқ-атворидаги ўзгаришларга мослашади, натижада бизнесни ривожлантириш учун янада самарали ва арзон ечимлар пайдо бўлади. Банк жараёнларини рақамлаштириш натижасида мижозлар тажрибаси кенгаймоқда.

Халқаро банк хизматлари бозорида арзон, қулай ва тезкор молиявий технологиялар билан такомиллаштирилган банк хизматлари нафақат мижозлар хулқ-атворлирни ўзгартириб қолмай балки бутун жаҳон банк тизими ландшафтини ўзгартириб юборди. Мазкур маҳсулотлар нафақат мижозлар учун балки банклар фаолиятида банк хизматлари георафисини кенгайтириш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш, харажатларни қисқартириш ва инсон омили балн боғлиқ барча камчилик ва хатоларни олдини олишга имкон берувчи юқори самарадор ва рақобат муҳити туфайли кундан-кунга мукаммаллашиб бораётган йўналишни пайдо қилди.

Хусусан, Ўзбекистонда ҳам иқтисодиёт ва унинг тармоқларини рақамлаштириш бўйича ислоҳотлар амалга ошириб келинмоқда. Бунга мисол тариқасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори, "«Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонининг қабул қилинишини мисол қилиб кўрсатиш мумкин[1]. Айнан ушбу қарор ва фармонларда банк тизимини замон талабига биноан рақамли молия технолигияларини кенг тадбиқ қилган ҳолда трансформация қилишга алоҳида эътибор қаратилган.

Маълумки, технология ва молия комбинацияси сифатида молиявий технология (финтеч) янги минг йилликда молиявий инновацияларнинг асосий шаклига айланди. Молиявий барқарорлик Кенгаши (FSB) таърифига кўра, молия технологиялари техник воситалар орқали молиявий инновацияларни тарғиб қилувчи ва молиявий бозорларга, институтларга сезиларли таъсир кўрсатадиган бизнес моделлари, технологик иловалар, операцион жараёнлар ва инновацион маҳсулотларни назарда тутади[2].

Шунингдек, Globe Newswire халқаро компаниясининг тадқиқотларига кўра молиявий технологиялар бозори ўсишининг асосий омили банклар ва фирмаларнинг технологик ечимларга юқори сармоя киритаётгани ҳисобланади. Унинг фикрига кўра бундан ташқари, инфратузилма технологиялари ва API-технологиялари молиявий хизматлар саноатининг келажагини ўзгартирмоқда ва шу билан халқаро молиявий технологиялар бозорининг ўсишига ҳисса қўшмоқда. Бундан ташқари, улар молиявий технология компаниялари технология соҳасидаги янги ишланмалар туфайли арзон нархлардаги шахсий маҳсулотларни таклиф қилишади, бу эса мижозлар кутилмаларининг ошишига олиб келади ва шу билан бутун дунё бозорининг ўсишини тезлаштиради дея башоратлашмоқда.[3]

Бунда банклар эмас. Балки финтех стратаплар ва компаниялар банклар учун асосий рақобатчи сифатида пайдо бўлдилар. Бунга далил сифатида KPMG томонидан амалга оширилган таҳлилга асосан, 2018 йилда финтех стратаплар

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.04.2020 йилдаги "Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4699-сонли қарори, " 05.10.2020 йилдаги «Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-6079-сонли Фармони,

[2] Financial Stability Board. (2016). FinTech: Describing the landscape and a framework for analysis. Retrieved from https://www.fsb.org/wp-content/uploads/P140219.pdf. (Accessed March 2016).

[3] Globe Newswire: Global Fintech Market Report 2020-2025 - Competition, Forecast & Opportunities// Dublin, Dec. 17, 2020.

томонидан инвесторлардан 100 млрд. АҚШ доллардан зиёд маблағ жалб қилинганлигини келтириш мумкин[1].

Ю.Н.Гайденко ва Ю.В.Рожковларнинг фикрича келажакда банк каби бозор институтининг бутунлай йўқолиши мумкинлиги тахмин қилинган[2].

Мазку гипотезани қўллаб-қувватловчи жуда кўп бошқа тадқиқотларни кўриш мумкин. Масалан, яна бир рус олимларидан А.А.Козлов ҳам "кейинги 5-6 йил ичидан банклар бутунлай йўқолиб кетиши мумкин"лигини башорат қилган.[3]

Масалан, PriceWaterHouse томонидан 2017 йилда Хитой банк хизматлари бозорини таҳлили аосида молиявий муассасаларнинг 50 фоиздан зиёди ўз хизматларини кичик финтех компаниялардан сотиб олинганлиги аниқланган.[4]

Бунда энг мақбул йўл сифатида банк ва кичик финтех компаниялар ҳамкорлиги асосида янги инновацион банк хизматларини жорий қилиб борилиши ҳисобланади. Шунингдек, банклар доимий равишда ўз сайтлари ва бошқа каналлар орқали мижоз интерфейсларини яхшилаш, жараёнларни рақамлаштириш, таҳлилларни мукаммаллаштириб бориш ва маҳсулотлар таклифини ошириш бўйича турли масала ва муаммоларни ҳал қилиш бўйича тендер ва акциялар эълон қилиб боришлари ўз фаолиятларини доимий ривожлантиришга самарали замин яратади.

**Фойдаланилган адабиётлар**


1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.04.2020 йилдаги "Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4699-сонли қарори, "
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05.10.2020 йилдаги «Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-6079-сонли Фармони,
3. Financial Stability Board. (2016). FinTech: Describing the landscape and a framework for analysis. Retrieved from https://www.fsb.org/wp-content/uploads/P140219.pdf. (Accessed March 2016).
4. Globe Newswire: Global Fintech Market Report 2020-2025 - Competition, Forecast & Opportunities// Dublin, Dec. 17, 2020.
5. KPMG: ThePulse of Fintech 2018: Biannual global analysis of investment in fintech// https://assets.kpmg/content/dam/kpmg/xx/pdf/2019/02/the-pulse-of-fintech-2018.pdf
6. PwC. (2017). Summary of the 2017 global FinTech survey in China. Retrieved from https://www.pwccn.com/zh/financial-services/fintech/global-fintech-survey-chinasummary-2017.pdf
7. Гайденко Ю.Н., Рожков Ю.В. Ценообразование в коммерческих банках: ориентация на выживание. Иркутск: БГУЭП, 2005, 432с.


[1] KPMG: ThePulse of Fintech 2018: Biannual global analysis of investment in fintech // https://assets.kpmg/content/dam/kpmg/xx/pdf/2019/02/the-pulse-of-fintech-2018.pdf

[2] Гайденко Ю.Н., Рожков Ю.В. Ценообразование в коммерческих банках: ориентация на выживание. Иркутск: БГУЭП, 2005, 432с.

[3] Козлов А.А. Модернизация банковского сектора: задачи совершенствования банковского надзора// Деньги и кредит. 2003. №1 С. 3-8.

[4] PwC. (2017). Summary of the 2017 global FinTech survey in China. Retrieved from https://www.pwccn.com/zh/financial-services/fintech/global-fintech-survey-chinasummary-2017.pdf

8. Козлов А.А. Модернизация банковского сектора: задачи совершенствования банковского надзора// Деньги и кредит. 2003. №1 С. 3-8.

***Азизкулов Б.Х.*** - *СамДУ Ургут фил.,кафедра мудири, и.ф.н.*
***Мелибоев И.М.*** - *СамДУ Ургут фил.,ўқитувчи-стажёр*

## РАҚАМЛА ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЗАРУРИЯТИ ВА ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Мамлакатимизда аҳолини бандлиги ва даромадларининг барқарор ўсишини таъминлашга доир вазифаларни ҳал этишда тобора муҳим ўрин тутаётган бизнес ва оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш ва ривожлантиришга янада устувор аҳамият берилмоқда. Бу борада "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси"да хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, соҳага тўлиқ эркинлик бериш, бу йўлда ғов бўлиб турган барча тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш масаласи белгилаб қўйилган.

Муаммоларни бартараф этишга янги илм-фан, таълим соҳаси сифатидаги синергетик ёндашув принциплари бу жараёнларни тадқиқ этишда муҳим аҳамият касб этиб, унинг методологик имкониятларидан (очик тизим, ўз-ўзини ташкиллаштириш, ўз-ўзини бошкариш, тартиб, кўп вариантлилик, муқобиллик) кенг фойдаланиш заруратини юзага келтирмоқда.

Сўнгги йилларда аҳоли бандлиги ва даромадларининг барқарор ўсишини таъминлашга доир вазифаларни ҳал этишнинг самарали усули сифатида оилавий тадбиркорликнинг турли шаклларини ривожлантиришга янада устувор аҳамият берилиб, уни қўллаб-қувватлашнинг ҳуқуқий асослари ҳам яратилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонуни, «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасидаги кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Президент фармони, «Тижорат банклари томонидан оилавий тадбиркорлик субъектларига бандликка кўмаклашиш жамғармаси кредитлари хисобидан микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида»ги ва «Касаначилик тўғрисида низом»лар қабул қилинди.

Ушбу қонуний ҳужжатларда "кооперация", "кўмаклашиш", "шартнома", "кафолат" ва "ўзини-ўзи бошқариш" тушунчалари кўп марта қўлланилган. Бу тушунчалар синергетик ёндашувда қўлланиладиган муҳим методологик категориялар сифатида оилавий тадбиркорликни ҳуқуқий қўллаб-қувватлашнинг синергетик манзарасини ифода этиб, у ҳар томонлама кўмаклашувга мойил очиқ тизим эканлигини кўрсатади. Буларнинг натижаси ўлароқ миллий иқтисодиётда оилавий тадбиркорлик мустақил субъект сифатида иштирок этиб, макроиқтисодий кўрсаткичларда ўзига хос ўрин эгалламоқда.

Оилавий тадбиркорлик бизнинг ишбилармонларимиз турмуш тарзига яқин. Биз кўпинча, болалар оталарининг касбини эгаллаши сингари ҳолат билан

юзма-юз келамиз. Хонадонда ҳунармандларнинг бутун бошли сулоласи пайдо бўлади. Шунингдек, оилавий тадбиркорлик фаолияти иштирокчиларини шахсий меҳнатларига асосланишининг, оила учун эса биз қандай имконият бўлса барчасини ишга солишга тайёр эканлигимизнинг аҳамияти жуда катта. Агар оилавий тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш борасида гапирадиган бўлсак, бу ҳолда қулай томонлар бисёр: фаолият умумий маблағ базасида яратилади, иштирокчилар ўртасидаги ишонч ҳам ҳарқандай бизнесни равнақ топишининг муҳим омилидир.

Оилавий корхона унинг иштирокчилари томонидан товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) ва реализация қилишни амалга ошириш учун ихтиёрий асосда, оилавий корхона иштирокчиларининг улушли ёки биргаликдаги мулкида бўлган умумий мол-мулк, шунингдек оилавий корхона иштирокчиларидан ҳар бирининг мол-мулки негизида ташкил этиладиган оилавий тадбиркорлик субъектидир. Оилавий корхона фаолияти унинг иштирокчиларининг шахсий меҳнатига асосланади. Оилавий корхона тадбиркорлик субъектларининг ташкилий-ҳуқуқий шаклларидан биридир. Оилавий корхона фаолиятни фақат юридик шахс ташкил этган ҳолда амалга ошириши мумкин. Оилавий корхона ўз мулкида алоҳида мол-мулкка эга бўлиши, ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

Оилавий корхона ўз мажбуриятлари бўйича қонунга мувофиқ ундирув қаратилиши мумкин бўлган ўзига тегишли барча мол-мулк билан жавоб беради. Оилавий корхона иштирокчилари корхона мол-мулки етарли бўлмаганда оилавий корхонанинг мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли мол-мулк билан қонун ҳужжатларига мувофиқ субсидиар жавобгар бўлади.

Оилавий корхона қонун ҳужжатларига мувофиқ ходимларни ёллашни амалга ошириши мумкин. Оилавий корхона иштирокчиларининг ва унинг ёлланма ходимларининг умумий сони оилавий тадбиркорлик субъектлари ходимларининг қонун ҳужжатларида белгиланган ўртача йиллик сонидан кўп бўлиши мумкин эмас. Бунда оилавий корхона иштирокчиларининг энг кам сони икки кишидан оз бўлмаслиги керак. Оилавий корхона тўлиқ фирма номига эга бўлиши лозим ва қисқартирилган фирма номига эга бўлишга ҳақли. Оилавий корхонанинг тўлиқ фирма номи унинг тўлиқ номини ва «oilaviy korxona» деган сўзларни ўз ичига олиши керак.

Оилавий корхонанинг қисқартирилган фирма номи унинг қисқартирилган номини ва «oilaviy korxona» деган сўзларни ёки «ОК» аббревиатурасини ўз ичига олиши керак. Оила бошлиғи, унинг хотини (эри), болалари ва набиралари, ота-онаси, меҳнатга қобилиятли ёшга тўлган бошқа қариндошлари (болалари ва набираларининг эрлари (хотинлари), туғишган ҳамда ўгай ака-ука ва опа-сингиллари, уларнинг эрлари (хотинлари) ҳамда болалари, тоға ва амаки ҳамда амма ва холалари) оилавий корхона иштирокчилари бўлиши мумкин. Фақат муомалага лаёқатли шахслар оилавий корхона иштирокчилари бўлиши мумкин.

Бир оилавий корхона иштирокчиси бир вақтнинг ўзида бошқа оилавий корхона иштирокчиси бўлиши мумкин эмас. Юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро муносабатларда оилавий корхона номидан унинг бошлиғи иш кўради. Оилавий корхона иштирокчиларидан бири унинг бошлиғи бўлиши мумкин, унга оилавий корхонанинг барча иштирокчилари бир овоздан иш муомаласида ўз номларидан иштирок этиш ҳуқуқини беради.

Оилавий корхона бошлиғи вақтинчалик меҳнат қобилиятини йўқотган ёки узоқ вақт бўлмаган тақдирда, у ўз вазифасини вақтинча бажариб туриш ваколатини оилавий корхонанинг қолган иштирокчилари билан келишган ҳолда улардан бирига беришга ҳақли. Оилавий корхона унинг иштирокчилари томонидан ташкил этилади. Оилавий корхона, агар унинг таъсис шартномасида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, номуайян муддатга ташкил этилади.

Оилавий тадбиркорликнинг ушбу ўзига хос жиҳатлари унинг синергетика тамойилларига қанчалик мос келишини, шунингдек уни янада чуқур билиш-англашга кўмаклашуви мумкин эканлигини кўрсатади. Синергетика турли хил соҳаларда мураккаб тизимларнинг ривожланиш ва ўзини-ўзи ташкил этиш умумий принципларини аниқлашга қаратилган ёндашув бўлиб, оилавий тадбиркорликни ривожлантиришда улкан назарий ва амалий аҳамият касб этади. Чунки оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш учун мавжуд бўлган ўзига хос омиллар, имкониятлар ва қулайликлар бу тизимга синергетик ёндашувни зарурат этади, 1-расм.




Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида 2020 йилда **214** мингдан ортиқ лойиҳага жами **6,1 трлн. сўм** имтиёзли кредит маблағлари ажратилди. Дастурлар доирасида ажратилган кредитларнинг **2 трлн. 479 млрд. сўми** (41 фоизи) юридик шахслар ва ЯТТларга, **3 трлн. 599 млрд. сўми** (59 фоизи) ўзини ўзи банд қилувчи жисмоний шахсларга ажратилган. Бунинг натижасида тизим кейинги бифуркация нуқтасигача илгариланма ривожланишини давом эттиради.

Ҳар бир оилада тадбиркорликни йўлга қўйиш, уларнинг ўз–ўзини иш билан бандлиги ва фаровонлигини таъминлайди. Бу эса оилавий тадбиркорликнинг ривожланиши орқали кўплаб ижтимоий-иқтисодий муаммолар ҳам ўз ечимини топиб, давлатнинг тартибга солиш бўйича функцияларини ҳам сезиларли даражада қисқарилишига олиб келади. Бу жараёнлар синергетиканинг "ўз–ўзини ташкиллаштириш" ва "ўзаро таъсир" хусусиятларини намоён этади, оилавий тадбиркорликни синергетик ёндашув асосида қўллаб – қувватлашда улар манфаатини ҳимоя қилувчи уюшмаларга бирлашиши ва ишлаб чиқаришни кластер асосида ташкил этиш катта аҳамият касб этади. Бу эса синергетик самарани "Оилавий корхоналар уюшмаси" ва "Оилавий корхоналар кластери"ни тузишни тақозо этади.

Оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга синергетик ёндашув тамойилларини қўллаш асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

- оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизими синергетик ёндашувни талаб этиб, унинг самарали амал қилиши "кооперация", "кўмаклашиш", "ҳамкорликда", "биргаликда", "ҳамжиҳатликда ҳаракат" "ўз-ўзини бошқариш", "ўз-ўзини ташкиллаштириш" ва "ўзаро таъсир" каби механизмларга асосланади;
- оилавий тадбиркорликнинг беқарор фаолият кўрсатиши натижасида унинг янги сифат босқичига ўтишга имкон излаши жараёнини намоён этади.

Ўрганилаётган тизимда бу ҳолат кўп жиҳатдан молиявий омилларга боғлиқ бўлиб, "оилавий тадбиркорлик - молия институтлари"нинг ўзаро самарали ҳамкорлигини йўлга қўйишни талаб этади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. 2017 йил 7 февраль, ПФ – 4947-сон.

2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Тошкент, "Ўзбекистон", -2017 й. 104 б.

3. Пардаев М.Қ., Қурбонов З.Н. Оила бизнеси ва тадбиркорлиги: Ўқув қўлланма – Самарқанд, СамДУ, 1999. – 45 б.

4. Қудратов Ғ.Ҳ., Пардаев М.Қ., Худойбердиев У.Х., Пардаева О.М. Оилавий корхона иқтисодиёти. Монография. – Т.: Иқтисодиёт, 2012. – 232 б.

5. Қувондиков Ш.О. Хизмат соҳаларида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш муаммолари. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати, Самарқанд, СамИСИ, 2008. – 24 б.

6. www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

7. www.stat.uz – Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий сайти.

*Аминов Ф.Ф. – ОБМ, тингловчи*

# МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК ЛОЙИҲАЛАРИ

Мактабгача таълим вазирлиги ташкил этилгунга қадар яъни 2017 йилгача ушбу йўналишга Халқ таълими вазирлиги таркибидаги мактабгача таълим бошқармаси масъул бўлган. Табиийки эгаси бўлмаган соҳа сифатида мактабгача таълим тизимида ривожланиш ўрнига орқага кетиш кузатилган.

1991 йилда 10 134 та мактабгача таълим ташкилотлари фаолият юритган бўлиб, уларда 1 378 039 та болалар тарбияланган. 2017 йилга келиб эса бу кўрсаткич 5211 та мактабгача таълим ташкилотлари ва 708 247 та болани ташкил этган.

Мустақилликка эришган йилимиздан бошлаб мактабгача таълим ташкилотлари ҳамда қамров пасайиб кетиб 2017 йилда 27,7% ни ташкил этиб, мактабгача таълим ташкилотлари сони 5 211 тага тушиб қолган. Бунинг асосий сабаби эса, мавжуд давлат мактабгача таълим ташкилотларини хусусийлаштириш баҳонасида учинчи шахсларга бериб юборилганидадир.

Инвестиция дастури асосида ҳар йили кўплаб давлат мактабгача таълим ташкилотлари қурилиб, мавжудлари таъмирланмоқда. Бироқ бу орқали қамровни сезиларли даражада оширишнинг имкони йўқ. Аҳолининг йиллик 800 минг болага ортиб бориши ҳам қамровга қўшимча юклама бўлмоқда.

Республикамиз аҳоли сонининг юқори суръатларда ўсиб бораётгани, мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг ортиб бораётгани мактабгача таълим ташкилотларига талабни оширмоқда. Соҳага нодавлат секторни кенг жалб этмаган ҳолда болаларни мактабгача таълимга қамрашнинг имкони йўқ. Шу сабабли давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини янада кўпайтириш ҳамда улар учун зарур ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш бугунги кун талаби.

Мактабгача таълимга бўлган қамровни оширишда Республика бюджетидан ажратилган маблағлар ҳисобига инвестиция дастурлари доирасида янги давлат мактабгача таълим ташкилотлари ташкил этиб келинмоқда, бироқ бу етарли эмас.

Қамровни оширишнинг энг самарали йўлларидан бири эса бу шубҳасиз соҳага хусусий секторни жалб қилишдир. Хусусий сектор яъни тадбиркорларни жалб этишнинг йўли бу уларга кенг миқёсида имтиёзлар ажратишдир.

Мазкур йўналишни жорий этишнинг ҳуқуқий асосини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 апрелда тасдиқланган “Мактабгача таълим тизимини янада рағбатлантириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Мазкур қарор қабул қилиниши орқали мактабгача таълим тизимида илк марта давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини ташкил этиш, уларни молиялаштириш, уларга бериладиган имтиёзлар ҳамда давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг турлари батафсил очиб берилган.

**Давлат-хусусий шериклик** — давлат шериги ва хусусий шерикнинг муайян муддатга юридик жиҳатдан расмийлаштирилган, давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш учун ўз ресурсларини бирлаштиришига асосланган ҳамкорлигидир.

Давлат-хусусий шерикликнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

давлат шеригининг ва хусусий шерикнинг қонун олдида тенглиги;

давлат-хусусий шерикликни амалга оширишдаги қоидалар ва тартиб-таомилларнинг шаффофлиги;

хусусий шерикни танлашдаги баҳслашув ва холислик;

камситишга йўл қўймаслик;

коррупцияга йўл қўймаслик.

Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимнинг амал қилиш муддати уч йилдан кам бўлмаслиги ва қирқ тўққиз йилдан ошмаслиги белгилаб қўйилган.

Давлат-хусусий шериклик лойиҳалари Республикамизда биринчилардан бўлиб Мактабгача таълим тизимида жорий этилган ҳамда реализация қилинган лойиҳалар сони бўйича ҳам бугунги кунда биринчи ўринда туради.

“Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига асосан давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг концепциясини тасдиқлаш, унга ўзгартишлар ва (ёки) қўшимчалар киритиш:

Умумий қиймати бир миллион АҚШ долларига қадар бўлган эквивалентдаги давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг концепциясини тасдиқлаш, унга ўзгартишлар ва (ёки) қўшимчалар киритиш тегишли давлат органи (Мактабгача таълим вазирлиги) томонидан мустақил равишда амалга оширилади.

Шунга асосан, Мактабгача таълим вазирлиги томонидан давлат-хусусий шериклик асосида имзоланган битимлардаги лойиҳа суммасининг ҳеч бири бир миллион АҚШ долларидан ошмаганлиги сабабли барча лойиҳаларнинг битимини тасдиқлаш Мактабгача таълим вазирлиги томонидан мустақил равишда амалга оширилган.

Мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликнинг қуйидаги шаклларини жорий этилган:

- *нодавлат мактабгача таълим ташкилотларининг биноларини қуриш учун ер участкаларини бепул асосда ижарага тақдим этиш;*
- *давлат мулки бўлган бўш турган объектларни, шу жумладан ишламайдиган давлат мактабгача таълим ташкилотларининг биноларини «ноль» харид қиймати бўйича реализация қилиш;*
- *бут қилинмаган давлат мактабгача таълим ташкилотларининг фойдаланилмайдиган биноларини (корпусларини) узоқ муддат бепул фойдаланиш учун хусусий шерикларга ўтказиш;*
- *ишлаб турган давлат мактабгача таълим ташкилотлари ҳудудидаги ер участкаларини ижарага бепул бериш;*
- *мавжуд давлат мактабгача таълим ташкилотларини қайта қуриш ва жиҳозлаш ҳамда кейинчалик оталиққа олиш шарти билан нодавлат мактабгача*

*таълим ташкилотлари объектларини қуриш учун ер участкаларини бепул тақдим этиш;*

- *концессия асосида қуриш, қайта қуриш ва жиҳозлаш учун ижарага ер участкаси ёки бино ажратиш;*
- *хусусий шерик мулки негизида ташкил этилган нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини моддий таъминлаш шаклидаги давлат-хусусий шерикликни амалга ошириш;*
- *оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини моддий-техник ва услубий жиҳатдан таъминлаш шаклидаги давлат-хусусий шерикликни амалга ошириш;*
- *оталиқ шаклидаги филантропик фаолият тарзида давлат-хусусий шерикликни амалга ошириш;*
- *хусусий шерикка тегишли ер ва бино-иншоотларда нодавлат мактабгача таълим ташкилотини ташкил этиш шаклидаги давлат-хусусий шерикликни амалга ошириш.*

Юқоридаги қарор қабул қилингач, ўтган 3 йил вақт ичида нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари сони 22 312 тага етказилди. Шундан, 20 242 таси оилавий шаклдаги давлат-хусусий шериклик, 1 263 таси давлат-хусусий шерикликнинг бошқа шакллари ҳамда 807 таси хусусий мактабгача таълим ташкилотларидан иборат. Бу ташкилотларда бугунги кунда 660 991 нафар болалар тарбияланмоқда. Бу умумий қамровнинг 33,7% ини, давлат-хусусий шериклик шаклида ташкил этилган нодавлат мактабгача таълим ташкилотларининг ўзи эса **30,1% ни ташкил этмоқда.** Бу йўналишнинг Ўзбекистон учун ҳали янги соҳа эканлигини инобатга олган ҳолда бу жуда яхши кўрсаткичдир.

Бугунги кунда мактабгача таълимга бўлган қамровнинг 70% эканлиги, юртимизда туғилишнинг жадаллик билан билан ўсиб бораётгани келгуси 10-20 йилда ҳам давлат-хусусий шериклик асосидаги лойиҳаларга эътибор сусаймаслигини кафолатлайди.

Соҳага хусусий секторни киритиш, уни модернизация қилиш, ижтимоий инфратузилма объектларини ривожлантириш, аҳолига ижтимоий аҳамиятга эга (таълим, тиббиёт ва бошқалар) хизматлар кўрсатиш давлат-хусусий шериклик институтини амалга ошириш доирасида давлатга ижтимоий-иқтисодий сиёсат имкониятларини кенгайтириш имконини беради, шунингдек, ижтимоий соҳаларда бошқарув самарадорлигини оширишди хизмат қилади.

***Амирқулов С.М.** – ОБМ, тингловчи*

## ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИҲАЛАРНИ МОНИТОРИНГ ҚИЛИШ – БИЗНЕСНИ САМАРАЛИ БОШҚАРИШНИНГ МУҲИМ БЕЛГИСИДИР

Иқтисодиётни модернизациялаш, устивор тармоқларни техник-технологик қайта қуроллантириш, жаҳон бозорида рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш, мамлакат экспорт салоҳиятини ошириш бугунги кунда долзарб

масалалардан бири ҳисобланади. Бу вазифаларни амалга оширишни инвестицияларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга жиддий эътибор қаратиб келмоқда. Чунки инвестицион лойиҳа иқтисодиётнинг ўсишини, ишлаб чиқаришнинг ривожланишини таъминловчи муҳим омилдир.

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида “26-мақсад: Мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилаш ва унинг жозибадорлигини ошириш, келгуси беш йилда 120 миллиард АҚШ доллари, жумладан 70 миллиард доллар хорижий инвестицияларни жалб этиш чораларини кўриш”[1] масалалари алоҳида белгилаб берилган.

Инвестицияларни фаол жалб этиш борасида амалга оширилаётган тадбирлар натижасида иқтисодиётда амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларини сони ошиб бормоқда. Республикамизда бозор иқтисодиёти турли мулкчилик шаклларига асосланган хўжалик юритувчи субъектларни кўпайтириш, жумладан, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш ҳамда бошқарув фаолиятининг ривожланишини тақозо этди. Шунингдек, иқтисодиётни янада эркинлаштириш ва ривожлантириш, инвестиция лойиҳаларини ҳаётга татбиқ этиш ва уларни молиялаштиришнинг оптимал вариантларини амалга оширишда лойиҳа бошқаруви моделларини жорий этиш талабларини келтириб чиқарди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти бошчилигида ўтказилган йиғилишда миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлашнинг 8 та асосий йўналишлари белгиланди. Алоҳида эътибор инвестиция масалаларига ва тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажмининг кўпайишига қаратилди. Инвестицион лойиҳаларнинг самарадорлигини оширишдаги янгиликлардан бири инвестицион лойиҳаларни мониторинг қилишнинг 3 босқичли янги тизимни жорий этиш бўлиб, унга саноатни ва умуман иқтисодиётни ривожлантириш бўйича лойиҳаларни амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлиги ва ижтимоий-иқтисодий таъсирни олдиндан баҳолаш киради. Шунингдек, инвестиция даврида, яъни шартномалар имзоланган пайтдан бошлаб объектни фойдаланишга топширишгача доимий мониторинг ўтказилиб, объектни фойдаланишга топширилгандан кейин мақсадли параметрларни баҳолаш учун инвестициядан кейинги даврда мониторинг олиб борилади.

Инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш одатда учта алоҳида босқични ўз ичига олади: дастлабки босқич лойиҳа бўйича якуний қарор қабул қилишгача давом этади; кейинги босқич, лойиҳа натижаларини амалга оширилгунга қадар давом этадиган имплементация; якуний босқич эса лойиҳанинг фойдалари амалга ошириладиган операцион босқичидир.

Инвестицион лойиҳаларнинг мониторинги деганда инвестиция лойиҳасини ёки унинг алоҳида босқичларини амалга ошириш тўғрисида маълумотларни ҳар томонлама узлуксиз мониторинг қилиш, тўплаш, таҳлил қилиш ва тақдим этиш тизими тушунилиши керак, бу эса лойиҳанинг бориши

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони

тўғрисида ишончли прогнозлар тайёрлашни таъминлайди. Пайдо бўладиган оғишларга жавоб бериш тартиб-қоидаларини ишлаб чиқишга имкон беради.

Инвестицион лойиҳаларни мониторинг қилишдан мақсад лойиҳанинг боришини текширишдан иборат. Лойиҳа параметрларининг четланишини ўз вақтида аниқлаш, лойиҳани амалга оширишда нохуш ёки танқидий вазиятларнинг олдини олиш ва лойиҳани оптимал ҳолатга келтириш бўйича бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш.

Инвестицион лойиҳалар мониторингининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- мониторингни ташкил этиш ва инвестиция лойиҳасининг бориши тўғрисида ишончли ва холис ахборот олиш;
- олинган маълумотларни баҳолаш ва тизимли таҳлил қилиш, сабаб бўлган ҳолатларни аниқлаш;
- инвестиция лойиҳаси параметрларининг режалаштирилганидан четланишини аниқлаш;
- инвестиция лойиҳасини амалга ошириш прогнозларини ишлаб чиқиш ва келажакда лойиҳани амалга оширишга таҳдид соладиган омилларни аниқлаш;
- инвестиция лойиҳасини молиялаштириш учун маблағлар етарли эмаслигини аниқлаш;
- корхона раҳбариятини ва барча манфаатдор шахсларни инвестиция лойиҳасининг бориши тўғрисидаги маълумотлар билан таъминлаш;
- салбий ҳолатларни бартараф этишга ва лойиҳани ривожлантиришдаги ижобий тендентсияларни қўллаб-кувватлашга қаратилган тавсиялар тайёрлаш;
- лойиҳа учун вариант имкониятларини аниқлаш;
- инвестиция лойиҳасининг боришини тузатиш имконини берувчи бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш;
- лойиҳани амалга оширишда иштирок этувчи ходимларнинг масъулиятини ошириш[1].

Бизнингча, инвестиция лойиҳалари мониторинги тизими тизимлилик, мураккаблик, ишончлилик, холислик, долзарблик, илмий характер, кўриниш ва самарадорлик талабларига жавоб бериши керак.

1. Тизимли - мониторинг маълумот тўплаш учун маълум интерваллар билан лойиҳанинг бутун даври давомида амалга оширилиши керак.
2. Мураккаблик - инвестиция лойиҳасининг турли жиҳатларини тавсифловчи кўрсаткичлар динамикасини кузатиш. Инвестицион фаолиятнинг барча субъектлари манфаатларини, лойиҳанинг барча таркибий қисмларини ва уларнинг муносабатларини ҳисобга олиш.
3. Ишончлилик - инвестиция лойиҳасини энг тўлиқ тавсифловчи барча кўрсаткичлар тўғрисидаги маълумотларнинг тўғрилигини таъминлаш.
4. Объективлик - инвестиция лойиҳаси инвестиция фаолияти субъектларининг фикри ва хоҳишидан қатъий назар, "худди шундай" кўриб чиқилиши керак.

---

[1] Теплова Т.В. Инвестиционные рычаги максимизации стоимости компании. Практика российских предприятий. М., 2007.

5. Мувофиқлик – мониторинг жараёнида олинган маълумотларнинг инвестиция лойиҳалари самарадорлигини баҳолаш эҳтиёжлари ва мақсадларига мувофиқлиги.

6. Илмий характер - инвестиция лойиҳаси самарадорлигини далилларга асосланган ва тасдиқланган усуллар асосида таҳлил қилиш ва баҳолаш.

7. Кўриниш - лойиҳанинг муҳим элементларининг умумийлигини ва уларнинг ўзаро боғлиқлигини кўриш ва ушбу маълумотлар асосида самарали қарор қабул қилиш имконини берадиган шаклда ахборотни (вазифалар, муддатлар, параметрлар ва бошқалар) тақдим этиш.

8. Самарадорлик - инвестиция лойиҳасининг бориши тўғрисидаги маълумотларни йиғиш ва қайта ишлаш жараёнини қисқартириш ва лойиҳа параметрларидан четга чиққан тақдирда фавқулодда вазиятларни бошқариш қарорларини ўз вақтида ишлаб чиқиш.

Инвестиция лойиҳаларини мониторинг қилиш жараёнида жорий лойиҳа кўрсаткичларини олдинги ва режалаштирилган кўрсаткичлар билан таққослаш ва қуйидаги йўналишларда оғишлар сабабларини (агар мавжуд бўлса) аниқлаш керак: иқтисодиёт (самарадорлик кўрсаткичлари), молия (бюджетни ишлаб чиқиш), иш тартиби, атроф-муҳит, хавфсизлик ва унинг талабларида. Шунингдек, хавф ва сезгирлик таҳлилини ўтказиш ва ушбу маълумотлар асосида лойиҳани оптималлаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш керак.

Инвестицион лойиҳалар мониторинги вақтида бошқариладиган параметрлар сифатида биз қуйидагилардан фойдаланишни таклиф қиламиз:

- вақт параметрлари - лойиҳанинг бошланиши, инвестиция бошланиши, ишга тушириш, лойиҳанинг ишлаш муддати;
- табиий кўрсаткичлар - сотиш ҳажми, хом-ашё ва материаллар ҳамда асосий воситаларга бўлган эҳтиёж;
- таннарх параметрлари - прогноз нархлар, прогноз харажатлар;
- ишлаш мезонлари - соф жорий қиймат (NPV), ўзини қоплаш муддати оддий ва дисконтланган (PP, DPP); ички даромад даражаси (IRR).

Инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш мониторингини такомиллаштиришда бизнес субъекти қуйидагиларни бажариши лозим: иқтисодиётнинг келажакдаги фаолияти учун истиқболли ва яхши ишлаб чиқилган режага эга бўлиши керак; дунё миқёсида юқори даражадаги нуфузга эга бўлиши лозим; мамлакат очиқ аниқроғи шаффоф сиёсатни олиб бориши лозим; бизнес субъектининг сиёсий ҳолати барқарор бўлиши шарт.

Агар инвестицион лойиҳаларни давлатга тасири даражасида кўриб чиқадиган бўлсак, у ҳолда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш мониторингини такомиллаштиришда қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади:

1. Ижтимоий омиллар (хусусий мулк ва хорижий инвестицияларга бўлган маҳаллий аҳолининг муносабати; ишчилар қатламининг ижтимоий фаоллиги; жамиятдаги демократик онгнинг яхлитлилик даражаси; умуман барча қатламдаги аҳолининг интеллектуал салоҳияти; жамиятни ижтимоий ривожлантириш бўйича илғор ғояларнинг мавжуд эканлиги);

2. Иқтисодий омиллар (иқтисодиётнинг умумий ва барқорор ҳолати;

инфляция даражасининг бир маромда белгиланган параметрларда бўлиши; кредит ҳажми ва фоиз ставкаси; иқтисодий ва фаол бўлмаган ишчи кучидан фойдаланиш тартиби; валюта курсининг белгиланган меъёрда сақланиб туриши; маълум бир маҳсулот ёки хизмат турига нисбатан ички ва ташқи бозордаги талаб ҳамда таклиф ўртасидаги муносабат; солиқ имтиёзлари ва солиқ юкини энгиллаштириш имкониятлари; божхонадаги имтиёзлар);

3. Сиёсий омиллар (сиёсий барқарорлик, яъни ҳар бир мамлакатда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик даражаси; халқаро келишувларга риоя қилиш ва уларга амал қилиш даражаси; давлатнинг иқтисодиётда тутаётган ўрни; давлат органларининг самарали фаолият олиб бораётганлик даражаси; инвестицияларга нисбатан давлатнинг инвестицион сиёсати; давлатнинг турли халқаро биржаларда иштирок этиши ва битимларга эга бўлишлилик даражаси).

Юқоридаги омиллар инвестицияларни мониторинг қилишда ва уларни бошқаришда муҳим рол ўйнаб иқтисодиётга сезиларли таъсир ўтказиб туради.

Инвестиция лойиҳалари мониторингини амалга ошириш механизми. Инвестиция лойиҳаларини мониторинг қилиш механизмини намойиш қилиш учун Европа Иттифоқи "инвестиция лойиҳаларининг харажатлари ва фойдасини таҳлил қилиш тўғрисида" қўлланмасига мурожаат қилиш мумкин. Лойиҳаларни иқтисодий баҳолашнинг аҳамияти шундаки, у нафақат лойиҳанинг молиявий харажатларини, балки бошқа жиҳатларни ҳам қамраб олади. Муқобил лойиҳаларнинг самарадорлигини иқтисодий таҳлил қилиш инвестиция лойиҳасининг пул оқимларини таҳлил қилишга асосланган ва қуйидаги босқичлардан иборат:

- Бозор нархларини бухгалтерия нархларига ўтказиш. Баъзи ҳолларда бозор нархлари ҳукумат томонидан белгиланади ва лойиҳанинг ижтимоий аҳамиятини акс эттирмайди. Ушбу босқичда соя нархлари (сояли иш ҳақи) ва фискал ўзгаришлар (ҚҚС, субсидиялар ва соф ўтказмалар) ҳисобга олиниши керак;
- Иқтисодий бўлмаган таъсирларни монетизация қилиш. Ушбу босқич лойиҳанинг бозор қийматига эга бўлмаган жамиятга нисбатан таъсирини баҳолашни талаб қилади ва шунинг учун ҳақиқий пул қийматини белгилаш орқали аниқланиши керак.
- Қўшимча билвосита таъсирларни киритиш. Билвосита таъсирлар иккиламчи бозорда пайдо бўлган нарх ёки миқдор ўзгаришига ишора қилади. Бузилган иккиламчи бозор-бу нархлар имкониятларининг максимал ижтимоий қийматига тенг бўлмаган бозор. Солиқлар, субсидиялар, монопол ҳокимият ва ташқи омилларнинг мавжудлиги бозор бузилишининг асосий сабабидир. Шу билан бирга, бундай таъсирлар фақат бузилишнинг миқдори етарли даражада ва ўлчаб бўлганда ҳисобга олиниши керак, умуман олганда, билвосита таъсирларни ҳисобга олиш учун соя нархларидан самарали фойдаланиш ва ташқи омилларни яхши монетизация қилиш кифоя қилади.
- Харажатлар ва имтиёзларни баҳолашни янгилаш. Инвестицияларни амалга ошириш жараёнида юзага келадиган харажатлар ва имтиёзлар вақти-вақти билан ижтимоий чегирма ставкасидан фойдаланиб, янгиланиб турилиши

керак. Бу келажакда фойда ва харажатларни қандай ўлчаш кераклиги ҳақидаги ижтимоий тасаввурни акс эттиради.

• Иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини ҳисоблаш. Иқтисодий таҳлилда, нарх-навонинг бузилишини ҳисобга олган ҳолда ва ижтимоий дисконтлаш ставкасини танлагандан сўнг, бир қатор иқтисодий кўрсаткичларни ҳисоблаш керак. Шу жумладан, иқтисодий аниқ жорий қиймат (дисконтланган ижтимоий фойда ва харажатлар ўртасидаги фарқ), иқтисодий рентабеллик даражаси ва янгиланган фойда ва харажатлар ўртасидаги муносабатлар.

Юқоридаги иқтисодий кўрсаткичларнинг аҳамиятига қараб, айрим инвестиция лойиҳаларини тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилинади. Қоида тариқасида, иқтисодий рентабеллик коэффициенти ижтимоий чегирма ставкасидан паст ёки салбий соф қиймати бўлган лойиҳалар рад этилиши керак, чунки бундай лойиҳалар кам фойда эвазига жуда кўп ижтимоий ресурсларни истеъмол қилади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**


1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони
2. Besner C., Hobbs B. Project management practice, generic or contextual: A reality check // Project Management Journal. 2008. Vol. 39. №1. P. 16–33.
3. Ika L.A. Project success as a topic in project management journals // Project Management Journal. 2009. Vol. 40. №4. P. 6–19. DOI: 10.1002/ pmj.20137
4. Дергачёва Т.А. Цифровизация и мониторинг реализации инвестиционных проектов // Новые тенденции в экономической науке и образовании / ТФ РЭУ им. Г,В, Плеханова. 2021.
5. Дьяченко Д.А. Методические рекомендации к мониторингу и управлению рисками хода реализации инвестиционных проектов // Агентство слияния & поглощения. 2014. №5. с. 19–24
6. Теплова Т.В. Инвестиционные рычаги максимизации стоимости компании. Практика российских предприятий. М., 2007.
7. http://www.sciencedirect.com



***Абдуллаев Н.Н.** – ОБМ, тингловчи*


## ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ РОЛИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ ВА УНИНГ АМАЛИЙ АҲАМИЯТИ

Европа Иттифоқи (ЕИ) мамлакатларида давлат буюртмалари тизими кичик бизнес субъектлари фаолиятини молиявий қўллаб-кувватлашнинг муҳим ва

ўзига хос шакли ҳисобланади. Масалан, Францияда федерал контрактларнинг 25-30 фоизи кичик бизнес субъектларининг ҳиссасига тўғри келади[1].

Шунингдек, давлат томонидан кичик бизнес субъектларининг маҳсулотларини экспорт қилиш билан боғлиқ харажатларни бевосита ва билвосита субсидияланиши улар фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлашнинг муҳим шакли ҳисобланади. Масалан, Буюк Британияда кичик бизнес субъектларининг экспорт билан боғлиқ харажатларини 50 фоизи давлат томонидан қопланади. Германия, Италия, Бельгия ва Ирландияда эса, кичик бизнес субъектларининг экспорт операциялари давлат томонидан суғурта қилинади.

Кичик бизнес субъектларига нисбатан солиқ имтиёзларининг қўлланиши улар фаолиятини билвосита субсидиялаш ҳисобланади. ЕИ мамлакатларида солиқ имтиёзларидан кенг кўламда фойдаланилаётганлиги билвосита субсидиялашга эътиборнинг кучли эканлигидан далолат беради. Масалан, Германияда кичик бизнес субъектларига нисбатан 180 дан ортиқ турдаги солиқ имтиёзлари қўлланилади. Шу сабабли, кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича Германия тажрибасини ўрганиш, фикримизча, муҳим аҳамият касб этади.

Германияда мақсадли давлат дастурлари мавжуд бўлиб, улар кичик бизнес субъектларининг ўз капитали миқдорини ошириш, ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириш, инновацион лойиҳаларни амалга ошириш каби муҳим вазифаларни ҳал этишга қаратилган. Мазкур дастурлар доирасида кичик бизнес субъектларига ажратиладиган имтиёзли кредитларнинг миқдори 1,0 млн. еврога етади, муддати эса, 3 йилдан 10 йилгача муддатни ташкил этади. Бунда давлат томонидан бериладиган дотациянинг миқдори кредит суммасининг 3 фоизидан 10 фоизигача бўлган суммани ташкил этади. Германия Компенсация банки томонидан кичик бизнес субъектларига бериладиган кредитларнинг шартлари қуйидагича:

– кредит миқдори 1,0 млн. еврогача бўлган суммани ташкил этади;

– кредитнинг йиллик фоиз ставкаси 5 фоизни ташкил этади;

– кредит 20 йилгача муддатга берилади ва кичик бизнес субъекти фаолиятини кенгайтириш, техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш харажатларининг 50 фоиздан ошмайдиган қисмини молиялаштириш имконини бериши керак;

– кредит шартномаси муддатининг дастлабки икки йили мобайнида фоиз олинмайди[2].

Буюк Британия ва Францияда давлатнинг кафолат фондлари ташкил этилган бўлиб, уларнинг маблағлари ҳисобидан тижорат банкларининг кичик бизнес субъектларига берилган кредитларнинг қайтарилиши кафолатланади.

ЕИ мамлакатларида венчур фондларининг ривожланиши давлат томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Бунинг сабаби шундаки, венчур фондлари

[1] Экономика Европейского Союза, Учебник. Под. ред. проф. Р.К. Щенина. – М.: КНОРУС, 2015. - С. 137.
[2] Экономика Европейского Союза, Учебник. Под. ред. проф. Р.К. Щенина. – М.: КНОРУС, 2012. - С. 139-140.

кичик инновацион лойиҳаларни молиялаштириш ва инновацияларни миллий иқтисодиётга жалб этиш жараёнини тезлаштириш имконини беради.

АҚШ ва Европа давлатларида тижорат банкларининг факторинг кредитларидан кичик бизнес субъектлари фаолиятини молиялаштиришда кенг фойдаланилмоқда.

Европа мамлакатларида тижорат банкларининг факторинг кредитларидан фойдаланувчиларнинг 80 фоизини йиллик обороти 5 млн. еврога яқин бўлган кичик бизнес субъектлари ташкил этади[1].

Тараққий этган мамлакатлар амалиётида Давлат бюджетининг маблағлари ҳисобидан кичик бизнес субъектларига тижорат банклари томонидан берилган кредитларнинг фоиз ставкаларини бонификация қилиш усулидан ва уларнинг экспорт жараёнини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш усулидан кенг фойдаланилади. Хусусан, Германия, Франция мамлакатларининг амалиётида тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига берилган кредитларнинг имтиёзли фоиз ставкаси билан бозор ставкаси ўртасидаги фарқ давлат бюджетининг маблағлари ҳисобидан тўлаб берилади. Бунинг натижасида, биринчидан, кичик бизнес субъектларининг тижорат банклари кредитлари тўлови билан боғлиқ бўлган харажатлари камаяди. Бу эса, уларнинг пул оқими барқарорлигига ижобий таъсир кўрсатади, банк кредитларидан фойдаланиш даражасини оширишга хизмат қилади. Иккинчидан, тижорат банкларини кичик бизнес субъектларини кредитлаш билан боғлиқ бўлган рискларнинг даражаси пасаяди.

Шунингдек, давлат томонидан кичик бизнес субъектларининг маҳсулотларини экспорт қилиш билан боғлиқ харажатларини бевосита ва билвосита субсидияланиши улар фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлашнинг муҳим шакли ҳисобланади. Масалан, Буюк Британияда кичик бизнес субъектларининг экспорт билан боғлиқ харажатларининг 50 фоизи давлат томонидан қопланади. Германия, Италия, Бельгия ва Ирландияда эса, кичик бизнес субъектларининг экспорт операциялари давлат томонидан суғурта қилинади.

Ғарбий Европа мамлакатлари амалиётида имтиёзли кредитлаш кичик корхоналарнинг 40 фоиз харажатларини қоплайди. Янги фирма яратиш учун кредитлар 15 йилга берилади. Модернизация учун 10 йилга берилади. Давлат институтлари фақат кичик корхоналарда эмас, балки кичик корхоналарнинг бирлашмаларига ҳам имтиёзли фоиз ставкали кредитлар беради[2].

Европа давлатлари, жумладан, Германияда, Япония каби давлатларда инвестицион кредитлашни ривожлантириш мақсадида банклар негатив фоиз ставкада банк сиёсатини олиб боришга ҳам амал қилмоқдалар[3]. Бу эса, авв占омбор, мамлакатда инфляциянинг 0,0% даражада (2020 йил август ойи ҳолатида ҳам) эканлиги билан бевосита боғлиқдир[4]. Бу кўрсаткич Испания, Италия (-0,5 %), Ирландия (-1,2%), Греция (-1,9%) каби давлатларда, Ерозонада (-0,8%) “0”дан

[1] Стешина М.О. Европейский рынок факторинга: новые ориентиры. Факторинг и торговое финансирование. – Москва, 2009. – №2.– С. 66-70.
[2] www.db.com. сайти маълумотлари.
[3] https://propertinterest.com/procentnaya-stavka-v-germanii/
[4] https://take-profit.org/statistics/inflation-rate/germany/

кичик эканлигини ҳам қайд этиб ўтиш мумкин.




**1.1-расм. Германияда кредит учун ўртача фоиз ставкаси даражаси, %да[1]**

Иқтисодиётдаги барқарорлик, қуйи инфляция ва фоиз ставкаси даражаси Германияда банклар томонидан тақдим этилган инвестицион кредитлар юзасидан вужудга келган муддати ўтган кредитларнинг жами кредитлардаги улушининг пасайиб боришига ўз таъсирини кўрсатган.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, АҚШда инфляция ва қайта молиялаш ставкасидаги кичик нотекис динамик ўзгаришлар кредит ставкасига жиддий таъсир кўрсатмаган. Хусусан, 2017-2020 йилларда кредит фоиз ставкаси ўзгаришсиз 3,25 %да сақланиб қолган. Бу эса, инвестицион кредитлашнинг ЯИМ ва асосий капиталга инвестициялар таркибидаги улушининг ортишига олиб келган.

***Зокиржонов Д.Т.*** *– ОБМ, тингловчи*

## ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДЛАРИДА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШДА ТИЖОРАЬТ БАНКЛАРИНИНГ РОЛИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Республикамиз ҳудудларида тадбиркорликни ривожлантириш билан боғлиқ бўлган долзарб муаммолардан бири -бу иқтисодий ва ижтимоий инфратузилманинг ривожланмаганлигидир.

Ўзбекистоннинг инфратузилма тармоғига катта миқдордаги ресурслар йўналтирилишига қарамай унинг ҳозирги ҳолати тез ўсиб бораётган иқтисодиётнинг эҳтиёжларини қондирмаяпти. Инфратузилманинг катта қисми бундан ўнлаб йиллар олдин яратилган асосий фондлари эскириши туфайли вазият янада мураккаблашмоқда. Ҳукуматимизнинг иқтисодиётда давлатнинг иштирокини қисқартириш ва солиқ юкини камайтириш йўлидаги саъйҳаракатлари бюджетдан инфратузилма тармоғидаги тобора ортиб бораётган «инвестициявий узилиш»га барҳам бериш учун етарли бўлган маблағларни ажратиш имконини бермаяпти. Юқорида санаб ўтилган муаммолар тезкор ва амалий чораларни кўришни талаб қилади – акс ҳолда ортиб бораётган инфратузилма тақчиллиги иқтисодий ўсишга тўсиқ бўлади ва иқтисодий сиёсатнинг охирги йилларда хусусий секторни ривожлантириш, тадбиркорлик

[1] https://take-profit.org/statistics/bank-lending-rate/germany/; https://ru-geld.de/inflation.html

ва инвестициявий муҳитни яхшилаш, макро иқтисодий барқарорликка эришиш борасида эришилган ютуқларининг аҳамиятини йўққа чиқаради.

Мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий инфратузилмасида жиддий муаммолар ва номутаносибликлар сақланиб қолмоқда ва, айрим маълумотларга кўра, янада чуқурлашмоқда, уларнинг белгиларини иқтисодиёт мазкур секторининг деярли барча тармоқларида ва сегментларида учратиш мумкин.

Айни вақтда, ҳудудларда фаолият юритаётган кичик бизнес субъектларининг ташқи савдо фаолиятини кредитлаш амалиётини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган айрим муаммоларнинг мавжудлиги кўзга ташланмоқда. Ана шундай долзарб муаммолардан бири – бу кичик бизнес субъектларининг ҳужжатлаштирилган аккредитивлар воситасида амалга оширилаётган тўловларини тижорат банкларининг муддатли ва овердрафт кредитлари ҳисобидан тўланмаётганлигидир.

Муаммонинг моҳияти шундаки, республикамиз тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларининг импорт тўловлари бўйича очилаётган ҳужжатлаштирилган аккредитивларнинг 90 фоиздан ортиқ қисми таъминланган ҳужжатлаштирилган аккредитивларнинг ҳиссасига тўғри келади. Бу эса, аккредитив бўйича импорт тўловларини тижорат банкларининг кредитлари ҳисобидан тўлаш имконини бермайди. Чунки, таъминланган аккредитивларда аккредитив суммаси мижознинг жорий валюта ҳисобрақамидан олиниб, алоҳида ҳисобрақамда депонент қилинади.

Фикримизча, республикамизнинг бир қатор банкларининг (Асакабанк, Ҳамкорбанк, Саноатқурилишбанк ва бошқ.) халқаро рейтинг агентликларининг ижобий рейтинг баҳоларига эга эканлиги ва миллий валютани хорижий валюталарга конвертирлаш муаммосининг ҳал этилганлиги чақириб олинмайдиган ва тасдиқланмайдиган аккредитивлардан фойдаланиш имконини беради.

Таъминланмаган ҳужжатлаштирилган аккредитивларда тўлов суммаси депонент қилинмайди, балки тўлов юзасидан тижорат банки кафил бўлиб қолади. Тижорат банкларининг кафолати эса, ишончли кафолат ҳисобланади.

Кичик бизнес субъектларининг ташқи савдо фаолиятини кредитлаш амалиётига салбий таъсир кўрсатувчи омиллардан бири бўлиб, миллий валютанинг хорижий валюталарга нисбатан девальвация суръатининг юқори эканлиги ҳисобланади.

Девальвация таъсирида кичик бизнес субъектларининг импорт тўлови билан боғлиқ бўлган харажатлари миқдори ортади ва хорижий валютада олинган кредитларни қайтаришда муаммолар юзага келиши мумкин. Шу сабабли, миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш кичик бизнес субъектларининг ташқи савдо фаолиятини ривожлантириш нуқтаи-назаридан муҳим аҳамият касб этади.

Фикримизча, республикамиз ҳудудларида тадбиркорликни ривожлантириш ва ушбу ҳудудларда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларининг инвестицион фаоллигини оширишда тижорат банкларининг ролини ошириш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

1. Ҳудудларда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларини электр энергияси ва газ билан узлуксиз таъминлашни ташкил қилиш мақсадида Ҳудудий инфратузилма жамғармасини ташкил қилиш керак.

Ушбу Жамғарма маблағлари маҳаллий бюджетлар даромадларининг режадан ортиқ тушган қисми ҳисобидан шакллантирилиши лозим.

Жамғарма маблағларининг ишлатилиш йўналишлари қуйидагилардан иборат бўлиши керак:

*электр энергияси ва газ таъминоти билан боғлиқ бўлган инфратузилма лойиҳаларини молиялаштириш;

*тадбиркорлик субъектларига электр энергияси ва газ таъминоти билан боғлиқ бўлган харажатларни молиялаштириш учун фоизсиз ссудалар бериш;

* тадбиркорлик субъектларининг электр энергияси ва газ таъминоти билан боғлиқ бўлган харажатларни молиялаштириш мақсадига тижорат банклари томонидан берилган кредитларнинг фоиз тўловларини бир қисмини қоплаб бериш.

2. Ҳудудларда фаолият юритаётган ва экспорти мавжуд бўлган тадбиркорлик субъектларига тижорат банклари томонидан берилган кредитларнинг фоизларини 50 фоизини қоплаб бериш тартибини жорий

Тараққий этган мамлакатларнинг, хусусан, Ғарбий Европа мамлакатларининг амалиётида тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига берилган кредитларнинг фоизларини маълум қисми бонификация қилинади. Яъни, тижорат банки кичик бизнес субъектига берган кредитнинг имтиёзли ставкаси билан бозор ставкаси ўртасидаги фарқнинг маълум қисми давлат маблағлари ҳисобидан тижорат банкига тўлаб берилади[1].

Таъкидлаш жоизки, Ғарбий Европа мамлакатларида тижорат банкларининг имтиёзли кредитлари кичик корхоналар харажатларининг 40 фоизгача бўлган қисмини молиялаштириш имконини беради. Мазкур кредитлар янги кичик бизнес субъектини ташкил этиш учун кредитлар 15 йилгача муддатга берилади. Мавжуд кичик бизнес субъекти фаолиятини модернизация қилиш учун эса, 10 йилгача муддатга берилади[2].

Кредитларнинг фоиз ставкаларини бонификация қилиш, биринчидан, кичик бизнес субъектларининг кредитларни қайтариш билан боғлиқ бўлган харажатлари ҳажмини қисқартириш имконини беради ва шу асосда уларнинг молиявий ҳолатига нисбатан ижобий таъсирни юзага келтиради; иккинчидан, тижорат банкларини кичик бизнесни кредитлаш жараёнида юзага келадиган рисклари даражасини пасайтириш имконини беради. Чунки, кичик бизнес субъектларига берилаган кредитлар фоизининг маълум қисми кафолатланган ҳолда давлат бюджетидан тижорат банкига тўлаб берилади.

---

[1] Экономика Европейского Союза, Учебник. Под. ред. проф. Р.К. Щенина. – М.: КНОРУС, 2012. - С. 142.

[2] Small Business. www.db.com. сайти (Deutsche Bank).

*Utayev B.G‘. – ОБМ, тингловчи*

# MAMLAKATIMIZDA KICHIK BIZNESNING AHAMIYATI VA USHBU SOHADAGI ILG‘OR XORIJ MAMLAKATLARI TAJRIBASI

Iqtisodiyotni rivojlantirish, aholi bandligi va daromadlarini oshirishda kichik biznes va xususiy tadbirkorlik muhim omildir. Bugungi kunda tadbirkorlar, o‘rta va kichik biznes jahon mamlakatlarida iqtisodiyotning barqaror rivojlanishi uchun asos bo‘lib xizmat qilmoqda.

Rivojlangan davlatlarda tadbirkorlik subyektlari umumiy korxonalar sonining 90 foizdan ziyodini tashkil etadi va mehnatga layoqatli aholining 50 foizdan ortig‘ini ish bilan ta’minlaydi. 2021-yilgi holatga ko‘ra, O‘zbekistonda mehnat bilan band aholining 73,8 foizi shu sohada ishlaydi.[1]

Tadbirkorlik subyektlari taraqqiy etgan mamlakatlarning yalpi ichki mahsuloti tarkibida ham salmoqli o‘ringa ega. O‘zbekiston yalpi ichki mahsulotida mazkur soha ulushi 53,9 foizdir. Shuningdek, so‘nggi yillarda kichik biznes va xususiy tadbirkorlik subyektlarining tovar va xizmatlar ishlab chiqarishdagi dinamikasiga e’tibor qaratsak, 2021-yilda mamlakat umumiy tovar va xizmatlar ishlab chiqarishidagi ulushi 2014-yilga nisbatan qariyb 2 barobarga oshgan. Ishlab chiqarish ko‘rsatkichlarning bunday keskin o‘sishiga asosiy sabab so‘ngi yillarda kichik biznes va xususiy tadbirkorlik uchun yaratilayotgan qulay sharoitlar, valyuta bo‘yicha cheklovlarning olib tashlanganligi, xususiy tadbirkorlik subyektlarini huquqiy savodxonligi oshganligi, kichik biznes subyektlarini moliyalashtirish masalalarining yanada mukammallashgani, “Har bir oila – tadbirkor” va “Yoshlar kelajagimiz” kabi dasturlar doirasida kreditlar ajratilishi hamda ushbu mablag‘lar hisobidan xorijdan asbob-uskunalar va boshqa texnologiyalarni xarid qilinayotganligi sabab bo‘lmoqda.[2]

Tadbirkorlarni qo‘llab-quvvatlash va biznes muhitini yaxshilash bo‘yicha amalga oshirilayotgan tub islohotlar natijasida, Jahon bankining “Biznes yuritish - 2021” hisobotida O‘zbekiston 7 pog‘onaga ko‘tarilib, 69-o‘rinni egalladi va dunyoning eng yaxshi 20 ta islohotchi davlati qatoridan joy oldi. Yangi korxona ochish qulayligi bo‘yicha yurtimiz ilk bor dunyoda sakkizinchi o‘ringa ko‘tarildi.

O‘zbekiston Respublikasida kichik biznesning rivojlanish imkonlari oshib bormoqda. Bugungi kunda nodavlat sektorining YaIMdagi ulushi 204-yildagi 58,4%dan 2020-yilga kelib 82,8%gacha yetdi, bu sohadagi band bo‘lganlar salmog‘i esa mos ravishda 69%dan 80,1%gacha oshdi. 1% bandlarga to‘g‘ri keladigan YaIM ulushi 0,85%dan 1,03%ga ko‘paydi. Lekin bu uncha katta raqam emas. Nodavlat sektorida band bo‘lganlarning tarkibini ko‘radigan bo‘lsak, ularning 42,9%i yakka tartibdagi faoliyatga, 13,4%i g‘ermer xo‘jaliklariga, 10,9%i esa dehqon xo‘jaliklari ulushiga to‘g‘ri keladi.[3]

Har bir mamlakatning rivojlanish darajasi olib borilayotgan strategiyaga va iqtisodiy faoliyatni erkinlashtirishga bog‘liqdir.

---

[1] https://mineconomy.uz/category/view/96
[2] https://cyberleninka.ru/article/n/zbekistonda-kichik-biznes-va-hususiy-tadbirkorlik-so-asini-rivozhlanish-zharayonlari
[3] https://www.afdb.org/en/countries/north-africa/egypt/egypt-economic-outlook

Dunyo mamlakatlari tajribasini o‘rganish davomida amin bo‘ldikki, kichik biznes va xususiy tadbirkorlik subyektlarini iqtisodiy faoliyatga jalb etish, davlatlarning jahon xo‘jaligiga qo‘shilishini rag‘batlantirish uchun samarali, tub iqtisodiy siyosat ekanligini, barqaror iqtisodiy o‘sishni, kapital jamg‘arishni, iqtisodiyotda ilg‘or texnologik va tarkibiy siljishlar yuz berishini, ishlab chiqarish, investitsiyalarni boshqarish va ularning sifatining oshishini ta’minlashidan dalolat beradi.

Xususan, **AQShda** kichik biznes korxonalariga nisbatan huquqiy qonunchilikni saqlash uchun Federal agentlik kabi maxsus Advokatlik bo‘limi tuzilib, u sud va Kongressdagi biznes manfaatlarini yoqlaydi. AQSh hukumati o‘zining iqtisodiyotni rivojlantirish konsepsiyasida kichik biznesga asosiy rol beradi. AQSh hukumati vazirlarining ma’ruzalarida kichik biznes bo‘tun iqtisodiyotni sog‘lomlashtirishning muhim dastagi ekanligi muntazam yoritilib kelinmoqda.

Shu bilan birga, AQShda kichik biznesni rivojlantirishdagi tafovutlar yaqqol ko‘zatilmokda. AQShda ancha ilgari kichik biznes davlat darajasida iqtisodiyotning ustuvor yo‘nalishi hisoblangan. Kichik biznes turli dasturlarini yaratish bo‘yicha AQSh tajribasi juda qimmatlidir, chunki barcha dasturlar haqqoniy ishlamoqda, ularni amalga oshirishning aniq mexanizmlari ko‘zda to‘tilgan.[1]

Shuningdek, **Xitoy** hukumati mamlakatda kichik biznesni rivojlantirishga katta ahamiyat bermoqda. Shu sababli aynan ushbu soha innovatsion texnologiyalarni uzlashtirishda faol qatnashib, yangi ishchi o’rinlarini yaratadi. Kichik biznes 2006-yilda qabul qilingan «Resurs sig‘imli ishlab chiqarishlarni yuqori texnologiyali tarmoqlar tomoniga qayta yo‘naltirish» qoidasiga ko‘proq javob beradi.[2]

Mamlakatni rivojlantirish Xitoy dasturlari, jumladan, kichik biznesni aynan kompleks rivojlantirish hisobiga xalk xujaligi faoliyatining samaradorligini oshirish va salobatli iqtisodiy o’sishni ko’zda to‘tadi. Xususan, Xitoy iqtisodiyotini 2020-2050 yillarda to’liq modernizatsiyalashga qaratilgan dasturlar tasdiqlandi. Bunday dasturlardan biri 2003 yilda qabul qilingan, 2050 yilgacha iqtisodiyotning barcha tarmoqlarini to‘la modernizatsiyalashni ko’zda to‘tadigan mamlakatni 2020-yilgacha ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish dasturi hisoblanadi.[3]

Kichik biznesni va xususiy tadbirkorlikni rivojlantirish borasida to‘plangan ilg‘or xorijiy va respublikamizda to‘plangan tajribalarni umumlashtirgan holda kelgusida mazkur sektorni yanada rivojlantirish borasida quyidagi taklif va tavsiyalarni berish mumkin:

- kichik biznes subyektlarini qo‘llab-quvvatlashning tashkiliy, axborot, huquqiy, kadrlar va moliyaviy ta’minlash borasidagi institutsional asoslarini yanada takomillashtirish;

- sohada davlat va jamoat tashkilotlari, xususiy sektorning o‘zaro hamkorlikdagi faoliyatini rivojlantirish;

[1] https://www.csis.org/analysis/yellen-rescue?gclid=Cj0KCQiA8t2eBhDeARIsAAVEga2ZezPwGKeADYgOi3LjqwZqMxV8bF6tkD9kg7a32OT_MNBg5w51AwsaAlnbEALw_wcB

[2] https://igc.frankfurt-school.de/podcast/episode-002/?gclid=Cj0KCQiA8t2eBhDeARIsAAVEga3U57PyqqGHygLRphaASUayOcFC9HJm8IUSEChp34I5RM5YNyWqCXwaAm5VEALw_wcB

[3] https://www.givingwhatwecan.org/blog/measuring-global-inequality-median-income-gdp-per-capita-and-the-gini-index?gclid=Cj0KCQiA8t2eBhDeARIsAAVEga235V0TfVIc1dbaI0wryrlla7lVjYQgH4z6kzaehdCzbMQdXW-ia1YaAkZZEALw_wcB

- yirik va kichik biznesning o‘zaro samarali hamkorlik sohasi sifatidagi sanoat hududlarini tashkil etish va ular faoliyati samaradorligini oshirish;

- soliqqa tortishning faoliyat sohasini (asosiy e’tibor ilmtalab va ekologik texnologiyalarga qaratilgan), tadbirkorlarning ijtimoiy maqomini (muayyan imtiyozlar yoshlarga, ayollarga, nogironlar, pensionerlarga) va mintaqalarni rivojlantirish (qoloq mintaqalar uchun imtiyozlar)ni hisobga olgan tarzda tabaqalashtirish;

- yirik ishlab chiqarish korxonalari uchun butlovchi qismlarni (oldin import qilib olib kelingan) mahalliy kichik korxonalarda ishlab chiqarishni va xizmat ko‘rsatishni yanada rivojlantirish va boshqalar.

***Зулфиқаров Б.Д.** – ОБМ тингловчиси*

## ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ТИЖОРАТЛАШТИРИШ

Бугунги кунда дунёда тўғридан-тўғри интеллектуал, ахборот, моддий-техник ва молиявий ресурсларни фаоллаштириш, шунингдек, рақобатбардош, тижорат учун истиқболли илмий ишланмаларни илгари суриш мақсадида яратилган кўплаб инновацион марказлар мавжудки, уларнинг асосий мақсади илм-фан ва ишлаб чиқаришни, иложи борича, уйғунлаштиришдан иборат бўлиб, бу йўлда илм талаб қиладиган маҳсулотлар бозорини ривожлантириш ва илмий тадқиқотларни тижоратлаштиришни кўзлаган ҳолда саъй-ҳаракат қилмоқдалар.

Инновациялар замонавий иқтисодиётда узоқ муддатли рақобатбардошликни таъминлашнинг асосий омили ҳисобланади. Айни пайтда дунёнинг барча иқтисодий ривожланган мамлакатларида миллий иқтисодётнинг самарали ривожланишида инновацион фаолият асосий аҳамият касб этмоқда. Илм-фан натижаларини тижоратлаштириш инновацион фаолиятнинг асоси ҳисобланади.

Айни шу мақсадларда Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузурида Инновацион ишланмаларни жорий этиш илмий-амалий Маркази ташкил этилди. Марказ фаолиятининг асосий йўналиши ҳам илм-фан натижаларини тижоратлаштиришдан иборат бўлиб, асосий мақсад юртимиз илмий салоҳиятини иқтисодиётнинг самарали ривожланишида хизмат қилувчи бир механизм ишлаб чиқишга йўналтиришдир.

Натижада иқтисодий фаолият субъектлари ўртасида инновацияларни айирбошлаш ва амалга ошириш билан боғлиқ муносабатлар тобора кўпроқ намоён бўлмоқда. Иқтисодий жараёнлардаги туб ўзгаришлар (бозорнинг глобаллашуви, ахборот технологиялардан кенг фойдаланиш, ривожланишни бошқариш, бизнесни ташкил этишдаги таркибий ўзгаришлар) турли корхоналарда ислоҳотлар кўламини ўсишига сабаб бўлмоқда.

Шунингдек, ривожланишнинг турли моделларини амалга ошириш учун ҳаракатлар эркинлигини таъминлаш лозим. Бошқаришда кутилаётган ўзгаришларнинг (уларнинг суръати, йўналиши, табиати) корхона тизимининг ички таркибий қисмларини билан боғлиқлигини, унинг инновацион салоҳияти

мавжудлигини, киритилган ўзгаришларда барча қисмлар иштирокини ҳисобга олиш керак.

Инновацион ривожланиш йўлини танлаган корхоналар рақобатбардош бўлиб, бозорда етакчи компанияларга айланадилар. Сифатли ва ўз вақтида яратилган инновацияларга асосланган рақобат корхоналарнинг фаолият давомийлигининг муҳим шарти саналади ҳамда янги илмий натижаларни ривожлантириш ва тижоратлаштиришда ҳал қилувчи омил бўлади.

Шундай қилиб, бир томондан, рақобат муҳитида корхоналар юқори даражадаги илмий натижаларни таъминлашга мажбур бўлмоқдалар, бунга таълим хизматлари сифати, реклама ва ахборот фаолиятини қўшиб келмоқдалар, ва бошқа томондан, таъкидлаш жоизки, муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга инновацияларни бозор қабул қилмайди, агар улар корхоналар манфаатларига жавоб бермаса.

Рақобат нафақат ҳисса қўшиб келмоқда, балки корхоналарни қуйидаги йўналишларда инновация бозорини яратиш ва ривожлантиришда иштирок этишга мажбур қилмоқда: - илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш учун ўз илмий-тажриба базасини яратиш ва такомиллаштириш; - бошқа ташкилотлар билан биргаликда қўшма тадқиқотларни ташкил этиш; - таълим ва бошқа муассасалар учун турли хил илмий-тадқиқот ва тажрибаконструкторлик ишларига олинган буюртмаларни бажариш.

Бироқ, амалиёт кўрсатишича, кўпчилик йирик корхоналар инновацион корхоналар эмас. Ташқи муҳит жуда тез ўзгариб туради, шунинг учун ҳам инновацияларни ўз вақтида амалга ошириш лозим. Бу муаммо нафақат рақобат билан чамбарчас боғлиқ, балки вақтга хам бевосита боғлиқдир, чунки янги маҳсулотни ишлаб чиқаришга кетадиган вақтни сезиларли даражада қисқариши ташкилотнинг самарали ишлаши учун объектив зарурατдир. Юқоридаги тавсифлар корхонанинг муваффақиятга эришиш воситаларидир, улар бир-бири билан боғланган бўлиб ташкилотнинг инновацион фаолиятдан оладиган самарасини кучайтиради.

Ҳозирги кунда корхоналарнинг муваффақияти кўп жиҳатдан турли омилларга боғлиқ, жумладан глобал рақобат, тезкор технологик ривожланиш ва инновацион муҳитга боғлиқ. Уларни малакали бошқаришда раҳбарият ушбу жараёнларни ўз ривожланишида ҳисобга олишлари лозим. Корхонанинг ноёблиги унинг ривожланишида инновацион таркибий қисми билан белгиланади, унга корхонанинг бозордаги позицияси, илмий-маърифат фаолияти сифати, интеллектуал салоҳияти даражаси, ривожланиш стратегиялари ва инновацион маданияти киради.

Шундай қилиб, инновацион фаолиятни ривожлантириш ва тижоратлаштириш шундан далолат берадики, унинг асосий элементи сифатида инновацион фаолиятнинг пировард натижаси - янги маҳсулот хизмат қилади, шунингдек, янгидан яратилган ёки такомиллаштирилган техник-технологик жараён ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, инновацион инфратузилмани ривожлантириш ва самарали бошқариш натижасида мамлакатимизда инновацион билимларга

асосланган янги иқтисодиёт шакллантирилишига олиб келади. Бу эса, албатта, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишда асос бўлади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 майдаги “Фаол тадбиркорлик ва инновацион фаолиятни ривожлантириш учун шарт-шароитларни яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”гининг ПҚ-3697-сонли қарори.
2. . https://www.terabayt.uz/post/innovatsiya-tushunchasi-haqida
3. https://kun.uz/Инновацион ривожланиш вазири билан эксклюзив суҳбат.
4. О.А.Борис, В.Н.Парахина. Социальные проблемы управления инновациями и методы их нивелирования. Особенности управления инновационным развитием социально-экономических систем в современных условиях: коллективная монография; Ставропол: Издательско-информационный центр “Фабула”, 2011. - 180 с.
5. Мухитдинов Х. Инновацион салоҳият шаклланиши ва ривожланишини таҳлил қилишга институционал ёндашув // Иқтисодиёт ва молия. – Тошкент.

***Халикчаева С.И.*** *– Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари”илмий –тадқиқот маркази, докторант*

# РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА СОЛИҚ ИСЛҲОТАРИНИНГ СОЛИҚ БАЗАСИГА ТАЪСИРИ МАСАЛАЛАРИ

Барқарор иқтисодий ўсишга эришиш иқтисодий сиёсатнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Ушбу вазифани самарали ташкил қилишда солиқ бошқарувини тартибга солиш муҳим аҳамият касб этади. Дарҳақиқат оҳирги йилларда рақамли иқтисодиёт шароитида мамлакатимизда бюджет ва солиқ соҳаларида олиб борилаётган ислоҳотлар иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши ва аҳоли фаровонлиги ошишида муҳим омил бўлиб келмоқда.

Солиқ тизимининг тўлақонли амал қилишининг биринчи босқичи бу солиқларни жорий этиш масаласи бўлса, кейинги босқичи эса уни ундириш тартибларини ишлаб чиқиш ҳисобланади. Солиқларни ундириш тартибларининг ўзи ҳам солиқларни ундиришга хизмат қилувчи қўшимча қонуности ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва солиқларни ундириш жараёнида услубий асос бўлувчи ва амалий ундириш жараёнини таъминловчи кўрсаткичлар(мезонлар) тизимини яратиш ҳисобланади. Бундай кўрсаткичлар тизими эса одатда солиқ элементлари деб аталади. Аммо, солиқ тамойилларини қўллаган ҳолда солиққа тортилиши жараёнларини изоҳлаб бера олмайди. Солиққа тортиш жараёнида бу масалани ечишда солиқ базаси мухим ахамият касб этади. Шундай экан, солиқ базасини аниқлаш тартибларини белгилаш, унинг меҳанизимларини ишлаб чикиш масаласи бевосита солиқ ислоҳотларига бориб тақалади.қолаверса, солиқ ислоҳотларида юз бераётган жараёнлар тўғридан тўғри солиқ базасини аниқлаш масаларида акс этади. Чунончи, солиқ базасини аниқлаш жараёни ва белгиланган

тартиблари солиқ юкига, буджет тушумлари миқдорига, шунингдек, солиқ тўловчилар билан хуқуқий муносабатларга бевосита таъсир этади ва бу жараён ўз-ўзидан солиқ маъмуриятчилигига бориб тақалади. Зеро, мамлакатимиз иқтисодий сиёсатида шу кунларда олиб борилаётган сайъ-ҳаракатлар, солиқ маъмуриятчилиги самарадорлигини ошириш, унинг замирида эса солиқ юкини изчил камайтириш ҳамда солиқ базасини янада кенгайтириш масалалари тизим олдида турган асосий вазифалардан бири эканлигининг қатор қарор ва фамонлар имзоланиши орқали гувоҳи бўлмоқдамиз. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Жаҳон банки иштирокидаги “Солиқ маъмуриятчилигини ислоҳ қилиш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги 178-сон қарори (24.03.2022), “Бюджетлараро муносабатларни ва солиқ маъмуриятчилигини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 208-сонли қарори (15.04.2022), “Солиқ маъмуриятчилигини ислоҳ қилиш даврида бизнес учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 162-сонли қарорлари (28.06.2022) бевосита солиқ тизимини қамраб олди, шунингдек, соҳа олдидаги муаммоларни бартараф этишга қатор вазифаларни юклади.

Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимида солиқ объектининг тавсифига қараб солиқ базасини аниқлаш усулларини бешта йўналишга ажратилган ҳолда амалга оширилишини кўришимиз мумкиндир, яъни, булар:

- Солиқ тўловчининг даромади асосида солиқ базасини аниқлаш;
- Солиқ тўловчининг маҳсулот, товар, иш ва хизматлар сотувидан олган тушуми асосида аниқланувчи усули;
- Солиқ тўловчининг унга тегишли бўлган мулки асосида солиқ базасини аниқлаш усули;
- Солиқ тўловчининг тадбиркорлик мақсадида фойдаланган ресурслари асосида солиқ базасини аниқлаш усули;
- Солиқ тўловчининг фаолият турига қараб солиқ базасини аниқлаш усули.

Солиқ базаси солиқ тўловчилар фаолиятига бевосита таъсир ўтказувчи омил саналиб, унинг кенгайиши ёки қисқариши солиқ тўловчилар миқдорига тўғридан тўғри таъсир ўтказади, қолаверса, давлат бюджетига келиб тушиши, тушим миқдорининг ўзгаришига тўғри пропорсийда боғланган. Қолаверса, солиқ базасига таъсир этувчи омиллар хусусиятлари, уларнинг ўзига хос жиҳатларини ўрганар эканмиз, бу омиллар аниқланувчи солиқ базасига функсионал ёҳуд нофунксиоал боғланишларга эга бўлиши мумкин экан. Жумлдан, солиқ тўловчи тадбиркорлар, хўжалик юритувчи субъектлар сонинг ортиши, жами даромад миқдорининг ошиш, реализация қилинган маҳсулот, товар, иш ва хизматлар баҳолари ва бирлигининг ошиши солиқ базаси кенгайишига тўғри пропорсионал боғланишда бўлса, мавжуд солиқдан берилган имтиёзлар, солиқ базасига киритимайдиган даромад ва харажатлар миқдорининг ўсиши тескари пропорсияда боғланганлигини кўришимиз мумкин.

Хулоса тариқасида айтмоқчи бўлганларимиз шулардан иборатки, солиқ турлари бўйича солиқ базасини аниқлашда ҳамда унинг базасига таъсир этувчи

омилларнинг хусусиятлари солиқ ислоҳотларида катта аҳамиятга эга деб ҳисоблаймиз.


**Адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Жаҳон банки иштирокидаги “Солиқ маъмуриятчилигини ислоҳ қилиш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги 178-сон қарори(24.03.2022)
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бюджетлараро муносабатларни ва солиқ маъмуриятчилигини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 208-сонли қарори(15.04.2022)
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Солиқ маъмуриятчилигини ислоҳ қилиш даврида бизнес учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 162-сонли қарорлари(28.06.2022 )
4. Soliq statistikasi va prognozi: O‘quv qo‘llanma / A.Jo‘rayev, S.Shirinov. O‘zbekiston Respublikasi Oliy va o‘rta maxsus ta’lim vazirligi; T.: «IQTISOD-MOLIYA», 2015. - 392 b



***Tursunov J.P.*** *- Bank-moliya akademiyasi, dots.,PhD*


## RAQAMLI IQTISODIYOT DAVRIDA PENSIYA TA’MINOTI TIZIMIDAGI ISLOHOTLAR

Pensiya ta’minoti – davlatning eng muhim ijtimoiy kafolatlaridan biridir. Mazkur tizimning yaxshi ishlashi jamiyatda ijtimoiy barqarorlikni ta’minlasa, aksincha pensiya ta’minoti tizimidagi muammolar jamiyatda xavfli ijtimoiy keskinliklarni keltirib chiqarishi mumkin.

Ma’lumki pensiya ta’minoti tizimi mehnatga layoqatsiz va kam ta’minlangan fuqarolarni turmush darajasini ta’minlash va qo’llab quvvatlashga yo’naltirilgan iqtisodiy, huquqiy, ijtimoiy va tashkiliy xarakterga ega bo’lgan qator chora-tadbirlar kompleksini amalga oshirilishini nazarda tutadi. Bu esa mazkur tizimda doimiy ravishda islohotlar olib borilishini talab etadi.

Bugungi kunda pensiya ta’minotidagi islohotlar, tizimni raqamlashtirish va axborot texnologiyalarini keng qo’llash natijasida aholining ijtimoiy himoyaga muhtoj qismini pensiya va nafaqalar bilan ta’minlash darajasi ortdi. Jumladan, kam ta’minlanganlik nafaqasi to‘lanuvchi oilalar soni 2016-yilda 466 mingdan 2022-yilda 2 mln. 41 mingtaga yetkazilib, 4 baravarga oshdi. Xususan, bugungi kunga kelib yurtimizda pensiya va nafaqa oluvchilar soni 4 mln. dan oshdi. Bu boradagi ishlar yil sayin takomillashtirilmoqda. Shuningdek, pensiya va nafaqalarni tayinlash, yetkazib berish jarayonida ochiqlik, shaffoflikni ta’minlash, uyma-uy yurish orqali ijtimoiy himoyaga muhtoj qatlamni aniqlash va manzilli himoyalash bo‘yicha chora-tadbirlar kuchaymoqda (1-jadval).

O‘tgan davrda pensiya yoki nafaqa tayinlash uchun ko‘plab hujjat talab etilar, oylab ko’plab tashkilotlarda sarson bo‘lishga to‘g‘ri kelardi. Bunday holatlar yangi pensiyaga chiquvchi fuqarolar o‘rtasida Pensiya jamg‘armasiga nisbatan e’tiroz

bildirishiga sabab bo‘lgan. Bugungi kunda esa pensiya ta’minoti tizimidagi islohotlar jarayonida odamlarni qiynayotgan ana shunday muammolarga barham berildi. Xalqimizning manfaatlari va talablariga to‘la mos keladigan, milliy qonunchilik va xalqaro andozalar darajasiga javob beradigan zamonaviy pensiya ta’minoti tizimi yaratildi. Uning natijalari hozirda har bir inson, har bir oila taqdirida o‘z samarasini yorqin namoyon etmoqda.

1-jadval

**O’zbekistonda 2018–2021-yillarda budjetdan tashqari Pensiya jamg‘armasining tuman (shahar) bo‘limlari hisobida turgan pensiya va nafaqa oluvchilarning umumiy soni to’g’risida ma’lumot**

| № | Pensiya va nafaqalar turi | 2018-yil | 2019-yil | 2020-yil | 2021-yil |
|---|---|---|---|---|---|
| | Pensiya jamg‘armasi hisobida turuvchi pensiya va nafaqa oluvchilarning umumiy soni | 3484844 | 3677741 | 3825199 | 4039188 |
| 1 | Pensiya oluvchilar | 3 162 139 | 3 312 723 | 3 424 629 | 3 588 427 |
| 1.1 | yoshga doir | 2 618 427 | 2 749 575 | 2 849 004 | 2 986 162 |
| 1.2 | nogironlik | 370 363 | 382 563 | 386 559 | 399 660 |
| 1.3 | boquvchisini yo‘qotgan (oila) | 173 349 | 180 585 | 189 066 | 202 605 |
| 2 | Nafaqa oluvchilar | 322 705 | 365 018 | 400 570 | 450 761 |

Boshqa sohalar singari Pensiya jamg‘armasi tizimida ham axborot texnologiyalari o‘ziga xos yutuqlarga erishdi. Buni 2011-yildan boshlab yaratilib, hozirgi kunga qadar rivojlantirib kelinayotgan “Pensiya” dasturiy ta’minoti misolida ko‘rish mumkin. “Pensiya” dasturiy ta’minoti 4 mln. dan ortiq pensiya va nafaqa oluvchilar to‘g‘risidagi ma’lumotlarni o‘z ichiga oluvchi yagona baza bo‘lib, bu dasturdan foydalanuvchilar soni 2814 tani tashkil etadi. Dasturda pensiya va nafaqalar tayinlashdan tortib to‘langunga qadar bo‘lib o‘tadigan jarayonlar elektron tarzda olib boriladi. Barcha turdagi hisobotlar avtomatik tarzda shakllanishi jamg‘armada ishlovchi xodimlarga qulayliklar yaratmoqda. Inson omilini minimallashtirish, ortiqcha vaqt sarfi, pensiya va nafaqa oluchilarning ovoragarchiliklarini kamaytirish maqsadida yaratilgan ushbu dastur hozirgi kunga kelib quyidagi tashqi axborot tizimlari bilan o‘zaro axborot almashinuviga erishildi.

Birinchidan, AT “Xalq banki” bilan pensiya va nafaqa oluvchilarning to‘lov qaydnomalarini yuborish, to‘langan (to‘lanmagan) pensiya va nafaqalar to‘g‘risida ma’lumot almashish faqat elektron shaklda amalga oshirilmoqda. Buning natijasida, to‘lov qaydnomalarni soxtalashtirish holati oldi olinib, pensiya va nafaqa to‘lovlari ustidan kunlik nazorat yuritildi.

Ikkinchidan, barcha tijorat banklari bilan bank plastik kartalari orqali pensiya va nafaqa oluvchilar mablag‘larini ularning hisob raqamlariga yuklash bo‘yicha elektron axborot almashinuvi yo‘lga qo‘yildi. Bu orqali qog‘oz shaklida to‘lov qaydnomalaridan to‘liq voz kechilib, naqd pulsiz shaklda pensiya va nafaqa oluvchilarga mablag‘larni oyning 2-5 sanasiga qadar to‘lash imkoniyati yaratildi.

Uchinchidan, Davlat soliq qo‘mitasi bilan yo‘lga qo‘yilgan axborot almashinuvi fuqarolarning ish haqi to‘g‘risidagi ma’lumotlarni elektron olish imkoniyatini yaratdi.

To‘rtinchidan, Adliya vazirligi (FHDYO) tizimi bilan o‘rnatilgan ma’lumot almashinuvi bola tug‘ilganda va dafn marosimlari uchun nafaqalarni tezkorlik bilan tayinlash hamda jamg‘arma va davlat budjeti mablag‘larini maqsadli sarflanishini ta’minladi.

Beshinchidan, Tibbiy-ijtimoiy xizmatlarni rivojlantirish agentligi (TIEK) tizimi bilan yo‘lga qo‘yilgan ma’lumot almashinuvi nogironligi bo‘lgan shaxslarga pensiya va nafaqalarni o‘z vaqtida tayinlash hamda nogironlik o‘zgarishi holatini avtomatik monitoring qilish imkoniyatini yaratdi.

Oltinchidan, amaliyotga joriy qilingan “SMS-pensiya” xizmati orqali fuqarolarga ularning pensiya miqdorlari, to‘lov amalga oshirilganligi, shuningdek, O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Farmoniga asosan oshirilgan pensiyalar to‘g‘risida SMS xabarlarni olish imkoniyati yaratildi (bugungi kunda 1,8 mln. ortiq nafar pensiya va nafaqa oluvchilar ushbu xizmatga obuna bo‘lgan).

Fuqarolarga, tayinlangan pensiya va nafaqalar miqdori, hisobga olingan davri, hisobga olingan o‘rtacha oylik ish haqlari to‘g‘risidagi ma’lumotlarni onlayn tarzda ko‘rib turish imkoni yaratilgan bo‘lib, ushbu ma’lumotlarni Yagona interaktiv davlat xizmatlari portali, Pensiya jamg‘armasining rasmiy veb-sayti va @pensiyauzbot telegram boti orqali kuzatib borish amaliyoti joriy etildi.

Shaxs pensiya tayinlash uchun Pensiya jamg’armasining rasmiy elektron pochtasiga (pension_uz@pfca.mf.uz) murojaat qilish imkoniyati yaratildi. Mazkur yaratilgan imkoniyat ham pensiyaga murojaat etuvchilar uchun muhim yengillik hisoblanadi.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 4-avgustdagi PQ–4797-son Qaroriga muvofiq kam ta’minlangan oilalarga bolalar nafaqasi va moddiy yordam tayinlash respublika miqyosida 2021-yil yanvar oyidan boshlab to‘liq “Ijtimoiy himoya yagona reyestri” axborot tizimi orqali amalga oshirib kelinmoqda. Bugungi kunda “Ijtimoiy himoya yagona reyestri” axborot tizimiga 16 ta vazirlik va idoralarning axborot tizimlaridan 52 turdagi ma’lumotlar elektron olinmoqda.

Xulosa qilib aytganda aholini ijtimoiy himoya qilish masalasi davlat oldidagi ustuvor vazifa hisoblanadi. Pensiya va nafaqalar tizimida aholi uchun imkoniyat yaratish sohani imkon qadar raqamlashtirish va bu orqali ijtimoiy to’lovlarni manzilli to’lash, fuqarolarni ijtimoiy ta’minot xizmatlaridan masofaviy foydalanishni keng yo’lga quyish hisoblanadi.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro’yxati**

1. Tursunov J.P., Mamatkulova Y.D. Milliy pensiya ta’minoti tizimining nazariy va amaliy asoslari. Logistika va iqtisodiyot ilmiy elektron jurnal. 1-son, 2021. 10 bet.
2. Jo’rayev N. Pensiya ta’minoti tizimidagi islohotlar. Moliyachi ma’lumotnomasi. 5 (125) 2022. 14-18 bb.
3. www.pfru.uz – O’zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi huzuridagi budjetdan tashqari Pensiya jamg’armasi rasmiy veb sayti ma’lumotlari.
4. O’zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining “Davlat pensiyalarini tayinlash va to’lash tartibi to’g’risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi 2022-yil 13-oktyabrdagi 592-son qarori.

*Досчанова Д. – ОБМ, мустақил тадқиқотчи*

# БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ "ЭЛЕКТРОН ҲУКУМАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ РЕЙТИНГИ"НИ ШАКЛЛАНИШ ВА РИВОЖЛАНИШ ТАДРИЖИ

Электрон ҳукуматни ривожлантириш индекси (ЭҲРИ) Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан 2001 йилдан буён юритилиб, мамлакатларнинг миллий электрон ҳукумат тизимининг ривожланганлик даражасини ўлчайди. ЭҲРИни ташкил этувчи учта таркибий индекслар электрон ҳукуматга доир кенг миқиёсдаги мавзуларни қамраб олади:

Идекс 3 та индикатор бўйича хисоблаб чиқарилади:

1. Онлайн хизматлар индекси (ОХИ);
2. Телекоммуникация инфратузилмаси индекси (ТИИ);
3. Инсон капиталининг индекси (ИКИ).

Онлайн хизматлар индекси (ОХИ) ҳукуматнинг электрон шаклда хизмат кўрсатиш ҳамда ўз фуқаролари билан мулоқотда бўлиш даражасини, Телекоммуникация инфратузилмаси индекси (ТИИ) фуқароларнинг электрон ҳукуматда иштирок этишлари учун зарур бўлган инфратузилмаларнинг мавжудлик даражасини, Инсон капиталининг индекси (ИКИ) эса фуқароларнинг электрон ҳукумат хизматларидан фойдаланиш малака ва қобилияти даражасини ўлчашга қаратилган.

ЭҲРИ юқорида қайд этилган электрон ҳукуматнинг энг муҳим учта таркибий индекслари бўйича баҳоларнинг ўртача арифметик қийматидан келиб чиқиб ҳисобланади. Ушбу индексларнинг ҳар бири мустақил равишда умумлаштириладиган ҳамда таҳлил қилиниши мумкин бўлган алоҳида таркибий ўлчов ҳисобланади. Учта таркибий индекслар ихчамлаштирилишидан олдин ҳар бир индекс учун З-баҳо (Z-score standardization) стандартлаштириш жараёни амалга оширилади. Ҳар бир таркибий индекслар қиймати 0 дан 1 гача бўлган баллар оралиқда яхлитланади ва умумий ЭҲРИ баҳоси таркибий кўрсаткичлар қийматларининг ўрта арифметигини ҳисоблаш орқали аниқланади.

$$\text{ЭҲРИ} = \frac{1}{3}(\text{ОХИ}_{\text{нормаллаштирилган}} + \text{ТИИ}_{\text{нормаллаштирилган}} + \text{ИКИ}_{\text{нормаллаштирилган}})$$

Телекоммуникация инфратузилмаси индекси (ТИИ) бешта компонентдан иборат:

- Интернетдан фойдаланувчилар сони – ҳар 100 кишига тўғри келадиган;
- Асосий телефон линиялари сони – ҳар 100 кишига тўғри келадиган;
- Уяли алоқа абонентлари сони – ҳар 100 кишига тўғри келадиган;
- Кенг полосали симсиз уланишлар сони – 100 кишига тўғри келадиган;
- Кенг полосали симли уланишлар сони – 100 кишига тўғри келадиган.

Ҳар бир маълумотлар учун асосий манбаа сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Халқаро телекоммуникация иттифоқи маълумотларидан фойдаланилади.

Инсон капитали индекси (ИКИ) тўртта компонентдан иборат:

- Вояга етганлар саводхонлиги даражаси;
- Бошланғич, ўрта ва юқори даражали мактаб таълимига рўйхатдан ўтганларнинг умумий ялпи сонининг нисбати;
- Таълим олиши мумкин бўлган умумий кутилаётган йиллари;
- Таълим олиши мумкин бўлган ўртача йиллари.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО)нинг маълумотлари асосий манбаа ҳисобланади.

Онлайн хизматлар индекси (ОХИ) онлайн хизмат кўрсатиш сўровномаси асосида олинган маълумотларнинг умумлаштирилган таркибий қиймат йиғиндисига тенг.

2018 йилги Онлайн хизмат кўрсатиш сўровномаси 140 та саволлардан иборат бўлган. Ҳар бир саволга берилган “ижобий” жавоб ўз навбатида “шу саволга оид” навбатдаги "таркибий савол"ни юзага чиқаради. Бу билан респондентлар жавоблари орқали соҳага тегишли янада чуқурроқ мълумотлар умумлаштирилиб, аъзо мамлакатлар орасида электрон ҳукуматни ривожланганлик даражаларидаги тафовутларни аниқрок акс эттирувчи миқдорий сўровнома натижалари ҳосил қилинади.

Энг юқори кўрсаткичли мамлакатлар. 2020 йилда Электрон ҳукуматни ривожлантириш индекси Топ 10 талик мамлакатлар асосан Европа мамлакатлари бўлиб, Корея, Австралия ҳамда Янги Зеландия давлатлари ҳам ўрин олган.

МДҲ мамлакатлари рейтинги: Қозоғистон (29-ўрин), Россия (36), Беларус (40), Арманистон (68), Озарбайжон (70), Молдова (79), Қирғизистон (83), Ўзбекистон (87), Тожикистон (133), Туркманистон (158);

Жадвал-1

**Бирлашган миллатлар ташкилотининг "Электрон ҳукуматни ривожлантириш рейтингининг 2020 йилдаги хисоботи бўйича**
**ТОП-10 талик мамлакатлар**

| Мамлакат | ўрин | балл | Мамлакат | ўрин | балл |
|---|---|---|---|---|---|
| Дания | **1** | 0.9758 | Швеция | **6** | 0.9365 |
| Корея | **2** | 0.9560 | Буюк Британия | **7** | 0.9358 |
| Эстония | **3** | 0.9473 | Янги Зеландия | **8** | 0.9339 |
| Финландия | **4** | 0.9452 | АҚШ | **9** | 0.9297 |
| Австралия | **5** | 0.9432 | Нидерландия | **10** | 0.9228 |

Энг паст рейтингдаги 5 та мамлакатлар: Чад (189-ўрин), Марказий Африка Республикаси (190), Сомалия (191), Эритрея (192), Жанубий Судан (193).

**Ўзбекистоннинг Бирлашган миллатлар ташкилотининг "Электрон ҳукуматни ривожлантириш рейтингидаги кўрсаткичлари**

МДҲ мамлакатлари орасида етакчи Қозоғистон давлати (0.8375 балл) билан таққосланганда Ўзбекистон 2020 йилда 0.6665 балл(1.00 дан)ни қайд этган;

Ўзбекистон 2020 йилда МДҲ мамлакатлари орасида 8-ўрин, дунёда 87-ўринни қайд этиб, рейтингдаги таркибий индекслар ОХИ (0.7824), ТИИ (0.4736) ҳамда ИКИ (0.7434)да ўз ўрнини яхшилашга эришди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон ОХИда сезиларли даражада яхшиланди. Аммо телекоммуникация инфратузилмаси ривожланиш кўрсаткичлари ҳанузгача тўлиқ ривожланмаган (Ўзбекистон кўрсаткичи 0.4736 балл), натижада мамлкатларнинг ЭҲРИдаги умумий баллари 2020 йилда камайган. Ўзбекистон онлайн хизматларни тақдим этишнинг нисбатан илғор даражаларига эга бўлишига қарамай телекоммуникация инфратузилмаси соҳасидаги нисбатан секин ривожланиш натижасида ЭҲРИдаги умумий баҳолари пастлигича қолмоқда.

2022 йилда мамлакатимиз мазкур рейтингда сезиларли натижаларга эришди. Жумладан, мамлакатимиз 2022 йил хисоботига кўра 193 давлат орасида 69-ўринни эгаллади. Янги рейтингда Ўзбекистоннинг қўшнилари — Бруней (68) ва Колумбия (70). Индекснинг 2020 йилдаги хисоботига кўра Ўзбекистон 87-ўринда эди.

Дания электрон ҳукуматни ривожлантириш бўйича жаҳонда етакчи мамлакат мақомини сақлаб қолди. Кейинги ўринларни — Финляндия ва Жанубий Корея мамлакатлари эгаллаган.

Мамлакатимизда телекоммуникация инфратузилмалари суб-индикаторлари бўйича стратегик режаларни ишлаб чиқиш ва уларни тизимли равишда ишга ошириш орқалигина мазкур рейтингдаги кўрсаткичларимизни кескин яхшилаш мумкин.

**Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДҲ) мамлакатлари рейтинги**

Электрон ҳукуматни ривожлантириш индекси

| Мамлакат | 2018 | | 2020 | | Баллдаги ўзгариш | Ўриндаги ўзгариш |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | балл | ўрин | балл | ўрин | | |
| **Қозоғистон** | 0.7597 | 39 | 0.8375 | 29 | **+0.0778** | **↑10** |
| **Россия** | 0.7969 | 32 | 0.8244 | 36 | **+0.0275** | **↓4** |
| **Беларус** | 0.7641 | 38 | 0.8084 | 40 | **+0.0443** | **↓2** |
| **Арманистон** | 0.5944 | 87 | 0.7136 | 68 | **+0.1192** | **↑19** |
| **Озарбайжон** | 0.6574 | 70 | 0.7100 | 70 | **+0.0526** | |
| **Молдова** | 0.6590 | 69 | 0.6881 | 79 | **+0.0291** | **↓10** |
| **Қирғизистон** | 0.5835 | 91 | 0.6749 | 83 | **+0.0914** | **↑8** |
| **Ўзбекистон** | **0.6207** | **81** | **0.6665** | **87** | **+0.0458** | **↓6** |
| **Тожикистон** | 0.4220 | 131 | 0.4649 | 133 | **+0.0429** | **↓2** |
| **Туркманистон** | 0.3652 | 147 | 0.4034 | 158 | **+0.0382** | **↓11** |

***Пардаев Т.Н.*** *- Божхона институти, доц., и.ф.н.*

# БОЖХОНА ХИЗМАТИ ФИСКАЛ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА РАҚАМЛАШТИРИШНИНГ ЎРНИ

Мамлакатимизнинг барқарор иқтисодий ривожланишини таъминлашда ва унинг ташқи савдосини тартибга солишда божхона тўловларидан фойдаланиш муҳим ўрин тутади.Тташқи савдони божхона тўловлари орқали тартибга солиш тизимини илғор хорижий тажрибалар, халқаро принциплар ва нормаларни инобатга олган ҳолда оптималлаштириб бориш ҳамда уни ундириш

механизмларини такомиллаштириб бориш, миллий иқтисодиётни халқаро иқтисодий интеграция жараёнларига яқинлашувига замин яратади.

Бож ва солиқлар ставкаларининг миқдори мамлакат ташқи савдосини ривожланишига таъсир этиш билан бирга мамлакат бюджети даромадларини шаклланишида муҳим ўрин эгаллайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони Давлат дастурининг "Ммиллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш" йўналишида – "Давлат бюджети тақчиллигини қисқартириш ва 2023 йилдан ялпи ички маҳсулотга нисбатан унинг 3 фоиздан ошиб кетмаслигини таъминлаш" вазифаси белгилаб берилди.

Божхона хизматининг фискал функцияси- товарларни божхона чегараси орқали олиб ўтишда божлар, қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғини ундириш орқали давлат бюджетини даромадлар қисмни тўлдиришдан иборат.

Божхона тўловларини ҳисоблаш, ундириш ва давлат бюджетига ўтказишни тадқиқ қилиш ва бу йўналишда рақамли технологияларни қўллашни такомиллаштириш ҳозирги кундаги долзарб масалалардан биридир.

Божхона тўловларининг турлари, уларнинг ставкаларининг миқдори ҳар бир давлатнинг ривожланиш даражасига ҳамда халқаро меҳнат тақсимотидаги ўрни ва ихтисослашувига боғлиқ.

Божхона тўловларининг мазмун-моҳияти бўйича дунё олимлари ўзларининг турлича қарашларига эга. Жумладан: Д.А. Слепов ва Е.В. Чуйковлар божхона тўловлари божхона органлари ходимлари томонидан ҳисобланадиган ва федерал бюджет даромадлар қисмини тўлдирувчи манба ҳисобланади.

Олимлар И.В. Гомон, М.В. Непарко, Н.И. Решетовлар, божхона тўловлари – федерал бюджетини шакллантириш учун асос эканлигини кўрсатиб ўтган. Божхона тўловларига божхона божи, қўшилган қиймат ва акциз солиғи ҳамда божхона йиғимлари киради.

Божхона тўловларига импорт божи, қўшилган қиймат ва акциз солиғи, божхона йиғимлари киради ҳамда уларни ундириш божхона чегарасидан товарларни олиб ўтишнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Божхона тўловларини ундиришда божхона назоратининг содда, шаффоф ва замонавий усулларидан фойдаланиб, назоратнинг умум қамровли воситаларини, инновацион лойиҳаларни янада кенг жорий этиш тадбиркорларга қулайлик яратади.

Мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2020 йилнинг 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида "Рақамли технологиялар нафақат маҳсулот ва хизматлар сифатини оширади, ортиқча харажатларни камайтиради. Шу билан бирга, мени жуда қаттиқ ташвишга соладиган ва безовта қиладиган энг оғир иллат – коррупция балосини йўқотишда ҳам улар самарали воситадир. Буни барчамиз теран англаб олишимиз даркор.

Давлат ва жамият бошқаруви, ижтимоий соҳада ҳам рақамли технологияларни кенг жорий этиб, натижадорликни ошириш, бир сўз билан айтганда, одамлар турмушини кескин яхшилаш мумкин " деб таъкидлаб ўтди.

Мамлакатимизда божхона соҳасида ҳам замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда, божхона тизими самарадорлигини оширишга қаратилган изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 июндаги “Божхона маъмурчилигини ислоҳ этиш ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-6005-Фармони қабул қилинди. Унда “2020 - 2023 йилларда божхона маъмуриятчилигини ислоҳ қилиш ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолияти самарадорлигини ошириш концепцияси қабул қилиниб, рақамли иқтисодиёт доирасида замонавий ва илғор ахборот-коммуникация технологияларини божхона соҳасига жорий этиш орқали божхона органлари фаолияти шаффофлиги ҳамда самарадорлигини таъминлаш” асосий вазифалардан бири этиб белгиланди.

Жаҳон божхона ташкилоти(ЖБТ) томонидан амалга оширилаётган ҳамкорлик дастурлари доирасида халқаро миқёсда божхона хизмати сифатини ошириш, очиқлик ва шаффофликка эришишни таъминлаш мақсадида 2016 йил “Рақамли божхона” йили деб эълон қилинди.

Мазкур ҳужжатда «Рақамли божхона» атамасига божхона тўловларини тўлашни таъминлаш ва кафолатлаш, товарлар, жисмоний шахслар, транспорт воситалари ва маблағлар оқимини назорат қилиш, шунингдек, халқаро савдони жиноятчилик, шу жумладан халқаро терроризмдан ҳимоя қилиш учун рақамли тизимлардан фойдаланиш, деб таъриф берилган.

Божхона маъмуриятчилигини янги босқичга олиб чиқиш, божхона ва юк операцияларини рақамли трансформация қилиш орқали инсон омилини кескин қисқартириш, божхона соҳасини очиқлик, шаффофлик ҳамда ишончлилик тамойиллари асосида коррупциядан ҳоли тизимга айлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 апрелдаги

“Божхона маъмуриятчилигини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Унда 2022-2023 йилларда божхона расмийлаштируви жараёнларини рақамлаштириш бўйича 2-иловага мувофиқ «Йўл харитаси» қабул қилинди. «Йўл харитаси»га асосан, божхона тўловларини ҳисоблаш ва ундиришни рақамлаштириш бўйича қуйидаги дастурий таъминотлар ишлаб чиқилди ва амалиётга киритилмоқда. Улар:

Божхона қиймати тўғри белгиланганлигини назорат қилиш жараёнларини тўлиқ рақамлаштириш бўйича “Божхона қиймати мониторинги” ахборот тизимини яратиш;

Тўланиши лозим бўлган божхона тўловларини аниқлашда божхона органи томонидан тақдим этиладиган дастлабки қарорни бериш жараёнларини рақамлаштириш;

Шартли божхона қийматини белгилаш бўйича хизматларни кўрсатиш жараёнларини рақамлаштириш;

Божхона тўловларининг қўшимча ҳисобланиши жараёнини рақамлаштириш орқали қарздорликларнинг ҳисобини юритишнинг умумий шаффоф электрон тизимини яратиш;

Божхона тўловларини бўлиб-бўлиб ва кечиктириб тўлашга рухсат бериш жараёнларини рақамлаштириш;

Божхона тўловлари бўйича солиштирма далолатномани расмийлаштириш жараёнларини рақамлаштиришдан иборат.

Божхона тўловларини ҳисоблаш ва ундириш жараёнини рақамлаштиришда юқоридаги дастурий таъминотларни амалиётга киритилиши, бу йўналишдаги шаффофликни ошириб, тадбиркорларнинг божхона расмийлаштирувига кетадиган вақтини ва унга кетадиган харажатларини қисқартиришга олиб келди.

Божхона тўловларини ҳисоблаш, ундириш ва давлат бюджетига ўтказиш борасида ҳам охирги йилларда қатор ислоҳотлар амалга оширилмоқда ва уни ундириш бўйича меъёрий ҳуқуқий база такомиллашмоқда.

Ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларига бу йўналишда қулайликлар яратилиши натижасида ундирилган божхона тўловларининг миқдори 2011-2021 йилларда 13,3 мартага ошган. (1-диаграмма.)

Божхона тўловларини ўсишига: импорт товарларининг ҳажмини кўпайиши, товарларнинг божхона қийматини аниқланишини такомиллашаётганлиги, божхона тўловлари ставкаларини ўзгариши, эркин алмаштириладиган валюта курсининг ўзгариши, божхона соҳасида автоматлаштирилган ахборот тизимидан самарали фойдаланилаётганлиги, божхона соҳаси бўйича меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллашаётганлиги каби асосий омиллар таъсир этган.

**1-диаграмма.**

**Ўзбекистон Республикаси божхона органлари томонидан2011-2021 йилларда Давлат бюджетига ўтказилган божхона тўловлари миқдори** ***(млрд. сўмда)***




**(Манба: ДБҚ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган)**

Ўзбекистон Республикасида 2021 йилда жами божхона тўловлари таркибида: қўшилган қиймат солиғи 83,6 фоизни, импорт божхона божи 16,1 фоизни, акциз солиғи 0,1 фоизни, бошқа тўловлар 0,2 фоизни ташкил этган. 2014 йилда бу кўрсаткичлар мос равишда 56,1, 23,4, 17,1 ва 3,4 фоиз бўлган.

Юқоридаги йилларда Давлат бюджетига ўтказилган божхона тўловлари таркибида қўшилган қиймат солиғи салмоғининг ортаётганлигини, аксинча импорт божхона божи, акциз солиғи, божхона йиғимлари ва бошқа тўловлар салмоғини камаяётганлигини кўрсатмоқда.Бу эса бевосита божхона тўловларини қўллаш бўйича ислоҳотларни олиб бориш жараёнлари билан боғлиқ, яъни

божхона тўловлари ставкаларини оптималлашаётгани ҳамда улардан берилаётган имтиёзлар самарадорлигини ортаётганлиги билан боғлиқ.

Умуман олганда, божхона тўловларини ундириш ва давлат бюджетига ўтказиш борасида қўлланилаётган ахборот-коммуникация технологиялари тизимда шаффофликни ошириб, ўз самарасини бермоқда.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, божхона тўловларини ҳисоблаш, ундириш ва давлат бюджетига ўтказишда ахборот технологияларини қўллаш юқори самара бермоқда.Бу эса ушбу йўналишдаги ишларни янада ривожлантиришни тақозо этади ва бу борада қуйидагилар таклиф этилади:

- Ҳудудий божхона бошқармаларининг Даромадлар ва божхона статистикаси бўлими томонидан божхона органларининг шахсий ғазна ҳисоб варақларига божхона тўловлари учун ўтказилган пул маблағларини Давлат бюджетига ўтказишни рақамлаштириш ва қоғоз вариантидан воз кечиш;

- Божхона тизими учун замонавий рақамли ахборот технологиялари бўйича билим ва кўникмаларга эга малакали кадрларни тайёрлашни йўлга қўйиш ва божхона соҳасида хизмат олиб бораётган ходимларни малакасини доимий равишда ошириб бориш тавсия этилади.

- Чет давлатлардан импорт қилинаётган товарлар бўйича электрон ахборот алмашинуви бўйича давлатлар сонини кўпайтириб бориш (ҳозирда Ўзбекистон билан товарлар бўйича электрон ахборот алмашинуви йўлга қўйилган давлатларга Россия, Қозоғистон, Беларусия, Тожикистон, Озарбойжон, Қирғизистон Афғонистон давлатлари киради), уларга республикамиз импортида салмоқли улушга эга, Хитой, БАА, Эрон ва Жанубий Корея давлатларини киритиш таклиф этилади.Бу эса ушбу давлатлардан келаётган товарларни божхона қийматини аниқлашни тезлаштиради ва божхона тўловлари йиғилувчанлигини оширади.

Хулоса қилиб айтганда, ббожхона тўловларини ҳисоблаш ва ундиришда рақамлаштиришни такомиллаштириш божхона расмийлаштируви жараёнида инсон омили иштирокини камайтириб, коррупция ҳолатларини келиб чиқишини камайтиради, шунингдек тадбиркорларнинг божхона расмийлаштирувига кетадиган вақтини ҳамда уларнинг сарф-харажатларини қисқартиради.Бу эса бевосита Республикамиз ташқи савдо айланмасини ривожланишига ва давлат бюджетини кўпайишига олиб келади.

**Фойдаланилган адабиётлар.**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2020 йилнинг 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.Халқ сўзи газетаси. 25.01.2020 й.№19 (7521)

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 июндаги “Божхона маъмурчилигини ислоҳ этиш ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-6005 сонли Фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60 сонли Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 апрелдаги “Божхона маъмуриятчилигини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-122 сонли Фармони.
5. Бутунжаҳон Божхона ташкилотининг “WCO News” 12.11.2015 йилдаги ахборот хати.
6. Слепова Д.А., Чуйкова Е.В. Таможенные платежи, исчисляемые таможенными представителями как источник формирования доходов федерального бюджета Российской Федерации. Экономика и управление: новые вызовы и перспективы. 2016;(11):192–196.
7. Гомон И.В., Непарко М.В., Решетова Н.И. Таможенные платежи как основа формирования федерального бюджета. Экономика и предпринимательство. 2017;(9–3):37–40.
8. Пардаев Т.Н. Божхона хизматининг фискал фаолияти. Ўқув қўлланма. – Т.: 2022. б. 29-33

***Сирожиддинов Ф.Ф.** – ОБМ, тингловчи*
***Қобилова Ф.Х.** – ОБМ, тингловчи*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА РАҚАМЛИ РАДИОЭШИТТИРИШЛАРНИНГ DAB+ СТАНДАРТИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ВА УНИНГ ИМКОНИЯТЛАРИ ҲАҚИДА

Бугунги кунда Европада FM аналог радиоэшиттиришдан замонавий рақамли радиоэшиттиришга ўтилаётган бир даврда Ўзбекистон Республикаси ҳам радиоэшиттириш соҳасида замонавий технологияларни жорий этиш юзасидан Ўрта Осиё давлатлари орасида биринчилардан бўлиб DAB+ (Digital Audio Broadcasting) рақамли радиоэшиттириш стандартини тест тариқасида жорий этиш билан бирга унинг имкониятларини кўриб чиқмоқда.

**DAB+ (Digital Audio Broadcasting)** Рақамли аудио эшиттириш (Digital Audio Broadcasting DAB) рақамли радио стандарти ҳисобланиб, бугунги кунда ушбу рақамли аудио радио хизматлари кўплаб мамлакатларда жорий этилмоқда.DAB стандарти биринчи бўлиб, 1980 йилларда Европанинг тадқиқот лойиҳаси сифатида бошланган бўлиб, Норвегия радиоэшиттириш корпорацияси 1995 йил 1 июнда дунёдаги биринчи DAB каналини ишга туширади. BBC ва Швеция радиоси биринчи DAB рақамли радиоэшиттиришларини 1995 йил 27 сентябрда бошлади. Шунингдек, рақамли радиоэшиттириш стандартини (DAB) қабул қилувчилари 1990 йилларнинг охиридан бери кўплаб мамлакатларда мавжуд ҳисобланади.

DAB одатда спектрни ишлатишда самаралироқ бўлиб, аналог FM радиога нисбатан кўпроқ радио хизматларини таклиф қилиши мумкин. Ҳар бир аудио

дастурга ажратилган бит тезлиги етарли бўлмаса, овоз сифати сезиларли даражада паст бўлиши мумкин. DAB бу борада юқори самарага эгадир.

2007 йилнинг феврал ойида алоқа сифатини янада яхшилаш мақсадида DAB+ тизимнинг такомиллаштирилган версияси ишлаб чиқилди. DAB+ DABдан тахминан икки баравар самарали ва янада сифатлироқ ҳисобланади.

Бугунги кунда DAB+ стандартидаги рақамли эшиттириш Хитой, Хиндистон, Германия, Австралия, Жанубий Корея, Дания, Норвегия ва бошқа бир қатор Европа мамлакатларида тест сифатида амалга оширилмоқда. Ўзбекистонда ҳам Ўрта Осиё давлатлари орасида биринчилардан бўлиб DAB+ стандартидаги рақамли радиоэшиттириш йўлга қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси учун рақамли радиоэшиттиришнинг DAB+ стандартини жорий этиш орқали нафақат аҳолига кўрсатиладиган радиодастурлар, қўшимча хизматларнинг сони ва сифати сезиларли даражада оширишга имкон беради, балки радиочастота спектридан янада самарали фойдаланишга, радиостанцияларнинг электр энергия сарфини камайтиришга, қолаверса фавқулодда ҳолатларда барча радиоканаллар орқали аҳолига хабар бериш имкони яратилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ахборот фаолияти ва маълумотлар узатишни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича идоралараро мувофиқлаштириш комиссияси томонидан ўтказилган 2021 йил 1 февралдаги йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирилигига рақамли технологияларнинг истиқболларини инобатга олиб, мамлакатимизда радиоэшиттиришларнинг рақамли тармоғини жорий этиш ва имкониятларини ўрганиш масаласи топширилди.

Мамлакатимизда радиоэшиттиришларнинг рақамли тармоғини жорий этиш мақсадида, “Radioaloqa, Radioeshittirish va Televideniye Markazi” ДУК томонидан “Рақамли технологияларнинг истиқболларини инобатга олиб, мамлакатимизда радиоэшиттиришларнинг рақамли тармоғини жорий этиш” тўғрисидаги Дастур лойиҳаси ишлаб чиқилди. Мазкур дастурнинг биринчи босқичига мувофиқ корхона томонидан рақамли радиоэшиттириш қурилмалари харид қилиниб, Тошкент телеминорасидаги аналог телеузаткични DAB+ стандартига модернизация қилиш ишлари амалга оширилди. Натижада қуввати 3 кВт бўлган 199,360 MHz частотада ишловчи узаткич модернизация қилиниб, DAB+ стандартида рақамли радиодастурлар тест синов тариқасида ишга туширилди.

Бринчидан, Республика бўйича 2 та пакетда 29 та рақамли радиоканалларни ташкил этиш учун:

- юқори қувватли узаткичлар комплекси - 114 та;
- камқувватли узаткичлар комплекси - 800 та.

Бунда республикани барча аҳоли масканларида 1-пакетда ЎзМТРКнинг 4 та давлат ва 12 нодавлат радиоканаллар ҳамда 2-пакетда ЎзМТРКнинг13 та вилоят радиоканалларнинг 100 % қамрови таъминланади.

Иккинчидан, Республика бўйича 1 та пакетда 16 та рақамли радиоканалларни ташкил этиш учун:

- юқори қувватли узаткичлар комплекси - 57 та;
- камқувватли узаткичлар комплекси - 400 та.

Бунда республиканинг барча аҳоли масканларида ЎзМТРКнинг 4 та давлат ва 12 нодавлат радиоканалларнинг 100 % қамрови таъминланади.

**DAB+стандартининг афзалликлари ва имкониятлари**

DAB-нинг асосий афзалликлари:

- Каналлар ўртасида шовқиннинг йўқлиги;
- Тинглашда шовқин йўқ;
- СД-Аудио билан таққосланадиган энг юқори сифат (трансляторга қараб);
- Кенгайтирилган мултимедия хизматлари: DAB+ станциялари ижро пайтида "тагликларни" (янгиликлар услубидаги матнни айлантириш) кўрсатиши мумкин; бошқа станциялар ҳам трек ёки контентда слайдларни (СЛС) кўрсатиши мумкин;
- Варақлаш учун фойдали маълумотлар каналлари (TPEG)
- Эфирни тўхтатиб туриш ва уни қайта тинглаш имконияти (Кейинроқ тингланг);
- Камроқ электромагнит ифлосланиш ва кам қувват сарфи: 1 DAB антенна бир вақтнинг ўзида 20 тагача дастурни узатиши мумкин.

Асосий янгилик - FM радиосига хос бўлган заиф сигналнинг классик аралашуви ёки "шивирлаши" нинг йўқлиги. Агар DAB радиоси яхши сигнални "қабул қилса", у мусиқани ҳеч қандай аралашувсиз узатади (охирги сифат фақат станцияга боғлиқ).

Республикада рақамли радиоэшиттиришниг DAB+ стандартини мувафаққиятли ривожлантиришнинг муҳим белгилари шундаки, 175-230 MHz радиочастота диапазонининг мавжудлигидир. Бу ерда таъкидлаш керакки, 2017 йил 17 июлда Вазирлар Маҳкамасининг “Рақамли телеэшиттиришларга ўтиш ва ер усти аналог телеэшиттиришларни тўхтатишга доир амалга ошириладиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги 502-сон қарори билан 2018 йилда аналог телеэшиттиришлар фаолияти тўхтатилди ва Тошкент телеминорасида фаолияти тўхтатилган 9 ва 11 ТВКли аналог телеузаткичлардан самарали фойдаланиш мақсадида ушбу телеузаткичларни модернизация қилиш йўли билан DAB+ стандартида рақамли радиоузаткич сифатида ишлатиш орқали, ҳозирги вақтда DAB+ стандартида 16 та давлат ва нодавлат радиоканаллари (Ўзбекистон, Ёшлар, Маҳалла, Ўзбекистон 24, Ориат Доно, Ориат FM, Водий садоси, Пойтахт (ўзб), Пойтахт (рус), Гранд, Ёшлар овози, Максима, Авторадио Ҳамроҳ, Наврўз, Ностлагия, Ўзбегим таронаси) эфирга тарқатилиб тест синов ишлари олиб борилмоқда.

Ўзбекистон республикаси учун рақамли радиоэшиттиришнинг DAB+ стандартини жорий этиш орқали нафақат аҳолига кўрсатиладиган радиодастурлар, қўшимча хизматларнинг сони ва сифати сезиларли даражада оширишга имкон беради, балки радиочастота спектридан янада самарали фойдаланишга, радиостанцияларнинг электр энергия сарфини камайтиришга,

қолаверса фавқулодда холатларда барча радиоканаллар орқали аҳолига хабар бериш имкони яратилади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**


1. https://www.worlddab.org/public_document/file/1048/Global_Summary_24.09.18.pdf
2. https://www.dabplus.de/
3. https://www.worlddab.org/
4. https://crrt.uz/uz/new/1



***Умурзоқов Ж.Ш.*** *– ТМИ, мустақил тадқиқотчи*


## НЕФТЬ-ГАЗ КОРХОНАЛАРИ ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТИНИНГ МОЛИЯВИЙ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Жаҳонда пандемия кейинги давр ҳамда геосиёсий ўзгаришлар таъсирида кузатилаётган глобал инқироз ва ноаниқликлар даврида ташқи таъсирларга яхшироқ бардош бериб, барқарор ва инклюзив иқтисодиёт қуриш бугунги кунда республика иқтисодий сиёсатининг асосий чақириғи ҳисобланади.

COVID-2019 пандемияси кейин ҳали жаҳон иқтисодиёти ўзини тўлиқ тиклаб олмаган даврда юзага келган геосиёсий ўзгаришлар, нафақат унда иштирок этаётган мамлакатлар, балки бутун дунё иқтисодиётига сезиларли салбий таъсир кўрсатмоқда. Бу шароитда миллий иқтисодиёт ўсиш кўрсаткичларини юқори даражада ушлаб туриш янада мураккаб вазифага айланмоқда ва уни ечиш учун мамлакатимизда охирги беш- олти йилда олиб борилаётган ислоҳотларни янада жадаллаштириш лозим.

Миллий иқтисодиётда ўзининг ажралмас ўрнига эга бўлган нефть-газ корхоналари ташқи таъмирларга энг кўп сезилувчан ва шу билан бирга улардан "энг кучли ҳимояловчи бўғин" вазифасини бажаради[1]. Ушбу корхоналар инвестицион фаолиятини ҳамда уларнинг молиявий механизмларини тўғри ва самарали ташкил этилганлиги корхоналарнинг барқарор ривожланишида асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Инвестиция фаолиятини тўғри ташкил этиш ва ҳақиқий инвестицияларни бошқариш тизимида энг самарали инвестиция лойиҳаларини танлаш муҳим босқичлардан бири[2].

Республика нефть-газ корхоналари мисолида бугунги кунда реал сармоялар портфелини шакллантириш ва уни самарали ташкил қилишда маълум муаммолар юзага келаётгани ҳам кузатилади. Масалан, "Ўзбекнефтгаз" АЖда реал инвестицияларни танлашни ташкил қилишнинг амалдаги тизими қуйидагича ишлайди.

Ҳар бир бошқарма ва корхонада бош механик хизмати (техник бюро) мавжуд бўлиб, у маълум миқдордаги қисмлар ва маҳсулотлар ишлаб чиқариш

[1] Ж.Умурзоқов, И.Бакиева. Ички ва глобал интеграция жараёнларида Ўзбекистон нефть-газ саноати корхоналари трансформацияси, "Agro inform" аграр-иқтисодий, илмий оммабоп журнал, 3 (5) 2022

[2] Михайлова Э.А. Экономическая оценка инвестиций / Э.А. Михайлова [и др.]. – Рыбинск, 2008

режасини бажариш учун зарур бўлган технологик ускуналарни ҳисоблаб чиқади. Кейинчалик, “Ўзбекнефтгаз” АЖда харидлар, иқтисодий режалаштириш, йўналишлар бўйича ишлаб чиқариш департаментлари зарур бўладиган сметаларни шакллантиради. Буюртма жамият бошқарувига юборилади, ғазначилик ва комплаенс назорат хизматлари буюртмани кўриб чиқади ва тасдиқлайди ёки буюртмачи бўлинмага қайта кўриб чиқиш учун изоҳлари билан беради[1].

Мазкур жараёнда буюртма (инвестиция лойиҳаси) ўндан ортиқ босқичлардан ўтиб шаклланиб келади, яъни ускуналарни сотиб олиш учун индикатив варақ тузилади, техник кенгашга тақдим этилади, кенгаш таркибига барча иқтисодий, технологик, молиявий, ишлаб чиқариш бўлимларининг раҳбарлари киради, ундан сўнг ҳукумат органларида тегишли рухсат олиш босқичларидан ўтади. Шуни таъкидлаш керакки, амалдаги схемада лойиҳаларни танлашда турли хил қарама-қаршиликлар пайдо бўлади корхона хизматлари, ҳукумат органлари билан баъзи ҳолларда низоли вазиятлар юзага келади.

Фикримизча, бу жараённи самарали ташкил этишда молиявий механизмларга кўпроқ урғу берилиши мақсадга мувофиқ. Шундай механизмлардан бир қатор усулларини кўриб чиқишимиз мумкин (1-жадвал).

**1-жадвал**

**Нефть-газ корхоналарида инвестицион фаолият молиявий механизмини самарали ташкил этиш усуллари[2]**

| Молиявий механизм | Моҳияти | Устунлик жиҳати | Тадбиқ этиш соҳаси |
|---|---|---|---|
| **Венчур молиялаш** | Устав капиталига таъсисчилик бадали | Арзон ва мураккаб бўлмаган молиявий ресурсларни жалб қилиш | Таваккалчиклик кам ва даромадлилик юқори бўлган йўналишлар |
| **Краудфандинг (суверен молиялаштириш)** | Кенг кўламли молиявий ресурсларни жалб қилиш | Молия бозори тузилмаларининг иштирокисиз зарурий пул маблағларини жалб қилиш | Стартаплар, инновацион ишланмалар, чиқиндиларни қайта ишлаш |
| **Дивестициялаш** | Корхоналарни қайта ташкил қилиш | Фойдаланилмаётган активларни реализация қилиш | Нопрофил ва кам ликвидли активлар |
| **Активларни бошқаришнинг трансформацион модели** | Даромадни стратегик бизнес бўлинмалар бўйича алоҳида режалаштириш | Ҳар бир фаолиятни алоҳида молиявий назоратини олиб бориш ва даромадлилик даражасини ошириш | Бурғилаш, қудуқларни капитал таъмирлаш, геология қидирув ишлари, қазиб олиш |

Шундан келиб чиқиб, нефть-газ корхоналари ресурс тақчиллиги шароитида инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда ижтимоий (янги иш ўринлари, ҳудуд инфраструктураси), иқтисодий (молиявий иқтисодий кўрсаткичлар), бюджет (солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар) самарадорлигини

[1] “Ўзбекнефтгаз” АЖ расмий веб сайти таҳлилий статистик маълумотлари, www.ung.uz
[2] Тадқиқот жараёнида муаллиф томонидан тайёрланди.

ягона алгоритмик ёндашув орқали рақамлаштириш инструментлари ёрдамида комплекс баҳолашни ташкил қилишга устуворлик бериш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Венчур капитали либерал инновацион механизм асосини ташкил этади. Ўзининг иқтисодий хусусиятига кўра, венчур молиялаш таъсисчиликнинг замонавий тури, яъни дастлабки қўйилмаларни (устав капиталига таъсисчилик бадали) тез кўпайтириш мақсадида истиқболли фирмалар, компанияларни ташкил қилиш ва ривожлантириш хамда бозор қиймати бўйича уни кейинчалик руёбга чиқариш жараёнидир.

“Дивестициялаш - корхоналарни қайта ташкил қилишнинг бошқа бир шакли ҳисобланади”[1]. Корхона молиявий стратегиясини ўзгартириш дивестициялашнинг асосий рағбатларидан биридир. Стратегик режаларни ўзгартириш дивестициялашнинг асоси ҳисобланади. Дивестициялашнинг аҳамиятли жиҳати шуки, у қўшилиб кетиш ва қоплаш билан бирга боради.

Краудфандинг – сўнгги йилларда бу каби молиялаш усуллари фаол оммалашиб бормоқда. У ҳар хил турдаги лойиҳаларни амалга ошириш учун кенг кўламли молиявий ресурсларни жалб қилиш механизмини ўзида мужассамлаштиради. Одатда мазкур механизм нефть-газ корхоналари ўзларининг стартаплари хақида маълумотларни жойлаштирадиган интернет-майдончаларда суверен ҳолатда амалга оширилади.

Рақамли иқтисодиёт лойиҳаларини молиялаштириш механизми сифатида краудфандингни ривожлантириш учун бундан ташқари, лойиҳаларни молиялаштиришнинг анъанавий шаклларинигина (заёмлар бериш, акция, облигациялар ва компания капиталида улушга эга бўлиш) эмас, рақамли иқтисодиётга хос бўлган, тақсимланган реестр технологиясини қўллашга асосланган замонавий шаклларини ҳам кўзда тутиш мухим.

Кейинги таклиф этилаётган модель – бу активларни бошқаришнинг трансформацион моделини жорий этиш бўлиб, бу усул менежментнинг алоҳида ҳисоб юритиш, даромадни стратегик бизнес бўлинмалар бўйича алоҳида режалаштириш, қудуқларни алоҳида молиявий ҳисобини юритиш каби замонавий усулларига асосланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 июлдаги ПҚ-4388-сонли “Аҳоли ва иқтисодиётни энергия ресурслари билан барқарор таъминлаш, нефть-газ тармоғини молиявий соғломлаштириш ва унинг бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида амалга оширилган дивестицион таркибий ўзгаришлар натижасида “Ўзбекнефтгаз” АЖ бир вақтнинг ўзида углеводородларни қидириш, қазиб олиш, етказиб бериш, қайта ишлаш, сотиш каби йўналишларни ўзида бирлаштиради. Бундай мураккаб бошқарув тизими натижасида соҳанинг айрим йўналишларида инвестицион фаолият самарасиз ташкил этиш эҳтимоли юқорилиги сақланиб қолади. Шундан келиб чиқиб, фикримизча активларни бошқаришнинг трансформацион моделини жорий этиш келгусида корхонада инвестицион фаолият самарадорлигини

[1] Рудык Н.Б., Семенкова Е.В. Рынок корпоративного контроля: слияния, жесткие поглощения и выкупы долговым финансированием. – М.: Финансы и статистика, 2000. – 456 с.

ошириш, ҳар бир фаолиятни алоҳида молиявий назоратини олиб бориш ва даромадлилик даражасини ошириш имконини юзага келтиради.

Молиялаштиришнинг турли хил моделларини амалга оширишда ресурсларнинг қулайлигига нефть-газ корхонасининг мавжуд ресурслари ҳисобига ҳамда йирик, барқарор амал қилаётган корхонанинг кўпроқ молиялаш манбаига эга бўлиши ҳисобига эришилади.

Тадқиқот объекти ҳисобланган “Ўзбекнефтгаз” АЖ фаолият йўналишининг ўзига хослиги, мавжуд кадрлар ва ресурс салоҳиятини инобатга олиб, корхонада инвестиция фаолиятининг молиявий механизмини такомиллаштиришда қуйидаги устувор вазифаларга аҳамият қаратиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- корхоналар иқтисодиётининг энергияга қарамлигини энергия ишлаб чиқарувчи ва энергия тежамкор технологияларни кенг жорий қилиш ҳисобига камайтириб бориш;
- корпоратив бошқарув тизимини кенгроқ жорий қилиш, унинг шаффофлигини таъминлаш;
- углеводород хомашёсини чуқур қайта ишлаш, мамлакатнинг реусрс имкониятларидан келиб чиқиб нефкимё ва газкимё маҳсулотлари ишлаб чиқаришга кенг эътибор қаратиш;
- инвестициялаш ва лойиҳаларни бошқариш жараёнларини ягона, узвий рақамлаштирилган платформа орқали бошқаришга ўтиш;
- бурғилаш, конларни ишлатиш жараёнларини тўлиқ моделлаштириш.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда нефть-газ тармоғининг инновацион иқтисодиёт йўналишини танлаши давлат аҳамиятига эга бўлиши, “бозор устидан” амал қилиши зарур. Йўналтирилган инвестиция оқими нефть-газ тармоғи корхоналарининг фаровонлигини таъминлаши билан бирга ЯИМ даги саноатнинг улушида нефть-газ тармоғи салмоғини ошириши лозим.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Рудик Н.Б., Семенкова Е.В. Рынок корпоративного контроля: слияния, жесткие поглощения и выкупы долговым финансированием. – М.: Финансы и статистика, 2000. – 456 с.

2. Михайлова Э.А. Экономическая оценка инвестиций / Э.А. Михайлова и др. – Рыбинск, 2008.

3. Ж.Умурзоқов, И.Бакиева. Ички ва глобал интеграция жараёнларида Ўзбекистон нефть-газ саноати корхоналари трансформацияси, “Agro inform” аграр-иқтисодий, илмий оммабоп журнал, 3 (5) 2022.

4. Ўзбекнефтгаз” АЖ расмий веб сайти таҳлилий статистик маълумотлари, www.ung.uz.

***Muminov O.N.*** *- Presidential school in Fergana city,*
*an executive director*

## INCREASING TOURIST ATTRACTION TO UZBEKISTAN IN DIGITAL ECONOMY PERIOD BY ENHANCING SERVICE QUALITY

Based on the datas, three fourth of world GDB belongs to the service industry, which means service sector is the highest among other industries. Therefore, it is very important to increase competitiveness, effectiveness and flexibility of any organization in a service field such as hospitality companies.

On the other hand, due to pandemic conditions around the world tourist flow has significantly been decreased in the world as well as in Uzbekistan in 2020. Thus, by enhancing service quality is an essential element to achieve success and attract more customers to visit the country. Since Uzbekistan became an independent state in 1991, there has been much effort to develop and access the tourism industry by the government. Therefore, there has been a rapid increase in the tourists' flow to the country where you can encounter mixture beauty of ancient East and modern West architecture. The cities such as Samarkand, Bukhara and Khiva were always becoming the main destination of  tourists who wish to meet ancient building and monuments with more than 500 years –old- history. As the number of tourists and visitors rising, the demand for improving the quality of service and customer satisfaction is increasing day by day. Service quality of guide service is also essential for tourist flow.

Since the world is becoming more and more global nowadays people around the world are being so mobile that they feel enthusiastic at traveling or making trips to the various parts of the world. Moreover, the world is getting digital such as digital economy. As Uzbekistan is situated at the crossroads of the West and East, many tourists target their trips towards here in the Central Asia in the digital economy period. What about the advantages of digital economy in tourism industry? Let's talk about the lists of essential documents needed in authorizing while coming to another country such as Uzbekistan. They are the following:

1. Visa documents and official transcripts in order to visit
2. Tickets and tour documents as well as booking hotels, guides or ither facilities
3. Money exchanges or transferring financial resources to another account

As there are many tourist routes and tours to Uzbekistan, the number of hospitality resources have been increased based on government's laws and innovative political view. In order to pay more attention to tourism flow to Uzbekistan, our government made laws and decrees. The President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoev instructed a number of changes in tourism sphere by means of his decree that was outsourced on government newspaper "Xalk so'zi" (People's word) on December 7 in 2016 "Measures to ensure the rapid development of tourism in the Republic of Uzbekistan" Decree" and it made a great deal on development of hospitality industry in Uzbekistan (Khamidov, 2010).

Finally, identification of the distortions and problems in the Uzbek tourism and hospitality industry is hindering the development of the sphere. Khamidov's (2010)

study shows that the potential of hospitality and tourism industry of Uzbekistan is being exploited to a much lower level from its capacity. The hospitality industry and its corresponding products and services are dependent on few certain destinations. Therefore, in order to develop the Hospitality Industry in the country, it is time to investigate the dimension of the Service quality, customer’s satisfaction and the relationship between these two constructs in order to get better understanding the factors which are more essential in development of hospitality industry. Customers’ evaluation of service quality has always been a source of critical information for companies whose aim is to develop service performance, be strong enough for gist competencies and obtain more strategically position in the market (Cronin & Taylor, 1992). Companies that provide services with higher quality do earn higher economic returns and make a more satisfied customer (Aaker & Jacobson, 1994; Gilbert & Veloutsou, 2006). Therefore, it has become critical for service providers to find out competitive advantages by providing superior service.

As competition on the improvement of the service quality is becoming more vital for the hotel industry, it is important to be able to define the service quality, identify the dimensions of the service quality and their relative importance for customers (Fick and Ritchie, 1991). Having knowledge on these fields could help managers in the challenge of improving the service quality in the hospitality industry (Asubonteng, P., McCleary, K.J. & Swan, J.E., 1996.).

Today’s organizations have many problems to solve. For example, organizations should identify how to find out customers’ expectations. Moreover, companies should understand whether it is necessary to implement various techniques to get best results in identifying customer satisfaction.

Maxham (2001) argued that problems in the service delivery can result customers to wait. Boshoff and Leong (1998) noticed that an apology has influence on customer’s intention to purchase again. There are number of reasons for difficulties related to service control, service is about performance so there is no production process where you can put in quality (it is only possible through training), there are also huge variations in services and therefore they are difficult to standardize. The reason for this is that the human factor always will make it impossible to establish a much-customized product (Cottle, 1990).

Problems in service quality measurement comes from a lack of exact and measurable parameters for the determination of quality. It is not the case with product quality since products have certain and measurable indicators like durability, number of defective products and similar, which make it relatively easy to determine the level of quality.

Based on the problems mentioned above, present study has following objectives:

- find out the service quality expectations of hotels’ customers;
- inspect whether the quality dimensions included in the SERVQUAL model apply in an international environment such as in Uzbekistan;
- analyze the level of importance of each specific dimension for the users of hotels’ services.

▪observe the relationship between each dimension of service quality and customer satisfaction.

We believe that this research will positively make a share on the development of the service quality in hospitality industry of Uzbekistan. We assume that by enhancing the improvement of the service quality among hospitality service providers, the customers will be satisfied and the flow of customers will increase and as a result, the income will go up. Overall, the results of this study may enable the managers of the hospitality industry to analyze the parts which they did mistakes on the process of reaching customers' satisfaction.

**Conclusion** On the whole, we can conclude that, in digital economy period we should be more accurate on welcoming people and strongly obey financial resources transfer by using up-to-date methods of money exchange as well as improving service quality.In the meantime, by using digital economy preferences and innovations we can increase job opportunities for our people as well as rising the employee level.

## Used literature


1.The President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoev
"Xalk so'zi" (People's word) on December 7 in 2016 "Measures to ensure the rapid development of tourism in the Republic of Uzbekistan"

2. Khamidov, O. (2010). Development of Ecotourism in Uzbekistan in Period of Global Financial-Economic Crises. *Korean Journal of Tourism Research*, 25(2), 217-228.

3. Cronin, J.J., &Taylor, S.A.(1992). Measuring service quality: a reexamination and extension. *Journal of Marketing* ,56 (3), 55–68.

4. Aaker, D.,& Jacobson,R. (1994). "The Financial Information Content of Perceived Quality." *Journal of Marketing Research* ,31, 191-201.

5.Gilbert G., &Veloutsou,C. (2006). "A cross-industry comparison of customer satisfaction", *Journal of Services Marketing,* Vol. 20 Issue: 5, pp.298-308

6.Fick, G.R.,& Ritchie, J.R. (1991). Measuring service quality in the travel and tourism industry. *Journal of Travel Research* ,30 (2), 2–9.

7.Asubonteng, P., McCleary, K.J., & Swan, J.E., (1996). Servqual revisited: a critical review of service quality. *The Journal of Services Marketing* 10 (6), 62–81.

8.Maxham, J. G.(2001). Service recovery's influence on consumer satisfaction, positive word of mouth and purchase intentions. *Journal of Business Research,* Volume 54, P.11-24

9.Cottle, D. (1990). Client-centered service: How to keep them coming back for more, New York: Wiley. *Journal of Vacation Marketing*, Volume 12(2), P.144-152



***Тоиров Н.И.*** *– ОБМ, тингловчи*


## ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИҲА: ШЎРТАН ГАЗ КИМЁ МАЖМУАСИНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҚУВВАТИНИ КЕНГАЙТИРИШ

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишни енгиллаштириш ва рағбатлантириш мақсадида соҳага оид қатор

тартиботлар танқидий қайта кўриб чиқилиши натижасида республикада тадбиркорлик субъектлари ва хусусий инвесторлар учун кенг имкониятлар яратилди.

Шу билан бирга, коронавирус глобал пандемиясининг салбий оқибатлари натижасида жаҳон ва минтақавий инвестиция бозорларида рақобат кучайиб бораётганлиги мамлакатда яна ҳам қулайроқ инвестиция муҳитини яратиш, ишлаб чиқаришларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш учун хорижий ва маҳаллий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантириш борасида қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинишини тақозо этмоқда.

Республикадаги хорижий ва маҳаллий инвесторлар томонидан тўғридан-тўғри инвестициялар иштирокидаги лойиҳаларнинг ташқи муҳандислик-коммуникация тизимларини қуриш ишларини амалга ошириш орқали корхоналарда қўшимча қиймат занжири яратилишини рағбатлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш жадал суръатларда амалга оширилмоқда[1].

**1-жадвал**

**Ўзбекистон Республикасининг стратегик инвестиция лойиҳалари (2022 йил учун рўйхати)[2]**

| № | Лойиҳа ташаббускорлари ва лойиҳа номи | Амалга ошириш муддати | Лойиҳанинг умумий қиймати | 01.01.2022 йилга кутилаётган қолдиқ | Шундан, молиялаштириш манбалар | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | Ўз маблағлари | Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар |
| 1. | **“Ўзбекнефтгаз” АЖ** | | **1 990,1** | **1 387,8** | **204,8** | **1 183,0** |
| 2. | Шўртан газ-кимё комплексининг ишлаб чиқариш қувватини кенгайтириш | 2017 - 2024 йй. | 1 784,3 | 1 197,5 | 99,5 | 1 098,0 |
| 3. | Муборак газни қайта ишлаш заводида олтингугурт олиш қурилмасининг қувватини тиклаш | 2021 - 2023 йй. | 135,8 | 120,3 | 35,3 | 85,0 |
| 4. | Республиканинг инвестиция блокларида “Ўзбекнефтгаз” АЖ томонидан геология қидирув ишларини амалга ошириш | 2022 й. | 70,0 | 70,0 | 70,0 | 0 |
| 5. | **“Ўзтрансгаз” АЖ** | | **485,9** | **381,5** | **0** | **381,5** |
| | 2021-2022 йилларда республика магистрал газ узатиш тизимини модернизация қилиш ва самарадорлигини ошириш дастури | 2021 - 2023 йй. | 485,9 | 381,5 | 0 | 381,5 |

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 07 июндаги 306-сонли “Хорижий ва маҳаллий инвесторларнинг инвестиция лойиҳалари ташқи инфратузилмасини яратиш харажатларини давлат томонидан қоплаб бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори.

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги ПҚ-72-сонли “Ўзбекистон Республикаси-нинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини тасдиқлаш ҳамда инвестиция лойиҳаларини бошқаришнинг янги ёндашув ва механизмларини жорий этиш тўғрисида”ги Қарорининг 10-иловаси.

Халқаро молия ташкилотлари билан ҳамкорликда амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларини биргаликда молиялаштириш учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари маблағларидан фойдаланиш тўғрисидаги қарорлар Ўзбекистон Республикаси билан тузилган шартномалар асосида қабул қилинади.

Инвестицияларнинг қўшимча кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари Ўзбекистон Республикаси томонидан кафолатлар беришни, инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда кўмаклашишни, махсус солиқ ва тўлов режими яратилишини, инвестиция лойиҳалари рўёбга чиқарилишининг давлат мониторинги ўтказилишини ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа чораларни ўз ичига олиши мумкин.

Инвестиция мажбурияти[1] - инвестиция лойиҳасида назарда тутилган муайян мақсадларга эришиш учун инвесторнинг ўзи қабул қиладиган мажбуриятидир.

Инвестиция лойиҳаси иқтисодий, ижтимоий наф ва бошқа йўсиндаги наф олиш учун инвестицияларни амалга оширишга ёхуд жалб этишга қаратилган, ўзаро боғлиқ бўлган тадбирлар комплекси ёки алоҳида тадбирдир.

Инвестиция лойиҳаси қуйидагиларни ўз ичига олади[2]:

- лойиҳалаштиришга техник топшириқни ишлаб чиқиш;
- инвестиция лойиҳасининг лойиҳаловчисини аниқлаш;
- лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш;
- инвестиция лойиҳасини рўёбга чиқариш мақсадида ишларни амалга ошириш технологияларини, ускуналарини ва услубларини аниқлаш;
- молиялаштириш манбаларини аниқлаш;
- инвестиция фаолияти иштирокчиларини аниқлаш;
- инвестиция фаолияти иштирокчилари ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа органлар билан биргаликда лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш ҳамда келишиб олиш, шу жумладан инвестиция лойиҳасининг молиявий, иқтисодий, ижтимоий ва экологик фойдасини баҳолаш;
- инвестиция лойиҳасини рўёбга чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатларида назарда тутилган шартларга, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган талабларга мувофиқ ускуналарни етказиб берувчини аниқлаш ва пудратчи ташкилотни танлаш;
- инвестор ва инвестиция фаолияти иштирокчилари томонидан инвестиция лойиҳаси бўйича қабул қилинган мажбуриятлар ҳамда эришилган келишувларни бажариш, шу жумладан молиялаштиришни амалга ошириш, ускуналарни етказиб бериш, монтаж қилиш ҳамда ишга тушириш-созлаш, қурилиш ва монтаж ишларини бажариш, инвестиция лойиҳасини рўёбга чиқаришдан олинган фойдани тақсимлаш;

---

[1] Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 9 декабрдаги ЎРҚ-380-сонли "Инвестиция фаолияти тўғрисида"ги Қонунининг (янги таҳрири). 3-модда. Асосий тушунчалар.

[2] Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 9 декабрдаги ЎРҚ-380-сонли "Инвестиция фаолияти тўғрисида"ги Қонунининг (янги таҳрири). 6-модда. Инвестиция лойиҳаси.

• инвестор ва инвестиция фаолияти иштирокчилари ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа органлар томонидан инвестиция лойиҳаси рўёбга чиқарилишининг бориши юзасидан мониторингни амалга ошириш.

**2-жадвал**

**Ўзбекистон Республикасининг 2022 йилда амалга ошириш имкониятлари ўрганиб чиқиладиган истиқболли инвестиция лойиҳалари**[1]

| Лойиҳа ташаббускорлари, лойиҳа номи ҳамда ҳудуд номи | Лойиҳа қуввати | Хорижий ҳамкор / кредитор | Лойиҳанинг прогноз қиймати |
|---|---|---|---|
| "Ўзбекнефтгаз" АЖ | | | 635,1 |
| Муборак ГҚИЗнинг 2-сон қозонхонасида қуввати 16 МВт соатга тенг бўлган буғ турбинасини ўрнатиш орқали ортиқча буғ энергиясидан электр энергияси ишлаб чиқариш, Қашқадарё вилояти | аниқланмоқда | аниқланмоқда | Аниқлан-моқда |
| Инвестиция блокларида геология-қидирув ишларини олиб бориш ("ЛУКОЙЛ" (Россия) компанияси билан биргаликда) | геология-қидирув ишларини олиб бориш | "ЛУКОЙЛ" | Аниқлан-моқда |
| Сургил газ-конденсат конида сиқув компрессор станциясини қуриш, Қорақалпоғистон Республикаси | 3,0 млрд.куб.м табиий газни газ-кимё мажмуасига йўналтириш | Корея газ корпорацияси (KOGAS), Lotte Chemical, Lotte Chemical Corporation, GSE&R | 197,1 |
| "Uz-Kor Gas Chemical" МЧЖ ҚК томонидан компрессорни ювувчи саноат мойини ишлаб чиқариш, Қорақалпоғистон Республикаси | йилига 68 минг т пиролиз дистиллятини қайта ишлаш, 12,6 минг т ювувчи саноат мойини ишлаб чиқариш | Корея газ корпорацияси (KOGAS), Lotte Chemical, Lotte Chemical Corporation, GSE&R | 18,0 |
| Автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчаларини қуриш ва эксплуатация қилиш, Тошкент шаҳри, Бухоро ва Навоий вилоятлари | автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчаларини қуриш | "Татнефть" (Россия) | 10,0 |
| Газли ҳудудидаги конларни қўшимча комплекс жиҳозлаш, Бухоро вилояти | аниқланмоқда | Аниқлан-моқда | 410,0 |
| Қашқадарё вилоятида ноёб газларни ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, Қашқадарё вилояти | аниқланмоқда | "Air Products" (АҚШ) ва бошқалар | Аниқлан-моқда |

"Шўртан газ кимё мажмуасининг ишлаб чиқариш қувватини кенгайтириш" инвестицион лойиҳасини амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 11 май 2017 йилдаги

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги ПҚ-72-сонли "Ўзбекистон Республикаси-нинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини тасдиқлаш ҳамда инвестиция лойиҳаларини бошқаришнинг янги ёндашув ва механизмларини жорий этиш тўғрисида"ги Қарорининг 9-иловаси.

№ПҚ-2965 қарорига биноан “Шўртан газ кимё мажмуасининг ишлаб чиқариш қувватини кенгайтириш” инвестиция лойиҳасини амалга оширилмоқда. Лойиҳанинг мақсади хорижий ва ички бозорларда талаб катта бўлган юқори қўшимча қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш орқали полимер ишлаб чиқаришни диверсификациялаш, Шўртан газ кимё мажмуасининг техник-иқтисодий кўрсаткичларини такомиллаштириш, экспорт салоҳиятини ошириш, хом-ашё ва материалларни импортини камайтиришдан иборат.

Шўртан газ кимё мажмуаси ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳисобига Ўзбекистонда яна бир юқори технологияли маҳсулот ишлаб чиқарилади, бу углеводородларни қайта ишлаш даражасини янада оширишга имкон беради.

Шўртан газ кимё мажмуасини кенгайтириш объектлари лойиҳаси CB & I (АҚШ) ва Chevron Philips (АҚШ) каби етакчи компанияларнинг энг замонавий газ кимёвий технологиясидан фойдаланишга асосланган. Ишлаб чиқаришни лойиҳалаштириш қувватига ва юқори сифатли маҳсулотларга эга бўлишини таъминлаш учун заводни лойиҳалаштириш ишлари технология лицензиярлари талаблари ва спетсификацияригa мувофиқ равишда амалга оширилади. Инвестиция лойиҳаси  “Ўзбекнефтгаз” МХК маблағлари, Шўртан газ кимё мажмуаси маблағлари ва этакчи халқаро молия институтлари ва Хитой ва Россия Федерацияси банкларининг кредитлари ҳисобига молиялаштирилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил феврал ойида Қашқадарё вилоятига ташрифидан сўнг лойиҳа  янги кучга кирди. Заводнинг мамлакат келажаги учун стратегик аҳамиятини инобатга олган ҳолда, давлат раҳбари ҳукуматга лойиҳани молиялаштириш, жиҳозларни этказиб бериш учун йўл харитасини ишлаб чиқиш ва объектни босқичма-босқич қуриш, шунингдек, қурилиш ишларининг сифати ва завод талабига кўра мутахассисларни тайёрлашга алоҳида эътибор қаратишни буюрди.

Шу билан бирга, Президент Шўртан газ кимё мажмуаси негизида ҳудудда биринчи газ кимё кластерини яратиш таклифини илгари сурди. Заводда ишлаб чиқарилаётган GTL нафта ва суюлтирилган газ Шўртан газ кимё мажмуасига янада чуқур қайта ишлаш ва полимер маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун этказиб берилади.

Лойиҳа доирасида “Enter Engineering Pte Ltd” компанияси билан (EPC шартномаси) умумий қиймати 1,3 миллиард  долларли “калитгача” шартнома имзоланган. Бугунги кунда лойиҳани амалга ошириш жадал босқичга ўтди. Материаллар ва жиҳозларга буюртмалар бериш, батафсил лойиҳалаш ишлари бошланди. Қурилиш майдонида технологик қурилмалар ва аппаратлар, қурилиш материалларини этказиб бериш ва ташиш масалалари ишлаб чиқилмоқда. Қурилиш майдонида маълум миқдорда тайёргарлик ишлари тугалланди. Лойиҳани батафсил лойиҳалаш ва ишлаб чиқишда Seul, Gaaga ва Тошкент шаҳарларида “Ўзбекнефтгаз” МХК, “Ўзбекистон GTL” МЧЖ, “Huyndai Engineering & Construction”, “McDermott” ва “Enter Engineering” компаниялари томонидан 250 дан ортиқ юқори малакали мутахассислар жалб этилган. Қурилиш майдонида тахминан 70 нафар қурувчи, муҳандис ва мутахассис жалб қилинди, 20 га яқин оғир ва махсус қурилиш ускуналари жалб қилинди.

Лойиҳани амалга ошириш доирасида Ўзбекистонга ҳажмий ва технологик жиҳозлар, қурилмалар ва асбоб-ускуналар етказиб бериш учун деярли барча халқаро логистика йўналишлари жалб этилган.

Қурилиш авжида 5000 дан ортиқ малакали қурувчилар, муҳандислар, турли мутахассислар ва ишчилар жалб қилинади. Лойиҳани амалга ошириш мамлакатда қўшимча равишда бевосита иш ўринларини яратади. "Шўртан газ кимё мажмуасининг ишлаб чиқариш қувватини кенгайтириш" лойиҳасини амалга ошириш ўзбек ёшлари учун халқаро даражадаги билим ва тажриба орттириш имконини беради. Заводнинг ишга туширилиши билан 500 дан ортиқ доимий иш ўринлари яратилиш режалаштирилган.

"Ўзбекнефтгаз" МХК ҳозирги кунда келгусида ишлаб чиқариш ишлари учун ходимларни тайёрлаш дастурини ишлаб чиқмоқда. Яқин келажакда мамлакатимиз олий ўқув юртлари ва коллежларининг энг яхши битирувчилари заводда кейинги фаолият учун танланган. Шундай қилиб, биринчи босқичда 200 га яқин битирувчилар Шўртан газ кимё мажмуасида ишлаб чиқариш малакасини ўташмоқда. Шўртан газ кимё мажмуаси объектларини кенгайтириш табиий газни чуқур қайта ишлаш асосида маҳсулот ишлаб чиқаришни диверсификациялаш имконини беради. Ишлаб чиқариш мамлакатимизда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга, шунингдек, газ кимё саноатида янги авлод мутахассисларини шакллантиришга ёрдам беради.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 9 декабрдаги ЎРҚ-380-сонли "Инвестиция фаолияти тўғрисида"ги Қонунининг (янги таҳрири).
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 07 июндаги 306-сонли "Хорижий ва маҳаллий инвесторларнинг инвестиция лойиҳалари ташқи инфратузилмасини яратиш харажатларини давлат томонидан қоплаб бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги Қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги ПҚ-72-сонли "Ўзбекистон Республикаси-нинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини тасдиқлаш ҳамда инвестиция лойиҳаларини бошқаришнинг янги ёндашув ва механизмларини жорий этиш тўғрисида"ги Қарорининг 9,10-иловалари.
4. http://sgcc.uz/uz/site/index

***Сарманов О.А.*** *– Божхона институти, ўқитувчи*

## БОЖХОНА ТЎЛОВЛАРИНИ ҲИСОБЛАШ ВА УНДИРИШДА РАҚАМЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Давлатимизда яширин иқтисодиётни камайтириш учун фақатгина солиқлар ва бож ставкаларини пасайтиришнинг ўзи билан чекланиб қолмасдан, балки солиқ ва божхона назоратининг содда, шаффоф ва замонавий усулларидан фойдаланиб, назоратнинг умум қамровли воситаларини қўллаш, бунинг учун

соҳага инновацион лойиҳаларни янада кенг жорий этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёев 2020 йилнинг 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида "Рақамли технологиялар нафақат маҳсулот ва хизматлар сифатини оширади, ортиқча харажатларни камайтиради. Шу билан бирга, мени жуда қаттиқ ташвишга соладиган ва безовта қиладиган энг оғир иллат – коррупция балосини йўқотишда ҳам улар самарали воситадир. Буни барчамиз теран англаб олишимиз даркор. Давлат ва жамият бошқаруви, ижтимоий соҳада ҳам рақамли технологияларни кенг жорий этиб, натижадорликни ошириш, бир сўз билан айтганда, одамлар турмушини кескин яхшилаш мумкин." деб таъкидлаб ўтди.

Рақамли иқтисод — бу ишлаб чиқариш комплекси, инсон учун ҳаёт ва қулайликни таъминлайдиган маҳсулот ва хизматларни яратадиган ишлаб чиқариш тизими бўлиб, у ерда маълум бир кибер-жисмоний тизим пайдо бўлади. Рақамли иқтисодиёт бу ишлаб чиқариш комплекси инсонлар учун қулайликларни таъминлайдиган маҳсулот ва хизматларни яратадиган виртуал муҳит бўлиб, рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда иқтисодий ишлаб чиқариш тизимидир.

Мамлакатимизда божхона соҳасида ҳам замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда, божхона тизими самарадорлигини оширишга қаратилган изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 5 июндаги "Божхона маъмурчилигини ислоҳ этиш ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги ПФ-6005-Фармони қабул қилинди. Унда "2020 – 2023 йилларда божхона маъмуриятчилигини ислоҳ қилиш ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолияти самарадорлигини ошириш концепцияси қабул қилиниб, рақамли иқтисодиёт доирасида замонавий ва илғор ахборот-коммуникация технологияларини божхона соҳасига жорий этиш орқали божхона органлари фаолияти шаффофлиги ҳамда самарадорлигини таъминлаш" асосий вазифалардан бири этиб белгиланди [2].

Жаҳон божхона ташкилоти (ЖБТ) томонидан амалга оширилаётган ҳамкорлик дастурлари доирасида халқаро миқёсда божхона хизмати сифатини ошириш, очиқлик ва шаффофликка эришишни таъминлаш мақсадида 2016 йил "Рақамли божхона" йили деб эълон қилинди [3].

Мазкур ҳужжатда «Рақамли божхона» атамасига божхона тўловларини тўлашни таъминлаш ва кафолатлаш, товарлар, жисмоний шахслар, транспорт воситалари ва маблағлар оқимини назорат қилиш, шунингдек, халқаро савдони жиноятчилик, шу жумладан халқаро терроризмдан ҳимоя қилиш учун рақамли тизимлардан фойдаланиш, деб таъриф берилган.

Божхона маъмуриятчилигини янги босқичга олиб чиқиш, божхона ва юк операцияларини рақамли трансформация қилиш орқали инсон омилини кескин қисқартириш, божхона соҳасини очиқлик, шаффофлик ҳамда ишончлилик тамойиллари асосида коррупциядан ҳоли тизимга айлантириш мақсадида

Ўбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 апрелдаги “Божхона маъмуриятчилигини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони фабул қилинди. Унда 2022-2023 йилларда божхона расмийлаштируви жараёнларини рақамлаштириш бўйича 2-иловага мувофиқ «Йўл харитаси» қабул қилинди. «Йўл харитаси»да божхона тўловларини ҳисоблаш ва ундиришни рақамлаштириш бўйича  бўйича қуйидаги дастурий таъминотларни  ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди. Уларга:

- Божхона қиймати тўғри белгиланганлигини назорат қилиш жараёнларини тўлиқ рақамлаштириш бўйича “Божхона қиймати мониторинги” ахборот тизимини яратиш;
- Тўланиши лозим бўлган божхона тўловларини аниқлашда божхона органи томонидан тақдим этиладиган дастлабки қарорни бериш жараёнларини рақамлаштириш;
- Шартли божхона қийматини белгилаш бўйича хизматларни кўрсатиш жараёнларини рақамлаштириш;
- Божхона тўловларини бўлиб-бўлиб ва кечиктириб тўлашга рухсат бериш жараёнларини рақамлаштириш;
- Божхона тўловлари бўйича солиштирма далолатномани расмийлаштириш жараёнларини рақамлаштириш.

Божхона тўловларини ҳисоблаш ва ундиришда рақамлаштиришда юқоридаги дастурий таъминотларни  ишлаб чиқиш ва амалиётга киритиш бу йўналишдаги ишларни самарадорлигини янада ошишига хизмат қилади.

Ҳозирги пайтда мамлакатимиз божхона соҳасида божхона тўловларини ҳисоблаш ва ундиришда “Божхона тўловлари” ААТ дастуридан фойдаланилмоқда. Унинг қуйидаги қулайликлари мавжуд:

- ундириладиган барча божхона тўловлари ҳисобини электрон шаклда юритиш;
- пул маблағларининг ҳаракати, божхона тўловларининг ҳисобланиши ва ундирилиши бўйича амалларни электрон шаклда ўз вақтида ва тўғри ҳужжатлаштириш;
- давлат бюджети ва ДБҚнинг Махсус фондига қисман ёки тўлиқ тушадиган божхона божи, солиқлар ва божхона йиғимларининг ундирилишини реал вақт режимида назорат қилиш;
- ҳар бир ТИФ қатнашчисига тегишли товарларга ҳисобланган ва ундирилган божхона тўловлари бўйича солиштирма далолатномалар тузиш ва дебиторлик-кредиторлик ҳисобини электрон шаклда юритиш;
- божхона расмийлаштируви вақтида ТИФ қатнашчиларининг тўлов қобилияти тўғрисида “он-лайн” режимида маълумот олиш;
- ҳисобланган ва ундирилган божхона тўловлари бўйича тезкор ҳисоботларни тайёрлаш;
- реал вақт оралиғида маълумотларни сақлаш, узатиш ва қайта ишлаш масалаларини ҳал қилиш;
- web-технологиялари асосида олисдан маълумотлар базасига кириш имконини яратиш;

- реал вақт оралиғида “Электрон божхона расмийлаштируви” ААТ дастури билан ахборот алмашув имкониятини яратиш.

Божхона тўловларини ундириш ва давлат бюджетига ўтказиш борасида ҳам охирги йилларда замонавий ва илғор ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланилиши натижасида давлат бюджетига ўтказилган божхона тўловларининг миқдори ҳам йилдан-йилга ошмоқда. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, давлат бюджетига ўтказилган божхона тўловлари 2011-2021 йилларда 13,0 бараварга ошган, 2016 йилга нисбатан 6,0 бараварга ошган (1-диаграмма).

**1-диаграмма.**

**Ўзбекистон Республикаси божхона органлари томонидан 2011-2021 йилларда давлат бюджетига ўтказилган божхона тўловлари** *(трл.сўмда).*




*Манба: Давлат божхона қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.*

Умуман олганда, божхона тўловларини ундириш ва давлат бюджетига ўтказиш борасида қўлланилаётган ахборот-коммуникация технологиялари тизимда шаффофликни ошириб, ўз самарасини бермоқда.

Сўнгги йилларда рақамли технологияларни қўллаган ҳолда божхона расмийлаштируви жараёнини тўлиқ электрон ташкил қилиш ишларига катта эътибор берила бошланди. Натижада, ҳужжатларни қоғоз нусҳада тақдим қилиш амалиётидан тўлиқ воз кечилди, божхона юк декларацияларини электрон тарзда тўлдириш, тақдим қилиш, текшириш ва расмийлаштиришга эришилди. Бунинг натижасида тадбиркорлик субьектлари ҳамда божхона органлари ўртасидаги муносабатларда мавжуд бўлган инсон омили кескин қисқарди.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, божхона тўловларини ҳисоблаш, ундириш ва давлат бюджетига ўтказишда ахборот технологияларини қўллаш юқори самара бермоқда. Бу эса ушбу йўналишдаги ишларни янада ривожлантиришни тақозо этади ва бу борада қуйидагилар таклиф этилади:

- Божхона тизими учун замоновий рақамли ахборот технологиялари бўйича билим ва кўникмаларга эга малакали кадрларни тайёрлашни такомиллаштириш ва божхона соҳасида хизмат олиб бораётган ходимларни малакасини доимий равишда ошириб бориш тавсия этилади;
- Божхона тўловларидан имтиёз бериш ва уларни назорат қилиш жараёнларни рақамлаштириш таклиф этилади, бу эса реал вақт оралиғида тадбиркорларга божхона тўловларидан имтиёзлар бериш ва назорат қилиш билан боғлиқ ишларни енгиллаштиради;

- Божхона органларига юборилаётган электрон БЮДларга илова сифатида тақдим этилаѐтган товарга тегишли сертификатларга, ҳисоб-фактура ва бошқа ҳужжатларни рақамлаштириш, яъни расм форматидаги ҳужжатларнинг ўзида ушбу ҳужжатларни берувчи ташкилот томонидан ундаги маълумотларни ўз ичига олган штрих кодни жойлаштириш амалиётини жорий этиш таклиф этилади. Бу эса электрон шаклда тақдим этилаётган мазкур ҳужжатларнинг асллигини ҳамда реал вақт оралиғида текшириш имкониятини яратади. Бунда ҳужжатларни қалбакилаштириш ҳолатларини олди олинади.

Хулоса қилиб айтганда, божхона тўловларини ҳисоблаш ва ундиришда рақамлаштиришни такомиллаштириш божхона расмийлаштируви жараёнида инсон омили иштирокини камайтириб, коррупция ҳолатларини келиб чиқишини камайтиради, шунингдек божхона расмийлаштирувига кетадиган вақтни ҳамда тадбиркорларни сарф-харажатларини қисқартиради. Бу эса бевосита Республкамиз ташқи савдо айланмасини кўпайишига олиб келади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. www.lex.uz. 2020 йил 24 январь.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 5 июндаги “Божхона маъмурчилигини ислоҳ этиш ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-6005-Фармони.

3. Бутунжаҳон Божхона ташкилотининг “WCO News” 12.11.2015 йилдаги ахборот хати.

4. Давлат божхона қўмитасининг расмий сайти – (https://customs.uz/uz).

***Уразбаев Р.О.*** *– ЎзР.Давлат статистика қўмитаси, бошқармаси бошлиғи ўринбосари*

## БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ МИЛЛИЙ МАҚСАДЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ХАРАЖАТЛАРИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида”ги ПФ–5635-сонли фармони 3-иловасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглардаги ва алоҳида таркибий индикаторлардаги ўрнини яхшилаш учун масъул давлат органлари ва ташкилотлари бириктирилиши ўзига хос аҳамият касб этиб, унинг марказига иқтисодиёт, давлат бошқаруви,

ижтимоий ривожланиш ва инсон салоҳияти кабилар қўйилган. Мазкур соҳаларнинг барчаси Барқарор ривожланиш мақсадларида акс этган[1].

Шунингдек, мамлакатимиз Президентининг 2022 йил 28 январдаги "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги ПФ-60-сон фармони 2-иловаси "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини "Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили"да амалга оширишга оид Давлат Дастури"нинг 21-мақсад 8-бандига мувофиқ "Халқаро молия институтларининг тавсияларини назарда тутган ҳолда "Ўрта муддатли даромадлар стратегияси"ни ишлаб чиқиш бўйича ишларни бошлаш ва 2022 йил 1 сентябрга қадар Стратегия лойиҳасини 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгашга киритиш" вазифаси белгиланган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)нинг Барқарор ривожланиш мақсадлари (БРМ) бу дунёда иқтисодий, ижтимоий ва экологик вазиятни ҳар томонлама яхшилаш орқали бутун инсониятнинг ҳаёт тарзини яхшилаш ва турмуш фаровонлигини оширишга, адолатли ва барқарор жамият қуришга қаратилган глобал чақириғи ҳисобланади.

Мамлакатимиз БМТ Бош Ассамблеясининг 2015 йилнинг сентябрь ойида Барқарор ривожланиш бўйича ўтказилган саммитида эълон қилинган БРМнинг миллий даражада бажарилиши бўйича шартларини қабул қилди. Шунингдек, ушбу саммитда қабул қилинган 70-сон резолюцияга мувофиқ 2030 йилгача бўлган даврда БМТ Глобал кун тартибининг БРМни изчил амалга ошириш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ва Миллий БРМни амалга оширишда коронавирус пандемиясининг ижтимоий-иқтисодий оқибатларини бартараф этиш, Миллий БРМда назарда тутилган кўрсаткичларнинг сифатли бажарилиши ҳамда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларга эришилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 февралдаги "2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга оширишни жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 83-сон қарори қабул қилинди ва ушбу қарор билан Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги "2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" 841-сон қарори ўз кучини йўқотди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 февралдаги 83-сон қарори қуйидаги иловалар билан тасдиқланган[2]:

1-илова. 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифалар.

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили"да амалга оширишга оид Давлат Дастури тўғрисида"ги ПФ–5635-сон фармони. https://lex.uz/docs/4168749

[2] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 февралдаги "2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга оширишни жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 83-сон қарори. https://lex.uz/uz/docs/5870397

2-илова. 2022-2026 йилларда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларга самарали эришиш бўйича чора-тадбирлар режаси.

3-илова. 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш таркиби.

4-9-иловалар. Барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга оширишда тармоқлараро мувофиқлаштириш ва интеграциялашган ёндашувни таъминлаш мақсадида эксперт гуруҳларининг янгиланган таркиби.

10-илова. Миллий БРМнинг кўрсаткичлари бўйича идоралараро ишчи гуруҳнинг янгиланган таркиби.

11-илова. Миллий БРМни молиялаштириш бўйича ишчи гуруҳ таркиби.

Мазкур қарорнинг биринчи иловасига мувофиқ 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифалар сифатида Ўзбекистон учун долзарб ҳисобланган 16 та миллий мақсадлар ва БРМнинг 126 та миллий вазифалари рўйхати тасдиқланган. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, БРМ доирасида глобал миқёсда 17 та мақсадлар, 169 та вазифалар ва 232 та индикаторлар тасдиқланганлиги маълум.

Шунингдек, ушбу қарорнинг 11-иловасига мувофиқ Миллий БРМни молиялаштириш бўйича ишчи гуруҳ таркиби тасдиқланган бўлиб, унинг вазифалари сифатида қуйидагилар белгиланган:

- ўрта муддатли бюджетни шакллантириш, такомиллаштириш ва даромадларни ўзида қамраб олган Миллий БРМни молиялаштириш миллий стратегияси ишлаб чиқилишини ҳамда ушбу стратегияни таъминлаш ва жорий этиш учун зарур бўлган воситалар, шу жумладан, молиялаштиришнинг доимий мониторинги юритилишини таъминлаш;
- молиялаштириш миллий стратегиясининг мониторинги натижаларига асосан Мувофиқлаштирувчи кенгашга ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига бу борада амалга оширилган ишлар ҳамда уларнинг натижалари бўйича ҳар ярим йилликда ҳисоботлар ва маълумотларни тақдим этиш;
- Миллий БРМни молиялаштиришга қаратилган ва амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг доимий мониторингини юритиш;
- Миллий БРМни молиялаштириш манбаларини ошириш ва қўшимча маблағларни йўналтириш ҳамда жалб қилиш бўйича тегишли таклифлар ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш;
- манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Жаҳон банки, БМТ Тараққиёт дастури каби халқаро ташкилотлар кўмагида Миллий БРМни давлат ва хусусий сектор томонидан молиялаштириш чораларини ишлаб чиқиш ҳамда татбиқ этиш.

Давлат статистика қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикасида Миллий БРМга эришиш бўйича йиллик статистик тўплам 2019 йилдан бошлаб ҳар йили 3 та (ўзбек, рус ва инглиз) тилда нашр этиб келинмоқда. Шунингдек, ушбу тўпламлар вазирликлар ва идоралар, Ўзбекистон Республикасида фаолият

юритаётган халқаро ташкилотларга тақдим этиб борилмоқда ҳамда уларнинг электрон вариантлари тегишли веб-сайтга (http://nsdg.stat.uz) жойлаштириб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси томонидан Миллий БРМ бўйича статистик тўпламнинг инглиз тилидаги шакли БМТнинг Европа иқтисодий комиссияси расмий веб-сайтида МДҲ давлатлари орасида биринчи бўлиб эълон қилинди. Шунингдек, Давлат статистика қўмитаси томонидан келгусида бу борадаги ишларни янада жадаллаштириш бўйича муайян ишлар олиб борилмоқда.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикасининг Расмий статистика тўғрисидаги Қонуни. 2021 йил 11 август, ЎРҚ-707-сон.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид Давлат Дастури тўғрисида”ги ПФ–5635-сон фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг Миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4796-сон қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 февралдаги “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга оширишни жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 83-сон қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари (stat.uz).

***Рузиева И.Д.*** - *Атроф муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш технологиялари илмий тадқиқот институти, мудира*

## ИНСОНИЯТ, ЧИҚИНДИЛАР ВА АТРОФ-МУҲИТ

Ҳозирги вақтда фойдаланилмаган чиқиндилар бутун дунё бўйлаб жуда катта миқдорда тўпланади. Республикамиз ҳудудларида кўп миқдорда чиқиндиларни сақлаш жойлари мавжуд бўлиб, атроф-муҳитга тузатиб бўлмайдиган жиддий зарар кўрсатади.

Бугунги кунда биз табиатни бузувчи фаолиятимизга жавоб бўлган экологик муаммоларга тобора кўпроқ дуч келяпмиз. Кўпчилик бу ҳақда ўйламасликни афзал кўради, лекин Ер бизнинг уйимиз ва биз унга ғамхўрлик қилишимиз керак, акс ҳолда у бизнинг мавжудлигимиз учун яроқсиз бўлиб қолади. Фуқароларнинг қулай атроф-муҳитга бўлган конституциявий ҳуқуқини рўёбга чиқарган ҳолда, биз табиий ресурсларга эҳтиёткорлик билан муносабатда

бўлишимиз, келажак авлодлар учун табиатни асраб-авайлашимиз керак. Мамлакатнинг экологик ва санитария-эпидемиологик жиҳатдан фаровонлигини таъминлаш, соғлиқни сақлаш соҳасидаги миллий хавфсизликнинг энг муҳим жиҳатларидан биридир. Чиқиндиларнинг ортиб бораётган миқдори ва қайта ишлаш корхоналарининг йўқлиги кўплаб шаҳарлар учун одатий ҳолдир. Аксарият ҳудудларда полигонлар аллақачон тўлиб кетган. Улар ҳар йили 200 дан 1 миллион тоннагача маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетишади.

Чиқиндиларни йўқ қилиш ва қайта ишлаш мавзуси энг долзарб бўлиб қолди. Ҳар йили жуда кўп миқдордаги товарлар маҳсулотлари истеъмол қилинади ва ишлатилган маҳсулотларнинг чиқиндилар миқдори шунга мос равишда ўсиб бормоқда. Статистик маълумотларга кўра, сўнгги бир неча йил ичида атроф-муҳитнинг ифлосланиш даражаси икки баравар ошди [4]. Бунинг оқибатида атроф-муҳитнинг ифлосланиши кузатилмоқда, бу бизнинг фауна ва флорамизга, инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Инсоннинг (антропоген омиллар) табиатга кўрсатаётган таъсирини бир неча турларга бўлиш мумкин.

1. Тўғридан-тўғри таъсир, одамнинг маданий ўсимликларни етиштириш учун тоза ерларни ҳайдаб, биогеоценозни бузиши, турар-жойлар, йўллар ва бошқаларни қуриш учун ҳудудни эгаллашидан иборат.

2. Билвосита таъсир инсоннинг табиатга бевосита эмас, балки билвосита, ишлаб чиқариш фаолияти маҳсулотлари орқали таъсир қилишидан иборат: Масалан иссиқлик электр станциясида ёқилғи ёқилганда, одам организмлар билан бевосита алоқа қилмайди, лекин, ёқилғи ёниши пайтида ажралиб чиқадиган иссиқлик энергияси, атроф-муҳит муҳитга кириб, атмосферанинг "иссиқлик таъсирида ифлосланиши" ни келтириб чиқаради, бу маълум организмларга таъсир қилади.

3. Мураккаб таъсир шундан иборатки, у орқали бир турдаги организмларга бевосита таъсир кўрсатиш орқали, бошқа тур билан алоқа қилмасдан, одам унга маълум бир таъсир кўрсатади, масалан, сичқонларга ўхшаш кемирувчиларга ДДТ пестициди билан таъсир қилиш; одам бу кемирувчиларнинг бир қисмини йўқ қилди (тўғридан-тўғри таъсир), лекин ДДТ табиий шароитда ёмон йўқ қилинади, баъзи организмларда (қўзиқоринларда) тўпланади ва бошқа организмлар, шу жумладан одамлар томонидан ютиб юборилиши мумкин, бу уларнинг заҳарланишига олиб келади (бу билвосита таъсир).

4. Онгсиз таъсир - инсон ўз олдига мақсад қўймасдан, ҳатто уни хоҳламасдан ҳам табиатга таъсир қилади. Шундай қилиб, салбий таъсир кўрсатишни истамаган ҳолда, далада ёки ўрмонда юрган одам ўтларни оёқ ости қилиши, майда ҳайвонларга (ҳашаротларга) қадам қўйиши, гул териши ва ҳоказо.

5. Онгли (мақсадли, тизимли) одамда ўзи учун энг фойдали бўлган биоценозларни шакллантиришга қаратилган фаолиятни ташкил этишдан иборат, масалан, бошоқли дон ёки сабзавот етиштириш учун дала, беда ёқиш ва бошқа ўтлоқларни етиштириш. унга ем-хашак экинлари, ўсимликлар ва ҳайвон

зотларининг янги навларини кўпайтириш ва ҳоказо. Бундай таъсир ижобий ҳам ҳам бўлиши мумкин.

Инсон фаолияти хилма-хил бўлиб, унинг кўпгина турлари табиий экотизимлардаги мувозанатли экологик жараёнларнинг кескин ўзгаришига олиб келади. Улардан баъзиларини кўриб чиқайлик.

1. Турли саноат тармоқларини ташкил этиш, корхоналар қуриш ва муайян маҳсулот ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш.

Ушбу турдаги фаолият табиий экотизимларга бевосита ва билвосита таъсир кўрсатади. Корхона қурилаётган ҳудудда биоценоз, шу жумладан ўсимликлар жамоаси деярли бутунлай вайрон бўлган, гарчи ҳозирги вақтда ўсимлик қопламини сақлашга ҳаракат қилинсада, ҳайвонлар яшаш жойларини тарк этадилар ва бутунлай ўлишлари мумкин, ҳайвонлардан махсус биоценоз пайдо бўлади Қоида тариқасида, яқин атрофда шунга ўхшаш аҳоли пункти (ишчи посёлкаси, шаҳар) қурилади

Билвосита таъсир шундан иборатки, корхона фаолияти давомида табиий муҳитга назоратсиз равишда кириб, одамларга ҳам, шу ҳудудда яшовчи турли организмларга ҳам таъсир қилувчи турли хил бирикмалар ҳосил бўлиши мумкин.

2. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш вазифаларини амалга ошириш жараёнида сунъий биоценозлар - агроценозларни яратиш.

Қишлоқ хўжалиги аҳоли сонининг ўсиши туфайли тобора кескинлашиб бораётган озиқ-овқат муаммоси ҳал қилиш, масалан кўп ҳосил олиш мақсадида маданий ўсимликлар етиштириш, ҳам чорвачиликни самарали ривожлантириш учун замин яратиш юқори самарали агроценозларни яратиш заруратини келтириб чиқаради.

Агроценоз - табиий субстратда (тупроқда) бегона ўтлар ва маълум бир ҳудудда яшовчи бошқа организмлар билан алоқада бўлган маданий ўсимлик (бир ёки бир нечта) асосида инсон томонидан сунъий равишда яратилган биоценоз. Ушбу биоценозга маълум бир географик ҳудудга хос бўлган абиотик омиллар мажмуаси, шунингдек, унинг асосий организмлари маҳсулдорлигини оширишга қаратилган бир қатор инсон фаолияти таъсири (бегона ўтлар, суғориш, ўғитлаш, бегона ўтлар ва бошқа зараркунандаларга биологик усуллар билан курашиш) таъсир қилади. ва кимёвий усуллар ва бошқалар).

3. Турли моддаларни ташиш. Инсон фаолиятида турли объектлар ва кимёвий бирикмаларнинг ҳаракати муҳим рол ўйнайди. Ўғитлар, ёқилғи, пестицидлар, нефт ва бошқа моддалар бир минтақадан иккинчисига ва ҳатто бир қитъадан иккинчисига ўтади. Ташиш жараёнида ташиш шартларининг бузилиши ёки табиий муҳитнинг ифлосланишига олиб келадиган бахтсиз ҳодисалар туфайли моддаларнинг йўқолиши содир бўлади. Шундай қилиб, нефтнинг сув ҳавзалари юзасига, газларнинг атмосферага тушиши, қувурларнинг бутунлигини бузиш, чангли цементнинг тарқалиши ва бошқалар туфайли мумкин. Транспорт технологиясининг бузилиши табиий биогеоценозларнинг бузилишига олиб келади, ҳудудларда экологик мувозанатни бузади, халқ хўжалигига катта иқтисодий зарар келтиради, шунинг учун транспорт операцияларида хавфсизлик қоидаларига қатъий риоя қилиш керак.

4. Турли саноат тармоқлари учун хом ашё сифатида фойдали қазилмаларни қазиб олиш. Ишлаб чиқариш фаолиятининг муваффақиятли ишлаши учун ер остидан қазиб олинадиган хом ашё ва энергия ресурслари керак. Қазиб олиш очиқ ёки ёпиқ усуллар билан амалга оширилиши мумкин. Ҳар қандай қазиб олиш усули билан табиий биоценозларнинг бузилиши, ландшафтлар ва ўсимликлар жамоаларининг йўқ қилиниши мумкин.

Тоғларни қазиб олиш жараёнида табиий муҳитга салбий таъсир кўрсатадиган газларни (метан, водород сулфиди, олтингугурт диоксиди, углерод оксиди) вужудга келтиради. Ер юзасига тушган нефт ҳам ўсимликларга, ҳам ҳайвонларга ҳалокатли таъсир кўрсатади. Қаттиқ фойдали қазилмаларни қазиб олиш жараёнида ҳосил бўладиган ахлат уюмлари ва турли хил чиқиндилар организмлар ва одамларнинг яшаш муҳитини ифлосланишига олиб келади.

5. Атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатадиган кимёвий бирикмаларни киритиш. Муайян фаолиятни енгиллаштириш учун инсон табиий муҳитга зарар етказадиган моддалардан фойдаланади. Агроценозларда минерал ўғитлардан ортиқча фойдаланиш ва ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш воситаларидан норационал фойдаланиш ҳам атроф-муҳитнинг ифлосланишига, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифатининг ёмонлашишига олиб келади.

Металл маҳсулотларни коррозиядан ҳимоя қилиш учун ингибиторлар қўлланилади, улар (масалан, калий дихромати) кўплаб организмлар учун заҳарли ҳисобланади.

Автомобил двигателларининг ишлашини яхшилаш учун иссиқ қонли ҳайвонлар учун ҳам заҳар бўлган диэтил қўрғошин ишлатилади.

Буларнинг барчаси инсон фаолиятида қўлланиладиган бирикмаларнинг табиий экологик жараёнлардаги ролини чуқурроқ ўрганишни, шунингдек, инсон муҳитига салбий таъсир кўрсатадиган моддаларни алмаштириш йўлларини топишни тақозо этади.

Чиқиндиларни бошқариш (шу жумладан қурилиш чиқиндилари) атроф-муҳитга фаол таъсир этувчи омил сифатида хўжалик юритувчи субъектнинг экологик фаолиятининг асосий йўналишларидан биридир. Чиқиндиларнинг қуйидаги асосий турлари ажратилади: саноат чиқиндилари; маиший чиқиндилар, қишлоқ хужалиги чиқиндилари.

Катта замонавий шаҳарнинг оддий қаттиқ маиший чиқиндиларида 100 дан ортиқ турдаги заҳарли бирикмалар мавжуд. Улар орасида бўёқлар, пестицидлар, симоб ва унинг бирикмалари, эритувчилар, қўрғошин ва унинг тузлари, дори-дармонлар, кадмий, мишяк бирикмалари, формалдегид, таллий тузлари ва бошқалар бор. Қаттиқ чиқиндилар орасида пластик ва синтетик материаллар алоҳида ўрин тутади, улар узоқ вакт (ўнлаб йиллар) атроф-муҳитда бўлиши мумкин. Пластмассалар ва синтетик материалларни ёқиш пайтида кўплаб токсик моддалар, шу жумладан полихлорли бифениллар (диоксинлар), фтор бирикмалари, кадмий ва бошқалар ажралиб чиқади.

Саноат чиқиндилари, қаттиқ маиший чиқиндилар каби кимёвий таркиби жиҳатидан хилма-хилдир. Айниқса, кимё ва нефтни қайта ишлаш саноати ва биокимёвий саноат корхоналарининг юқори заҳарли кимёвий элементлар ва

бирикмалар, бактериялар ва вируслар билан ишлайдиган чиқиндилари хавфлидир. Бундай кимёвий элементлар, биринчи навбатда, оғир металларни ўз ичига олади, чунки улар биокимёвий парчаланмайди ва инсон танасига ва озиқ-овқат занжирига осонликча киради.

Кўпгина заҳарли моддаларнинг юқори концентрацияси билан ажралиб турадиган суюқ саноат оқава сувлари энг катта хавф туғдиради ва ер ости сувларига кириб, уларни ифлослантиради ва тупроқ ва ўсимлик қопламига салбий таъсир қилади. Нефт маҳсулотлари суюқ чиқиндиларнинг энг кенг тарқалган таркибий қисмларидан биридир.

Саноат майдонларидан чиқадиган канализация ва нажас оқава сувлари ҳам хавфли бўлиб, бундай оқава сувларнинг атроф-муҳитга салбий таъсирини камайтириш барча урбанизациялашган ҳудудлар учун муҳим муаммодир. Бу ҳолатда алоҳида хавф яшаш муҳитининг бактериал ифлосланиши ва турли хил эпидемик касалликларнинг пайдо бўлиш эҳтимоли билан боғлиқ.

Барча турдаги чиқиндиларни олиб чиқиш ва йўқ қилиш билан боғлиқ кўплаб асосий муаммоларнинг ҳал этилмаганлигини ҳисобга олсак, ишонч билан айтиш мумкинки, ҳозирги вақтда ҳар қандай шаҳар ўз чиқиндилари билан деярли биологик ва бактериологик заҳарланиш ёқасида турибди. Биринчи навбатда, тозалаш иншоотлари, сув ва иссиқлик таъминоти тизимларидаги ҳар қандай авария, чиқиндиларни мунтазам равишда ташламаслик ёки яроқсиз бўлган полигонларга ташлаш зарарли бактерияларнинг тарқалишига олиб келади, фуқароларнинг юқумли касалликлардан азият чекишининг кескин кўпайишига олиб келади.

Чиқиндиларни бошқариш бўйича мажбурий қадамлар қуйидагилардан иборат:

чиқиндилар ҳосил бўлишини камайтириш дастурлари;

истеъмол хусусиятларига эга бўлган чиқиндиларни қайта ишлашни кенг жорий этиш;

ишлаб чиқариш жараёнлари учун хом ашё сифатида тегишли чиқинди фракцияларидан фойдаланиш;

чиқиндиларнинг энергия салоҳиятини қазиб олиш ва улардан фойдаланиш;

ҳеч қандай фойдали хусусиятга эга бўлмаган чиқиндилар қолдиқларини экологик жиҳатдан нейтраллаш, полигонларда йўқ қилиш.

Камдан-кам ҳолатлардан ташқари, шаҳар атрофи полигонлари катта таассурот қолдиради, атмосфера ва гидросферани заҳарлайди, ўсимлик қопламини йўқ қилади ва ноқулай яшаш муҳитини яратади.

Сақлаш жараёнида барча чиқиндилар ички физик-кимёвий жараёнлар ва ташқи шароитлар таъсиридан келиб чиқадиган ўзгаришларга учрайди. Натижада атроф-муҳит ва фуқароларнинг соғлиғига жиддий таҳдид соладиган янги экологик хавфли моддалар ҳам, микроорганизмларнинг янги турлари ҳам пайдо бўлиши мумкин.

Яқин вақтларгача полигонларни ташкил этишда харажатларни тежаш тамойили асосий бўлиб келган, бу борада кўплаб объектлар ишланган карьерларда ва бошқа фойдаланилмаётган ерларда жойлашган.

Ишлаб чиқариш ҳажмларини қисқартириш ва чиқиндиларни утилизация қилиш ҳажмини ошириш соҳасидаги асосий йўналишлар қуйидагилардан иборат:

чиқиндиларни ҳосил бўладиган жойлар, жойлаштириш ва йўқ қилиш устидан назоратни амалга ошириш

кам чиқиндили ишлаб чиқаришларни ривожлантириш;

чиқиндиларни йиғиш ва йўқ қилиш технологиясини такомиллаштириш;

чиқиндиларни қайта ишлаш бўйича энг самарали корхоналар, ва чиқиндиларни брикетлаш станциялари қувватларини ошириш;

яхши жиҳозланган полигонлар сонини кўпайтириш, реконструкция қилиш, тугатиш ва уларни кейинчалик мелиоратив ҳолатига келтириш.

Полигонлардаги чиқиндиларнинг асосий қисми пластик, озиқ-овқат, металл, қоғоз, шиша чиқиндиларидан иборат.

Ҳар бир чиқиндихонада маиший ва металлни ўз ичига олган бир қатор чиқиндилар мавжуд бўлиб, бу шаҳар чиқиндиларни сараламасдан қабул қилишидан далолат беради, чунки қайта ишлаш тизими мавжуд эмас, яъни чиқиндиларни саралаш ва уларни кейинчалик утилизация қилиш чоралари кўрилмайди.

Адабиётларда полигонлар атроф-муҳитга катта таъсир кўрсатадиган умумий хулосалар мавжуд. Аввало, тупроқ қопламига таъсир қилади. Тупроқ энг кам ҳаракатланувчи муҳит бўлиб, у маълум даражада ўз-ўзини тозалаш қобилиятига эга.

Микроорганизмлар тупроқдаги барча ўзгаришларга биринчи бўлиб реакция кўрсатадилар - улар тупроқ муҳити сифатининг сезгир кўрсаткичлари. Тупроқнинг микроорганизмлар жамоасига салбий таъсир қилиш энг сезгир бўғинларнинг йўқолишига, тупроқ микроорганизмларининг алоҳида гуруҳлари ўртасидаги табиий мувозанатнинг бузилишига олиб келади.

Умуман олганда, полигонларда микроорганизмларнинг ривожланиши учун қулай шароитлар яратилади, бу эса ўз навбатида атроф-муҳит ва одамларнинг ҳолатига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Чиқиндиларни утилизация қилиш ва қайта ишлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Утилизация пайтида маҳсулотлар эҳтиёткорлик билан қайта ишланади, тозаланади ва майдаланади. Бундай кўп босқичли ишлардан сўнггина фойдаланиш учун янги маҳсулотлар ишлаб чиқаради, бу эса ўз навбатида нафақат атроф-муҳитнинг ифлосланишини камайтиришга ёрдам беради, балки ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сонини кўпайтиришга имкон беради, шунингдек, таъсирни камайтиради.

Замонавий шароитда тупроқни соғлом ҳолатда сақлаб қолиш деярли мумкин эмас, чунки ер шарининг бутун юзаси техноген таъсирга дучор бўлади. Оғир металларнинг энг кучли оқимлари асосан қора ва рангли металлургия корхоналари чиқиндилари бўлган полигонлар атрофида содир бўлади. Жамиятнинг урбанизацияси шаҳарларда ҳам шаҳар ичида, ҳам унинг ташқарисида чиқиндихоналар сонининг сезиларли даражада кўпайишига олиб келади.

**Фойданилган адабиётлар**
1. Александровская З.И. Санитарная очистка городов от твердых бытовых отбросов. М, Стройиздат, 1977 г. – 320 с.
2. Башкин В.Н. Биогеохимия. – М., 2014. – 584 с.
3. Воронков Н. А.. Экология общая, социальная, прикладная. 1999. – 163с., 179с.
4. Добровольский Г.В., Шеремет Б.В., Афанасьева Т.В. Почвы. – М., 1998. – 368 с.
5. Кувыкин Н. А., Бубнов А. Г.. Опасные промышленные отходы. Учебно-методическое пособие. Иван. гос. хим.-технол. ун-т., 2004. - 148 с.
6. Культиасов И.М. Экология растений: Учебник. – М.: Издательство Московского университета, 1982. – 384 с.
7. Кривошеин Д. А., Дмитренко В.П, Федотова Н.В. Системы защиты среды обитания. В 2 т. Т. 1 : учеб. пособие для студ. учреждений высш. проф. – Издательский центр «Академия», 2014. — 352 с.
8. Павлов А. Н. Экология: рациональное природопользование: учебное пособие для студентов– М.: Высшая школа, 2005. - 343 с.
9. Природные ресурсы и охрана окружающей среды Курганской области в 2013 году. Доклад. – Курган, 2014.
10. Разнощик В.В. Огнем и микробами. М, Стройиздат, 1976 г. – 96 с

***Сауханов Ж.К.*** *ҚДУИ, проф. и.ф.д. (DSc),*
***Габбаров С.Н.*** *НКИ,катта ўқитувчи*

# ЯЙЛОВЛАРДА ЧОРВАЧИЛИК САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ДАСТУРИЙ ТАЪМИНОТИНИ ЯРАТИШ

Тараққиётнинг ҳозирги босқичида иқтисодиётнинг барча соҳаларига рақамли технологияларни жорий қилиш тез суръатлар билан ўсиб бормоқда. Иқтисодиётнинг таянч тармоғи ҳисобланган қишлоқ хўжалиги ҳам бундан мустасно эмас. Шу сабабли соҳа тараққиётини таъминлаш, самарадорликни ошириш, рақобатбардош маҳсулот етиштириш мақсадида тармоқда рақамли иқтисодиётни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида чорвачилик соҳаси ва унинг тармоқларини ривожлантириш бўйича 2022-2026 йилларга мўлжалланган дастурни тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-120-сон Қарори ва унда белгиланган вазифалар бу борада қилинаётган чора-тадбирларнинг аҳамиятини асослайди. Қишлоқ хўжалигида маҳсулот етиштириш жараёнига кўплаб омилларни таъсир кўрсатиши катта миқдордаги маълумотлар базасини шаклланишига сабаб бўлади. Уларни қайта ишлаш ва тадқиқ қилиш, мавжуд имкониятлар доирасида оптимал ечимларни излаб топишда рақамли технологияларнинг аҳамияти тобора ошиб бормоқда. Маҳсулот ишлаб чиқарувчиларни мавсум давомида турли қарорларни қабул қилиш, ечимларни излашига тўғри келиши соҳада ахборот технологияларидан фойдаланиш зарурати оширади.

Ахборот технологияларнинг ривожланиши, ахборот оқимларининг ва ҳажмининг тобора ортиб бориши, маълумотларнинг тез ўзгариши каби ҳолатлар инсониятни бу маълумотларни ўз вақтида қайта ишлаш чораларининг янги усулларини излаб топишга ва жорий этишга ундамоқда. Ҳозирги кунга келиб мазкур вазифани амалга оширишда маълумотлар базасидан ва маълумотлар базасини бошқариш тизимларидан кенг фойдаланилмоқда.

Юқоридаги келтириб ўтилганларни ҳисобга олган ҳолда яйловларда чорвачиликни ривожлантириш ва ҳар бир хўжаликда мавжуд имкониятлардан фойдаланишни оптималлаштириш маласини ечишни кўриб чиқамиз. Чунки, рақобатбардошликка асосланган бозор шароитида қишлоқ хўжалигида чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи фермерлар ва ишбилармонлар ўзларининг даромаларини ошириш бўйича қарор қабул қилиш муаммосига дуч келишади. Оптималлаштириш масалаларидан фойдаланиш ушбу жараёнларда мақсадга мувофиқ бўлиб, мавжуд имкониятлардан фойдаланишнинг оптимал ечимларини топишга хизмат қилади. Аммо, хўжалик бошқарувчиларининг барчасида ҳам зарурий билим ва кўникмаларни етишмаслиги бу борадаги муаммоларни келтириб чиқаради. Шу боис борада ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда мазкур масалани ечиш жараёни максимал даражада соддалаштириш талаб қилинади

Тадқиқотни амалга ошириш натижасида аниқланишича ҳозирги вақтда оптималлаштириш масалаларини ечиш учун қатор дастурий таъминот ва иловалар шакллантирилган, бироқ улардан фойдаланиш учун маълум даражада ушбу йўналишдаги билим талаб қилинмоқда, натижада улардан фойдаланиш даражаси юқори эмаслигининг гувоҳи бўлдик. Таклиф қилинаётган дастурий таъминот яйловларда чорвачиликни ривожлантиришга ихтисослаштирилган бўлиб, фойдаланиш анча қулай, яъни фойдаланувчи фақат сўралган маълумотларни киритса бас унинг фаолиятини оптималлаштириш масаласи автоматик равишда ечилади. Дастурий таъминотни шакллантиришда мақсад функцияси қилиб яйловларда чорвачилик билан шуғулланадиган фермер хўжаликлари даромадларини максималлаштириш масаласи, ер майдони, сув ресурслари ва ишчи кучи ресурслари бўлса чекловлар сифатида олинган. Яъни, дастур бизга мавжуд ер, сув, ва ишчи кучи ресурслари доирасида максимал фойда олиши учун яйловларда қайси чорва туридан қанча миқдорда боқиш кераклигини аниқлаб беради.

Ҳар қандай фойдаланувчи тизимдан фойдланиш учун интернет ва ахборот технологиялари воситалари (смартфон, компьютер) га эга бўлиши талаб қилинади. Тизимга кириш эркин ҳеч қандай тўсиқ, рўйхатдан ўтиш каби шартлар мавжуд эмас, яъни исталган одам хохлаган пайтида тизимга кириб унинг хизматидан фойдаланиш имкониятига эга.

Тизимни интернетда жойлаш учун Ўзбекистон Республикаси uz домен зонасида **leip.uz** домени расмийлаштирилган бўлиб илова махсус серверда жойлашитирилган. Иловадан исталган категориядаги фойдаланувчилар фойдаланиши мумкин. Бунинг учун ундан фойдаланишда ҳеч қандай чекловлар қўйилмаган. Шунингдек, фойдаланувчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш

мақсадида https протоколи орқали уланиш таъминланган ва SSL сертификати ўрнатилган.

Ахборот тизимининг бош саҳифасида тизим ҳақидаги асосий маълумотлар чиқарилади. Менюлар қатори тизимнинг юқори қисмида жойлаштирилган бўлиб меню тизимда навигацияни амалга ошириш учун мўлжалланган. Мазкур саҳифа тизимга ташриф буюрган фойдаланувчиларга кўрсатиладиган дастлабки маълумотларни ўз ичига олади. Саҳифанинг кўриниши қуйидаги 1- расмда келтирлган.




**1-расм. Ахборот тизимининг бош саҳифаси**

Менюлар қаторидаги оптималлаштириш ёзуви устига бориб сичқончани чап тугмасини босилса дарча пайдо бўлади. Дарчага фойдаланувчидан учта маълумот киритиш сўлаpади, яъни уиннг ихтиёридаги яйлов фонди гектарда, ишчилар сони кишида, сув миқдори.

Агар фойдаланувчи ушбу сўралган маълумотларни киритса, дастур қайси чорва туридан қанча бирликда боқса унинг фойдаси максимал бўлишини аниқлаб беради. Яъни 2 – расмдаги дарча пайдо бўлади, ундаги жадвал тўртта усутндан иборат бўлиб, биринчи устун рақамлаш амалга оширилади, иккинчи устунда чорва номи, учинчи устунда бош сони ва тўртинчи устунда ҳар бир чорва туридан олинадиган дарома миқдори тақдим қилинади. Охирида хўжаликнинг мавжуд имкониятлари доирасида олиши мумкин бўлган максимал фойдаси келтирилади.

**Optimallashtirish natijasi**

| № | Chorva turi | Optimal bosh soni | Olinadigan sof foyda |
|---|---|---|---|
| 1 | Qo'y | 295 | 21 413.10 |
| 2 | Echki | 10 | 566.09 |
| 3 | Qoramol | 22 | 12 143.61 |
| 4 | Yilqi | 2 | 933.32 |
| 5 | Tuya | 70 | 34 511.62 |
| **Maksimal sof foyda** | | | **69 567.73** |

**2-расм.Тизимдан олинган оптималлаштириш натижаси жадвали**

Дастур ёрдамида олинадиган барча натижалар иккита жадвалда ўз аксини топади ва иккинчи жадвал сарфланадиган харажатлар деб номланади. Бунда фойдаланувчи томонидан киритилган чекловлардан фойдаланиш даражаси кўрсатиб ўтилади. Яъни қайси ресурсдан тўлиқ фойдаланилаётгани, қайси

ресурсдан ортиқча ёки қайси ресурс танқислиги сабабли хўжалик имкониятлардан тўлиқ фойдаланишга тўсинлик қилаётганлигини кўрсатиб беради (3-расм).

**Sarflanadigan harajatlar**

| № | Mahsulot turi | Sarflanadigan miqdor | Mavjud bo'lgani |
|---|---|---|---|
| 1 | Yaylov maydoni | 250.00 | 250 |
| 2 | Suv | 6 000.00 | 6 000 |
| 3 | Ishchi kuchi | 5.00 | 5 |

**3-расм.Сарфланадиган харажатлар жадвали**

Амалга оширилган тадқиқот натижаларига кўра ишлаб чиқилган ва яйловларда чорвачиликни ривожлантиришда мавжуд ресурслардан оптимал фойдаланишни таъминлаш учун таклиф қилинаётган дастур соддалиги ва оддийлиги билан бошқа дастурлардан фарқ қилади. Бунда фойдаланувчидан оддийгини учта маълумотни киритиш талаб қилинади ва унинг оптимал чорва таркиби ҳисоблаб берилади. Шунингдек, дастур ёрдамида олинган натижалардан хўжалик фаолиятини истиқболли йўналишларини аниқлаш ҳамда даромадни янада ошириш учун қайси ресурслар миқдорини ошириш лозимлиги бўйича хулосалар чиқаришда ҳам фойдаланиш мумкин.

Ушбу дастурдан фойдаланиш чорвачиликни ривожлантиришда муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида чорвачилик соҳаси ва унинг тармоқларини ривожлантириш бўйича 2022-2026 йилларга мўлжалланган дастурни тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-120-сон Қарори.
2. Проектирование и реализация баз данных в СУБД MySQL с использованием MySQL Workbench / С.А. Мартишин, В.Л. Симонов, М.В. Храпченко. - М.:Форум, 2018. - 61 с.
3. Проектирование баз данных. Учебное пособие для вузов. / Н.Н.Гринченко и др. - М.: РиС, 2013. - 240 с.
4. Аграр тармоқда ташқи самараларни оптимал тартиблаштириш ва трансакция харажатларини пасайштириш: муаммолар, усуллар ва моделлар. Сауханов Ж.К., (Монография) Т.: “Lesson Press” МЧЖ нашриёти, 2022.-269 б.
5. Проектирование баз данных. Просто как дважды два / Ю.А. Шпак. - М.: Эксмо, 2007. - 304 с.

***Махмудова Д.** – СамИСИ, магистр*
***Дўстмуродова С.** – ТДИУ ўқитувчи*

# РАҚАМЛИ БАНКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Тараққиёт истеъмол бозорини ҳам кескин ўзгаришига сабаб бўлади. Истеъмолчиларнинг истак ва хохишлари ҳам замонда пайдо бўлаётган тенденцияларга хос бўлиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидланганидек, "тараққиётга эришиш учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз зарур ва шарт. Бу бизга юксалишнинг энг қисқа йўлидан бориш имкониятини беради. Зеро, бугун дунёда барча соҳаларга ахборот технологиялари чуқур кириб бормоқда. Албатта, рақамли иқтисодиётни шакллантириш керакли инфратузилма, кўп маблағ ва меҳнат ресурсларини талаб этишини жуда яхши биламиз. Бироқ, қанчалик қийин бўлмасин, бу ишга бугун киришмасак, эртага жуда кеч бўлади. Шу боис, рақамли иқтисодиётга фаол ўтиш – келгуси 5 йилдаги энг устувор вазифаларимиздан бири бўлади.

Рақамли технологиялар нафақат маҳсулот ва хизматлар сифатини оширади, ортиқча харажатларни камайтиради".

Президент таъкидлаганидек банк тизими рақамли технологияларни қўллаш, янги банк маҳсулотларини жорий этиш ва дастурий таъминотлар бўйича замон талабларидан 10-15 йил орқада қолмоқда.

2020 йилдан бошлаб ҳар бир банкда кенг кўламли трансформация дастурлари амалга оширилмоқда. Бу борада банкларимизнинг капитал, ресурс базаси ва даромадларини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Хизмат кўрсатиш ва сотиш бозори ўзгариш билан биргаликда, банк сектори ҳам ўзгариб бормоқда. Умумий олиб қараганда – бозор виртуал оламга трансформация бўлиш жараёнида.

Банкларни ривожланиш тарихига эътибор берадиган бўлсак, дастлаб банклар фақат ўз филиаллари орқали хизмат кўрсатишни ташкил этган бўлса, кейинчалик:

- 1970 йилларда банкоматлар ихтиро қилинди.
- 1980 йилларда банкларда колл - центр орқали хизмат кўрсатиш жорий қилинди.
- 1990 йилларда интернет банкинг ва 2000 йилларга келиб эса банк тизимига интернет ва мобиль технологиялар кириб келди. Электрон тижорат ривожлана бошлади.
- 2010 йилдан бошлаб Европа ва АКШда анъанавий банкларни ракамли банкга транформацияси бошланди. Натижада банклар ўз филиалларини қисқартира бошлади.

Рақамли банк – Банк бизнесидаги янги модель. Интернет технологияларга

асосланган холда масофадан банк хизматларини мижозларга етказиб бериш тушунилади.

**Рақамли банкка ўтиш - банк бозорида рақобатдош бўлиш ва самарага эришиш учун қуйдагилар талаб этилади:**

**Мижоз учун ишлаш**

- Мижоз тўғрисида барча маълумотларга эга бўлиш (“золотая запись”)
- Мижоз харакатларини ва тарихини тахлил қилиш
- Ўз фокусини юқори технологияларга йўналтириш

**Рақамли хизматларни кўрсатиш:**

- “Қийин” махсулотлар бўйича ягона дарча
- Товар ва хизматлар учун Маркетплейс
- Роботизацияни жорий этиш

**Офисларда хизмат кўрсатишдан рақамли каналларга ўтиш**

- Сайт ва мобил иловалар
- Талабларни олдиндан била олиш
- Бир нечта турли хил тизимларни, хизмат каналларини ёки коммуникацияларни ягона ойна (дарчада, хавола, тугмача) орқали тақдим этиш (Омниканальность) принципларини жорий этиш

**Онлайн тахлил ва ўзини ўзи ўқитувчи технологияларни (искусственный интеллект) жорий этиш**

- Нейрон тизимлардан фойдаланиш
- Очиқ маълумотлар базаларидан фойдаланиш
- Big Data тахлили асосида прогнозлаштириш

Ижтимоий тармоқларда актив позицияга эга бўлиш, рақамли маркетинг инструментларидан фаол фойдаланиш – рақамли банкнинг харакатлантирувчи воситаси ҳисобланади. Чунки рақамли банкнинг асосий истеъмолчилари интернет тармоғини фаол фойдаланувчиларидур.

**Ижтимоий тармоқларнинг рақамли банкни ривожлантиришдаги ахамияти қуйдагилардан иборат:**

1. Банк махсулотлари ва хизматлари тўғрисидаги маълумотларни тез тарқалишига олиб келади;
2. Банкнинг молиявий маслахатчи сифатида роли ортиб боради;
3. Ахолининг молиявий саводхонлигини тез ривожланади;
4. Ижтимоий тармоқларда фойдаланувчилар ўртасида ўзаро таклиф ва тавсияларга ишонч ортиб боради;
5. Ижтимоий тармоқда банк фойдаланувчилар билан хамкорликда хеч қандай коррупциясиз мулоқот қилиш майдони юзага келади. Улар билан фақат сотиш эмас балки таклиф ва тавсияларга асосланган муносабат ўрнатилади. Бунинг натижасида фойдаланувчилар – потенциал мижозлар ўртасида банкга нисбатан ишонч пайдо бўлади, банк промоуторлари сони ортади.

Рақамли технологиялар даврида мижозларни жалб қилиш ва банк имиджини оширишнинг энг самарали воситаси – бу банкнинг ижтимоий тармоқлардаги фаоллигини ошириш ва ривожлантиришидир.

**Ўзбекистонда рақамли банк жорий қилишдаги муаммолар:**

1. Жисмоний шахслар ва ЯТТлар учун ягона идентификация тизимининг мавжуд эмаслиги;

2. Банк махсулот ва хизматларини масофадан сотиш имконини беришга тўскинлик килувчи норматив хужжатларнинг мавжудлиги;

3. Бизнес жараёнларнинг тўлиқ автоматлашмаганлиги;

4. Скоринг тизимининг мавжуд эмаслиги;

5. Мажбурий ташқи тизимлар (НИКИ, гаров реести ва бошқалар) билан интеграция йўлга қўйилмаганлиги;

6. ЕОПЦ билан маълумотлар алмашишдаги муаммолар.

**Рақамли банкингни жорий қилишда амалга ошириш лозим бўлган ишлар:**

1. Чакана банк махсулот ва хизматларини стандартлаштириш. Барча худудларда ягона тариф сиёсатини юритиш.

2. Банкни ижтимоий тармоқлардаги фаоллигини ошириш.

3. Интернет маркетинг (SMM) командасини ташкил қилиш.

4. Банк сайтида белгиланган махсулот ва хизматлар учун онлайн заявкаларни амалиётга жорий қилиш.

5. Масофадан банк махсулотларини сотиш ва ривожлантириш командасини ташкил қилиш.

6. Мижозларни сегментларга ажратиш ва хизмат кўрсатиш моделини ишлаб чиқиш.

7. Масофавий сотиш каналлари: веб-сайт, мобиль банкинг, ижтимоий тармоқлар, колл центр функционалларини қайта кўриб чиқиш ва ривожлантириш. CRM билан интеграция қилиш.

8. Масофадан банк хизматларини кўрсатиш тизимлари (мобил ва интернет банкинг) тизимларини такомиллаштириш.

**Адабиётлар рўйҳати:**

1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги "2022 -2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги ПФ-60 сонли Фармони.

2.Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. - Тошкент: "Ўзбекистон" НМИУ, 2017. - 488 б.

***Ибрагимова М.*** *– СамДАҚУ, талаби*
***Эркинова М.*** *– СамДАҚУ, талаба*

## ТАҚҚОСЛАНМА ЁНДОШУВ АСОСИДА БИЗНЕС (КОРХОНА) ҚИЙМАТИНИ АНИҚЛАШНИНГ АМАЛИЙ МАСАЛАЛАРИ

Қиёсий ёндашув ўхшаш корхоналар ёки улардаги мулк улушларининг сотув нархлари таҳлилига асосланади. Қиёсий ёндашув доирасида капитал бозори усулидан ва битимлар усулидан фойдаланганда баҳоловчи камида учта ўхшаш корхонани танлаб олиши лозим. Таққослаш учун ўхшаш корхоналарни

танлашда қиёсийлик мезонлари таркиби баҳолаш шартлари ва зарурий ахборот мавжудлиги билан белгиланади.

Қуйидагилар баҳоловчи ҳисобга олиши лозим бўлган асосий мезонлар ҳисобланади:

баҳолаш объекти ва ўхшаш корхоналар бир тармоққа мансублиги;

миқдор жиҳатидан қиёсийлик, сотувлар ҳажми, активлар жами қиймати, бозорга оид капиталлаштириш ва бошқа кўрсаткичларда ифодаланиши мумкин;

даромадларнинг ўсиш суръатлари жиҳатидан қиёсийлик.

Баҳолаш объектининг бозор қийматини қиёсий ёндашув усуллари билан аниқлаш учун қуйидаги формула бўйича ҳисобланадиган мультипликаторлар қўлланилади:

$$M = \frac{H}{K}$$ , бу ерда:

М – мультипликатор;

Н – ўхшаш корхонанинг сотув нархи (ёки қийматни белгиловчи ўзга асос);

К – корхона фаолиятини тавсифлайдиган молиявий, ишлаб чиқаришга оид ёки моддий кўрсаткич. Тегишинча, баҳолаш объектининг нархи молиявий кўрсаткични тегишли мультипликаторга кўпайтириш йўли билан аниқланиши мумкин:

**Н = М * К**

Мультипликаторлар умуман корхона бўйича ёки бир акцияга нисбатан ҳисобланиши мумкин.

Бизнесни баҳолашда мультипликаторларнинг қуйидаги асосий турларидан фойдаланилади:

нарх/даромад (фойда, пул оқими);

нарх/дивидендлар. Бу мультипликатор амалда тўланган дивидендлар асосида ёки бундай тўловларга хос бўлган ўхшаш корхоналар бўйича соф фойдага нисбатан фоиз ҳисобида ўлчанадиган эҳтимол тутилган дивиденд тўловлари асосида ҳисобланади;

нарх/реализациядан келган тушум;

нарх/ишлаб чиқариш физик ҳажми;

нарх/хусусий капитал (соф активлар)нинг баланс қиймати.

Баҳолаш объекти ва ўхшаш корхоналарнинг хусусиятларига қараб баҳоловчи бошқа турдаги мультипликаторларни қўллаши ҳам мумкин.

Баҳолаш объектини баҳолаш учун ўринли бўлган мультипликаторларнинг танланишини асослаш ва ҳисоблаш таомилининг тавсифи баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда келтирилиши лозим.

Баҳолаш объектининг бозор қиймати қиёсий ёндашув ёрдамида мультипликаторларнинг танланган қийматларини баҳолаш объектининг тегишли молиявий ёки бошқа кўрсаткичларига кўпайтириш орқали олинган натижаларни мувофиқлаштириш ва якуний тузатишлар киритиш йўли билан аниқланади:

агар қийматни белгиловчи асос сифатида инвестицияланган капитал қиймати олинган бўлса, узоқ муддатли қарзлар айириб ташланади;

хусусий айланма капиталнинг тақчиллиги айириб ташланади (ортиқча айланма капитал қўшилади);даромадни шакллантиришда ишга солинмаган активларнинг (агар улар мавжуд бўлса) бозор қиймати қўшилади;

одатдаги харидор учун жалб қилувчан бўлмаган ишлаб чиқариш диверсификацияси мавжуд бўлса, пул оқимртфелли чегирма айириб ташланади;

ёпиқ корхона акциялари фонд бозорида котировка қилинадиган ўхшаш корхоналар бўйича баҳоланган ҳолда, ликвидлик учун чегирма айириб ташланади;

мулкнинг баҳоланаётган улуши унинг ўхшашлари билан таққослаганда берадиган назорат қилиш имконияти даражасига қараб, назоратнинг йўқлиги учун чегирма айириб ташланади ёки назорат учун мукофот қўшилади.

«Қурилишресурс» МЧЖ қийматини таққосланма ёндошув асосида аниқлаш учун учта ўхшаш объект танлаб олинди, уларнинг ҳар бири бахоланаётган корхонага максимал яқиндир. Яъни - «Инфрастрой» МЧЖ, «Альтера» МЧЖ, «Стройсервис» МЧЖ.

**Жадвал 1**

**Таққосланма ёндошувда ўхшаш объектлар классификацияси**

| **Тавсифноманинг номланиши** | **1 ўхшаш** | **2 ўхшаш** | **3 ўхшаш** | **Бахоланаётган объект** |
|---|---|---|---|---|
| Корхонанинг номланиши | МЧЖ «Инфрастрой» | МЧЖ «Альтера» | МЧЖ «Стройсервис» | МЧЖ «Қурилишресурс» |
| Тушум, минг сўм. | 22500 | 18000 | 25300 | 24 875 |
| Соф фойда, минг сўм | 1450 | 1230 | 1690 | 1074 |
| Жойлашиши | Марказ | Марказ | Марказ атрофи | Саноат зонаси |
| Бахолаш муддати | Декабрь 2021 й. | Декабрь 2021 й. | Декабрь 2021 й | Декабрь 2021 й. |
| Корхонанинг қиймати, минг сўм | 13500 | 10700 | 15000 | |

Ҳар бир корхона учун қуйидаги формула ёрдамида мультипликаторни хисоблаймиз:

$$\mathbf{М = Q / СФ,}$$

Буерда, М – мультипликатор,

Q – корхона қиймати,

СФ – соф фойда.

$$М_1 = 15\,000 / 1\,690 = 8{,}9$$
$$М_2 = 10\,700 / 1\,230 = 8{,}6$$
$$М_3 = 13\,500 / 1\,450 = 9{,}3$$

Ўртача арифметик мультипликаторни хисоблаймиз:

$$М = \frac{8{,}9 + 8.6 + 9.3}{3} = 9.0$$

Корхона қийматини қуйидаги формула билан хисоблаймиз:

**Нарх = ЧП * М**

**Нарх = 1 074 357 * 9,0 = 9 669 213 минг сўм**

Корхонанинг бозор қиймати таққосланма ёндошув бўйича 9 669 213 минг сўмни ташкил этди.

**Фойдаланилган адабиётлар**

1. «Оценка бизнеса»: Учебник под ред. А.Г. Грязновой, М.А. Федотовой -М.: «Фиргансы и статистика», 2010.-736с.
2. «Оценка бизнеса»: Учебник для вузов под ред. В. Есипова, Г. Маховиковой, В.Тереховой - С-П.: «Питер», 2013-415с.
3. «Оценка стоимости предприятия (бизнеса)»: Учебник под ред.Н.А. Абдуллаева, Н.А. Колайко М.: «ЭКМОС», 2010-662с.
4. «Международные стандарты оценки» под ред. Г.И.Микерина, М.И.Недужной, Н.В.Павлова, Н.Н.Яшина- М.: «Новости», 2009г.кн.1-248с,кн.2-357с.
5. «Оценка недвижимости»: Учебник под ред. А.Г.Грязновой, М.А.Федотовой.-М.: Финансы и статистика,2012.-496с.
6. «Финансовый анализ в аудите: Теория и практика».: под ред. Нитецкого В.В., Гаврилова А.А..-М.:Дело, 2010.



***Собиров И.Х.** – ТДИУ, в.б. доц., и.ф.н.*

***Муродов Ш.** – ТДИУ, магистриант*


# РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТГА ЎТИШДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ТЎЛОВ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Рақамли иқтисодиётга ўтиш барча давлатлар ва албатта хўжалик юритувчи субъектлар учун кечиктириб бўлмайдиган, ўта долзарб масала бўлиб қолмоқда. Илмий адабиётларда ва матбуот саҳифаларида рақамли иқтисодиётга кўплаб таърифлар берилган, жумладан, хорижий манбаларда рақамли иқтисодиётга рақамли ахборот технологиялари ва иқтисодий агентлар ўртасидаги ўзаро боғланиш деб, бошқаларида эса уни хўжалик субъектларининг интернет билан боғланган ҳолдаги иқтисодий ривожланиш натижаси деб, айримларида рақамли технологиялар ва тегишли маҳсулотлар ва хизматларни яратиш, тарқатиш ва улардан фойдаланиш бўйича фаолият, деган, таърифлар мавжуд.

Рақамли иқтисодиётга берилган бошқа таърифларни ҳам келтириш мумкин. Дарҳақиқат, рақамли иқтисодиётга берилган бу каби таърифлар унинг моҳиятини тўғри ифодалаб беради, чунки рақамли иқтисодиётга технологиялар ва иқтисодий агентлар ёки интернет билан боғланган ривожланиш жараёни сифатида қараш ўринли, аммо унчалик етарли эмас, чунки рақамли иқтисодиёт, аввало рақамли ахборот технологияларининг ривожланиши ва барча давлатлар ижтимоий-иқтисодий йўналишлари тараққиётини таъминлаш билан боғланган. Шу сабабдан рақамли иқтисодиётга ҳар бир мамлакат миллий иқтисодиётининг барча тармоқларига ва ижтимоий ҳаётининг турли жабҳаларига замонавий ахборот технологиялари ютуқларини жорий қилиш ва ундан унумли фойдаланиш натижасида иқтисодий-ижтимоий тараққиётни таъминлаш, деб таъриф берилса янада тўлароқ бўлар эди, деб ҳисоблаймиз.

Рақамли иқтисодиёт ахборот технологиялари билан боғланган электрон тижорат, товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш соҳалари билангина

чекланиб қолмасдан, шу билан бирга, миллий иқтисодиётнинг соғликни сақлаш, фан ва таълим, қурилиш, энергетика, қишлоқ ва сув хўжалиги, транспорт, геология, кадастр, архив, интернетбанкинг каби тармоқларига, ижтимоий ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳаларига ҳам жадал кириб бормоқда ва уларнинг ҳар бирида юқори самара бериши таъминланмоқда.

Рақамли иқтисодиётнинг дастлабки пойдевори ахборот технологиялари ҳисобланади. Уни рақамли ахборот технологиялари, деб аташса тўғрироқ бўлар эди, чунки ахборот технологияларининг асосида тегишли рақамлар ётади. Уларнинг эволюцияси бир неча босқичларга бўлинади ва ўзига хос хусусиятларга эга. Шубҳасиз, рақамли ахборот технологияларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши жамият тараққиётининг талабидан келиб чиққан обьектив жараёндир. Бугунги кунда рақамли ахборот технологияларини тарғиб қилишнинг асосий мақсади ҳар қандай стратегик вазифаларни ҳал этишга, ижтимоий-иқтисодий жараёнларни оптимал бошқаришни амалга ошириш бўйича қарорлар қабул қилишга имкон берадиган даражадаги ахборот технологиялари тизимини яратишдир. Бу эса рақамли иқтисодиётнинг ривожланишига ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмайди. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, шахсий компьютерларнинг пайдо бўлиши рақамли ахборот технологияларини ривожлантиришда муҳим босқич бўлди.

Янги ахборот технологиялари тизимларини яратиш ва ундан фойдаланиш - бу мавжуд эҳтиёжларни қондириш имкониятидир. Бундай ҳолатда барча фойдаланувчилар рақамли ахборот технологияларини илгари суришда фаол иштирок этадилар.

Бугунга келиб рақамли ахборот технологиялари ахборотларни оммавий ва тезкор ишлов беришга йўналтирилган. Улар раҳбарларнинг оқилона қарорлар қабул қилишига, ўзгарувчан бозорнинг мумкин бўлган кутилмаган ҳодисаларидан ҳимояланишига, рақобатбардошликни таъминлаш учун керакли шарт-шароитлар яратиб, натижада муваффақиятга эришишларига ёрдам беришлари керак. Ҳозирги даврда рақамли ахборот технологияларини ривожлантиришнинг энг машҳур ва кенг тарқалган технологик воситалари “Интернет” ҳисобланади.

Жаҳонда ахборот технологияларининг узоқ вақт давомида тарқалиши мамлакатлар миллий иқтисодиётининг ривожланиш йўлларини белгилаб берди, инсонлар ҳаётидаги туб ўзгаришларга сабаб бўлди ва фанда рақамли иқтисодиёт терминининг пайдо бўлишига тамал тошини қўйди. Бу ҳар бир мамлакат миллий иқтисодиётини оптимал даражада ривожлантириш ва шу орқали халқнинг моддий фаровонлигини таъминлашдан иборатдир.

Миллий иқтисодиёт тармоқларида ва ижтимоий соҳанинг барча жабҳаларида рақамли ахборот технологияларини жадал суръатлар билан жорий этиш барча мамлакатлар учун устувор масаладир. Материаллар ва усуллар. Бугун жадаллик билан кечаётган рақамлашув жараёни «янги иқтисодиёт»ни, яъни рақамли иқтисодиётни вужудга келтирди. Кам ўрганилган ва кун сайин чуқур томир отиб бораётган бу иқтисодиёт ишлаб чиқарувчиларга тадбиркорликда ва ижтимоий соҳаларда самарали маркетинг фаолиятини

уюштириш, харажатларни минимал миқдорда камайтириб, максимал фойда олиш, товарларни сотиш ва хизматлар кўрсатишни муваффакиятли амалга оширишга катта имкониятлар яратиб бермоқда.

Кейинги йилларда дунё миқиёсида тадбиркорлик ва бошқа ижтимоий-иқтисодий фаолиятда рақамли ахборот технологияларининг янги авлоди пайдо бўлиб, уларнинг ривожланиш кўлами туфайли фанда “сунъий интеллект”, “робототехника”, “нарсаларнинг интернети”, “симсиз технологиялар” ва бошқа терминлар пайдо бўлди. Буларнинг барчаси рақамли иқтисодиётнинг элементларидир.

Ҳисоб-китобларга кўра рақамли иқтисодиётга ўтиш мамлакат миллий иқтисодиётида фаолият олиб бораётган фирмалардаги меҳнат унумдорлигини, уларнинг иш самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқаришда ўсиш, фаолият шаффофлигини таъминлаш, маҳсулот мутлоқ миқдорининг ўсиши ва унинг таннархини кескин камайтириш имконини беради. Бу унинг энг катта устунлик томонидир.

Рақамли иқтисодиёт воситасида истеъмолчи, харидор ва мижозларга сифатли хизмат кўрсатилади ва бошқа бир қатор қўлайликлар яратилади. Бу вактингиз тиғиз пайтида тушликка буюртма бериш, такси чақиртириш, узокдаги якинингизга пул жўнатиш, трансчегаравий бизнес ҳамкорлик, электрон тижорат майдони, масофавий офис кабиларни ҳам қамраб олмоқда.

Рақамли технологияларни жорий қилиш ва уни жадал суръатларда ривожлантириш қатор давлатлар учун устувор йўналишларнинг энг асосийсига айланиб улгурди. Улар рақамли ривожланишни амалга ошириш даврининг узоқ давом этиши, устуворликларнинг узлуксизлиги, асосий ахборот-коммуникация технологияларини яратишдан бошлаб, ушбу соҳада мақбул сиёсатни шакллантиришга ва рақамли технологияларни кенг жорий этиш дастурларини қўллаб-қувватлаши билан ажралиб туради.

Юртбошимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаб ўтганидек, иқтисодий ўсишни юқори даражада таъминлаган ҳолда коррупция иллатининг олдини олади ва унга барҳам беради. Иқтисодчи олимлар томонидан 2025 йилга келиб дунё ялпи ички маҳсўлотининг қарийб ярми рақамли иқтисодиёт ҳиссасига тўғри келиши башорат қилинаётган бир шароитда янги иқтисодиётни ривожлантириш зарурияти янада долзарб тус олади.

Айрим манбаларда иқтисодий ривожлантиришда дунёда етакчилик қилиб келаётган давлатлардан бири бўлмиш Англияда рақамли иқтисодиётнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 12 фоизни ташкил қилгани ҳолда, мамлакатимизда бу кўрсаткич 2020 йилда 8 фоизни ташкил қилган, холос. Юртимизда 2025 йилга келиб, бу кўрсаткични 3 мартага ошириш кўзда тутилган. Дунёнинг кўпчилик тараққий этган давлатлари рақамли иқтисодиёт асосида ривожланаётган бир пайтда мамлакатимиз миллий иқтисодиёти барча тармоқ ва соҳаларини рақамлаштириш - жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашув, дунё бозорида ўз ўрнига эга бўлиш, иқтисодий баркарорликни таъминлаш, самарадорликка эришиш ва фуқароларимизга етарли қулайликлар яратиб беришнинг асосий шартидир.

Мамлакатимизда 2020 йилни «Илм - фан, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили» деб эълон қилиниши натижасида банкларни рақамлаштиришда катта ютуқларга эришилди. Шу йилнинг ўзида банк тизимини тўлиқ рақамлаштириш белгиланди. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини барча манфаатдор вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига кўриб чиқиш, электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда келишиш (виза қўйиш) учун ягона электрон тизим- «project.gov.uz» жороий этилди.

Юртимизда интернет тизимини кенг жорий қилиш негизида рақамли иқтисодиётга ўтишда жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат органлари билан алоқа қилиш шаклларини янада ривожлантириш юзасидан «Ягона интерактив давлат хизматлари» портали янги версиясининг, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чикиши учун виртуал қабулхонаси – «business.gov.uz» порталининг ишга тушурилиши муҳим тадбирларнинг бошланиши, деб қаралиши мумкин.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги ахборот хизмати берган маълумотларга кўра, телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш йўналишида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилган, жумладан, республика бўйича 237 та объектда магистрал телекоммуникация тармоқлари кенгайтирилиб, уларнинг ускуналари модернизация қилиниб, магистрал телекоммуникация тармоқлари ўтказувчанлик қобилияти вилоятлараро даражада 200 Г бит с.га, туманлараро даражада эса 40 Гбит с.га етказилди. Бироқ буларнинг барчаси етарли, деган хулосани бермайди. Демак, мамлакатимизда рақамли иқтисодиётга ўтиш борасида айрим ижобий силжишлар билан бирга ечимини кутаётган масалалар ҳам етарлича.

Президентимиз таъкидлаганидек, «Юртимиз халқаро ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш индекси бўйича 2019 йилда 8 поғонага кўтарилган бўлсада, ҳали жуда ҳам орқадамиз. Аксарият вазирлик ва идоралар, корхоналар рақамли технологиялардан мутлақо йироқ десак, бу ҳам ҳақиқат». Эътиборлиси, мамлакатимизда терминал орқали тўловлар сонини ошириб боришга кенг имкониятлар яратилмокда. Бу борада шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон интернет тезлиги бўйича Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларидаги ўртача кўрсаткичдан икки баробар пастдир.

***Хулосалар:***Тадбиркорлар мана шу жиҳатни инобатга олган ҳолда дунёга машҳур «бизнес бизнес учун» эмас, «бизнес истеъмолчи учун тамойили асосида ўз фаолиятини ташкил этиши мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, узоқ вақт давомида бюджет ташкилотларида техник ходим ҳисобланган ахборот технологиялари мутахассисларига юқори маош берилмагани ҳам рақамли иқтисодиётни жорий этишдаги муаммо бўлган. Сабаби, малакали дастурчилар бу лавозимда узоқ қолмаган. Улар халқаро ташкилотлар, қўшма корхоналар, чет эллик буюртмачилар учун ишлашни маъқул кўрган. Эндиликда уларга устама бериш механизми жорий этилган. Демак, мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни кенг жорий қилишдаги

муаммолар етарли. Буларнинг ечимида шу йилнинг октябр ойида Президент Фармони билан тасдиқланган “Рақамли Ўзбекистон – 2030” Дастурининг қабул қилиниши дастурил амал бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**


1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга мурожаатномаси.//Халқ сўзи, 2020 йил 25 январь, 19-сони.
2. Уткин В.Б.,Балдин К.В. Иқтисодиётда ахборот тизимлари ва технологиялари.-Ўқув қўлланма (рус тилида).- М.: УНИТИ, 2008.
3. Лойко В.И., Луценко Е.В., Орлов А.И. Современная цифровая экономика.- Краснодар, КубГАУ, 2018.
4. Жуманова С. Рақамли иқтисодиёт: тараққиёт сари йўл.//Янги Ўзбекистон, 2020 йил 28 январь, 2-сони



***Рахмонов Н.М.*** *- Банк-молия академияси,декан ўринбосари*


## ФУҚАРОЛАРНИНГ ПЕНСИЯ МИҚДОРИНИ ҲИСОБЛАШДА ҲИСОБГА ОЛИНАДИГАН ИШ СТАЖИ МУДДАТЛАРИНИ АҲАМИЯТИ

Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонунига кўра, етарлича иш стажига эга бўлган фуқаролар ва уларнинг оилалари қариганда, меҳнат қобилиятини тўлиқ ёки қисман йўқотганда, боқувчисиз қолганда пенсия олиш ҳуқуқига эгадирлар. Ушбу қонун асосида уларни ҳар бирларига меҳнат фаолияти давомийлиги бўйича пенсия ёшига етганда пенсия миқдорлари ҳисоблаб чиқилади. Ўз навбатида пенсия миқдорларини ҳисоблаб чиқишда меҳнат фаолиятининг даврийлиги муҳим аҳамият касб этади. Бунда фуқароларнинг пенсия олиш ҳуқуқи пайдо бўлиши билан, улар томонидан танланган пенсия тури бўйича иш пенсияларни қайси турини танлашига қараб иш стажи миқдори талаб этилади. Яъни:

1. Ёшга доир пенсияси. Бунда эркаклар 60 ёшга тўлганда, 25 йил иш стажи талаб этилса, аёллар 55 ёшга тўлганда 20 йил иш стажи талаб этилади (иш стажи тўлиқ бўлмаганда, тўлиқсиз ҳолда ҳам пенсия тайинланиш мумкин, бунда энг кам иш стажи миқдори 7 йилни ташкил этади)

2. Ногиронлик пенсияси. Ногиронлик пенсиялари қонун хужжатларида белгиланган тартибда ТМЕК томонидан I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахс деб топилган фуқароларга ҳисоблаб чиқилади. Бунда ёшдан келиб чиққан, ҳолда 2 йилдан 20 йилгача иш стажлари талаб этилиши мумкин бўлади.

3. Боқувчисини йўқотганлик пенсияси. Бунда вафот этган боқувчининг қарамоғида бўлган меҳнатга қобилятсиз оила аъзолари боқувчисини йўқотганлик пенсияси олиш ҳуқиға эга бўлади. Пенсия ёшига етиб, зарурий иш стажига эга бўлмаган тақдирда, лекин камида 7 йиллик иш стажи мавжуд бўлса, бор стажига мутаносиб равишда тўлиқсиз миқдорда ҳисоблаб чиқарилиши мумкин. Иш стажига эга бўлмаган фуқаролар ва уларнинг оила аъзолари учун

пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлмайдилар, уларнинг ижтимоий таъминоти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 апрелдаги 107-сон қарори билан тасдиқланган “ Пенсия тайинлаш учун зарур бўлган иш стажига эга бўлмаган қарияларга ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги низом билан тартибга солинади.

| **Ёш** | **Иш стажи** |
|---|---|
| 23 ёшга қадар | 2 |
| 23 ёшдан 26 ёшга қадар | 3 |
| 26 ёшдан 31 ёшга қадар | 5 |
| 31 ёшдан 36 ёшга қадар | 7 |
| 36 ёшдан 41 ёшга қадар | 9 |
| 41 ёшдан 46 ёшга қадар | 11 |
| 46 ёшдан 51 ёшга қадар | 14 |
| 51 ёшдан 56 ёшга қадар | 17 |
| 56 ёш ва ундан ошганда | 20 |

Пенсия миқдори иш стажининг муддатига боғлиқ бўлиб, қуйидагилардан таркиб топади:

❖ пенсиянинг таянч миқдори
❖ иш стажи учун пенсиянинг оширилиши
❖ пенсияга қўшиладиган устама ҳақлардан

Пенсия миқдорини ҳисоблашда охирги **ўн йиллик меҳнат фаолияти давомидаги исталган кетма-кет беш йил учун** (пенсия тайинлашни сўраб мурожаат этган кишининг танлови бўйича) ойлик иш ҳақи олинади.

Пенсиянинг таянч миқдорини келтириб чиқаришда ўртача ойлик иш ҳақининг энг юқори чегараси пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг 10 баробари миқдоридан ошиб кетмаган ҳолда олиниб, шундан 55 фоизини ташкил этади.

Талаб этилган умумий стаждан келиб чиқиб, ҳар бир ортиқча бажарилган иш стажи учун қонунчиликда белгиланган тартибда 1 фоиздан қўшимча пенсиялари оширилади.

Бундан ташқари, пенсияларга қуйидаги тартибларда устама ҳақлар қўшиб берилиши мумкин. I ва II гуруҳ уруш ногиронларига, кўзи ожизлик бўйича I гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга, II гуруҳ ёлғиз ногиронлиги бўлган шахсларга, уруш қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахсларга, I гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга, II гуруҳ ёлғиз ногиронлиги бўлган шахсларга, 1941 — 1945-йиллардаги уруш даврида мамлакат ичкарисида ишлаган ва ҳарбий мажбуриятни бажарган шахсларга, вафоти ҳарбий хизмат ёки ички ишлар органларидаги, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясидаги хизмат мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ бўлган ҳарбий хизматчиларнинг ҳамда ички ишлар органлари, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ходимларининг ота-оналарига ва янги никоҳдан ўтмаган бева хотинларига (бева эрларига), Ўзбекистон Республикаси олдида алоҳида хизматлари бўлган шахсларга, ёшидан қатъи назар имтиёзли пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга бўлган артистларга ҳамда театр-концерт ташкилотлари артистлари ва бадиий

ходимларига, театр ва мусиқа санъати ижодий ходимлари тайёрловчи ўқув муассасаларининг профессор-ўқитувчилари ва концертмейстерларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган рўйхатга кўра пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг 30 фоизидан 150 фоизгача тегишли тартибда устама ҳақлар қўшиб берилиши мумкин бўлади. Қолаверса, 100 ёшга тўлган ва ундан ошган фуқаролар пенсиясига базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 фоизи миқдорида ҳар ойлик қўшимча тўлов қўшилади.

Ҳулоса қилиб айтганда, меҳнат фаолияти давомида пенсияга чиққунга қадар узоқ муддат фаолият олиб борилса, пенсия миқдорининг талаб этилган иш стажи хажмини бажарилишига ва қўшимча стаж учун фоиз ҳисобланишига ҳамда умумий пенсия миқдорининг ортишига олиб келиши мумкин бўлади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**


1. “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Тошкент ш.,1993 йил 3 сентябрь,938-XII-сон.
2. Рустамов Д. (2018) “Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида пенсия тизимини такомиллаштириш йўналишлари”: Монография. Тошкент.
3. Global Pension Assets Study - 2021. Table 1. Assets in pension funds and all retirement vehicles in 2020 (preliminary). 2021 Thinking Ahead Institute. All rights reserved.
4. http://www.pfru.uz.
5. http://www.world-pensions.org.



***Зулфикаров Ф.** – ОБМ тингловчи*


## XORIJIY MAMLAKATLARDA G’AZNACHILIK FAOLIYATINI TASHKIL ETISH ASOSLARI

Agar tarixga nazar solsak, ilgari moliyaviy resurslarni boshqarish davlatlarning g’azna va g’aznachilik ishlari bilan shug’ullanuvchi maxsus xodimga yuklatilgan. Uning majburiyatlariga davlat g’aznasiga moliyaviy resurslar tushishini va ularning sarflanishi ustidan ma’lum darajada nazorat o’rnatish kiritilgan. Tor ma’noda esa “g’azna” pul tushadigan va aniq maqsadlar uchun to’lov o’tkaziladigan, ya’ni mas’ul mansabdor shaxslar pulni saqlaydigan joy degan tushunchani anglatgan.

Amerika Qo’shma Shtatlari g'aznachiligining tarixi rasmiy tashkil etilishidan 100 yil oldin boshlangan. Ma'lumki, 17-asrda Amerika ingliz mustamlakasi davrida bo'lgan. Angliya barcha ishlab chiqarilgan mahsulotlari (metall tugmachalardan tortib baliq ovlash kemalarigacha), xom ashyo va qishloq xo'jaligi tovarlarini koloniyalarga olib kiriladigan sxemalarni amalga oshirish orqali Amerika koloniyalarining iqtisodiy operatsiyalari ustidan to'liq nazoratni o'rnatishga harakat qildi. Ingliz tadbirkorlari, shuningdek, ingliz hukumati koloniyalarda sanoatni rivojlantirishdan juda manfaatdor emas edilar. Barcha koloniyalar Angliyadan boshqarilgan, qirol shaxsan o’zi gubernatorlarni tayinlagan, ularning qo'lida barcha sud, ijro etuvchi va yuqori hokimiyat to'plangan. 1652 yil may oyida sud qarori bilan Massachusets shtatining

Boston shahrida faqat tanga ishlab chiqarishga ixtisoslashgan yagona mustamlaka zarbxonasi tashkil etildi. 38 yildan so'ng, 1690 yil fevralda Angliya hukumatining qarori bilan Massachusets koloniyasi Amerikada birinchi marta qog'oz pullarni muomalaga chiqardi. 1774 yil sentyabr oyida bo'lib o'tgan mustaqil kontinental Kongressning birinchi yig'ilishi AQSh g'aznachiligining shakllanishiga yaqinlashtirgan bir qator voqealar bo'lishiga sabab bo'ldi. Birinchi qadam 1775 yilda 2 million dollar miqdorida qit'a valyutasini ishlab chiqarilishi edi. Kongressning Amerika tarixidagi muhim qadamlaridan biri 1776 yil 4-iyulda Mustaqillik deklaratsiyasini tasdiqlash edi. 1778 yil sentyabr oyida Kongress moliya qo'mitasi tomonidan birinchi milliy byudjetni e'lon qilindi. Voqealar shov-shuvida Angliyaga qarshi inqilobiy urushni moliyalashtirish to'g'risida keskin savol tug'ildi, lekin o'sha vaqtlarda kontinental Kongress soliqlarni belgilash va yig'ish vakolatiga ega emas edi, xorijiy investorlarning mablag'larini jalb qilish va ularni qaytarish uchun esa moddiy asoslar yo'q edi. Shundan so'ng 11 yil davomida moliya tizimi bir qator o'zgarishlar va yangiliklarni boshdan kechirdi, bular jumlasiga, AQSh valyutasi sifatida dollarni tanlashi; Kongress tomonidan Moliya menejerining ofisini (Moliya Superintendent ofisi) tayinlashi, so'ngra uning barcha vakolatlarini uch kishidan iborat bo'lgan g'aznachilik palatasiga (xazina Kengashi) topshirishi va qo'shma shtatlarning birinchi Prezidentining inauguratsiyasi sanab o'tish mumkin.

Amerika Qo'shma Shtatlari G'aznachiligining tashkil etilishi 1789 yil 2 sentyabrda, Prezident Jorj Vashington Kongressning Federal hukumatdagi ikkinchi eng qadimgi bo'lim bo'lgan G'aznachilik departamentini tashkil etish taklifini ma'qullagan vohtga to'g'ri kelgan. Kongressning g'aznachilik tashkil etish to'g'risidagi qonuni (Kongressning xazina bo'limini tashkil etish to'g'risidagi Qonuni) sakkizta bo'limni o'z ichiga oladi. Birinchi bo'limda shunday deyilgan:"Kongressga yig'ilgan Amerika Qo'shma Shtatlari Senati va vakillar palatasi tomonidan qabul qilingan holda, quyidagi xodimlar bo'lgan G'aznachilik bo'lsin, ya'ni bosh hisoblangan G'aznachilik kotibi, auditor, nazoratchi, xazinachi, ro'yxatga oluvchi, kotibning yordamchisi hamda kotib aytganidek tayinlanadi. Boshqa etti bo'limda har bir G'aznachilik xodimining vazifalari, funktsiyalari va vazifalari tasvirlangan. 1789 yil 11 sentyabrda Aleksandr Xemilton G'aznachilikning birinchi kotibi sifatida qasamyod qabul qildi. Qonunning ikkinchi qismida shunday deyilgan: "Kotibning bundan keyin vazifasi quyidagicha: yillik daromadni yaxshilash va boshqarish rejalarini tayyorlash; davlat daromadlari va xarajatlari to'g'risida hisobot tayyorlash; yillik daromad yig'ilishini nazorat qilish; buxgalteriya shakllari va hisoblarning holati to'g'risida qaror qabul qilish; tasdiqlangan va tasdiqlangan cheklovlar bilan subsidiyalar berish; qo'shma shtatlarga tegishli bo'lgan er uchastkalarini sotish bo'yicha xizmatni qonun talab qilganidek bajarish. Shuningdek, qonun chiqaruvchi hokimiyatning har bir tuzilmasiga shaxsan yoki yozma ravishda (talab qilinganidek) hisobot berish va ma'lumot berish va boshqa vazifalardir".

1790 yil yanvar oyida Xemilton davlat krediti mavzusida birinchi hisobotini taqdim etdi. Ko'pgina qonunchilarni va hatto ularning g'azabini hayratda qoldirgan Xemilton (hukumat) urush yillarida to'plangan Shtatlarning qarzlarini to'lash uchun javobgarlikni o'z zimmasiga olishni taklif qildi, ularning umumiy qiymati 75 million

dollardan oshdi. Uning taklifi bilan " Amerika Qo'shma Shtatlarining qarzi... - ozodlik narxi " u ko'pchilikni qarzni to'lashdan keyingina yangi hukumatga ishonchni ta'minlash mumkinligiga ishontirishga tayyor edi. 1791 yilda Pensilvaniya shtatining Filadelfiya shahrida ochilgan birinchi Amerika qo'shma Shtatlari banki Aleksandr Xemilton taxmin qilganidek tez rivojlanayotgan iqtisodiyot uchun moliyaviy asos bo'lib xizmat qila boshladi. 1795 yil yanvar oyida Xemiltonning iste'foga chiqishi bilan, G'aznachilikning birinchi kotibi lavozimini tark etgach, Amerika imperiyasi o'zining buyuk siyosatchisi, ajoyib davlat arbobi va taniqli iqtisodchisini yo'qotdi. AQSh G'aznachiligining 221 yillik faoliyati davomida 75 kishi kotib lavozimiga tayinlandi. To'rtinchi kotib Albert gallatin 1801 yildan 1814 yilgacha eng uzoq vaqt xizmat qildi. Yigirma beshinchi kotib Salmon Chase Filadelfiyadagi Zarbxona direktoriga Amerikaning mashhur "biz Xudoga ishonamiz"shiori bilan tanga yozishni boshlashni buyurdi. O'ttiz to'qqizinchi kotib Uilyam Vindov 1891 yilda nutq so'zlaganidan so'ng darhol ishda vafot etgan yagona kotibdir. 1976 yilda oltmish uchinchi kotib Uilyam Simon G'aznachilikning Sharqiy qanoti binosining birinchi qavatiga "vaqt kapsulasi" qo'ydi. Kapsül faqat 100 yildan keyin ochilishi kerak. "Vaqtinchalik kapsula" konteynerida kotib Simon va G'aznachilik byurosi direktorlarining 2076 yilda tegishli lavozimlarni egallaydigan vorislarga yozgan xatlari va murojaatlari mavjud.

Hozirda AQSh G'aznachilik departamentida har bir idora, shuningdek har bir byuroning o'z vazifasi, maqsadi bor. So'nggi 15-20 yil ichida bir nechta byurolar nisbatan yaqinda tashkil etilgan. Keling, "eng qadimgi" byurolarga to'xtalamiz.

Spirtli ichimliklar va tamaki bojlari byurosi ushbu byuro alkogol va tamaki mahsulotlarini ishlab chiqarish va tarqatish bilan bog'liq qonunlarning bajarilishi uchun javobgardir, qonunga muvofiq litsenziyalash, reklama va sotishni nazorat qiladi va o'qotar qurol va patronlarga soliq yig'ilishini nazorat qiladi. 1789 yildayoq Kongress Aleksandr Xemiltonning taklifiga binoan inqilobiy urush qarzining bir qismini qoplash uchun import qilingan alkogol mahsulotlariga boj kiritdi. Shunga ko'ra, ushbu vazifani bajarish G'aznachilikka topshirildi. 1862 yilda Kongress G'aznachilikda tamaki va alkogol mahsulotlariga boj yig'ishni o'z ichiga olgan ofis tashkil etilganligini e'lon qildi. Ilgari soliq yig'ish aholi orasida qarshilik va norozilikni keltirib chiqarganligi sababli, Kongress "soliq izolyatorlarini topish va jazolashga yordam berish uchun"uchta detektivni yollashga qaror qildi. Ikki asrlik evolyutsiyadan so'ng, alkogol va tamaki bojlari byurosi yaxshilanishda davom etmoqda, davlat manfaatlarini himoya qiladi va amerikalik iste'molchini himoya qiladi. Gravür va matbaa byurosi valyuta, rasmiy sertifikatlar va mukofotlarni ishlab chiqadi va chop etadi. 1861 yildagi fuqarolar urushi xarajatlari va mamlakatdagi inqiroz bilan bog'liq moliyaviy qiyinchiliklar AQSh hukumatini bosmaxona va matbaa byurosini tuzishga undadi. O'sha paytda hukumat qog'oz pullarni chop etish imkoniyatiga ega emas edi va 1861 yil avgustda u xususiy firmadan g'aznachilik muassasalarida tangalarga taqdim etilgandan so'ng almashtiriladigan bir qator banknotalarni chop etishni so'radi. Qog'oz varaqlari G'aznachilikka jo'natildi, u erda o'nlab xizmatchilar banknot ma'lumotlarini imzolashdi, muhrlab qo'yishdi, so'ngra banknotalarning uchlarini qo'l bilan kesib, qirqishdi. Bitta varaqda to'rtta banknot bosilgan. Keyinchalik, 1862 yilda

G'aznachilikning bosh kotibi Spenser Klark banknotalarni ajratish va qirqish uchun bug ' dvigatelidan foydalanishni boshladi. 1864 yilda Kongress 3, 5, 10, 15, 25 va 50 sentlik banknotalarni chiqarishga ruxsat berganida, Spenser Klarkga ularni ishlab chiqarish vazifasi topshirildi. Besh sentlik belgida amerikalik tadqiqotchi Uilyam Klarkning portreti bo'lishi kerak edi. Biroq, Spenser Klark uzoq vaqt ikkilanmasdan o'z portretini 5 sentlik belgi ustiga qo'ydi. Qarama-qarshilikni sezganlarida juda ko'p sonli belgilar muomalaga chiqarildi, keyin katta janjal kelib chiqdi. Shu munosabat bilan, 1866 yil aprel oyida Kongress banknotlarda faqat vafot etgan kishining portreti paydo bo'lishi mumkinligi to'g'risida qonun qabul qildi. 1864 yilda valyuta, veksellar, sertifikatlar tirajlarini chiqarishdan tashqari, byuro pasport ishlab chiqarish bilan shug'ullangan. 1877 yilda byuro qo'shma Shtatlarning barcha valyutalarini yagona ishlab chiqaruvchisi edi. 1894 yilda byuro pochta markalarini ishlab chiqarishni boshladi va u mamlakatdagi yagona pochta markalarini ishlab chiqaruvchisi edi. Bundan tashqari, byuro oq uy uchun taklifnomalar va guvohnomalarni chiqarishga mas'ul edi. Davlat qarzlari byurosi Federal hukumatning ishlashi uchun zarur bo'lgan mablag'larni qarzga oladi. "Davlat qarzi — bu hayotning holati", deydi amerikaliklar. Amerika Qo'shma Shtatlari yaratilganidan beri — Amerika inqilobidan beri qarzga ega. 1791 yil 1 yanvarga qadar qarz 75 463 476,52 dollarni tashkil etdi. va keyingi yillarda u tez o'sdi. Ammo shuni ta'kidlash kerakki, 1835 yil yanvariga kelib Prezident Endryu Jekson davrida davlat qarzi deyarli nolga kamaydi, ammo Amerika fuqarolar urushi qarzning katta o'sishiga olib keldi — bu 65 million dollarga ko'tarildi. 1860 yilga kelib va 1 milliardgacha — 1863 yilga kelib. Ikkinchi jahon urushi paytida Amerika Qo'shma Shtatlari hukumatining xarajatlari 323 trillion dollarni tashkil etdi., bu ham davlat qarzining o'sishiga yordam berdi.

Pul muomalasini nazorat qilish byurosi xavfsiz, pullik va raqobatbardosh bank tizimining ishlashini ta'minlash uchun barcha davlat banklari, shuningdek xorijiy banklarning filiallari faoliyatini tartibga soladi va nazorat qiladi. Byuro 1863 yilda tashkil etilgan bo'lib, uning boshida Prezident tomonidan besh yilga tayinlangan nazoratchi bo'lgan. Indiana shtati banki prezidenti Xyu Makkullox pul muomalasini nazorat qilish byurosining birinchi nazoratchisi etib tayinlandi. Birinchi nazoratchi sifatida 22 oy davomida 868 milliy bank tashkil etildi. Xyu Makkullo AQSh bank tizimida bir qator muhim o'zgarishlarni amalga oshirdi. 1865 yilda u G'aznachilikning yigirma ettinchi kotibi bo'lish uchun nazoratchi lavozimini tark etdi. Yalpiz byurosi AQSh G'aznachilik tizimini rivojlantirishdagi muhim sahifa 1792 yil iyul oyida Filadelfiyada Amerika qo'shma Shtatlari yalpiz byurosining tashkil etilishi bo'lib, uning birinchi direktori astronom, ixtirochi, matematik, soatsoz Devid Rittenxaus edi. Rittenxaus yulduzlar va sayyoralarni o'rganish, teleskoplar yaratish, Amerika armiyasi uchun navigatsiya asboblarini ixtiro qilish bilan shug'ullangan. U tanga dizaynini san'at asari deb atagan. Birinchi tangalar Devid Rittenxaus tomonidan qo'lda zarb qilingan va hurmat belgisi sifatida prezident Jorj Vashingtonga berilgan. Biroq, tanga dizayni Kongress tomonidan tasdiqlanmagan. Faqat bir yil o'tgach, 1793 yil iyul oyida taxminan etti ming birinchi yarim sentlik tangalar (0,005 dollar).) zarb qilingan. Keyin muomalaga taxminan 11 ming mis sent chiqarildi. Shu munosabat bilan prezident Jorj Vashington muomaladagi tanga tanqisligining tugashini e'lon qiladi. Burgut

tasvirlangan birinchi o'n dollarlik oltin tangalar 1795 yil sentyabr oyida muomalaga chiqarildi. Biroq, kumush va oltin tangalarning haqiqiy qiymati ularning qiymatidan oshib ketdi, shuning uchun ular tezda muomaladan chiqib ketishdi. Jefferson prezidentligi davrida (1801-1809) kumush va oltin tangalar zarb qilinishi to'xtatildi.

Ko'p o'n yillar davomida AQSh g'aznachilik tizimi dinamik ravishda kengayib, rivojlanib, millat ehtiyojlarini qondirdi va qondirdi. 1789 yilgi Kongress Qonuni bilan AQSh G'aznachiligiga Yuklangan vazifalar va funktsiyalarning aksariyati hozirgi kunga qadar amalga oshiriladi.

**Foydalanilgan adabiyotlar.**


1. Qosimova G.A. G’aznachilik faoliyatini tashkil qilish. O’quv
2. qo’llanma. « IQTISOD-MOLIYA ». T., 2005. -268 b.
3. Internet resurs. treasury.gov U.S. DEPARTMENT OF THE TREASURY
4. Юлия Фердинандовна Пивторак. История Казначейства США. https://news.rambler.ru/other/41955356-istoriya-kaznacheystva-ssha/
5. G'aznachilik veksellari, TreasuryDirect.gov. AQSh Moliya vazirligi, Davlat qarzlari byurosi. 2011 yil 22 aprel. 2011 yil 24 mayda qabul qilingan.
6. "G'aznachilik qimmatli qog'ozlarini boshqarish to'g'risidagi nizom, yangi g'aznachilikning to'g'ridan-to'g'ri tizimi" (PDF). AQSh moliya vazirligi. Davlat qarzi byurosi, Fiskal xizmat, G'aznachilik, jild. 69, № 157. 2004 yil avgust.



***Ачилова Ф.К.** – ТАТУ,катта ўқитувчи*

***Абраев А.К.** – ТАТУ, магистрант*

***Норов М.М.** – ТАТУ, магистрант*


## “DIGITAL COMMUNAL MOBILE” ИЛОВАСИНИНГ УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ РАҚАМЛАШТИРИШДАГИ ЎРНИ

Бугунги кунда ҳар бир соҳада хизмат кўрсатишда мобил иловалардан фойдаланиш кенг йўлга қўйилган. Мобил иловалар фойдаланувчилар учун ҳар томонлама қулай бўлиб, дастурларнинг содда интерфейсга эгалиги, мобил қурилмадан фойдланиш, ҳажм жиҳатдан ҳам ихчамлиги, олиб юриш учун қулайлиги билан ҳам алоҳида ажралиб туради. Мобил иловалар масаланинг берилиши бўйича турларга ажратиш мумкин: интерактив иловалар, ўйинли иловалар, таълимга оид иловалар, маълумот берувчи иловлар, веб сайтлар иловалари, таржимон иловалар, қурилмаларни бошқарувчи, тизимни бошқарувчи, маълумот алмашинувчи иловлар ва ҳакоза.

Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқарувини рақамлаштириш масалалари бўйича бир қатор амалий ишлар олиб борилмоқда. Соҳада платформалар, биллинг тизимлари, веб сайтлар, маълумотлар базалари, мобиль иловалар кабилар ишлаб чиқилмоқда ва амалиётда жорий этилмоқда. Мақсад аҳоли фаровонлиги, яшаш сифати ва даражасини ошириш, иқтисодий тежамкорликка эришиш, ортиқча харажатларни камайтириш, кўп вақт

сарфлашни олдини олиш, масофани қисқарши кабилардан иборат. Инсон қадри учун, инсон манфаатлари учун хизмат кўрсатиш кўрсаткичларини янада ошириш, ортиқча сарсонгарчиликларни олидини олиш, соҳада электрон хужжат алмашинувини янада кенгайтириш энг муҳим масалалардандир.

Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқарувини рақамлаштиришда “Digital Communal” мобиль иловасини жорий этилиши аҳоли учун кўпгина қулайликларни яратиб беради. Мобил илованинг функционал имкониятлари ҳақида фикр юритадиган бўлсак, дастлаб мобил иловадан фойдаланишда ўзбек, рус ва инглиз тилларини танлаш учун махсус функционал тугмалар жойлашган бўлиб, фойдаланувчилар ўзларига керакли тилни танлайди.

Махсус бўлимлар, интерактив хизматлар, боғланиш контактлари, хабарномалар, коммунал тўловлар миқдорлари, онлайн ариза юбориш, сервис хизматлари каби менюлардан иборат.




**1-расм. “Digital Communal” мобиль иловаси ташкилий тузилмаси**

Анъанавий коммунал хизмат кўрсатишга қараганда, мобил иловали хизматлар кўп фойдаланувчиларга эга бўлади, яъни бир вақтнинг ўзида бир неча фойдаланувчилар турли масофалардан, ўзларига қулай бўлган вақтларда фойдаланиш мумкин. Онлайн режимда мобил иловаларни юклаб олишнинг осонлиги, офлайн режимда мобил қурилмалардаги махсус маълумот алмашиниш дастурлари ёрдамида маълумотни юклаб олиш имкониятларининг мавжудлиги ҳам эътиборли жиҳатларидан бири ҳисобланади. Мобил иловалардаги маълумотларини қайта ишлаш, ўзгартириш киритиш, маълумотларни янгилаш каби амалларни бажариш кўп вақт ва ортиқча харажат талаб этмайди ҳамда мобил илованинг янгиланган варианти автоматик равишда тизимда ҳам, фойдаланувчилар мобил қурилмаларида ҳам янгиланади.

| т/р | Уй-жой коммунал хизмат таърифлари | Ҳисоблагич | Ҳисоблагичсиз |
|---|---|---|---|
| 1 | Электр энергия | 295 | норма |
| 2 | Совуқ сув | 400 | норма |
| 3 | Иссиқ сув | 5242 | норма |
| 4 | Газ | 380 | норма |
| 5 | Чиқинди | 4500 | - |
| 6 | Канализация | 350 | норма |

**1-жадвал. Уй-жой коммунал хизмат таърифлари маълумотлар базасига киритиш мумкин бўлган маълумотлар**

**Хулоса ва таклифлар.** Хизмат кўрсатиш сифатини ошириш соҳа бошқаруви ва аҳоли ўртасида ўзаро ҳамкорликнинг шаффофлиги рақамли технологияларни жорий этиш билан боғлиқ. “Digital Communal” мобиль иловаси ёрдамида ариза ва мурожаатларни иложи борича тезроқ қабул қилиш ва қайта ишлаш, ресурслар истеъмолини ҳисобга олиш, ҳисоб-китоблар ва тўловлар бўйича ишлаш, хизматларни тақдим этиш ва аҳолини хабардор қилиш имконини беради. Мобиль иловадан фойдаланиш қулай бўлганлиги, смартфонимизни доимий ёнимизда бўлиши, ишда ҳам, уйда ҳам олиб юришда қулайлиги билан ҳам ажралиб туради. Соҳа бошқаруви билан аҳоли ўртасида дунёнинг исталган нуқтасидан алоқа мавжуд бўлади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Каримова В.А., Зайнутдинова М.Б. Информационные системы. Т: «Aloqachi», 2017.
2. Jaroslav Pokorny, Vaclav Repa “Information Systems Development. Business Systems and Services: Modeling and Development”. 2011.
3. С.С.Ғуломов, Р.Х.Алимов. Ахборот тизимлари ва технологиялари, Дарслик, Тошкент, 2000.

***Турсунов Д.Б.** – ОБМ, тингловчи*

## ЕР ИСЛОҲОТЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ВА АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИНИ ОШИРИШДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА КООПЕРАЦИЯ АЛОҚАЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Сўнгги йилларда қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ва соҳага бозор механизмларини жорий этиш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда республикамизда етиштирилаётган 80 турдан ортиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари дунёнинг 66 та мамлакатига экспорт қилинмоқда. Бунда, мева-сабзавотлар ва дуккакли маҳсулотларнинг экспорт ҳажми 2016 йилдан 2021 йилга қадар қарийб 2 баробарга ошган.

Шу билан бирга, пахта ва ғалладан қисқартирилаётган ер майдонларида боғдорчилик, узумчилик, полиз ва сабзавотчилик, дуккакли ва мойли экинларни етиштириш соҳасида экспортбоп қишлоқ хўжалиги экинлари экишни кўпайтириш, шунингдек, аҳолининг кенг қатламларини жалб қилиш орқали

ушбу ерлардан самарали фойдаланиш тизимини яратиш эвазига тармоқда қўшимча ўсишга эришишда илмий асосланган ёндашув ва ўрганишларни инобатга олиш тақозо этилмоқда.

Жумладан, ҳисоб-китобларга кўра 1 гектар майдонда етиштирилган пахта хом ашёсига нисбатан узумдан 7 баравар, гилосдан 6 баравар, ёнғоқдан 5 баравар кўп даромад олиш ҳамда ушбу ерларда оилавий тадбиркорлик доирасида кичик интенсив боғдорчилик, узумчилик, полиз, дуккакли, мойли экинлар, картошка етиштириш ва сабзавотчилик лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш орқали «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»да рўйхатда турган эҳтиёжманд оилаларнинг даромадли меҳнат билан бандлигини таъминлаш бўйича катта имконият мавжуд.

Жаҳон банкининг экспертларининг ҳулосаларига кўра аҳолига ер майдонларини тарқатиш 4 та асосий мақсад ва мезон асосида ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқлиги билдирилган:

1. Қишлоқ жойларида барқарор ва юқори даромадли иш ўринларини (даромадлар манбааларини) шакллантириш;

2. Қишлоқ хўжалигида ўсиш суръатларини жадаллаштириш (тиклаш);

3. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш;

4. Асосий турдаги озиқ-овқатлар нархлари барқарорлигига эришиш.

Шу мақсадларда, аҳолининг даромад топишга қаратилган тадбиркорлик ташаббусларини молиявий қўллаб-қувватлаш, аҳолига аграр тармоқда ўз бизнесини ташкил этишга кўмаклашиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда деҳқон хўжаликларининг улушини ошириш ва қишлоқ хўжалигини диверсификациялаш орқали озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 ноябрдаги “Мева-сабзавотчилик ва узумчиликда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида деҳқон хўжаликларининг улушини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”[1]ги ПҚ-20-сон қарори ҳамда 2022 йил 10 сентябрдаги “Деҳқон хўжаликлари ташкил этишни қўллаб-қувватлаш орқали аҳоли даромадларини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”[2]ги ПҚ-373-сон қарорларига асосан республика бўйича 2022 йилда 100 минг гектар пахта ва ғалла майдонларини деҳқон хўжаликлари ташкил этиш учун аҳолига очиқ электрон танлов орқали узоқ муддатли ижарага бериш тизими жорий қилинди. Мазкур қарорлар доирасида 1,5 миллион тонна қўшимча қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилди. Шу билан бирга 400 мингта янги деҳқон хўжаликлари ташкил этиш ҳисобига 1 миллион 200 дан зиёд одамларнинг бандлиги таъминланди[3].

2023 йилда ҳам сув таъминоти яхши бўлган 100 минг гектар қўшимча ер майдонларини ажратилиши белгиланган.бунинг хисобидан қўшимча 350 мингта янги деҳқон хўжаликлари ташкил этилиши режалаштирилмоқда.

---

[1] https://lex.uz/uz/docs/5739727

[2] https://lex.uz/uz/docs/6188628

[3] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси

Мазкур тадбирлар натижасида республикда янги 750 минг тадбиркорлик субектлари яратилишига олиб келади[1].

Бироқ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 ноябрдаги ПҚ-20-сонли қарорида ажратилган ер майдонларида «Бир ҳудуд — бир маҳсулот» тамойили асосида маҳсулот етиштириш белгилаб қўйилган бўлсада, ҳудудларда деҳқон хўжаликлари томонидан 4-5 хил экинлар экиб юборилмоқда.

Шунингдек, деҳқон хўжаликлари билан агросаноат кластерлари, тайёрлов, қайта ишлаш ва экспорт қилувчи корхоналар ўртасида кооперация алоқаларини ташкил этиш ишларига ҳам етарлича эътибор қаратилмаяпти.

Юқорида қайд этилган камчиликларни бартараф этиш учун жахон тажрибаси кенг қўлланиладиган агрегатор тизимини деҳқон хўдаликлари тизимига жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Агрегатор – бу:

ишлаб чиқарувчилар учун бозорнинг кафолатланганлиги;

маҳсулот сифати ва стандартини халқаро талабларга мослаштириш бўйича кичик ишлаб чиқарувчиларга кўмаклашиш;

кичик ишлаб чиқарувчилар учун экспорт бозорига чиқишга кўмаклашиш;

логистика хизматларни ташкиллаштириш ва хк.

а) Исроилда агрегатор тизими 30-40 йил олдин ривожланишни бошлаган. Бунда аҳоли томонидан етиштирилган кам миқдордаги ва ҳар ҳил турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, асосан битта, яъни Carmel Agrexco компанияси орқали қабул қилиниб, экспортга йўналтирилган.

Кейинчалик, ишлаб чиқарувчиларга ушбу тизим орқали ўз номлари (брендлари)ни ишлатиш йўли билан маҳсулотларни экспорт қилиш имконият яратилган.

б) Тайвань тажрибаси. Агрегатор тизимининг мавжудлиги ва ривожланганлиги ҳисобига, нархи пасайиб кетган шакарқамиш ўрнига мамлакат учун янги маъсулот бўлган Орхидея гулини етиштириб, экспорт қилиш бўйича ижобий натижаларга эришилган.

Яъни, Агрегатор нафақат тезгина бозорни топиб берган, балки маҳсулотни етиштириш бўйича мутахассисларни жалб қилиб, аҳолини ўргатиб, маҳсулотни етиштиришни тизимли ташкиллаштиришга кўмак берган. Бу ерда давлат ҳам арзон кредит ва субсидиялар орқали ҳам дастлабки кўмакни берган.

в) Грузия тажрибаси. Мавсумийлик сабабли, яъни мисол учун мандарин ёки киви ҳосилга кирган вақтда бир пайтнинг ўзида бир нечта маҳсулотларни йиғиштириб олиб, экспортга йўналтирувчи “бир кунлик” фирмалар вужудга келган. Бунда маҳсулотлар, асосан Россиянинг деҳқон бозорларида сотилиши учун юборилган.

Бу, ўз навбатида, экспорт бозорларига йўлни очишга хизмат қилувчи классик маънодаги агрегаторларни ривожлантиришни қийинлаштирган.

Умуман олганда агрегаторлар нафақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини, балки ҳунармандчилик ва бошқа кичик ҳажмда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни йиғиб олиб экспорт қилишга кўмаклашиши мумкин. Мазкур

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси

тузим келажакда кичик деҳқон хўжаликларини йирик экспортёрларга айлантириши имкониятини яратади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2022 йилнинг 20 декабрь куни Олий мажлисга мурожаатномаси. https://president.uz/uz/lists/view/5774
2. Ўзбекистон Республикаси Миллий қонунчилик базаси https://lex.uz/uz/

***Шадиева Г.М.*** *– САМИСИ, проф.*
***Хусинова Ш.А.*** *- СамДТИ, доц.*

## ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ИМКОНИЯТЛАРИ

Мамлакатимизда сўнгги йилларда тадбиркорлик фаолияти соҳасида кўплаб қонун ҳужжати қабул қилинмоқда. Бу эса юртимизда тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлашга, мавжуд тўсиқларни олиб ташлаш ҳамда муаммолар ечимини топишга хизмат қилмоқда. Маълумки, шу вақтгача “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги, “Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги қонунлар қабул қилиниб, шу асосда тадбиркорлик ривожланиб келинаётган эди. Булар орасида 2012 йил 26 апрелда қабул қилинган “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги Қонуннинг аҳамияти беқиёс. Шу қонун ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 июндаги «Ҳар бир оила – тадбиркор» дастурини амалга ошириш тўғрисида»ги ПҚ-3777- сонли қарори ҳам ана шу йўлда қўйилган катта қадамлардан бири бўлди. Зеро, дунёдаги тараққий этган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, қайси давлатда оилавий тадбиркорлик яхши ривожланса, шу давлат иқтисодиёти ҳам юксалиб бораверади. Масалан, Хитойда оилавий тадбиркорлик шу даражада ривожланганки, деярли ҳар бир оилада қандайдир товар ишлаб чиқарилади. Оила хўжалиги фаровонлигини ошириш ва мамлакатнинг қудратини юксалтиришнинг бир қанча йўлларидан бири оила хўжалигида ташкил қилинган тадбиркорликдир. Эндиликда ушбу меъёрий ҳужжатларнинг сони қисқартирилиб “Тадбиркорлик кодекси” ишлаб чиқилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида: “Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ 5 мингга яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қайта кўриб чиқилиб, уларнинг сони қисқартирилади ҳамда “Тадбиркорлик кодекси” ишлаб чиқилади”. Кўриниб турибдики, тадбиркорликка эътибор бундан кейин янада кучайтирилади.

Қайд этиш жоизки тадбиркорлик таркибида оилавий тадбиркорликнинг бугунги кунда аҳамияти янада ошмоқда. Чунки мамлакатимизда тан олинган камбағалликни тугатишда, аҳолини иш билан таъминлашда, фаровонлигини оширишда ушбу тадбиркорликнинг аҳамияти беқиёс. Шу туфайли ушбу соҳани

ривожлантиришга қўшимча маблағлар ажратиб, уни кескин ривожлантириш вазифаси қўйилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида: “Аввало, аҳолининг муайян қатлами ўртасида камбағаллик мавжудлигини биринчи марта тан олиб, уни қисқартириш бўйича кенг қамровли ишларни бошладик. Барча туман ва шаҳарларда, ҳар бир маҳаллада эҳтиёжманд оилалар, аёллар ва ёшлар билан манзилли ишлаш бўйича мутлақо янги — “темир дафтар” тизими жорий этилди. Қисқа муддатда бу тизим орқали 527 минг фуқаронинг бандлиги таъминланди”. Кўриниб турибдики, тадбиркорликка берилиб келаётган эътибор янада кучаймоқда. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 йилдаги 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тўғрисидаги ПФ-60-сон фармонининг учинчи устувор йўналишининг **29-**мақсадида “Тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш ва доимий даромад манбаларини шакллантириш учун шароитлар яратиш, хусусий секторнинг Ялпи ички маҳсулотдаги улушини 80 фоизга ва экспортдаги улушини 60 фоизга етказиш” вазифаси белгиланган. Белгиланган мақсадга эришиш учун кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликка кенг имкониятлар яратилиши лозим.

Оилавий тадбиркорлик хусусида ҳам, иқтисодий адабиётларда айрим фикрлар айтилмоқда. Умуман олганда, оила аъзолари даромад (фойда) олиш мақсадида ўзларининг мулкига асосланиб, бирорта фаолият билан шуғулланса, бу оила тадбиркорлигига киради. Бу борада айрим олимларимиз томонидан ҳам тегишли фикрлар айтилган. Жумладан, М.Қ.Пардаев ва З.Н.Қурбоновлар оила тадбиркорлигига “Оилавий мулкка асосланган оила аъзолари иштирок этадиган тадбиркорлик оила тадбиркорлиги деб аталади” деган таърифни берган. Ушбу таъриф оилавий тадбиркорликнинг мазмунини очиб беради. Аммо унда оила аъзоларининг шу тадбиркорликдан кўзланган мақсади ўз ифодасини топмоғи лозим эди. Шуларни инобатга олиб, юқоридаги муаллифларнинг фикрларини кенгайтирган ва ривожлантирган ҳолда, унга оила аъзоларининг тадбиркорликдан асосий мақсади фойда олиш эканлигидан келиб чиқиб, оила хўжалиги тадбиркорлигига қуйидагича таъриф беришни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Оила хўжалиги тадбиркорлиги деб, оилавий мулкка асосланган, оила аъзолари иштирок этадиган ва маълум даражада оилага даромад (фойда) ва ижтимоий наф келтирилишини кўзлаб қилинадиган эркин танланган фаолиятга айтилади.

Ниҳоят, оила фаровонлигини оширишнинг муҳим концептуал йўналишлари эндиликда эндиликда фақат меҳнат ҳақини кўпайтириш йўли бўлиб қолмасдан, балки оила аъзоларининг тадбиркорликни ривожлантириш, мулкини ишлатиш ва хўжалик юритишнинг самарадорлигини ошириш эвазига ўз даромадларини (фойдасини) кўпайтириш кабилардан иборат бўлиб қолмоқда.

Оила хўжалиги фаровонлигини оширишнинг муҳим жиҳатларидан бири, унинг назарий масалаларини ҳал қилишдан иборатдир. Аммо иқтисодий адабиётларда ҳали оила фаровонлиги тушунчасининг бугунги кун талабига тўлиқ жавоб берадиган таърифи ишлаб чиқилмаган. Шу туфайли, ушбу муаммо

ҳам ўз ечимини кутаётган муаммолардандир.

Шу туфайли, ҳозирги пайтда, оила хўжалигининг иқтисодий муаммосига катта эътибор берилмоқда. Ушбу соҳа иқтисодиёт назарияси фанига киритилди ва у эндиликда микроиқтисодиётнинг субъекти сифатида қаралмокда. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, оила хўжалиги тадбиркорлигининг қарор топиши, мамлакатимизда жуда кўп ижтимоий- иқтисодий муаммоларни ҳал қилади. Энг аввало, у бозор муносабатларининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар синфини барпо қилади, мамлакатимизнинг бозорини истеъмол товарлари ва турли хизматлар билан бойитиш имкониятини яратади, шунингдек ҳозирги кунда муҳим бўлган муаммони, яъни, янги иш ўринларини яратиш эвазига, ишсизликни бартараф қилиш муаммосини ҳал қилади. Аммо, оила хўжалиги тадбиркорлиги ўз-ўзидан ривожланиб кетавермайди. Уни ҳозирги замон даражасида ривожлантириш, юксак савияда рақобатбардош маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ҳолатига келтиришга эришиш лозим. Бунинг учун ушбу муаммонинг назарий ва амалий масалаларини тадқиқ қилиб, уларни такомиллаштириш бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқишни тақозо қилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг чуқурлашуви, унинг эркинлашиши оила хўжалиги даромадининг мазмун ва моҳиятини ўзгартириб, уларни такомиллаштириб бормоқда. Зеро, Ўзбекистонда жамиятнинг барча аъзолари, аҳолининг барча қатламлари манфаатларини кўзлайдиган ижтимоий сиёсат олиб борилмоқда. Бу эса ўз навбатида аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлаш бўйича самарали дастакларни ишлаб чиқиш заруратини туғдирди. Бу эса, оила хўжалигида даромадларни, уларнинг таркибий тузилишини чуқур ўрганишни, уни ҳисобга олишни тақозо қилмоқда, чунки, аҳолининг юқори ва кам таъминланган қатламларини аниқлаш, айнан уларнинг даромадларини ҳисоблаш орқали амалга оширилади. Аммо, бу бўйича ҳали йирик, ҳар томонлама талабга жавоб берадиган илмий-тадқиқотлар олиб борилган эмас. Шу туфайли, оила фаровонлигини оширишнинг кам таъминланган оилаларни камайтириш орқали эришиш йўлларини ишлаб чиқиш ҳам бугунги кунда долзарб муаммолардан биридир.

Иқтисодиётни рақамлаштириш, инновацион иқтисодиётнинг шаклланиши оила хўжалиги даромади мазмунини ва бу билан боғлиқ ҳолатларнинг тубдан ўзгаришига олиб келди. Бу ўзгаришлар қуйидагиларда намоён бўлмоқда: иқтисодий-ижтимоий ҳаётимизга янги иқтисодий категория - иш кучининг қиймати категорияси кириб келди; иш кучининг талаб ва таклиф асосида сотиладиган жойи - меҳнат бозори пайдо бўлди; иш кучига талаб ва таклифнинг ўзгариб туриши оқибатида мутлоқ ва нисбий ишсизлик пайдо бўлмоқда; аста-секинлик билан оила аъзолари, аҳоли ўзларини ўзлари тадбиркорликни ривожлантириш асосида иш билан таъминлаш тамойилига ўтмоқда; оила даромади таркибида янги манбалар - мулкни ишлатиш ва тадбиркорлик фаолиятидан олинадиган даромадлар пайдо бўлди; мулкни ишлатишдан олинадиган даромадлар олдин фақат ижара ҳақидан иборат бўлган бўлса,

эндиликда, дивидендлар, фоизлар, инвестиция даромади каби даромад турлари кириб келди.

Мазкур ҳолатлар жамиятнинг маълум даражада барқарорлигини таъминлаш билан бирга айрим муаммоларни ҳам келтириб чиқаради. Бу муаммолар замирида оила хўжалигидаромадларининг табақаланиши, ишсизлик ва шунинг натижасида вужудга келадиган камбағал оилаларнинг пайдо бўлиш муаммоси ётади. Ушбу муаммоларни ҳал қилишнинг асосий йўли, бизнинг фикримизча, биринчи галда аҳолининг ижтимоий фаоллигини ошириш, ўзини-ўзи иш ва бошқа зарур неъматлар билан таъминлаш тамойилига ўтишнинг зарурлигини сингдириш бўлса, иккинчидан кишиларнинг ҳар қандай фаолиятини моддий жиҳатдан қизиқтириш механизмини жорий қилиш, рағбатлантиришнинг янги-янги усулларини ишлаб чиқишдан иборатдир.

Ҳозирги пайтда оила хўжалигининг инвестицияга қўйилган маблағларининг самарадорлигини ошириш йўллари ҳам ишлаб чиқилмоғи лозим. Буларга: лойиҳанинг муддатини узайтириш; лойиҳанинг дивиденд ставкасини кўпайтириш (камайтириш); пул тушумини (оқимини) кўпайтириш кабиларни киритиш мумкин. Аммо бу масалалар ҳам, оила хўжалигига мос ҳолда, етарли даражада ўрганилган эмас.

Бизнинг фикримизча, илмий хулосалар чиқариш учун ушбу кўрсаткичлар бўйича тўпланган маълумотлар етарлича асос бўлади. Чунки, ушбу кўрсаткичлар асосида оила даромадлари ва харажатларини оилаларнинг умумий сони, унда ишлайдиганларнинг сони, ишламайдиганларнинг улуши каби белгилари билан таснифлаш мумкин. Ушбу маълумотлардан яна бир қанча янги нисбий кўрсаткичларни ҳам аниқлаш мумкин. Буларнинг ҳаммаси тегишли хулосалар чиқариш учун асос бўлиши мумкин.

**Фойдаланилган адабиётлар**


**1.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 28 декабрда қилинган Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // “Халқ сўзи” газетаси 2020 йил 30 декабрь. – 1-4 бетлар.

**2.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 28 декабрда қилинган Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // “Халқ сўзи” газетаси 2020 йил 30 декабрь. – 1-4 бетлар

**3.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 йилдаги 2022−2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тўғрисида ПФ-60-сонли Фармони

**4.** Пардаев М.Қ., Қурбонов З.Н. Оила бизнеси ва тадбиркорлиги. Самарқанд, СамКИ, 1999. – 18 бет.

***Berdikulov M.A.** – Toshkent Kimyo Xalqaro Universiteti*

# TADBIRKORLIK SUBYEKTLARI FAOLIYATIDA FIRMA NOMLARI VA TOVAR BELGILARIDAN FOYDALANISH TARTIBI

Ma’lumki har qanday tadbirkorlik subyekti o’z faoliyatini amalga oshirish uchun belgilangan tartibda davlat ro’yaxatidan o’tishi talab etiladi. Davlat ro’yxatidan o’tish jarayonida esa ushbu subyekt o’ziga xos va mos firma nomini va chiqarayotgan mahsulot, ko’rsatayotgan xizmat nomini ham to’g’ri tanlay bilishi lozim.

O‘zbekiston Respublikasining amaldagi Fuqarolik kodeksining 97, 1031, 1102 kabi ayrim moddalarida tovar belgisining fuqarolik-huquqiy maqomi, tovar belgilari fuqarolik muomalasi ishtirokchilari va tovarlarining xususiy alomatlarini aks ettiruvchi vosita ekanligi, Tovar belgilarining huquqiy maqomi ro‘yxatdan o‘tkazilganligi va ushbu ro‘yxatdan o‘tkazilganlik tegishli guvohnoma bilan tasdiqlanishi haqida ma’lumotlar berilgan. belgilariga nisbatan guvohnoma O‘zbekiston Respublikasining 2001-yil 30-avgustdagi “Tovar belgilari, xizmat ko‘rsatish belgilari va tovar kelib chiqqan joy nomlari to‘g‘risida”gi qonunga ko‘ra, o‘n yil muddatga amal qiladi va uning egasi tomonidan berilgan arizaga binoan, har safar o‘n yilga uzaytirilishi mumkin. Shu bilan birga, hammaga ma’lum tovar belgilarida egalik qilish muddatini cheklash qoidasi qo‘llanilmaydi. Chunki hammaga ma’lum tovar belgilari muddatsiz asosda huquqiy muhofaza qilinadi. Tovar belgilarining maqomi mutlaq huquq egasining o‘ziga tegishli tovar belgisidan foydalanish, unga bo‘lgan huquqni tasarruf etish, muhofaza qilish bilan bog‘liq munosabatlar qamrovini o‘z ichiga oladi. Ikkinchi xususiyatdagi fuqarolik huquqi maqom tovar belgisining boshqa belgilarga nisbatan ustuvorligini belgilash holatida namoyon bo‘ladi.

Umuman olganda, tovar belgisi ustuvorligi mutlaq huquq egasiga talab qilish huquqini beradi. Tovar belgisining huquqiy muhofazlanish layoqati boshqa belgilarga nisbatan ustunligini namoyon etishi orqali aniqlanadi. Dunyo davlatlari tovar belgilari qonunchiligida tovar belgisining ustuvorligi va unga nisbatan mutlaq huquqning amal qilishi tovar belgisining ro‘yxatdan o‘tkazilganligi asosida (faktik) va foydalanishga ko‘ra ustuvorlik (nisbiy) belgilanadi.

Tovar belgisini foydalanishga ko‘ra ustuvorligini belgilash undan ko‘rgazmada foydalanish va tovar ishlab chiqarishda foydalanish ustuvorligini ko‘rsatish orqali aniqlashtiriladi. Tovar belgisidan ko‘rgazmada va tovar ishlab chiqarishda foydalanishga ko‘ra ustuvorlik bir turda bo‘lgan tovardagi tovar belgisi bilan bir xil yoki adashtirish darajasida o‘xshash bo‘lgan boshqa belgilarning muomalasini cheklash orqali belgilanadi.

Raqobat qonunchiligiga ko‘ra tovar belgisining domen nomi, firma nomlari bilan o‘zaro bir xilligi yoki o‘xshashligi nisbati bo‘yicha maqomini belgilash aniqlashtiriladi. Ta’kidlash lozimki, ushbu holatda ustuvorlik masalasi qaysi bir shaxsiylashtirish vositasining birinchi bo‘lib ro‘yxatdan o‘tkazilganligi bilan belgilanadi. Har bir shaxsiylashtirish vositasi o‘ziga xos vazifani bajaradi. Domen nomi Internet tarmog‘idagi manzil va undagi ma’lumotni shaxsiylashtirsa, firma nomi yuridik shaxsning tashkiliy-huquqiy shakli, xizmat ko‘rsatish belgisi xizmat ko‘rsatish

faoliyati turi (sartaroshlik, tibbiy xizmat), tovar belgisi esa ayni bir turdagi mahsulotni shaxsiylashtiradi.

Ma’lumki, tovar belgisiga nisbatan mutlaq huquq garov narsasi bo‘lishi mumkin. O‘zbekiston Respublikasining 1998-yil 1-maydagi “Garov to‘g‘risida”gi qonunining 5-moddasida garchi tovar belgilarining garov narsasi bo‘lishi mumkinligi to‘g‘risidagi shart alohida belgilangan bo‘lmasa ham, “har qanday molmulk” garov narsasi bo‘lishi mumkinligi ko‘rsatilgan. Demakki, tovar belgilari ham garov narsasi sifatida fuqarolik muomalasida qo‘llanilishi mumkin.Garov shartnomasiga ko‘ra, garov narsasi bo‘lgan tovar belgisi baholash obyekti bo‘libgina qolmasdan, qarzdor (mutlaq huquq egasi) garov bilan ta’minlangan majburiyatni bajarmagan yoki lozim darajada bajarmagan taqdirda kreditor (garovga oluvchi) bu majburiyat bo‘yicha garovga qo‘yuvchi tomonidan garovga qo‘yilgan tovar belgisi qiymatidan boshqa kreditorlarga qaraganda imtiyozli sur’atda qanoatlantirishi mumkin.

Mulkiy munosabatlarda ashyoga nisbatan egalik qilish biron-bir muddat bilan chegaralanmaydi va ayrim holatlarda mulkka egalik qilishga ortiqcha rasmiyatchiliklarsiz yo‘l qo‘yiladi. Tovar belgisi shaxsning mulkiy huquqlari toifasiga kiruvchi nomoddiy vosita sanalsa-da, unga egalik qilish ma’lum muddat bilan chegaralanadi.

Amaldagi fuqarolik va tovar belgilari qonunchiligida tovar belgilari hamda unga nisbatan mutlaq huquqlarni amalga oshirishning muayyan talab va mezonlari mavjud emas. Bu esa tovar belgisini shaxsiylashtirishning boshqa vositalari bilan o‘zaro nisbatini belgilash, tovar belgilaridan fuqarolik huquqiy shartnoma munosabatlarida foydalanishda taraflarning huquq va majburiyatlarini amalga oshirish doirasi va ularning chegarasini aniqlashtirishda tushunmovchiliklarni keltirib chiqaradi. Ayniqsa, savdo munosabatlarining Internet tarmog‘i orqali amalga oshirilishi Tovar belgilarini onlayn makondagi maqomi masalasini ham belgilash zaruriyatini keltirib chiqarmoqda. Bir qarashda tovar belgilarini shaxsiylashtirishning boshqa vositalari bilan o‘zaro nisbati oddiydek ko‘rinsada, ularning o‘zaro to‘qnashuvi taraflar uchun nizoli holatlarni paydo qilmoqda.

Tadbirkorlik faoliyatini amalga oshirmaydigan jismoniy shaxsning tovar belgisiga nisbatan egalik qilish huquqining mavjudligi tovar belgisi huquqiy maqomini to‘liq ko‘rsatib bermaydi. Ushbu maqom faqat egalik qilish bilangina cheklanadi, xolos. O‘zbekiston Respublikasining 2001-yil 30-avgustdagi “Tovar belgilari, xizmat ko‘rsatish belgilari va tovar kelib chiqqan joy nomlari to‘g‘risida”gi qonunining 27-moddasida tovar belgisidan foydalanish bilan bog‘liq qoidalar jismoniy shaxsning tovar belgisiga nisbatan huquqlarini to‘liq amalga oshirishga imkon bermaydi.

Yuqoridagilardan kelib chiqqan holda shuni ta’kidlash joizki, tadbirkorlik subyektlari firma nomlari va ular foydalanadigan tovar belgisi huquqiy maqomining zaruriy belgisi undan tovar ishlab chiqarishda foydalanishdir. Natijada bu kabi huquqiy maqom asosida tartibga solinadigan munosabatlar nafaqat tovar belgisidan foydalanish, balki unga egalik qiluvchining ham alohida maqomini belgilaydi. Tovar belgisiga nisbatan egalik qiluvchining maqomi tovar belgisi ustuvorligi hisobiga boshqa belgilarning o‘z egaligidagi tovar belgisi bilan bir xil yoki o‘xshash holda foydalanmaslik talabini qo‘yishda o’z aksini topadi.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati**

1. Nwabueze C. Challenges of transnational trademark law practice: The Case of Nigerian companies' brands in OAPI States. *Revue générale de droit – General Review of Law*, 2015, vol. 45, no. 1, pp. 321347.
2. Gavrilov E.P., Yeremenko V.I. Kommentariy k chasti chetvertoy Grazhdanskogo kodeksa Rossiyskoy Federatsii [Commentary on Part Four of the Civil Code of the Russian Federation]. 2009, p. 554.
3. Imomov N.F. Intellektual mulk huquqining yangi obyektlari [New objects of intellectual property law].Tashkent, TSIL Publ., 2011, p.141.
4. Kononenko R.O. Kollektivnyy tovarnyy znak: osobennosti pravovogo rezhima i rasporyazheniya pravom na nego [Collective trademark: features of the legal regime and disposal of the right to it]. *Society and Law*, 2011, no. 1 (33). Available at: https://cyberleninka.ru/article/n/ kollektivnyy-tovarnyy-znak-osobennosti-pravovogo-rezhima-i-rasporyazheniya-pravom-na-nego/ (accessed 13.04.2022).



***Қурбонов С.А.** – ОБМ, мустақил тадқиқотчи*


## СУҒУРТА МАҲСУЛОТЛАРИНИ БЕВОСИТА СОТИШ УЧУН ИНТЕРНЕТДАН ФОЙДАЛАНИШ

XX аср охири-XXИ аср бошларида жаҳон иқтисодий ривожланишининг асосий тенденцияси саноат ва постиндустриал иқтисодиётдан "рақамли иқтисодиёт" ёки ахборот-коммуникация технологияларидан тармоқли фойдаланишга асосланган иқтисодиётга ўтишдир.

Ички суғурта бозорини рақамлаштиришни кенгайтириш орқали суғурта соҳасини миллий иқтисодиётнинг стратегик секторига айлантириш, Ўзбекистон Республикаси шароитида суғуртани янада самарали ҳимоя қилиш тизимига айлантириш суғурталовчилар ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги суғурта бозорини ривожлантириш агентлигининг ва тегишли бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар биргаликдаги ишини талаб қилади. Янги Ўзбекистоннинг ривожланиш стратегияси республика иқтисодиётини жадал рақамлаштиришни назарда тутади, бу эса иқтисодий ва молиявий муносабатларнинг асосий тоифалари ва тамойиллари ва тизимларининг ўзгаришига, ушбу муносабатларнинг алоҳида субъектларининг роли ва аҳамиятини қайта тақсимлашга олиб келади.

Суғурта бизнесининг рақамли трансформацияси суғурта муносабатларининг барча субъектларига янгича очилиш имконини беради, лекин айни пайтда янги вазифаларни қўяди, янги қалтисликларни келиб чиқишига сабаб бўлади, чунки сунъий интеллект, зарарларни масофадан туриб ҳал қилиш, рақамли суғурта хизматлари, интернетдан фойдаланган ҳолда илғор бизнес моделлари аллақачон амалда қўлланилмоқда.

Ўзбекистонда интернетдан фойдаланувчилар сони тез суръатлар билан ўсиб бормоқда, бу эса ҳаётни суғурталашнинг узоқ муддатли турларини сотиш канали учун потенциал аудиторияни яратмоқда. Мамлакатда ахборот-коммуникация

технологияларини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши бутун республика бўйлаб ахборот технологияларидан фойдаланувчилар сонининг кўпайишини ва уларни ўқитишни таъминлайди.

Ўзбекистондаги суғурта компаниялари томонидан интернетдан фойдаланишда қуйидаги асосий ёндашувлар ажралиб туради. Аксарият маҳаллий суғурталовчилар корпоратив веб – сайтларни фақат реклама воситаси-мижозни қизиқтириш, уни савдо нуқталарига жалб қилиш ёки унга суғурта агентини юбориш воситаси деб билишади.

Замонавийроқ усул - бу маҳсулотларни Интернет орқали тўғридан-тўғри сотиш. Схема жуда оддий: мижоз компания веб-сайтида ўзини қизиқтирган суғурта хизматни танлаб, ўрнатилган веб-калкуляторда нархни ҳисоблаб чиқади ва ариза шаклини тўлдиради.

Кейинги қадам суғурта мукофотини тўлаш, суғурталовчи тайёр ҳужжатларни мижозга агент ёки курьер ёки Интернет орқали етказиб беради. Агар суғурта маҳсулоти ностандарт бўлса, мижоз суғурта компаниясига расмийлаштирилган сўров-анкетасини юборади ва мутахассислар суғурта нархини (суғурта мукофоти миқдорини) ҳисоблашади.

Потенциал суғурта қилдирувчи учун қўшимча ижобий томони - бу суғурталовчи билан тўғридан-тўғри алоқа қилиш имконияти: у қизиқтирган савол ёки қўнғироқ билан электрон почта хабарини суғурталовчига юбориши мумкин ва суғурта мукофотини тўлашни монитордан турмасдан тугмачани босиш орқали амалга оширилиши мумкин.

Суғурта компанияси нуқтаи назаридан ушбу савдо каналидан фойдаланиш харажатларни сезиларли даражада камайтириши мумкин (30% гача). Бундан ташқари, онлайн сотувлар комиссия юки бўйича агентлик савдосидан фарқли арзонроқ, шунингдек, компания ходимлари учун вақтни тежаш имконини беради.

Веб-сайт суғурта маҳсулотлари ҳақида тўлиқ маълумотга эга, бу эса мижозларнинг мумкин бўлган саволларини камайтиради. Бундан ташқари, суғурта қилдирувчи ҳужжатларни электрон шаклда рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ ишларнинг бир қисмини бажаради. Мижознинг маҳсулотни қўшимча куч сарфламасдан ва минимал вақт билан олиш истагини ҳисобга олмаслик мумкин эмас.

Интернет орқали сотиб олиш сиёсатининг ижобий тажрибасига эга бўлган мижоз автоматик равишда "тавсия этувчи"га айланади, қариндошлари, дўстлари ва танишлари ўртасида сотиб олишнинг афзалликлари ҳақида маълумот беради, ва янги мижозларни жалб қилади.

Интернет орқали сотишни ташкил қилишни режалаштираётган суғурта компанияси учун психологик омиллар ҳақида эслаш керак: аксарият мижозлар маҳсулотни сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилишдан олдин сотувчи билан тўғридан-тўғри визуал алоқани афзал кўришади. Улар суғурталовчи ким эканлигини, унинг қандай офиси борлигини, ходимларини кўришни хоҳлашади. Бу холатда брендни илгари суриш бўйича ишлар биринчи ўринга чиқади ва

онлайн суғурта маҳсулотларни сотиш ижобий имидж (бренд) бўлган компанияларда самарали бўлиши мумкин.

Интернет умуман сотиб олиш учун суғурталовчининг харажатларини сезиларли даражада камайтиришга имкон беради (25% гача), шунингдек, тармоқнинг фаол фойдаланувчилари туфайли потенциал мижозлар доирасини сезиларли даражада кенгайтиришга имкон беради.

Интернет тармоғидан фойдаланишда суғурта маҳсулотини амалга ошириш суғурталовчи ва потенциал суғурта қилдирувчи ўртасида бевосита алоқада содир бўлиши, унинг географик жойлашувидан қатъи назар, суғурталовчига суғурта хизматларини республика бўйлаб қўшимча харажатларсиз сотиш имкониятини беради. Шу билан бирга, инклюзив суғуртани жадал амалга ошириш ва янги истеъмолчиларни, шу жумладан кичик суғурта компанияларини жалб қилиш имкониятлари тобора ортиб бораётгани шубҳасиз.

Мижозларга хизмат кўрсатишнинг ушбу шаклининг улкан истиқболли салоҳияти ривожланган мамлакатларда ҳозирги кунда суғурта полисларининг 20% дан ортиғи Интернет орқали чиқарилаётганидан далолат беради.

Ўз навбатида, суғурта маҳсулотларини тўғридан-тўғри сотиш учун интернетдан фойдаланиш қуйидаги хавфларга олиб келиши мумкин:

- суғурта полисини сотиб олаётганда улардан фойдаланган суғурта қилдирувчиларнинг тўлов воситалари тўғрисидаги маълумотларга жиноий фойдаланиш имконияти;
- суғурта қилдирувчиларнинг банк ҳисоб варақлари тўғрисидаги маълумотларга жиноий ҳолатда кириш ва уни рухсатсиз ўзгартириш имконияти;
- мижознинг тижорат сири бўлган маълумотларни ошкор қилиш.

Интернетдан фойдаланган ҳолда суғурта шартномаларини тузишда юқоридаги қалтисликларни ҳисобга олинганда электрон полислар нархининг сезиларли даражада ошишига олиб келиши мумкин.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ш.М. Мирзиёев. Послание Президента Республики Узбекистан Олий Мажлису - 24 января 2020 г. Режим доступа: http://uza.uz/nj/politics/ poslanie-prezidenta-respubliki-uzbekistan-shavkata-mirziyeevas-24 -1-2020.

2. Закон Республики Узбекистан «Об электронной торговле» от 29.04.2004 г. № 613-П (Закон принят в новой редакции в соответствии с Законом Республики Узбекистан от 22 мая 2015 г. № ЗРУ-385 «О внесении изменений и дополнений в Закон Республики Узбекистан «Об электронной торговле».

3. Цифровая экономика: управление электронным бизнесом и электронная коммерция: учебник / Л.В. Лапид. - М.: ИНФРА-М, 2018 - 479 с. http://znanium.coni/catalog/product/947029

4. Исламов Б.А., Исохужаева М.Я. Актуальные вопросы и направления совершенствования системы электронной коммерции в Республике Узбекистан. «Международные отношения» №4,2019 г., УМЭД, Ташкент.

5. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан, от 14.12.2020 г. № 780 “О дополнительных мерах по совершенствованию порядка оказания

электронных страховых услуг”. // https://lex.uz/ru/docs/5163140

***Туляганова Ш.Г.*** *- ЎзР. Қуролли КучларАкадемияси, доц., и.ф.н.*
***Ниёзов С.Р.*** *- ЎзР.Қуролли Кучлар Академияси, ўқитувчи*

## САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИ РЕСТРУКТУРИЗАЦИЯЛАШНИ БОШҚАРИШ МУАММОЛАРИ

Замонавий корхоналарнинг фаолияти асосан XVIII асрда А. Смитнинг "Халқлар бойлигининг табиати ва сабаблари ҳақида тадқиқот" асарида шакллантирилган тамойилларга асосланади, унда ҳар қандай ишлаб чиқариш жараёни элементар ва оддий вазифаларга бўлиниши таклиф қилинган, шунинг учун уларнинг ҳар бири бир ишчи томонидан амалга оширилиши мумкин. Шу билан бирга, ишчининг юқори малакали бўлиши ва умуман ишни бажара олиши талаб қилинмас эди; у бир ёки бир неча оддий вазифаларга ихтисослашганлиги етарли эди. Амалга ошириш осон, фикр таклиф тамойиллари ва малакасиз ишчилар катта қўшин томонидан ва оддий воситалардан фойдаланиб, маҳсулотларни оммавий ишлаб чиқариш муваффақият келтиради. А.Смит томонидан ишлаб чиқилган ишлаб чиқаришни таркибий ташкил этиш тамойиллари, ўтган даврлар учун инқилобий бўлган бўлсада, улар бугунги замонавий иқтисодиётнинг талабларига жавоб бермайди, сабаб бунда маҳсулотлар асосан истеъмолчиларнинг тор гуруҳларига қаратилиши керак. Шунга кўра, бугунги кунда деярли барча таркибий бўлинмаларда ходимлар яхши билимли бўлиши, жавобгарликдан қўрқмаслиги ва ҳақиқатдан ҳам мураккаб муаммоларни ҳал қилишга интилиши талаб этилади. Бу замонавий истеъмол бозори анча кенг бўлиб, ундаги рақобат янада агрессив эканлиги билан белгиланади. Шунинг учун, биринчи навбатда, Ўзбекистон саноат корхоналари тузилмасини шакллантириш тамойиллари реструктуризациялаш керак, бу қуйидаги муаммолар билан изоҳланади:

- тараққий этган дунёда бозорни бошқарувчи истеъмолчилар мавжуд бўлиб, уларнинг бозордаги ўрнини ва зарур товар ва хизматларни танлаш имкониятларини яхши билишади;

- истеъмолчиларга таклиф этилаётган имтиёзлар ҳақидаги янги тахминлар, асосан, глобал ахборот тармоқлари, теледастурлар ва бошқалар туфайли ўз-ўзини шакллантиради. Шунга кўра, маълум бир истеъмолчининг ўзига хос эҳтиёжларига мослаштирилган маҳсулотлар харидоргир бўлади;

- ишлаб чиқариш воситалари ва технологиялар сезиларли даражада ўзгариб, улар орасида, биринчи навбатда, мижозлар томонидан товарлар ва улар ҳақидаги маълумотларни қабул қилиш усулига айланган ахборотлар юзага келади. Бироқ, бу ўзгаришларга қарамасдан, бозорни бошқаришнинг узоқ тарихига эга бўлган кўплаб компаниялар эски бошқарув ғояларини инерция йўли билан давом эттирмоқдалар. Агар Ақш ва Ғарбий Европада 20% дан кўп бўлмаган фирмалар анъанавий бошқарув, ишлаб чиқариш, молиявий ва ахборот технологияларидан истеъмол йўналтирилган тармоқларда фойдаланади.

Шунинг учун Ўзбекистон санаот корхоналарини қайта қуриш муваффақиятига қуйидаги асосий омиллар таъсир кўрсатади:

- бозор истиқболлари ва молиявий аҳволи. Қайта қуришни бошлайдиган ҳар бир саноат корхонаси режалаштирилган молиявий-иқтисодий натижаларга эришиш учун етарли вақт берадиган узоқ муддатли рақобатбардошлик ва молиявий аҳволдаги ўзгаришларни прогноз қилиш керак;

- бошқарув масъулияти. Акциядорлар ва компания ва корхоналар бошқарув ходимлари қайта қуриш лойиҳаси мақсадлари билан яшашни ва зарур бўлса, лойиҳа тузатиш ва унинг индивидуал соҳаларда молиялаштириш бўйича ўз вақтида қарор қабул қилиш керак;

- кадрлар малакаси. Қайта қуриш лойиҳасини амалга ошириш бошқарув ходимларининг малака даражаси ва уларнинг бизнес муваффақиятига бўлган қизиқишларига тўлиқ боғлиқ;

- молиявий, иқтисодий, бошқарув, маркетинг ва ижтимоий характердаги дастлабки тадқиқот ва таҳлилий ишларнинг катта ҳажми корхоналар ички кучлари томонидан амалга ошириш имконияти;

- моддий-техника ресурслари етказиб берувчилар, кредиторлар ва ҳоким ликлар билан ўзаро ҳамкорликни янги босқичга кўтариш истиқболлари.

Шундай қилиб, ҳуқуқий, ислоҳотли, соҳавий ва микроиқтисодий масалаларни Ўзбекистон саноат корхоналарини қайта қуришга тўсқинлик қилувчи муаммолар қаторида кўриб чиқиш мумкин.

Қайта қуриш муаммоларининг биринчи гуруҳи-бозор ислоҳотлари шароитида Ўзбекистон иқтисодий қонунчилигининг шаклланиши ва ривожланиши билан боғлиқ қонунлардир. Булар қуйидаги масалаларни ўз ичига олади:

1. Бир неча оралиқ технологик жараёнлар билан шуғулланувчи корхоналарга юқори солиқ юки. Айниқса, айланмадан ҳисобланадиган солиқлар деярли барча истеъмол тармоқларида замонавий технологик жараёнлар босқичларининг кўплигига ўта бефарқ бўлиб, улар билан асосий тармоқлар ўртасидаги фарқларни ҳисобга олмайди. Ҳаддан ташқари юқори солиқлар янги молиявий механизмларни жорий этишга тўсқинлик қилади, чунки корхона молиявий қайта қуриш хавфидан оладиган барча имтиёзлар қўшимча солиқ тўловлари орқали "емирилади".

2. Банкротлик механизмининг номукаммаллиги. 2002 йилдаги Банкротлик қонуни қарамай бу жараёнлар ташқи аралашувдан ҳимояланган эмас. Натижада, ночор иш юритувчи иштирокчилари учун ҳеч қандай ягона "ўйин қоидалари" мавжуд эмас. Бу шуни англатадики, кўпроқ таъсирга эга бўлган корхоналар бошқаларга нисбатан афзалликларга эга.

3. Ислоҳ қилинган Ўзбекистон иқтисодиётида саноат ишлаб чиқаришининг иқтисодий муҳитини деформациялаш. Ўзбекистон иқтисодиёти реал секторининг ривожланишини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, деформациялашнинг асосий кўриниши саноат корхоналари иқтисодий айланмасининг ҳақиқий ва расмий қайд этилган ҳажмлари, шунингдек расмий рўйхатдан ўтган ишлаб чиқариш тузилмалари ва уларнинг ҳақиқий сони

ўртасидаги фарқдир. Бу, айниқса, йирик ишлаб чиқариш тузилмалари хизматига"боғланган" ва уларни таъминловчи кичик ишлаб чиқариш фирмалари қурилиш, транспорт ва ахборот хизматлари учун жуда муҳимдир.

Ўзбекистон саноат корхоналари қайта қуриш ҳамроҳлик муаммолар, биринчи навбатда, уларнинг тузилиши тамойилларига ўзгаришлар талаб қилади. Бу тамойилларнинг энг зарурлари қаторига бозорни назорат қилишда истеъмолчиларнинг устиворлиги, истеъмол қилинган маҳсулотлардан ўз кутишининг ўз-ўзидан ўсиши, каби шунингдек, саноат, молиявий ва ахборот технологиялари ишлаб чиқариш воситаларининг сезиларли ўзгаришларини киритиш мумкин.

Ўз навбатида, саноат корхоналарида қайта қуришга тўсиқлар ҳуқуқий муаммоларни ўз ичига олади (қайта ишлаш саноати, юқори солиқ юки, номукаммал банкротлик муносабатлари, "соя" ва норасмий фаолияти муҳим улуши), ислоҳотли (бозор талаби таркибидан иқтисодий фаолият изоляция, унинг ахборот таркибий қисми кам ривожланган, қайта қуриш ва жиноий гуруҳларни тўхтатувчи ҳаракатлар, корхоналар таркибида тўлиқ ўзгариш учун инвестиция йўқлиги), мезо-иқтисодий (муҳим кечиккан қарз ва фойдасиз корхоналар мавжудлиги, букилмас мулк тузилиши ва баҳоланмаган саноат ишлаб чиқариш фондлари), микро-иқтисодий (бошқарув ходимлари сифати муаммолари, ҳамкорлик ва жамоа аъзоларининг саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириш, бошқарув ҳисоби, маркетинг ва савдо номукаммаллиги). Ушбу муаммоларнинг жами етарлича изланишлар олиб боришни талаб қилади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. *А.Смит.* Исследование о природе и причинах богатства народов // Антология экономической классики. М.: Эконов, 1993. Т.

2. *Левченко В.А.* Маркетинговые системы: Теория и практика построения. Ростов: Прима Паблишерз–Ростов, 2005.

3. *Петров В.* Менеджериальный аспект реформ // Управление корпорацией. 2018г.

4. *БочкинВ.*Банкротство:Ключ к реструктуризации?// Новая экономика. 2006. №2.

***Atadjanova M.*** - *O'zR. Davlat boshqaruvi akademiyasi, mustaqil tadqiqotchi*

## O'ZBEKISTONDA OILAVIY TADBIRKORLIKNI RIVOJLANTIRISH ISTIQBOLLARI

Mamlakatimizda qulay tadbirkorlik muhitini yaratish, ishbilarmonlarning huquqiy erkinligini oshirish ayniqsa, oilaviy tadbirkorlikni rivojlantirish borasida bir qator islohotlar olib borilmoqda. Tadbirkorlik faoliyati esa iqtisodiyotimizning yetakchi sohasiga aylanib borayapti.

Bugungi kunda dunyo mamlakatlari aholisining ko'p qismi ishsizlik

muammosidan aziyat chekmoqda. Mamlakatizda bu muammoni oldini olish maqsadida hukumat tomonidan kichik biznes va xususiy tadbirkorlik uchun keng erkinliklar berilgan. Mehnatga layoqatli aholining 76 % bu sohada band. Bu sohani yanada rivojlantirishda aholi orasida tadbirkorlik tushunchasini kengroq targ'ib qilish masalasi juda muhim ahamiyat kasb etmoqda.

Bugungi kunda oilaviy biznes-tadbirkorlikning jahonda eng ommaviy turi hisoblanadi. Jumladan, AQShda oilaviy firmalar soni 15,0 mln.ni tashkil etadi. Shvetsiyada ishga layoqatli aholining 60,0 % oilaviy tadbirkorlik bilan band. London iqtisodiyot maktabi ekspertlarining fikriga koʻra, oilaviy tadbirkorlik faoliyatining samaradorligi boshqa korxonadagilarga nisbatan 10,0-12,0 % yuqori boʻladi.

Rossiyalik taniqli iqtisodchi V.Afanasev oilaviy biznesga "Ijtimoiy tanglikni yumshatish va bozor munosabatlarini demokratlashtirish, oʻrta sinfni shakllantirishning poydevori" sifatida baho bergan.

Oʻzbekistonda olib borilayotgan ijtimoiy-iqtisodiy siyosat keng qamrovli masalalarni oʻz ichiga oladi. Aholi daromadlarini tizimli ravishda oshirib borish, bandlik va mehnat munosabatlarini shakllantirish, aholining ayrim toifalarini, shu jumladan tadbirkor va fermer xotin-qizlarni ijtimoiy himoya qilish va qoʻllab-quvvatlash borasida qoʻshimcha kafolatlar berildi.

Xususan, xotin-qizlar bandligini ta'minlash, ularni tadbirkorlik faoliyatiga keng jalb qilish maqsadida imtiyozli kreditlar ajratish amaliyoti yoʻlga qoʻyildi.

Tijorat banklari mikrokredit bazasi mijozlarining 30 foizidan ortigʻini xotin-qizlar tashkil etmoqda. Tijorat banklari mablagʻlari hisobidan 172 mingdan ortiq xotin-qizlarga 4,9 trillion soʻm miqdorida kreditlar ajratildi. Buning natijasida tadbirkorlik faoliyatini yoʻlga qoʻygan xotin-qizlar soni bir yilda 45 ming nafarga koʻpaydi.

Oʻzbekiston Respublikasi aksiyadorlik tijorat Xalq bankining tuman (shahar) filial boshqaruvchisining ayollar va oilaviy tadbirkorlikni qoʻllab-quvvatlash boʻyicha oʻrinbosari lavozimi joriy etilib asosiy vazifalari quyidagilardan iborat:

- Oilaviy tadbirkorlikni rivojlantirish dasturlarining yagona elektron platformasi orqali kreditlar ajratishda hokim yordamchisi tomonidan tovar va xizmatlar haqiqatda yetkazib berilganligi (koʻrsatilganligi) joyida oʻrganilib, kredit oluvchining roziligi elektron tarzda tasdiqlangandan soʻng bir kun muddat ichida kredit mablagʻi ajratishini ta'minlash;
- Oilaviy tadbirkorlikni rivojlantirish dasturlari va Xotin-qizlarni qoʻllab-quvvatlash jamgʻarmasi resurs mablagʻlari hisobidan ajratilgan imtiyozli kreditlarni maqsadli ishlatilishi, dastlabki, joriy, maqsadli va yillik monitoringlar oʻz vaqtida sifatli oʻtkazilishini nazorat qilib borish;
- Oilaviy tadbirkorlikni rivojlantirish dasturlari doirasida oʻrnatilgan reja-grafiklarni belgilangan muddatda oʻz vaqtida bajarilishini ta'minlash;
- Oilaviy tadbirkorlikni rivojlantirish dasturlari va Xotin-qizlarni qoʻllab-quvvatlash jamgʻarmasi resurs mablagʻlari hisobidan ajratilgan imtiyozli kreditlarni muammoga aylangan qismini doimiy tahlil va nazorat qilib borish hamda undirish boʻyicha chora-tadbirlar ishlab chiqadi. Oilaviy tadbirkorlikni rivojlantirishga qaratilgan ijtimoiy dasturlar boʻyicha 2022 yil davomida 94 mingdan ortiq xotin-

qizlarga 1,7 mlrd. so‘mdan ziyod imtiyozlar kreditlar ajratilib, 93 mingdan oshiq yangi ish o‘rinlari yaratilgan.

Haqiqatan ham oilaviy biznesning afzalliklari ko‘p. Jumladan u:

- Ish beruvchilar tomonidan aholining ko‘p hollarda foydalanmaydigan toifalari pensionerlar, talaba yoshlar, nogironlar mehnatidan foydalanish imkonini beradi;
- Oilaviy tadbirkorlik ishtirokchilarining jamoaviy ijtimoiy ma’suliyatini kuchaytiradi, oila markasi nufuzini qadrlash va oshirishga undaydi;
- Oila a’zolarining o‘z mehnat pirovard natijalari uchun manfaatdorligiga asoslangan, tadbirkorlikning bu turini farzandlar tarbiyasi va uy mehnati bilan qo‘shib olib borish imkoniyati mavjud;
- Jamiyatda ijtimoiy-vaziyatni barqarorlashtirishga xizmat qiladi, kelajakka yo‘naltirilgan amaliy muhitni shakllantiradi.




**1-rasm. Tadbirkor bo‘lishning ijobiy jihatlari[1].**

Tadbirkor bo‘lishning ijobiy jihatlari ham bo‘lib, bu haqida 1-rasmda shakllantirilgan.

Bugungi kunda yurtimiz bo‘yicha oilaviy biznesni yo‘lga qo‘yib, buning orqasidan ham turmushini tebratayotgan, ham jamiyatimizga naf keltirayotgan yurtdoshlarimiz ko‘pchilikni tashkil etadi. Qishloq xo‘jaligi tarmoqlari, xususan, dehqonchilik, chorvachilik, baliqchilik, asalarichilik hamda hunarmandchilik, savdo va xizmat ko‘rsatish asosida o‘z oilaviy biznesini tashkil etayotganlar soni tobora ko‘payib borayotgani yanada e’tiborlidir. “Mahalla” hayriya jamg‘armasi tomonidan taqdim etilgan ma’lumotlarga ko‘ra mamlakat bo‘yicha 4 milliondan ortiq xonadonlar va 10 000 ga yaqin mahalla va qishloq fuqarolar yig‘inlari mavjud.

Ma’lumki, demokratiyaning eng keng tarqalgan shakllaridan biri bu - fuqarolarning o‘zini-o‘zi boshqarish organlaridir. O‘zbekistonda bunday tizimning asosiy bo‘g‘inini jamiyatda beqiyos o‘ringa ega bo‘lgan mahallalar tashkil etadi. Aynan ana shu mahallalar tarkibida o‘sha hudududda yashovchi iqtisodiy faol aholini oilaviy biznes va tadbirkorlikka undovchi maslahat markazlarini tashkil etish

[1] Nazariy ma’lumotlar asosida tayyorlandi

zarur deb hisoblayman. Bunday markazlar asosan mamlakatimizdagi Oliy ta'lim muassasalari (OTM)ning shu sohada ilmiy tadqiqot ishlarini olib borayotgan professor – o'qituvchilari ko'magida hamda bevosita ular ishtirokida amalga oshiriladi. Bunda mahalla fuqarolari yig'ini bilan kelishilgan holda har bir mahalla markazida tadbirkorlikka ko'maklashuvchi maslahat markazlarini tashkil etish mumkin.

Mahallalarda hozirgi kunda amalda ushbu tizim mavjud bo'lib, mantiqiy davomi sifatida oilaviy biznes va tadbirkorlikka ko'maklashuvchi bunday markazlar faoliyati avvalam bor mahalla aholisining tadbirkorlik va ishbilarmonlik potensialini ochish, uni ro'yobga chiqarish va yanada rivojlantirishga qaratilgan.

Tadbirkorlik faoliyatini samarali yuritish uchun lozim bo'lgan biznesga oid bilimlarni, shu jumladan marketing, menejment, moliyaviy rejalashtirish va boshqalar bo'yicha konsultatsiyalar berish, ishbilarmonlarni o'zlarining faoliyatlari uchun kerak bo'lgan huquqiy-normativ hujjatlar bilan tanishtirish va ularni qo'llashda amaliy yordam berish, tadbirkor va ishbilarmonlarni o'z huquqlarini himoya qilishda ko'maklashish, shuningdek, bir tomondan professor - domlalarni hamda tadqiqotchilarni ikkinchi tomondan amaliyotchi tadbirkor va ishbilarmonlarning o'zaro manfaatli, ikki tomonlama hamkorligiga erishishga yo'naltirilgan.

Mahallalarda bunday markazlar quyidagi asosiy masalalarni hal etishga yordam beradi:

- Mahalla aholisi orasida mamlakatimizda tadbirkorlikni qo'llab-quvatlash bo'yicha yaratilgan shart-sharoitlar hamda imtiyozlar yuzasidan ma'lumot berish;
- O'z ishini boshlash istagida bo'lganlar uchun Davlat ro'yxatidan o'tish, rasmiy hujjatlarni to'ldirish va hisobotlar topshirish bo'yicha konsultatsiya berish;
- Aholi orasida o'z ishi boshlashni va tadbirkorlikni targ'ib qilish va rag'batlantirish;
- Tadbirkorlar duch kelayotgan muammolarni hal etishda amaliy yordam ko'rsatish;
- Tadbirkorlar huquqiy hamda professional savodxonligini oshirish;
- O'z-o'zini band qilishni ommaviylashtirish va rivojlantirish;
- Oilaviy biznesni yanada ommaviylashtirish va rivojlantirish;
- Bandlik masalasini yechishda ko'maklashish;
- Mamlakat byudjeti uchun soliq bazasini oshirish;
- Professor-o'qituvchilar, shuningdek tadqiqotchi hamda talaba yoshlar uchun o'z bilimlarini amaliyotda qo'llash imkonini yaratish;

Yuqoridagi fikrlardan xulosa qilib shuni aytishimiz mumkinki, bu kabi maslaxat markazlarining umummamlakat miqyosida amalga oshirilishi ko'plab fuqarolarni tadbirkorlik sohasiga kirib kelishiga olib keladi. Bu esa o'z navbatida, YaIMning o'sishiga, ko'plab ishchi o'rinlarning yaratilishiga, Davlat byudjetining tushumlarini ortishiga va boshqa ijobiy natijalarga olib keladi. Shuningdek, ijro etuvchi va qonun chiqaruvchi organ uchun kichik biznesni yanada qo'llab-quvvatlash uchun aniq tavsiyalar ishlab chiqish imkoni yaratiladi. Oliy o'quv yurtlari, tadqiqot institutlari va boshqa ilmiy tashkilotlar uchun o'zlaring nazariy bilimlari bilan amaliyot vakillari bilan bo'lishishga, tajriba va bilimlarning almashuviga erishishga, bir qator ilmiy ishlar

va maqolalarni yozishga hamda ilmiy anjumanlar oʻtkazishga imkon beradi.

Mahallalarda insonlarning biznes va tadbirkorlikka bo’lgan qarashlari va fikrlar ijobiy tomonga oʻzgaradi. Ularda tadbirkorlik faoliyati bilan shugʻullanish istagi vujudga keladi. Ushbu maslahat markazi insonlarni tadbirkorlik va oilaviy biznes bilan shugʻullanishlarida eng qulay va ishonchli koʻmakdosh boʻgʻinga aylanadi.

### Foydalanilgan adabiyotlar roʻyxati


1. 2003-yil 11-dekabrdagi O’zbekiston Respublikasining “Xususiy korxona toʻgʻrisida” gi Qonuni.
2. Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2003-yil 11-oktabrdagi “Kichik tadbirkorlik subyektlariga tegishli korxonalar va tashkilotlar klassifikatsiyasini tasdiqlash toʻgʻrisida”gi 439-sonli Qarori //http: // www.lex.uz. PF-4232.
3. Abdullaev A., Muftaydinov Q., Aybeshov X. Kichik biznesni boshqarish. – T.: “Moliya” nashiryoti, 2003. – 192 bet.
4. Gʻulomov S. S. Tadbirkorlik va kichik biznes. – T.: “Sharq” nashriyot matbaa aksiyadorlik kompaniyasi Bosh taxririyati. 2002. – 369 bet.
5. Sh.O. Quvandikov. “Oilaviy tadbirkorlik: milliy iqtisodiyotda tutgan oʻrni, ahamiyati va rivojlanish omillari”. “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. № 1, yanvar-fevral, 2014 yil.
6. www.pwc.com Family business survey 2012. October-2012.
7.http://21asr.uz/moliia/makhallani-oilavii-biznes-markaziga-ailantiramiz.html



***Хакимзода М.Ю.*** *– ТФИ, Базовый докторант*


## УПРАВЛЕНИЕ РИСКАМИ ИНВЕСТИЦИОННОГО ПРОЕКТА

Современные ученые рассматривают риск как некоторую потенциальную численно измеримую возможность возникновения неблагоприятных ситуаций и связанных с ними негативных последствий. В качестве негативных последствий можно представить такие, как: ущерб для организации, убытки компании, различные потери, например, денежных средств, планируемой прибыли, дохода, имущества и прочие.

Возникновение негативных последствий может быть вызвано теми или иными факторами внешней и внутренней организационной среды:

– неопределенность внешнеорганизационной среды (возникновение случайных, часто непрогнозируемых изменений, связанных с условиями экономической деятельности);

– возникновение неблагоприятных ситуаций, в том числе форсмажорных обстоятельств;

– общее падение цен на рынке;

– непредсказуемость результата от принятого руководством организации управленческого решения, хозяйственного действия.

В целом риск можно охарактеризовать как такое событие, которое может случиться в ситуации неопределенности с той или иной вероятностью.

Последствия такого риска оцениваются в экономических, чаще всего финансовых показателях, их можно представить в виде экономических результатов:

– отрицательного (в случае ущерба, убытка, проигрыша);

– положительного (при получении выгоды, прибыли, выигрыша);

– нулевого, нейтрального (в случае отсутствия убытка или выгоды).

Понятие «проект» (от лат. Projacere – продвигать что-то вперед) в менеджменте определяется как совокупность, комплекс задач и действий, имеющих ряд отличительных признаков, таких как:

– поставленные цели;

– взаимосвязанность задач и ресурсов;

– конкретно установленные сроки начала и окончания проектных работ;

– выявленная степень новизны целей и условий реализации проекта;

– неизбежность различных конфликтных ситуаций во внешний и внутренний проектной среде.

Риски проекта характеризуются следующими элементами:

– рисковое событие – совокупность неких явлений, процессов, событий, способных оказать негативное воздействие на проект, нанести ему ущерб;

– вероятность наступления такого события, которое окажет преимущественно негативное воздействие на разрабатываемый проект;

– размер ущерба (потенциального или реального), который появляется или может появится в последствии наступления рискового события (иными словами, это организационные потери в рамках проекта).

Инвестиционные проекты подвергаются влиянию следующих значимых рисков:

– возрастание темпов инфляции;

– снижение цен на готовую продукцию;

– уменьшение объемов реализации продукции;

– увеличение переменных издержек в расчете на единицу продукции;

– увеличение инвестиционных затрат в рамках проекта и другие.

По проявлению отношения к проектным рискам инвесторов распределяют по группам:

– инвесторы, склонные к риску (фактически, это инвесторы, которые готовы платить за то, чтобы нести риск в рамках проекта);

– инвесторы, не склонные к риску (инвесторы, готовые платить, чтобы уклониться от проектного риска);

– инвесторы, нейтральные к риску (инвесторы, которые проявляют безразличие как к наличию, так и к отсутствию риска).

Значимым элементом стратегического и оперативного управления является контроль риска инвестиционного проекта. Данная процедура идентична надзору за процессом корректного внедрения стратегии инвестирования, ориентированной на получение дохода (прибыли). Выделяют два основных вида контроля проектного риска:

1) физический контроль риска, связанный с операциями по уменьшению количества убытков и их размеров;

2) финансовый контроль риска, основанный на его ограничении за счет компенсации издержек посредством денежных поступлений, продаж активов, активизации специальных фондов или займов и пр.

Для эффективного управления инвестиционными проектами значимую роль играет информационная система, особенно при реализации крупных долгосрочных инвестиций с высокой капиталоемкостью. Это связано с тем, что в рамках учета проекта риска возникают трудности корректной идентификации силы и направления воздействия всех факторов, которые смогут оказывать влияние на эффективность инвестиций в будущем. Таким образом, информационная система для управления инвестициями в рамках проекта может рассматриваться в соответствии с критериями этапов получения и обработки информации, а также условий инвестирования с детальным уточнением сфер неопределенности и риска.

Непосредственно собранные данные и информационные материалы становятся основой для применения различных методов оценки и учета рисков при выборе стратегии реализации проекта, ориентированного на инвестиционную деятельность.

В целом, отношение к проектному риску находится в зависимости, прежде всего, от целей инвестирования (степени рискованности конкретного проекта), а также непосредственно от финансового положения самого инвестора (инициатора проекта). Следовательно, для принятия правильного инвестиционного решения первоначально требуется определить величину ожидаемого от проекта дохода, выявить степень риска, а также установить, насколько ожидаемый от внедрения проекта доход компенсирует предполагаемый проектный риск

**Список литературы:**

1. Троицкая, Н. Н. Управление проектами. Управленческий консалтинг: Учебное пособие / Н. Н. Троицкая. – Москва: МГУПС (МИИТ), 2016. – 80 с.

2. Андреева, Э. А. Проблемы анализа и оценки рисков инвестиционных проектов / Э. А. Андреева, М. Б. Казакова, И. И. Шукшина // Вестник Саратовского государственного технического университета. – № 1(36). – Том 4. – 2008. – С. 133–137.

3. Троицкая, Н. Н. Проблема диагностики рисков при разработке инвестиционного проекта / Н. Н. Троицкая // Путеводитель предпринимателя. Научно-практическое издание: Сб. науч. трудов. Вып. XXXVIII. Москва: Российская Академия предпринимательства; Агентство печати «Наука и образование», 2018. – С. 171–177.

4. Поморцева, И. М. Управление рисками инвестиционных проектов: проблемы идентификации и алгоритмы реагирования / И. М. Поморцева // Вестник РГГУ. – 2011. – № 4. – С. 129–143.

*Холматов Ш.Ғ. – ОБМ, тингловчи*

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ФАРМАЦЕВТИКА САНОАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЎЗИГА ҲОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида сўнгги беш йилда иқтисодиётнинг барча соҳалари каби фармацевтика саноати ҳам жадал ривожланди.

Авваламбор, республикада фармацевтика тармоғини ривожлантиришни назарда тутувчи комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мақсадида 2017 йилда Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги ташкил этилди.

Бунга қадар фаолият юритган «Ўзфармсаноат» ДАК таркибида корхоналар мавжуд бўлган бўлса, Фармацевтика агентлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги республика давлат органи сифатида фаолияти йўлга қўйилди.

Агентлик таркибига Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва тиббиёт техникалари экспертизаси ва стандартизацияси давлат маркази, Ўзбек кимё-фармацевтика илмий-тадқиқот институти, Тошкент вакцина ва зардоблар илмий-тадқиқот институти ҳамда «Шарқ табобати» илмий-тадқиқот институтлари ўтказилди[1].

Шуни таъкидлаш жоизки, Агентликка бир вақтнинг ўзида ҳам фармацевтика тармоғини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг замонавий механизмларини жорий этиш йўли билан барқарор ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, шунингдек, тармоқ корхоналарига етакчи хорижий фармацевтика корхоналари билан ҳамкорликни йўлга қўйишда фармацевтика маҳсулотларининг ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош, юқори сифатли янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштиришда кўмаклашиш. Бошқа томондан эса, фармацевтика маҳсулотларини давлат рўйхатидан ўтказиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш, техник жиҳатдан тартибга солиш, шунингдек, фармацевтика фаолиятини лицензиялаш йўли билан давлат томонидан бошқариш[2].

Мана шу нуқтада бир ташкилотга ҳам тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ҳам тадбиркорлик фаолияти устидан назоратни олиб бориш вазифаларини юклатилганлигини таъкидлаш жоиз. Албатта, бу вақтинчалик жараён ҳисобланиб, ушбу ислоҳотларнинг замирида фармацевтика тармоғини барқарор ривожлантиришнинг ягона стратегияси белгилаш, маҳаллий фармацевтика корхоналарининг фаолиятини, шу жумладан тегишли маҳсулотларни аҳоли ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг уларга бўлган эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқариш бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш мақсад қилинган.

[1] https://lex.uz/docs/3404346
[2] https://lex.uz/docs/3464413

Ушбу тадбирлар қандай самара берганлигини қуйидаги рақамлар орқали баҳолаш мумкин.

Маҳалий фармацевтика корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг тури 2 644 тадан 3 554 тага етказилиб, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар тури 134 фоизга кўпайди. Маҳаллий фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналар сони 149 тадан 220 тага етди. 2017 йилда 149 та маҳаллий корхоналари томонидан 1,4 триллион сўмлик фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлса, 2021 йилда корхоналарнинг сони 220 тага етди. Улар томонидан умумий қиймати 3,9 трлн.сўмлик фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Маҳсулот ишлаб чиқариш сўнгги беш йилда 2,5 баробарга кўпайди[1].

Шунингдек, соҳада хизматлар кўрсатиш тизимини такомиллаштириш ва соддалаштириш мақсадида фармацевтика маҳсулотларини рўйхатдан ўтказиш муддатлари дори воситалари учун 180 иш кунидан 155 кунга, тиббий буюмлар учун 120 кунга, субстанцияларга 50 кунга қисқартирилди (таққослаш учун Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида бу жараёнлар 210 иш кунида амалга оширилади). Қолаверса, 20 та ривожланган давлатларда амалга оширилган рўйхатдан ўтказиш натижалари 15 иш кунида тан олиш амалиёти жорий этилди.

Юқоридаги рақамлар ва жараёнлардан кўриш мумкинки, фармацевтика соҳаси сезиларли даражада ривожланмоқда. Яъни амалга оширилаётган ислоҳотлар ўз самарасини бермоқда.

Шундай бўлсада, соҳада ўз ечимини топмаган бир қатор масалалар сақланиб қолмоқда. Хусусан, 2020 – 2024 йилларда Ўзбекистон Республикасининг фармацевтика тармоғини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш самарадорлигининг мақсадли кўрсаткичлари бўйича маҳаллий дори шаклларини ишлаб чиқариш ҳажмлари йилига 5 фоиздан кўпайтирилиб, 2024 йилда 70 фоизга етказилиши режалаштирилган. Бироқ, импорт маҳсулотларининг миллий бозордаги улуши юқори бўлиб колмоқда (60-75 фоиз)[2].

Маҳаллий корхоналар томонидан мураккаб таркибли, юқори технологик фармацевтика маҳсулотларни ишлаб чиқариш у қадар ривожланмаган.

Шунингдек, 2024 йил 1 январга қадар фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи барча маҳаллий корхоналар Зарур ишлаб чиқариш амалиёти (GMP) миллий талабларига мувофиқ мажбурий сертификатлаштирилиши лозимлиги белгиланган бўлсада, бугунги кунда 212 та корхонадан фақат 30 тасида GMP стандартлари жорий қилинган.

Маҳаллий корхоналар томонидан бир турдаги дори воситаларини ишлаб чиқариш кенг тус олган. Соҳага янги технологияларни жорий этиш, мақсадли ишлаб чиқаришга эътибор суст бўлмоқда.

Юқорида санаб ўтилган ва бошқа омиллар маҳаллий корхоналаримизнинг миллий бозорда ўзининг мустаҳкам ва барқарор ўрин эгаллашга қийинчилик туғдирмоқда.

---

[1] https://uzpharmagency.uz/uz/menu/otkrytye-dannye-sotsialno-znachimyh-svedenij
[2] https://lex.uz/docs/4673197#4676750

Шундай бўлсада, давлат соҳани ривожлантириш йўлида бир қатор муҳим чора-тадбирларни оширишда давом этмоқда.

Хусусан, 2022 йил январь ойида қабул қилинган Президентнинг тегишли фармони билан, 2022-2026 йилларда республиканинг фармацевтика тармоғини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тасдиқланди;

дори воситалари ва тиббий буюмларни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хом ашё ва материаллар, тиббий буюмлар ва қадоқлаш материаллари, шунингдек, технологик ва лаборатория ускуналари, уларнинг бутловчи ва эҳтиёт қисмлари 2025 йил 1 январга қадар божхона божларидан озод қилинди;

фармацевтика соҳасидаги бир қатор чекловлар бекор қилинди, жумладан, донор қонини тўплаш ва унинг асосида фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқаришни хусусий тартибда амалга оширишга тақиқ ҳамда дори воситаларининг клиник тадқиқотларини соғлом кўнгиллиларда ўтказишга чекловлар;

фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи маҳаллий корхоналарни қўллаб-қувватлашга оид бир қатор имтиёхлар белгиланди.

Буларнинг замирида 2026 йилга келиб, фармацевтика саноати маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 3 баробар кўпайтириш ва маҳаллий бозорни таъминлаш даражасини 80 фоизга етказиш мақсад қилинган[1].

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, 2020 йилда пайдо бўлган коронавирус пандемияси ва юзага келган эпидемиологик вазият замонавий дори воситалари бозорини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришнинг стратегик аҳамиятини намоён этди. Қолаверса ушбу соҳа келажакда иқтисодиётнинг муҳим драйвер тармоқларидан бири бўлиши мумкин. Бунинг учун Ўзбекистонда етарли шароит ва имкониятлар мавжуд. Давлат томонидан белгиланган тадбирлар яқин келажакда албатта ўз самарасини бермасдан қолмайди.

***Боронов Б.Ф.*** *– СамИСИ, докторант и.ф.ф.д. (PhD)*

## МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ ШАКЛЛАРИДА ТОВАР-МОДДИЙ ЗАҲИРАЛАРГА ОИД АХБОРОТЛАРНИ ОЧИБ БЕРИШ МАСАЛАЛАРИ

Республикамизнинг иқтимоий-иқтисодий равнақи йўлида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий-молиявий ва бошқарув фаолятлари таркиби ҳам тубдан ўзгариб бормоқда. Жумладан, мамлакатимиз Президенти томонидан 2020 йил 24 февралда қабул қилинган “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорда айрим тоифага мансуб хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисоботлари халқаро стандартлари асосида тузишлари ва тақдим этишлари лозимлиги белгилаб берилган. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ушбу вазифаларнинг белгиланиши, бугунги кунда, хўжалик юритувчи субъектлар,

[1] https://lex.uz/docs/5834287

хусусан акциадорлик жамиятлари шаклидаги ёғ-мой саноати корхоналарининг ҳисоб олдидаги янги мажбуриятларини келтириб чиқармоқда.

Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган ушбу саноат тармоқлари корхоналарида ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, ушбу маҳсулотларнинг ҳисобини тўғри ташкил этиш, йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган ҳамда акциадорлик жамиятлари шаклидаги ёғ-мой саноати корхоналарининг молиявий ҳисоботларини халқаро стандартлар асосида тузиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир.

Ёғ-мой саноати корхоналарида товар-моддий заҳиралари таркибида ёғ-мой маҳсулотлари асосий ҳиссани ташкил этади. Товар-моддий заҳиралари 4-сон “Товар-моддий заҳиралар” БҲМС билан тартибга солиниб, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида ҳисобот тузишлари белгилаб берилган корхоналар эса, 2-сон (IAS) “Заҳиралар” БҲХС га асосан молиявий ҳисоботларини ишлаб чиқадилар. Ушбу халқаро ва миллий стандартларда молиявий ҳисобот шакллари ва иловаларда товар-моддий заҳиралари бўйича ёритилиши лозим бўлган ахборотлар қатори келтирилган.

2-сон (IAS) “Заҳиралар” БҲХСга мувофиқ, товар-моддий заҳиралари бўйича, молиявий ҳисоботларда очиб берилиши лозим бўлган ахборотларга қуйидагилар киради:

* товар-моддий заҳираларни баҳолаш учун қабул қилинган ҳисоб сиёсатлари, жумладан, қўлланилган таннархни аниқлаш формуласи;

* товар-моддий заҳираларнинг жами баланс қиймати ва тадбиркорлик субъекти учун ўринли таснифланган ТМЗлар туркумларининг баланс қиймати;

* сотиш харажатлари чегирилгандаги ҳаққоний қийматда ҳисобга олинган ТМЗларнинг баланс қиймати;

* ҳисобот даври давомида харажат сифатида тан олинадиган товар-моддий заҳиралар суммаси;

* 34 бандга мувофиқ, ҳисобот даврида харажат сифатида тан олинган товар-моддий заҳиралар қийматини ҳар қандай камайтириш суммаси;

* ҳисобот даврида харажат бўлиб тан олинган ТМЗлар суммасининг камайиши сифатида тан олинган камайтирилишнинг ҳар қандай қайта тикланиш суммаси;

* товар-моддий заҳиралар камайтирилишининг қайта тикланишига олиб келган шарт-шароитлар ва ҳодисалар;

* мажбуриятлар бўйича кафиллик сифатидаги товар-моддий заҳираларнинг баланс қиймати.

Олиб борилган тадқиқотлар давомида, бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларида товар-моддий заҳиралари бўйича молиявий ҳисобот шаклларида очиб берилиши лозим бўлган ахборотлар халқаро стандартларда келтирилган ушбу ахборотлар билан солиштирилди:

**1-жадвал**

**Халқаро ва миллий стандартларда товар-моддий заҳиралари бўйича келтирилган молиявий ҳисобот шаклларида очиб берилиши лозим бўлган ахборотлар**[1]

| 2-сон (IAS) "Заҳиралар" БҲХС | 4-сон "Товар-моддий заҳиралар" БҲМС |
|---|---|
| * товар-моддий заҳираларни баҳолаш учун қабул қилинган ҳисоб сиёсатлари, жумладан, қўлланилган таннархни аниқлаш формуласи; | * товар-моддий захиралар қийматини аниқлашда қабул қилинган ҳисоб сиёсати, шу жумладан товар-моддий захиралар қийматини баҳолашнинг қўлланадиган усуллари; |
| * товар-моддий заҳираларнинг жами баланс қиймати ва тадбиркорлик субъекти учун ўринли таснифланган ТМЗлар туркумларининг баланс қиймати; | * товар-моддий захираларнинг якуний баланс суммаси ва баланс суммаси ташкилотга мувофиқ келадиган таснифда; |
| * сотиш харажатлари чегирилгандаги ҳаққоний қийматда ҳисобга олинган ТМЗларнинг баланс қиймати; | * сабабларини баён этган ҳолда, товар-моддий захираларни реализация қилишнинг соф қийматига қадар жиддий ҳисобдан чиқариш; |
| * ҳисобот даври давомида харажат сифатида тан олинадиган товар-моддий заҳиралар суммаси; | * ҳар қандай қисман ҳисобдан чиқарилган суммани тиклаш суммаси; |
| * ҳисобот даврида харажат сифатида тан олинган товар-моддий заҳиралар қийматини ҳар қандай камайтириш суммаси; | * хўжалик фаолиятининг ҳисобдан чиқарилган товар-моддий захираларни тиклашга олиб келган ҳолатлари ёки воқеалари; |
| * ҳисобот даврида харажат бўлиб тан олинган ТМЗлар суммасининг камайиши сифатида тан олинган камайтирилишнинг ҳар қандай қайта тикланиш суммаси; | * мажбуриятлар учун кафолат сифатида гаровга қўйилган товар-моддий захираларнинг баланс қиймати; |
| * товар-моддий заҳиралар камайтирилишининг қайта тикланишига олиб келган шарт-шароитлар ва ҳодисалар; | * ҳисобот даврида чиқиб кетадиган товар-моддий захиралар таннархи |
| * мажбуриятлар бўйича кафиллик сифатидаги товар-моддий заҳираларнинг баланс қиймати | |

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан тузиладиган ва тақдим этиб бориладиган молиявий ҳисобот шакллари ва иловаларда товар-моддий заҳиралари бўйича ахборотларнинг ёритилиши бўйича халқаро ва миллий стандартларда ўзаро ўхшаш ва фарқли жиҳатлар ҳам мавжуд бўлиб, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хўжалик юритувчи субъектлар, хусусан турли мулкчилик шаклидаги ёғ-мой саноати корхоналари ҳам ушбу жиҳатларга риоя этишлари лозим бўлади. Ёғ-мой саноати корхоналарида товар-моддий заҳираларига оид ахборотларни молиявий ҳисоботларда акс эттирилиши корхоналарда бухгалтерия ҳисобини тўғри ташкил этишга, молиявий ва бошқарув ахборот фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларини тўлиқроқ қондиришга, молиявий ҳисоботларнинг жозибадорлигини оширишга хизмат қилади, деб ҳисоблаймиз.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги Қарори. 2020 йил 24 февраль. ПҚ-4611.
2. 2-сон БҲХС (IAS) "Заҳиралар (Inventories)".

[1] Халқаро ва миллий стандартлар асосида муаллиф ишланмаси.

3. 4-сон БҲМС “Товар-моддий захиралар” // АВ томонидан 30.06.2020 й. 3259-сон билан рўйхатга олинган.

***Maxmudov A.M.*** *- Farg‘ona soliq texnikumi, o‘qituvchi*

## YASHIRIN RAQAMLI IQTISODIYOTNI SOLLIQQA TORTISHNI YO`LLARI

Dunyoda axborot texologiyalarini shiddatli rivojlanib borishi davlat boshqaruvini qayta ko‘rib chiqishni taqazo etmoqda. Raqamli texnologiyaga asoslangan yangidan-yangi biznes yo‘nalishlar, yangi startaplar yaratilyaptiki, biznes istemolchilarini talabi o‘zgarmoqda. Bu jarayonlarda moliyaviy muasssalar chetda qolmayapti. Raqamli iqtisodiyotni soliqqa tortish bir qancha murakkab tuzilmalarini, narxlarni belgilash uni sotish kabi muamoviy vaziyatlarni xosil qilmoqda.

Raqamli texnologiyalarini faol rivojlanishi iqtisodiyotni zamonaviy tendentsiyalarga muvofiq samarali soliqqa tortish tizimini yaratish zarurligini taqozo etmoqda.

Iqtisodiyotda yashirin sektorning mavjudligi murakkab muammolardan biridir. Bunga nafaqat iqtisodiy, balki siyosiy, ijtimoiy va hatto psixologik sabablar mavjud bo‘ladi. Jahon tajribasi va ko‘plab tadqiqotlar shuni ko‘rsatadiki, yashirin iqtisodiyotga qarshi kurashda bir vaqtning o‘zida ko‘plab kanallar orqali ta’sir kuchini amalga oshirilishi kerak. Har qanday bir tomonlama yondoshish nafaqat muvaffaqiyatsizlik, balki qarama-qarshilikka ham olib kelishi mumkin

Iqtisodiyotni soyadan samarali olib chiqish uchun, avvalo, buni asosiy sabablarini aniqlash kerak:

- nisbatan yuqori soliq yuki, ayniqsa mehnat soliqlari (shu jumladan ijtimoiy to‘lovlar);
- iqtisodiy faoliyatni haddan tashqari "ortiqcha tartibga solish", biznes yuritish uchun ma'muriy to‘siqlar;
- davlat muassasalarining xizmat ko‘rsatish sifatini pastligi, himoyaning yo‘qligi, mulk huquqini bilmaslik, mustaqil sud tizimining yo‘qligi, axborot erkinligi, hukumat faoliyati ustidan jamoatchilik nazoratining yo‘qligi va boshqalar;
- mehnat bozorini tartibga solishning sifatsizligi, noqonuniy migratsiya muammolari;
- noqonuniy ishchi kuchi;
- nazorat qiluvchi organlar vakillari o‘rtasidagi korruptsiya.

Yuqorida sanab o‘tilgan sabablarni ketma-ket yo‘q qilish qiyin. Ular bir-biriga o‘zaro bog‘lanib, ayovsiz doirani hosil qiladi.

Masalan, juda yuqori soliq ma'muriy yuki korrupsiya, hokimiyatni suiste'mol qilish uchun turtki beradi.

Mustaqil sud va mulkiy huquqlarni himoya qilish bo‘lmagan taqdirda, soliq to‘lovchi hokimiyat bilan nizoli vaziyatga kelib qoladi, shubhasiz, ayblanuvchi mag‘lub bo‘ladi.

Yashirin sektorni qonuniylashtirishning ikkita asosiy yondashuvi mavjud – “qattiylashtirish” ya’ni jazo muqarrarligi va ixtiyoriy ravishda voz kechishni “rag‘batlantirish”.

Ushbu yondashuvlar kamdan-kam hollarda alohida qo‘llaniladi. Eng ko‘p ishlatiladigan usullar bu "jazo" va "rag‘batlantirish" choralarining kombinatsiyalashgan holda olib borilishidir.

Iqtisodiyotning yashirin sektori haqida gapirganda, ayniqsa, norasmiy bandlik muammosiga to‘xtalib o‘tish kerak.

Ba'zi ma'lumotlarga ko‘ra, dunyo qishloq xo‘jaligida band bo‘lmagan 60 foiz ishchilar iqtisodiyotni yashirin sektorida band.

Yashirin xizmat ko‘rsatish ko‘lami nihoyatda keng, ba’zi ma’lumotlarga qaraganda 4 (to‘rt) trillion so‘mdan ortiq summa davlat byudjetiga kirim bo‘lmagan. Bu sohalarga quyidagilarni kiritish mumkin:

- Tibbiyot xodimlari tomonidan ishdan bo‘sh vaqtlarida ko‘rsatayotgan tibbiy xizmatlari);
- repititorlik xizmatlari;
- kichik hajmdagi maishiy buyumlarni ta’mirlash ishlari;
- transport xizmatlari;
- uyda bolaga qarab turish, katta yoshdagilarga qarash xizmati;
- elektr ustalarining ishdan bo‘sh vaqtidagi xizmatlari;
- sartaroshlarning xizmat joyidan tashqari bajargan ishlari;
- uyda yetishtirilgan mevalar savdosi va boshqalar.

Barcha yuqoridagilarni nazoratga olishga qaratilgan harakatlar iqtisodiy jihatdan o‘zini oqlamaydi.

Xalqaro tajribada bu kichik holdagi yashirin aylanma mablag‘lari tabiiy deb qaralibgina qolmay, balki quvvatlantiriladi chunki aholi kambag‘alchilikdan chiqish uchun o‘z muammolarini mustaqil, davlatdan yordam olmay yechmoqdalar. Shuning uchun asosiy e’tiborni katta soliq qoidabuzuvchilariga qaratish lozim.

Raqamli iqtisodiyotni solliqqa tortish — bu soliq siyosatini muammoli yo‘nalishlaridan biridir. Elektron tijoratning turlari bo‘lib quyidagilar hisoblanadi:

- ➢ tovarlarni internet tarmog‘i orqali sotish;
- ➢ jismoniy sotuvchisi bo‘lmagan holda elektronika mahsulotlarini sotish;
- ➢ real vaqt sharoitida moliyaviy xizmatlar ko‘rsatish(brokerlik xizmatlari, pullarni investitsiya qilish xizmatlari);
- ➢ axborot xizmatlari (pullik saytlar, ma’lumotlar bazasiga kirish);
- ➢ telekommunikatsiya xizmatlari va boshqalar.

Bundan tashqari raqamli iqtisodiyotni soliqqa tortishda yana bir vujudga kelayotgan muammolaridan biri bu block chain texnologiyasi asosida kriptovalyuta bilan bog‘liq operatsiyalardir.

Xulosa o‘rnida shuni aytish kerakki, O‘zbekistonda yashirin sektor bilan kurashish quyidagi printsiplarga asoslanishi kerak:

- ✓ yashirin iqtisodiyotga qarshi kompleks chora tadbirlarini qo‘llagan holda kurashish;

✓ yashirin iqtisodiyotga qarshi jazo va rag‘batlantirish usullarini tenglikda qo‘llash.

Yashirin iqtisodiyotni kamaytirish, bu ko‘p jihatdan quyidagilarga bog‘liq:

❖ aholining hukumatga bo‘lgan ishonchi;

❖ aholining moliyaviy va soliq bilimini o‘stirish, korruptsiya bilan qat’iy kurashish.

***Sharobidinov A.B.*** *–TUIT, master*

## REGIONAL E-GOVERNMENT SYSTEM IN THE DEVELOPMENT OF THE DIGITAL ECONOMY

At the initiative of the head of our state, a new form of control-analytical activity based on effective communication with the people was introduced into the practice of parliament, state power and management bodies. Members of parliament are studying the real situation, implementation of laws and programs on the example of a specific district. Its results are analyzed with the participation of the general public at the sessions of local Councils, specific decisions are made regarding the solution of existing problems and their implementation is monitored. Today, the innovations in the system of working with the appeals of individuals and legal entities, the wide use of information and communication technologies in this field, and the tasks set by the President to increase the personal responsibility of the heads of local executive bodies for the effectiveness and efficiency of reforms are reflected. The effectiveness of the large-scale reforms implemented in our country today is directly related to the adoption of effective management decisions by the executive authorities. This can be explained by the following comments in the Address of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev to the Oliy Majlis:

- introduction of specific criteria and procedures for improving the activities of executive authorities, rational use of personnel and material resources;
- clearly defining the procedure for the implementation of the tasks of the executive authorities, their scope of responsibility;
- improvement of the methods and techniques that ensure close cooperation between the representative bodies of the authorities and executive authorities;
- to ensure the harmonious operation of the executive authorities in the effective implementation of the measures adopted in our country;
- implementation of an effective decision-making system based on openness in public administration;
- Refusal of excessive centralization of state administration;
- full transfer of powers to district and city mayors to select and appoint leaders responsible for socio-economic issues in the regions;
- it is required to fundamentally improve the activities of state administration offices;
- taking measures to optimize the number of employees and work processes due to the widespread introduction of digital technologies;

- is to separate the powers of governors as heads of executive and representative power.

Emphasizes that the effectiveness of the decision-making process in regional management depends on the following factors:

1) what kind of information is used by the person who prepares the draft decision or makes a separate decision;

2) what political interests and social values are considered important for the decision maker;

3) understanding of the decision-maker's attitude to changes and his personal responsibility.

New modern information technologies are opening up new ways of reducing the costs of enterprises. "Integration should cover all aspects of the information process. Primary information satisfies the need for information in several areas of activity, information is delivered through information channels once in one direction - to the computing center, after which any management body can request and use this information." - says A. Shmigel. Mike Hammer, the founder of the business process innovation movement, defines this process as "the radical revision and design of business processes to significantly improve the key performance indicators of business processes: quality, cost, service, and speed."

Ушбу таклиф этилаётган услубият орқали корхоналар нафлилик даражаси аниқланиб, улар фаолиятига баҳо берилади. Ҳар бир эришилган даражанинг ўзига хос бўлган таснифлари мавжуд бўлиб, улар кичик бизнес фаоллигини оширишда таҳлилий-меъёрий кўрсаткичлар орқали фаолиятнинг мезони сифатида баҳолаш имконини берди.

Бундай ёндашув корхоналарни рейтинг даражасига кўра гуруҳлашга, минтақаларда чора-тадбирлар тизимини шакллантиришга ва мақсадли дастурлар қабул қилинишига, инвестицияларни мақсадли йўналтиришга асос бўлди. Кичик корхоналарни ушбу тарзда гуруҳлаш ресурс сарфларини камайтириш, бирламчи хомашё, яъни ярим фабрикатларни чуқур қайта ишлашдан тортиб, уни истеъмол учун тайёр маҳсулотга айлантиришгача бўлган якуний босқичга қадар бутун ишлаб чиқариш жараёнини кузатиб боришда, кўплаб муаммолар ва қийинчиликларни ҳамда аҳолининг табақаланишида ижтимоий масалаларни ҳал этишда иқтисодий дастак вазифасини бажаради.

Тадқиқот жараёнида оилавий тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишнинг қулайлик ва имкониятлари таҳлил этилиб, фуқаро юридик шахс мақомини олмаган ҳолда якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган тақдирда, тадбиркорнинг ҳамда оила аъзоларининг суғурта ва солиқлар тўлаш тартибининг ўзига хос хусусиятлари аниқланди. Унга кўра, якка тартибдаги оилавий тадбиркорнинг ойига энг кам иш ҳақининг 100 фоизи миқдорида, қолган оила аъзолари эса унинг 50 фоизи миқдорида суғурта бадалини тўлаши, фақат якка тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган оила аъзоси томонидан қатъий белгиланган солиқни тўлаши лозимлиги оиланинг молиявий имкониятларини янада оширишга имкон яратиши, тадбиркорликнинг бу фаолият турида солиқ юкининг пасайиш хусусияти мавжудлиги асосланди.

Тадқиқот ва таҳлиллар натижасида КБХТ учун яратилган қулай тадбиркорлик муҳитини яхшилаш борасида қуйидаги муаммолар мавжудлиги аниқланди:

бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш самарадорлигини оширишда хўжалик юритувчи субъектларни кичик бизнесга киритиш учун миқдор ва сифат кўрсаткичларини ишлаб чиқиш, кичик бизнес субъектларини аниқлашда белгиланган меъёрдаги ишчилар сони асосий мезон сифатида қаралиши билан биргаликда айланма капитали, даромадлилик даражаси каби сифат кўрсаткичларни қўллаш зарурати;

КБХТнинг мамлакат экспортидаги мавқеи жиддий ўзгармаганлиги, экспорт салоҳияти сустлигича қолаётганлиги, кичик бизнес субъектлари таркибида ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи корхоналар улуши бор - йўғи 19,8 фоизни ташкил этиши ва маҳсулотни экспорт қилишдаги тартиб-таомилларнинг мураккаблиги.

Тадқиқот жараёнида аниқланган муаммоларни ҳал этишга қаратилган қуйидаги амалий тавсиялар ишлаб чиқилди:

мамлакатда меҳнат ресурсларининг ўсиш тенденцияси мавжудлигини инобатга олиб якка тадбиркорларга фаолиятидан келиб чиққан ҳолда бир нафардан уч нафаргача қўшимча ишчи кучини ёллаш имкониятини бериш ва унда иқтисодий механизмнинг дастак ва воситаларини селектив ёндашиш асосида қўллаш. Якка тадбиркор ҳар бир ёлланган ишчи учун энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида суғурта бадалини ва белгиланган солиқ ставкасининг 30 фоизи миқдорида солиқ тўлаш тартибини белгилаш, агар якка тадбиркор касб-ҳунар коллежи битирувчисини ишга ёлласа, маълум бир муддатга, яъни ёлланган ишчини коллежни тугатгандан сўнг бир йил давомида ёлланма ишчилар учун белгиланган солиқдан озод этилиши.

микрофирма ва кичик корхоналарга ёшларни кенг жалб этишни янада рағбатлантиришда тадбиркорлик субъектлари томонидан касб-ҳунар коллежи битирувчилари билан меҳнат шартномалари тузилганда, банд ходимларнинг ўртача йиллик сони қонун ҳужжатларида белгиланган чекланган нормативи 20 фоиздан 50 фоизга оширилиши;

меҳнат сиғимкорлиги юқори бўлган соҳаларни устувор ривожлантириш заруриятидан келиб чиққан ҳолда банд ходимларнинг ўртача йиллик сонини қонун ҳужжатларида белгиланган нормативини ошириб боришда кўп меҳнат талаб қиладиган тармоқларнинг хусусиятларини инобатга олиш, меҳнат сиғимкорлиги юқори бўлган тармоқларда белгиланган меъёрдаги ишчилар сони жумладан енгил, озиқ-овқат, қурилиш материаллари саноатида 200 нафар этиб белгиланилиши;

янги фаолиятни қўллаб-қувватлаш услубиётини касб-ҳунар коллежи битирувчилар фаолиятига нисбатан кенгроқ қўллаш мақсадида солиқ қонунчилиги концепциясида касб-ҳунар коллежларини тугатган ёшлар якка тартибдаги тадбиркор сифатида фаолиятни бошласа бир йилдан кўп бўлмаган даврда қатъий белгиланган солиқни тўлашдан озод этиш, солиқ ва ягона ижтимоий тўловларни ҳисоблашда белгиланган энг кам меъёрларни ҳисобга олмаган ҳолда тўлаши, бироқ, давлат рўйхатидан ўтган санадан бошлаб ўн икки ой ичида ўз фаолиятини тугатса, қатъий белгиланган солиқни фаолият амалга оширилган бутун даври учун тўлаш услубиётини қўллаш таклифи асосланди.

Фикримизча, бу соҳада ҳали ўз ечимини кутаётган муаммоларнинг бугунги кунда кузатилиши илмий-тадқиқотларни янада турли объект ва аспектларда давом эттириш долзарблигини кўрсатмоқда, жумладан:

- минтақаларда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларига инвестициялар киритиш механизмини такомиллаштириш зарурлиги;
- рақамли иқтисодиётда енгил саноатда тадбиркорликни ривожланиши ва ҳудудий ташкил этишнинг иқтисодий жиҳатларини тадқиқ этиш зарурлиги;
- кичик рақамли инновацион фирмалар орасида алоҳида ўринни “таваккалчилик” асосида ишлайдиган венчур фирмаларни ривожлантириш масалалари;
- кичик бизнесни ривожлантиришнинг институционал асосларини такомиллаштириш, жумладан, “Кичик ва ўрта бизнес тўғрисида”ги Қонунни қабул қилиш, кичик ва ўрта бизнес мезонларини белгилашда соҳада банд

бўлганларни рағбатлантириш мезонларини янада такомиллаштириш муаммоларини ўрганиш.

Хуллас, тадбиркорлик фаолиятини рақамли инновациялар яратиш илмий изланишлар, тажриба конструкторлик ишлари ва уларнинг натижаларини ҳаётга тадбиқ қилиш каби янги рақамли маҳсулот яратиш ва уни ўзлаштириш билан боғлиқ бўлган барча ишларни ўзига қамраб олган жараёнга айлантириш зарур.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1.Ўзбекистон республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга ва Ўзбекистон халқига мурожаатномаси.-2022 йил

2. Гулямов С.С.Т.: ТМИ, “Иқтисодиёт-Молия” нашриёти, 2019.-447 бет

3. Абулқосимов Ҳ.П. Иқтисодиётни тартибга солишнинг бозор ва давлат механизмлари.Т.:”Академия”, 2012. – 431 б.

4. Ҳодиев Б.Ю., Қосимова М.С., Самадов А.Н. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик.-Т.: ТДИУ, 2010.-26

5. MurodovaN.K. Small scale business potential factor analysis and forecast of an increase in Uzbekistan // SAARJ Jurnal on Banking & Insurance Research – Indiya, 2016 aprel, vol 5, issue 3. - P. 22-32. (08.00.00; № 9.Global impact factor.2,38).

6. Ўзбекистон Республикаси давлат Статистика Қумитаси маълумотлари, 2020-2021 йиллар.

***Камолов Ш.Ж.** – ОБМ, тингловчи*

## ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИДАГИ РИСКЛАР ВА УЛАРНИ БОШҚАРИШ АМАЛИЁТИ

Тижорат банклари фаолиятидаги рискларни бошқариш амалиётини такомиллаштириш уларнинг халқаро рақобатбардошлигини таъминлашнинг зарурий шартларидан бири ҳисобланади.

Тижорат банклари фаолиятидаги иқтисодий рискларнинг асосий турлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

* кредит риски;
* операцион риск;
* валюта риски;
*фонд риски;
* фоиз риски;
* ликвидлик риски.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг активлари ҳажмида энг юқори салмоқни кредитлар эгаллагани сабабли, кредит риски улар фаолиятидаги рискларнинг энг аҳамиятлиси ҳисобланади.

Кредит рискининг даражасини тавсифловчи асосий кўрсаткичлардан бири бўлиб, кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг брутто активларга нисбатан даражаси ҳисобланади.

Диссертацион тадқиқотнинг биринчи бобида кўрдикки, Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки экспертлари таклиф қилган методика бўйича кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг брутто активларга нисбатан даражаси кўрсактичининг юқори меъёрий даражаси 1,0 фоизни ташкил этади.




**1-расм. ТИФ Миллий банкида кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг брутто активларга нисбатан даражаси, фоизда[1]**

Кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг даражаси бевосита таснифланган кредитларнинг (стандарт, субстандарт, қониқарсиз, шубҳали ва умидсиз кредитлар) таркибидаги ўзгаришларга боғлиқ.

1-расм маълумотларидан кўринадики, 2017-2021 йилларда ТИФ Миллий банкида кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг брутто активларга нисбатан даражаси ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бунинг устига, ушбу кўрсаткичнинг амалдаги даражаси унинг меъёрий даражасидан юқори бўлган.

**1-жадвал**

**Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг валюта операцияларидан олган даромадларининг миқдори ва даражаси[2]**

| Кўрсаткичлар | 2017 й. | 2018 й. | 2019 й. | 2020 й. | 2021 й. |
|---|---|---|---|---|---|
| Валюта операцияларидан олинган даромадлар, млрд. сўм. | 20,7 | 19,7 | 130,3 | 228,8 | 291,5 |
| Валюта операцияларидан олинган даромадларнинг фоизсиз даромадлар ҳажмидаги салмоғи, % | 3,4 | 2,3 | 8,1 | 13,6 | 11,1 |

1-жадвал маълумотларидан кўринадики, 2018-2021 йилларда ТИФ Миллий банкининг валюта операцияларидан олган даромадлари миқдори ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, Миллий банкнинг валюта операцияларини ривожлантириш нуқтаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

1-жадвал маълумотларидан кўринадики, Миллий банкнинг фоизсиз даромадлари ҳажмида валюта операцияларидан олинган даромадларнинг салмоғи 2018-2020 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган, аммо, ушбу кўрсаткич 2021 йилда 2020 йилга нисбатан сезиларли даражада (2,5 ф.п.) пасайган. Бунда валюта операцияларидан олинган даромадлар деганда спрэд

[1] Расм муаллиф томонидан ТИФ Миллий банкииннг йиллик ҳисоботлари маълумотлари асосида тузилган.
[2]Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот. www.nbu.uz (Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки).

шаклида даромад ва қайта баҳолаш натижасидан олинадиган даромадлар назарда тутилмоқда.

Тижорат банкларининг валюта операцияларидан олган даромадлари миқдорининг динамикаси ва даражаси валюта операцияларининг самарадорлигини баҳолашда муҳим ўрин тутади. Бироқ, ушбу кўрсаткичларнинг ўзи валюта операцияларининг самарадорлигини баҳолаш учун етарли эмас. Бунинг учун банкларнинг валюта операцияларидан кўрган зарарлари миқдорининг банкнинг фоизсиз харажатлари ҳажмидаги салмоғининг ўзгаришини ҳам таҳлил қилиш зарур бўлади.

Базель-II стандартида операцион риск бўйича капиталнинг етарлилигини ҳисоблаш учун уч усулдан фойдаланиш тавсия этилган. Биринчи усул базавий индикатор усули, иккинчи усул – стандартлаштирилган усул, учинчи усул эса, кенгайтирилган усул ҳисобланади. Мазкур усуллар бўйича ҳисобланган капиталнинг етарлилик коэффициентлари бир-биридан сезиларли даражада фарқланади. Шу сабабли, фикримизча, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мавжуд уч усулдан бирини танлаб олиши ва республикамиз тижорат банкларининг барчасида операцион риск бўйича капиталнинг етарлилиги ана шу усулда ҳисобланиши лозим. Фикримизча, капиталнинг етарлилигини ҳисоблашнинг кенгайтирилган усулини республикамиз банк амалиётида қўллаш учун шароит мавжуд эмас. Чунки ушбу усул банкларнинг ўзлари ишлаб чиққан рейтинг баҳолаш натижаларига асосланади. Республикамиз банкларида эса, операцион рискни баҳолашнинг рейтинг усули мавжуд эмас.

Базель-II операцион рискни баҳолашда қўлланиладиган коэффициентлар қуйидагиларни ҳисобга олади:

-мамлакатнинг суверен кредит рейтинги;

-банкнинг рейтинги;

-кредит олган мижознинг рейтинги;

-банк операциясининг тури.

Базель-II стандарти талабларини бажариш борасидаги тайёргарлик тадбирларини амалга ошириш жараёнида Битимни миллий банк тизимлари шароитига мослаштириш билан боғлиқ бўлган бир қатор қийинчиликлар, мураккабликлар юзага келиши мумкин.

Бозор риски фоиз ставкаларининг барқарор эмаслиги оқибатида молиявий активларнинг бозор қийматининг ўзгариши сабабли банкнинг актив операцияларидан келувчи даромадни ўзгариши эҳтимоли туфайли юзага келади.

Бозор рискини бошқаришда активлар портфелини диверсификациялаш, суғурталаш, капиталнинг етарлилигини таъминлаш усулларидан кенг фойдаланилади. Бунда, бозор риски бўйича йўқотишлар пайдо бўлишининг эҳтимолларини ҳисоблаш учун кўрилаётган операцияларнинг банк томонидан амалга ошириш натижавийлигига таалуқли барча статистик маълумотларни таҳлил қилинади. Бунда, ҳисобларни аниқлигини ошириш учун нисбатан катта статистик танловдан фойдаланилади.

Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тижорат банклари фаолиятидаги бозор рискини баҳолашда “CAMELS” рейтинг тизимидан фойдаланмоқда.

2-жадвал маълумотларидан кўринадики, “CAMELS” рейтинг тизимида банкнинг бозор рискига таъсирчанлигини баҳолаш фоиз ставкаларини, валюта курсларини ва акцияларнинг баҳоларини ўзгаришини тижорат банкининг даромадлилигига таъсирини аниқлаш имконини беради.

“CAMELS” рейтинг тизимида бозор риски қуйидаги омиллар асосида баҳоланади:

– тижорат банки фойдаси ва капиталининг иқтисодий қиймати фоиз ставкалари, валюта курси ва акциялар баҳоларининг ноқулай ўзгаришларига таъсирчанлиги;

– менежментнинг риск таъсиридаги позицияларни, банкнинг миқдори, операцияларнинг мураккаблиги ва риск даражаларини ҳисобга олган ҳолда, аниқлаш, ўлчаш, мониторинг ва назорат қилиш имкониятининг мавжудлиги;

– банкнинг носавдо операциялари бўйича фоиз рискига таъсирчанлиги;

– банкнинг хорижий валюталар билан амалга ошириладиган операцияларида юзага келадиган бозор риски бўйича позицияларнинг мураккаблиги.

**2-жадвал**

**“CAMELS” рейтинг тизимида тижорат банкнинг бозор рискига таъсирчанлиги рейтинги[1]**

| Рейтинг | Мезонлар |
|---|---|
| 1 – кучли | Бозор рискига таъсирчанлик яхши назорат қилинади ва молиявий натижа ёки капиталнинг йўқотишларга дуч келиш эҳтимоли жуда паст. Риск-менежмент амалиёти, риск таъсиридаги позицияларнинг миқдори ва мураккаблигини ҳисобга олган ҳолда, такомиллашган ҳисобланади. |
| 2 – қониқарли | Бозор рискига таъсирчанлик етарли даражада назорат қилинади ва молиявий натижа ёки капиталнинг йўқотишларга дуч келиш эҳтимоли унчалик юқори эмас. Риск-менежмент амалиёти, риск таъсиридаги позицияларнинг миқдори ва мураккаблигини ҳисобга олган ҳолда, қониқарли ҳисобланади. Даромад ва капиталнинг даражаси бозор рискидан муносиб ҳимояланиш имконини беради. |
| 3 – ўртача | Бозор рискини назорат қилиш такомиллаштиришни талаб қилади ёки молиявий натижа ёки капиталнинг йўқотишларга дуч келиш эҳтимоли юқори. Риск-менежмент амалиёти, риск таъсиридаги позицияларнинг миқдори ва мураккаблигини ҳисобга олган ҳолда, яхшиланиши лозим. Даромад ва капиталнинг даражаси бозор рискидан муносиб ҳимояланиш имконини бермайди. |
| 4 – чегаравий | Бозор рискини назорат қилиш мақбул эмас ёки молиявий натижа ёки капитал йўқотишларга дучор. Риск-менежмент амалиёти риск таъсиридаги позицияларнинг миқдори ва мураккаблигига мос келмайди. Даромад ва капиталнинг даражаси бозор риски ҳажмини муносиб қўллаб-қувватлаш имконини бермайди. |
| 5 – қониқарсиз | Бозор рискини назорат қилиш мақбул эмас ва рискнинг қабул қилинган даражаси банкнинг молиявий барқарорлигига хавф солади. Риск-менежмент амалиёти риск таъсиридаги позицияларнинг миқдори ва мураккаблигига мос келмайди. |

[1] Supervision and Regulation. CAMELS rating system. https://www.federalreserve.gov.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Supervision and Regulation. CAMELS rating system. https://www.federalreserve.gov.
2. ТИФ Миллий банки йиллик ҳисоботлари маълумотлари.
3. Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот. www.nbu.uz (Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки).

***Раббинов Ж.Р.** – ОБМ, тингловчи*

## ТАБИИЙ ГАЗ ТАЪМИНОТИ СОҲАСИНИ ИНСТИТУЦИОНАЛ ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШ ЗАРУРИЯТИ

Сўнгги йилларда иқтисодиётнинг барча тармоқларини жадал ривожлантириш, инвестициявий жозибадорлик ва ишбилармонлик фаоллигини ошириш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини кенгайтириш ҳамда ижтимоий соҳа ва аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди. Айниқса, мамлакатимиз ёқилғи-энергетика тармоғини жиддий ислоҳ қилиш, мавжуд ва заҳирадаги имкониятларни кенг ишга солиш, самарали бошқарув ва ташкилиш тузулмаларни ислоҳ қилиш долзарб масалалага айланган.

Тартибга солиш функциялари ва тижорат фаолиятини ўзида бирлаштирган бошқарувнинг эскирган ва шаффоф бўлмаган тизими нефть-газ тармоғи корхоналарида замонавий менежментни жорий этишга, уларнинг молиявий барқарорлиги ва рентабеллигини оширишга тўсқинлик қилди. Хусусан, мамлакатдаги корхоналар томонидан уни қазиб олиш ҳажми 29 фоизга пасайди, 2008–2018 йилда тасдиқланган табиий газ захиралари 4 фоизга қисқарди, ўтган 5 йил давомида табиий газнинг табиий захиралари ўрнини тўлдириш бўйича ўртача кўрсаткич 70 фоизга яқин ҳажмни ташкил этди. 2017-2018 йилларда молиявий маблағларнинг етишмаслиги ва моддий-техник ресурсларнинг тақчиллиги натижасида табиий газ қазиб олишнинг ўсиши прогноз кўрсаткичларига нисбатан 42 фоизни ташкил этган холос.

Энергетика тармоғини самарали бошқариш тизимини жорий қилиш ва жадал ривожлантириш, унинг рақобатбардошлиги ва инвестициявий жозибадорлигини ошириш мақсадида, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳамда Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепциясида белгиланган вазифаларга мувофиқ Энергетика вазирлиги ташкил этилди ҳамда вертикал интеграллашган “Ўзбекнефтгаз” акциядорлик жамияти функционал тамойилига кўра, тегишли фаолият турлари билан бевосита шуғулланадиган “Ўзбекнефтгаз” АЖ, “Ўзтрансгаз” АЖ, “Ҳудудгазтаъминот” АЖларга ажратилган.

Мазкур ислоҳатлар амалга оширилгандан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон Фармони билан

тасдиқланган “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Табиий газ бозорини ислоҳ қилишнинг қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2022 йил 15 июндаги ПҚ–280-сон қарорига асосан “Ўзтрансгаз” АЖни газни транспортировка қилиш билан шуғулланувчи компанияга айлантириш (Transmission system operator) ва табиий газни марказлашган тартибда харид қилиш ва сотиш функциясини бажарувчи “UzGasTrade” АЖ ташкил қилинди.

Амалга оширилаётган институционал трансформация жараёнларига илмий ёндошадиган бўлсак, Д.Норт таъкидлаганидек, (1993 йида Нобел мукофоти лауреати) институционал ўзгаришлар, ўта мураккаб жараён бўлиб, чегаравий ўзгаришлар (change in the margin) амалдаги қоидалар ўзгаришлар натижаси бўлиши мумкин, бу эса асосан норасмий чекловлар, ижроси мажбурий бўлган қоидалар ва самарадорли бўлган чекловлар сабаб бўлиши мумкин.

Д.Норт институционал ўзгаришларни технологик ўзгаришлар билан бир қаторда ижтимоий ва иқтисодий ривожланишнинг асосий детерминантлари деб атайди. Институционал ўзгаришлар жамиятларнинг вақт ўтиши билан қандай ривожланишини белгилайди ва шу билан тарихий ўзгаришларни тушунишнинг калити сифатида қараш мумкин.

Д.Нортнинг сўзларига кўра, асосий институционал ўзгаришлар аста-секин содир бўлиши таъкидланган, чунки институтлар идивидуал (соҳа ва тармоқ) хулқ-атворидан (аҳволидан) келиб чиқиб шаклланадиган тарихий ўзгаришлар натижасидир. Институционал ноаниқлик қанчалик юқори бўлса, трансакция харажатлари шунчалик юқори бўлади. Иқтисодиётнинг фаолияти кўп жиҳатдан иқтисодий қонунларни шакллантирадиган, самарали мулк ҳуқуқларини яратадиган ва таъминлайдиган ҳамда ривожланиш сиёсатига таъсир кўрсатадиган давлат тузилиши билан белгиланади.

Д.Норт ёндашуви бўйича иқтисодиёт тармоқларида институционал трансформацияси тўлиқ ва ҳар томонлама таҳлил муайян шартларга риоя қилиш зарурлигига олиб келади. Хусусан, сиёсий институтлар (Президент, қонун чиқарувчи орган, ҳукумат), агар улар ўзгармаслигидан манфаатдор ташкилотлар томонидан қўллаб-қувватланса, амалдаги ҳолат барқарор бўлиб қолаверади. Чунончи, ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш учун институционал тизим ўзгариши керак, хулқ-атвор нормаларини замонавийлаши ва қўллаб-қувватловчи ва легаллаштирувчи янги қонунларни жорий қилиш узоқ жараён бўлиб, бунда рағбатлантириш механизми бўлмаса, тармоқ ва соҳалар фаолияти барқарор бўлиши мумкин эмас, қисқа муддатга қатъий режалар остида иқтисодий ўсиш мумкин, аммо узоқ муддатда бу қонунлар ва қоидаларни ишлаб чиқишни талаб қилади, норасмий чекловлар (асосан қисқа муддатларда) ноқулай ёки беқарор вазиятларда ҳам иқтисодий ўсишни таъминлаши мумкин.

Кўриниб турибдики, табиий газ соҳасида интитуционал ўзгаришларни амалга оширишда асосан лойиҳаларни **“Agile”** усулида бошқаришга ўтилган.

Хулоса қилиб айтганда, **“Agile”** усулини амалиётга тадбиқ қилиш ҳисобидан тез ва бир вақтнинг ўзида мослашувчан тарзда бажариш учун бошқарув ташкил қилинди. Бунда бажарилиши керак бўлган вазифалар

ажратилган ва уларни бажариш муддати аниқ белгиланган бўлиб, ҳар бир корхона белгиланган мақсадларга мос келадиган қисми билан ишлайди, ҳар бир корхонани ривожланиши ҳамда уларни ўзаро мутоносиб равишда фаолият кўрсатиши, белгиланган мақсадларга эришиш натижадорлиги таъминланаётни текшириб турилади.

Шундай қилиб, Kanban, Scrum, Lean ва бошқа кўплаб методологиялар ёрдамида лойиҳа менежери анъанавий жараёнларга қараганда тезроқ, самаралироқ ва ўз вақтида муваффақиятга эришиши мумкинлигидан келиб чиқиб, зарурий чоралар амалга оширилмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда табиий газ соҳасида инстуционал трансформация амалга оширилишида асосий эътибор қуйидагиларга қаратилишини тақазо қилади:

ойиҳаларни белгиланган мақсадларга эришилган ёхуд эришилмаган тақдирда уларни тугатиш;

инстуционал трансформация натижаларидан келиб чиқиб, лойиҳаларни **“Agile”** усулида амалиётга тадбиқ қилиш ҳисобидан тез ва бир вақтнинг ўзида мослашувчан тарзда бажариш учун бошқарувни ташкил қилиш;

мувоффақиятли амалга оширилган лойиҳаларнинг натижаларидан келиб чиқиб, яхлит тизимга асос солиш, бунда доимий фаолияти юритувчи корхонани ташкил қилиш лозим.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, газ таъминоти соҳасида инстуционал трансформациялашув жараёнида лойиҳалар қайта кўриб чиқилиши, тугатилиши ёки доимий тизимга асосланган корхонага айланиши лозим.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси ёқилғи-энергетика тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 1 февралдаги ПФ–5646-сон Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳоли ва иқтисодиётни энергия ресурслари билан барқарор таъминлаш, нефть-газ тармоғини молиявий соғломлаштириш ва унинг бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 9 июлдаги ПҚ–4388-сон қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Табиий газ бозорини ислоҳ қилишнинг қўшима чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 15 июндаги ПҚ–280-сон қарори.
4. Норт Д. Институты, институциональные изменения и функционирование экономики. / пер. с англ. А. Н. Нестеренко, пред. и науч. ред В. З. Мильнера. М.: Фонд экономической книги «Начала», 1997.— С.8, 17, 21, 113.
5. Майк Кон. Scrum: гибкая разработка ПО = Succeeding with Agile: Software Development Using Scrum (Addison-Wesley Signature Series). — М.: «Вильямс», 2011. — С. 576. — ISBN 978-5-8459-1731-7.

***Содиқхўжаев К.Ж.** – ОБМ, тингловчи*

# ЗАМОНАВИЙ МАРКЕТИНГ ТАДҚИҚОТЛАРИНИ ОЛИБ БОРИШДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ САМАРАДОРЛИГИ

Биз глобаллашув даврида яшамоқдамиз. Бундай даврда ҳар қандай маълумот нафлиликка эга бўлади. Маълумотларни тўғри бошқариш-иқтисодий ва молиявий самарадорликка олиб келади. Бизнесда мувафаққиятга эришиш учун эса энг аввало керакли маълумотга эга бўлиш ўта муҳим саналади. Рақамли иқтисодиётга эътибор ахборот технологиялари ер юзидаги барча мамлакатларнинг иқтисодий ривожланишида тобора муҳим аҳамият касб этаётгани билан боғлиқ. Товар ва хизматларни сотиш, дастурий маҳсулотларни яратиш, давлат хизматларини кўрсатиш ва кадрларни тайёрлашда рақамли технологияларни қўллаш жамиятга катта даромад олиш имконини беради. Шунга мувофиқ, рақамли иқтисодиёт иқтисодий фаолият сифатида қаралади, бунда рақамли маълумотлар, катта ҳажмдаги ишлов бериш ва анъанавий бошқарув шакллари томонидан натижалардан фойдаланиш, турли хил ишлаб чиқариш, технологиялар, ускуналар, сақлаш, сотиш самарадорлигини оширади. Ўзбекистон Республикаси ўз тараққиёт ва ривожланиш йўлини танлаган биринчи кунларданоқ илм-фан ва технологияларга асосий эътиборни қаратди. Саноат, ишлаб чиқариш, фан ва маданий хаётни тубдан ягилаш ва яхшилаш талаби пайдо бўлди. Ишлаб чиқаришнинг эски усулларидан воз кечилди, эскича фикрлаш ва эскича дунёқарашга барҳам берилди. Маъмурий буйруқбозликка асосланган иқтисодиёт ўрнини эса эркин бозор муносабатларига асосланган иқтисодиёт эгаллай бошлади. Бунда дунёдаги энг ривожланган технологияларга эга бўлган давлатлар тажрибаларини ўрганиш ва уни мамлакат ҳаётига тадбиқ этиш эҳтиёжи пайдо бўлди.

2004 йилнинг 29 апрель санасида 613-II-сон билан "Электрон тижорат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни қабул қилинди. 2015 йилнинг 22 майида ЎРҚ-385-сон билан мазкур қонунга қўшимча ва ўзгартиришлар киритилган. 2022 йилнинг 29 сентябрида ЎРҚ-792-сон билан мазкур қонунга қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиб имзоланган ҳамда ушбу қонуннинг 33-моддасига кўра Қонун расман эълон қилинган кундан бошлаб уч ой ўтгач кучга кириши белгилаб қўйилган. Мазкур қонуннинг 3-моддасида берилган таърифга кўра: "Электрон тижорат деганда-товарларнинг тадбиркорлик фаолияти доирасида ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда электрон савдо майдончаси орқали тузилган шартномага мувофиқ амалга ошириладиган олди-сотдиси тушунилади". Демак фаолиятнинг бу турида рақамли технологиялар, интернет майдонга чиқмоқда, асосий восита эса-электрон қурилма.

2015 йилнинг 9 декабрь санасида ЎРҚ-395-сон билан рўйхатдан ўтказилган "Электрон ҳукумат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни қабул қилинди. Ушбу қонуннинг 4-моддасида "Электрон ҳукуматнинг

асосий вазифалари” белгиланган. Унга кўра: а) аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда электрон ҳужжат айланиши, давлат органларининг ўзаро ҳамкорлиги ва уларнинг маълумотлар базалари ўртасида ахборот алмашинуви механизмларини шакллантириш ҳисобига давлат бошқаруви тизимида “бир дарча” принципини жорий этиш, б) тадбиркорлик субъектларини электрон ҳужжат айланишидан фойдаланишга, шу жумладан статистика ҳисоботини тақдим этиш, божхона расмийлаштируви, лицензиялар, рухсатномалар, сертификатлар бериш жараёнларида, шунингдек давлат органларидан ахборот олиш жараёнларида электрон ҳужжат айланишидан фойдаланишга ўтказиш, в) тадбиркорлик субъектларининг электрон тижорат, Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали маҳсулотни сотиш ва харидларни амалга ошириш тизимларидан фойдаланишини, шунингдек коммунал хизматларни ҳисобга олишнинг, назорат қилишнинг ва улар учун ҳақ тўлашнинг автоматлаштирилган тизимларини жорий этишни кенгайтириш, г) накд бўлмаган электрон тўловлар, давлат харидларини амалга ошириш, масофадан фойдаланиш тизимларини ва банк-молия соҳасидаги фаолиятнинг бошқа электрон шаклларини ривожлантириш назарда тутилган. Ўзбекистон Республикасининг мазкур қонунида ҳам асосий восита сифатида ахборот-коммуникация технологиялари воситасидан фойдаланган ҳолда фаолият юритишга қонуний тус берилди. Ҳар қандай тижорат, савдо ва иқтисодий фаолиятнинг негизида албатта самара кўриш ётади. Самара кўришнинг асосий шарти эса тижорат амалга оширилувчи бозорни ўрганиш, яхши билиб олиш, бозор иштирокчилари қобилиятини билиш, фойдали келишувини амалга оширишдир. Бозорни ўрганиш осон иш эмас. Бунинг учун маркетинг тадқиқотларини амалга ошириш керак бўлади. Энди табиийки шундай савол туғулади: “Маркетинг нима?”-деган. Маркетинг бу-корхоналарнинг товар ишлаб чиқариш ва сотишини ташкил этиш ҳамда бошқариш шакли. Маркетингнинг асосий вазифаси бўлиб, ишлаб чиқарувчи ёки истеъмолчиларни ахборот билан таъминлаш ҳисобланади. Хамма инсонлар у ёки бу товар ёки хизматни истеъмол килишади. Маркетинг уларга янада ахборот билан таъминланган ва эффектив бўлишларига имкон яратади. Истеъмолчиларни ҳар томонлама ўрганиш, уларнинг дид ва истакларини билиш, бозорга мослашиш, бозорга таъсир ўтказиш маркетингнинг асосий тамойилларидир. Яна шуни ҳам инобатга олиш керакки, ҳар қандай бизнес биринчи навбатда режалаштиришдан бошланиши керак. Режалашни бошлашдан аввал эса кўрсатиладиган хизмат ёки ишлаб чиқриладиган маҳсулотга бозорда бўладиган талаб ва ҳудди шундай фаолият юритувчи бошқа субъектлар ҳақида ҳам тўлиқ маълумот бўлиши муҳимдир. Шунингдек, маркетингни қўллаш билан боғлиқ масалаларни комплекс равишда ўрганиш, маҳсулот ассортиментини режалаштириш, талабни ва савдога рағбат берадиган тадбирларни шакллантириш, савдо ва тақсимот, бошқариш ва назорат қилиш маркетинг фаолиятининг мазмунини белгилайди. Маркетингнинг 7 та асосий вазифаси устивор саналади: бозор конъюктурасини ўрганиш, ишлаб чиқаришни режалаштириш, маҳсулотнинг нави ва стандартларини белгилаш ва маҳсулотни яратиш, маҳсулот ҳариди ва уни гуруҳлаштириш ҳамда сотиш,

транспорт хизмати, омборга жойлаш, молиялаш, хатарлар ва бозорга оид ахборотлар ўрганиш.

Маркетинг тадқиқотларини олиб боришдан асосий мақсад, бу корхона, ташкилот ва бизнес субъектларининг бозорнинг иктисодий конъюнктурасини, истеъмолчиларнинг аниқ талабини ва ишлаб чикарилувчи товар ва хизматларни унга мослаштиришни ўрганишга йуналтирилтиришдир. Маркетинг нуқтаи назаридан бозорлар “сотувчилар бозори” ва “харидорлар бозори”га бўлинади. Сотувчилар бозори бу шундай бозорки, унда сотувчилар кўпроқ ҳукмрон бўлиб, харидорлар ўта фаол бўлишига тўғри келади. Харидорлар бозорида эса аксинча сотувчилар фаолроқ бўлишлари лозим. Маркетингни бошқариш бу уни ташкил қилишда корхона олдига қўйилган мақсадларга эришиш, таҳлил, режалаштириш, хаётга татбиқ этиш ва назорат қилиш босқичларини ўз ичига олади. Бунда мутахассислар олдига катта вазифа ва масъулият юкланади. Бундай тадқиқотларни амалга ошириш эса пухта эгалланган билим талаб этилади. Оддий қилиб айтганда, маркетингни бошкариш – бу талабни бошқаришдир. Замонавий маркетинг тамойилларида бозорни ўрганишга алоҳида эътибор берилади. Бозорни ўрганишдан асосий мақсад, унинг конъюнктурасига баҳо бериш ва ривожланиш истиқболини ишлаб чиқишдан иборат. Бундай дастурнинг бажарилиши кўп омилларга боғлиқ, шунга қарамай бозорни ҳар томонлама ўрганиш ва таҳлил қилиш мумкин бўлади: а) *товарни ўрганиш*: рақиблар товарларига қараганда янгилиги ва рақобатбардошлиги, унинг маҳаллий қонунчилик, тартиб ва қоидалар талабига туғри келиши, ҳозирги ва бўлажак харидорлар эҳтиёжларини қондира олиш қобилиятлари, б) *харидорларни ўрганиш*: товарнинг асосий харидорлари ва уни ишлатиш усуллари, товарнинг қайси белгилари уни сотиб олишга таъсир кучини ошириши, харидорларнинг хатти-ҳаракатларини шакллантирувчи омиллар, эҳтиёжлари яқин келадиган харидорларни ажратиб олиш имконияти ва уларнинг сони ва таркибини баҳолаш ҳамда қондирилмаган талаблар, в) *рақибларни ўрганиш*: бозорда катта улушга эришган рақиблар, рақибларнинг савдо белгилари-брендлари ва товарларининг муҳим сифатлари, талабни рағбатлантириш тадбирлари, фойда ва зарарлари тўғрисидаги расмий кўрсаткичлар, ундан ташқари, мамлакат бозоридаги ҳуқуқий чегаралар ва қийинчилик туғилиб қолганда ёрдам берувчи муассасалар ҳам ўрганилади. Ҳозирги кунда рақамли технологияларининг ҳаётимизга шиддат билан кириб келиши ва ахамиятининг ошиб бориши турмуш тарзимизни ҳам фаолиятимизни ҳам тубдан ўзгартириб юборди, шу қаторда ҳар қандай бизнесни ҳам. Бизнес юритувчи субъект энг аввало тегишли маълумотга эга бўлишига ҳаракат қилади ва кимни-ки қўлида бозор конъюктураси бўйича маълумот бўлса, шунга қараб ҳаракат қилади. Талабнинг ҳажмидан келиб чиқиб бозорга кириш муваффақиятни таъминлайди. Бозорни ўрганишда рақамли технологияларидан фойдаланиш катта самара беради. Бунда биринчи навбатда рекламага катта эътибор қаратилади. Бугунги кунда ахборот-коммуникация технологияларидан барча фойдаланади. Ҳаммада мобил алоқа қурилмаси, планшет ёки ноутбук бор. Компьютер кириб бормаган ташкилот қолмаган. Мактабгача таълим муассасаларидан тортиб, энг мураккаб илмий-тадқиқотни

амалага оширувчи институтгача барча–барчаси кенг полосали интернет хизматларидан фойдаланади. Демак, маълумотлар алмашинувга ҳеч қандай монеълик йўқ. Шундай экан, товар ва хизматлар рекламасидан ҳеч ким четда бехабар қолмайди. Ҳамма гап берилажак ушбу рекламанинг жозибадорлигида. Ахборот-коммуникация технологияларидан кенг қўлланила бошлангандан сўнг бозорнинг маконий мазмуни ўзгарди. Бозор энди вақт ҳам танламайди, макон ҳам танламайди. Куннинг ҳам туннинг ҳам исталган вақтида ҳар қандай бозорга маҳсулот ёки хизмат рекламаси орқали кириб бориш мумкин. Ахамиятлиси шундан иборатки, реклама доимий актив равишда бўлади ва истеъмолчи реклама мазмунидан хоҳлаган вақтида фойдаланиши мумкин. Замонавий маркетинг тадқиқотларини олиб боришда рақамли технологиялардан фойдаланишнининг афзаллиги яна шунда кўринади-ки, мана шу мақсадга қаратилган дастурий таъминот маҳсулотлари ҳамма учун бирдай қулай ва тушунарлидир. Бозор конъюктураси доимий ўзгаришда бўлади. Бозор иштирокчиларида талаб қиймати ҳам таклиф қиймати ҳам бир хил кўринишда бўлавермайди. Кўпчилик товар ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи субъектларнинг бозорда муваффаққиятсизликка учрашининг асосий сабаби-мана шу талаб ва таклиф қийматларини тўлиқ таҳлил қилмаганида ва бозор конъюктураси тўғрисида ўз вақтида етарли маълумотга эга бўлмаганида. Шу ўринда яна рақамли технологияларга мурожаат қиламиз. Шундай бир тармоқ-иловани жорий этиш керакки, у орқали энг биринчи навбатда бозорга чиққан ҳар қандай маҳсулот ёки хизмат тури ва ҳар қандай амалга оширилган савдо тўғрисида маълумот шу оннинг ўзидаёқ пайдо бўлиши керак. Бунда бозор иштирокчисига айланган субъект қандай ҳаракат қилишни ўзи танласин. Юқорида айтиб ўтилган тармоқ-илова албатта бизнес юритувчи тадбиркор учун жуда катта наф келтиради. Бозор конъюктурасини пухта ўрганишнинг яна бир самарали усули-бир турдаги маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ва хизмат кўрсатувчилар рўйхатини ҳудудлар кесмида электрон кўринишда онлайн шакллантириш ҳамда бу бўйича илова яратиш. Бу бизнес юритувчи субъектга нима бериши мумкин? Агар ҳар бир ўз бизнесини бошловчи ёки ўз ишига эга бўлган тадбиркор қўлида шундай аниқ маълумот бўлса, у фаолият юритишида эҳтиёткорроқ бўлади, рискларга аҳамиятли-диққатлироқ бўлади. Бошқа шундай бизнес юритувчига қараганда инноваторроқ бўлади. Маркетинг тадқиқотларининг энг юқори кўрсаткичи бўлиб талаблар бозорини ўрганиш натижалари бўлиши керак. Талабни билиш ва уни тўғри прогноз қилиш албатта ижобий натижа беради. Талаб ҳар доим оний равишда ўзгаришлардан иборат. Шунинг учун бундай ҳолатларда таклифни ҳам мана шундай онийликда тайёр бўлиши самара беради. Бундай ҳолатда ҳам шундай тизимни барпо этиш керакки, маълумот ҳамма вақт талаб билан бозорга кирувчи тарафда ҳам талабга жавоб равишда таклиф билан бозорга кирувчи тарафда ҳам бўлиши керак. Электрон ахборот майдонида шундай платформадан фойдаланиб, бозор муносабатларининг амалга оширилиши аллақачон замон талабига айланди.

**Фойдаланилган ададбиётлар рўйхати:**

1. Г. Головенчук “Цифровая экономика”. Минск 2020 г. Ст.36
2. А. Солиев, А. Усмонов “Маркетинг”. Тошкент 1997 г. “Ўқитувчи” 66 б.

***Низамов А.Ш.*** *- «Training PRO», Руководитель*

## ТРАНСФОРМАЦИЯ БИЗНЕСА НАЧИНАЕТСЯ С ТРАНСФОРМАЦИОННОЙ ИГРЫ

*Суть любого бизнеса: персонал, продукт, прибыль. Если у вас проблема с первым пунктом, о двух других можете забыть.*
*Ли Якокка*

ТОП менеджмент любого бизнеса заинтересован в развитие своего дела, предприятия. Старается снизить себестоимость продукта, улучшить его качество, провести грамотную рекламную стратегию, подобрать высокоэффективный персонал.

Однако, на рынке труда очень мало грамотных сотрудников, которые будут работать на минимальных ставках оплаты труда (до 6-7 млн. сум за месяц). Многие грамотные сотрудники стараются просить заработную плату от 10 млн. сум и выше. Увеличенный ФОТ напрямую влияет на калькуляцию продукта, отчего себестоимость значительно повышается и затрудняет возможность конкурировать с другими игроками на рынке.

Так как же можно снизить стоимость услуг работников, при этом повысить их эффективность? В настоящее время в мире набирает оборот новый формат обучения – обучение через трансформационные игры.

Это детерминировано тем, что в основе развития необходимых знаний, умений и навыков сотрудником, заложена игровая деятельность. Это позволяет создать все условия для приобретения опыта через активную деятельность. Стоит напомнить, что обычное прочтение информации обеспечивает запоминание всего 10% материала, прослушивание - 20%, просмотр - 30%, а в рамках деятельности (практики) процент запоминания увеличивается до 90%.

Проведенные в США в 1980-х годах исследования (National Training Laboratories in Bethel, Maine) позволили обобщить данные относительно эффективности (средний процент усвоения знаний) различных методов обучения взрослых.

Эти результаты представлены на схеме «Пирамида обучения» (рис. 1). Они подтверждают древнюю мудрость, сформулированную в китайской пословице:

«Скажи мне, и я забуду. Покажи мне, и я запомню.

Позволь мне сделать, и это станет моим навсегда».

Так как выработать необходимые специалисту знания, умения и навыки за максимально короткий срок, но с высокой эффективностью? Этим вопросом задаются многие бизнес-тренера и руководители HR департаментов.

Как же эффективно объединить участника, большой массив знаний и «деятельность» в сжатый срок, но, чтобы это было не только полезно, но и интересно.




**Рис.1 «Пирамида обучения»**

Безусловно, в современном мире существует тысячи различных тренингов, вебинаров, семинаров, «workshop»ов, которые направлены на обучение и повышение квалификации специалиста и включают в себя проведение интерактивных упражнений, благодаря которым участник вырабатывает новые навыки и умения, получает новые знания. Однако, не у каждого такого специалиста есть время на посещение длительных курсов (от 5 и больше учебных дней) и средний чек таких курсов составляет 3-5 млн. сум.

Учитывая, такие вопросы, и тот факт, что тенденции обучения не стоят на месте, для усиления учебного процесса и усвоения большого потока информации, в частности, среди взрослой аудитории, большую популярность начинают набирать трансформационные игры.

«Игра – это лучший инструмент природы для создания новых нейронных сетей и разрешения когнитивных трудностей. Способность создавать новые модели, находить в необычном и рутинном, загораться любопытством, подмечать детали – всему этому способствует состояние игры. Когда мы играем, дилеммы и сложные задачи естественным образом фильтруются сквозь наше бессознательное и разрешаются сами. Довольно часто люди возвращаются после игры не только взбодрившимися, но и со свежими идеями для работы».

Трансформационные игры (далее Т-игры) — сравнительно новое направление тренингового рынка. Все больше тренеров используют этот инструмент для решения самых разных задач — от разбора проблемных ситуаций клиентов до проведения стратегических сессий для корпоративных заказчиков.

Проводимые, в 2020-2021 гг. автором данной публикации, исследования показали, что правильно подобранная или разработанная деловая Т-игра в учебной программе позволяет снизить длительность учебного курса (до 1-2х дней), что положительно отразиться как на результатах овладения темы (повышение эффективности на ~ 40%), так и на снижении затрат, связанных с

финансами их бюджета компании (примерно в 2 раза) и, самое главное, рабочим временем специалиста.

Данные исследования позволяют показать значимость имплементации Т-игр (деловых и психологических) в обучении своих сотрудников, тем самым повышая лояльность сотрудника к Компании, повышения вовлеченности в выполняемую работу.

Трансформационная игра позволяет в сжатые сроки разработать у действующих сотрудников необходимые hard и soft skills, для повышения эффективности труда и улучшения качества производимого товара или услуги и является одним из инструментов решения актуальных проблем развития бизнеса и предпринимательства в условиях цифровой экономики.

**Использованная литература:**

1. Letrud, Kåre "A rebuttal of NTL Institute's learning pyramid", Education, 2012 c.117–124
2. Браун С. Игра. Как она влияет на наше воображение, мозг и здоровье/ - М.: МИФ, 2015. – 220 с.
3. Электронный ресурс: https://www.kommersant.ru/doc/3434340
4. Низамов А.Ш. Диссертация на соискание академической степени магистра «Использование трансформационных деловых игр в обучении государственных служащих», Ташкент: права на рукопись УДК 377.352, 2021 – 118 с.

***Камолов Ш.Ж.*** *– ОБМ, тингловчи*

## БАНКЛАРНИНГ ХАЛҚАРО РАҚОБАТБАРДОШЛИК ДАРАЖАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли Фармони билан тасдиқланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида 2022-2026 йилларда 70 млрд. АҚШ доллари миқдорида хорижий инвестицияларни жалб қилиш, мамлакат фонд бозори айланмасини ҳозирги 200 млн. АҚШ долларидан 7 млрд. АҚШ долларига етказиш каби долзарб вазифалар қўйилган[1]. Бу эса, мамлакат тижорат банкларининг халқаро рақобатбардошлигини таъминлаш заруриятини юзага келтиради. Ўз навбатида, тижорат банкларининг халқаро рақобатбардошлигини таъминлаш банкларнинг халқаро рақобатбардошлигини баҳолашни такомиллаштириш ва уни яхшилашнинг илмий жиҳатдан асосланган йўлларини ишлаб чиқишни тақозо этади.

Ҳозирги даврда Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг халқаро рақобатбардошлигини баҳолашни такомиллаштириш ва уни яхшилаш билан боғлиқ бўлган долзарб муаммолар мавжуд. Жумладан, банкларнинг рақобатбардошлигини аниқ ва тўлиқ баҳолаш имконини берадиган кўрсаткичлар тизими республикамиз тижорат банкларида шакллантирилмаган. Бундан

[1]Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги Фармони. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистонннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида//www.lex.uz.

ташқари, республикамиз тижорат банкларининг ликвидлилиги ва молиявий барқарорлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган муаммолар (банкларда трансформация рискининг мавжудлиги, талаб қилиб олинадиган депозитларнинг брутто депозитлар ҳажмидаги салмоғини юқори эканлиги, банклар кредит портфелининг диверсификация даражасининг паст эканлиги, активларнинг рентабеллик даражасининг паст эканлиги ва бошқ.) мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг халқаро рақобатбардошлик даражасига баҳо бериш учун дастлаб уларнинг тўловга қобиллигига баҳо берамиз.

**1-жадвал**

**Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкида регулятив капитал ва активларнинг рискка тортилган суммасининг йиллик ўсиш суръатлари, фоизда[1]**

| Кўрсаткичлар | 2017 й. | 2018 й. | 2019 й. | 2020 й. | 2021 й. |
|---|---|---|---|---|---|
| Регулятив капиталнинг ўсиш суръати | 250,7 | 119,1 | 229,6 | 105,6 | 106,5 |
| Активларнинг рискка тортилган суммасининг ўсиш суръати | 259,7 | 118,5 | 128,3 | 130,3 | 118,7 |

1-жадвалда келтирилган маълумотлар яққол кўрсатадики, ТИФ Миллий банкида 2017-2021 йилларда регулятив капиталнинг ўсиш суръати билан активларнинг рискка тортилган суммасининг ўсиш суръати ўртасидаги мутаносиблик таъминланмаган. Масалан, 2017, 2020 ва 2021 йилларда активларнинг рискка тортилган суммасининг ўсиш суръати регулятив капиталнинг ўсиш суръатидан юқори бўлган. Бу эса, Миллий банк капиталининг етарлилигини таъминлаш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

Эътироф этиш жоизки, тижорат банклари капиталининг етарлилигини таъминлашнинг долзарб масалаларидан бири бўлиб, капиталнинг рентабеллигини таъминлаш масаласи ҳисобланади.




**1-расм. ЎзР. Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкида регулятив капиталнинг рентабеллиги, %да**

1-расмда келтирилган маълумотлардан кўринадики, ТИФ Миллий банкида 2018-2020 йилларда капиталнинг рентабеллиги пасайиш тенденциясига эга бўлган. Бунинг устига, капиталнинг рентабеллиги 2021 йилда 2017 йилга нисбатан сезиларли даражада пасайган. Мазкур ҳолатлар капиталнинг етарлилигини таъминлаш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

Капиталнинг рентабеллик даражаси, халқаро банк амалиётида умумэътироф этилган мезонга кўра, камида 15 фоизга тенг бўлиш керак. Ана

[1] Жадвал муаллиф томонидан ТИФ Миллий банкининг ҳисоботлари маълумотлари асосида тузилган.

шунда банк акцияларининг инвестицион жозибадорлигини таъминлаш имконияти юзага келади.

**2-жадвал**

**Таши иқтисодий фаолият Миллий банкида соф фоизли маржа ва бир сўмлик активга тўғри келадиган даромад даражаси[1], %да**

| Кўрсаткичлар | 2017й. | 2018й. | 2019й. | 2020й. | 2021й. | 2021 йилда 2017 йилга нисбатан ўзгариши, ф.п. |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Соф фоизли маржа | 1,3 | 0,9 | 0,9 | 1,7 | 2,3 | 1,0 |
| Бир сўмлик активга тўғри келадиган даромад даражаси | 5,9 | 5,3 | 4,4 | 6,2 | 8,9 | 3,0 |

2-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадики, ТИФ Миллий банкида 2021 йилда 2017 йилга нисбатан соф фоизли маржа ва бир сўмлик активга тўғри келадиган даромад даражаси кўрсаткичларининг даражаси ошган. Бу эса, банкнинг даромад базасини мустаҳкамлаш нуқтаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади. Аммо, таҳлил қилинган давр мобайнида соф фоизли маржа кўрсаткичини меъёрий даражадан (4,5%) анча паст бўлганлиги банкнинг даромад базасини мустаҳкамлаш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

2-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадики, ТИФ Миллий банкида бир сўмлик активга тўғри келадиган даромад даражаси 2019-2021 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, банкнинг даромад базасини мустаҳкамлаш нуқтаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

ТИФ Миллий банкида соф фоизли маржа кўрсаткичининг меъёрий даражадан паст бўлганлиги, фикримизча, қуйидаги сабаблар билан изоҳланади:

*фоизли харажатларнинг ўсиш суръатини соф фоизли даромадларнинг ўсиш суръатидан юқори эканлиги;

*фоизли даромадларнинг ўсиш суръати билан фоизли харажатларнинг ўсиш суръати ўртасида мутаносибликнинг мавжуд эмаслиги;

*соф фойда миқдорининг активлар суммасига нисбатан жуда кичиклиги.

**3-жадвал**

**Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг кредитлари даромадлилигини тавсифловчи кўрсаткичлар, %да**

| Кўрсаткичлар | 2018 й. | 2019 й. | 2020 й. | 2021 й. |
|---|---|---|---|---|
| Кредитларнинг брутто активлар ҳажмидаги салмоғи | 82,4 | 81,1 | 82,1 | 82,3 |
| Кредитлардан олинган фоизли даромадларнинг ялпи даромад ҳажмидаги салмоғи | 59,8 | 55,4 | 58,9 | 52,9 |

3-жадвал маълумотларидан кўринадики, биринчидан, 2018-2021 йилларда ТИФ Миллий банки активларининг умумий ҳажмида кредитлар жуда юқори салмоқни эгаллаган; иккинчидан, кредитларнинг брутто активлар ҳажмидаги салмоғи билан кредитлардан олинган фоизли даромадларнинг ялпи даромад ҳажмидаги салмоғи ўртасида мутаносиблик мавжуд эмас. Масалан, 2020 йилда кредитларнинг брутто активлар ҳажмидаги салмоғи 82,1 фоизни ташкил этгани

[1] Жадвал муаллиф томонидан ТИФ Миллий банкининг баланс маълумотлари асосида тузилган.

ҳолда, кредитлардан олинган фоизли даромадларнинг ялпи даромад ҳажмидаги салмоғи 58,9 фоизни ташкил этди.

Таъкидлаш жоизки, кредитларнинг даромадлилиги бевосита кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари даражасига боғлиқ. Ўз навбатида, кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари даражаси эса, таснифланган кредитларнинг таркибига боғлиқ.

Банк тизимининг тўловга қобиллиги тижорат банкларининг шундай ривожланишини таъминлашки, бунда банкларнинг ижтимоий-иқтисодий барқарорлиги ва ривожланиши, банк тизимининг яхлитлиги ва бирлиги учун зарур бўлган молиявий шарт-шароитлар ва ресурслар шаклланади.

Алоҳида олинган тижорат банкининг тўловга қобиллиги деганда тижорат банкларининг стратегик мақсадлари ва вазифаларига эришиш учун, шунингдек, мустақиллигини ва фаолиятининг барқарорлигини таъминлаш учун зарур бўлган молиявий салоҳиятини сақлаб қолиш ва ошириш имконияти тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси банк амалиётида тижорат банкларининг юқори ликвидли активлари таркибига қуйидагилар киради:

* соф қуйма олтин;

* банкнинг Марказий банкдаги “Ностро” вакиллик ҳисобрақамидаги пул маблағлари;

* 7 кунгача муддатдаги банклараро кредитлар ва депозитлар;

* “Standart & Poor’s”, “Fitch Ratings” ва “Moody’s” халқаро рейтинг агентликларининг энг юқори баҳолари берилган, ривожланган фонд биржалари рўйхатига киритилган, риск даражаси паст бўлган мамлакатларнинг трансмиллий компанияларининг қимматли қоғозлари;

* банкнинг бошқа банкларда очилган “Ностро” вакиллик ҳисобрақамларидаги пул маблағлари;

* риск даражаси паст бўлган мамлакатлардаги банкларга жойлаштирилиб, таъминот сифатида қўйилмаган ликвидли активлар.

Аммо, республикамиз тижорат банкларининг балансида соф қуйма олтин, 7 кунгача муддатги банклараро кредитлар ва депозитлар ҳамда “Standart & Poor’s”, “Fitch Ratings” ва “Moody’s” халқаро рейтинг агентликларининг энг юқори баҳолари берилган, ривожланган фонд биржалари рўйхатига киритилган, риск даражаси паст бўлган мамлакатларнинг трансмиллий компанияларининг қимматли қоғозлари мавжуд эмас.

Тижорат банклари ликвидлилиги ва молиявий барқарорлигини етарли даражада бўлмаслиги уларнинг халқаро миқёсдаги рақобатбардошлигини таъминлаш имконини бермайди.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги Фармони. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистонннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида//www.lex.uz.

2. Бердияров Б.Т Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг ликвидлилиги ва тўлов қобилиятини таъминлаш масалалари. И.ф.д. дисс. автореф. – Тошкент, 2020. – 73 б.

***Ачилов С.С.*** *– Самарканд.филиал ТУИТ, к.э.н., доц.*
***Шакаров А.А.*** *- Самарканд.филиал ТУИТ, ассистент*

## ЭФФЕКТИВНОСТЬ УПРАВЛЕНИЯ И ЦИФРОВИЗИЦИЯ В СФЕРУ ЖИЛИЩНО-КОММУНАЛЬНОГО ХОЗЯЙСТВА

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. //http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020.
2. Добрынин, А. Цифровая экономика-различные пути к эффективному применению технологий (BIM, PLM, CAD, IOT, Smart City, BIG DATA и другие). М.:2016.
3. Гулямов С.С., Аюпов Р.Ҳ. ва бошқалар Рақамли иқтисодиётда блокчейн технологиялари, Т.:ТМИ, “Иқтисодиёт-Молия” нашриёти, 2019, 447 бет.
4. Mirzayev K.Zh., Azizkulov B.X. Priorities for improving software efficiency in the digital economy. Psychology and education (2021) 58(2): 5866-5873 ISSN: 00333077 5866 www.psychologyandeducation.net.
5. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитасининг сайти. www.stat.uz.

***Назарова С.Ш.*** *– ЎзМУ, таянч докторант*

## ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА КОРХОНАЛАРДА СТРАТЕГИК БОШҚАРУВ УСУЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

Бугунги мураккаб ва тез ўзгарувчан иқтисодий жараёнларда корхонани стратегик бошқаришга бўлган талаб ошиб бормоқда. Стратегик бошқарувга оид жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, глобаллашув омилларининг миллий иқтисодиётга таъсири сезиларли даражада кучая боргани сари мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий жараёнларга ташқи омилларнинг салбий таъсири ва оқибатларини олдиндан баҳолаш мақсадида янги услуб ва методлар ахтара бошлашди. Тез ўзгарувчан муҳитга мос равишда миллий стратегияларнинг қайта кўриб чиқилаётганлиги ҳам давр талабига айланмоқда.

Глобал рақобат шароитида геосиёсий ва геоиқтисодий омилларнинг таъсири кескинлашуви натижасида кўпкина ривожланган мамлакатлар ўз манфаатлари ва рақобат устунликларини сақлаб қолиш мақсадида стратегик бошқарувни самарали воситасига айлантирмоқда. Ижтимоий-иқтисодий жараёнларни стратегик бошқаришда ҳар бир мамлакат ўзининг миллий ва тарихий хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда энг мақбул бўлган ёндашувларни шакллантириш, миллий тажрибани танқидий таҳлил қилиш билан бир қаторда бу борадаги энг яхши хорижий тажрибаларни ҳар томонлама ўрганиш ва ўзлаштиришга ҳаракат қилмоқда.

Ушбу жараёнлар микроиқтисодий даражада ҳам кечаётганлигини инобатга олган ҳолда бир қатор хориж давлатларида корхонани стратегик бошқарув амалиётларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади.

АҚШда Стратегик менежмент 60-йилларнинг охиридан бошлаб компанияларни бошқаришнинг ажралмас қисмига айланган. Ушбу амалиётни кенг ёйилиши компаниялар фаолиятида ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш эвазига истиқболли йўналишларда бозорларнинг маълум бир сегментига эгалик қилишдан иборат эди. Америка компанияларида бундай стратегик бозор сегментларини аниқлаштириш ва уларни эгаллашни режалаштириш ишларини амалга ошириш учун стратегик бизнес марказлари (СБМ) ташкил қилина бошлади. Фирма стратегиясини ишлаб чиқиш эволюциясини бир нечта босқичларда кўриш мумкин. Биринчи босқичда тегишли сегментларни (бозорнинг тубини) аниқлаш ва уларни фирманинг асосий фаолиятидан ташқарида ўрганишдан иборат эди.

Стратегик режалаштиришдаги иккинчи босқич бу - фирма ўзи танлаб олган тегишли бозор сегментида фаолият олиб бораётган ёки фаолиятини энди бошлаган бошқа фирмалар билан рақобат қилиш шароитини аниқлаб олиш ҳамда бундай шароитда қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ бўлган фаолиятдан иборат. Умумлаштирилган ҳолда айтиш мумкинки, рақобат шароитида корхона фаолиятини моделлаштиришда АҚШ компаниялари стратегик ривожлантиришнинг қуйидаги мезонларига амал қилади: -рисклар(хавф-хатарлар)ни бошқариш; -илғор ғояларни генерация қилиш; -самарадорлик омиллари; -сифат кўрсаткичлари; -ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик; -бошқа омиллар.

Японияда стратегик бошқарув тизими АҚШ ва Ғарбий Европа мамлакатларига қараганда олдинроқ пайдо бўлган ва азалдан анча кенг қўлланилиб келинган. Япония фирма ва компанияларинининг стратегик бошқарув тизимида узоқ муддатли режалаштиришнинг асосини ташкил этувчи мақсадларни белгилаб олишга катта аҳамият берилади. Япония компанияларида амалга оширилаётган стратегияларнинг аксарияти янги маҳсулотлар бозорини топиш, маркетинг; рақобат устунлигига эришиш, инновацияларни жорий этиш, иш кучи арзон бўлган хорижий давлатларда ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, экспортни ошириш ва шу сингари бошқа масалаларга қаратилган.

Бундан ташқари бенчмаркинг усули япон компанияларида кенг қўлланилади. Япония компанияларининг бу борадаги тажрибасидан келиб чиқиб, уларни бенчмаркинг асосчилари ҳам деб ҳисоблашади. Японлар ғарб мамлакатлари товарлари ва хизматларини синчковлик билан ўрганиб, уларнинг кучли ва кучсиз томонларини аниқлаб , кейин эса худди шундай товарларнинг сифатини сақлаган ҳолда уларни арзонроқ нархда тақдим этиш эвазига ташқи бозорларни эгаллашга сазовор бўлишган. Шунинг билан биргаликда улар бир соҳа технологиялари ва ноу-хауларини саноат кооперацияси асосида бизнеснинг бошқа соҳаларида ҳам қўллаш имконига эга бўлишган.

Стратегик режалаштириш борасида Хитой Халқ Республикасининг ҳам ўзига хос тажрибаси шаклланган. Режалаштиришнинг социалистик мамлакатларда амал қилган усулларидан Хитой айни пайтда эркин бозор механизмларининг амал қилишига тўсқинлик қилмаган ҳолда фойдалалнишда давом этмоқда. Айни пайтда Хитойда режалаштиришнинг узоқ муддатли (10

йил ва ундан ортиқ муддатга), ўрта муддатли (5 йилга) ва жорий (1 йилга) турлари қўлланилади. Мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишининг стратегик мақсадлари вазифалари, миллий иқтисодиёт таркиби, ривожланиш суръатлари, капитал инвестициялар ҳажми, ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантириш ва жойлаштириш, инновацион ривожлантириш, илмий-техникавий сиёсат ва бошқа йўналишлар миллий дастурлар орқали амалга оширилади.

Турли давлатларда корхоналарни стратегик бошқариш мамлакатнинг ўзига хос бўлган миллий хусусиятлари, анъаналари, иқтисодиётининг устун ва заиф жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда шакланган. Масалан, Италия компаниялари бир қатор кичик соҳаларда (ёритиш ускуналари, мебел, поябзал, жун матолар, қадоқлаш ускуналари ва бошқалар) дунёда етакчи ҳисобланади. Германияда юқори даражадаги менежмент муҳандислик, техника соҳалари, шунингдек ишлаб чиқариш жараёни интеллектуализациялашган тармоқларни устувор равишда ривожлантириш имконини беради. Швеция ва Швейцариянинг халқаро меҳнат тақсимотидаги бетараф (нейтрал) лиги иқлим боғлиқ яшил иқтисодиётни шакллантиришда муҳим афзалликларни бермоқда. Шарқий Европа мамлакатлари (Чехия, Польша, Венгрия, Словакия, Болтиқбўйи давлатлари) тажрибасидан андоза олиш мумкин бўлган жиҳатларидан бир шундаки, уларда ривожланган мамлакатлардаги (Франция, Германия, Англия, АҚШ) корпоратив бошқарув моделлари билан биргаликда стратегик режалаштириш усуллари ҳам ўтиш даврига мослаштирилган ҳолда ўзлаштирилган ва бў жараён давом этмоқда.

Шу нуқтаи назардан, стратегик режалаштириш ва менежментнинг хорижий тажрибасини кўриб чиқиш натижалари бўйича Ўзбекистон иқтисодиёти ҳамда мамлакатимизда фаолият олиб бораётган фирма, компания ва корпорациялар учун фойдали бўлиши мумкин бўлган қуйидаги хулосаларни чиқариш имконини беради.

1. Турли хил мамлакатларда стратегик менежмент муаммосига турлича ёндашувлар мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда айтиш мумкинки АҚШ ва Японияда қўлланилаётган стратегик режалаштириш усуллари кўпроқ бозор муносабатлари шаклланланган, корхонанинг ишлаб чиқариш фаолияти тўлиқ бозордаги талаб ва таклиф таъсирида шаклланадиган иқтисодиётда фаолият олиб бораётган корхоналар учун кўпроқ мос келиши мумкин. Япония фирмалари бозордаги улушини янги маҳсулотлар эвазига оширишни асосий мақсад қилиб қўйса, АҚШ фирмалари эса эътиборни инвестиция қилинган маблағларни фойда билан қайтарилишини таъминлаш ҳамда ўз акциялари қийматини оширишга қаратади. Шу нуқтаи назардан Япониянинг стратегик режалаштириш ва менежментда қўлланиб келган ва ўз самарасини берган усуллари шарқий осиё мамлакатлари амалиётида кенг қўлланиб келмоқда ва билвосита ХХР да айни пайтда қўлланилаётган стратегик режалаштиришда ҳам ўз аксини топган дейиш мумкин.

2. Стратегик бошқарувда АҚШ фирмалари ходимларининг индивидуал ташаббусига ва уларнинг мустақил ҳаракат қилиши, қарорлар қабул

қилишиган катта имконият беради. Шунинг учун ҳам нафақат ишлаб чиқариш, шунингдек бошқарувда ҳам тор ихтисосликка катта урғу берилади. Японияда эса жамоавий ечимларга таянган ҳолда юқори малалкали менежерларни танлашда уларнинг унверсал қобилиятига кўпроқ эътибор қаратилади.

3. Ўзбекистон иқтисодиётининг ҳозирги ўтиш даврида корхоналарни стратегик бошқариш моделлари ва усулларини танлашда юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, ҳар бир ҳолатда алоҳида ёндашиш, яъни корхонанинг олдинги мулк шакли, ҳозирги ҳолатда мамлакат иқтисодиётидаги стратегик аҳамияти, бозор муносабатларига киришувчанлик даражаси, бошқарув ходимларининг малакаси, ташқи бозорга чиқиш имкониятлари, ишлаб чиқаришининг технологик даражаси ва бошқа бир қанча муҳим жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда иш кўриш мақсадга мувофиқ бўлади. Агарда бошқарув чизиқли бўлиб, унда фунционал бўлимлар ўртасида мустахкам алоқалар ўрнатилмаган бўлса, унда Япония фирмаларининг стратегик бошқарув усулларини жорий қилиш оғир кечиши ва яхши самара бермаслик эҳтимоли юқори бўлади. Шу ўринда, қимматли қоғозлар бозорининг яхши ривожланмаганлиги ҳамда ҳар бир корхона ходими якуний натижадан манфаатдорлигини аниқ ҳис қилмаслиги АҚШ фирмаларининг стратегик режалаштириш усулларини тўғридан – тўғри қўллаш имконини бермайди.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистонда корхона (фирма) ривожланишини стратегик режалаштиришда ҳам ғарб (АҚШ, Германия) ҳам шарқ (Япония, ХХР) моделларини чуқур урганган ҳолда асосий эътиборни мамлкатимиз иқтисодиёти сингари ўтиш даврини бошдан кечираётган мамлакатлар тажрибасига таянган ҳолда иш кўриш мақсадга муофиқ бўлади. Бў борада айниқса Шарқий Европа (Латвия, Литва, Эстония, Чехия, Венгрия, Словакия) давлатлари тажрибасини қўллаш самаралироқ бўлиши мумкин.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.**

1. Корхоналарни ривожлантириш стратегияси Дарслик / Х.С. Асатуллаев, В.О.Турсунов, М.А. Маманазаров; -Т.: "Иқтисод-Молия", 2019.-524 б.
2. ОПОРНЫЕ КОНСПЕКТЫ ЛЕКЦИЙ «Стратегический менеджмент» д.э.н., проф. Василенко В.А. Симферополь 2010
4 Кузйк Б.Н., Титаренко МЛ. Хитой-Россия 2050: Ҳамкорликда ривожланиш стратегияси. М., 2006. S. 332.

***Шоҳаъзамий Ш.Ш.*** *– ЎзМУ, и.ф.д., проф.,*

## ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ ҚАРАМОҒИДАГИ ОЛИЙГОҲЛАРНИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ҚИЛИШ – “ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ” ЙИЛИНИНГ ТАЛАБИ

Давлат Раҳбари Ш.М.Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ва халқига мурожаатномасида янги 2023 йилга юртимизда “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили” деб ном бериб, олий таълим сифатини ошириш

борасида “...ҳар бир олийгоҳ ўзи ҳаракат қилиши лозим, ўшанда натижа бўлади. Бу борада 41 та олийгоҳга академик ва молиявий мустақиллик берилди, уларда трансформация офислари очилди. Олийгоҳ ректорлари, профессор ва ўқитувчилари бу жараёнларда фаол бўлишлари, янги, илғор методикаларни жорий қилишлари керак” деган долзарб ва муҳим вазифани қўйди. Зеро ушбу вазифанинг ижросини таъминлаш ва Университет 5.0 рақамли смарт (ақлли) моделига ўтиш зарурати доирасида авваламбор ҳанузгача долзарб бўлиб қолаётган қуйидаги муаммолар ечимига зудлик билан эришиш зарур:

1) давлат олийгоҳларига академик, ташкилий-бошқарув ва молиявий соҳаларда мустақиллик берилган бўлсада, лекин бу соҳаларда натижадор мустақил бўлган, илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятга таяниб, илғор халқаро олий таълим амалиёти натижалари асосида таълим берадиган олийгоҳнинг 5.0 форматда самарали ишлайдиган намунавий рақамли смарт модели ва унга тўлақонли ўтиш стратегияси билан боғлиқ трансформацияни амалга оширишнинг механизми йўқ;

2) давлат олийгоҳларида таҳсил олаётган талабаларни сифатли яшаш шароитларига эга замонавий ётоқхоналар билан таъминлаш бўйича аниқ вазифа қўйилган бўлсада, лекин уни ижроси борасида: ҳанузгача сусткашликларга йўл қўйилмоқда; талабалар ётоқхоналари хўжалигининг ташкилий-бошқарув ва молиялаштиришни эски модели самарасиз ишлаётир.

Давлат олийгоҳларини трансформация қилишни талаб қилувчи ушбу муаммолар ечимига эришишга қаратилган қуйидагилар таклиф этилади.

***Биринчи таклиф***. Академик, ташкилий-бошқарув ва молиявий соҳаларда натижадор мустақил бўлган, илмий-инновацион фаолият ва илғор амалиёт натижаларига таяниб таълим берадиган давлат олийгоҳининг 5.0 форматда самарали ишлайдиган намунавий рақамли смарт моделига ўтишни қуйидагилар асосида амалга ошириш мумкин.

Давлат олийгоҳи Давлат-меҳнат жамоаси (профессор-ўқитувчилари (шу жумладан докторантлар) ва ижроий-бошқарув органи раҳбарияти) шерикчилигига асосланган ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги давлат иштирокидаги пайчилар компанияси (қисқача – “Олий таълим компанияси”) сифатидаги компакт рақамли смарт модели ташкил этилади. Унинг устав фонди қуйидагича тақсимланади:

40 фоизи Давлатга тегишли пай улуши бўлиб, унинг 9 фоизи докторатларга (яъни давлатнинг олтин кадрлари сифатида қаралувчиларга) вақтинчалик пай сифатида берилади;

40 фоизи олийгоҳда фаолият юритатаётган профессор-ўқитувчиларига вақтинчалик тегишли тегишли пайлар;

20 фоизи олийгоҳда фаолият юритатаётган ижроий-бошқарув органи раҳбариятига вақтинчалик тегишли пайлар.

Олий таълим компаниясини бошқаришда пайчиларнинг ҳақ-ҳуқуқлари таъминланишига қаратилган махсус корпоратив бошқарув механизми жорий қилиниб, унда юқори орган сифатида Кузатув кенгаши ташкил этилади.[1]

Кузатув кенгаши ҳузуридаги Ички аудит бир вақтнинг ўзида олийгоҳни Олий таълим компаниясига трансформация қилиш стратегиясини амалга оширилишини назорат қилади.[2]

Ректор, деканлар ва ички аудит Кузатув кенгашга ҳисоботдор.

Кафедралар ўрнига бакалавриат таълим йўналиши ва унинг негизидаги магистратура мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрлаш соҳаси учун етук профессор илмий раҳбар сифатида ёлланади ва ушбу жараёнга ҳизмат кўрсатиувчи ижрочи бўлимнинг менежерлари лавозимлари жорий қилинади (менежерлар ўзига тегишли соҳа доирасида илмий-инновацион, ўқув ва ўқув-услубий фаолият жараёнларига ҳизмат қилади, ижрочи бўлим ушбу соҳа доирасидаги ташкилий, молиявий ва техник ишларни бажаради).

Кузатув кенгашнинг танловидан ўтган ҳар бир илмий раҳбар профессор унинг ижрочи бўлими раҳбари ёрдамида ўзига тегишли бакалавриат таълим йўналиши ва унинг негизидаги магистратура мутахассисликлари бўйича профессор-ўқитувчилар таркибини шакллантиради.

Ҳар бир илмий раҳбар профессор бир нечта алоҳида илмий мактабларнинг илмий раҳбарлари ва жалб қилинган соҳа олимларидан иборат Бирлашган илмий-педагогик семинарга раҳбарлик қилади. Ушбу семинарга ҳар бир профессор-ўқитувчи ва менежер ҳисоботдор бўлади.

Аниқ бир соҳага мансуб бир нечта бакалавриат таълим йўналишлари ва уларнинг негизидаги магистратура мутахассисликлари бўйича ўқув жараённи ташкил этишда соҳа деканати илмий раҳбар профессорга ва унинг ижроий бўлимига ҳизмат кўрсатади.

Ректорат Олий таълим компаниясининг бакалавриат таълим йўналиши ва унинг негизидаги магистратура мутахассисликлари бўйича олий таълим бериш соҳалари ва улар билан боғлиқ илмий мактаблар ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ҳизмат қилади.

Бунда QS World University rankings ташкилоти рейтинги талабларини қондирувчи бундай стратегиянинг мақсадли кўрсаткичлари аниқланади ва асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгиланади:

академик ва олий таълим ҳизматларининг халқаро бозорида рақобатбардорлиликни ошириш фаолиятини трансформация қилиш;

инсон капиталини ривожлантириш механизмини, илмий-тадқиқот натижалари ва инновациялар трансфери ва тижоратлаштирилиши фаолиятини трансформация қилиш;

илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш фаолиятини трансформация қилиш асосида уларнинг салмоғи ва салоҳиятини ошириб бориш;

молиявий-иқтисодий фаолиятни трансформация қилиш;

---

[1] Кузатув кенгашга пайчиларнинг малакали вакиллари ҳамда илмий раҳбар профессорлар сайланади. Бунда Кузатув кенгаш таркибида унинг корпоратив котиби ва стратегик ривожланишнинг ички аудит органи фалолият юритади. Кузатув кенгашга таклиф киритиш ҳуқуқига ректор ва пайчилар (шу жумладан илмий раҳбар профессорлар) эга. Кузатув кенгаш ректорни ёллайди. Ректор ижроий-бошқарув органни (ректорат ва деканатат ходимларини) ёллайди.

[2] Ички аудит 3 та штат бирлигидан иборат этиб ташкил қилинади.

ташкилий-бошқарув фаолиятни трансформация қилиш;

маънавий-маданий ривожланиш фаолиятини трансформация қилиш;

университетни рақамли трансформация қилиш асосида уни смарт рақамли фазага ўтказиш.

Ушбу стратегия доирасида Олий таълим компаниясини смарт рақамли фазасига ўтиш концепцияси ишлаб чиқилади.

Олий таълим компаниясининг административ (ташкилий-бошқарув), академик, молиявий ва илмий-инновацион фаолиятлари бўйича мустақиллигини белгиловчи алоҳида Низом тасдиқланиши зарур.

Трансформация лойиҳаси бошқарувини амалга ошириш бўйича ректор ҳузурида 7 та штат бирлигидан иборат лойиҳа офиси ташкил этилади.[1]

Олий таълим компаниясининг академик, илмий-тадқиқот, инновацион фаолиятларини давлат иштирокидаги стратегик компаниялар, давлат бошқаруви ва маҳаллий ҳокимият органларининг ривожланиш лойиҳалари билан узвий боғлиқлигини таъминлаш мақсадида "Илмий-инновацион ишланмалар, янги бизнес ташаббуслар трансфери ва тижоратлаштирилиши-нинг бизнес инкубация ва акселерация парки" (кейинги ўринларда – "Инновацион бизнес парк") ва унинг венчур траст (ВТ) жамғармаси очилади.

Инновацион бизнес паркга ва унинг ВТ жамғармасига Ўзбекистонда фаолият юритувчи технопарклар, ёшларнинг саноат зоналари ва IT-паркларга давлат томонидан берилган имтиёзлар ва имкониятлар берилиши зарур.[2]

Инновацион бизнес паркнинг мақсади – олийгоҳ ва унга ҳамкор турли олий таълим муассаса (ОТМ) кафедралари илмий-тадқиқот, инновацион, бизнес, олий таълим лойиҳаларини лойиҳавий бошқарув методологиясига (шу жумладан PM BOK, Scrum(Скрам)-методга) асосланган алоҳида усуллари қўлланилиши негизида ишлаб чиқилиб жорий қилинишининг (шу жумладан улар трансфери ва тижоратлаштирилишининг) барча босқич жараёнлари бошқарилишига ва бунинг асосида уларнинг лойиҳавий маҳсулотлари ва Лойиҳавий команда (жумладан Скрам-команда) иштирокчилари (уларнинг ҳоҳиш-истаги асосида) бўлмиш инновацион инсон капиталини олийгоҳ (ҳамкор ОТМлар) билан ўзаро манфаатли лойиҳавий ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган давлат бошқаруви ва маҳаллий ҳокимият органлари, маҳаллалар, илмий-тадқиқот, бизнес ва бошқа ишлаб чиқариш ташкилотларига (қисқача – "Лойиҳавий ҳамкорлар") мақсадли трансфери ва тижоратлаштирилишига бизнес-инкубацион шаклда ташкилий, ҳуқуқий, моддий-техник ва молиявий йўналишларда ўқув, услубий, консультацион ва амалий кўмаклашувчи ва қўллаб-кувватловчи Инновацион бизнес паркни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ташкил қилиш ва унинг фаолият механизмларини амалга ошириш асосида олийгоҳ (ҳамкор ОТМлар) ва улар лойиҳавий ҳамкорларининг турли лойиҳаларини ўзаро манфаатли бошқарилиши ва унинг негизидаги улар интеграциялашувига кўмаклашиш ва ҳизмат кўрсатиш.

---

[1] Бунда ушбу офисни бошқариш учун Олий таълим компаниясининг трансформация стратегиясини амалга ошириш бўйича проректор лавозими жорий қилинади ва унга нуфузли хорижий олий таълим муассасаларида тегишли иш тажрибасига эга бўлган мутахассис жалб этилади.

[2] Инновацион бизнес паркни молиялаштиришда махсус шартлар, турли манбалар ва воситалар белгиланган тартибда қўлланилади.

Инновацион бизнес паркнинг вазифаси – Давлатнинг инклюзив-инновацион ижтимоий-иқтисодий ривожланиш сиёсати доирасида олийгоҳлар ва уларнинг лойиҳавий ҳамкорлари базаларида турли лойиҳаларни амалга ошириш, улар натижаларининг трансфери ва тижоратлаштирилиши учун кенг имкониятлар яратиш, тадқиқот ва инновацияларни, бозорда талаб қилинган бизнес ташаббусларни қўллаб-қувватлашнинг замонавий механизмларини жорий қилиш, иқтисодиётнинг соҳа ва тармоқларига олийгоҳ тадқиқот натижалари, инновациялари ва бизнес ғояларини кенг жорий қилиш, олийгоҳ ва унинг лойиҳавий ҳамкорларининг узоқ муддатли ўзаро манфаатли кооперация алоқаларини ривожлантириш, ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш каби муаммолари[1] ечимига эришишга кўмаклашиш. Бунда лойиҳалар олийгоҳ магистратура талабаларининг ихтисослик фанлар бўйича курс ишлари, битирув-малакавий ва магистрлик диссертация ишлари ҳамда докторантларининг PhD ва DSc диссертация ишларини кафедралар илмий ишлари мавзулари билан ўзаро боғлиқлигини ва бу мавзуларни лойиҳавий ҳамкорларнинг илмий-амалий, инвестицион-инновацион ривожланиш режа, дастур, стратегиялари билан уйғунлигини таъминлайди.

Инновацион бизнес паркда ташкил қилинадиган лойиҳавий бошқарув компандалари PM BOK стандарти ва Скрам методга (шу жумладан унинг Edu-Scrum, Research-Scrum, Localization Enginiring-Scrum, Spin-off-Scrum, Satellit Business-Scrum, StartUp-Scrum усулларига) асосланиб ишлайдилар.

Инновацион бизнес паркда Start-up, Spin-off, сателлит ва Локализацион инжиниринг (тескари инжиниринг) бизнес компаниялари бэк-офислари ва Стратегик компаниялар ишлаб чиқариш базасида, шу жумладан манфаатдор давлат бошқаруви ва маҳаллий ҳокимият органларида, бундай бизнес компанияларнинг фронт-офислари фаолияти йўлга қўйилади.

Инновацион бизнес парк ёрдамида ва иштирокида таълим йўналишлари талабалари учун “Бизнес юритиш” бўйича қўшимча малакага (квалификацияга) эга бўлиш ҳуқуқини бериш дастури амалга оширилади. Шунингдек, Инновацион бизнес парк ёрдамида ва иштирокида 5А230203-“Лойиҳа бошқаруви” номли магистратура мутахассислигининг амалий йўналиши (ўқиш муддати 15 ойлик) дастури ҳам амалга оширилади.

***Иккинчи таклиф.*** Давлат қарамоғидаги олийгоҳларнинг ётоқхона мажмуаларини ташкилий-бошқарув модели ва молиялаштириш механизмини трансформациция қилиш зарурати[2] қуйидаги таклифларни тақазо этади:

1) ҳар бир олийгоҳга тегишли ётоқхоналар мажмуасини ***олийгоҳ талабалари маҳалласи*** деб номлаб, уни ташкил қилиш ва бошқаришда олийгоҳ қарамоғидаги Маҳалла талабалари йиғини (матннинг кейинги ўринларида

[1] Шу жумладан бундай муаммолар билан бир қаторда олийгоҳнинг магистратура талабалари, стажер ва ёш тадқиқотчиларини кафедраларнинг илмий, олий таълим, инновацион ва бизнес лойиҳаларини лойиҳавий ҳамкорлар билан ўзаро манффатли ҳамкорликда амалга ошириш асосида уларни лойиҳавий маҳсулотлар билан бирга ушбу маҳсулотларнинг компетент яратувчилари ва ажралмас илмий-академик инновацион кадрлари (яъни Лойиҳалар командалари, Скрам-командалар иштирокчилари сифатидаги инновацион инсон капитали бўлмиш кадрларининг ҳоҳиш-истаги билан) сифатида лойиҳавий ҳамкорлар фаолиятига мақсадли трансфер қилиниши (тижоратлаштирилиши) асосида муносиб иш ўринлари билан таъминлаш муаммоси.

[2] Бу заруратни давлат қарамоғидаги олийгоҳларга тегишли талабалар ётоқхоналари дирекциясининг (матннинг кейинги ўринларида қисқача “Дирекция” деб юритилади) ташкилий тузилмаси, фаолият механизми ва молиявий-хўжалик фаолиятини ўрганиш натижасида унинг ташкилий-бошқарув модели эскилиги, молиявий механизми самарасизлиги ва умуман улар трансформацияга муҳтожлиги белгилайди.

қисқача *“МТЙ”* деб юритилади) моделини ва унинг ҳузурида Талаблар маҳалласи ҳаёт инфратузилмаси фаолиятини молиялаштириш ва бошқаришнинг янгича (матннинг кейинги ўринларида қисқача “ТМҲИ” деб юритилади) моделини жорий қилиш зарур. Бунинг натижасида, Давлат Раҳбари Ш.М.Мирзиёевнинг 2022 йил декабр ойидаги Олий Мажлисга мурожаатида берган таклифига мувофиқ МТЙ ҳам, республикамизнинг ҳар бир маҳалласи фуқаролари йиғини каби, 2023 йилдан бошлаб ўзининг маҳалла (МТЙ) бюджетига эга бўлиши мумкин.

Бунда МТЙ бюджети қуйидаги манбалардан шаклланиши мумкин:

- МТЙ тасарруфига бериладиган тегишли солиқлар тушумидан;
- талабалари томонидан ётоқхонада яшаш учун тўлов пулларидан;
- олийгоҳ бюджетдан ташқари маблағларидан;
- МТИ ҳузуридаги ТМҲИ моделини фаолият кўрсатишидан манфаатдар бўлган ташкилотларнинг (яъни ичимлик сув, электр энергия, канализация, газ билан таъминлаш, ободонлаштириш, чиқинди ташиш каби ва бошқа турдаги сервис ҳизматлар кўрсатувчи компаниялар) тегишли маблағлари;

2) ТМҲИ модели лойиҳасини Инновацион бизнес парк таркибида амалга ошириш;

3) ТМҲИ модели лойиҳасини амалга ошириш бўйича МТЙ ҳудудида ташкил қилинадиган Фронт-офис негизида Spin-off (Спин-офф) ва/ёки Сателлит бошқарувчи компанияни очиш ва фаолиятини йўлга қўйиш.

Таклифларни амалга ошириш – “Инсонга эътибор ва сифатли таълим” йилининг талаби деб хулоса қилинса бўлади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Шохаъзамий Ш.Ш. Трактат о смарт цифровой республике. Монография. -Т.: Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи, 2020.-352 с.

***Abdiraximova D.K.****- TMI, kafedra dotsenit v.b., Phd.*
***Muxitdinova D.F.****- TMI, magistrant*

## O’ZBEKISTONDA KAPITAL BOZORINI RIVOJLANTIRISHDA ISLOM MOLIYASINING O’RNI

Jahonda Islom eng keng tarqalgan dinlardan biridir. Shu sababli ham Islom moliya sektori dunyodagi shiddat bilan rivojlanayotgan sohalardan biriga aylanmoqda.

Bugungi kunda Islom moliyasi dunyoning 50 dan ortiq mamlakatlarida qo'llaniladi.[1] Hozirda butun dunyoda faoliyat yuritayotgan 1500 dan ortiq islom moliya institutlarining umumiy aktivlari 2,5 trillion dollardan oshadi.[2]

Aholisining 90 foizdan ziyodi islom diniga e’tiqod qiluvchiO‘zbekistonda islom moliyasini joriy etish va rivojlantirish dolzarb hisoblanadi. Ammo mamlaktimizda hali islom moliyasi mahsulotlari va xizmatlarni tartibga soluvchi qonunlar mavjud emas.

[1] Akhadjon Khakimov – On issues of application sharia rules related to islamic finance in the courts of Uzbekistan // Review of law sciences (2020) 107-112

[2] **https://uza.uz/posts/65533**

Bu borada O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoev bejiz «Mamlakatimizda Islom moliyaviy xizmatlarini joriy etish bo‘yicha huquqiy bazani yaratish vaqt-soati etib keldi. Bu borada Islom taraqqiyot banki va boshqa xalqaro moliya tashkilotlari ekspertlari jalb etiladi», deya ta’kidladi.[1] Amaldagi bank va soliq qonunchiligi islom huquqi tamoyillari asosida faoliyat yurituvchi banklar, shuningdek, banklar uchun dasturiy tizimlar uchun moslashtirilmagan.

Mutaxassislarning fikricha, O‘zbekistonda islomiy moliya mahsulotlarini joriy etish uchun amaldagi bank qonunchiligi, soliq va fuqarolik kodekslariga o‘zgartirishlar kiritish zarur. Bu borada kadrlar tayyorlash, aholining savodxonligini oshirish muhim ahamiyatga ega. Soha mutaxassislarining fikricha, islom moliya tizimi iqtisodiyotning real sektoriga bo‘sh mablag‘larni jalb qilish orqali iqtisodiyot va savdoni faollashtirish uchun qo‘shimcha imkoniyat yaratadi.

Islom taraqqiyot bankiga ko‘ra, agar zarur qonunchilik normalari paydo bo‘lsa, islom banki O‘zbekistonga har yili 10 milliard dollargacha mablag‘ jalb qilishi mumkin.[2]

O‘zbekiston Markaziy banki “Nobank kredit tashkilotlari to‘g‘risida”gi qonun loyihasini ishlab chiqishni rejalashtirmoqda, unga “Islom moliyasi” konsepsiyasi kiradi.

Shuningdek, bugungu kunda O’zbekistonda ham islom kpital bozorini rivojlantirish uchun harakatlar boshlangan. Jumladan O’zbekiston Respublikasi Prezident Shavkat Mirziyoyevning “Islom moliyalashtirish tamoyillari asosida qimmatli qog‘ozlarni joriy etish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qarori loyihasi e’lon qilindi[3] .

O‘zbekiston ham sukuklar bozoriga kirishga tayyo.0rgarlik ko‘rmoqda. Mamlakatimiz asosan sukuk qimmatli qog‘ozining “yashil” obligatsiyalar deb nomlangan turiga qiziqish bildirmoqda. Yashil obligatsiyalar bozori 2007-yilda paydo bo‘lganidan beri, butun dunyoda tez sur’atlarda o‘sib bormoqda “Yashil” obligatsiyalar-ekologik barqaror loyihalarni, energiya va resusrlarni tejashga qaratilgan loyihalarni moliyalashtirishga yo‘naltiriladi[4].

Moliya vazirligi qoshidagi Kapital bozorini rivojlantirish departamenti tahliliga binoan, bugungi kunda emissiya qilingan aksiyalarning umumiy nominal qiymati 167 trillion so‘m bo‘lib, ulardan faqatgina 1,5 foizigina erkin muomalada harakat qilmoqda. Bu YaIMga nisbatan hisoblaganda 1 foizdan kam hisoblanib, ushbu ko‘rsatkich Singapurda 188 foiz, Malayziyada 112 foiz va Rossiyada 34 foizni tashkil etadi. Mazkur holat O‘zbekistonda kapital bozori mamlakat iqtisodiyotida investitsiyalar va jamg‘armalar o‘rtasida vositachilik rolini sifat va miqdor jihatdan yuqoriga ko‘tarish uchun katta potensialga egaligini ko‘rsatadi. Buning uchun, qimmatli qog‘ozlarni chiqarish va muomalada bo‘lishini, investitsiyalarni keng jalb etish, korportiv boshqaruvni rivojlantirish va aholining moliyaviy savodxonligini oshirish bo‘yicha kompleks chora-tadbirlarni ko‘zda tutuvchi kapital bozori rivojlanishining uzoq muddatli strategiyasini ishlab chiqish taqozo etiladi. E’tiborlisi,

[1] Президент Шавкат Мирзиёев 2020 йил 29 декабрь куни Олий Мажлисга мурожаатидаги нутқи
[2] Стратегия развития рынка капитала на 2020-2025 годы – основные положения. На основе рекомендаций консультантов ЕБРР и АБР.
[3] Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси портали https://regulation.gov.uz/
[4] Dragon YongjunTang Yupu Zhang. Do shareholders benefit from green bonds? // Journal of Corporate Finance. Volume 61, April 2020, 101427.

2019-yilda xalqaro ekspertlar ko‘magida 2020-2025 yillarda O‘zbekiston kapital bozorini rivojlantirish strategiyasining loyihasi ishlab chiqildi va keng jamoatchilik o‘rtasida muhokamaga qo‘yildi. Mazkur strategiyaning asosiy vazifalaridan biri - erkin muomaladagi jami qimmatli qog‘ozlarning yalpi ichki mahsulotga nisbatini 2025-yil oxirigacha kamida 10-15 foizga yetkazish hisoblanadi[1].

Nigeriyaning Qimmatli qog‘ozlar va birja komissiyasining tadqiqotlariga asosan islom kapital bozori (ICM) kapital bozorining kichik sektori bo‘lib, u an’anaviy qimmatli qog‘ozlarga muqobil ravishda shariatga mos qimmatli qog‘ozlar/asboblarni orqali keng sarmoyadorlar uchun investitsiya imkoniyatlarini taqdim etishi aniqlangan. Shuningdek, ICM, xuddi an'anaviy kapital bozori kabi, iqtisodiyotda optimal taqsimlash uchun resurslarni samarali safarbar qilishda muhim rol o'ynaydi. Shu sababli, ushbu muqobil moliyalashtirish manbasini ishlab chiqish iqtisodiy faoliyatga bir necha jihatdan foyda keltirilishi asoslangan.[2]

Mazkur tadqiqot asosida ishonch bilan ta’qidlash mumkinki, islom moliyaviy instrumentlarining O‘zbekistonda joriy etilishi quyidagi samaraga olib kelishi mumkin:

1. Infratuzilmani rivojlantirish va biznesni kengaytirish uchun davlat va boshqa institutlarning moliyalashtirish imkoniyatlarini kengaytirish. Bu esa, o‘z navbatida, ish o‘rinlari yaratilishiga va kambag‘allikni qisqarishiga olib keladi.

2. Foizsiz pul bozori va takaful (Islom sug'urtasi) bozorini bir-birini to'ldiruvchi rol o'ynab, keng qamrovli va yaxlit moliyaviy tizimni yaratish imkonini beradi.

3. Axloqiy investorlarni kapital bozorida ishtirok etishga undash orqali moliyaviy inklyuzivlikni oshirish va moliyaviy chuqurlashtirish. Bu davlat va xususiy sektorga ilgari foydalanilmagan investor bazasiga kirish imkonini beradi.

4. Emitentlarga (davlat va xususiy) kapitalni jalb qilish manbalarini diversifikatsiya qilish va bu jarayonda kapital bozori chuqurligini oshirish uchun muqobil manbalarni taqdim etish. ICM mahsulotlarining aktivlar sinfi sifatida mavjudligi investorlarga investitsiya portfellarini diversifikatsiya qilish imkonini beradi.

Shunday ekan mazkur islom moliyasi instrumentlarii orqali nafaqat boy korporativ iqtisodni ko'tarish, balki uning roli jamiyatning islom dini tamoiyillari asosida faoliyat yurituvchi kichik va o‘rta biznesni rivojlantirishga foydalanish mumkin.

## Foydalanilgan adabiyotlar ro’yihati


1. Prezident Shavkat Mirziyoev 2020 yil 29 dekabr kuni Oliy Majlisga murojaati https://president.uz

**2.** Understanding Islamic Capital Market- Publication of Securities and Exchange Commission, – Nigeria. – 2020.

3. Dragon Yongjun Tang Yupu Zhang. Do shareholders benefit from green bonds? // Journal of Corporate Finance. Volume 61, April 2020, 101427.


[1] Ўзбекистон молия вазирлиги расмий веб-сайти https://mf.uz

[2] Understanding Islamic Capital Market-, Publication of Securities and Exchange Commission, Nigeria

4. “O’zbekistonda islom moliyasi, islom banklarining rivojlanishi va islomiy sug’urta asoslari”- “International conference on learning and teaching 2022/8”- Uzbekistan, Tashkent-2022/MAY 30
5. Xalqaro valyuta fondi rasmiy veb-sayti https://www.imf.org
6. O‘zbekiston moliya vazirligi rasmiy veb-sayti https://mf.uz
7. Normativ-huquqiy hujjatlar loyihalari muhokamasi portali https://regulation.gov.uz

***Шохаъзамий Ш.Ш.*** *– НУУз, д.э.н., проф.*
***Отаев Ш.К.*** *– НУУз, Старший преподаватель PhD*
***Акимниязов Т.Б.*** *– НУУз, Старший преподаватель*

# МЕТОД И МОДЕЛИ ФИНАНСИРОВАНИЯ ИНФРАСТРУКТУРНЫХ ПРОЕКТОВ ГОСУДАРСТВЕННО-ЧАСТНОГО ПАРТНЁРСТВА С ПОМОЩЬЮ РЫНКА СЕКЬЮРИТИЗИРОВАННЫХ ЦЕННЫХ БУМАГ, ОБЕСПЕЧЕННЫХ ПОТЕНЦИАЛОМ ЭТИХ ПРОЕКТОВ

На основе системного анализа мировой практики, исследований и парадигм в области секьюритизации активов через призму глобальных и региональных нестабильностей, рисков, кризисов и вызовов обоснована необходимость дальнейшего развития теоретико-методологических основ и механизмов функционирования рынка секьюритизированных ценных бумаг, обеспеченных активами, в том числе потенциалом инфраструктурных проектов (сокращенно – РСЦБА). Результаты такого анализа обусловили разработку: метода финансирования инфраструктурных проектов государственно-частного партнёрства (сокращенно – ФИП ГЧП) с помощью РСЦБА; структурно-функциональной схемы реализации данного метода; математической (функционально-эквивалентной) модели схемы и процесса ФИП ГЧП с помощью РСЦБА, которая может быть использована для цифровой трансформации РСЦБА. Представленные научные предложения, практические рекомендации, основанные на представленных новых разработках, могут быть полезны не только для условий и целей развития нового Узбекистана, но и для других развивающихся стран.

Негативные последствия финансово-экономического кризиса 2008-2010 гг., а также неравенство между странами в их цифровом развитии, глобальные нестабильности, риски и вызовы, связанные с потеплением мирового климата, глобальной пандемией COVID-19, нехваткой питьевой воды и продовольствия, региональными и территориальными конфликтами между странами обусловливают необходимость формирования новой парадигмы и концепций развития мировой экономики и глобального финансового рынка. Одной из наиболее значимых тенденций мирового развития является постепенное вытеснение традиционного банковского кредитования и традиционных методов финансирования проектов с помощью финансового рынка, замещение их иными, альтернативными способами проектного финансирования, в том числе и

методами привлечения капитала через рынок секьюритизированных ценных бумаг. Обусловлено это недостатками традиционных методов кредитования и финансирования проектов. В частности, размещение акций на биржевом или внебиржевом рынках сопряжено с потерей контроля над компанией, что далеко не всегда устраивает основных владельцев бизнеса. Выпуск долговых бумаг осложнен высокой стоимостью привлечения капитала. Банковское финансирование проектов характеризуется жесткими условиями и дороговизной кредитования. В силу этих и других недостатков, зарубежными странами достигнуты весомые результаты по показателю отношения объема рынка секьюритизированных ценных бумаг к национальному ВВП. Так, для США и Великобритании данный показатель составляет примерно 10-11%, для стран Европы - от 4-6%, в России не превышает 0,4%. В Узбекистане данный сегмент финансового рынка отсутствует, что можно объяснить многочисленными проблемами, препятствующими формированию отечественного рынка секьюритизированных ценных бумаг, обеспеченных активами, которые не дают возможность иностранным и внутренним инвесторам эффективно финансировать инвестиционные, инфраструктурные и социальные проекты. Так, нерешенными остаются проблемы развития понятийного аппарата, разработки методов, модели и правовой базы функционирования рынка секьюритизированных ценных бумаг, обеспеченных активами, в том числе потенциалом указанных проектов (сокращенно – РСЦБА), и эффективных механизмов защиты прав инвесторов данного рынка, повышения кредитной надежности ценных бумаг, выпущенных в результате секьюритизации активов, а также обеспечение низкой стоимости заимствования для компаний-оригинаторов и транзакций, определения режима налогообложения и рисков сделок секьюритизации. Эти и другие проблемы указывают на актуальность и острую необходимость формирования в Узбекистане РСЦБА, нахождения теоретического, методологического и практического их решения, в том числе разработки нового метода финансирования инфраструктурных проектов государственно-частного партнёрства (ГЧП) с помощью обеспеченных потенциалом этих проектов секьюритизированных ценных бумаг, который наиболее соответствовал бы условиям и целям развития нового Узбекистана.

В силу вышесказанного, а также на основе проведенного системного анализа мировой практики, исследований и парадигм в области секьюритизации активов через призму глобальных и региональных нестабильностей, рисков, кризисов и вызовов обоснована необходимость дальнейшего развития теоретико-методологических основ и механизмов функционирования РСЦБА. Результаты такого анализа обусловили разработку:

нового метода финансирования инфраструктурных проектов государственно-частного партнёрства (сокращенно – ФИП ГЧП) с помощью РСЦБА;

структурно-функциональной схемы реализации данного метода;

математической (функционально-эквивалентной) модели схемы и процесса ФИП ГЧП с помощью РСЦБА, которая может быть использована для цифровой трансформации РСЦБА.

Представленные выводы, научные предложения, практические рекомендации, основанные на представленных новых разработках, могут быть полезны не только для условий и целей развития нового Узбекистана, но и для других развивающихся стран.

***Набиев З.*** *-мустақил илмий тадқиқотчи*

## РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШДА КАСАБА УЮШМАЛАРИ РОЛИ

Ривожланган мамлакатларда ҳам, Ўзбекистонда ҳам ҳар йили яратилаётган янги иш ўринларининг ярмидан ортиғи кичик ва хусусий тадбиркорликка тўғри келади. Демак, тадбиркорлик аҳолининг иш билан бандлиги, меҳнат ва иқтисодий фаоллигининг ўсиши ва бунинг натижасида унинг даромадларининг ошишига катта ҳисса қўшади. Бу пировард натижада аҳоли ҳаётини яхшилаш, турмуш даражасини кўтариш, фаровонлигини оширишни таъминлайди. Тадбиркорликнинг ривожланиши билан унинг мазкур соҳадаги роли ортиб боради.

Мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашнинг самарали тизимини яратиш, хуқуқ ва қонуний манфаатлари муҳофазаси кафолатларини кучайтириш, жадал ривожланишига ҳар томонлама кўмак бериш, хусусий мулк ва тадбиркорликни устуворлик роли ва дахлсизлигини таъминлаш соҳасида олиб борилаётган ишлар натижасида ҳар йили минглаб корхона ва ташкилотлар ўз фаолиятини бошламоқда.

Шундан келиб чиқиб, касаба уюшмаларининг устувор йўналишларидан бири мазкур корхона ва ташкилотлар, айниқса хусусий, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ходимларини касаба уюшмаларига жалб этиш, жамоа шартномаларини тузиш орқали уларнинг уларнинг ижтимоий химоясини таъминлаш хисобланади.

Бугунги кунда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимида 14 тармоқ ва 14 та ҳудудий кенгаш, 34 мингдан ортиқ бошланғич касаба уюшма ташкилотлари мавжуд. Уларга 5,5 миллиондан ортиқ касаба уюшма аъзолари бирлашган.

Касаба уюшма аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқлари Вазирлар Маҳкамаси, Касаба уюшмалари Федерацияси ва Иш берувчилар Конфедерацияси ўртасида имзоланган Бош жамоа келишуви, унинг асосида ишлаб чиқилиб, бевосита корхона, ташкилот ва муассасаларда иш берувчилар ҳамда касаба уюшма қўмитаси ўртасида имзоланадиган Жамоа шартномалари орқали ҳимоялаб келинмоқда.

2022 йилда касаба уюшмалари иштирокида тузилган тармоқ келишувлари сони 110 тадан 117 тага ортди. Бевосита корхона, ташкилот ва муассасаларда 111 минг 789 та Жамоа шартномаси амал қилаётгани ҳолда, улар орқали жами 5 миллионга яқин меҳнаткашларнинг манфаатлари қамраб олинди.

Бевосита корхона, ташкилот ва муассасаларда Жамоа шартномаси орқали 1 нафар ходимга йил давомида сарфланган ўртача маблағ миқдори 6 миллион 410 минг сўмни ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилларга нисбатан 26,6 фоизга ошди.

Тузилган жамоа шартномаларининг 105 минг 777 тасида, яъни 94,6 фоизида, ходим билан меҳнат шартномасини иш берувчи ташаббусига кўра бекор қилишдан олдин касаба уюшма қўмитасининг розилигини албатта олиш талаби киритилишига эришилди.

Қатор тармоқ ва ҳудудларда жамоа шартномаси иш ҳақи миқдорини оширишнинг самарали воситасига айланаётгани янада аҳамиятлидир. Хусусан, Республика бўйича 18 минг 811 та корхона ва ташкилотда жамоа шартномалари асосида ягона тариф сеткасида белгиланган разрядлар коэффициентини кўтаришга эришилди. Бу орқали 915 минг 840 нафар ходимнинг иш ҳақи оширилишига эришилди.

Бугунги кунда мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш энг муҳим вазифага айланган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 апрелдаги “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида 2023 йилга бориб рақамли иқтисодиётнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улушини 2, ушбу соҳадаги хизматлар ҳажмини 3 баравар ошириш, улар экспортини 100 миллион АҚШ долларига етказиш вазифаси қўйилган.

Статистик маълумотларга кўра, рақамли иқтисодиётнинг мамлакатлар ялпи ички маҳсулотидаги улуши АҚШда 10,9 фоиз, Хитойда 10 фоиз, Ҳиндистонда 5,5 фоизини ташкил этади.

Рақамли технологияларни тадбиркорлик соҳасида жорий этиш товарлар ва хизматлар сифатини яхшилашга ёрдам беради, шунингдек, бизнесни юритиш жараёнини осонлаштиради, шаффофликни таъминлаб коррупцияни олдини олади.

Рақамли иқтисодиёт шароитида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясида асосий эътибор комплекс интеграллашган ахборот тизимларини ривожлантириш ва улардан ташкилотни бошқариш жараёнларида самарали фойдаланишга қаратилмоқда.

Ушбу тизим ўзининг технологик имкониятлари, архитектураси ва қўйилган масалаларни (жараёнларни) автоматлаштириш даражасига мос ҳолда, шу турдаги ахборот тизимларини таснифлагичига асосан ERP (Enterprise Resource Planning – ресурсларни режалаштириш тизими) синфига мансуб тизимдир. Бундай кўламдаги тизимларни яратиш, жорий қилиш ва унинг ҳар доим ишлашини таъминлаб бориш мураккаб ташкилий, технологик ва техник масала бўлиб, уни яратишни шошилмасдан, босқичма-босқич амалга ошириб боришни тақазо этади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси комплекс интеграллашган ахборот тизимининг асосий мақсади Федерация миқёсида унинг фаолияти билан боғлиқ бўлган барча жараёнларни автоматлаштириш ва бунинг натижасида Федерация раҳбар ходимлари ва мутахассисларини уларни фаолияти жараёнида қарор қабул қилиши учун зарур бўлган ишончли маълумотлар билан тезкор таъминлаш, ҳамда тасарруфдаги барча ташкилотларни молия-хўжалик ва ишлаб чиқариш фаолиятини on-line режимида назорат қилиб туришдан иборатдир.

Тизимни жорий этиш қуйидаги имкониятларни яратади:

- ахборотни қайта ишлаш даври ва қийинчиликларини камайтириш, бунинг ҳисобига касаба уюшмалари раҳбар ходимлари ва мутахассисларининг вақтини тежаш ва уларни кўпроқ бевосита меҳнат коллективлари ва бошланғич касаба уюшмалари ташкилотларида бўлиб туришига шароитлар ташкил қилиш;
- ахборотни қайта ишлаш ва уни бошланғич ва ҳудудий ташкилотлардан республика даражасига ва аксинча республика даражасидан қуйи ва бошланғич ташкилотларгача замонавий техник воситалар ва алоқа каналларини қўллаш орқали тезкор айланиши;
- Федерация фаолиятига тааллуқли бўлган турли статистик ва таҳлилий маълумотларни тизимлашган ҳолда сақлаш, излаш ва фойдаланувчиларга етказиш;
- сўралган маълумотларни Федерация Кенгаши аппарати таркибидаги бўлимларга таҳлил қилиш ва чоп этиш мақсадида тезкор етказиш;
- Қурилтой, Бош кенгаш, Ижроия қўмита йиғилишлари ва бошқа шу сингари тадбирларда маълумотнома ва таҳлилий ҳужжатларга тезкор эга бўлишни таъминлаш;
- касаба уюшмаларига аъзо ташкилотларни керакли маълумотлар ва таҳлилий материаллар билан тезкор таъминлаш;
- касаба уюшмалари ва унга аъзо ташкилотлар ходимларини меҳнат, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ва жамоатчилик билан боғлиқ бўлган сўровларига интерактив режимда ўз вақтида жавоб қайтариш ва тушинтиришлар бериш;
- ахборот манбаси сифатида Федерациянинг марказлашган маълумотлар базасидан ихтиёрий пайтда ва ихтиёрий жойдан туриб, шу жумладан ҳаракатдаги (мобил) алоқа воситалари орқали фойдаланиш;
- жамоа фикрини касаба уюшмаларида мавжуд муаммоларни ҳал қилишга жалб қилиш, жамоа шартномалари, келишувлар ва уларнинг моҳияти ва аҳамияти ҳақидаги маълумотларни кенг омма орасига Интернет каналлари ва бошқа усуллар ёрдамида етиб боришини таъминлаш;
- ёшлар орасида - касаба уюшмаларига нисбатан, уларнинг стратегик мақсадлари ва вазифалари ҳақидаги маълумотларни тарқатиш ва интерактив тушинтириш орқали; корхона ва муассасалар ходимлари ва раҳбарлари орасида - касаба уюшмалари ва ижтимоий келишувлар коллективнинг жипслиги ва турғунлигининг асоси эканлиги ҳақида позитив фикрларни шакллантириш;
- касаба уюшмалари ахборот-пропаганда ва агитация фаолиятини бир бутун ахборот тизими ёрдамида такомиллаштириш;

- Федерация фаолияти билан боғлиқ бўлган ишчи ҳужжатлар, услубий қўлланмалар, реклама материалларини ўз вақтида чоп этиш ва тарқатиш;
- Федерацияни Халқаро касаба уюшмалари ҳаракатидаги ўрни ва ролини қиёсий таҳлил қилиш;
- ва бошқалар.

Комплекс интеграллашган ахборот тизими Федерация раҳбар ходимлари ва мутахассисларига меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, меҳнатни муҳофаза қилиш, маданий-маърифий ва спорт ишлари, ташкилий ишлар ва кадрларни бошқариш, ижтимоий суғурта, молия ва ҳисоб-китоб, ҳужжат айланишини ташкил қилиш, матбуот хизматини ташкил қилиш, юридик хизматлар ва Федерацияда кечаётган бошқа жараёнлар ҳақида тезкор ахборотларни тақдим этиш, Федерация фаолияти билан боғлиқ барча тадбирларни мониторинг қилиш ва бошқаришга, бу бошқаришнинг асосий "дастгоҳи" бўлган ягона интеграллашган ахборот тизими орқали амалга оширишга имкониятлар яратади.

**Фойдаланилган адабиётлар**

1. Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги Қарори. 29.04.2020. https://lex.uz/docs/4800657
2. Касаба уюшмалари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 06.12.2019 йилдаги ЎРҚ-588-сон. https://lex.uz/docs/4631281

***Холматов С.Н.** – ТМИ, мустақил тадқиқотчи*

## ИПОТЕКА СУҒУРТАСИНИНГ ХОРИЖИЙ ТАЛҚИНИ

Миллий иқтисодиётимизни ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида турли хил рисклардан, шу жумладан уй-жой ипоткаси билан бевосита боғлиқ бўлган суғурта тизими муҳим рол ўйнайди. Ипотека фаолияти жамиятнинг тобора ўсиб бораётган эҳтиёжларига максимал даражада мос келишини таъминлаш учун кўплаб муаммоларни ҳал қилиш керак, уларнинг асосийси ипотека кредитлаш тизимини барқарорлаштириш, ипотека фаолияти иштирокчиларининг рискларни минималлаштириш ва ипотека фаолияти учун кафолатлар бериш ва ушбу турдаги кредитларни қайтиши билан боғлиқ муаммолардир.

Ипотека кредитлаш жараёнига хос бўлган рискларни аниқлаш, уларни таснифлаш ва баҳолаш масалалари кўплаб тадқиқотчиларнинг ишларида таҳлил қилинган. Ипотека рискларини диверсификация қилиш, уларни камайтириш ва суғурта қилиш масалалари ҳамиша долзарбдир.

Халқаро амалиётда ипотека кредити билан боғлиқ суғурта классификацияси иккита катта гуруҳга бўлинади: комплекс ипотека суғуртаси ва ипотека суғуртаси. Буни биз П.Ф.Войтова, О.Л.Головина, Л.Бесфамильная, А.Цыганов, А.А.Цыганов, А.Д.Языков, П.А.Грешин, А.Д.Языков илмий тадқиқотларидан ҳам кўришимиз мумкин.

*Комплекс ипотека суғуртаси* гаровни суғурталашни (мулк суғуртаси),

қарз олувчининг ҳаёти ва соғлиғини суғурталашни, гаровга бўлган ҳуқуқларни йўқотиш риски (титул суғуртаси).

Ипотека суғуртаси ипотека кредитини тўлиқ қоплаш учун ипотека кредитини таъминловчи гаровни сотиш қиймати етарли бўлмаса, ипотека кредиторлари ва инвесторларни қарз олувчигнинг қарзини тўланмаганлиги сабабли юзага келадиган зарарлардан ҳимоя қилади.

Суғурта ва ипотекани молия институти сифатида олиб қарайдиган бўлсак, келиб чиқиши бўйича албатта суғурта анча тарихий жараён эканлигини кўришимиз мумкин. Инсон ҳар доим табиатнинг турли бахтсиз ҳодисалардан, бошқаларнинг хатти-ҳаракатларидан ҳимояланишни ҳохларди, шунинг учун суғурта жамият тарақиётининг дастлабки босқичларида шаклланиб келди. Иқтисодий муносабатлар ривожланишининг ҳар бир даврида суғурта ўзига хос ривожланиш босқичларидан ўтиб ушбу муносабатларнинг ажралмас қисмига айлана борди. Ипотека институтинг пайдо бўлиши билан эса суғурта ҳимоянинг асосий воситаси ва унинг ажралмас қисмига айланди.

Арзон уй-жой бозорини шакллантириш Ўзбекистон сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Иқтисодий ривожланган барча мамлакатларда инсонлар бир вақтнинг ўзида тўлиқ тўлаш орқали уй-жой сотиб олмайдилар, балки ипотека кредитини оладилар. Бу уларга қарзнинг биринчи қисмини тўлагандан сўнг уй-жлйга кўчиб ўтиш имкониятини беради, кейин эса йиллар давомида даврий тўловлар билан қарз ва унинг фоизларини тўлаш имконияти берилади.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда ипотека кредитлаш тизими жадал суратлар билан ривожланиб бормоқда, бунда банкларнинг ипотека кредит протфеллари ҳажми ўсиб бормоқда, шунингдек маҳаллий ҳокимият органларининг бу борадаги ташабусслари ҳам анча диққатга сазавордир.

Узоқ муддатли ипотека кредитлари бўйича операцияларни кенгайтириш молия бозори ва капитал бозоридан узоқ муддатли ресурсларни етарли миқдорда жалб қилиш муаммосини ҳал қилиш учун шарт-шароитларни яратиш билан узвий боғлиқ бўлиб, бунда ишончли механизмларни ишлаб чиқиш, кредиторларни молиялаштириш ва энг муҳими, ўз капитали узоқ муддатли уй-жой бозорига йўналтирувчи инвесторлар учун ишончлилик кафолатларини таъминлаш уларнинг муҳимлигини белгилайди.

Дунёда юз берган сўнгги инқироз даврида мулк нархларининг пасайиши оқибатида ипотека бозори учун нотаниш бўлган иккита янги рискни келтириб чиқарди, булар инқироз даврида қарз олувчининг қашшоқлашиши, ипотека кредитлари бўйича кўплаб дефолт ҳолатларининг кўпайиши. Бунга асосий сабаблар, биринчи навбатда, ишнинг йўқотилиши ва иш ҳаққининг камайиши, шунингдек ипотека кредити таъминоти бўлган уй-жой нархларининг пасайишидир. Йўқотишлар олдида турган банклар кўчмас мулк сотиб олиш учун кредит беришни чеклашди, бериш пайтида ҳам мижоз учун жуда ноқулай шартларда кредитлаш амалиётни қўлладилар.

Умуман олганда, суғурта компанияларининг ипотека кредитлашни ривожлантиришдаги иштироки жаҳон тажрибаси кўрсатганидек, бутун ипотека

тизимига ижобий таъсир кўрсатаётгани қайд этиш мумкин. Бу фоиз ставкаларининг пасайишига, бошланғич тўлов миқдорининг камайишига олиб келади, ўз навбатида бу иқтисодиётнинг капитал талаб қилувчи қурилиш тармоқларини бевосита рағбатлантиради ва албатта жамиятдаги ижтимоий тарангликни пасайтиради.

Турли мамлакатлардаги ипотека суғуртаси тизимлари бирданига мавжуд ҳозирги шаклни қабул қилишмаган. Бу амалий ишлар такомиллаштирилган андеррайтинг, доимий янгиланиб турувчи маълумотларни қайта ишлаш, ипотека кредитлаш бўйича талабларни ўрганишнинг самарасидир.

Юқоридагиларни умумлаштирган ҳолда қуйидагиларни таъкидлаш мумкин, кредиторлар учун ипотека суғуртасининг афзалликлари қарз олувчиларнинг дефоти билан боғлиқ кредит рискининг камайиши ва қарз олувчиларнинг кенг доирасига мўлжалланган ипотека кредити маҳсулотларининг кенгайтирилган хизматларини таклиф қилиш имкониятидир. Қарз олувчилар учун ипотека суғуртасининг афзалликлари қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, LTVнинг юқори даражаси (loan-to-value, кредитнинг гаров қийматига нисбати) туфайли кредитларнинг ҳамёнбоплиги ортади, шунинг учун дастлабки тўлов миқдори камаяди;

Иккинчидан, ипотека кредити бўйича фоиз ставкаларининг пасайиши, сабаби ипотека суғуртаси одатда кредитор учун кредит рискини камайтиради;

Учинчидан, кредит ташкилоти кредит маҳсулотлари турлари ва солоҳиятли қарз олувчилар ҳисобига кредит портфелини оришиш имкониятига эга бўлади.

Мажбурий суғурта турларининг ижтимоий аҳамиятини эътироф этган ҳолда шуни таъкидлаш керакки, суғурта соҳаси асосий усиши ихтиёрий суғурта турлари ҳисобига бўлиши керак, шунинг учун уларни ривожлантириш чора-тадбирлари муҳим аҳамият касб этади. Бундай чора-тадбирлар суғурта маҳсулотларининг янги турларини жорий этиш ва уларнинг замонавий бозор шароитларига мос келишини қўллаб-кувватлашдан иборат бўлиши керак.

**Фойдаланган адабиётлар руйхати**

1. Формирование системы ипотечного жилищного кредитования по стандартам ОАО «АИЖК» / Под ред. П.Ф. Войтова, О.Л. Головина. М., 2009.

2. Бесфамильная Л., Цыганов А. Управление рисками и страхование ипотечной деятельности // Страховое дело. (2001) № 1. 1-8 стр

3. Цыганов А.А., Языков А.Д., Гришин П.А. Канадский опыт организации системы ипотечного страхования // Страховое дело. (2011) № 5. 1-6 стрю

4. Языков А.Д. Стратегия банка по минимизации потерь в области ипотечного жилищного кредитования // Финансы и кредит. (2011) № 44. 1-9 стр.

5. Языков А.Д. Ипотечное страхование в России // Банковское дело. (2013) № 8. 1-6 стр.

***Шохаъзамий Ш.Ш.** – НУУз, д.э.н., проф.*
***Отаев Ш.К.** – НУУз, Старший преподаватель PhD*
***Акимниязов Т.Б.** – НУУз, Старший преподаватель*

# ВОЗМОЖНЫЙ ПОДХОД К ФИНАНСИРОВАНИЮ ПРОЕКТОВ ГОСУДАРСТВЕННО-ЧАСТНОГО ПАРТНЁРСТВА ПО ИПОТЕЧНОМУ СТРОИТЕЛЬСТВУ С ПОМОЩЬЮ РЫНКА СЕКЬЮРИТИЗИРОВАННЫХ ЦЕННЫХ БУМАГ, ОБЕСПЕЧЕННЫХ ПОТЕНЦИАЛОМ ЭТИХ ПРОЕКТОВ

На основе системного анализа мировой практики, исследований и парадигм в области секьюритизации ипотеки через призму глобальных и региональных нестабильностей, рисков, кризисов и вызовов обоснована необходимость дальнейшего развития теоретико-методологических основ и механизмов функционирования рынка секьюритизированных ценных бумаг, обеспеченных ипотекой, в том числе потенциалом проектов по ипотечному строительству (сокращенно – РСЦБИ). Результаты такого анализа обусловили разработку: метода финансирования проектов государственно-частного партнёрства по ипотечному строительству (сокращенно – ФПИС ГЧП) с помощью РСЦБИ; структурно-функциональной схемы реализации данного метода; математической (функционально-эквивалентной) модели схемы и процесса ФПИС ГЧП с помощью РСЦБИ, которая может быть использована для цифровой трансформации РСЦБИ. Представленные научные предложения, практические рекомендации, основанные на представленных новых разработках, могут быть полезны не только для условий и целей развития нового Узбекистана, но и для других развивающихся стран.

Негативные последствия финансово-экономического кризиса 2008-2010 гг., начавшего в августе 2007 года с ипотечного кризиса в США, а также неравенство между странами в их цифровом развитии, глобальные нестабильности, риски и вызовы, связанные с потеплением мирового климата, глобальной пандемией COVID-19, нехваткой питьевой воды и продовольствия, региональными и территориальными конфликтами между странами обусловили формирование новой парадигмы и концепций развития мировой экономики и глобального финансового рынка. Одной из наиболее главных тенденцией мирового развития является постепенное вытеснение традиционного банковского кредитования и традиционных методов финансирования проектов ипотечного строительства с помощью финансового рынка, замещение их иными, альтернативными способами проектного финансирования, в том числе и методами привлечения капитала через рынок ценных бумаг на основе методов и механизмов секьюритизации ипотеки. Обусловлено это недостатками традиционных методов кредитования и финансирования ипотечных проектов. В частности, размещение акций на биржевом или внебиржевом рынках сопряжено с потерей контроля над компанией, что далеко не всегда устраивает основных владельцев бизнеса. Выпуск долговых бумаг осложнен высокой стоимостью привлечения

капитала. Банковское финансирование ипотечных проектов характеризуется жесткими условиями и дороговизной кредитования. В силу этих и других недостатков, зарубежными странами достигнуто весомые результаты по рефинансированию (секьюритизации) ипотеки, так как ипотечные кредиты проще всего поддаются стандартизации и дальнейшей перепродаже. В Узбекистане рынок секьюритизации ипотеки, в том числе проектов ипотечного строительства отсутствует, что можно объяснить многочисленными проблемами, которые не дают возможность иностранным и внутренним инвесторам эффективно финансировать ипотечные проекты. Так, нерешенными остаются проблемы развития понятийного аппарата, разработки методов, модели и правовой базы функционирования рынка секьюритизированных ценных бумаг, обеспеченных ипотекой, в том числе потенциалом проектов ипотечного строительства (сокращенно – РСЦБИ), и эффективных механизмов зашиты прав инвесторов данного рынка и повышения кредитной надежности ценных бумаг, выпущенных в результате секьюритизации ипотеки, а также обеспечение низкой стоимости заимствования для компаний-оригинаторов и транзакций, определения режима налогообложения и рисков сделок секьюритизации. Эти и другие проблемы указывают на актуальность и острую необходимость формирования в Узбекистане РСЦБИ, нахождения теоретического, методологического и практического их решения, в том числе разработки нового метода финансирования ипотечных проектов государственно-частного партнёрства (ГЧП) с помощью обеспеченных потенциалом этих проектов секьюритизированных ценных бумаг, который наиболее соответствовал бы условиям и целям развития нового Узбекистана.

В силу вышесказанного, а также на основе проведенного системного анализа

мировой практики, исследований и парадигм в области секьюритизации ипотеки через призму глобальных и региональных нестабильностей, рисков, кризисов и вызовов обоснована необходимость дальнейшего развития теоретико-методологических основ и механизмов функционирования РСЦБИ. Результаты такого анализа обусловили разработку:

нового метода финансирования проектов государственно-частного партнёрства по ипотечному строительству (сокращенно – ФПИС ГЧП) с помощью РСЦБИ;

структурно-функциональной схемы реализации данного метода;

математической (функционально-эквивалентной) модели схемы и процесса ФПИС ГЧП с помощью РСЦБИ, которая может быть использована для цифровой трансформации РСЦБИ.

Представленные выводы, научные предложения, практические рекомендации, основанные на представленных новых разработках, могут быть полезны не только для условий и целей развития нового Узбекистана, но и для других развивающихся стран.

***Собиров Р.Р.** – ОБМ, тингловчи*

# ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ ТАШКИЛ ЭТИШДАГИ МУАММОЛАР ВА БАРТАРАФ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

Бугунги кунда хўжалик субъектлари ва аҳолининг рақамли ахборот-коммуникация технологиялари асосида масофадан кўрсатилаётган молиявий хизматларга бўлган талаби кескин ошиб бормоқда. Ушбу вазият инновацион лойиҳалар ва ишланмаларни амалиётга кенг татбиқ этиш бўйича етакчи соҳалардан бири бўлган банк секторида электрон платформаларни ривожлантириш, хусусий экотизимларни шакллантириш ва шу аснода бошқарув тизими ҳамда бизнес-моделларни такомиллаштиришга бўлган эътиборни кучайтирди.

Тижорат банкларида инновацион ривожланишнинг ташкилий механизмларини такомиллаштириш масалаларнинг иқтисодий моҳиятини таҳлил қилиш, шунингдек, уларни бартараф этиш бўйича таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишни тақазо қилмоқда.

Биринчидан, фикримизча, “Банк инновацияси”, “Банкларнинг инновацион фаолияти” ҳамда “Инновацион фаолиятни бошқаруви” тушунчаларининг умумэътироф этилган талқинининг мавжуд эмаслиги билан боғлиқ. Бунинг натижасида банкларнинг инновацион фаолияти ва унинг ташкилий механизмларини таснифлашда бир-биридан жиддий фарқланувчи илмий-амалий ёндашувлар юзага келган. Таъкидлаш жоизки, ушбу ҳолат фақат назарий-услубий хусусиятга эга бўлмасдан, амалий фаолиятни ташкил этишда муҳим аҳамият касб этади. Бундай хулоса аниқ жавоби топилмаган қуйидаги бир қатор саволлар билан ўз тасдиғини топади:

а) инновацион хизматлар ва маҳсулотлар банкнинг ўзида яратилиши керакми ёки IT ва финтех компанияларда яратилган дастурий таъминот, хизматлар ва маҳсулотларни амалий фаолиятга жорий этилиши инновация сифатида тан олинадими? Бундай савол исталган турдаги инновация интеллектуал фаолиятнинг натижаси бўлиши, ўз навбатида, инновацион фаолият янги ишланмаларни ташкил этиши, шунингдек, банк соҳасига жорий этишга йўналтирилган фаолият эканлигини шубҳа остига қўйиши мумкин. Шунинг учун ҳам банк инновацияси сифатида фақат банк иштирокида яратилган янгиликларнигина (инновациялар) тан олиниши мақсадга мувофиқ;

б) инновацион фаолиятни ташкил қилиш учун тижорат банклари томонидан инновацион инфратузилмани ташкил этилиши лозимми ёки йўқ? Қонун ҳужжатларида қайд этилишича, инновацион инфратузилма –инновацион фаолиятни моддий-техник, молиявий, ташкилий-услубий,ахборот, консультатив ва бошқа жиҳатдан таъминлайдиган корхоналар,ташкилотлар, муассасалар, мулкчиликнинг исталган шаклидаги улар бирлашмаларининг мажмуи ҳисобланади[1]. Демак, инновационинфратузилма бевосита тижорат банки ёки

[1] Ўзбекистон Республикасининг “Инновацион фаолият тўғрисида”ги Қонуни 3-моддаси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.07.2020 й., 03/20/630/1101-сон.

унинг шўъба корхоналарида ёки бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилиши зарур. Ҳар қандай ҳолатда ҳам инновацион ишланмаларни лойиҳалаштириш билан боғлиқ масалалар бевосита банкларда амалга оширилиши лозим;

в) банк фаолиятига жорий этилган барча янги маҳсулот ва хизматлар инновация сифатида тан олинадими ёки уларнинг ўзига хос бўлган хусусиятлари мавжудми? Ушбу саволга жавоб топиш учун яна бир бор қонунҳужжатларига мурожаат қиламиз. Унга кўра, янги ишланма (ииновация) мавжуд ўхшаш интеллектуал фаолият натижаларига нисбатан янги белгиларгаэга бўлган, амалда қўллаш мумкин бўлган ва амалиётда ундан фойдаланганда катта ижтимоий-иқтисодий самарага эришишни таъминлай оладиган интеллектуал фаолият натижасидир[1]. Бу фаолиятга жорий этилган ҳар қандай янги маҳсулот ва хизмат инновация сифатида тан олинмаслигидан далолат беради. Бунда модернизация (янгилаш, сифат жиҳатдан янги даражага чиқариш) ва инновация ўртасидаги фарқ аниқ белгилаб олиниши талаб этилади. Инновация – бу прицproperиал янги белгиларга эга бўлган маҳсулот ва хизматлар, модернизация эса мавжуд ишлаб чиқариш шароитида сотиб олинган ёки жалб этилган (инвестициялар) янги техника ва технологиялар асосида янги даражага чиқариш ҳисобланади.

Бундан келиб чиққан ҳолда:

банк инновацияси – бу аввал банк фаолиятида қўлланилмаган ва юқори даражадаги самарадорликни таъминлай оладиган интеллектуал фаолиятнинг якуний маҳсулотига оид янгилик ёки янгиликни жорий этиш сифатида;

банкларнинг инновацион фаолияти – бу инновацион лойиҳаларни тайёрлаш ва амалга ошириш, шунингдек, инновацион инфратузилмани яратиш ва унинг фаолиятини таъминлашга қаратилган фаолият тури тарзида;

инновацион фаолиятни бошқариш – бу инновацион лойиҳаларни тайёрлаш ва амалга ошириш, шунингдек, инновацион инфратузилмани яратиш ва унинг фаолиятини таъминлашга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мажмуаси деб таснифланиши мақсадга мувофиқ.

Иккинчидан, тижорат банкларида инновацион фаолиятнинг ташкилий механизмларини ишлаб чиқишнинг услубий асосларини такомиллаштириш борасидаги муаммолар. Муаммонинг юзага келиши, биринчи навбатда, банк фаолиятини ривожлантириш стратегияси билан боғлиқ. Тижорат банкларида рақамли трансформациялаш стратегиясининг қўлланилиши якунда “digital bank”нинг шаклланиши ёки рақамли технологиялар асосида анъанавий банк фаолиятини давом эттирилишига олибкелиши мумкин. Уларда эса бир-биридан тубдан фарқланувчи ташкилий механизмлар қўлланилади.

Бундан ташқари, мамлакатимиз банк секторининг ўзига хос бўлган хусусиятларидан бирини IT-инфратузилмасининг 60 дан ортиқ ташқи информацион тизимлар билан боғланганлиги билан изоҳлаш мумкин. Исталган янгилик (инновация) банкнинг автоматлаштирилган банк тизими (АБТ) дан ташқари, барча ташқи тизимлар билан интеграцияланиши зарур. Аксарият

[1] Ўзбекистон Республикасининг “Инновацион фаолият тўғрисида”ги Қонуни 3-моддаси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.07.2020 й., 03/20/630/1101-сон.

ҳолларда интеграциялаш қоидалари банклар томонидан ўрнатилмасдан, балки ташқи информацион тизимлар орқали белгилаб берилади. Бу эса, ўз навбатида, инновацион лойиҳалар бўйича вазифаларни бажаришга нисбатан интеграциялаш масалаларига кўпроқ вақт ва маблағ сарфланишига, яъни ташкилий тузилмага тегишли ўзгартиришлар киритилишига олиб келади.

Тижорат банкларида инновацион жараёнлар бир қатор босқичлардан иборат. Фикримизча, ҳар бир босқич қуйидагича ифодаланиши мумкин:

1. Тижорат банкининг ташқи ва ички муҳит таҳлили, шунингдек, стратегик ривожланиш йўналишларидан келиб чиққан ҳолда инновацион ғояни шакллантириш ва мақсадни аниқлаб олиш. Бунда шуни эътиборга олишлозимки, банк очиқ тизим сифатида ташқи муҳитга нисбатан уч асосий жараёнда иштирок этади: а) ташқи муҳитдан ресурсларни олиш (кириш); б) олинган ресурсларни қайта ишлаш (трансформация); в) яратилган маҳсулот ва хизматларни таклиф этиш (чиқиш).
2. Белгилаб олинган мақсадларга эришиш учун хатти-ҳаракатлар ва чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш. Ишлаб чиқилган режа юқорида қайд этилган уч жараённи тўлиғича қамраб олиши лозим.
3. Ишлаб чиқилган режани амалга ошириш учун зарур бўлган ташкилий тузилма, ҳар бир бўлинма ва ходимнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ифодалаши лозим. Бунда қабул қилинаётган қарорлар тегишли меъёрий ҳужжатлар билан асосланиши керак бўлади.
4. Инновацион лойиҳаларни амалиётга жорий этиш юзасидан режаларни амалга ошириш.
5. Инновацион лойиҳага доир хатти-ҳаракатлар ва чора-тадбирларни таҳлил қилиш, ўзгартириш ва назорат қилиш. Инновацион лойиҳа ва бошқарув қарорларининг самарадорлигини баҳолаш инновацион лойиҳани амалиётга жорий этиш бўйича якуний қарорни қабул этиш учун зарур. Шу ўринда қайд этиш лозимки, таҳлил ва назорат жараёнида инновацион лойиҳани амалиётга жорий этишнинг мақсадга мувофиқлиги баҳоланади. Агар лойиҳа мақсадга мувофиқ деб топилса, амалиётга жорий этилади. Акс ҳолда янги ечимлар ва ғоялар кўриб чиқилади.
6. Таклиф этилаётган механизм инновацион жараёнларнинг ҳар бир босқичи бошқа босқичлар билан узвий алоқадорликда эканлигини кўрсатиб бериш билан бир қаторда, ушбу алоқадорлик асосида синергетик самарани олиш “ҳудудларини” белгилаб олиш имкониятини беради.

Учинчидан, тижорат банклари фаолиятини ривожлантириш стратегиясида инновацион фаолиятдан кутилаётган якуний натижани аниқ белгилаб олиш. Маълумки, страттегик мақсадларнинг белгиланиши банк фаолиятини маълум бир йўналишда ривожлантиришни назарда тутади. Ривожланиш йўналиши, ўз навбатида, инновацион фаолиятни ташкил этиш шакллари ва унинг ташкилий-функционал тузилмасини белгилаб олишга хизмат қилади. Демак, инновацион фаолиятдан кутилаётган натижа стратегик вазифаларга мос келиши зарур. Бундай ҳолатда инновацион фаолият нимага йўналтирилган деган савол юзага келади. Агарда унда банк фаолиятининг маълум йўналишлари ёки операциялари

мажмуини рақамлаштириш назарда тутиладиган бўлса, (банкларнинг стратегиясида айнан шундай ёндашув мавжуд) инновацион инфратузилмани шакллантиришдан бирор маъно бўлмайди.

Инновацион инфратузилмани ишлаб чиқишда, фикримизча:а) инновацион муҳит; б) инновацион инфратузилма таркиби; в) инновацион инфратузилма томонидан қамраб олинадиган фаолият йўналишлари; г) инновацион инфратузилмага жалб этилган ходимларнинг компетенцияларига нисбатан қўйилган талаблар эътиборга олиниши лозим.

***Назаров Р.Ф.*** *– ТФИ, соискатель*

## ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ ИННОВАЦИИ ПРИ СТРАХОВАНИЕ ТРАНСПОРТНЫХ СРЕДСТВ

Предприниматели и бизнес-сообщества постоянно находятся в поиске новых проектов. Иногда толчком к развитию новых возможностей становятся прорывные научные открытия, иногда целые секторы индустрии стимулируются появлением новых технологий, а зачастую немаленькие компании создаются за счёт инновационных идей.

Одной из значительных нереализованных возможностей с колоссальным потенциалом является «Цифровое страхование». Причём, преимущества этих решений не ограничиваются дополнительным бизнес-потенциалом для различных секторов экономики, но также могут предоставить существенную экономию потребителям и увеличить безопасность движения на дорогах в целом.

По проведенным анализам автомобильное страхование сталкивается с большим числом проблем, следовательно, необходимо искать пути немедленного их решения, поскольку данный вид страхования имеет хорошие перспективы в будущем. В процессе анализа были выявлены следующие основные проблемы, с которыми сталкивается автомобильное страхование: проблема экономической обоснованности страховых тарифов; отсутствие единой методики оценки ущерба; мошенничество; увеличение минимального размера уставного капитала для страховых организаций; проблемы мошенничества; несовершенство правовой базы; слабость страхового надзора; проблемы, связанные с часто изменявшемся правилам и порядком прохождения технического осмотра.

В современном мире область применения телематических решений расширяется с каждым днем. Проникновение тематики в различные отрасли инновационной активности – основной тренд в современной информационной среде. На текущем этапе развития телематики основным форматом взаимодействия является «Machine to machine» (M2M). Самым ярким представителем телематических решений является система спутникового мониторинга транспорта (СМТ) – комплексная электронно-техническая система, состоящая из совокупности наземного и космического оборудования, предназначенная для определения местоположения (географических координат

и высоты), а также параметров движения (скорости, направления движения и т.д.) для наземных, водных и воздушных объектов.

По мнениям Цыганова и Брызгалова под цифровым страхованием может подразумеваться часть экономических отношений, обусловленных наличием страховых интересов у организаций и граждан и их удовлетворением посредством цифровых технологий. Другими словами, цифровое страхование – это способ реализации страховой защиты на основе цифровых технологий.

По исследованием Брызгалова цифровизация страховой деятельности и появление цифрового страхования приводят к изменению конкуренции на страховом рынке. Изменение моделей поведения страхователей при выборе страховых услуг с использованием цифровых технологий выводит на первое место состязательность страховых компаний не за выбор покупателя, а за уровень рекомендации своей услуги в используемой цифровой технологии.

На современном этапе развитие страхование транспортных средств можно сделать выводы что рынок автострахование – это самая динамично развевающая отрасль имущественного страхования. Кроме того, данный сегмент рынка является самым передовым по внедрению инновационных технологии и нововведение. Лидерам в этой области, конечно, считается рынок автострахования США, он является одним из самых зрелых и продвинутых авторынков в мире.

Инновации внедряющийся в страхование также пережили множественно инновационных циклов развитие. Первым на рынке страхование появились «умное страхование» (Smart insurance), дальнейшие их развитие привело созданию страховой телематики (1995 – 2000 годах). Начиная с конца XXI века начали появляться страховые программы с использованием страховой телематики. Однако, телематика изначально была создана на борьбу с мошенничеством и угонами.

С развитием цифровой экономике, страховые компании стали больше ориентироваться на технологическую начинку, при этом сохраняя отраслевую спецификацию.

Во всех сферах нашей жизни всё больше используются самые передовые подходы, как например, Большие Данные (Big Data) – которые позволяют собирать значительные количество информации и новые математические модели данных, Искусственный Интеллект (AI) – который позволяет эти данные обрабатывать и Машинное обучение (ML) - которое позволяет постоянно совершенствовать алгоритмы обработки данных.

Само собой «цифровизация» технологических процессов в значительной степени становится основой «Умного страхования», влияющих как на безопасность движения в целом, так и на возможности оптимизации актуарных рисков. Во всех смыслах страховая телематика из «Умного страхования» заслуженно перешла в разряд «Цифрового страхования».

Технологии «Цифрового страхования», в первую очередь, рассчитаны на коммерческие компании (автопроизводители, страховые компании, и т.д.), которые, уже в свою очередь, в той или иной форме, предлагают их клиентам.

Текущий рынок и потенциал роста «Цифрового страхования» наглядно демонстрируют всего лишь небольшую долю от текущего рынка и потенциала роста возможностей коммерческого роста использования готовых бизнес-решений «Цифрового страхования».

Телематика также является мощным инструментом для привлечения и удержания клиентов. Например, телематический продукт «попробуй перед покупкой» (Try-Before-You-Buy — TBYB) может устранить препятствия на пути привлечения клиентов, предоставляя свободный от обязательств канал привлечения безопасных водителей. Программы оказались более эффективными инструментами привлечения клиентов, чем сайты сравнения цен, в частности, из-за их способности прогнозировать риски. Программы TBYB позволяют страховщикам предлагать клиентам предложения с добавленной стоимостью (например, премиальные скидки, обучение водителей и геймификация) в полностью цифровой среде обслуживания клиентов.

Технологии «Цифрового страхования», вне какого-либо сомнения, представляют огромные возможности, как для поставщиков самих технологий, так и для страховых компаний, автодилеров, автопроизводителей и самих потребителей.

Компании, которые осознанно и продуманно подойдут к этим возможностям, получат значительные стратегические преимущества.

Изучив данную тему, мы пришли к мнению, что рынок умного страхования ждет рост, но для масштабного развертывания необходима работа по ориентации услуг на клиента и создание системы ценностей этого вида услуг для страхователя.

Также, надо учитывать, что цифровизация влечет за собой помимо улучшения качества услуг и расширение спектра предоставляемых страховых услуг, повышение степени уязвимости страхового рынка страны перед внешними и внутренними киберугрозами. В первую очередь это наличие уязвимостей в системе, возможность утечки данных, недобросовестных и мошеннических действий в результате кибератак.

Но, несмотря на все риски, за цифровизацией будущее. Технологии меняют предпочтения клиентов и формируют новую страховую культуру.

**Список исползовоннре :**

1. Мельничук В.А. Проблемы и перспективы развития автомобильного страхования в России с точки зрения страховых компаний. Вестник Сибирского института бизнеса и информационных технологий. № 2 (26) (2018) 49-54 стр.
2. Шевчук Н.А., Польгейм А.В. Современное состояние и проблемы развития рынка автострахования в Алтайском крае. Вестник Алтайского государственного аграрного университета № 3 (113) (2014), 15-158 стр.
3. Цыганов А.А., Брызгалов Д.В. Цифровизация страхового рынка: задачи, проблемы и перспективы. Экономика и управление. № 2, (2018) - 111-120 стр.
4. Брызгалов Д.В. Цифровизация конкуренции на страховом рынке. Экономика и управление. № 2, (2018)- 121-128 стр.

***Каримова К.Д.** – ТМИ, Мустақил тадқиқотчи, и.ф.н., доц*

# КИЧИК БИЗНЕС РИСКЛАРИНИ СУҒУРТАЛАШ МУАММОЛАРИ

Суғурта рискни камайтиришнинг энг муқобил ва кенгтарқалган усуслларидан биридир. Унинг ёрдами билан корхона деярли барча мулкларини, шунингдек кўплаб сиёсий, кредит, тижорат ва ишлаб чиқариш рискларини минималлаштириш мумкин. Муаммо шундаки, суғурта компаниялари билан муносабатлар стратегиясини белгиловчи корхона суғурта бозорини яхши билиши ва ҳар бир қабул қилинаётга қарорига мос муқобил суғурта шартномасини танлаши керак.

Бундай шароитда суғурта муваффақиятли бизнес учун зарурий шарт деб ҳисобланиши мумкин, чунки бу бизга корхонанинг молиявий барқарорлигига таъсир қилиши мумкин бўлган салбий оқибатлар ва уларнинг таъсирини минималлаштиришга имкон беради.

Тадбиркорлик рискларини бошқариш усуларидан бири бу суғуртадир. Кичик бизнесни суғурталаш зарурияти унинг ўзига хос бўлган учта асосий хусусият билан изоҳланади: паст молиявий барқарорлик; чекланган молиявий захиралар; доимий ривожланиш зарурати..

Афсуски, рискни бутунлай йўқ қилишнинг иложи йўқ. Юқорида рискни тадбиркорликнинг ажралмас қисми ва фаолиятнинг асоси эканлигини таъкидланди. Агар тадбиркорликда савдо, молиявий ва иқтисодий муносабатлар мавжуд бўлса, унда иқтисодий рисклар алббата юзага келади. Бугунги жаҳон иқтисодиётида кичик бизнес фаолияти тўхтаб қолиши, узилишлар ва банкротликаа олиб келадиган мураккаб ички ва ташқи таҳдидларга дуч келмоқда. Улар ташқи ва ички риск омилларига жуда сезгир бўлишади. Аслида, кичик бизнеснинг фоиздан ортиғи ўз фаолиятини бирчи йилда, 95 фоизи биринчи беш йилда тугатилиб кетади.

Иқтисодий ривожланган мамлакатларда кичик ва ўрта бизнес жадал суръатлар билан ривожланмоқда, сабаби миллий ҳокимият органлари бундай корхоналарга катта эътибор беришмоқда ва уларнинг ривожланиши учун ҳар томонлама кўмак беришмоқда, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қуваттлаш бўйича кўплаб дастурларни ишлаб чиқиш ва имтиёзларни тақдим қилишмоқдалар. Бундай мамлакатлар ҳаётида кичик ва ўрта бизнес жуда муҳим иқтисодий ва ижтимоий рол ўйнайди. Иқтисодий ривожланган мамлакатларда кичик ва ўрта бизнес синфи иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши учун асос бўлиб хизмат қилади ва аҳолининг каттагина қисмини иш билан таъминлайди. Бу мамлакатларда ялпи ички маҳсулотнинг 50-70 фоизини кичик ва ўрта корхоналар ишлаб чиқаради.

Тадбиркорлик рискларнинг таъсир оқибатлари натижасида корхона молиявий юқотишларни бошидан кечириши, улар ҳатто пухта ишлаб чиқилган корхона бюджетини йўққа чиқариши ва баъзида эса бизнеснинг ёпилишига сабаб бўлиши мумкин. Шундай қилиб, кичик бизнес корхоналари иқтисодиётда катта ҳажмда (оммавий) ишлаб чиқариш ва унинг қамровлиги натижасидан фойда

олишда қанташа олмайдилар, шу сабабли дунёнинг кўплаб мамлакатларида уларнинг ривожланиши қўллаб-қувватланмоқда.

Ривожланган суғурта бозори ва тадбиркорлик соҳасига эга мамлакатларнинг тажрибаси шуни кўрсатадики, кичик бизнес рискларини суғурталаш иқтисодий жиҳатдан фойдалидир. Кичик бизнесни ривожлантириш билан бир қаторда, ушбу соҳада суғурта компанияларининг таъсири ҳам ривожланиб бормоқда. Шу муносабат билан, мамлакатда кичик бизнесни суғурталашни ривожлантириш ортда қолаётгани ушбу соҳада суғурта турларини жадал ривожлантириш ва такомиллаштиришни талаб этмоқда. Ушбу соҳада жиддий ўзгаришларни амалга ошириш кераклигини вақтнинг ўзи кўрсатмоқда ва бу ўзгаришлар хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида одатий ҳолга айланиши керак. Шундай қилиб кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик рискларини комплекс суғурталашни лозим даражада ривожлантириш учун қўйидаги муаммоларни ҳал қилиш зарур.

*Яхши ривожланмаган андерайтинг.* Тадбиркорлик рискларини суғурталаш бу индивидуал жараён бўлиб, у суғуртага олинган рискларни тўлиқ баҳолайдиган ва суғурта мукофотини тўғри ҳисоблайдиган, хўжалик субъектлари билан суғурта шартномаларини тузиш имкониятига эга бўладиган малакали андерайтерларни талаб қилади.

*Суғурта компанияларига бўлган ишончнинг йўқлиги.* Суғурта компаниялари фаолиятини баҳолаш мезонларидан бири бу мижозлар олдидаги мажбуриятларнинг бажаришидир. Ўз мажбуриятларини тезкор, профессионал ва виждонан бажариш суғурта соҳасининг мутлоқ ҳолатини белгилайди, бу эса аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари орасида соҳага бўлган ишончини шакллантиришга ёрдам беради. Дарҳақиқат суғурта компанияларининг обрўси бевосита ушбу омилларга, мижозлар олдидаги мажбуриятларнинг сифатли бажарилишига боғлиқдир ва уларнинг бажарилиши мижозлар томонидан баҳоланиб борилишидир.

*Суғурта имкониятлари борасида тадбиркорларнинг маълумотларга эга эмаслиги.* Ўзбекистонда суғурта хизматлари бозорининг ҳозирги ҳолатининг хусусиятларидан бири бу хўжалик юритувчи субъектларнинг суғурта соҳасининг мавжуд имкониятлари тўғрисидаги маълумотлардан хабардор эмасликлари. Кичик бизнесни суғурталашга бўлган талабнинг йўқлигини асосан суғурта орқали рискларни бошқариш имкониятлари ва усуллари тўғрисида маълумотларнинг етишмаслиги билан боғлиқдир. Бундан ташқари, суғурта қоидалари ва шартнома шартлари, атама ва тушунчалари ҳар доим ҳам суғурталанувчиларга тушунарли бўлавермайди.

*Суғурта тарифларини белгилаш, зарар миқдори ва суғурта қопламасини аниқлаш муаммоси.* Баъзида тижорат ва тадбиркорлик рискларини суғурталаш бўйича суғурта маҳсулотларининг тарифларини ҳисоблаш жуда қийин кечади. Бундан ташқари, суғурта ҳодисаси юз берганда зарарни баҳолаш, ҳисоблаш жараёнлари бўйича аниқ методологик ёки стандартлар мавжуд эмас.

Юқорида айтиб ўтилган муаммоларга қўшимча равишда хусусий ва кичик бизнесни суғурталашни ривожлантиришга ва суғурта компаниялари фаолиятига боғлиқ бўлмаган бошқа бир қатор муаммолар ҳам мавжуддир.

Биринчи навбатда, кичик ва ўрта бизнес учун юзага келиши мумкин бўлган моддий йўқотишларни (ёнғин, авариялар, ўғирлик) олдиндан билиш жуда қийин. Мумкин бўлган зарарлар оқибатларини камайтириш бу ҳар бир тадбиркорнинг ихтиёридадир. Бироқ, Ўзбекистон суғурта бозорида кўплаб суғурта компанияларининг мавжудлигига қарамасдан кўплаб тадбиркорлар суғурта хизматларидан фойдаланишга шошилмаяптилар.

Хусусий ва кичик бизнес фаолиятидаги рискларни суғурталаш турлари ривожланишининг муҳим омили сифатида суғурта бозори инфратузилмасининг паст даражада ривожланиши ҳисобланади. Суғурта субъектларининг (суғурта брокерлари, суғурта сюрвейерлари ва аджастерлар) суғурта жараёнлари, яъни суғуртага қабул қилинаётган объектлари баҳолаш, суғурта даъволарини кўриб чиқиш ва ҳал қилишдаги иштирок этиши республикада қониқарли даражада эмас. Бироқ, халқаро амалиётда шуни кўришимиз мумкинки бу суғурта институтлари хўжалик юритувчи субъектларнинг суғурта бозорини ривожланишида ва фаолият кўрсатишида муҳим рол ўйнайди.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш мумкинки, юқоридаги муаммоларга қарамай, тадбиркорлик рискларини суғурталаш аста-секинлик билан ривожланиш босқичига ўтмоқда. Хусусий ва кичик бизнесни суғурталаш турларини ривожлантиришда суғурта компаниялари ёки кичик бизнес субъектлари орқали давлат томонидан бир хил рағбатлантириш ушбу соҳа ривожланишига катта туртки бўлиб ҳисобланади. Шунингдек, суғурта компаниялари юқорида кўрсатилган муаммоларни мустақил равишда ҳал қилишлари керак, сабаби ушбу суғурта турига тўғри ёндашиш натижасида суғурта компаниялари мамлакатнинг молия тизимида ўз фаолиятларини кенгайтиришлари ва асосий фаолиятдан олинадиган даромадларини сезиларли даражада оширишлари мумкин. Шунга кўра, хусусий ва кичик бизнеснинг рискларини комплекс суғурталашни ривожлантириш бу ҳар иккала томон учун ҳам бирдек фойда келтириш табиийдир.

Хорижда хусусий ва кичик бизнс муваффақиятли ривожланиб ва доимий равишда такомиллашиб келмоқда. Иқтисодий ривожланган мамлакатларда давлат бизнеснинг ривожланишига тўсқинлик қилмайди, балки уни такомиллаштириш орқали жамият манфаатларини қондиришда ёрдамчи сифатида фойдаланади. Хусусий ва кичик бизнесга давлат даражасида катта ёрдам кўрсатилмоқда, кўплаб имтиёзлар тақдим этилмоқда, шу жумладан суғурта соҳасида ҳам. Шунингдек, хорижий амалиётда хусусий ва кичик бизнесни рискларини суғурталашда учун турли хил муқобил усуллар ишлаб чиқилган бўлиб, буларга анъанавий суғурта, ўзаро (кэптив) суғурта ва микросуғуртани ажратиб кўрсатиш мумкин. Шунга кўра, ҳар бир хорижий тажриба Ўзбекистон учун хусусий ва кичик бизнесни суғурталаш амалиётини такомиллаштиришда кенг имкониятларни яратиши табиийдир.

**Адабиётлар рўйхати**

1. Набугорнова В. Н. Риски в деятельности малого и среднего предпринимательства и способы их минимизации // Молодой ученый. - 2015. - №11.3. - С. 60-63.
2. Бокарева Е. В., Силаева А. А., Дуборкина И. А. Развитие малого бизнеса в России: проблемы и пути решения // Сервис в России и за рубежом. 2016. Т. 10. № 1 (62). С. 174–185.
3. Renáta Mysková and Veronika Doupalová. Approach to Risk Management Decision-Making in the Small Business/ Procedia Economics and Finance 34 (2015) 329 – 336 p.
4. Успенский В.А. У*правление риском: как эту проблему трактует современная экономическая теория // М*ир новой экономики. 2007 – №2 - с. 29-48.
5. http://www.sme-events.com/business-advice-article/the-9-reasons-why-businesses-fail.

***Қурбанқулова Н.*** *– ТМИ, ассистент*

## СУҒУРТА КОМПАНИЯЛАРИНИНГ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИДАГИ ФАОЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

Фонд бозорини ривожлантиришда эмитентлар эмиссион фаолияти, муомалага чиқарилган акцияларни очиқ жойлаштириш орқали капитал жалб қилиш, жалб қилинган капитал асосида истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш орқали юқори рентабелликни таъминлаш, натижада эса эришилган фойдани акциядорлар ўртасида самарали тақсимлаш муҳим аҳамият касб этади. Бу амалиётдан акциядорлик суғурта компаниялари истисно эмас. Бошқа томондан суғурта компанияларининг молия бозоридаги фаолияти йўналишлари ўзига хослиги, яъни уч томонламалиги билан ҳам ажралиб туради. Яъни биринчи навбатда акциядорлик жамияти сифатида устав капиталини шакллантириш ва ошириб бориш нуқтаи назаридан акциялар эмиссияси ҳамда қарз капитали жалб қилиш нуқтаи назаридан корпоратив облигациялар эмиссиясини амалга оширади. Иккинчидан эса, молия бозори инструментларига, хусусан давлат қимматли қоғозлари, суғурта компанияларидан ташқари бошқа акциядорлик жамиятларининг акциялари ва корпоратив облигацияларига инвестициялар киритиш орқали даромадлар базасини диверсификациялаш имконига эга. Учинчидан эса суғурта компаниялари молия бозоридаги рискларни суғурталаш бўйича маҳсулотларни амалиётга жорий этади, яъни молия бозоридаги рискларни бошқаришда муҳим институт ҳисобланади. Айнан келтирилган жиҳатлар асосида суғурта компанияларининг молия бозори тараққиётидаги роли юқори эканлигини қайд этиб ўтишимиз лозим.

Лекин мамлакатимизда суғурта компанияларининг имкониятларидан самарали фойдаланиш орқали молия бозорини ривожлантириш борасида эришиш мумкин бўлган натижаларга эришмоқдамиз, дея олмаймиз. Хусусан

суғурта компаниялари эмиссион фаолияти ва фонд бозоридаги фаоллиги етарли даражада эмас. Шунинг фонд бозоридаги рискларни суғурталаш борасида ҳам етарлича маҳсулотлар амалиётга жорий этилмаган. Ивестицион фаолият борасида ҳам депозитлар билан чекланиш ҳолатлари кўпроқ кузатилади.

И.Абдураҳмонов томонидан суғурталовчиларнинг инвестиция фаолиятини ошириш ва унда айнан даромадни диверсифациялаш нуқтаи назаридан молиявий инструментларга, хусусан давлат қимматли қоғозлари, хорижий давлатлар қимматли қоғозлари, депозит сертификатлари, акцияларга инвестицияларга эътибор қаратиш лозим бўлган жиҳатлар хусусида тўхталиб ўтади. Бунда активларни жойлаштиришда қўйилган талаблар, хусусан суғуртадан бошқа бизнес субъекти устав капиталидан иштирок этиш борасидаги чегаралар борасида фикрларини келтирган.

Н.Абдуллаева томонидан суғурта компанияларининг фонд бозоридаги фаолиятини такомиллаштиришга доир тадқиқотларни амалга оширган бўлиб, акцияларни оммавий жойлаштириш амалиётларини суғурталаш, андеррайтернинг акциялар маркетинги хавф-хатарларини комплекс суғурталашга оид янги суғурта маҳсулотини жорий этиш, эмитентнинг инвестор олдидаги жавобгарлигини суғурталаш, устав капиталида давлат улуши мавжуд суғурта компаниялари акция пакетларини бирламчи ва иккиламчи оммавий (IPO, SPO) таклиф этиш орқали хусусийлаштириш, бунда хорижий институционал инвесторларга ҳам сотиш борасидаги ёндашувларга гувоҳ бўлиш мумкин. Бунда шуни қайд этиш керакки, акцияларни бирламчи оммавий жойлаштириш давлат улушини камайтириши мумкин, лекин давлат улуши тўлиқ хусусийлашишига олиб келмайди.

М.Алиқулов томонидан суғурта ташкилотларининг инвестицион фаолиятини такомиллаштириш нуқтаи назаридан қимматли қоғозларга инвестициялар орқали даромадлиликни ошириш масаласи тадқиқ қилинган.

Han Hou ва Su-Yin Cheng банк, ҳаёт суғуртаси ва акциялар бозорининг иқтисодий ўсишга динамик таъсирини тадқиқ қилиб, турли ривожланиш даражасидаги мамлакатларда ҳар учала бозор таъсир кучига эга ва улар умумий ҳолда мамлакатдаги комплекс иқтисодий ўсишга хизмат қилади, деган хулосага келишган.

2021 йил 23 ноябрда янги таҳрирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонунига асосан эса 2022 йил 23 февралдан бошлаб суғурталовчилар, шу жумладан қайта суғурталовчилар акциядорлик жамияти шаклида ташкил этилиши ва фаолият юритиши шартлиги белгиланди. Натижада айнан масъулияти чекланган жамият сифатида фаолият юритиб келган 38 та суғурта компанияси ўз ташкилий-ҳуқуқий шаклларини акциядорлик жамиятига ўзгартирди ва республикамиздаги умумий акциядорлик жамиятлари сони ошиши кузатилди.

Бошқа томондан суғурта компаниялари акцияларининг ҳажми ҳам кескин ошди. Яъни суғурта компаниялари ташкилий-ҳуқуқий шаклини масъулияти чекланган жамиятдан акциядорлик жамиятига ўзгартириши жараёнида акциялар муомалага чиқариши ва жойлаштириши қонуний талаблардан биридир. 2022 йил

1 октябрь ҳолатига Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси маълумотларига кўра мамлакатимизда 44 та суғурта компанияси акциялари ҳисоби депозитарийда юритилмоқда. Аввало, шуни алоҳида таъкидлашимиз лозимки, республикамиздаги суғурта компанияларининг барчаси Тошкент шаҳрида рўйхатдан ўтган. Мамлакатимизда суғурта бозори кескин рақобат асосида ривожланаётганлиги асосида ҳудудларда ҳам суғурта компаниялари фаолиятининг ташкил этилишиши мақсадга мувофиқ. Таҳлиллар кўрсатмоқдаки, 34 та суғурта компанияси томонидан 1,9 триллион сўмлик акциялар ҳисоби Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсида юритилмоқда. Лекин Agro invest sug'urta акциядорлик жамияти фаолияти бўйича энг охирги муҳим факт 2016 йил 5 сентябрда эълон қилинган. Мазкур суғурта компаниясининг регулятор томонидан чақириб олинганлиги боис охирги йилларда суғурта хизмати кўрсатмаган.

Корпоратив ахборотлар ягона порталида Fortuna Insurance акциядорлик жамияти суғурта ташкилоти фаолиятига фақатгина битта муҳим факт эълон қилинган бўлиб, у ҳам 2022 йил 6 апрелдаги 25-муҳим фактдир. Унга кўра суғурта компанияси номинал қиймати 1000 сўм бўлган 15 миллиард сўмлик акциялар муомалага ёпиқ тартибда чиқарилган.

Суғурта компаниялари қонунчилик талаби асосида акциядорлик жамияти айланган бўлсада, уларнинг аксарияти ўз акцияларини ёпиқ тартибда жойлаштиришган. Мазкур ҳолатни янги ташкил этилган акциядорлик жамиятлари учун табиий ҳолат сифатида ҳам баҳолашимиз мумкин. Чунки янги ташкил этилган акциядорлик жамиятлари одатда ўз акцияларини дастлабки ҳолатда ёпиқ обуна тартибида жойлаштирадилар. Шу билан бирга барча акциядорлик жамиятлари каби акциядорлик суғурта компаниялари ҳам мантиқан фонд бозорида юқори категориядаги листингга интилишлари шарт. Бу борада фаолият юритаётган акциядорлик суғурта компанияларидан фақатгина олтитаси Тошкет республика фонд биржасида листингдан ўтган ҳолда фаолият юритиб келмоқда.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, Алском ва Кафолат суғурта компаниялари Стандарт тоифаси асосида листингга қўйилган. Яна тўртта суғурта компанияси акциялари эса Транзит тоифаси асосида листингда мавжуд. Савдога қўйилган акциялар бўйича нисбатан кунлик савдолар мавжудлиги суғурта компаниялари учун ижобий ҳолатдир. Листингдаги суғурта компаниялари акциялари номинал қийматидан ҳам кўриниб турибдики, савдолар номинал қийматдан юқори котировкаларда амалга оширилмоқда.

Бошқа томондан бошқа суғурта компаниялари ҳам бизнес нуфузини ошириб бориш нуктаи назари листингга интилишлари лозим, деб ҳисоблаймиз. Бунга суғурта компанияларида имконият юқори деб ҳисоблайман. Чунки фаолият юритаётган суғурта компанияларининг аксарияти хусусий сектор вакили сифатида фаолият юритмоқда. Саноқли суғурта компанияларигина давлат иштирокидаги суғурта компанияларидир. Бу жиҳат ҳам соҳадаги рақбот муҳитининг ривожланишига хизмат қилган. Шундай шароитда хусусий суғурта

компанияларининг листингга интилиши нафақат молия бозорида, балки миллий иқтисодиётда ҳам бизнеснинг нуфузи ошиб боришига хизмат қилади.

Суғурта соҳасида бевосита давлат аралашуви нисбатан пастлиги, хусусий сектор фаоллиги шароитида суғурта компанияларининг фонд бозоридаги фаоллиги нуқтаи назаридан акцияларни бирламчи оммавий жойлаштиришга чиқариш амалиётларига ҳам эътибор қаратиш лозим. Бундай амалиёт шубҳасиз бозорда ва жамиятда кенг миқёсли танилишга хизмат қилади. Шунингдек, давлат иштирокидаги акциядорлик жамиятларининг акцияларни оммавий жойлаштириш амалиётларига нисбатан хусусий компанияларнинг бундай амалиётлари самараси бир неча баравар юқори бўлишини ҳам шу ўринда қайд этиб ўтишимиз лозим.

Амалга оширилган тадқиқотлар ва таҳлиллар асосида қуйидаги хулосалар шакллантирилди.

Биринчидан, барча суғурталовчиларнинг акциядорлик жамиятига айлантирилиши суғурта компанияларининг фонд бозорида фаоллашувига ижобий таъсир кўрсатади. Чунки мамлакатимизда суғурта бозори соғлом рақобат муҳити мавжуд. Айнан шу жиҳат ҳам суғурта компанияларининг фонд бозоридаги фаоллашувига ижобий таъсир кўрсатади.

Иккинчидан, суғурта компанияларининг фонд бозоридаги фаоллиги акциялар эмиссияси орқали арзон капитал жалб қилиш ва қимматли қоғозларга инвестициялар киритиш орқали даромадни диверсификациялашда яққол намоён бўлади. Шу боисдан мазкур масалада миллий суғурта компаниялари ҳам алоҳида ёндашув асосида ишлашлари лозим.

Учинчидан, бугунги кунда олти нафар суғурта компанияларининг акциялари Тошкент республика фонд биржасида листингдан ўтган. Бу секторда салоҳиятнинг юқорилиги сабабли барча суғурта компаниялари листингга интилиши шарт, деб ҳисоблаймиз. Чунки листинг орқали суғурта компаниялари молия бозорида, умуман бозорда нуфузи ортиб боришига эришишлари мумкин. Мазкур жиҳат суғурта компанияларининг молия бозоридаги муҳим драйверга айланиши хизмат қилади.

Тўртинчидан, хусусий суғурта компаниялари ўз акцияларини бирламчи оммавий жойлаштиришга чиқаришлари орқали бозордаги ва жамиятдаги нуфузини ошириб боришга интилишлари лозим. Бундай амалиёт арзон капитал жалб қилишда ва кенг оммага танилишда муҳим саналади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Абдураҳмонов И. ва бошқ. Суғурта назарияси ва амалиёт. – Т.: "Иқтисод-молия", 2020. – Б. 341.

2. Абдуллаева Н. Суғурта компанияларининг фонд бозоридаги фаолиятини такомиллаштириш. PhD илмий даражасини олиш учун тақдим этилган дисс.автореф. Тошкент, 2022. – 59 б.

3. Аликулов М. Суғурта ташкилотларининг инвестицион фаолиятини такомиллаштириш йўллари. PhD илмий даражасини олиш учун тақдим этилган дисс.автореф. Тошкент, 2022. – 59 б.

4. Han Hou, Su-Yin Cheng. The dynamic effects of banking, life insurance, and stock markets on economic growth. Japan and the World Economy. Volume 41, March 2017, Pages 87-98
5. Ўзбекистон Республикаси “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги ЎРҚ-730-сон Қонуни. 2021 йил 23 ноябрь.
6. www.deponet.uz - Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ҳисоботи
7. https://uzse.uz/isu_infos/

***Кадиров А.*** *- ТАТУ Фарғона филиали, и.ф.ф.д. PhD*

# САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА АВТОМАТЛАШГАН ТИЗИМНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ

Ўзбекистон миллий иқтисодиётида амалга оширилаётган чуқур таркибий ўзгаришлар, жумладан саноат корхоналарининг иқтисодий салоҳиятидан кенгроқ фойдаланиш асосида корхоналар иқтисодий барқарорлигини таъминлаш ва оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мазкур вазифаларнинг самарали ижросини таъминлаш республикамиз кимё саноати корхоналарини иқтисодий барқарорлигини оширишнинг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш ва жорий этишда муҳим масала бўлиб қолмоқда. Иқтисодиётни модренизациялаш ва рақамлаштириш шароитида саноат корхоналарини автоматлаштириш, саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар рақобатдошлигини таъминлаш, улар фаолиятига замонавий ахборот тизимларини жорий этиш орқали корхоналар фаолиятини самарали ташкил этиш вазифаси қўйилмоқда. Саноат конхоналарининг рақобатбардошлигини оширишнинг энг муҳим омили бошқарув сифатини ошириш, шу жумладан, дастурий таъминот тизимлари асосида ишлаб чиқарилган ахборот тизимларидан фойдаланиш ҳисобланади. Бундай ахборот тизимлари корхоналарнинг ишлаб чиқариш (ишлаб чиқариш, логистика, молия, маркетинг) ва уларнинг ўзаро боғликликдаги фаолиятини назорат қилиш имкониятини яратади. Кўпинча саноат корхоналари бутун комплекснинг ишига ижобий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган универсал автоматлаштирилган тизимлардан фойдаланишга ҳаракат қиладилар. Уларнинг асосий афзалликлари шундаки, улар исталган вақтда мутлақо бошқа анжом ва буюмларни ишлаб чиқариш учун қайта мослаштирилиши мумкин, бунинг учун ускунага бошқа дастурни киритиш кифоя қилади. Бу каби автоматлаштирилган тизимлардан фойдаланиш ҳисобига аксарият корхоналар сезиларли даражада иқтисодий ўсишга эришмоқдалар. Ишлаб чиқаришни автоматлаштириш жараёни турли анжомларга ишлов бериш билан шуғулланувчи корхоналарда катта аҳамиятга эга. Бу ерда маҳсулотнинг 50% кичик партияларда ишлаб чиқарилади ва агар саноат корхоналарида автоматлашган тизим бўлмаса, у ҳолда ушбу анжомларни ишлаб чиқаришга иш кунининг 5 фоизига яқин вақт сарфланади. Қолган вақт ускуналарни қайта созлаш ва мослаштиришга, анжомларни ва асбобларни алмаштиришга кетади.

Саноат корхоналарида ишлаб чиқаришнинг бу тарзда фаолият юритиши ҳеч қайси корхонага наф келтирмайди, чунки уларнинг ҳар қайсисининг мақсади ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш ҳисобланади. Буюм ва анжомларни ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштиришдаги яна бир ижобий самара хом-ашё ва материалларнинг анчагина миқдорини тежашга имкон беради, бироқ бу ерда барчаси иш жараёнини тўғри ташкил қилишга боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳам ахборот тизимларидан кенг фойдаланиш бўйича комплекс ёндашувларни ишлаб чиқиш, турли мулк шаклидаги корхоналарнинг бошқарув тизимида улардан самарали фойдаланиш заруратини англатади. Айрим саноат корхоналари томонидан энг арзон анъанавий ва даврий бошқарув тизимларини танлайдилар. Бу эса корхонадаги кўп миқдордаги товарлар ишлаб чиқадиган ва ускуналарни қайта дастурлаш кам талаб қиладиган ҳолатда ўзини оқлайди. Кам миқдордаги маҳсулотларни ишлаб чиқишда осонлик билан қайта дастурлаш мумкин бўлган рақамли ва позицион бошқарув тизимларини ишлатиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Замонавий саноат корхоналарининг кўпчилигида битта корхона доирасида амалга ошадиган технологик ечимларнинг турлилиги ва йўлга қўйилган ўзаро алоқалар ҳамда янги технологияларни жорий қилиш каби ижобий томонлари билан ажралиб турувчи корхоналарнинг ворислари ҳисобланади. Бироқ улар корхонанинг ишлаш самарадорлигига ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг рақобатбардошлигига таъсир қилувчи бир қатор ижобий ва салбий омилларга ҳам эга бўладилар.

Саноат корхоналарида ишлаб чиқаришни компьютерли имитацион моделлаштиришнинг эвристика усуллари, асосан, афзаллик функцияларига эга тарқалиш схемасига асосланган календарь режалаштириш бўйича компьютер технологияларини қўллаш тезкор режаларни шакллантиришни таъминловчи замонавий ечим ҳисобланади. Афзалликларни тоифалаш орқали тарқалиш схемасидан афзаллик функциялари самарадорлигини баҳолаш ва ечимларни топиш учун фойдаланилади. Саноат корхоналарида кенгайтирилган режалаштириш ва ишлаб чиқариш жадвалларини тузиш бўйича APS тизими, ишлаб чиқаришни муфассал режалаштириш ва етказиб беришни режалаштириш қисмида ERP имкониятини кенгайтирувчи таҳлил тоифасидаги махсус дастурий таъминотдан иборат. ERP тизимининг ғояси ва амалий имкониятлари етказиб беришни бошқариш талабларига жавоб бермайди. Сабаби материалларга эҳтиёж ва ишлаб чиқариш қувватлари алоҳида режалаштирилади, қайта режалаштириш бўйича кўплаб тартиботлар қўлланилади, асосан фирмадаги тезкор режалаштириш, шунингдек, ишлаб чиқаришни режалаштириш ва етказиб бериш занжирларини бошқариш модулларининг чекланган таҳлилий имкониятлари қўллаб-қувватланади.

Айтиш мумкинки, APS-тизимларга корхонадаги ахборот муҳити билан ҳамкорликда ва алоҳида ишлаш имконини беради (масалан, ERP – APS – MES кўринишидаги интеграция) ва ишлаб чиқариш режасини якуний истеъмолчилар эҳтиёжларига йўналтиради. Саноат корхоналарида мураккаб вазифаларни ечиш ва автоматлаштирилган бошқариш тизимларининг қўлланилиш соҳасини

кенгайтириш вақтида ишлаб чиқариш жараёнларини тузилмавий ташкил этиш ва формаллаштириш амалиёти ижрочилар жамоасини корхонанинг ягона комплекслашган ахборот тизими концепцияси асосида ягона бошқарувчи ва ахборотлашган жамиятда фаолият кўрсатувчи ягона мувофиқлаштирувчи органга бирлашиши зарурлигини тақозо этади. Ушбу ахборот тизими концепцияси ахборот тизимини тасаввур этишни, унинг мақсадлари, таркиби ва ягона ахборот муҳити доирасида фаолият кўрсатишини ифода этувчи асосий тамойиллар мажмуаси ҳисобланади. Ягона ахборот муҳити эса корхона бўлинмаларининг ахборотли ўзаро алоқасини, шунингдек уларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини таъминловчи маълумотлар, ягона тамойиллар ва умумий қоидалар асосида фаолият кўрсатувчи ахборот-коммуникацион тизимлар ва тармоқлар, уларни юритиш ҳамда улардан фойдаланиш технологиялари мажмуаси ҳисобланади

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, саноат корхоналари фаолияти бошқарувига замонавий ахборот тизимларини татбиқ этгандан сўнг қуйидаги имкониятлар юзага келади:

***биринчидан,*** ички ва ташқи жараёнлар тўғрисидаги муҳим ахборотлар тақдим этилади;

***иккинчидан,*** бўлинмалар ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг тезкорлиги ва самарадорлиги ортади;

***учинчидан,*** корхона ичидаги жараёнларни бошқариш сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқилади;

***тўртинчидан,*** корхона бизнес жараёнларини фаолият кўрсатишининг экспертли баҳоси ва уларга нисбатан тўғриловчи таъсирлар амалга оширилади;

***бешинчидан,*** корхона тараққиёти башорат қилинади ҳамда ишлаб чиқаришга боғлиқ бўлмаган йўқотишлар камайтирилади. Буларнинг натижасида эса корхона фаолиятидан юзага келувчи иқтисодий самарадорлик таъминланади.

***Фойдаланилган адабиётлар:***

1. Абдуллаев М.К. Корпоратив ахборот тизимларини корхоналар бошқарувида самарали жорий қилишнинг ташкилий-иқтисодий жиҳатлари//Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар илмий электрон журнал 2019 йил № 2 март-апрел.

2. Кадиров А.М. Саноат корхоналари иқтисодий барқарорлигини баҳолаш асосида корхона иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш//Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар илмий электрон журнал 2022 йил № 5 сентябр-октябр.

3. Браверман А., Саулин А. Интегральная оценка результативности предприятий//Вопросы экономики, 1998, №6.

4. Веревченко А.П., Горчаков В.В., Иванов И.В. и др. Информационные ресурсы для принятия решений. М.: Издательство: Академический проект - 2002. – 560 с

5. Кадиров А.М. Саноат корхоналарининг иқтисодий барқарорлигини таъминлашда контроллинг тизими самарадорлигини баҳолаш//Иқтисодиёт ва таълим. 2021 йил № 3 -152 б.

6. Кутыркин С.Б., Волчков С.А., Балахонова И.В. Повышение качества предприятия с помощью информационных систем класса ERP// Методы менеджмента качества, 2000, №3.

***Исаков А.** – ОБМ, тингловчи*

## ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИҲАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ БОРАСИДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ МОНИТОРИНГ ҚИЛИШ

Тижорат банклари ўз фаолиятини доимий равишда ўсиб борувчи рақобат шароитида амалга оширадилар. Улар ўзаро ва бошқа кредит-молия муассасалари билан, шу жумладан, охирги вақтда таклиф этилаётган ҳар хил хизмат турларини амалга оширувчи хорижий банклар билан рақобатлашадилар.

Кучли рақобат шароитида тижорат банклари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири инвестицион фаолият ҳисобланади.

Инвестиция – бу хусусий, давлат корхоналари ва ташкилотлари қимматли қоғозларига узоқ муддатга қўйилган маблағлардир. Тижорат банклари кредити инвестициясидан қуйидаги хусусиятлари билан фарқ қилади:

Банк кредит берганда, банк маблағларини нисбатан қисқа вақт ичида фойдаланишга беради ва кредит суммаси ҳамда у бўйича фоиз ставкасини ўз вақтида қайтаришни талаб қилади. Инвестицияда эса қўйилган маблағлар (қўйилмалар) ҳали ўз эгасига қайтиб келишидан олдин узоқ давр мабайнида банкка маблағ (даромад) олиб келишини билдиради.

Банк кредитида кредит муносабатларини юзага келтириш бўйича ташаббус қарз олувчи томонидан ўртага ташланадиган бўлса, инвестицияда эса қимматбаҳо қоғозлар бозорида активларни сотиб олишга интилувчи тижорат банки ташаббус кўрсатади.

Кредит шартномасида банк кам миқдордаги кредиторлар орасида асосийдир. Инвестицион шартномаларда эса тижорат банки кўплаб кредиторлардан биридир.

Банк кредитида банк ва қарз олувчи бевосита кредит шартнома орқали боғланган бўлиб, уларнинг фаолиятига ҳеч ким аралашмайди. Инвестицияда эса турли хил қимматли қоғозлар орқали корхона, ташкилотларнинг фаолияти билан банкнинг фаолияти боғланиб кетади.

Тижорат банклари томонидан инвестицион фаолият олиб боришдан асосий мақсад уларнинг даромадлилиги ва ликвидлилигини (банкнинг мажбуриятларини ўз вақтида бажара олиш қобилияти) таъминлашдан иборат.

Тижорат банклари инвестицион фаолиятининг даромадлилик даражасига бир қатор иқтисодий ва ташкилий омиллар таъсир кўрсатади. Бу омиллар орасида асосийлари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин. Булар:

– давлатнинг барқарор ривожланувчи иқтисодиёти;

– товар ишлаб чиқариш ва хизмат соҳасидаги турли мулкчилик шаклларининг мавжудлиги, шу жумладан, банк фаолиятида хусусий ва акционер мулк шаклларининг устуворлиги;

– хом ашё базасини кенгайтириш ва уни қайта ишлашни чуқурлаштириш, юқори қўшилган қийматли рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш, иқтисодиёт тармоқларига тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва юқори технологияларни кенг жалб қилиш, инвестиция лойиҳаларининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини таъминлаш;

– кредит ва молия тизимининг силлиқланган ва аниқ фаолият юритувчи структурасининг мавжудлиги;

– қимматли қоғозлар бозорининг замонавий ва ривожланган муассасаларининг мавжудлиги;

– қимматли қоғозларни муамолага чиқариш ва қимматли қоғозлар бозори қатнашчилари фаолиятини назорат этувчи қонуний актлар ва тартибларнинг мавжудлиги;

– тижорат банкларининг халқаро инвестицион фаолиятини юритиш амалиётида бўлган юқори сифатли қимматли қоғозлар муомаласининг амал қилиши;

– инвестицион фаолият соҳаси ва қимматли қоғозлар бозори учун мўлжалланган юқори малакали мутахассислар ва тадбиркорларнинг мавжудлиги, уларни тайёрлаш ва бошқалар.

Алоҳида олинган қимматли қоғозлар турлари ва гуруҳларининг даромадлилиги банклар инвестиция портфелининг бозор баҳосига боғлиқ бўлади. Ўз навбатида, қуйидаги омиллар таъсирида ўзгариб туради. Булар: облигацияларнинг фоиз ставкалари, ҳисобга олинган фоизлар, векселлар бўйича фоизлар, акция бўйича девидендлар ва қимматли қоғозларга бўлган талаб ва таклифлардир.

Одатда, жаҳон амалиётида тижорат банклари ўз инвестиция сиёсатини ишлаб чиқариш ва амалга ошириш учун бошқариш структурасида махсус инвестиция бўлимларини ташкил қилишади. Бўлимдаги ходимлар сони бир қатор омилларга боғлиқ бўлиши мумкин. Булар: қимматли қоғозлар портфели катталиги, бўлим томонидан қимматли қоғозларни сотиш ва сотиб олиш бўйича бажариладиган функцияларга, банкнинг мижозларига кўрсатадиган хизматларга, қимматли қоғозлар тури ва сифатига ва бошқаларга боғлиқ бўлади. Бўлим ишчиларининг малакаси қанчалик юқори бўлса, улар бажараётган вазифа, ишнинг сифати ҳам, шунчалик юқори бўлади. Мутахассислар инвестиция дастурида кўзланган мақсад ва вазифаларни яхши тушунишлари, инвестиция хизматлари бўйича маълумотларга эга бўлишлари, молиявий-иқтисодий маълумотлардан хабардор бўлишлари, қимматли қоғозлар бозорини мустақил таҳлил қила олишлари, қайси қимматли қоғоз турлари банкка тўғри келиши ёки келмаслигини аниқлашлари, даромадлилик эгри чизиқларининг кўра олишлари, бу билан инвестиция фаолиятини бошқаришни таъминлашлари лозим.

Глобализация шароитида ишлаб чиқаришнинг пасайиши ва ундан иқтисодий ўсишга ўтиш шароитида инвестициялар мазмуни ва таркибий шаклларини таҳлил қилиш, ундан самарали фойдаланиш муаммоларини ўрганиш, илмий-назарий ва амалий аҳамиятга ҳам эгадир. Ялпи инвестициянинг таркибий қисмлари бўлиб қуйидагилар киради:

1) Қурилиш, биноларга инвестициялар;

2) Инвестицион товарларга инвестициялар;

3) Моддий айланма маблағлари захираларига инвестициялар.

Ялпи инвестициядаги соф инвестициянинг миқдори ялпи инвестициядан истеъмол қилинган асосий капитал қиймати айирмасига тенг. Соф инвестициянинг умумий миқдори асосий капитал қийматининг ўсиши ва моддий айланма маблағлари захираларининг ўсиши шаклида намоён бўлади.

Айланма маблағлар олдинги даврга нисбатан камайганида соф инвестициялар фақат асосий капиталлар қийматининг ўсишида моддийлашади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида” 2005 йил 2 августдаги 180-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2021-2023 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 28 декабрдаги ПҚ-4937- сонли қарори.

***Матекеев А.А.** – ҚДУ, мустақил изланувчи*

## МАЛАКАТИМИЗДА ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА РИВОЖЛАНГАН ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИНИ ЎРГАНИШ

Эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш ва улар фаолиятинги тартибга солиш бўйича жаҳон тажрибасини ўрганиш, эркин иқтисодий зоналарда инвестициявий фаолиятнинг муваффақият ва муваффақиятсизлиги сабабларини аниқлашнинг муҳим омили бўлиши мумкин.

Махсус иқтисодий зоналар инвестицион фаолллигини оширишда жаҳон иқтисодиётида турлича шаклланганини кўрамиз. Бундан ташқари, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва стратегик аҳамиятга молиқ бўлган йўналишларни амалга ошириш учун алоҳида лойиҳалар асосида тижорат фаолиятини амалга оширишга ихтисослашган эркин ёки махсус иқтисодий зоналар вужудга келмоқда.

Саноат ривожланган давлатлар ҳудудида фаолият кўрсатувчи эркин иқтисодий зоналар тажрибаси шуни кўрсатадики, эркин иқтисодий зоналар муваффақияти асосида қуйидаги икки асос: эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш жараёнида уларни мукаммал инвестициявий режалаштириш ва эркин иқтисодий зоналар бошқаруви, хусусан корпоратив бошқарув муносабатларини ташкил этишда инвесторлар манфаати устуворлиги принципидан келиб чиқиб амалга оширилган оқилона сиёсат кабилар ётади.

Жаҳон хўжалигида ўзгариб бораётган ҳолатлар (илмий-техник инқилоблар, трансмиллий корпорациялар ўртасидаги рақобат, валюта курсларининг ўзгариши, халқаро валюта алмашинув тизимларидаги ўзгаришлар) эркин иқтисодий зоналардан ушбу ўзгаришларга тез мослашувни талаб қилади.

Эркин иқтисодий зоналарда қулай инвестициявий муҳит ташкил этишда ижтимоий-иқтисодий манфаатлар салмоқли ҳиссани ташкил этади. Эркин иқтисодий зоналар ҳудудига инвестицияларнинг кириб келиши янги иш ўринларини яратиш, ташқи товар алмашинув муносабатларини жонланишига сабаб бўлади. Илмий-техник потенциал ошишига кўмаклашади.

Ривожланган давлатлар ҳудудида ташкил этилган эркин иқтисодий зоналарда асосан экспорт-импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришга интилиш мавжуд бўлади. Ривожланаётган давлатларда эса асосан экспорт мақсадида товарлар ишлаб чиқилади. Ушбу давлатлар асосан унинг воситасида валюта тушумини кўпайтиришни мақсад қиладилар.

Япония. Жаҳоннинг иқтисодий жиҳатдан иккинчи гигант давлати кўп жиҳатдан ўзига хосликка эга, шу жумладан, бу давлат зонал сиёсат масаласида ҳам нисбатан ўзига хос томонларга эга бўлиб, у қуйидаги мезонлар тизимига таянади:

-регионларнинг чекланган ер ресурсларидан иложи борича самарали фойдаланиш;

-табиий ресурсларнинг нисбатан камбағаллигини ҳисобга олиш;

-маҳаллий ва марказий маъмурият манфаатларини мослаштириш;

-йирик шаҳарларда аҳолининг ва саноат ишлаб чиқаришнинг ҳаддан ташқари концентрациялашувини кучсизлантириш.

Япония ҳукумати ҳам зонал сиёсат олиб борар экан, ЭИҲлардан иқтисодиётни жонлантириш усули сифатида кенг фойдаланади. Мамлакат миллий масштабда регионларни ривожлантиришни режалаштиришнинг ўзига хос усулларига эга. Давлат томонидан режалаштириш ўз ичига ривожланиш режасининг умумий ҳамда алоҳида вазирликларнинг қўшма тадбиркорликни турли усуллари бўлган ҳудудларни ривожлантириш режаларини олади. Японияда эркин импорт ҳудудлари номини олган ЭИҲлар кенг тарқалган. Бундай ҳудуд “импортни ривожлантириш ва инвестицияларни жалб қилиш ҳисобида ривожланиш мақсадида қонунчиликда алоҳида чоралар”ни ўз ичига олади. Бунга Тоттари префектурасида жойлашган “Сакаиминато" ҳудуди яққол мисол бўла олади. Бу ҳудуднинг ўзига хослиги шундан иборатки, унинг режаси икки префектура (Тоттари ва Симанэ) мутахассислари томонидан тайёрланган ва биргаликда бошқарилади ва у Сакаи портини такомиллаштиришга қаратилган. Ушбу эркин импорт ҳудудини ривожлантириш режаси қуйидаги чораларни ўз ичига олади:

1.Сакаи портини ғарбий Японияниннг дўстлик ва халқаро ҳамкорлик дарвозасига айлантириш;

2. Информация соҳаси самарали товар айирбошлаш орқали маҳаллий саноатни ривожлантириш;

3. Савдо ва индустрияни ривожлантириш орқали халқаро алоқаларни чуқурлаштириш.

Ушбу ҳудудда тадбиркорликка кўмаклашиш, импорт юклар миқдорини ошириш учун қуйидаги имтиёзлар берилган:

кичик бизнес билан ишловчи япон банклари ва кўмаклашув жамғармаларига фоизлар масаласида имтиёзлар берилган;

импорт юкларини жойлаштириш билан шуғулланувчи тадбиркорларга фойда ва кўчмас мулкдан кўриладиган даромаддан солиқ олишда имтиёзлар берилган;

савдо ва транспорт корхоналари учун ускуналарни етказиб берувчиларга ҳақ тўлашда имтиёзлар берилган;

қайта ишлаш саноати, улгуржи савдо ва транспорт корхоналари ер солиғидан озод қилинган;

кичик корхоналарга имтиёзли суғурталаш имкони берилган;

ярмаркалар ўтказиш, импорт масалаларида маслаҳатлар бериш, ташқи савдони ривожлантириш бўйича маълумот олиш бепул йўлга қўйилган.

Японияда эркин савдо ҳудудлари ёки импортни ривожлантириш ҳудудлари ЭИҲларнинг ўзига хос шаклидир. Улар денгиз ва ҳаво портларида ташкил этилади, Бу ҳудудларни тузишдан мақсад:

бу портларда регион миқёсида товарларнинг йиғилиши оқибатида япон иқтисодиётининг бутун соҳаларидаги муомала харажатларни оптималлаштиришдан иборатдир;

хорижий инвестицияларнинг ўсиб кетаётган шароитда мамлакатда саноат базаларини «ювилиб кетиш» жараёнини секинлаштиришдан иборат;

қўшни Осиё мамлакатлари билан меҳнат тақсимотини кенгайишига кўмаклашишдан иборат;

тартибга солишнинг янги усулларини синашнинг ўзига хос «полигонларини» яратишдан иборат.

1999 йилда Японияда 22 та импорт ҳудудлари мавжуд эди. Бу ҳудудлар шаҳар ёки префектнинг маҳаллий ҳокимиятига бўйсунади. Давлат органлари бу ҳудудларга жуда катта эътибор беради. Улар ҳудудни муваффақиятли ишлаши учун ҳар хил имтиёзлар беради ва қўллаб - қувватлайди. Одатда, қуйидаги имтиёзлар берилади:

1. Импорт қилинадиган товарларни ишловчи фирмаларга ёрдам, масалан, фоизи 3% дан кам бўлган қарзларни бериш,

2. Эркин савдо ҳудудлари учун импорт масалалари, кўргазмалар ўтказиш, бизнес-конференциялар ташкил этиш бўйича маслаҳатлар берувчи маълумот марказини ташкил этиш;

3. Божхона қонунчилигига махсус қўшимчалар киритиш йўли билан ҳудуддаги фирмаларга соддалашган божхона тизимини яратиш;

4. Кичик бизнес учун кредитни суғурталашда махсус шароитларни яратиш.

Буюк Британия. XX асрнинг саксонинчи йилларида Буюк Британиянинг консерваторлар ҳукумати мамлакат регионларидаги муаммоларни ва умуман, четлардаги аҳволни таҳлил қилиб регионал сиёсатда олдинги даврдагидан

тубдан фарқ қилувчи қарорни қабул қилди. Бу жаҳон амалиётини бойитди ва жаҳон ҳамжиҳатига янгича ёндашувни намойиш этди. Бу қарор эса замонавий тадбиркорлик ҳудудларни яратиш тўғрисидаги қарор эди ва у Буюк Британия ҳукуматининг янги регионал сиёсатида энг муҳим жиҳат эди. Бу регионал сиёсат бўйича мамлакатнинг тараққиёт бўйича ноқулай регионларини ривожлантиришни рағбатлантириш зарур эди, бу регионлардан инвестицияни чиқиб кетишини тўхтатиш керак эди, потенциал жиҳатдан ривожланаётган мамлакатларга кўчириш фойдали бўлган иш жойларини шу регионда сақлаб қолишдан иборат эди.

Буюк Британияда янги регионал сиёсатни ҳаётга татбиқ этиш учун махсус иқтисодий механизм ишлаб чиқилган ва амалга татбиқ килинган эди. Бу механизм тадбиркорлик ҳудудида ҳаракатда бўлган кўчмас мулкни ва янги қуриладиган корхонани мулк солиғидан озод қилди. Бундан ташқари, янги корхонани яратиш ва рўйхатга олиш билан боғлиқ бўлган бюрократик оворагарчиликлар ва тўсиқлар минимумга келтирилди. Муниципиал ерни хусусий мулк қилиб сотишда имтиёзлар бериш ҳамда бино ва иншоотлар қуриш қоидаларини либераллаштиришга қарор қабул қилинди.

Буюк Британиядаги тадбиркорлик ҳудудлари географияси жуда кенгдир. Улар эски Англия шаҳарларининг муаммолари туфайли пайдо бўлган. Бундай ҳудудларни ташкил этиш ташаббуси, одатда қуйидан чиқади. Чунки маҳаллий ўз ўзини бошқариш органлари иқтисодий ривожланиш муаммолари ва ижтимоий тартибсизликлар билан биринчи бўлиб тўқнаш келадилар.

Тажриба шуни кўрстатадики, шаҳарларнинг ички кварталлари кичик бизнеснинг туғилиши марказлари ҳисобланади, улар эса ўз навбатида фаолиятларига давлат томонидан аралашувни ёқтирмайдилар ва кўтара ҳам олмайдилар. Маргарет Тетчер премьер-министр бўлган даврда кичик бизнесга ҳукумат катта эътиборни қаратган эди. У кичик бизнес масалалари билан шуғулланишни тўлиқлигига маҳаллий ҳукумат органларига берди, улар эса ўз навбатида кичик фирмаларининг активлигини рағбатлантира олишди. Бунга тадбиркорлик ҳудудлари ёрдам беришди. Маҳаллий ҳукуматлар тадбиркорлик ҳудудларини ташкил этиб, шаҳарнинг ташландиқ маҳаллаларини саноат ва тижорат жиҳатдан янгилаш ва хусусий тадбиркорлар, чакана савдо ходимлари билан биргаликда тижорат ва саноат жиҳатдан янгиланишни қўллаб - қувватладилар. Саноат, тижорат, савдо бинолари мулк солиғидан озод қилинади, бу маблағларни эса маҳаллий ҳукумат учун давлатнинг марказий бюджетидан қопланади. Бино ва ускуналарга 100 фоизли йиллик амортизацияга рухсат берилади. Ҳудудда тадбиркорлик билан шуғулланишга рухсат олишнинг содда муолажаси жорий этилади.

Шуни таъкидлаш керакки, Буюк Британияда тадбиркорлик ҳудудларини яратиш ушбу регионлардан инвестицияни чиқиб кетишини тўхтибгина қолмай, балки янги иш жойларни яратишга кўмаклашди. Кейинчалик тадбиркорлик ҳудудлари АҚШга тарқалди. АҚШ ҳукумати Буюк Британия тажрибасини қўллаб, депрессив район ва шаҳарлардаги маҳаллий ҳукуматларга тадбиркорлик ҳудудлар яратишни таклиф этди. Ҳар хил имтиёзлар бериш билан “ишчан

муҳит” ни яратиш мақсади қўйилди. Буюк Британия, кейин эса АҚШдаги муваффақиятли тажриба Европа Иттифоқининг кўп давлатларида қўлланилди.

Ривожланаётган давлатлар ҳудудида асосан экспорт ишлаб чиқариш зоналари шаклида эркин иқтисодий зоналар ташкил этилади. Экспорт ишлаб чиқариш зоналарини ташкил этилишидан иқтисодий мақсад – хорижий капитални жалб қилиш, саноат эҳтиёжларини қондириш, экспортга мўлжалланган саноат товарлари ишлаб чиқиш, илм-фан ва технологияни ривожлантириш, замонавий илм-фан ютуқларига эга бўлиш кабилардир.

Ривожланаётган давлат ҳудудида ташкил этилган эркин иқтисодий зоналарда яратилган хўжалик фаолиятини амалга оширишнинг имтиёзли шакли хорижий тадбиркорлар учун имтиёзли ва либерал аҳамиятга эга.

Хорижий давлатларнинг эркин иқтисодий зоналар фаолияти самарадорлигини оширишга доир тажрибасини таҳлил қилиш асосида Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатувчи эркин иқтисодий зоналар фаолиятини ривожлантиришда қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

хорижий валютани эркин иқтисодий зона ҳудудига импорт қилиш шаклида инвестициялашни амалга оширадиган норезидентларнинг мазкур инвестициялардан олган даромадларини хорижий давлат ҳудудига ўтказиш фаолиятига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Ҳукумат кафолатлари тақдим қилиниши керак. Бу норезидент субъектларнинг эркин иқтисодий зона ҳудудидаги инвестициявий фаоллигини оширади;

эркин иқтисодий зоналар ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга оширадиган хорижий мутахасисларнинг даромадларини солиқлардан озод қилиш. Бу эркин иқтисодий зоналар ҳудудига малакали хорижий мутахассислар кириб келишини рағбатлантиради;

эркин иқтисодий зоналарга олиб кирилаётган ва экспорт мақсадида олиб чиқиб кетилаётган товарларни божхона органлари томонидан расмийлаштириш, божхона юк декларациясини тўлдириш процедураларини максимал даражада соддалаштириш.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар деганда акцияларининг (улушлари, пайларининг) ёки устав жамғармасининг камида ўттиз фоизини чет эл инвестициялари ташкил этадиган корхоналар тушунилади. Улар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига зид келмайдиган ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклларда фаолият кўрсатадилар. Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона уни таъсис этиш йўли билан ёки илгари чет эл инвестициялари иштирокисиз таъсис этилган корхонада иштирок этиш улушини (пайини, акцияларини) ёхуд бундай корхонани бутунлай, шу жумладан хусусийлаштириш жараёнида чет эллик инвестор томонидан сотиб олиниши натижасида ташкил этилиши мумкин.

**Адабиётлар рўйҳати:**

1. Рау А. Лисаковская специальная в глобальной сети экономических зон // Каржы - Каражат. - 1998. № 9. С. 51-55

2. Ж.Умирзоқов. Махсус иқтисодий зоналарда инвестицион фаолликни ошириш истиқболлари. 08.00.07 – «Молия, пул муомаласи ва кредит» иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси автореферати. Тошкент 2022 йил, 12 бет.
3. Тимонина И.Л. Япония: опыт регионального развития. М.: Наука, 1992.
4. Друзик С.Я. Свободные экономические зоны в системе мирового хозяйства: учебетлар. Пособие. Мн.: «ФУА.информ», 2000. С. 368.
5. Ивченко В.В., Самойлова Л.БЕТЛАР. Свободные экономические зоны в зарубежных С.анах и России. Учебное пособие. Калининград: Янтарный сказ. 1999. - 167С.
6. Данько Т., Окрут З. Свободные экономические зоны в мировом хозяйстве: Учебетлар. Пособие /Российская экономическая академия им. .В.Плеханова. М.: Инфра-М., С.1998. 168

***Захидова З.Х.*** *- ТДИУ, мустақил изланувчи*

## БАНК КРЕДИТЛАРИ ОРҚАЛИ ЭКСПОРТЁР КОРХОНАЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Ўзбекистонда иқтисодиётни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш йўлидаги изчил ҳаракатларни кучайтириш, уларни янги, янада юқори босқичга кўтариш устивор вазифа қилиб белгиланган. Бу вазифаларнинг ижросини сўзсиз таъминлаш провардида ватанимиз тараққиётини янада юксалтириш ва халқимиз фаровонлигини оширишга қаратилган бўлиб, бунда ҳал қилувчи омил сифатида кичик бизнес субъектларининг экспорт салохиятини ошириш ва уларнинг молиявий ҳолатини мустаҳкамлашда тижорат банкларнинг ролини ошириш муҳим ахамият касб этмоқда. Ҳар бир давлатнинг экспорт салоҳиятини ўсиши унинг иқтисодий ривожланиши банк тизимидаги молиявий барқарорлик билан узвий боғлиқ экани ривожланган давлатлар тажрибасидан яхши маълум. Чунки, иқтисодиёт тармоқларини таркибий қайта қуриш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, янги корхоналар барпо этиш, кичик бизнес субъектларини ривожлантириш ва хорижий инвестицияларни жалб қилишда банклар муҳим ўрин тутади.

Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес субъектларини экспорт салоҳиятини ривожлантириш учун тижорат банклари томонидан ажратилган инвестицион кредитларнинг салмоғи 12,2 трлн.сўмни ташкил қилиб, бу кўрсаткич умумий берилган кредитларнинг 13,2 фоизни ташкил қилмоқда. Худди шу кўрсаткичлар АҚШда 32.5 фоиз, Германияда 41,5 фоиз ва Хитойда 15,3 фоизни ташкил қилади. Ушбу кўрсаткичлардан кўриниб турибдики Республикамизда корхоналар экспортини ривожлантириш учун ажратилаётган инвестицион кредитлар салмоғини камида икки уч баробарга кўтариш зарур.

Замонавий иқтисодий муносабатларга жаҳон бозорида рақобат тобора кучайиб бораётган бугунги кунда иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини тубдан ошириш, экспортга маҳсулот ишлаб чиқарувчи кичик бизнес субъектларини ҳар

томонлама қўллаб-кувватлашни кучайтириш, фермер хўжаликлари ва тадбиркорлик субъектларининг ташқи бозордаги амалий иштирокини таъминлаш, уларга қулай шароит яратиш муҳим аҳамиятга эга. Бинобарин, ҳукуматимиз томонидан экспортчи кичик бизнес субъектларининг катта-кичиклигидан қатъий назар, уларнинг ташқи бозор учун янги маҳсулот ишлаб чиқаришини рағбатлантириш чоралари кўриб келинмоқда. Бугунги кунга келиб кичик бизнес субъектларининг экспорт салоҳиятини мустаҳкамлашда тижорат банкларинng кредитлаш фаоллигининг самарадорлигини ошириш давлат учун муҳим устувор вазифага айланмаса – бундай давлат жаҳон тараққиёти йўлидан четда қолиб кетиши муқаррардир.

Экспорт операцияларига узоқ муддатли кредитлар ажратиш ва экспорт рискларини диверсификациялашда экспорт-импорт банклари ҳамда экспортни кредитловчи агентликлар роли катта аҳамиятга эга. 2020 йил якунларига кўра, Берн Иттифоқи ва Прага Клуби (Uzbekinvest аъзо) аъзолари экспорт операцияларини кредитлаш ҳамда суғурталаш учун мос равишда 1,84 трлн. ва 30,85 млрд. АҚШ доллари миқдорида маблағлар тақдим этган. Бу кўрсаткич 2018 йилда бутун жаҳон экспортининг қарийб 11фоизини ташкил этди. Кўриниб турибдики, экспорт операцияларида экспортни кредитловчи агентликлар роли ошиб бормоқда. Сўнги йилларда жаҳон мамлакатлари экспортларида қўшилган қиймати юқори маҳсулотлар ва юқори технологиялар улушини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

**1-жадвал**

**Хорижий давлатларда кичик бизнес субъектлари учун экспорт импорт банклари томонидан ажратиладиган кредитлар**

| | **Қисқа муддатли** | **Ўрта ва узоқ муддатли** | **Суғурталаш** |
|---|---|---|---|
| **Хитой экспорт импорт банки** | ➢ Қисқа муддатли экспорт операцияларига кредитлар ажратиш.<br>➢ Экспорт товарлари ва хизматлари учун ўз вақтида тўланмаган экспортёрлар учун | ➢ Хитой экспортёрлари учун кредит<br>➢ Хитойдан импортёрлар учун кредит | ➢ Рискларни турларига кўра суғурталаш<br>➢ Сиёсий ва тижорат рискларини суғурталаш<br>➢ Форс-можор ҳолатларини суғурталаш |
| **Ҳиндистон экспорт импорт банки** | ➢ Маҳсулот ва хизматларни жўнатишгача/ жўнатгандан сўнг кредитлар<br>➢ Хомашё импорт қилувчиларни кредитлаш | ➢ Ҳиндистон экспортёрлари учун кредитлар<br>➢ Ҳиндистондан импортёрлар учун кредит<br>➢ Кредит линиялари | ➢ Сиёсий ва тижорат рискларини суғурталаш<br>➢ Форс-можор ҳолатларини суғурталаш |
| **Вьетнам экспорт импорт банки** | ➢ Маҳсулот ва хизматларни жўнатишгача/ жўнатгандан сўнг кредитлар<br>➢ Хомашё импорт қилувчиларни кредитлаш | ➢ Ҳиндистон экспортёрлари учун кредитлар<br>➢ Ҳиндистондан импортёрлар учун кредитлар | ➢ Сиёсий ва тижорат рискларини суғурталаш<br>➢ Форс-можор ҳолатларини суғурталаш |

***Манба:* *www.sinosure.com.cn*, *www.eximbankindia*, *www.eximbank.com.vn* маълумотларидан фойдаланган ҳолда муаллиф томонидан тузилган**

Экспорт-импорт операцияларига тақдим этиладиган кредитлар Берн Иттифоқи томонидан қуйидаги асосий 3 та таснифга ажратилади:

– Қисқа муддатли экспорт кредитлари;

– Ўрта ва узоқ муддатли экспорт кредитлари;

– Экспорт операцияларини суғурталаш.

Бундан ташқари, қисқа муддатли кредитлар кичик бизнес субъектларига ҳам берилади. Чунки экспорт-импорт билан шуғулланувчи кичик бизнес субъектлари катта корхоналарга қараганда ишчи капиталига тезроқ муҳтожлик сезади. Уларда ишчи капитали етишмовчилиги муаммосини ҳал этиш учун эксим банклар кредитлар тақдим этади. Эксим банклар экспорт-импорт операцияларини риск турларига кўра суғурталайди. Бу рисклар сиёсий, тижорий ва иқтисодий бўлиши мумкин. Статистик маълумотларга кўра, жаҳон бўйлаб энг кўп миқдорда сиёсий рисклар суғурталанади. (1-жадвал).

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, юртимизда кўплаб ушбу йўналишда ижобий ишлар қилинаётганлиги ва эркин иқтисодий ҳудудлар ташкил этилаётганини инобатга олсак қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш зарур деб ҳисоблаймиз:

1. Нафақат нисбий устунликка эга соҳаларга, балки эркин иқтисодий ҳудудларда ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматлар экспортига ҳам кредитлар ажратиш лозим деб ҳисоблаймиз. Чунки бундай механизмдан Хитой, Ҳиндистон ва Вьетнамда кенг фойдаланилади.

2. Хомашё импорт қилувчиларга кредитлар тақдим қилишни жорий этиш мақсадга мувофиқдир. Бундай ҳолатда мамлакат ҳудудида қайта ишлаб чиқариш саноати ривожланади. Шунингдек, рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлашга иштиёқ ортиб, импорт ўрнини босувчи тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Мазкур мехазм Хитой ва Ҳиндистонда яхши самара бермоқда.

3. Ўзбекистон кичик бизнес субъектлари экспортёрларига узоқ муддатли кредитлар тақдим этиш ва суғурта хизматларини кўрсатиш – мамлакат экспортида юқори технологиялар улушини оширишга хизмат қилиши мумкин. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодиётимизнинг диверсификация даражаси янада ошишини таъминлайди.

4. Миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг ҳудудий дастурлари самарасини ошириш, уни доимий мониторинг қилиш, кичик бизнес субъектларининг экспорт жозибадорлигини оширишга қаратилган “Ҳудудларда иқтисодий ривожлантириш” концепциясини ишлаб чиқиш зарур деб ҳисоблаймиз.

**Фойдаланган адабиётлар рўйхати.**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банк маълумотлари www.cbu.uz
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон. https://lex.uz/docs/5841063.
3. Altowaim S. 2016. Financial development and export diversification in resource-rich developing countries. Department of Economics, University of Glasgow.
4. Beck, T. (2002). Financial development and international trade: is there a link?. Journal of international Economics, 57(1), 107-131.
5. Rajan, R. and Zingales, L.,1998, Financial dependence and growth, American Economic Review 88(3). pp.559-586.

6. Mazzucato, M. (2013). “Fanancing innovation: creative destruction vs. destructive creation”. In: Industrial and Corporate Change 22.4, pp.851-867
7. Экспортнинг технологик даражаси қуйидагича таснифланади: хомашё, паст технологияли, ўрта технологияли, юқори технологияли ва ресурс сиғимли экспорт маҳсулотлари. Тўлиқроқ маълумот учун: Lall, S.2000. The technological structure and performance of developing country manufactured exports, 1985-98. Oxford Development Studies, 28(3), 337-369.

***Жоллыбеков В.Б.*** *- Қорақалпоғистон ҚХАИ, мустақил изланувчи*

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДАГИ АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ АМАЛИЁТИДА ГАРОВ ТАЪМИНОТИНИ БАҲОЛАШ МЕХАНИЗМЛАРИ

Иқтисодиётнинг аграр секторидаги таркибий ўзгаришлар ва қишлоқ хўжалиги соҳасида техника ва технологияларни ривожлантириш, қишлоқ хўжалигидаги ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳамда моддий техника базасини мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида қишлоқ хўжалиги корхоналарининг молиявий барқарорлиги таъминланмоқда. Қишлоқ хўжалиги соҳасида машинасозлик корхоналари фаолиятини бошқаришни янада такомиллаштириш, уларнинг самарадорлиги ва рентабеллигини ошириш, ушбу йўналишда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, агросаноат комплекси учун замонавий, унумдорлиги юқори, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош техника ва ускуналар ишлаб чиқаришни ташкил этишга қаратилган ягона техника ва технология сиёсатини амалга ошириш ҳамда уларни молиялаштириш учун тижорат банк кредитлари асосий ролни бажаради, амалда тижорат банк кредитлари гаров таъминоти сифатида асосан кўчмас мулк, кўчар мулк, молиявий актив, интеллектуал мулк кабиларни баҳолаш ҳам умумий, ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Шундан келиб чиққан ҳолда қишлоқ хўжалиги соҳасида техника ва технологияларни молиялаштиришда тижорат банк кредитлари кенг фойдаланилмоқда, ушбу кредитларни таъминоти мақсадида гаров сифатида баҳолаш амалиётлари ҳам ўзаро фарқ қилувчи механизмларга эга ҳисобланади. Юқоридагилар асосида қуйида тижорат банк кредит мақсадларида қишлоқ хўжалигида бўлғуси ҳосилларни гаров сифатида баҳолаш хусусидаги механизмларига тўхталиб ўтамиз.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида техника ва технологияларни молиялаштиришда, тижорат банклари ажратилган кредитларни муддатида қайтарилишига ва муаммоли кредитларни имкон қадар камайтиришга ҳаракат қилиши зарур. Чунки тижорат банклари кредитларни ўз маблағларидан эмас, балки ўз кредиторларининг, яъни омонатчилари ва бошқа манфаатдор томонларнинг маблағлари ҳисобидан кредит ажратади. Шу сабабли, тижорат банклари ўз кредиторлари олдидаги мажбуриятларини ўз вақтида ижро этиши

кутилаётган рискларни қанчалик даражада муваффақиятли баҳолашига боғлиқ бўлади.

2021 йилда иқтисодиётда кузатилган мураккаб шароитларга қарамай, тижорат банклари томонидан хўжалик юритувчи субъектларга ажратилган кредит қўйилмалари қолдиғи йил бошига нисбатан 34,3 фоизга ёки мамлакат ЯИМ номинал ўсишига нисбатан 2,5 баробар юқори суръатларда ўсиб, 2021 йил 1 январь ҳолатига 280,4 трлн. сўмга етди. Хусусан, юридик шахсларга ажратилган кредит қўйилмалари қолдиғи 1,3 баробарга ёки 56,7 трлн. сўмга (жами 222,5 трлн. сўм), жисмоний шахсларга ажратилган кредит қўйилмалари эса қарийб 1,4 баробарга ёки 15 трлн. сўмга (жами 54,9 трлн. сўм) ўсганлигини кўришимиз мумкин.

Муаммоли кредитларнинг келиб чиқиш сабаблари турлича бўлиши мумкин. Жаҳон банки маълумотларига кўра, банкларнинг муаммоли кредитларини юзага келишида ички омиллар 67 фоиз йўқотишларга сабаб бўлади. Бу кўрсаткич ташқи омиллар бўйича бор йўғи 33 фоизни ташкил этади. Ички омилларга таъминотнинг етишмаслиги 22 фоизни, ссуда буюртмасини ўрганишда ахборотнинг нотўғри баҳоланиши 21 фоизни, операция назоратининг заифлиги, ҳамда дастлабки огоҳлантирувчи белгиларни ўз вақтида аниқланмаслиги ва улар юзасидан тегишли чораларнинг кўрмаслиги 18 фоизни, гаров таъминоти сифатининг пастлиги 5 фоизни, шартномада кўрсатилган таъминотни олиш имкониятининг йўқлиги 1 фоизни ташкил этган. Ташқи омилларга эса компаниянинг банкрот бўлиши 12 фоизни, корхона молиявий назоратининг кучсизлиги 11 фоизни, компаниянинг бозорда ўз ўрнини йўқотиши ва ички ижтимоий муаммолар 6 фоизни, ўғирлик, муттаҳамлик 4 фоизни жаҳон банки ҳисоб-китобларига кўра ташкил этган.

Одатда банклар томонидан берилган кредитни гаров таъминоти ҳисобидан қоплашга манфаатдор эмаслар. Шу боис, берилган кредит ва унга ҳисобланган фоиз тўловларни пул тушумлари ҳисобидан сўндиришни маъқул кўради. Бунинг учун банк кредитнинг асосий суммаси ва ҳисобланган фоиз тўловларининг муддати етиб келганда уни тўлаш нуқтаи назаридан қуйидаги класслар бўйича таснифлашни таклиф қиламиз (1-жадвал).

**1-жадвал**

**Кредитнинг асосий суммаси ва ҳисобланган фоиз тўловларининг синфлар бўйича таснифлаши**

| Синф | Шартлари |
|---|---|
| 1-синф | Қишлоқ хўжалигида барча кредит суммаси ва унга ҳисобланган фоиз тўловларини тушумлар ҳисобидан 6 ой ичида сўндиради. |
| 2-синф | Қишлоқ хўжалигида барча кредит ва фоиз суммасини тўлашга 9 ой кетади. |
| 3-синф | Қишлоқ хўжалигида кредит билан боғлиқ барча тўловларни амалга ошириш учун 1 йил тушумларни йўналтириши лозим бўлади. |

Масалан, қишлоқ хўжалигида маблағнинг:70 фоизи асосий воситаларга жойлаштирилади, савдо-сотиқ билан шуғулланадиган корхоналарда ушбу активлар бор йўғи 10-15 фоизни ташкил этади Шунинг учун ҳар бир алоҳида олинган корхона бўйича гаров тури ва уларни баҳолаш тартиби банк ҳамда кредит олувчи ўртасида келишилади.

Қишлоқ хўжалигини кредитлашда гаров таъминотини баҳолаш механизми юзасидан амалга оширилган тадқиқот натижаларига асосланган ҳолда, қуйидаги илмий-назарий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди:

- Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи хусусий сектор вакиллари учун келгуси ҳосилни гаровга қўйиш орқали кредитлаш амалиётини ҳосилни етиштириш билан боғлиқ даврийлик асосида босқичма-босқич амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

- Шундан келиб чиққан ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлар етиштирувчилар учун келгуси ҳосилни гаровга қўйиш орқали кредитлаш амалиётини ҳосилни етиштириш билан боғлиқ даврийлик асосида босқичма-босқич амалга ошириш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Кластерларга кредитларни қишлоқ хўжалиги экинларининг вегетацион даври ҳамда амалга оширилиши лозим бўладиган агротехник тадбирлар учун талаб этиладиган маблағнинг айнан мазкур маблағ зарур бўладиган кунда ажратилишига эришиш лозим. Бу ҳар томонлама мижоз ва банк учун фойдалидир. Яъни, мижоз кредит учун ортиқча фоиз тўламайди, банк эса ортиқча ресурсни вақтинчалик бошқа йўналишларда сарфлаб даромад олишга эришади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Залог земель сельскохозяйственного назначения: Ильин, Алексей Владимирович/ кандидат юридических наук. Диссертация. – М.: 2007. – 122 с.

2. Jose A. Castilloa, Andrés Mora-Valenciab, Javier Perotec. Moral hazard and default risk of SMEs with collateralized loans // Finance Research Letters 26 (2018) 95–99 www.elsevier.com/locate/frl

3. Абдикаримова Д.Р. «Банк кредитлари гаров таъминотини баҳолаш амалиётини такомиллаштириш йўллари» PhD илмий даражаси олиш учун ёзган диссертация автореферати. –Т.: 2018, 61 бет.

4. Земельное право: учебник для СПО / Б.В. Ерофеев под науч. ред. Л.Б. Братковская - 15-е изд., пер. и доп. М: Юрайт, 2019 – 496 с.

5. Экономика сельского хозяйства / Н.Я. Коволенко, Ю.И. Агирбов, Р.Г. Ахметови др.; Под ред. Н.Я. Коволенко. – М.: Колос С, 2010. – 431 с.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги “2018 йилда қишлоқ хўжалиги экинларини оқилона жойлаштириш чора-тадбирлари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришнинг прогнозлари ҳажмлари тўғрисида”ги 3281-сонли қарори. www.lex.uz.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 28 февралдаги “Қишлоқ хўжалигида бозор механизмларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 149-сонли қарори. www.lex.uz

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 28 февралдаги “Қишлоқ хўжалигида бозор механизмларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 149-сон қарори. www.lex.uz.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор

йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида"ги фармони. www.lex.uz.

***Байжанов Д.С.*** *- ҚДУ, мустақил изланувчи*

## МАМЛАКАТИМИЗДА ИСЛОМ БАНКЧИЛИГИ ФАОЛИЯТИДАН ФОЙДАЛАНИШ АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Ҳозирги кунда ислом банкчилиги барча шаклларда намойиш этилган: банклар ва банк бўлмаган молия муассасалар, йирик ва майда, ихтисослаштирилган ва диверсификация қилинган, анъанавий ва инновацион, миллий ва кўп миллатли, эҳтиёткор ва эҳтиётсиз, қатъий тартибда бошқариладиган ва эркин ва ҳ.к.з. Айрим ислом банки муассасалари, айниқса анъанавий банкларнинг «исломий дарчалари» ўз (анъанавий) банкларига тақлид қилишса, бошқалари кескин фарқ қилади (анъанавий банкларлардан). Баъзилари илоҳий қонун-қоидалар асосида фаолият юритса, бошқалари диндан мижозларни жалб қилиш усули сифатида фойдаланади. Муаммо шундаки, ислом банкчилигининг соф ғоялари обрўсига жойлардаги воқелик сабаб путур етиши мумкин. Агар бу соҳа ривожи учун керакли қадамлар қўйилмаса, яъни асл ислом банк-молия соҳасининг ўзига хос жиҳатлари ва энг асосийси унинг руҳияти ўрнатилмаса, жамиятдаги бу соҳага бўлган ишонч йўқолади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 декабрда Олий Мажлис палаталарига йўллаган Мурожаатномасида "Мамлакатимизда Ислом молиявий хизматларини жорий этиш бўйича ҳуқуқий базани яратиш вақт-соати етиб келди. Бу борада Ислом тараққиёт банки ва бошқа халқаро молия ташкилотлари экспертлари жалб этилади", деб таъкидлаб ўтдилар.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 20 апрелдаги "Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида" ги ЎРҚ – 765 сонли Қонунининг қабул қилиниши мамлакатимизда ислом молия инструментларидан фойдаланиш тизимини ривожлантиришдаги муҳим қадамлардан бири бўлди. Миллий иқтисодиётимизда ислом молия инструментларидан ва ислом молия институтлари хизмат турларини ўрганишдан кўзланган мақсад замонавий шароитларда молия сектори муаммоларини ҳал қилишда муқобил молиялаштириш йўлларини ривожлантириш бугунги кунда долзарб масалалардан ҳисобланади.

Бундай молиявий операциялар учун тегишли инфратузилма ва норматив-ҳуқуқий база бўлиши зарур. Шу сабабли мамлакатимизда Ислом банк иши ва молия принципларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича комиссияни ташкил этилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 20 апрелдаги "Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида" ги ЎРҚ – 765 сонли Қонунининг қабул қилиниши мамлакатимизда ислом молия инструментларидан фойдаланиш тизимини ривожлантиришдаги муҳим қадамлардан бири бўлди.

Ушбу қонунда Исломий молиялаштиришга оид хизматлар деганда исломий молиялаштиришни амалга ошириш стандартларини белгиловчи халқаро ташкилотларнинг қоидаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ишлаб чиқилган тартибда кўрсатиладиган молиявий хизматлар тушунилади.

Бугунги кунда «Ислом тараққиёт банки» гуруҳи таркибига кирувчи «Хусусий тармоқни ривожлантириш Ислом корпорацияси» (ICD) Ўзбекистоннинг бир неча тижорат банкларида ислом молия маҳсулотлари ва хизматлари тақдим этувчи дарчаларни («ислом дарчалари») очиш юзасидан кенг кўламли ишлар олиб бормоқда.

Ислом дарчалари фаолиятини тушуниш учун биринчи навбатда ислом банкчилигини анъанавий банкчиликдан қандай фарқлари борлиги ҳамда таклиф қилинаётган хизматлар ва маҳсулотлар турларини билиб олиш мақсадга мувофиқ.

Умуман олганда, ислом молияси қарз бериш ё молиялаштириш ишларида айнан шариат тамойиллари ва қоидаларига асосланган жараёнларни қамраб олиши ҳамда ислом молия тамойилларига мос бўлган битимлар тузади. Шу билан, ислом молияси анъанавий молиялаштириш ёки қарз беришдан фарқ қилади. Масалан, гўшт маҳсулотини олайлик, ҳайвон ёки парранданинг ислом дини талабларига риоя қилган ҳолда сўйилиши уни (яъни гўштни) ҳалол гўшт сифатида талқин қилинишига сабаб бўлади. Худди шу каби, молиялаштириш ёки қарз беришда, ёки бошқача айтганда, тарафларнинг молиявий муносабатларга киришишида ислом дини талабларига амал қилиниши молиявий маҳсулот ва хизматларни ҳалол/шаръий деб эътироф этилишига сабаб бўлади.

Ўзбекистонда ислом молия хизматлари саноатининг кенг қамровли жорий этилиши мамлакат учун қуйидаги имкониятларни очишига имкон яратиши мумкин:

• хориждан келаётган инвестициялар ҳажмини ошириш ва диверсификациялаш;

• банк тармоғида ҳалол ва шаффоф рақобат муҳитини яратиш ҳамда банк тизими активларини диверсификациялаш имкониятини яратиш;

• аҳоли ва бизнес вакиллари ихтиёрида бўлган бўш пул маблағларининг иқтисодиёт ривожланишида максимал иштирокини таъминлаш;

• мамлакатда капитал бозорини ривожлантириш ва диверсификациялаш;

• кўплаб янги иш ўринлари яратиш;

• аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш орқали, молия бозоридаги фаоллигини кўтариш;

• Ислом молия хизматлари индустриясини ривожлантириш орқали мамлакатда инфратузилмани мувофиқлаштириш ва янгилаш;

• янги молиявий муассасалар ташкил қилиш;

• камбағалликка қарши курашиш давлат дастурини амалга оширишга ҳисса қўшиш;

• янги йўналишда кадрлар тайёрлаш дастурини яратиш.

Ушбу ишларнинг амалга оширилиши натижасида Ўзбекистон ислом молияси соҳасида МДҲ давлатлари ичида етакчи мамлакатга айланиши шубҳасиз. Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, исломий молиявий хизматлар соҳаси Ўзбекистоннинг порлоқ келажаги учун муҳим омил, пойдевор ва ривожланиш истиқболи бўлади, натижада ўз маданиятида Исломнинг чуқур илдизларини акс эттирган мамлакатга хорижий инвесторларнинг қизиқиши ортади ва ҳукумат ушбу имкониятдан халқ фаровонлиги ҳамда мамлакатнинг барқарор ривожланишида тўлақонли фойдаланишга эришиши мумкин бўлади.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 20 декабрдаги "Халқаро ва хорижий молия институтлари билан ҳамкорликнинг самарадорлигини янада ошириш чора – тадбирлари тўғрисида" ги ва 2019 йил 5 мартдаги "Ислом тараққиёт банки гуруҳи ва Араб мувофиқлаштириш гуруҳи жамғармалари билан ҳамкорликни янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш чора – тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари айни ислоҳотларга ҳуқуқий замин бўлиб хизмат қилмоқда.

Бунинг учун мамлакатимизда ислом банкчилиги фаолиятидан фойдаланиш йўллари ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган қуйидаги омилларни бартараф этиш лозим:

1. "Ислом дарчаси" – анъанавий молия муассасалари қошида махсус бўлинма/филиал ёки шохобча шаклида ташкил этилади. Бундай шохобчаларни тузишдан асосий мақсад – анъанавий банк муассасалари маҳсулот ва хизматларидан эмас балки ўз диний қарашлари туфайли ислом молияси тамойиллари доирасида фаолият юритувчи молия муассасалари билан ишлашни афзал кўрувчи мижозлар эҳтиёжини қондириш ва шу орқали бор мижозларни сақлаб қолиш, ҳамда банкка янги мижозлар жалб қилиш. Анъанавий банкларнинг ислом дарчалари очишдан яна бир мақсади тўлақонли ислом банклари билан рақобат имкониятларини оширишдир.

2. Исломий банклар мижоз талаби билан объектни қуриб бериши, асбоб-ускуналар, товар, хомашёлар олиб бериши ёки уларни ижарага бериши мумкин. Молиялаштириш асосида савдо амалиёти ётади. Замонавий банк тизимида эса банкларнинг савдо амалиётларини амалга ошириш қонунчилик нуқтайи назаридан мушкул бўлиб, бунга солиқ ҳамда банк фаолиятига тааллуқли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўсқинлик қилади.

***Матекеев А.А.*** *– ҚДУ, мустақил изланувчи*

## ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАРДА ҚУЛАЙ ИНВЕСТИЦИЯ МУҲИТИНИ ЯРАТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Эркин иқтисодий зоналар иқтисодиётига миллий ва хорижий инвестициялар кириб келишини рағбатлантиришда қулай инвестициявий муҳит яратиш масалалари долзарб аҳамиятга эга. Инвестиция муносабатларни тартибга солишга қаратилган аксарият хорижий давлатларнинг қонунчилигида, хусусан миллий қонунчилигимизда ҳам "қулай инвестициявий муҳит" тушунчасига

расмий таърифлар мавжуд эмас. Илмий адабиётларда “қулай ишбилармонлик муҳити”, “қулай инвестиция муҳити” тушунчалари ишлатилсада, уларни умумий равишда тавсифлайдиган ягона таъриф ишлаб чиқилмаган.

Бу борада, “инвестицион муҳит жозибадорлиги – мамлакат, тармоқ ва соҳаларга инвестициялар оқимини аниқловчи, таъминлашга имкон берадиган, кафолатланган ҳамда инвестицион фаоллик билан баҳоланадиган иқтисодий, ижтимоий ҳолат, жараён ва воситалар, имконият ва чекловлар йиғиндиси” сифатида таърифланганлигини кўрамиз.

Эркин иқтисодий зоналар ҳудудида қулай инвестициявий муҳит даражаси қуйидаги омиллар асосида баҳоланади:

1) давлат ҳудудидаги сиёсий мўътадиллик;

2) иқтисодий ривожланиш ҳолати;

3) валюта конвертация даражаси;

4) иш ҳақи миқдори;

5) хорижий инвестицияларга давлат бошқарув органларининг муносабати;

6) мулкни миллийлаштириш эҳтимоллари;

7) валюта курси девальвацияси ва унинг иқтисодиётга эҳтимолий таъсир даражаси;

8) инвестицияларни давлат томонидан тартибга солиниши даражаси;

9) инвестиция киритилаётган ҳудудлар инфраструктураси ҳолати.

10) инвестиция лойиҳасини реализация қилиш билан боғлиқ бошқа ҳолатлар. Шунингдек, инвестицияларни қабул қилувчи давлатнинг халқаро кредит рейтинги ҳам муҳим омил ҳисобланади.

Эркин иқтисодий зоналар ҳудудларни иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни модернизациялаш мақсадида иқтисодиётга хорижий ва миллий капитални жалб қилиш воситасидир. Мазкур иқтисодий тузилмалар халқаро хўжалик муносабатларида иқтисодий интеграция жараёнларини кучайтириш ва миллий иқтисодий тизимларни жаҳон иқтисодиёти билан интеграциялашув жараёнларини жадаллаштириш механизми ҳисобланади. Замонавий шаклдаги хўжалик муносабатлари тизимида эркин иқтисодий зоналарнинг ўрни ва аҳамияти иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилиш, давлатнинг экспорт салоҳиятини ошириш, миллий иқтисодиётга хорижий валюталар кириб келиш ҳажмини ошириш, ишлаб чиқариш жараёнларини технологик янгилаш билан асосланади. Бу борада, эркин иқтисодий зоналар ҳудудида қулай инвестициявий муҳит яратишнинг тадбирлари сирасига, ҳудудда коррупцияга қарши курашиш тизимининнинг мавжудлиги, самарали корпоратив бошқарув муносабатлари ташкил этилганлиги ва эркин иқтисодий зона жойлашган давлатда инфляция даражасининг пастлиги кабилар ҳам таъкидланади.

Ўзбекистонда махсус иқтисодий зоналарнинг алоҳида бир тури сифатида 22 та эркин иқтисодий зоналар ташкил этилган.

2022 йил апрель ойи ҳолатига Ўзбекистондаги эркин иқтисодий зоналарга умумий қиймати 2 973,6 млн. АҚШ долларига тенг бўлган 539 та инвестиция лойиҳалари амалга оширилиши ҳисобига1 004,1 млн. АҚШ доллари

миқдоридаги маҳаллий ва 972,9 млн. АҚШ доллари миқдоридаги хорижий инвестициялар жалб қилинган.

**1-жадвал**

**Эркин иқтисодий зоналар инвестицион фаоллигининг таҳлили.**

| Эркин иқтисодий зона номи* | Амалга оширилган инвестиция лойиҳалари | | | | | | Ятатил-ган иш ўрни |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | *жами лойиҳалар* | | *молиялаштириш манбалари, млн. АҚШ долл.* | | | | |
| | **Лойиҳа сони** | **Умумий қиймати** (млн. АҚШ долл.) | **Ўз маблағи** | **Банк кредити** | **ФРРУ** | **Хорижий инвестиция** | |
| **Жами:** | **539** | **2 973,6** | **1 004,1** | **887,0** | **109,6** | **972,9** | **44 994** |
| «Ангрен» | 76 | 859,2 | 227,7 | 243,9 | 27,6 | 360,0 | 9 489,0 |
| «Навоий» | 71 | 417,7 | 185,7 | 73,0 | 38,3 | 120,6 | 6 151,0 |
| «Наманган» | 3 | 75,0 | 31,8 | 13,2 | 0,0 | 30,0 | 2 168,0 |
| «Жиззах» | 24 | 214,3 | 85,5 | 45,3 | 1,9 | 81,7 | 3 866,0 |
| «Ургут» | 63 | 302,7 | 122,5 | 129,1 | 0,0 | 51,2 | 4 023,0 |
| «Сирдарё» | 26 | 128,1 | 37,8 | 43,0 | 0,0 | 47,3 | 3 689,0 |
| «Хазорасп» | 13 | 49,3 | 15,4 | 27,5 | 0,5 | 5,9 | 1 059,0 |
| «Қўқон» | 62 | 165,4 | 93,3 | 11,4 | 11,7 | 49,0 | 5 926,0 |
| «Нукус» | 4 | 18,3 | 4,2 | 6,0 | 4,2 | 3,9 | 501,0 |
| «Ғиждувон» | 33 | 116,6 | 45,4 | 39,1 | 24,4 | 7,7 | 2 165,0 |
| «Термиз» | 3 | 2,8 | 0,8 | 0,7 | 1,1 | 0,3 | 65,0 |
| «Чироқчи» | 0 | 0,0 | 0,0 | 0,0 | 0,0 | 0,0 | 0,0 |
| «Сирдарё-фарм» | 6 | 109,0 | 56,4 | 52,6 | 0,0 | 0,0 | 1 082,0 |
| «Зомин-фарм» | 2 | 6,0 | 5,6 | 0,4 | 0,0 | 0,0 | 37,0 |
| «Андижон-фарм» | 1 | 3,3 | 1,5 | 1,8 | 0,0 | 0,0 | 45,0 |
| «Косонсой-фарм» | 6 | 10,9 | 8,5 | 2,4 | 0,0 | 0,0 | 331,0 |
| «Бўстонлиқ-фарм» | 2 | 1,6 | 1,0 | 0,6 | 0,0 | 0,0 | 20,0 |
| «Паркент-фарм» | 4 | 15,0 | 4,6 | 6,4 | 0,0 | 4,0 | 319,0 |
| «Бухоро-агро» | 139 | 378,3 | 76,3 | 190,5 | 0,0 | 111,5 | 3 708,0 |
| «Чорвоқ» ЭТЗ | 1 | 100,0 | 0,0 | 0,0 | 0,0 | 100,0 | 350,0 |
| «Қорақалпоқ-агро» | 0 | 0,0 | 0,0 | 0,0 | 0,0 | 0,0 | 0,0 |

Киритилган инвестицияларнинг молиялаштириш таркибида умумий инвестиция лойиҳаларининг қиймати бўйича 1004,1 млн. АҚШ доллари инвесторларнинг ўз маблағлари, 887,0 млн. АҚШ доллари банк кредити, 109,6 млн. АҚШ долларини Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси (ФРРУ) маблағлари, 972,9 млн. АҚШ доллари хорижий инвестицияларни ташкил этади. Амалга оширилган инвестициялар лойиҳалари натижасида 44994 та янги иш ўринлари яратилган.

Бироқ тан олиб айтиш керакки, ҳозирги пайтда эркин иқтисодий зоналар инвестиция лойиҳалари портфелининг сифати анча паст. Етакчи хорижий компаниялар иштирокида -экспортбоп тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича юқори технологияли маҳаллийлаштирилган замонавий корхоналар ташкил этиш ишлари эса сустлигича қолмоқда. Бундан ташқари, ЭИЗ ҳудудидаги хўжалик субъектлари ўртасида саноат ва кооперация алоқалари талаб даражасида эмаслигидан ҳам кўз юмиб бўлмайди.

Умуман олганда, эркин иқтисодий зоналарда инвестиция муҳитини ривожлантиришда тегишли ҳуқуқий асослар ҳам муҳим аҳамиятга эга ҳисобланиб, бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентимизнинг 2017 йил 7 августдаги “Эркин иқтисодий зоналар самарали фаолият кўрсатиши учун вазирликлар, идоралар ва жойлардаги давлат ҳокимияти органларини мувофиқлаштиришни кучайтириш ва уларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори муҳим ўринга эга. Жумладан, мазкур қарорга биноан, ЭИЗ ҳудудида кластер ёндашувлардан самарали фойдаланган ҳолда, иштирокчилар ўртасида мустаҳкам кооперация алоқалари йўлга қўйилиб, маҳаллий хом ашё ва материаллар асосида рақобатдош тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича юқори технологияли илғор корхоналар ташкил этилади. Бу жараёнда ишлаб чиқариш, муҳандислик-коммуникация, йўл-транспорт ҳамда сифатли логистика хизматлари кўрсатиш бўйича замонавий инфратузилмани шакллантириш, малакали мутахассислар тайёрлаш каби чора-тадбирлар қўлланилади.

**Фойдаланилган адабиётлар.**


1. К.Б.Турсунов, Н.Р.Ражабов. Инвестицион муҳит жозибадорлигини бошқаришни такомиллаштириш. Монография. - Т.: “Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи”, 2021, 212 бет.
2. Ж.Умирзоқов. Махсус иқтисодий зоналарда инвестицион фаолликни ошириш истиқболлари. 08.00.07 – «Молия, пул муомаласи ва кредит» иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси автореферати. Тошкент 2022 йил, 12 бет.
3. И.Р.Тазутдинов. Особые экономические зоны в системе обеспечения экономической безопасности. Диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук Федеральное государственное бюджетное учреждение науки «Институт экономики Российской академии наук» Москва – 2015. 152 с.
4. Miyagiwa, K. F. (2019), ‘A Reconsideration of the Welfare Economics of a Free-Trade Zone’, Journal of International Economics, 21 (3): 337–350.
5. Лешина И.Е. Развитие особых-экономических зон при обеспечении экономической безопасности Дисс. автореф. ... и.ф.н. Москва. 2007. -24 б.
6. F.Zaldívar, E.Molina. Special Economic Zones and their Impact on Regional Economic Development. Prob. 2018, vol.49, pp.11-32. ISSN 0301-7036.



***Исаков Ж.Я.*** *– ТДИУ, проф.*

***Захидова З.Х.*** *– ТДИУ, мустақил изланувчи*


## ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ОРҚАЛИ ИННОВАЦИОН ЛОЙИҲАЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

Мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий ҳаётни кичик бизнес субъектларисиз ва уларнинг инновацион лойиҳаларсиз ривожлантириш қийин, уларни

молиялаштиришда тижорат банкларининг роли муҳим аҳамият касб этади. Сабаби тижорат банклари инновацион лойиҳа ишлаб чиқарувчи ҳамда хизмат кўрсатувчи корхоналарни кредит маблағлари билан таъминлаб, мамлакатимизда инновацион лойиҳаларни молиялаштиришда асосий поғона вазифасини бажаради ва шу орқали, жамиятда умумий макроиқтисодий барқарорликни таъминлашга ўз ҳиссасини қўшади.

Мамлакат иқтисодиётини модернизациялаш шароитида тижорат банклари томонидан инновацион лойиҳаларни молиялаштиришнинг аҳамияти йилдан-йилга ошиб бормоқда. Тижорат банкларининг кредитлари ёрдамида иқтисодиётнинг муҳим тармоқлари молиялаштирилмоқда, янгидан-янги инновацион лойиҳалар билан фаолият кўрсатувчи корхоналар барпо этилмоқда, инновацион технологияга асосланган ишлаб чиқаришлар ва хизмат турлари жорий этилиб, янги маҳсулот турларини яратиш ишлари ривожлантирилмоқда.

Тижорат банклари фаолиятини инновацион ва инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришдаги роли борасида Ш.Мирзиёев томонидан "Банк инвестиция фаолиятига ўз маблағлари билан бирга, ташқаридан молиялаштириш манбаларини жалб этиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиши керак" дея таъкидлангани, ҳамда, Мамлакатда 2020 йилни "Илм маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш" деб эълон қилингани, унинг Дастурида инновацион лойиҳаларни мамлакатда ишлаб чиқаришга кенг татбиқ этиш, илм ва маърифатни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, иқтисодиётнинг ривожланишини барча босқичларида инновацион лойиҳаларни молиявий таъминлаш масалалари инобатга олинганлиги тадқиқотнинг бугунги кундаги долзарблигини белгилаб беради.

Жаҳон банки маълумотларига кўра, 2020 йилда инновацион лойиҳалар асосида фаолият кўрсатадиган корхоналарнинг банк кредитларига бўлган талаби ривожланаётган давлатларда бирмунча юқори ҳисобланади. Ривожланган давлатларда ўртача 40 фоиз корхоналарнинг кредит олишга эҳтиёжи мавжуд бўлса, Шарқий Европа ва Марказий Осиё мамлакатларига ушбу кўрсатгич 45 %дан 60 %гача бўлганлигини кузатиш мумкин. Шу билан бирга кредитлаш жараёнида гаров талаб этилиши ривожланган мамлакатларда ўртача 60 %дан юқори бўлса, Шарқий Европа ва Марказий Осиё мамлакатларида ўртача 80 %дан юқорилигини кўрсатиш лозим (1-расм).

Юқоридаги давлатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, кичик бизнес субъектлариинг инновацион лойиҳаларини кредитлаш аҳолининг турмуш даражасини ошириш, аҳоли бандлиги, уларнинг иқтисодий фаоллигини ошириш каби аниқ ижтимоий – иқтисодий муаммоларни ҳал қилишга йўналтирилиши лозим. Дунё амалиётида синалган инвестицион кредитлашнинг тажрибасидан Ўзбекистон Республикасида ушбу йўналишдаги бозорнинг шаклланаётганлиги шароитда унинг ижобий томонларидан фойдаланиш назарий ва амалий жиҳатдан муҳим манба бўлиб хизмат қилади.




**1-расм. Жаҳонда инновацион лойиҳалар асосида фаолият кўрсатадиган кичик бизнес субъектларининг банк кредитларига бўлган талаби,%да**

*Манба:* Жаҳон банки 2018 йилги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Бугунги кунда кичик бизнес субъектларининг ривожланиши, жумладан замонавий хизматлар кўрсатиши ва рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариши учун давлат томонидан бир қанча ижобий ишлар олиб борилмоқда, ҳамда уларни қўллаб-кувватлатлаш ва молиявий ёрдам кўрсатишга катта эътибор берилмоқда.

Мамлакатимизда инновацион кичик бизнес субъектларини молиявий таъминлаш тизими бўйича яхлит тасаввур ҳали шаклланмаган. Маблағи бор йирик корхоналар кичик инновация корхоналарининг лойиҳаларига қизиқиш билдирмаяптилар. Инноваторларнинг ўзлари ҳам кредит муддати кичиклиги, фоиз ставкаларининг юқорилиги ва гаров таъминотининг йўқлиги туфайли кредит маблағларини олмасликка ҳаракат қилади. Молиялаштиришнинг етишмаслиги - бу муаммонинг фақат бир томони, шунингдек, маблағларни қандай қилиб тақсимлашни ҳам билиш керак.

Аммо, 2017 йил қабул қилинган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг устувор йўналишларида иқтисодиётни инновацион йўл орқали ривожлантириш стратегияси белгилаб берилиши натижасида, тижорат банклари олдин рисклилик даражаси юқори ва ликвидлилиги паст деб ҳисоблаб юрган инновацион фаолият билан шуғулланадиган корхоналар билан ишлашдан манфаатдорлик даражаси ўзгарди. Банклар томонидан инновацион лойиҳаларни молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш зарурияти юзага келди.

Кичик бизнес субъектларини инновацион лойиҳаларни молиялаштиришда тижорат банкларининг ролини ошириш бўйича умумлаштирилган қуйидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

- Республикадаги асосий тармоқларни модернизация қилишни, хусусан инновацион аҳамиятдаги инвестиция лойиҳаларини банклар томонидан молиялаштиришда лойиҳавий молиялаштириш усулидан фойдаланиш кўламини кенгайтириш учун банкларнинг ўзлик активлари ҳажмини ошириш;
- Тижорат банкларининг кичик бизнес субъектларининг инвестицион лойихалар соҳасини аниқлаш, баҳолаш ва бошқаришнинг янги услубиятини ишлаб чиқиш;
- Тижорат банкларининг инвестицион лойиҳаларини молиялаштириш механизмини такомиллаштиришда асосий эътибор банклар томонидан инновацион лойиҳа ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш тартибини такомиллаштириш ва бунда нафақат сонли иқтисодий кўрсаткичлар билан баҳолаш, балки сифат жиҳатидан ҳам самарадорлигини баҳолаш механизмини жорий қилиш йўлга қўйилса мақсадга мувофиқ бўларди.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**


1. Мирзиеёв Ш.М. «Мамлакатни 2016 йилда ижтимоий ривожланишининг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари»га бағишланган маъруза. Халқ сўзи, 2017 йил 16 январь. № 11 (6705);
2. Балабанов И.Л. «Инновационный менежмент» СПб.: Питер, 2001.– 120 с;
3. Борисов А.Б. «Большой экономический словарь» М.: Книжный мир, 2000. – 86 с;
4. Гимуш Р.И., Матмуродов Ф. М. «Инновация менежмент»: Иктисодиёт олий ўқув юртлари учун ўкув қўл. - Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти, - Б. 10.2008. - 144 б;
5. Попов Г. «О проблемах кризиса» 2009 года http: //www.uptp.ru /content /Disp_Online.php?Num=l;
6. Norov, A. R. ., Haydarov, O. A. ., Saipnazarov, S. S. ., & Saidaxmedova, A. M. . (2022). Mechanisms to Ensure the Stability of the National Currency in the Republic of Uzbekistan. Spanish Journal of Innovation and Integrity, 5, 393-400. Retrieved from http://sjii.indexedresearch.org/index.php/sjii/article/view/157
7. Р.Х. Карлибаева Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Тошкент, 2011 йил, 14-б.



***Жоллыбеков В.Б.*** *- Қорақалпоғистон ҚХАИ, мустақил изланувчи*


# РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ОРҚАЛИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

Бугунги кунда жаҳонда рақамли иқтисодиёт ривожи даврида банк хизмат турларини замоновий технологияларни қўллаш орқали кўрсатишни тадқиқ

қилиш каби масалаларга эътибор кучайиб бормоқда. Бу соҳада банк хизмат турларини самарали бошқаришнинг замонавий интеграллашган ахборот тизимларини жорий этиш, тизим маълумотларининг шаффофлиги ва ҳимояланишини таъминлаш, рақамли технологияларини қўллаш ҳамда ахборот тизимларининг ўзаро ахборот интеграциясини самарали равишда амалга ошириш методикасини такомиллаштириш масалалари асосий тенденциялардан ҳисобланади. Рақамли технология ва инновацияларнинг кенг ривожланиши тижорат банклари томонидан хизмат турларини ахборот тизимларини такомиллаштириб боришни тақозо этмоқда.

Ўзбекистонда ҳам банк хизмат турларини ривожлантириш хусусан, унда ахборот коммуникацион технологиялардан кенг фойдаланган ҳолда банк хизматларининг янги турларини жорий этиш масаласи бугунги кунда долзарб ҳисобланади. Жумладан, банклар томонидан қишлоқ хўжалиги ишлаб-чиқарувчиларига кўрсатиладиган ҳизматларни яхшилаш рақамли технологиялардан кенг фойдаланилмоқда. Чунки, бозордаги янги рақобатчилар барча ўлчамдаги эски молиявий институтларга таҳдид сола бошлади. Шу билан бирга янги технологиялар банк хизматлари бозорида катта имкониятлар эшигини очмоқда.

“The Boston Consulting Group” (2016) маълумотларига кўра, Хитойдаги электрон тижоратни ривожлантиришнинг юқори даражаси эътиборни тортмоқда. Бунда Хитойнинг электрон тижорат айланмаси 18 миллиард долларни ташкил этиб, ушбу даврда Хитойлик истеъмолчилар интернет сотиб олиш учун тахминан 750 миллиард доллар сарфлайдилар, бу АҚШ ва Буюк Британия кўрсаткичларини бирга қўшиб ҳисоблагандан ҳам кўпроқ. Умуман, Хитой Савдо вазирлиги маълумотларига кўра, 2016 йил охиригача мамлакатнинг халқаро электрон тижоратда улуши 39,2 фоизни ташкил этди. Шу билан бирга, мамлакатда 2016-2020 йилларда қабул қилинган тармоқни ривожлантириш дастурига мувофиқ, электрон тижорат ҳажми 5 йил ичида 5,8 трлн. АҚШ доллари. “McKinsey & Company” (2016) институтининг тахминларига кўра 2025 йилга келиб рақамли технологиялар Хитой ялпи ички маҳсулотининг 22 фоизга, Россия учун эса 34 фоизгача ошишига олиб келади. 2025 йилгача АҚШда рақамли технологияларнинг яратилишидан кутилаётган ҳаражатлар 1,6-2,2 триллион АҚШ доллари даражасига етиши мумкин кўрсатиб ўтилган.

1-жадвал кўрсаткичларига кўра, Жанубий Корея, Норвегия ва Исландия биринчи учталикни эгаллаб турибди. Россия эса етакчилик қилаётган Жанубий Корея давлатидан 27,7 кўрсаткичга ортда қолмоқда, аммо Хитой, Чили, Туркия, Бразилия ва Мексика давлатларидан юқори поғоналардан жой олган. Умуман, Россия бугунги кунда рақамли иқтисодиётни жорий қилиш жараёнида юқори потенциалга эга давлат, деб тан олинади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб-чиқарувчиларига берилган кредитларни бонификация қилишнинг зарурлиги уларнинг тўловга қобиллик даражасининг паст эканлиги сабабли, бошқа банкларни қишлоқ хўжалигини кредитлашдан манфаатдор эмаслиги билан изоҳланади.

**1-жадвал**

**2020 йил учун I-DESI субиндекслари**

| **Мамлакатлар** | **Рақамли (I-DESI) индекси** | **Боғланиш даражаси** | **Инсон капитали** | **Интернетдан фойдаланиш** | **Рақамли технологиялар интеграцияси** | **Рақамли давлат хизматлари** |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Жанубий Корея | 75,2 | 79,8 | 75,6 | 74,5 | 63,8 | 83,0 |
| Норвегия | 73,0 | 75,8 | 69,1 | 85,2 | 65,8 | 72,5 |
| Исландия | 72,7 | 72,4 | 80,2 | 75,9 | 75,7 | 53,7 |
| Япония | 68,5 | 72,5 | 69,7 | 73,9 | 53,0 | 75,0 |
| Австралия | 67,8 | 56,8 | 80,5 | 57,8 | 57,3 | 88,9 |
| Канада | 67,0 | 59,6 | 67,3 | 66,2 | 65,4 | 81,5 |
| АҚШ | 66,7 | 71,3 | 56,2 | 71,0 | 61,8 | 79,0 |
| Янги Зеландия | 65,8 | 55,4 | 79,3 | 58,2 | 55,6 | 81,6 |
| ЕИнинг 28 давлати | 58,9 | 62,9 | 58,0 | 59,7 | 51,3 | 63,1 |
| Исроил | 55,6 | 54,3 | 57,4 | 58,5 | 45,2 | 65,4 |
| Россия | 47,5 | 38,9 | 64,1 | 48,7 | 29,8 | 56,8 |
| Хитой | 45,3 | 47,8 | 40,5 | 45,3 | 40,7 | 58,6 |
| Чили | 44,9 | 47,8 | 42,6 | 32,9 | 40,5 | 61,4 |
| Туркия | 41,5 | 43,3 | 53,1 | 35,9 | 27,7 | 43,2 |
| Бразилия | 39,7 | 39,5 | 39,2 | 33,8 | 27,8 | 62,4 |
| Мексика | 43,1 | 45,5 | 41,6 | 30,0 | 33,7 | 67,2 |

Россияда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига берилган кредитларнинг 70 фоиздан ортиқ қисми икки банкнинг – Россельхозбанк ва Сбербанкнинг ҳиссасига тўғри келади. Шундан ҳам билса бўладики, бошқа тижорат банклари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини кредитлашдан манфаатдор эмас.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарини молиялаштириш хусусидаги илмий-назарий қарашларни ўрганиш натижаларига асосан:

- биринчидан, қишлоқ хўжалиги корхоналарининг молиявий ҳолатини барқарор эмаслиги ва тўловга қобиллик даражасининг паст эканлиги уларнинг кредит муассасаларининг молиявий хизматларидан, шу жумладан, молиявий хизматларидан фойдаланиш даражасини оширишда қийинчилик туғдириши хусусидаги хулоса республикамиз учун муҳим амалий аҳамият касб этади;

- иккинчидан, қишлоқ хўжалиги корхоналарининг молиявий хизматлардан фойдаланиш имкониятларининг чекланганлиги давлатнинг ушбу жараёнга аралашувини зарурий ҳолатга айлантиради;

- учинчидан. қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва тармоққа етказиб бериладиган моддий-техника ресурслари ҳамда кўрсатиладиган хизматлар нархлари ўсиши ўртасидаги диспаритет уларнинг молиявий ҳолатини ёмонлашишига олиб келади;

- тўртинчидан, тижорат банкларида имтиёзли кредитлар бериш учун зарур бўлган арзон ресурсларнинг мавжуд эмаслиги туфайли қишлоқ кредит кооперативларини ташкил қилиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта

ишлашга ихтисослашган ишлаб чиқариш корхоналари ва фирмаларини ташкил этиш мақсадида банклар томонидан берилган инвестицион кредитларнинг фоиз ставкаларини бонификация (давлат томонидан бериладиган кредитларнинг фоиз ставкасини субсидиялаш) қилиш каби илмий-назарий қарашлар амалий аҳамият касб этади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ястребова О., Субботин А. Рынок сельскохозяйственного кредита//Вопросы экономики. – Москва, 2005. – №6. – С. 25.
2. Петренко И.Я., Чужинов П.И. Экономика сельскохозяйственного производства. – Алма-Ата: Кайнар, 1992. – С. 434-437.
3. Пиплз К. Развитие системы сельскохозяйственного кредита в США: уроки для России//Вопросы экономики. – Москва, 1997. - №8. – С. 156.
4. Тошматов Қ.Ф. Фермер хўжаликларини кредитлаш механизмини такомиллаштириш орқали қишлқо хўжалигида ишлаб чиқаришни ривожлантириш. И.ф.н. илм. дар. ол. уч. ёз. дисс. автореф..– Тошкент, 2010. – Б. 14.
5. Вахабов А.В. Қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини оширишда банк тизимининг ўрни//“Қишлоқ тараққиёти ва аҳоли турмуш даражасини оширишда банк-молия тизимининг ўрни” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Т.: Молия, 2009. – Б. 22.
6. Гулямов С.С., ва бошқ. “Рақамли иқтисодиётда блокчаей технологиялари”.Ўқув қўлланма 21-22 бетлар.ТМИ 2019 йил -447 бет;
7. Российская экономика в 2016 году. – М.: ИЭП, 2017.
8. (Фармон 2018) “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”.
9. (Қарор 2018) “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”.

***Бакиров Х.О.** – ОБМ, тингловчи*

## ТРАНСМИЛЛИЙ КОРХОНАЛАРНИНГ РИВОЖЛАНАЁТГАН МАМЛАКАТЛАРДА ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛЛАНТИРИШДАГИ ЎРНИ

Трансмиллий компаниялар (бундан буён ТМК) жаҳон иқтисодиётида муҳим роль ўйнаган ҳолда, бугунги кунда глобал иқтисодий тизимнинг ривожланиш векторини ташкил этади ва ўз таъсир доираларини доимий равишда кенгайтириб янги бозорларни эгаллаб бориши маълум. ТМКлар ишлаб чиқариш, илмий-техник жараёнларнинг етакчи субъектларидан бири бўлиб, қабул қилувчи (ривожланаётган) мамлакатлар иқтисодиётига, жумладан инновацияларни жорий этиш ва иқтисодиётнинг инновацион хусусиятини рағбатлантириш орқали таъсир кўрсатади.

ТМКлар инновациялар ва технологиялар эко-тизимида бир нечта муҳим вазифаларни амалга ошириб айниқса риволанаётган мамлакатларда чинакам инновациялар бозори вужудга келишига турки бўлади. Аввало ТМКлар R&D ишларини молиялаштиришни саноат ва тармоқлар эҳтиёжи асосида натижадорлиги ва мақсадли амалга оширишга ҳаракат қилади. Иккинчидан, ТМКлар ўз технологик инвестицияларини қабул қилувчи давлат билан тайёр инновациялар ва технологияларини баҳам кўради.

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб йирик ТМКлар ривожланаётган мамлакатларга юқори технологияли саноат ва R&D ишларини трансфер қилиш стратегиясини амалга ошира бошлади. Агар XX асрнинг ўрталарида ТМКларнинг хорижий илмий тадқиқотларга киритган сармоялари ҳажми атиги 4 %ни ташкил этган бўлса, XX асрнинг 70-йилларида бу кўрсаткич 10 %га, 10 йилдан кейин еса 15 %га етди[1].

Бугунги кунда ТМКлар муҳим молиявий, логистика ва инсон капиталига эга бўлган халқаро илмий-тадқиқот тузилмасининг муҳим элементига айланган. ТМКлар инновацион жараённинг асосий иштирокчилари бўлиб, илмий-тадқиқот фаолиятнинг катта қисми улар томонидан университетлар, илмий-тадқиқот муассасалари ва бошқа ташкилотлар билан турли илмий-тадқиқот шартномалари орқали амалга оширилади ва молиялаштирилади. UNCTAD маълумотларига кўра дунё бўйича R&D га сарфланадигиган ҳаражатларнинг 65 % дан кўпи ТМКлар ҳиссасига тўғри келса, ривожланган мамлакатларда бу 70% дан ортиқни ташкил этади.

Шунингдек, Россиянинг Иқтисодиёт олий мактаби тадқиқотларига кўра, ТМКлар томонидан жаҳон ялпи ички маҳсулотининг тахминан 25%и ишлаб чиқарилади; бутун жаҳон савдосининг қарийб 70%ига хизмат кўрсатилади; патентлар, лицензиялар ва ноу-хауларнинг 80 %ига эгалик қилинади ҳамда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг деярли 90 %и амалга оширилади[2].

Ривожланаётган давлатларга ТМКлар билан бирга инвестициялар кириб келиши орқали янги саноат ва бошқарув технологияларини олиб келади ва натижада ялпи ички маҳсулот ҳажмини оширади. Бундан ташқари ТМКлар экспорт тушумларини кўпайтириш ёки импортни қисқартириш орқали тўлов балансига ижобий таъсир кўрсатади – бу ўзгаришлар мамлакат иқтисодиётини мустаҳкамлайди ва фуқароларнинг турмуш даражасини оширади.

ТМКлар асосан катта маблағ талаб қиладиган инновацион лойиҳаларга бошчилик қилади. Улар томонидан илмий-тадқиқот ишларига ажратиладиган маблағлар ҳажми шу қадар каттаки, ТМКларнинг битта R&D лойиҳаси қийматини баъзи Европа мамлакатларининг бутун бошли R&D бюджет маблағлари билан солиштириш мумкин.

Инновацияларнинг халқаро бозорида R&Dларнинг молиялаштириш бўйича 3 та асосий субъекти мавжуд бўлиб, улар давлат бюджети, ТМКлар ва венчур компаниялар. ТМКлар инновациялар бозорида бир нечта сабабларга

[1] Роль международного трансфера технологий в эффективном развитии транснациональных корпораций, Костин К.Б., Хомченко Е.А. - http://doi: 10.18334/eo.11.3.112128
[2] Роль международных корпораций в формировании инновационной экономики России, Федченко Анастасия Марковна, DOI 10.37882/2223–2974.2021.05.36

устунликка эга. Биринчидан, давлат ташкилотлари билан солиштирганда кўпроқ ва самаралироқ молиявий ресурсларга имконияти бор бўлса, венчур компаняларга нисбатан асосий фаолияти фақат инновацияларни молиялаштириш билан боғлиқ бўлмаганлиги сабабли ТМКлар учун инновацияларни молиялаштиришдаги таваккалчилик (риск) даражаси жуда паст[1].

Технологияларни молиялаштириш ТМКларга бугунги кунда рақобатбардош бўлиб қолиш ва келажакда изчил рақобатли глобал технологиялар бозорида барқарор ривожланиш имконини беради. Айни пайтда ТМКлар томонидан амалга оширилаётган инновацион фаолият уларни кириб келишига имкон берган мамлакатнинг жаҳон иқтисодиётидаги рақобатбардошлигига сезиларли таъсир кўрсатади.

Ривожланаётган давлатларнинг инновацион иқтисодиётида ТМКлар пайдо бўлишининг ижобий томони кўп жиҳатдан хорижий инвестициялар оқими билан боғлиқ. Четдан инвестиция оқимининг кўпайиши давлат саноатини модернизация қилиш, экспорт (айниқса, юқори технологияли товарлар) ҳажмини ошириш ва қатор тармоқларнинг рақобатбардошлигини кучайтиришга катта ёрдам беради.

XXI асрнинг технологик трансфери ўзаро чамбарчас боғланган мураккаб тизимлар тўплами билан ифодаланади ҳамда турли даражаларда - корхона даражасидан халқаро даражагача - технологияларни трансфер қилиш ва тижоратлаштириш занжирини соддалаштиради. Бугунги кунга келиб, технологиялар (инновациялар) бозори тасаввур қилиш мумкин бўлган энг қиммат ва долзарб бозорга айланган бўлиб, ҳар бир давлат глобал технологиялар трансферида иштирок этишга интилади ва мазкур соҳада технологик инновацияларга алоҳида ёндашадиган ўта рақобатбардош бозор вужудга келган.

Охирги йилларда давлат томонидан инновацион ривожланишни қўллаб-қувватлаш тизимли равишда (инновацион ривожланиш стратегиялари 2018-2021 йиллар ҳамда 2022-2026 йиллар учун) амалга оширилаётган бўлсада, асосий чора-тадбирлар илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларига сарфланадиган давлат харажатларини кўпайтириш, олий таълим ва тадқиқот институтларининг моддий-техник ҳолатини яхшилаш, илмий фаолиятни қўллаб-қувватлаш (илмий лойиҳалар, илмий лаборатория ва илмий-техник жиҳозлаш кабилар) билан чекланиб қолмоқда.

Мамлакатнинг охирги йиллардаги глобал инновацион индексида (global innovation index, GII) сезиларли ўсиш кузатилаётган бўлсада, output (натижа олиш) кўрсаткичлари input (сарфлаш, киритиш) кўрсаткичларидан анчагина ортда қолаётганлиги аҳамиятли. Бу инновациялар учун киритилаётган маблағлар ва қўллаб-қувватлаш самарали натижа бермаётганлигидан далолат. Инновациялар ва технологияларга сарфланаётган маблағлар ва қўллаб-қувватлаш механизмлари самарали бўлиши учун мамлакатда инновациялар ва технологиялар бозори (инновацияларга талаб ва таклиф) мавжуд эмаслиги билан изоҳлаш мумкин.

[1] The Most Innovative Companies – https://mediapublications.bcg.com-Most-Innovative -Companies-2016-Jan-2017.pdf

Инновация ва технологияларга энг катта талаб ва таклиф йирик саноат объектлари, айниқса инвестициялар ва технологиялар оқимига омили бўлган ТМКлар орқали вужудга келади. Айниқса ривожланаётган давлатларга "catch-up innovation" (ортидан қувиш инновация) хос бўлганлиги сабабли, саноат тармоқларига инновациялар ва юқори технологиялар кириб келиши ва иқтисодиётни рақобатбардош илмий ва инновацион интенсив бўлиши айнан ташқи технологиялар трансфери ва капитал оқимлари билан боғлиқ.

ТМКлар технологик инвестициялари билан бирга бутун дунёда долзарб бўлган илмий ишланма ва технологияларни ишлаб чиқиш учун катта ҳажмда R&D ишларини юритади ҳамда ўз фаолиятида муваффақиятли жорий этган ҳолда R&D харажатларини самарали сарфлайди. Шу билан бирга қабул қилувчи мамлакатда илмий инновацион фаолият субъектлари (универститетлар, тадқиқот институтлари, технопарклар, инновация марказлари) томонидан таклиф қилинадиган илмий ишланмалар ва технологияларга шаклланадиган ТМКлар талаби инновация ва технологияларга чинакам бозор вужудга келишига туртки беради.

Ўрганишлар ва таҳлиллар интенсив иқтисодий ўсиш ва иқтисодий тармоқларни технологик юксалтиришда бир сўз билан айтганда инновацион иқтисодиётга (илмий/техник ҳажмдор рақобатбардош иқтисодиёт) ўтишда ТМКларнинг ўрни нақадар муҳимлигини кўрсатиб берди. ТМКлар иқтисодиётни ўсишида тўғридан-тўғри ижобий таъсир кўрсатса, инновацион экотизимни самарали ишлашига, жумладан инновациялар бозори шаклланиши ва технологиялар трансферини амалга ошишига катта ёрдам беради.

Шулардан келиб чиқиб, самарали инновацион экотизимни шакллантириш мақсадида ТМКларни мамлакатга иложи борича кўпроқ жалб этишга қаратилган қуйидаги чора-тадбирлар таклиф этилади:

1) Хорижий инвесторлар ва корпорациялар ҳуқуқ ва эркинликаларини таъминловчи ички қонунчилик нормаларига амал қилинишини, мулкдорлик ва тадбиркорлик ҳақ-ҳуқуқларни тўлиқ таъминланишига қаратилган тизимли ишларни йўлга қўйиш;

2) Жаҳон савдо-иқтисодий тақсимотнинг тўлақонли аъзосига айланиш мақсадида ЖСТ (Жаҳон Савдо Ташкилотига) аъзо бўлиш орқали тўғридан-тўғри инвестициялар оқимини кўпайтириш ва халқаро савдо-иқтисодий алоқалар, ташқи технологиялар трансфери учун шарт-шароитлар яратиш;

3) Ўзбекистонда IT, нонотехнология, биотехнология, яшил энергия каби долзарб соҳаларда фаолият юритувчи ТМК корпорацияларнинг тадқиқот (R&D) фаолиятини кучайтириш жумладан, ТМКларнинг тадқиқот марказлари ва R&D филилларини очиш ҳамда ТМК тадқиқот ишларида мамлакатнинг ички тадқиқот ресурсларини (маҳаллий тадққотчилар, тадқиқот институтлари томонидан яратиладиган илмий ишланмалар ва технологиялар) иштирокини таъминлашга қаратилган қўллаб-қувватлаш механизмларини ишлаб чиқиш.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**
1. https://lex.uz/;
2. Top R&D Spenders: The Biggest Investors of 2020. Spendmenot. URL: https://spendmenot.com/blog/top-rd-spenders (дата обращения: 14.04.2020);
3. Mainardi S. An appraisal of different theoretical approaches and international trade //Riv. Intern. Di scienze econ. commerciali. – Milano, 2002. –VOL. 34, № 5, p. 431 – 452;
4. The Most Innovative Companies – https://mediapublications.bcg.com-Most-Innovative -Companies-2016-Jan-2017.pdf;
5. Роль транснациональных компаний в развитии инновационной экономики, Сказина Ксения Евгеньевна, 2018;
6. Роль международного трансфера технологий в эффективном развитии транснациональных корпораций, Костин К.Б. , Хомченко Е.А. - http://doi: 10.18334/eo.11.3.112128;
7. Роль международных корпораций в формировании инновационной экономики России, Федченко Анастасия Марковна, DOI 10.37882/2223–2974.2021.05.36

***Сагиева М.О.*** *– Каракалпакского государственного университет, докторант*

## ФАКТОРЫ, ВЛИЯЮЩИЕ НА РАЗВИТИЕ ХЛОПКОВО-ТЕКСТИЛЬНЫХ КЛАСТЕРОВ В РЕСПУБЛИКЕ КАРАКАЛПАКСТАН

Зарубежный опыт кластеризации в современной экономике показывает эффективность данной системы в развитии экономики регионов и в повышении конкурентоспособности производимых продукции.

В аграрном секторе Узбекистана производство хлопка занимает больше половины производимого валового продукта. Но несмотря на это хлопковое производство считается самым низкорентабельным производством сельского хозяйства. Всё это возникает в следствие нерешённости ряда вопросов и недостаточного использования имеющихся возможностей потенциала продуктивности земель.

Если сравнить некоторые показатели аграрной экономики Узбекистана и развитых зарубежных стран, то это еще раз подтвердится. Например, в Нидерландах с населением 16 млн человек и 1,038 млн га посевных земель произведено сельхозпродукции на сумму 131 млрд долларов, а в Узбекистане с населением 32 млн человек и с 4,4 млн га посевных земель эта цифра составляет лишь 13,2 миллиарда долларов.

Поэтому перед государством стоит огромная задача поиска эффективных способов улучшения состояния аграрного сектора страны, в частности хлопково-текстильной промышленности. И это объясняет необходимость формирования и развития кластерной политики именно в хлопково-текстильной отрасли.

В связи с этим 18 февраля 2021 года в ходе посещения кластера «Chust textile» в Наманганской области Президент Республики Узбекистан

Ш.М.Мирзиёев отметил: «Раньше мы гнулись и сеяли хлопок, но прибыль получали другие страны. Благодаря возможностям, созданным в последние годы, появляются новые предприятия, уверенно развиваются предприниматели, повышается уровень переработки. С тех пор как мы сделали кластеры и освоили хлопок, его качество тоже меняется. Если хлопок качественный, то предпринимателю будет легко, урожай будет качественным, конкурентоспособным… учитывая тот факт, что кластеры являются для нас относительно новой практикой, необходимо пересмотреть процедуры их государственной поддержки, в том числе порядок субсидирования расходов, выделения земель, а также упростить систему кредитования».

Реализация поставленных Президентом Республики Узбекистан задач, в значительной степени способствует поддержанию международного имиджа нашей страны в сфере производства хлопка и текстильной продукции, и на этой основе укрепить брэнд Узбекистана как страны, производящей экологически чистую продукцию.

Конечной целью создания кластеров является производство конкурентоспособного регионального продукта с высокой добавленной стоимостью. Это в свою очередь приведёт решению многих проблем в регионах нашей страны, таких как эффективное использование трудовых и материальных ресурсов, наполнение бюджета страны, расширение экспортных возможностей, а также решение социальных проблем.

Впервые понятие кластера в западной литературе введено в экономическую теорию Майклом Портером: «Кластер – это сконцентрированные по географическому признаку группы взаимосвязанных компаний, специализированных поставщиков, поставщиков услуг, фирм в соответствующих отраслях, а также связанных с их деятельностью организаций (например, университетов, агентств по стандартизации, а также торговых объединений) в определённых областях, конкурирующих, но вместе с тем и ведущих совместную работу».

В современных условиях эффективному функционированию кластеров оказывают влияние множество факторов. В данном исследовании были выявлены факторы, которые влияют на формирование и развитие хлопково-текстильных кластеров в Республике Каракалпакстан.

Для начала проанализируем общее состояние хлопково-текстильных кластеров в Республике Каракалпакстан.

Всего в Республике Каракалпакстан действует 12 предприятий хлопково-текстильного кластера. На посев хлопчатника отведено 86 791 га земли, и в 2022 году планируется вырастить 251 500 тонн хлопка-сырца (в среднем 29 ц/га). Со стороны кластеров с 2697 фермерскими хозяйствами были заключены фьючерсные договора на закупку хлопка-сырца.

В результате практических мер и поддержки со стороны государства хлопково-текстильных кластеров, была укреплена материально-техническая база этих предприятий, главное, созданы новые рабочие места.

Проанализировав деятельность хлопково-текстильных кластеров Республики Каракалпакстан, автором статьи были сделаны выводы о том, что факторы, влияющие на их производственную деятельность и развитие можно разделить на две группы: внутренние и внешние (Рисунок 1).




**Рис.1. Факторы, влияющие на развитие хлопково-текстильных кластеров в Республике Каракалпакстан (составлено автором, на основе изученных материалов)**

В частности в 8 хлопково-текстильных кластерах произведено 102,9 тыс. тонн волокна; в двух кластерах произведено 13 тыс. тонн пряжи, в двух

кластерах изготовлено 6,2 тыс. тонн готовых текстильных изделий, а также в трёх кластерах действуют семенно-масличные предприятия.

Также на 12 предприятиях хлопково-текстильного кластера Республики Каракалпакстан имеется 1365 единиц сельскохозяйственной техники. Из них 235 тракторов, 50 хлопкоуборочных машин, 31 лазерных планировщиков, 125 сеялок, 140 культиваторов и 784 других техник.

На сегодняшний день на предприятиях хлопково-текстильного кластера Республики Каракалпакстан работают 4421 рабочих (1365 постоянных и 2786 сезонных рабочих).

Хлопок является не скоропортящимся сырьем, не теряющим веса при переработке в пряжу или текстиль, поэтому близость к источнику сырья не является основным фактором. Поэтому внутренними факторами, влияющими на развитие хлопковой промышленности, являются наличие рабочей силы, близость к рынкам сбыта, энергоснабжение, наличие капитала или финансов. А к внешним можно отнести заинтересованность региональных и государственных властей в формировании кластера. Государство должно обеспечивать взаимодействие всех участников процесса, а также развитие соответствующей инфраструктуры.

Как отмечено выше, климат также является основным фактором. Сухой климат не подходит для массового производства хлопка, так как хлопковые нити рвутся и их приходится снова соединять вручную.

Таким образом, кластеризация региональной экономики является комплексным процессом, требующим системного подхода к его реализации и учёта ключевых факторов развития при принятий стратегических решений. Успех кластерного образования зависит от степени заинтересованности всех его участников.

**Список литературы:**

1. М.А.Рахматов, Б.З.Зарипов: «Кластер – интеграция, инновация и экономический рост»/ «Замин нашр» Ташкент – 2018. 167 стр.

2. Выступление Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева в ходе посещения кластера «Чуст текстиль» в Наманганской области 18 февраля 2021 года. Пресс-служба Президента Республики Узбекистан: http://www.press-service.uz

3. М.Портер. Конкуренция – М.: Издательский дом «Вильямс», 2001.

4. Ибрагимова Р.С., Головкин Д.С. «Ключевые факторы формирования условий развития инновационно-промышленного кластера»/ Вестник Пермского университета.-Том 14.№1-2019 г. 177-191 стр.

***Валиева Н.Х.*** *– ВШБП, предподаватель*

# НОВЫЕ ВОЗМОЖНОСТИ: ИНТЕРАКТИВНЫЕ 3D РУКОВОДСТВА ПО ПРИМЕНЕНИЮ ПРОДУКТА

Современный темп жизни обуславливается скоростью внедрения информационных технологий. Информационные технологии становятся неотъемлемой частью нашей жизни. Новая концепция интерактивных 3D-руководств по эксплуатации выведет на новый уровень участников цифровой экономики, тем самым ускоряя процесс цифровизации общества.

Актуальность данной работы обусловлена критикой о недостатках в руководстве по применению продукта. В 2006 году группой специалистов был проведен опрос, в результате которого было выявлено, что «инструкции не объясняют, что действительно нужно пользователям; они либо слишком многословны, либо трудны для понимания, содержат необычные технические термины, содержат плохой перевод и плохие визуальные эффекты». (см. Рисунок 1).

Обычно руководство пользователя может быть более чем в одном типе, включая цифровое (например, PDF), бумажное и даже видео.

Следует отметить, что многие печатные инструкции занимают огромное количество места для хранения, и их нелегко хранить и распространять.

**Рисунок №1. Результаты опроса качества инструкции по эксплуатации**




Для того чтобы сделать инструкции по применению продукта легко доступными, легко сохраняемыми и обновляемыми, их можно создавать и распространять в цифровом виде через сети, например, Интернет. Исследование показало, что многие иностранные компании предоставляют для пользователей интерактивное руководство - **i-manual**, например, компания SONI Corporation к телевизорам BRAVIA, или же компания LG на своем сайте предлагает онлайн руководство (online manual).

В России компания ООО «Ай-Джи-Эй Системы» (входит ГК IGA Technologies) разработчик программного обеспечения POWERGUIDE более десяти лет предлагает услуги по созданию 3D электронных руководств. Заказчиками являются ведущие предприятия ключевых отраслей экономики России. (См. Рисунок 2 Реализованный проект)




**Рисунок 2 Реализованный проект**

**PowerGuide** это – программное обеспечение для создания и использования интерактивных 3D инструкций по сборке, эксплуатации, техническому обслуживанию и ремонту. В отличие от бумажных руководств PowerGuide включает в себя интерактивные 3D-модели и реалистичные анимации. Все данные глубоко связаны между собой, что позволяет мгновенно находить всю связанную документацию и получать полное представление о технологических процессах в нужный момент.

Области применения **PowerGuide** –производственные инструкции по сборке; инструкции по эксплуатации; руководства по техническому обслуживанию и ремонту; системы обучения. Интерактивное руководство обеспечивает наглядным справочным материалом, наглядными иллюстрациями процедур эксплуатации сложных изделий.

Компанией IGA Technologies приводится таблица сравнения традиционных руководств с цифровыми. (См.Таблица1Сравните Power Guide с традиционными инструкциями)

Предполагается, что применение информационных технологий, в частности применение 3D в представлении инструкций по применению продукта выведет на качественно новый уровень коммуникации между производителем продукции и пользователями. Одним из важных моментов интерактивного руководства является анимация, позволяющая увидеть и представить сложную техническую информацию в доступном виде.

В ходе проведенного анализа преимуществ интерактивных 3D руководств по применению продуктов на материале зарубежных статей было выявлено

следующее:

Во-первых, поскольку это трехмерный аудиовизуальный формат, он более привлекателен. Во-вторых, поскольку он доступен на компакт-диске, он очень экономичен. В-третьих, значительно снижает затраты компаний на послепродажное обслуживание. По мнению это экономичный инструмент обмена знаниями о продукте.

**Таблица 1 Сравните Power Guide с традиционными инструкциями**[1]

| Критерий | Традиционные руководства | Цифровые руководства Power Guide |
|---|---|---|
| Форматы | Текстовые документы,2D-чертежи | Текстовое описание, 2D-чертежи, 3D-модели, анимация техпроцесса, фото/аудио/видео и другие |
| Устройства | ПК | ПК, планшет, смартфон, промышленный киоск, шлем виртуальной реальности |
| Поиск информации | Требуют много времени на поиск и сопоставление документов, создание копий и печать. | Поиск информации в базе данных мгновенно отобразит техпроцесс, эскизы, схемы, нормы времени и расхода материалов, оснастку и другие связанные данные |
| Отслеживание актуальной версии | Затруднено | Будьте уверены, что в доступе у пользователей всегда находится последняя актуальная версия документа |
| Накопление знаний | нет | Лучшие практики вносятся в электронную базу - вы не потеряете наработанный опыт с уходом опытных сотрудников. |
| Интерактивность | нет | Пользователь может взаимодействовать с информацией – выделять детали 3D-модели, подгружать любые связанные документы, добавленные в документы |
| Внесение изменений | Сложный процесс внесения изменений и контроля доставки и актуальности инструкций на рабочих местах | Регистрируйте изменения только один раз – все связанные данные изменятся автоматически |

В качестве заключения отметим, что будет уместным в рамках государственной программы «Цифровой Узбекистан 2030» внедрить практику создания интерактивного руководства для предприятий и других хозяйственных субъектов, выпускающих продукцию для экспорта, а также импортозамещающую, тем самым содействуя цифровой трансформации населения Узбекистана. Важно подчеркнуть, применение данных информационных технологий в Республике Узбекистан будет прорывом в сфере маркетинга и разработки продукта. Интерактивные 3D-руководства по продуктам - это будущее коммуникаций с точки зрения распространения важных знаний и информации о продуктах внутри компании и среди жизненно важных заинтересованных сторон компании, таких как поставщики и клиенты. Революционное применение 3D технологий повысит статус компании,

---
[1] https://3dpowerguide.com

обеспечит быстрое обеспечение инструкцией новых дизайнов моделей продукции, повысит эффективность продаж и сократит время на тренинг сотрудников отдела продаж.

**Список использованной литературы**


1.https://www.researchgate.net/publication/221919408_Product_Instructions_in_the_Dig ital_Age?
2.https://www.thecloudtutorial.com/what-is-a-user-manual/
3.https://sendpulse.com/support/glossary/product-knowledge
4.https://3dpowerguide.com/?utm_source=PPT&utm_medium=email&utm_campaign=P G#rec440841196
5.powerguide.pdf
6.http://kr.eguide.lgappstv.com/manual/w22_mr3/userguide_w22_mr3_e19_c.html
7.https://strategy.uz/index.php?news=1106&lang=ru



***Исломхужаев А.Ш.** – ОБМ, тингловчи*


## ЎЗБЕКИСТОН МИНТАҚАЛАРИДА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

Маълумки, ҳар қандай давлат ривожланишнинг юқори босқичларига интилар экан, авваламбор, доимий равишда давлат бошқарув институтлари фаолиятини такомиллаштириб, уларнинг самарадорлигини ошириши лозим. Мамлакатнинг иқтисодиётни рақамлаштириш тизимини модернизациялаш ва рақамли давр талабига монанд ўзгартириб бориш давлат тараққиётининг энг асосий омилларидан биридир. Шу сабабдан, рақамли иқтисодиётнинг жадал ривожланиши билан рақамли хатарларни минималлаштириш ва янги активларни қонунийлаштириш учун изчил, глобал ва кенг қамровли ҳуқуқий кафолатлар, шу жумладан, рақамли технологиялардан фойдаланишни тартибга солувчи ҳуқуқий ҳимоя кафолатларини яратиш зарур.

Ўзбекистон Республикаси АКТ соҳасини ривожлантириш бўйича ҳуқуқий ҳужжатларни таҳлил қиладиган бўлсак, рақамли иқтисодиётни ривожлантиришга алоқадор бўлган ҳуқуқий ҳужжатларнинг аксарияти 2000-2005 йиллар орасида қабул қилинган ва бугунги кунгача деярли ўзгартиришлар қа қўшимчалар киритилмаган. Амалдаги ҳуқуқий база рақамли иқтисодиёт ривожланишининг бугунги кун тенденциялари ва бизнес эҳтиёжларини акс эттирмайди. Онлайн харидни амалга ошираётган истеъмолчиларни ёки рақамли хизматлардан фойдаланувчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, улар маълумотлари махфийлиги, ишончлилиги ва хавфсизлигини таъминлашга қаратилган норматив-ҳуқуқий тартиблар етарли даражада такомиллаштирилмаган. Муаллифлик ҳуқуқи ва патентлар тўғрисидаги тартиблар эскириб кетган, уларда аниқ баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилмаган. Бундан ташқари, рақамли маконда бизнес ва истеъмолчилар ўртасидаги муносабатлар етарли даражада тартибга солинмаган.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида “рақамли маҳсулот”, “рақамли хизмат”, “рақамли контент” тушунчалари аниқ тавсифланманган. Интеллектуал мулк ва муаллифлик ҳуқуқини бериш бўйича аниқ билим ва кўникмаларни баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилмаган.

Биринчи навбатда, рақамли қонунчиликни ўзгартиришнинг умумий жиҳатларига эътибор қаратиш лозим, яъни рақамли трансформациядаги замонавий, фуқаролик, молиявий қонунчиликнинг мослашувчан имкониятлари, рақамли технологияларнинг фуқаролик ҳуқуқлари объекти сифатида ҳуқуқий табиати, рақамли иқтисодиётдаги шартномалар муносабатларининг ўзига хос хусусиятлари.

Шунга кўра, изланишларимиз давомида мамлакатимизда минтақавий рақамли иқтисодиётни тартибга солиш бўйича қуйидаги таклифлар бериш мумкин:

*Рақамли иқтисодиёт фаолиятига оид норматив-ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш.* Бугунги кунда АКТ соҳаси, хусусан, рақамли иқтисодиёт турли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинмоқда. Булар: Ўзбекистон Республикасининг “Алоқа тўғрисида”, “Телекоммуникациялар тўғрисида”, “Давлат харидлари тўғрисида”, “Электрон рақамли имзолар тўғрисида” ва “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги қонунлари, Солиқ кодекси, Фуқаролик кодекси, “Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг муаллифлик ҳуқуқи бўйича шартномасига (Женева, 1996 йил 20 декабрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида”, “Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикасининг “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги, “Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” ги, “Шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунлар билан тартибга солинади. ўриниб турибдики, юқоридаги ҳар бир қонунда рақамли иқтисодиётга тегишли нормалар қисман белгиланган. Бу эса тартибга солиш механизмларини такомиллаштиришни талаб этади.

Бунинг устига мавжуд қонунларга ўзгартиришлар киритилиши талаб этилади. Мисол сифатида “Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” ги Қонунга онлайн истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, махфийлиги, ишончи ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича норматив-ҳуқуқий тартибларни, онлайн истеъмолчининг кафолати ва хизмат шартномалари бўйича қўшимчалар киритиш муҳим ҳисобланади. “Шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунга эса шахсий маълумотлар маҳфийлигини таъминлаш тартибларини ишлаб чиқиш, болалар онлайн ҳимояси (Мажбурий ёшни аниқлаш) тизимларини жорий этиш масалалари қамраб олиниши лозим.

*Рақамли инфратузилманинг норматив-ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш.* Дрон ва бошқа илғор технологияларни қонуний тартибга солиш муайян қонунчилик ислоҳоти (авиация, транспорт, соғлиқни сақлаш, ахборот ва бошқалар) билан боғлиқдир. Илмий адабиётларда ақлли шартномаларни тартибга солишга томонларнинг ниятларини қимматли қоғозлар биржаси декларацияси ва расмийлаштириши нуқтаи назаридан катта аҳамият берилади.

Катта маълумотларнинг ҳуқуқий ҳолати масаласи ҳам долзарбдир. Ушбу масалаларга мисоллар сифатида унинг юридик фаолият, ҳуқуқий назорат ва катта маълумотлардан фойдаланиш билан боғлиқ юридик хатарларни баҳолашда фойдаланиш киради. Катта маълумотларнинг айланиши билан боғлиқ бўлган жамоатчилик муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш халқаро ҳуқуқий нормаларга асосланган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг барча соҳаларида ҳар томонлама амалга оширилиши зарурдир. Ҳозирги кунда жаҳонда катта маълумотлар таҳлилини ҳуқуқий тартибга солишнинг ягона модели мавжуд эмас. Шу сабаб, катта маълумотни қайта ишлаш технологияларини қўллашда инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлашга қаратилган “Европа модели” ҳамда ушбу технологиялар ва сунъий интеллектни ривожлантиришга йўналтирилган “Америка модели”га асосланиш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, катта маълумотларни қайта ишлаш технологиялари соҳасида, шу жумладан, буюмлар Интернети қурилмалари томонидан маълумотларни йиғиш соҳасида стандартлаштириш ва техник регламентни ишлаб чиқиш таклиф этилади. Бундан ташқари, катта муълумотлар даврида шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш бўйича кўрсатмалар ишлаб чиқиш талаб этилади.

*Шу билан бирга, ушбу қонунларни яратиш мақсадида Олий Мажлис Қонунчилик палатасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бўйича махсус комиссия тузиш таклиф этилади.* Мазкур комиссия зиммасига “Рақамли иқтисодиёт тўғрисида”ги Қонунга бугунги кундаги рақамли иқтисодиётни ривожлантириш тенденциялари талаб этаётган “криптовалюта”, “рақамли ҳуқуқ”, “ақлли (смарт) шартномалар”, “рақамли фуқаролик муносабатлари”, “рақамли объектлар ва субъектлар”, “рақамли мулк”, “майнинг”, “хакатон” ва бошқа шу каби атамалар ҳамда уларнинг тушунчалари бўйича таклифлар киритиш, қонунчиликни такомиллаштириш, ҳаётга татбиқ этиш юзасидан назорат ўрнатиш каби вазифаларни юклатиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

*Иқтисодиётнинг асосий тармоқларини рақамлаштириш ва рақамли иқтисодиёт фаолиятини тартибга солувчи “Рақамли иқтисодиёт тўғрисида” қонун ишлаб чиқиш лозим,* деган хулосага келдик. Бунда рақамли иқтисодиёт иштирокчилари, объектлари ва субъектлари аниқланиши, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига аниқ таъриф берилиши талаб этилади.

*Шунингдек, Тошкент давлат юридик университетида “Рақамли иқтисодиёт ҳуқуқшунослиги” мутахассислиги жорий этилиши* таклиф этилади. Шу билан бирга, рақамли иқтисод соҳасида ҳуқуқшуносларнинг ҳуқуқий кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган қисқа муддатли курслар ташкил этилиши лозим.

Юқоридаги таклифларнинг амалга оширилиши натижасида рақамли иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш тартиблари аниқ белгиланади ва улар билан боғлиқ турли масалаларга аниқлик киритилади.

## Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сон “Рақамли Ўзбекистон – 2030 Стратегияси тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-60-сонли “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони.
3. Н. Гукасова, Нормативное и правовое регулирование цировой трансформации регионов России, , Вестник экспертного совета, №1 (16), 2019
4. Н.А. Поветкина Ю.В. Леднева «Финтех» и «регтех»: границы правового регулирования, Право. Журнал Высшей школы экономики. 2018
5. https://lex.uz/

***Каримов С.Н.** – ОБМ, тингловчи*

## РАҚАМЛИ ИНФРАТУЗИЛМАНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ АСОСЛАРИ ВА МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ТУТГАН ЎРНИ

Мамлакатимизда давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтиш белгилаб олинди. Инновацион ғоялар, юқори технологияларни ишлаб чиқариш учун замонавий билим ва мукаммал малакага эга мутахассисларни тайёрлаш, бунинг учун эса, миллий таълим тизимида кенг кўламли ислоҳотларни амалга ошириш талаб этилади.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, «...Ўзбекистонни технологик ривожлантириш ва ички бозорни модернизация қилиш бўйича кучли миллий ғоя, миллий дастур керак. Ушбу дастур Ўзбекистонни жаҳондаги тараққий топган мамлакатлар қаторига тезроқ олиб чиқишга имкон яратиши лозим[1]».

Мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида норматив-ҳуқуқий асослар қабул қилинди ва бу асослар мамлакат тармоқ ва соҳаларида янгиликларни жорий қилиш имконини берди.

Жумладан, Президентимизнинг 2017 йил 30 июндаги «Республикада ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»[2]ги Фармони АКТдан фойдаланишга асосланган иқтисодиётнинг юқори технологик тармоқларини шакллантириш ҳамда фаол ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш, ахборот технологиялари маҳсулотлари ишлаб чиқувчилар ва буюртмачиларига қўшимча имтиёзлар, преференциялар бериш ҳисобига ушбу тармоқда илм-фан, таълим ҳамда ишлаб чиқаришнинг интеграциялашувини янада чуқурлаштириш, АКТ маҳсулотлари экспортини кўпайтириш, шунингдек, маҳаллий ва хорижий инвестициялар жалб қилинишини рағбатлантиришда муҳим омил бўлмоқда.

Мазкур Фармон билан мамлакатимизда биринчи маротаба ахборот технологиялари соҳасида хўжалик юритувчи субъектларни, дастурий

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 22.12.2017. http://uza.uz/oz/documents/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-22-12-2017

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республикада ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони. [Электрон ресурс]: https://lex.uz/docs/3249651.

маҳсулотларни ишлаб чиқувчиларни бирлаштирадиган Ахборот технологияларини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этишни қўллаб-қувватлаш бўйича «Mirzo Ulugbek Innovation Center» инновация маркази тузилди.[1]

Ўзбекистонда электрон тижоратни ривожлантириш соҳасида олиб борилаётган ислоҳатлар бугунги кунда ўз самарасини бермоқда. Бугунги кунда юртимизда бюджет ташкилотлари бюджет маблағлари ҳисобига сотиб олаётган товар ва хизматларни 100 фоиз электрон савдо тизими орқали амалга оширишга ўтди. Бу, албатта, мамлакат миқёсида товар ва хизматларнинг шаффоф ва реал нархларда бўлишини таъминлашга, вақтнинг тежалишига, коррупциянинг олдини олишга ва бюджет маблағларининг тўғри ва самарали ишлатилишини таъминлашга хизмат қилмоқда. Ўзбекистоннинг бу соҳада эришган ютуқлари Жаҳон Банки ва турли халқаро ташкилотлар томонидан тан олинди ва унинг самарали эканлигини тасдиқлади. Бундан ташқари электрон тижоратнинг бошқа асосий сегментларида, яъни, B2C (бизнес ва аҳоли) , B2B (бизнес ва бизнес), C2C (аҳоли ва аҳоли), B2G (бизнес ва давлат)  йўналишларида ҳам туб ижобий ўзгаришлар содир бўлмоқда.

Ўзбекистон аҳолиси, айниқса ёшлар орасида электрон тижорат тизимлари соҳасида яратилган имкониятларда кенг фойдаланиш, турли солиқ, сув, электр хизматларини электрон тўлов тизимлари орқали амалга ошириш, турли электрониника молларини ва бошқа товарларни сотиб олишда Интернет тизими орқали амалга ошириш ва бошқа имкониятлардан фойдаланиш ҳоллари кенгайиб бормоқда. Айниқса пандемия шароитида электрон тижорат хизматлардан фойдаланиш ҳажми бир неча бараварга ошиб кетди. Турли товарларни (айниқса электроника ва таъминловчи қисмларни) АҚШ, Хитой ва бошқа давлатлардан электрон тижорат воситаси ёрдамида (Alibaba, Google, JD.com ва бошқалар) сотиб олиш ҳажми кундан-кунга ошиб бормоқда.

Тобора ҳажми ошиб бораётган электрон тижорат бозори маҳсулотлари бўлмиш турли, хориждан келаётган посилкалар ва майда пакетларнинг божхона

постлари бўйлаб кириб келиши, мисли кўрилмаган миқдордаги алмашинишни ташкил этмоқда ва турли мамлакатлар почта ва божхона хизматлари ўртасидаги ҳамкорликни ҳар қачонгидан ҳам мукаммал қилишни талаб қилмоқда. Мавжуд божхона тартиби ва тартибга солиш механизмлари бугунги кунда электрон тижоратнинг жадал ўсишига мослашиши талаб этилмоқда. Янги электрон тижорат бозорининг ривожланиб бориши Умумжаҳон почта иттифоқининг Халқаро божхона ва транспорт идоралари (Умумжаҳон божхона ташкилоти), Халқаро ҳаво транспорти ассоциацияси, Халқаро фуқаро авиацияси ассоциацияси билан глобал логистика тармоғининг узлуксиз, мувофиқлаштирилган ва ишончли ишлашини таъминлаш масаласида ўзаро ҳамкорликни кучайтиришни талаб қилади.

Ўзбекистонда электрон тижорат тизимини ривожлантириш шароитида ҳал қилиниши керак бўлган бир қанча вазифалар мавжуд бўлиб, улардан бири, бу хорижий интернет-дўконларидан товарларни етказиб бериш вақтини қисқартириш ва бизнинг интернет дўконлардан хорижга юборилаётган товарларнинг ўтказилишини енгиллатиш лозим бўлади. Хусусан, бу борада халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда, “махсус” божхона омборхоналарини яратиш ва улар фаолиятини тўлиқ автоматлаштириш ҳам кенг қулайлик туғдирар эди. Бунинг учун Ўзбекистон, Туркманистон, Тожикистон, Қозоғистон ва яқин келажакда Афғонистон бозорларига йўналтирилган бонд зоналарини яратиш мумкин. Бу эса, Ўзбекистоннинг қўшни давлатлар билан трансчегаравий савдо алоқаларининг янада ривожланишига, яратилажак божхона “бонд зоналари” электрон тижорат орқали жўнатилаётган товарларнинг етказилиб берилишининг тезлашишига ва мижозлар учун қулайликларнинг янада ортишига имконият яратади. Шу билан бирга, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган товарларнинг ҳам электрон тижорат йўли билан бошқа давлатларга жўнатиш йўлларининг механизмларини ишлаб чиқиш лозим бўлади. Бу масалаларни мутахассислар иштирокида синчковлик билан ўрганиб чиқиш ва лозим бўлганда мавжуд норматив ҳужжатларга тузатишлар киритиш орқали амалга ошириш мумкин.

Яқин келажакда жаҳон савдо айланмаси тез, қулай ва арзон бўлган электрон тижорат тизимига тўлиқ ўтишга ҳозирлик кўряпти ва уни ўзига тўлиқ мослаштирган, қулайлик ва афзалликларидан кенг фойдаланаётган мамлакатлар катта имкониятларга эга бўлиши, жуда кўплаб аҳолининг иш билан таъминланиши кўзланяпти. Мамлакатимизда электрон тижоратни ривожлантириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бўлиб қолмоқда ва уни янада тараққий эттириш йўлларини излаб топиш, амалиётга татбиқ этиш муҳим вазифалардан бирига айланиши учун барча имкониятларни ишга солишимиз зарур бўлади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Oʻzbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning mamlakatimiz tadbirkorlari bilan ochiq muloqot shaklidagi uchrashuvda soʻzlagan nutqi. *https://president.uz/uz/lists/view/4551*

2. YAIDXP portalining tadbirkorlik sub’ektlarini ro’yxatdan o’tkazish moduli. *https://fo.birdarcha.uz*

***Ишмухамедов Б.Ж.** – ОБМ, бўлим бошлиғи*

## ВАҚТИНЧА ИШСИЗ ШАХСЛАРНИ ЎЗ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТЛАРИНИ БОШЛАШДАГИ МУТАХАССИСЛИККА ТАЙЁРЛАШ ВА ҚАЙТА ЎҚИТИШ МЕХАНИЗМИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Жаҳон миқёсидаги мураккаб жараёнларни ва мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт натижаларини чуқур таҳлил қилган ҳолда кейинги йилларда «Инсон қадри учун» тамойили асосида халқимизнинг фаровонлигини янада ошириш, иқтисодиёт тармоқларини трансформация қилиш ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш ҳамда фаол фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган ислоҳотларнинг устувор йўналишларини белгилаш мақсадида:

– Тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш ва доимий даромад манбаларини шакллантириш учун шароитлар яратиш, хусусий секторнинг Ялпи ички маҳсулотдаги улушини 80 фоизга ва экспортдаги улушини 60 фоизга етказиш.

– Ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан «Очиқ мулоқоти»ни ўтказиш.

– Ҳудудларда 200 та янги саноат зоналарини ташкил этиш ва бизнес-инкубаторлар тизимини ривожлантириш. Шароити оғир бўлган туманларда тадбиркорликни ривожлантириш учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш.

– Илғор хорижий тажриба асосида факторинг амалиётини ривожлантириш.

– 2026 йилга бориб тадбиркорлик субъектларига солиқ юкламасини ялпи ички маҳсулотнинг 27,5 фоизидан 25 фоизи даражасига камайтириш.

– Ҳудудларда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш бўйича мавжуд тузилмалар фаолиятини такомиллаштириш.

– Тадбиркорлик субъектлари ўз фаолиятини бошлаши учун зарур маълумотларни эркин фойдаланишга чиқариш. Қурилиш фаолиятида қурилиш нуқсонлари ёки муаммоларининг олдини олиш.

– Иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш ва хусусий секторга кенг йўл очиш. Иқтисодий муносабатларда эркин бозор тамойилларини жорий этишни кенгайтириш каби ишлар бажарилимоқда.

Жорий йилда мактаб ва ўрта махсус таълим муассасалари битирувчилари – мос равишда 404 минг ва 151 минг нафар ёшлар меҳнат бозорига киришади. Уларнинг касбий ёъналиши ва бандлиги масаласи кескин. Бироқ 330 та касб-ҳунар мактаби, 173 та коллеж ва 207 та техникум тизими кутилган натижани бермаяпти. Уларнинг қувватларидан атиги 40-50 фоиз фойдаланилади. “Ишга марҳамат” мономарказлари ишсизларнинг атиги 10 фоизини қамраб олади.

Кўпгина коллеж ва техникумларда ўқув дастурлари эскирган, профессионал дарсликлар, 1350 номдаги адабиётлар етарли эмас. Натижада иш берувчилар ишчиларни қайта тайёрлашга мажбур. Шу муносабат билан йиғилишда касб-ҳунар таълимини замон талабларига мослаштириш бўйича янги тизим жорий этиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Бу борада, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Камбағал ва ишсиз фуқароларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларнинг меҳнат фаоллигини ошириш ва касб-ҳунарга ўқитишга қаратилган ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" қарор қилинди. Унда ишсиз ҳамда иш қидираётган шахсларни меҳнат бозорининг жорий ва истиқболдаги эҳтиёжлари асосида касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш тартибини назарда тутувчи Ишсиз ва иш қидираётган шахсларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини оширишни ташкил этишдан иборат.

Мамлакатимизда тажриба сифатида "Ишга марҳамат" мономаркази ташкил этилиб, илк фаолиятини 2019 йил сентябрь ойида Яшнобод туманида бошлаган эди. Йилига 5 минг 600 кишини ўқитиш имкониятига эга марказда талаб юқори бўлган қурилиш, маиший хизмат, техник-муҳандислик каби соҳалар бўйича жами 22 та касбга ўргатиш йўлга қўйилди. Бунинг учун марказда зарур техник воситалар, инновацион хоналар, малакали педагоглар жамоаси яратилди.

Таҳлилларга кўра, Сўнги маълумотларга кўра, 2023- йил 1-январ ҳолатига мамлакатдаги доимий аҳоли сони 36 024,9 минг кишини ташкил этди. Шундан меҳнатга лаёқатли ёшдан кичик аҳоли сони 11 432,3 минг кишини, меҳнатга лаёқатли ёшдагилар 20 464,5 минг кишини ва меҳнатга лаёқатли ёшдан катталар 4 128,1 минг кишини ташкил этган. (1-расм)




**Манба: Ўзб.рес. статистика 01.01.2023 йилга тақдим этилган маълумотларидан.**

Худди шу ўринда, 2023- йил 1-январ ҳолатига мамлакатдаги доимий аҳоли жами сонини фоиз улушига нисбатан қуйидаги кўнишида, яъни меҳнатга лаёқатли ёшдан кичик аҳоли сони улуши (31,7%), меҳнатга лаёқатли ёшдагилар улуши (56,8%) ва меҳнатга лаёқатли ёшдан катталар улуши (11,5%) ташкил этган.(2-расм)




**Манба: Ўзб.рес. статистика 01.01.2023 йилга тақдим этилган маълумотларидан.**

Айни шундай аҳоли қатламидан ишсиз ва иш қидираётган шахсларни касб-ҳунарга, тадбиркорликка ва хорижий тилларга ўқитиш, шунингдек, белгиланган тартибда хорижга вақтинча ишга жойлашиш учун кетаётган фуқароларни олдиндан мослаштириш, шу жумладан, уларни касб-ҳунар, тадбиркорлик ва чет тилларига ўқитиш Мономарказларининг асосий мақсадларидан биридир.

Мономарказ хизматидан фойдаланётган ва касб-ҳунар ўрганиш истагида мурожаат қилаётганларнинг кўпчилигини хотин-қизлар ташкил қилади. Марказнинг қисқа муддатли фаолияти натижаси бундай муассаса аҳоли, айниқса, кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож аёллар бандлигини таъминлашда муҳим ўрин тутаётгани, унинг филиалларини республиканинг бошқа ҳудудларида ҳам очишга эҳтиёж ва талаб юқорилигини кўрсатди.

Хозирда, Президентимизнинг "Камбағал ва ишсиз аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш, уларнинг меҳнат фаоллигини ошириш ва касб-ҳунарга ўқитишга қаратилган ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори мономарказлар сонини кўпайтириш учун меъёрий асос бўлди. Айни пайтда босқичма-босқич мамлакатимизнинг 15 та ҳудудида "Ишга марҳамат" мономарказлари аҳолига ўз хизматларини кўрсатиб келмоқда.

Мономарказнинг асосий фаолиятларига банд бўлмаган аҳолини ишга жойлаштириш, касб-ҳунар, хорижий тил курслари, рақамли технологияларга ўқитиш, ижтимоий қўллаб-кувватлаш ва ҳимоя қилиш, шунингдек, тадбиркорликни ривожлантириш бўйича ўқитиш ва тадбиркорликка жалб қилиш, фуқароларга психологик ва юридик хизмат кўрсатиш каби йўналишлардан иборатдир.(1-жадвал)

Бу ерга келган инсонларга, аввало, бандлик масалалари бўйича маслаҳат хизмати кўрсатилади. Доимий ишга эга бўлмаса, бўш иш ўринлари таклиф этилади. Ижтимоий ҳимояга муҳтож мурожаатчилар доимий квотали иш билан таъминланиши ҳам мумкин. Касбий малака талаб этиладиган ишни танлаганлар эса шу ердаги қисқа муддатли ўқув курсларга жалб қилинади. Одатда, курслар 1 ойдан 4 ойгача давом этади. Ҳар бир курс учун белгиланган ўқитиш муддатлари ва соатлар ҳажми тегишли соҳа мутахассислари, иш берувчилар, "World Skills" ҳамжамияти стандарти, меҳнат бозори талаб, таклиф ва эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган. Ўқув машғулотлари бошқа таълим тизимидан

фарқли ўлароқ 30 фоиз назарий ва 70 фоиз амалий тарзда олиб борилади. Курсларнинг битирувчиларига ўрта махсус дипломи даражасига тенглаштирилган давлат намунасидаги сертификат берилади. Бугунга қадар мавжуд мономарказларда жами 1 570 нафар тингловчи ўқишни тугатган бўлса, яна 2 889 нафари айни пайтда тегишли касб-ҳунар бўйича таҳсил оляпти.

(1-жадвал)

**Мономарказнинг асосий хизмат турлари рўйхати**

| КАСБЛАР | КУРСЛАР | ХИЗМАТЛАР |
|---|---|---|
| 1. Нейл-стилист | 1.Веб-дастурлаш | 1.Малакани баҳолаш маркази |
| 2. Ошпаз | 2.Ўрта малакали бухгалтер | 2.Москва шаҳридаги кўп тармоқли миграция маркази ваколатхонаси |
| 3. Қандолатчи | 3.Компютер саводхонлиги | 3.Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази |
| 4. Батлер | 4.Рус тили | 4.Ўқув-маслаҳат офиси |
| 5. Тикувчи | 5.Инглиз тили | 5.Психологик хизмат |
| 6. Косметолог | 6.Турк тили | |
| 7. Аёллар сартароши | 7.Япон тили | |
| 8. Эркаклар сартароши | 8.Тадбиркорлик асослари | |
| 9. Уқаловчи | | |
| 10. Энагалик | | |
| 11. Кадрлар бўйича инспектор | | |
| 12. Юк кўтариш кранлари оператори | | |
| 13. Маъший техникаларни таъмирлаш | | |
| 14. Сантехника устаси | | |
| 15. Электр устаси | | |
| 16. Токарлик ишлари устаси | | |
| 17. Пайвандчилик устаси | | |

**Манба: "Ишга марҳамат" мономаркази расмий сайтидан**

Касбий малака кўникмалар тизимини янгилаш борасида Германия давлати тажрибасидан фойдаланилган холда, аҳолини касб-ҳунарга тайёрлаш ва мономарказлар фаолиятини такомиллаштириш йўналишида профессионал таълим тизимини тубдан такомиллаштириш ва дуал таълимни амалиётга самарали жорий этиш бўйича чора тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу аснода, Германия халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ)нинг ўрни муҳим хисобланади. Унда Ўзбекистон билан Германия халқаро ҳамкорлик жамияти бутун дунё бўйлаб барқарор ривожланиш соҳасидаги мақсадларига эришишда қўллаб-қувватланиши каби мақсад ва вазифаларида аниқ белгиланган.

Ўзбекистоннинг Берлиндаги элчихонаси ва Германия халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ) кўмагида Федерал профессионал таълими институти (BIBB), Германиянинг профессионал таълими соҳасида халқаро ҳамкорлик бюроси (GOVET), Савдо-саноат палатаси, йирик иш берувчилар ҳамда ёшларни касбга ўқитиш марказлари вакиллари билан ўзаро ҳамкорлик ўрнатилган.

Шунингдек, Вердау касбга ўқитиш маркази ва Саксония иқтисодий таълим маркази тажрибаси бўйича Ўзбекистонда дуал таълимни ривожлантириш механизмини ишлаб чиқиш, профессионал таълим дастурларини трансформация қилиш, ёшларни касбга йўналтириш ва профессионал таълим муассасалари ўқитувчиларининг малакасини ошириш ҳамда битирувчиларни баҳолаш ва сертификатлаш борасида ҳамкорлик йўлга қўйилган.

“Ўзбекистонда профессионал таълим тизимини ислоҳ қилиш ва модернизациялаш жараёнларини қўллаб-қувватлаш” лойиҳаси 2024 йилга қадар амалга оширилиши режалаштирилган бўлиб, унинг қиймати 7 миллион еврони ташкил қилади. Ушбу лойиҳа доирасида 650 нафар ўзбекистонлик мутахассисларнинг Германияда ва Ўзбекистонда турли йўналишлар бўйича касбий таълим соҳасида малака ошириши кўзда тутилган.

Хусусан, Мономарказда хорижий тилларни ўқитиш ҳам кенг йўлга қўйилган бўлиб, айни пайтда инглиз, япон, хитой, корейс ва рус тилларини ўқитиш бўйича қисқа муддатли (1-3 ой) курслар ташкил этилган. Ўқиш якунида якуний малака имтиҳонлари ўтказилиб, ундан муваффақиятли ўтганларга давлат намунасидаги  сертификат берилади. Марказ тил ўқитиш курсларига хорижлик мутахассисларни жалб этиш бўйича Россия давлат халқлар дўстлиги университети, Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA), Нанкин политехника институти билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган.

Ҳозирги кунда билим даражасини белгилаб берувчи ҳужжатлар орқали ишга қабул қилиш тизими оммалашган. IELTS, TOEFL, HSK, JLPT каби тилни ўзлаштирганлик даражасини тасдиқловчи сертификатларни мисол қилиб келтириш мумкин. Халқаро меҳнат бозорида ҳам шу каби меҳнатга оид касб даражасини белгиловчи сертификатларга эҳтиёж борлиги, иш берувчи халқаро миқёсдаги корхона ва ташкилотлар томонидан ушбу ҳужжатларнинг алоҳида эътироф этилиши ва инобатга олиниши яққол кўзга ташланмоқда.

Ўзбекистон 2020 йилнинг 17 январида дунё бўйлаб ишчи касбларнинг мақоми ва стандартларини ошириш, халқаро танловлар орқали замонавий касбларни оммалаштиришни мақсад қилган “World Skills International” халқаро ҳаракатининг 83-аъзоси сифатида қабул қилинди. Шунингдек, Ишчи касбларни ривожлантириш ва оммалаштириш ассоциацияси негизида “World Skills Uzbekistan” уюшмаси ташкил этилди. Натижада юртимизда мазкур халқаро ҳамжамият томонидан белгиланган стандартлар асосида 2021 йилнинг 1 январидан бошлаб “Ишга марҳамат” мономарказларида Касбий малакани баҳолаш марказидаги синов имтиҳонлари асосида “Skills” паспорти берилиши босқичма-босқич йўлга қўйилган.

Мазкур паспорт меҳнат вазифалари ва асосий кўникмаларнинг батафсил тақсимланишини шунингдек, инсоннинг маълум қобилиятларни қанчалик эгаллаганини таъминлай олади.

Аҳамиятли жиҳати, мазкур касбий малака паспорти ўрта махсус касб-ҳунар таълими дипломи даражасига тенглаштирилади ва эгаллаган билимларни меҳнат фаолиятида амалга ошириш ҳуқуқини беради. Бундай паспортни мамлакатимизда ўтказиладиган халқаро стандартлар бўйича имтиҳонларни муваффақиятли топширган исталган киши олиши мумкин. Аммо шуни унутмаслик керакки, бу паспорт таълимнинг кейинги турини давом эттиришга асос бўлмаслиги мумкин.

**Хулоса** ўрнида таъкидлаш жоизки, ўқув машғулотларини самарали ташкил этиш мақсадида мономарказ тингловчиларининг ёши, ижтимоий ва жисмоний ҳолатини инобатга олган ҳолда дарс ўтишнинг турли инновацион методикалари яратилмоқда. Юртимизда долзарб масалага айланган "Темир дафтар" ва "Аёллар дафтари"га киритилган ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, уларнинг жамиятда ўз ўрнини топишига кўмаклашишга қаратилган тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Шу кунга қадар мономарказда 1200 дан ортиқ банд бўлмаган аҳоли, хусусан, ёшлар ўқув курсларини якунладилар. Уларнинг 700 дан ортиғини хотин-қизлар ташкил этиб, мономарказ сертификатларига эга бўлдилар. Булардан ташқари айтиш мумкинки, Тошкент шаҳридаги "Ишга марҳамат" мономарказида шаҳримиз ҳамда чекка ҳудудларда жойлашган 50 та маҳаллалардаги "Аёллар дафтари"га киритилган 200 дан ортиқ хотин-қизлар "Сартарошлик санъати" касбида ўқитилмоқда. Республика бўйлаб ташкил этилаётган "Тадбиркорлик асослари" ўқув курслари орқали ёши ва жинсидан қатъий назар ўз тадбиркорлигини бошламоқчи бўлган аҳолига ҳуқуқий билим ва кўникмалар берилиб, молиявий манбаларга йўналтирилмоқда.

Айни шу каби ўқув курсларини тамомлаб, ўз ишини йўлга қўйиб олган юзлаб инсонлар оилаларига даромад олиб кириш баробарида, бошқаларни ҳам иш билан таъминланишга замин яратиш имконини беради.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1) Oʻzbekiston Respublikasi Prezidentining "2022 — 2026-yillarga moʻljallangan yangi OʻZbekistonning taraqqiyot strategiyasi toʻgʻrisida" PF-60-son Farmoni, 28.01.2022 yil.

2) Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Камбағал ва ишсиз фуқароларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларнинг меҳнат фаоллигини ошириш ва касб-ҳунарга ўқитишга қаратилган ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2020 йил 11 августдаги ПҚ-4804-сон қарори.

3) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Камбағал ва ишсиз фуқароларни касб-ҳунарга ўқитиш тизимини такомиллаштириш ҳамда меҳнат органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 183-сон Қарори, 05.04.2021 йил.

4) Dunyo ахборот агнетлиги расмий сайти. БЕРЛИН, 18 октябрь. /«Дунё» АА/, https://dunyo.info/
5) "Ишга марҳамат" мономаркази расмий сайтидан https://monomarkaz.uz/index.html#

***Алиқориев О.Ф.*** *– ОБМ бўлим бошлиғи, и.ф.н., доц.*

## ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРНИНГ ИСЛОМ БАНКЧИЛИГИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ТАЖРИБАСИ

Маълумки, ислом банкчилиги шариатга асосланган молиявий воситачилик тизими бўлиб, барча банк операциялари ва битимларида фоизлар ўрнига жамиятда адолат ва тенгликни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган фойда ва зарарни тақсимлаш механизми қўлланилади. Бунда, банк кредитор сифатида эмас, балки бизнесда шерик сифатида қаралади.

Дарҳақиқат, ислом банклари мазмуни ва тузилиши жиҳатидан ўзига хос бўлган ва реал активлар билан таъминланган бир қатор молиявий воситаларни таклиф этади. Ислом молиявий воситаларининг хусусияти қуйидаги тамойилларга асосланади:

- ✓ Фоизларни қўлламаслик;
- ✓ қўшимча қиймат яратиш;
- ✓ реал активлар билан таъминланганлик;
- ✓ ахлоқий ва маънавий жиҳатларни ҳам қамраб олиш;
- ✓ капиталда иштирок этиш орқали фойда ва зарарни тақсимлаш;
- ✓ ҳар бир томоннинг ахборот бўйича тенг билимларга эга бўлишини таъминлаш”[1].

Бинобарин, 2020 йилда глобал ислом банкчилиги активлари 2,3 трлн. АҚШ долларидан ортиб, сўнгги икки йил ичида унинг йиллик ўсиши 14-15% ни, бутун исломий молиялаштириш ҳажмидаги улуши эса, қарийб 70% ни ташкил этмоқда. Унинг ҳажми 2025 йилга бориб, 2020 йилга нисбатан 1,4 бараварга ортиб, 3,3 трлн. АҚШ долларига етиши прогноз қилинмоқда. Дарчаларни ҳам қўшиб ҳисоблаганда, бутун дунё бўйлаб 74 та мамлакатда жами 527 та Ислом банклари фаолият кўрсатмоқда. 2020 йилда уларнинг 54% и ижобий натижаларга эришган бўлсалар, 81% и ўз фаолиятини соф фойда билан якунлаган[2].

Ислом банкчилиги тизимли аҳамиятга эга бўлган мамлакатлар (масалан, Эрон, Саудия Арабистони, Малайзия, БАА, Қувайт, Қатар, Баҳрайн каби) ислом банкчилиги активларининг аксарият қисмини (90% дан ортиқ) эгаллайди (2-расм) ва исломий молия соҳасининг ўсишини ҳаракатлантирувчи куч бўлиб ҳисобланади.

[1] Ҳасанов Ҳ., Исломий молия асослари, “Ўзбекистон” НМИУ 2019.
[2] REFINITIVE Islamic Finance Development Report 2021




**1-расм. 2015-2020 йилларда ислом банкчилиги активларининг ўсиши[1]**

Мамлакатлар тизимли аҳамиятга эга ҳисобланади, агарда “мамлакатдаги жами ислом банкчилиги активлари унинг умумий ички банк сектори активларининг 15% идан ортиғини ташкил этса ёки глобал ислом банкчилиги активларининг камида 5% ини эгалласа ва ислом банкчилиги сегменти ислом молиясининг тизимли аҳамияти учун мезон сифатида қаралса, чунки исломий молиявий активларнинг қарийб 80% и банк секторида жойлашган”[2].




**2-расм. 2020 йилда дунё мамлакатларининг глобал ислом банкчилиги активларидаги улушлари[3]**

Бироқ, ўсиш фақатгина тизимли аҳамиятга эга бўлган мамлакатлардагина эмас. Туркия, Бангладеш ва Индонезия каби бошқа давлатлар ҳам Исломий молия секторининг ўсишига салмоқли ҳисса қўшмоқда. Бу мамлакатлардаги ўсиш ҳукуматлар томонидан Исломий молия соҳасини тартибга солиш ва инфратузилмани қўллаб-қувватлашга қаратилган ҳаракатлар натижасидир.

Ислом банкчилигининг барқарор ўсиши кўп жиҳатдан дунё аҳолисининг барча қатламлари орасида мижозлар томонидан қабул қилиниши ва афзал кўрилишига боғлиқ. Глобал миқёсда Исломий молия саноати Исломий молиявий хизматлар Кенгаши, Исломий молиявий муассасалар учун Бухгалтерия ва аудит ташкилоти, Халқаро ислом фиқҳи академияси каби инфратузилмавий муассасалар сабабли ўсишда давом этиши кутилмоқда.

[1] Ўша манба
[2] Islamic Financial Services Board, 2015
[3] REFINITIVE Islamic Finance Development Report 2021

“Кўпчилик мамлакатлар ислом банкчилиги ва молиясини жорий этиш ҳамда ривожлантириш учун исломий молиялаштиришни ривожлантириш стратегияларини ишлаб чиқдилар. Ушбу стратегияларнинг мақсадлари исломий молиялаштириш ҳақида аҳолининг хабардорлигини ошириш, унинг ривожланиши учун яхшироқ инфратузилмани яратиш, соҳада ташаббуслар ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш ва инсон капиталини ривожлантиришдан иборат”[1]. “Бироқ, исломий молиялаштиришни иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналишлари қаторига қўймаган ва шу сабабли, стратегия ишлаб чиқмаган мамлакатлар ҳам бор (масалан, Ўзбекистон)”[2].

Исломий молиялаштиришни жорий этиш ва ривожлантириш бўйича тегишли стратегияларни ишлаб чиқишда етакчилик қилаётган мамлакатлар қаторига Малайзия, Туркия ва Қозоғистон мамлакатларини киритиш мумкин.

Туркия Иштирокчилик банклари ассоциацияси 2018 йилда иштирокчилик банкчилиги учун профессионал тамойиллар ва стандартларни белгилаш учун махсус қўмита тузди. Ушбу қўмита фоизсиз молиялаштириш бўйича малака сертификатларини ҳам ишлаб чиқди. Туркия ҳукумати томонидан Исломий молия имиджини тарғиб қилиш учун оммавий кампания олиб борилиши ҳамда Ғазначилик томонидан ишлаб чиқилган лойиҳалар Музорабадан фойдаланган ҳолда Ислом банклари томонидан молиялаштирилиши белгиланди.

Покистон исломий молиялаштиришда томонлар ўртасидаги келишмовчиликларни яхшироқ ҳал қилиш учун низоларни ҳал қилишнинг янги муқобил механизмини ишлаб чиқди, шунингдек, тўлиқ Шариат бошқаруви тизимини яратди.

Индонезия Банки исломий молия бозорини ривожлантиришнинг муҳим стратегиясини ишлаб чиқди. Ушбу стратегия исломий молия бозори сегментациясининг янги харитасини, маҳсулотни ривожлантириш дастурини, хизматларни яхшилаш дастурини, янги имидж дастурини ҳамда таълим ва корпоратив коммуникация дастурини ўз ичига қамраб олади.

“Исломий молиялаштиришни ривожлантириш стратегиясининг таркиби учун қуйидаги олтита компонент тавсия этилган:

1) Қонунчиликни такомиллаштириш ва соҳани тартибга солиш;
2) Шариат бошқаруви;
3) Инфратузилмани ривожлантириш;
4) Маҳсулот ва хизматлар ассортиментини кенгайтириш;
5) Ташаббуслар ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш;
6) Салоҳиятни ривожлантириш”[3].

Баъзи мамлакатлар Ислом молия инфратузилмасини ривожлантиришга катта ҳисса қўшдилар. Масалан, Малайзияда 2013 йилда “Исломий молиявий хизматлар тўғрисида”ги Қонун қабул қилинган. Ушбу Қонуннинг қабул қилиниши соҳани тартибга солишнинг янада аниқлигини таъминлашга хизмат қилади. Ушбу Қонунга кўра, Шариат олимлари тасдиқланган молиявий

---

[1] Developing Islamic Finance Strategies in the OIC Member Countries, COMCEC Coordination Office, 2016.
[2]Ҳасанов Ҳ., Исломий молия асослари, “Ўзбекистон” НМИУ 2019.
[3] Developing Islamic Finance Strategies in the OIC Member Countries, COMCEC Coordination Office, 2016.

маҳсулотлар учун қонуний жавобгарликни ўз зиммаларига оладилар. Қонунда жамғарма омонатлари ва инвестиция депозитлари бир-биридан фарқланади.

Хулоса қилганда, Ислом Ҳамкорлик Ташкилоти доирасида исломий молиялаштириш ривожланаётган кўпгина хорижий мамлакатлар, шу жумладан Малайзия, Индонезия, Туркия ва Қозоғистон каби давлатлар иккилик банк тизими ёндошуви йўлини танлаганлар. Хориж тажрибаси ўрганилган мамлакатлар ўзларининг ислом банкчилиги ва молиясини жорий этиш ва ривожлантириш стратегияларини ишлаб чиқишда, қонунчиликни такомиллаштириш, соҳани ҳуқуқий тартибга солиш, секторни давлат томонидан мувофиқлаштириш, исломий молиявий хизматлар бозорини ривожлантириш, маҳсулот ва хизматлар ассортиментини кенгайтириш, ахборот-тушинтириш ва хабардорликни ошириш ишларини олиб бориш, соҳада таълим ташаббусларини ривожлантириш, ходимлар салоҳиятини ошириш, тренинг ва сертификатлаш дастурларини ривожлантириш каби йўналишларга эътибор қаратганлар.

***Tirkashev B.I.*** *- Samarqand iqtisodiyot va servis instituti, magistr*

## RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA KICHIK BIZNES VA TADBIRKORLIK SUBYEKTLARI ORASIDA ELEKTRON-TIJORAT TIZIMIDAN FOYDALANISH IMKONIYATLARI

Elektron tijorat atamasining o‘zi deyarli 1950—1960-yillarda kompyuter paydo bo‘lganidan keyin darhol paydo bo‘ldi. Dastlabki dasturlardan biri bu transport chiptalariga buyurtma berish, shuningdek reyslarni tayyorlash uchun turli xizmatlar o‘rtasida ma’lumot almashishdan iborat bo‘lgan. U 1961-yil Massachusets texnologiyalar institutidan Leonard Kleinrok ma’lumotlarni uzatish uchun paketlarni kommutatsiya qilish nazariyasini ishlab chiqdi. Raqamli iqtisodiyot - bu siyosiy- iqtisodiy, ilmiy-ijtimoiy, madaniy va ma’rifiy munosabatlardagi aloqalarni raqamli texnologiyalarni qo‘llash yordamida amalga oshiruvchi yangi tizim bo‘lib, raqamli iqtisodiyot sharoitida “raqamli tadbirkorlik” alohida ahamiyatga egadir. Elektron tijoratning boshqa ta'riflari mavjud, masalan, bu foyda olish maqsadida tijorat faoliyati va kompyuter tarmoqlaridan foydalanish orqali tijorat tsiklni kompleks avtomatlashtirishga asoslangan. Prezident Sh. Mirziyiyevning 2019 yil 8 yanvardagi "Iqtisodiyotni yanada rivojlantirishni ta'minlash va iqtisodiy siyosat samaradorligini oshirishga doir qo'shimcha choratadbirlar to'g'risida" gi Farmoniga muvofiq, "Raqamli O'zbekiston-2030" Milliy raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish Strategiyani tayyorlash ko'zda tutilgan. Unda raqamli iqtisodiyotni jadal rivojlantirish va mamlakat aholisi hayoti sohalariga raqamli texnologiyalarni keng joriy etish bo'yicha asosiy vazifalar belgilanadi. Yutuqlar bilan birga muammolar mavjud, qilinadigan ishlar ko‘p, Prezident Sh.Mirziyov ta’kidlaganidek, “Albatta, raqamli iqtisodiyotni shakllantirish kerakli infratuzilma, ko‘p mablag‘ va mehnat resurslarini talab etishini juda yaxshi bilamiz. Biroq, qanchalik qiyin bo‘lmasin, bu ishga bugun kirishmasak, qachon kirishamiz? Ertaga juda kech bo‘ladi. Shu bois, raqamli

iqtisodiyotga faol o'tish – kelgusi 5 yildagi eng ustuvor vazifalarimizdan biri bo'ladi". Xalqaro amaliyotga yuzlanadigan bo'lsak, hozirgi kunda raqamli iqtisodiyot elektron tijorat va xizmatlar sohasi bilan cheklanib qolmay, balki hayotning har bir jabhasiga, xususan, sog'liqni saqlash, fan-ta'lim, qurilish, energetika, qishloq va suv xo'jaligi, transport, geologiya, kadastr, arxiv, internet-banking va boshqa sohalarga jadal kirib bormoqda va ularning har birida o'zining yuqori samaralarini bermoqda.

Adabiyot manbalarini va ilmiy nazariyalarni taxlil qilish shuni ko'rsatdiki, ilmiy qarashlarga qarab, mualliflar korxonalarda raqamli texnologiyalardan foydalanish orqali tijorat imkoniyatlarini kengaytirish va raqamli iqtisodiyot tushunchasiga ko`proq etibor qaratish zarurligini takidlaydilar. Elektron tijorat yoki elektron savdo (e-commerce) - bu elektron aloqa vositalaridan foydalangan holda mahsulotlar, xizmatlar va ma'lumotlarni sotib olish, sotish, o'tkazish yoki almashtirish jarayoni.Iqtisodchilar elektron tijoratni "kompyuter tarmoqlari yordamida amalga oshiriladigan operatsiyalar, moliyaviy va savdo operatsiyalari bilan bog'liq barcha biznes jarayonlarni qamrab oladigan milliy iqtisodiyot sohasi" deb ta'riflaydilar.[1] "Elektron tijorat to'g'risida" Qonunning 3-moddasiga (385-O'RQ, 22 may 2015 yil) muvofiq "Axborot tizimlaridan foydalangan holda amalga oshirilgan, tovarlarni sotish, ishlarni bajarish va xizmatlarga ko'rsatishga doir tadbirkorlik faoliyati elektron tijoratdir.Aholining barcha qismida ham raqamli malakaning yetarli emasligi raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish yo'ldagi yana bir to'siq bo'lib kelgan. Shuningdek, raqamli tovar aylanmasi ham past hisoblandi. Bu borada texnologiya olamida ko'pchilikka ma'lum bo'lgan "Microsoft" korporatsiyasi asoschisi Bill Geytsning bir fikrini eslash o'rinli: "Tez orada Yer sharida faqat ikki tur kompaniyalar mavjud bo'ladi. Birinchisi, internet orqali biznes qiluvchi va ikkinchisi, biznesdan chiqqan kompaniyalar". O'zbekiston Respublikasi Axborot texnologiyalari va kommunikatsiyalarini rivojlantirish vazirining birinchi o'rinbosari Olimjon Umarov ta'kidlashicha, raqamli iqtisodiyot alohida faoliyat turini emas, balki ishbilarmonlik, sanoat obyektlari, xizmatlarda axborot texnologiyalaridan faol foydalanishni anglatadi. Agar oddiy iqtisodiyotda moddiy buyumlar asosiy resurs hisoblansa, raqamli iqtisodiyotda bu qayta ishlanadigan hamda uzatiladigan axborot, ma'lumotlar bo'ladi. Raqamli iqtisodiyot raqamli texnologiyalarga asoslangan, elektron biznes, elektron tijorat bilan bog'langan, raqamli tovar va xizmatlar ishlab chiqarayotgan va taqdim etayotgan iqtisodiy faoliyatdir. "Taraqqiyot strategiyasi" markazi ijrochi direktori Eldor TULYAKOV. Raqamli iqtisodiyot – bu bizning voqeligimizni to'ldiruvchi virtual muhit (V. Ivanov). Raqamli iqtisodiyot – bu raqamli texnologiyalardan foydalaniladigan iqtisodiy ishlab chiqarish. (R. Mesheryakov). Raqamli iqtisodiyot elektron mahsulotlar va xizmatlar ishlab chiqarish va ularni elektron tijorat orqali tarqatish asosida: "elektron mahsulotlarga ixtisoslashgan biznes ishlab chiqarish jarayonlarini va pul o'tkazmalarini amalga oshiradi, shuningdek, Internet texnologi-yalardan foydalangan holda mijozlar bilan ishlash va ularni boshqarish

[1] "Elektron tijorat va biznes" Samarqand 2021.

bilan shug‘ullanadiR. (K. Asanov). Elektron tijorat – bu kompyuter tarmoqlari yordamida amalga oshiriladigan barcha moliyaviy va savdo operatsiyalarini va shu kabi operatsiyalar bilan bog‘liq bo‘lgan biznes jarayonlarini o‘z ichiga olgan iqtisodiyot sohasi hisoblanadi.

O`zbekistonda kichik biznes va tadbirkorliklarni rivojlantirishda amaliyotga qo`llaniladigan xorijiy yondashuvlarni emperik hamda nazariy jihatlarini izchil o`rganish hamda mamlakatimiz shart-sharoitlariga mos keladigan variantlarini taklif qilish nazarda tutilgan.

Hozirgi kunda electron tijorat foydalanuvchilari Markaziy Osiyo davlatlarida boshqa rivojlangan davlatlarga nisbatan sezilarli darajada kam. Bunga bir qator sabablar mavjud. Birinchidan, internet tarmog`idan kengroq foydalanish uchun tarmog`ga kirish imkoniyatlarinini kengaytirish, xarajatlarni kamaytirish shuningdek internet infratuzilmasini yaxshilash. Ko'pgina Markaziy Osiyo mamlakatlarida keng polosali simsiz texnologiyalar infratuzilmasi yetarli darajada rivojlangan bo'lsa-da, ba'zi qishloq va chekka hududlar ochiqligicha qolmoqda. Buni kuchli raqobat yoki mavjud operatorlar tomonidan infratuzilmani birgalikda bo'lishish orqali hal qilish mumkin. Internetga kirish narxini Internet almashinuv punktlarini (IXPs), internet provayderlari, kontent provayderlari va boshqalar o'z ma'lumotlar trafigini almashish uchun birlashtiradigan ob'ektlarni tashkil etish yoki mustahkamlash orqali ushlab turish mumkin. IXPlar mamlakat ichida ichki maqsadli trafikni ushlab turish orqali xarajatlarni kamaytiradi va xalqaro ma’lumotlar tranziti xarajatlarini tejashga yordam beradi. Ko'proq ma'lumot markazlariga ega bo'lish va mahalliy bulutli hisoblashlardan foydalanish elektron tijorat allaqachon rivojlanib borayotgan Xitoydan tashqaridagi biznes va tadbirkorlarning mamlakatda elektron tijorat saytlarini joylashtirish qobiliyatini oshiradi. Ikkinchidan, Kiberxavfsizlikni kuchaytirish hamda raqamli va moliyaviy savodxonlikni oshirish. Iste'molchilar onlayn xarid qilishda ularning ma'lumotlari xavfsiz bo'lishiga va muammolarga duch kelsa, xavfsizlik tarmoqlari mavjudligiga ishonch hosil qilishlari kerak. Markaziy Osiyo mamlakatlari, ularning aksariyati kiberxavfsizlikning turli chora-tadbirlari bo'yicha past o'rinda turadi - shifrlangan serverlardan foydalanishni ta'minlashi, kompaniyalardan xalqaro xavfsizlik sertifikatlariga ega bo'lishini talab qilishi va xavfsizlik hodisalariga javob berish guruhlarini yaratishi kerak. Iste’molchilarning online savdo tarmoqlariga va mobil to‘lov tizimlariga ishonchini oshirish ham muhim ahamiyatga ega. Buni iste’molchilar huquqlarini himoya qilish qoidalari, moliyaviy va raqamli savodxonlik bo‘yicha o‘qitish, mobil to‘lovlarning qulayligi va funksionalligi haqida xabardorligini oshirish orqali amalga oshirish mumkin. Uchinchidan, Yetkazib berish xizmatlarini ishonchli va arzonroq qilish. Iste'molchilar onlayn buyurtmalarini o'z vaqtida olishlariga ishonch hosil qilishlari kerak. Ko'pgina mamlakatlarda pochta yani yetkazib berish xizmatlarining asosiy qamrovi yuqori bo'lsa-da, ba'zilari hali ham qiyinchiliklarga duch kelmoqda. Onlayn iste'molchilarning talablarini qondirish uchun etkazib berish imkoniyatlari deyarli hamma joyda kengaytirilishi kerak, ular o'z xaridlarini kuzatishi va kuzatib borishi va kerak bo'lganda etkazib berishni uy manzillaridan ixtiyoriy qabul qilish

punktlariga, masalan, posilka qutilariga yo'naltirishi kerak. Xizmat sifatida integratsiyalashgan saqlash va yetkazib berishni ta'minlaydigan ob'ektlar ishlab chiqilishi kerak, chunki ular Markaziy Osiyoning aksariyat mamlakatlarida etishmayapti. Bunday xizmatni taqdim etish ko'proq savdogarlarni elektron tijoratga kirishga undaydi.[1]

Yuqoridagi tahlil va natijalardan ko`rinib turibdiki, mamlakatimizda electron tijorat tizimini yanada barqarorlashtirishda bu kichik biznes va tadbirkorlik subyektlariga berilgan imkoniyatlarni qo`llash albatta ularni ichki milliy bozorlarda shu bilan bir qatorda xalqaro bozorlarda ham o`z mavqeini egallash imkoniyatini beradi. Darhaqiqat, internet tarmog`i deyarli mavjud bo`lmagan hududlarda yashovchi aholi electron tijorat haqida ko`nikmaga ega emas. Birinchi imkoniyatdan foydalanish orqali ularga har qanday turdagi tovar va maxsulotlar haqidagi malumotlarni online berish imkoniyatini qo`lga kiritamiz.

**Foydalanilgan adabiyotlar**

1. Academic research in modern science.
2. “Elektron tijorat va biznes” Samarqand 2021.
3. “Electronic Commerce”, Gary Schneider, Course Technology, 2008.

Internet saytlar.

1. https://uz.wikipedia.org/wiki/Elektron_tijorat
2. Lex.uz
3. https://www.adb.org.ways-boost-e-commerce

***Холиёров У.Э.*** *- Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти, катта ўқитувчи*

## ЎРМОН ХЎЖАЛИГИНИ МОДЕРНИЗЦИЯЛАШ ЖАРАЁНЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Қишлоқ хўжалиги ва унга бевосита боғлиқ бўлган ўрмон хўжалиги ва табиий ўрмон ресурсларидан фойдаланиш жараёнларини комплекс тарзда модернизациялаш бошқа тармоқларга нисбатан кескин фарқ қилгани ҳолда, энг аввало тармоқнинг ўзига хос хусусиятларини алоҳида эътиборга олишни талаб қилади.

Мамлакатимизда иқтисодий ўсишни таъминлаш ва модернизациялаш учун мавжуд инсон ва табиий капиталдан рационал тарзда фойдаланишни талаб этади. Ўзбекистон республикасида МДҲ ва Осиё минтақасидаги давлатларга нисбатан табиий ресурсларга нисбатан бойлиги ҳам ушбу ресурслардан янада смарали ва оқилона фойдаланиш ижимиий-иқтисодий ўсиш суръатларини оширишда муҳим манбаа ҳам ҳисобланади. Ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг асосий йўли тармоқларни модернизациялаш ва инновацион ривожланиш йўлига ўтказишда комплекс тарзда ёндашиш талаб этилади.

[1] https://www.adb.org.ways-boost-e-commerce

Модернизациялаш жараёнлари нафақат тармоқда фаолият юритаётган ўрмончилик хўжаликлари фаолиятига балки уларда қўшимча фаолият турларини кенгайтириш, мавжуд саноат, хизмат кўрсатиш ва рекреацион ёки экотуризм туризм соҳаларини ривожланишига ҳам бевосита таъсир кўрсатади. Илмий манбаалар таҳлии кўрсатишича ўрмон хўжаликлари фаолиятини модернизациялаш ва инновацион ривожлантириш борасида бир-биридан кескин фарқланувчи икки хил қараш (ёндашув) мавжудлигини кўрсатмоқда. Биринчи ёндашув тарафдори бўлган олимлар ўрмон хўжалигини "анъанавий" паст даражада модернизациялашган ва инновацион ривожлантириш имкониятлари чекланган тармоқ эканлигини қайд этиб, унда асосан турдош бўлган бошқа тармоқлар учун жорий этилаётган инновацион ишланмалардан фойдаланилиши мумкин деб ҳисоблайдилар. Иккинчи қараш (ёндашув) тарафдорлари эса ўрмончилик тармоғи ўзининг узоқ "анъанавий" ривожланиш тарихига эгалиги ва бевостита ўзига хослиги жиҳатлари ушбу секторда ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишдан кўзланадиган асосий мақсадини истеъмолчилар талаби эмас балки балки якуний натижа ва стратегик мақсадлардан келиб чиқан ҳолда белгиланиши лозимлигини қайд этганлар. Қайд этилган ёндашувлар ўрмон хўжалигини модернизациялаш ва инновацион ривожлантиришга бевосита таъсир ўтувчи бошқа тармоқлардан фарқланувчи қуйидаги омилларга боғлиқдир:

- ўрмон хўжаликларида ишлаб чиқаришнинг асосий омили бу қайта тикланувчи табиий ўрмон ресурслари яъни давлат ёки хусусий тадбиркорлар ихтиёридаги ер майдонлари, сув ресурслари, турли табиий мевали боғлар ва дарахтзорлар, ёғоч материаллари в.х.к.;
- ўрмон хўжаликлари жойлашган худуд ва улардаги табиий иқлим шароитларидаги фарқланишлар. Зеро ушбу омиллар ўрмонларнинг табиий таркиби ва маҳсулдорлигига бевосита таъсир кўрсатади;
- ўрмон хўжаликларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлри ва ёғоч маҳсулотлари етиштирилиши уларнинг экотизим хизмати фаолияти билан биргаликда кечиши. Чунки экотизим хизматларини бир худуддан иккинчи худудга кўчириш имкониятларининг йўқлиги. Бунга мисол қили ўрмонларнинг ҳимоя ва биохилма-хилликни сақлаш каби функцияларини қайд этиш мумкин.

Таъкидлаш лозимки амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳатлар ва модернизациялаш тадбирлари бирданига кутилган натижаларни бермайди. Бу энг аввало турли мулкчилик асосида фаолият юритаётган қишлоқ хўжалик корхоналарига хўжалик ишларида, махсулотни етиштириш ва уни истеъмолчиларга етказиб беришда яратилган имкониятлар ва фаолият эркинлиги даражаси ҳамда модернизациялаш жараёнлари билан бевосита боғлиқдир.

Ишлаб чиқаришни модернизациялаш серқирра ва мураккаб жараёндир. У энг аввало корхоналарда узоқ вақтлардан буён фойдаланиб келинаётган, бугунги кунда ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан эскирган асбоб-ускуналарни фойдаланишдан чиқарилишини тақозо этади. Чунки, ишлаб чиқаришда жисмонан эскирган асбоб-ускуналарни қўллаш умумий ҳолда ресурслар сарфининг ошиб кетиши, нуқсонли ва яроқсиз маҳсулотларнинг ишлаб чиқарилиши, уларнинг сифати ҳамда истеъмол хусусиятларининг пасайишига

олиб келса, маънавий эскирган асбоб - ускуналар кўпроқ маҳсулотлар таннархининг нисбатан юқори бўлиши ёки истеъмолнинг замонавий даражасига жавоб бермаслиги орқали жиддий муаммоларни келтириб чиқаради.

Бироқ, шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, ҳозирда корхоналарда мавжуд бўлган ва ишлатилиб келаётган асбоб-ускуналарни замонавий жиҳозлар билан қисқа муддатда ва ялпи ҳолда алмаштириб бўлмайди. Бу биринчидан, жуда катта молиявий маблағларни тақозо эса, иккинчи томондан, амалдаги ишлаб чиқариш жараёнининг тўхтатиб қўйилишига олиб келади. Шунга кўра, корхонанинг кўлами, маҳсулотининг аҳамияти, техник-технологик ва молиявий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ушбу жараённи босқичма-босқич, изчил равишда амалга оширилиши муҳим ҳисобланади.

Эскирган асбоб-ускуналардан воз кечиш ўз ўрнида ишлаб чиқаришни замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозлаш вазифасини кўндаланг қўяди. Ишлаб чиқаришда замонавий техника ва технологияларнинг қўлланилиши қуйидаги имкониятларни келтириб чиқаради:

- жаҳон миқёсидаги талабларга жавоб берувчи, рақобатбардош маҳсулотларнинг ишлаб чиқарилиши;
- маҳсулот таннархининг аҳамиятли даражада пасайтирилиши ҳисобига корхона молиявий натижа ва имкониятларининг кенгайиши;
- хом ашё ва ресурсларнинг тежалиши;
- маҳсулот ва хизматлар янги турларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш орқали ишлаб чиқариш диверсификациясининг амалга оширилиши;
- атроф-муҳитга салбий таъсирнинг қисқариши ва ҳ.к.

Агар мазкур техника ва технологиялар инновацион тавсифга эга бўлса, яъни, илгари амалда қўлланилмаган ишланма ва ғояларга асосланган бўлса, у ҳолда улардан фойдаланишнинг иқтисодий- ижтимоий аҳамияти янада юқорироқ бўлади. Инновацион технологияларнинг ишлаб чиқаришга татбиқ этилиши ушбу соҳада қўлланиб келинаётган технологияларга нисбатан юқорироқ самарага эришиш имконини беради

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Атрохин В.Т. «Лесоводство».– Москва, издательство “Лесная промышленность”, 1970
2. Бердиев Э.Т, Салохиддинов Ғ.М, Хамраев Х.Ф “Ўрмончилик” –Тошкент, ТошДАУ Таҳририят-нашриёт бўлими, 2012
3. Бердиев Э.Т. Ўзбекистонда чаканда ўстириш.– Тошкент, ЎзР ФА Минитипографияси, 2015.

***Ахадов Б.А.*** *– ТМИ, мустақил изланувчи*

## БАНК РИСКЛАРИНИ БОШҚАРИШДА СУҒУРТАНИНГ РОЛИ

Ҳозирги замон иқтисодиётида банклар фаолияти иқтисодиётнинг етакчи ривожланиш омилига айланиб бормоқда, шу сабабли улар фаолиятидаги

рискларга эътибор кучаймоқда, сабаби банклар бир-бирига нисбатан агрессив фаолиятларини олиб боришмоқда, бунда улар юқори рискли оперциялар ва келишувларни амалга оширишлари сабаб бўлмоқда. Бу эса банк амалиёти ва назариясида рискларнинг хавфлилик даражаларини пасайтириш ёки олдини олиш амалиётларини такомиллаштиришни талаб қилиб қўймоқда. Аммо банк рискларининг иқтисодий моҳияти ҳақидаги қарашлар ҳозирги кунгача мунозарали бўлиб қолмоқда.

Банк риски – бу банк фаолиятини амалга ошириш жараёнида банк маблағларининг бир қисмини йўқотиш ёки даромад олаолмаслик шароитида ижобий натижага умид қилиб, банк операцияларини (депозит, кредит, инвестиция, валюта) ўтказишда, юқорида келтирилган салбий холларни юзага келиш эхтимолигидир деб таъкидлайди.

Банк риски – бу активларнинг йўқотилиши, режалаштирилган даромадларни олаолмаслик ёки банкнинг молиявий операциялари натижасида қўшимча харажатларнинг пайдо бўлиши кўринишидаги йўқотишлар, зарарлар эҳтимоли сифатида қарайдилар.

Банк риски – бу субъектив равишдаги объектив категория, бу банк фаолиятида ташқи ва ички омилларнинг ноаниқ таъсиридан келиб чиқадиган ҳодисаларнинг (кутилганидан фарқли) ривожланиш эҳтимоли юзага келган вазиятни акс эттиради.

Банк риски – бу юқори молиявий натижани олиш ва юзага келиши мумкин бўлган нохуш ҳолатларни бартараф этишга қаратилган ноаниқлик шароитида амалга ошириладиган фаолиятдир.

Банк фаолиятининг ўзига хослиги шундаки, банк томонидан рискларнинг юзага келиши, таъсири ва улар оқибатларини минималлаштиришга қаратилган ҳар қандай чора-тадбирлар улардан тўлиқ халос бўлишга имкон бермайди. Шунинг учун ҳам банк тизими олдида рискларни бошқариш ва унинг молиявий барқарорликка таъсирини камайтириш вазифаси туради. Банк рискларини суғурталаш банк капиталини катта зарарлардан ҳимоя қилишнинг самарали воситаси ҳисобланади.



**1-расм. Банк рискларини бошқаришнинг самарали усуллари**[1]

Банк рискларини бошқаришнинг самарали усулларига қўйидагилар киради (1-расм):

– хеджерлаш;

– рискдан қочиш;

– рискни лимитлаштириш;

– рискларни диверсификация қилиш;

– суғурта;

– махсус захира фондларини ташкил қилиш.

Буни кўпчилик иқтисодий ривожланган мамлакатларда ушбу молиявий ҳимоя воситасини узоқ вақт давомида муваффақиятли қўллаб келишлари тасдиқлаб турибти.

Рискларни суғурталаш – бу замонавий шароитда зарур бўлган банк рискларини бошқариш жараёнидир. Бу эҳтиёж доимий равишда турли рискларга таъсирчан бўлган банк фаолиятининг ўзида намоён бўлади.

Бунда жараённинг моҳияти шундан иборатки, суғурта компаниясини банкнинг ташкилий тузилмасини ҳар томонлама таҳлил қилиш орқали суғурта шартномасини тузиш йўли билан молиявий рискларни экспертизадан ўтказиш учун жалб этишдан иборат. Банк суғурта тизими суғурта объектлари ва рискларни қамраб олади, яъни:

– ҳамма муассаса ва ташкилотларга таълуқли рисклар;

– банкда молиявий операцияларни амалга ошириш учун хос бўлган рисклар.

Амалиётда қоидага кўра банклар таъсир қила олмайдиган рискларни суғурталайдилар. Бунда у қўйидагиларни қамраб олади: моддий бойликлар ва мол-мулклар; компьютер техникаси ва банк таъминотини; тўлов карталари (дебет ва кредит); кредитлар; депозитлар.

Банклараро бозорда рискларни суғурталаш ҳар томонлама афзал бўлиб ҳисобланади, молия институтлари орасида ишбилармонлик обрўсини ва банк мижозларининг сонини оширишга хизмат ққилади. Шунингдек, суғурта ташкилотларининг жалб этилиши замонавий банк маҳсулотлари ва хизматлари кўлами кенгайишига бевосита ижобий таъсир кўрсатиб келмоқда.

Банкларнинг суғурта компаниялари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлиги қўйидагиларда намоён бўлади:

1) банк бизнес фаолиятининг иқтисодий хавфсизлиги ва барқарорлиги;

2) банк маҳсулотлари кўламини кенгайтириш, шунингдек мижозларнинг даромадлари ва бўш маблағларини жалб қилиш ва улардан фойдаланиш.

Банк рискларини бошқариш тизимида суғурта муҳим ўрин тутади. Ушбу молиявий восита ҳимоянинг асосий тамойилларини қамраб олади ва кенг қамровли рискларни бошқариш усулига иқтисодий жиҳатдан тўлиқ жавоб беради.

---

[1] Таҳлиллар асосида муаллиф томонидан шакллантирилди.

Банк муассасалари ўз фаолияти давомида суғурта компаниялари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилади ва уларнинг хизматларидан самарали фойдаланишга ҳаракат қилади.

Шундай қилиб, банк соҳасининг рискларини суғурталаш (суғурта ҳимоясини сотиб олиш) бошқа ҳимоя воситаларидан фойдаланишдан кўра анчагина арзон тушади.

Миллий молия бозоримизда банк ва суғурта хизматларининг интеграцияси дастлабки ривожланиш босқичини бошидан кечирмоқда. Бу эса суғуртанинг иқтисодий функцияларини воситачи сифатида банкка ўтказиш жараёнида намоён бўлмоқда. Бу тенденция банкларнинг ўз даромадларини ошириш мақсадида ўзларининг хизмат кўрсатиш каналлари орқали суғурта маҳсулотларини тақдим этишдан манфаатдорлигини кўрсатади. Бироқ, ушбу ҳолатда банк ўз бизнесида юзага келиши мумкин бўлган рисклардан ҳимоя қилиш учун суғурта хизматларидан фойдаланишдан кўпроқ манфаатдор бўлиши керак.

Бизнинг фикримизча, банк рискларини суғурталашга комплекс ёндашувни қўллаш керак, бу турли суғурта компанияларининг турли хил тор мақсадли таклифлари туфайли ҳозирда миллий суғурта бозоримизда ривожланиш босқичида турибти. Бу бир томондан суғурта компаниялари томомнидан таклиф этилаётган турли суғурта турларини ягона тизимга бирлаштириш имконини берса, иккинчи томондан, банкларни ички в ташқи кўнгилсиз ҳодисалар таъсиридан имкон қадар тўлиқ ҳимоя қилиш имконини бериши мумкин бўлади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Тожиев М.М. Банк рискалари ва уларни бартараф қилишнинг долзарб масалалари. Иқтисод ва молия / Экономика и финансы. (2018) 8(116). 45-53 б.
2. Коваленко О. Г. Экономическая сущность банковских рисков и их классификация. Азимут научных исследований: экономика и управление. (2013) № 3 – с. 11-14.
3. Мастяева И.Н. Мирзаханян Р.Э. Моделирование процессов управления рисками в банковском секторе. Экономика, Статистика и Информатика (2014) 105 №2,
4. Пенюгалова А. В. (2013) Банковские риски: сущность и основные подходы к определению. Финансы и кредит. 8 (536) – с. 2-5.

***Мухиддинов А.И.*** - *ОБМ, тингловчи*

## ШЎРТАН ГАЗ КИМЁ МАЖМУАСИДА ХАРАЖАТЛАРНИ БОШҚАРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли Фармони билан тасдиқланган Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясида энергия ресурслари ва табиий газ

бозорларини ижтимоий ҳимоя кафолатларини белгилаган ҳолда эркинлаштириб, соҳага хусусий инвестицияларни кенг жалб қилиш ҳамда эҳтиёжманд аҳолини ҳимоя қилиш учун ижтимоий истеъмол нормаларини киритиш, геология-қидирув ишлари ҳажмини кескин ошириш, соҳага хусусий инвесторлар ва илғор хорижий компанияларни кенг жалб қилиш, иқтисодиётни электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш ҳамда «Яшил иқтисодиёт» технологияларини барча соҳаларга фаол жорий этиш, иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини 20 фоизга ошириш, корхоналар фаолиятини диверсификация қилиш, уларнинг экспорт салоҳиятини юксалтириш мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожлантиришнинг зарурий шартлари сифатида эътироф этилган[1].

Бу эса, ўз навбатида, корхоналарда харажатларни бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш ва уларни бошқариш самарадорлигини ошириш заруриятини юзага келтиради.

Шўртан газ-кимё мажмуаси -дунёдаги йирик газ саноати корхоналаридан бири бўлиб, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси таркибига кирувчи унитар шўъба корхона ҳисобланади. У Қашқадарё вилоятининг Ғузор туманидаги Шўртан шаҳарчасида жойлашган ва 150 гектадан ортиқ майдонни эгаллайди.

Корхона маҳаллий конлардан олинадиган газни қайта ишлаб, органик синтез, полиэтилен, ёқилғи гази, суюлтирилган газ, газ конденсати, донадор олтингугурт, полиэтилен тагликлар, полиэтилен пленкалар ишлаб чиқаради.

Шўртан газ-кимё мажмуаси қурилиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йилдаги «Полиэтилен ишлаб чиқарадиган Шўртан газ кимё мажмуаси қурилиши тўғрисида»ги қарорига мувофиқ 1998 йилдан бошланган. «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компаниясининг мустақиллик йилларида амалга оширган энг яхши лойиҳаларидан ва халқаро ҳамкорлик маҳсулларидан биридир. 2001 йилда ишга туширилди. Мажмуада «UzClear®» товар белгиси остида биринчи ўзбек полимери 2002 йил 15 августда олинди.

Мажмуада биринчилардан бўлиб «ISO 9001» ва «OHSAS 18001» халқаро стандарт тизими муваффаққиятли жорий этилди.

Шўртан газ кимё мажмуаси технологияси 150 маркадаги юқори, ўрта ва паст босимли чизиқли полиэтилен ишлаб чиқаришга имконияти мавжуд бўлиб, йилига 4,0 млрд куб метр табиий газ хом ашёсини қайта ишлаш қувватига эга.

Мажмуа харажатлари таркибида хом-ашё ва материаллар харажатлари ва меҳнат ҳақи харажатлари нсбатан юқори салмоқни эгаллайди.

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли Фармони. Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегияси тўғрисида//www.lex.uz.




**1-расм. Шўртан газ кимё мажмуаси харажатларининг умумий ҳажмида хом-ашё ва материаллар ва меҳнат ҳақи харажатларининг салмоғи, фоизда[1]**

1-расм маълумотларидан кўринадики, Шўртан газ кимё мажмуаси харажатларининг умумий ҳажмида хом-ашё ва материаллар харажатларининг салмоғи 2019-2021 йилларда юқори бўлган ва ушбу харажатларнинг салмоғи 2021 йилда 2019 йилга нисбатан сезиларли даражада ошган.

1-расм маълумотларидан кўринадики, Шўртан газ кимё мажмуаси харажатларининг умумий ҳажмида меҳнат ҳақи харажатларининг салмоғи 2019-2021 йилларда пасайиш тенденциясига эга бўлган. Лекин, таҳлил қилинган давр мобайнида меҳнат ҳақи харажатларининг жами харажатлардаги салмоғи сезиларли даражада юқори бўлган.

Шўртан газ кимё мажмуасида харажатларни бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларрини такомиллаштириш учун қуйидаги тадбирларни амалга оширишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

1. Харажатларни бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини шакллантиришда муаммоли гуруҳларни шакллантиришга асосланган вариантидан ва қарорларни Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг таҳлилларига асосланган ҳолда қабул қилиш вариантидан фойдаланиш лозим.

Харажатларни бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини шакллантиришнинг амалиётда 4 та варианти мавжуд:

1. Аниқ муаммони ҳал қилиш бўйича ишчи гуруҳ ёки қўмита ташкил қилиш варианти.

Ушбу вариантда харажатларни бошқариш билан номигагина қўмита шуғулланади, ҳақиқатда функционал бўлинма шуғулланади.

2. Харажатларнинг у ёки бу турини бошқариш бўйича зарур бўлган ваколатларни маълум бир бўлинмага юклаш ва бунда таъминот билан функционал бўлинма шуғулланадиган вариант.

Экспертларнинг хулосаларига кўра, ушбу иккинчи вариантни кичик ва ўрта ҳажмга эга бўлган ишлаб чиқариш корхоналарида қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Мазкур вариантни йирик корхонада қўллаш бир қатор қийинчиликларни юзага келтириши мумкин, чунки, ваколатларни марказлаштиришдан воз кечилиши ишлаб чиқариш харажатларни бошқаришни мувофиқлаштириш имконини бермаслиги мумкин. Бундан ташқари, бўлинмаларнинг барчасида ҳам

[1] Расм муаллиф томонидан **www.sgcc.uz** сайти маълумотлари асосида тузилган.

харажатларни бошқаришни оқилона ташкил этиш малакасига эга бўлган мутахассис бўлмаслиги мумкин.

3. Харажатларни бошқаришни таъминлашга маъсул бўлган муаммоли гуруҳни ташкил этишга асосланган вариант.

Ушбу вариантда муаммоли гуруҳ томонидан ишлаб чиқилган харажатларни бошқариш сценариялари Мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан таҳлил қилинади ва корхона раҳбариятига фойдаланиш учун тавсия этилади, бунда харажатларни бошқаришни маълум бир харажат турини бошқаришга маъсул бўлган бўлинма амалга оширади.

4. Муаммоли гуруҳ томонидан ишлаб чиқилга сценарий бўйича қарорни Мувофиқлаштирувчи кенгаш орқали қабул қилиш ва муҳим қарорларни қабул қилишни аниқ бўлинмаларга юклашга асосланган вариант.

Ушбу вариантда бўлинма харажатларни тезкор бошқаришни таъминлашни муаммоли гуруҳ томонидан ишлаб чиқилган ва Мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан қабул қилинган стратегик йўналиш бўйича амалга оширади.

Ҳақиқатда тўртинчи вариант иккинчи ва учинчи вариантнинг уйғунлашувидан ҳосил бўлган.

2. Харажатларни бошқариш усулларидан комплекс фойдаланишни йўлга қўйиш лозим.

Халқаро амалиётда харажатларни бошқаришнинг қуйидани усуллари мавжуд:

*иқтисодий усуллар;

*ҳуқуқий усуллар;

*ташкилий-маъмурий усуллар;

*ижтимоий-психологик усуллар;

*миқдорий усуллар.

***Бобоёров М.М.*** *- ОБМ, тингловчи*

## ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА АСОСИЙ ВОСИТАЛАР ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 13 апрелдаги ЎРҚ-404-сонли “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонунига кўра, товар-моддий захираларни баҳолаш қуйидаги иккита баҳонинг энг пасти бўйича - баланс тузилаётган санадаги ҳақиқий таннарх (сотиб олиш нархи ёки ишлаб чиқариш таннархи) бўйича ёки бозор баҳоси (реализация қилишнинг соф қиймати) бўйича амалга оширилади; асосий воситалар ва номоддий активлар уларнинг бошланғич (қайта тикланиш) қиймати бўйича ҳисобга олинади[1].

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ислоҳ қилишнинг 2020-2025 йилларга мўлжалланган стратегиясида молиявий таваккалчиликларни баҳолаш учун технологик ечимларни татбиқ этиш орқали банк тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш, давлат улуши мавжуд тижорат

[1] Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 13 апрелдаги ЎРҚ-404-сонли “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонун//www.lex.uz

банкларини комплекс трансформация қилиш, банк ишининг замонавий стандартларини, ахборот технологиялари ва дастурий маҳсулотларни жорий этиш мамлакат банк тизисмини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари сифатида эътироф этилган[1].

Юқорида қайд этилган ҳолатлар республикамиз тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби тизимини, шку жумладан, асосий воситаларнинг бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш заруриятини юзпга келтиради.

Тижорат банкларидада асосий воситалар, бино (иншоотлар)ни қурилиши (реконструкцияси) билан боғлиқ бўлган лойиҳа-қидирув ишлари, қурилиш материаллари, меҳнат, харажатлар ҳамда асосий воситалар сотиб олиш билан боғлиқ бўлган бошқа капиталлаштириладиган харажатлар қийматини тўлиқ ёки қисман олдиндан тўлаш қуйидаги бухгалтерия ёзувлари билан расмийлаштирилади:

| | |
|---|---|
| Дт 19909 - | "Товар-моддий қимматликлар учун ўланган маблағлар"; |
| Кт | Банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёки мижоз (мол етказиб берувши)нинг талаб қилиб олингунша сақланадиган депозит ҳисобварағи, агарда унга ушбу банк томонидан хизмат кўрсатилса; |

Тижорат бакида асосий воситалар сотиб олинган бино (иншоот) балансда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси билан акс еттирилади:

| | |
|---|---|
| Дт 16509 - | "Банкнинг иморатлари - Бинолар ва бошқа қурилган иморатлар"; |

| | |
|---|---|
| Кт 19909 - | "Товар-моддий қимматликлар учун тўланган маблағлар"; |

Тижорат банкларида асосий воситалар сотиб олинган бошқа асосий воситалар қийматини балансда акс эттирилиши:

| | |
|---|---|
| Дт 165** - | Асосий воситаларнинг тегишли ҳисобварағи; |
| Кт 19909 - | "Товар-моддий қимматликлар учун тўланган маблағлар"; |

Тижорат банкларида асосий воситаларни омборга кирим қилиш қуйидаги ўтказма билан расмийлаштирилади:

| | |
|---|---|
| Дт 16561 - | "Омбордаги асосий воситалар"; |
| Кт 19909 - | "Товар-моддий қимматликлар учун тўланган маблағлар"; |

Тижорат банкларида асосий воситалар сотиб олинган, реконструкция қилиниши талаб қилинадиган бинолар реконструкция тугаллангунга қадар 16505-"Тугалланмаган қурилиш" ҳисобварағида алоҳида шахсий ҳисобварақ бўйича ҳисобга олинади. Бунда бино (иншоотлар)ни қурилиши (реконструкцияси) билан боғлиқ бўлган лойиҳа-қидирув ишлари, қурилиш материаллари, меҳнат, харажатлар қиймати қабул қилиш далолатномаларига асосан қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси билан ҳисобварақларда акс еттирилади:

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги фармони//ҚҲММБ:06/205992/0581-сон. 13.05.2020 й.

| | |
|---|---|
| Дт 16505 - | "Тугалланмаган қурилиш"; |
| Кт 19909 - | "Товар-моддий қимматликлар учун тўланган маблағлар"; |

Агар кейинги харажатлар хорижий ҳамкор билан тузилган контрактларга мувофиқ чет ел валютасида амалга оширилса, харажатлар ҳисоби 16505-"Тугалланмаган қурилиш" ҳисобварағида операция содир етилган санадаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича сўм еквивалентида амалга оширилади.

Тижорат банкларининг йил охирида 16505-"Тугалланмаган қурилиш" ҳисобварағидаги қолдиқ тугалланмаган қурилиш ҳажмига мувофиқ келиши лозим ҳамда кейинги йилга ўтказилади.

Республикамиз тижорат банкларида асосий воситаларнинг бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

1. Асосий воситаларга ҳисобланган амортизация суммасига фойда ҳисобидан компенсация тўловини қўллаш ва уни алоҳида ҳисобрақамда акс эттириш керак.

Ушбу таклифимиз миллий валютанинг қадрчсизланиш суръати юқори бўлганлиги сабабли амортизация ажратмалари суммасининг қийматини пасайган қисмини қоплашни кўзда тутади.

Масаланинг моҳияти шундаки, миллий валютамиз-сўмнинг АҚШдолларига ва бошқа хорижий валюталарга нисбатан қадрсизланиш суръатин юқори бўлганлиги сабабли тўпланган амортизация ажратмаси суммаси хориждан ягни асосий воситаларни сотиб олишга етмаяпти. Шунинг учун ушбу таклифимизга кўра, асосий воситаларга ҳисобланган амортизация ажратмалари суммасинингнг девальвация таъсирида қадрсизланган қисми банкнинг фойдаси ҳисобидан компенсация қилиниши керак ва ушбу компенсация суммаси алоҳида ҳисобрақамда акс эттирилиши керак.

2. Тижорат банкларининг кредитлари учун гаров сифатида олинган ва кредитнинг қайтмаслиги натижасида банкнинг балансига олинган асосий воситаларнинг бухгалтерия ҳисобини алоҳида ташкил этиш ва ушбу асосий воситаларнинг ҳаракати билан боғлиқ бўлгагн маълумотларни молиявий ҳисоботларда алоҳида бўлим сифатида акс эттиришнинг мақсадга мувофиқлиги асослаб берилган.

Масаланинг моҳияити шундаки, муаммоли кредитлар миқдори катта бўлганлиги сабабли тижорат банкларининг балансида кредитлар учуен гаров сифатида қабул қилинган катта миқдордаги асосий воситалар тўпланиб қолмоқда ва уларни сотиш жараёни қийин кечмоқда. Шунинг учун кредитлари учун гаров сифатида олинган ва кредитнинг қайтмаслиги натижасида банкнинг балансига олинган асосий воситаларнинг бухгалтерия ҳисобини алоҳида ташкил этишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Бунинг натижасида ушбу асосий воситаларни сотиш жараёнини баҳолаш ва назорат қилишнинг самарадорлиги ошади.

***Темиров И.Б.** – ОБМ, тингловчи*

# ИЖТИМОИЙ СОҲА ЛОЙИҲАЛАРИ РОЛИНИ ОШИРИШ ВА УНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ижтимоий соҳа лойиҳалари ролини ошириш орқали аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини самарали фаолият кўрсатиши, мамлакатни барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг муҳим шарти ҳисобланади. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ҳукуматнинг ўз фуқаролари ижтимоий ҳуқуқларини кафолатлашни, меҳнат қилиш ҳуқуқини ҳимоя қилишни англатади, шу билан биргаликда, иқтисодиётни эркинлаштириш ва жамиятда тадбиркорликни қарор топтириш ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ишларини амалга оширишни англатади. Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш орқали, хусусий мулк миқёсининг кенгайиб бориши ва хусусий тармоқни жадал ривожлантиришни таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, улар учун қўшимча кафолат, имтиёз ва преференциялар бериш, аҳолини иш билан таъминлашда касаначиликни ривожлантиришнинг ижтимоий аҳамиятини ошириш учун ижтимоий соҳа лойиҳаларини доимий равишда такомиллаштириб бориш зарур ҳисобланади. Уй-жой коммунал хўжалигини ислоҳ қилиш, хизмат кўрсатиш соҳасидаги муаммолар ва уларнинг ечимлари, мамлакатда соғлиқни сақлаш ва таълим тизимини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари ва устувор вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ижтимоий лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали мамлакатимиз аҳолиси турмуш фаравонлиги ортиб боришига эришилади.

Ижтимоий соҳа лойиҳаларини инвестициялаш – бу жамият саломатлиги, унинг аъзоларининг тенг ҳуқуқлиги ва ижтимоий хизматларнинг самарадорлигини оширишга йўналтирилаётган давлат харажатлари ҳисобланади.

Давлат томонидан ижтимоий соҳа лойиҳаларини инвестициялаш жамият аъзолари учун сифатли тиббий хизмат, халқаро даражадаги таълим тизими хизматлари, спорт ва маданият хизматларидан фойдаланиш ва кафолатланган юқори даражадаги даромадга эга бўлиш имкониятини беради. Ижтимоий соҳа лойиҳалари пировард натижада мамлакатда ижтимоий ва иқтисодий ривожланишига замин яратилади. Яъни, ижтимоий ҳимоя дастурларининг иқтисодий самарадорлиги ва иқтисодий ислоҳотларнинг ижтимоий натижадорлигини ўзида намаён қилади.(1-расм) Амалиётда ижтимоий соҳа лойиҳаларини инвестициялаш дастури кўп босқичли ривожланиш хусусиятига эга бўлиб, биринчи босқичда аҳоли даромадлари шакллантирилади ва муносиб турмуш даражасига эга бўлиш давлат томонидан кафолатланади.




**1-расм. Ижтимоий лойиҳалар натижадорлиги**[1]

Иккинчи босқичда эса миллий инсон капиталини барқарор суръатларда ривожланишини таъминлаган ҳолатда аҳолининг таркибий ўзгаришларга мослашуви ва ўз даромадларини кескин оширишга қаратилган харакати юқори рискли қарорларни қабул қилишга мойиллиги кучайиб боради.

Аҳолини ижтимоий соҳа лойиҳаларини инвестициялашга қаратилган ижтимоий чора-тадбирлар ривожланишининг учинчи босқичида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг манзиллилиги кучайган ҳолда, ижтимоий жиҳатдан муҳтож аҳоли қатламларига муҳтожлик даражасига кўра табақалашган манзилли ижтимоий ёрдам кўрсатилади, жамиятнинг ижтимоий бирдамлиги шаклланади, унинг ижтимоий қиёфаси такомиллашади, иқтисодиётнинг турли тармоқларида ишлаб чиқариш самарадорлиги орта боради. Пировард натижада мамлакатда амал қилаётган ижтимоий ҳимоя дастурларининг ижтимоий-иқтисодий инклюзивлиги таъминланади.

Узоқ истиқболда мамлакатимизда аҳолининг ўрта қатламини ривожланишини рағбатлантиришга қаратилган ижтимоий соҳа лойиҳаларини ривожлантириш стратегиясини таъминлашда қуйидагиларга эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқ:

Биринчидан, иқтисодиётда базавий тармоқлар, жумладан, қўшимча қиймат яратувчи тармоқларнинг маҳсулотлари, хизматлар соҳасини кенгайтириш ва кичик бизнеснинг динамик ривожланиши ҳисобига, иқтисодиётда саноат улушининг ўсишига хизмат қилувчи иқтисодиёт таркибини қайта қуриш, мавжуд корхона, тармоқларни техник ва технологик жиҳатдан модернизациялаш, янги юқори технологияли тармоқлар ва ишлаб чиқаришларни яратиш, инновациялардан фаол фойдаланиш механизмини жорий қилиш ва миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш ҳисобига барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш зарур бўлади ва бу ҳақда президентимиз “Кўп йиллар давомида янги газ конларига инвестиция киритилмагани, электр ва газ тармоқлари модернизация қилинмагани ҳам айни ҳақиқат. Оқибатда тизимда аниқ ҳисоб-китоб йўқлиги, катта йўқотишлар оддий ҳолга айланиб қолган эди.Шу билан бирга, сўнгги олти йилда аҳолимиз 13 фоизга, саноат корхоналари эса 2 баробар ортиб, 45 мингдан 100 мингтага кўпайди. Натижада электр энергиясига талаб камида 35 фоиз ошди ва йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Иқтисодиётимиз барқарор ривожланиши учун энергетика соҳасига 25-30 миллиард доллар инвестиция керак. Бунга фақатгина хусусий инвестицияларни

[1] Муаллиф томонидан тузилган.

жалб қилиш орқали эришиш мумкин. Шу боис, сўнгги уч йилда соҳага 8 миллиард долларлик тўғридан-тўғри инвестициялар жалб қилинди. Жумладан, ўтган ҳафтада Бухоро, Наманган ва Хоразмда қуввати 500 мегаваттли яна 3 та қуёш станциясини қуриш бўйича танлов якунланди. Депутат ва сенаторлар томонидан қабул қилинган янги қонунлар бунинг учун ҳуқуқий асос бўлди.

***Мухиддинов А.И.*** *- ОБМ, тингловчи*

## НЕФТГАЗ КОРХОНАЛАРИДА ХАРАЖАТЛАРНИ БОШҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ ВА УНИНГ АМАЛИЙ АҲАМИЯТИ

Тараққий этган мамлакатларда нефть қазиб олиш жараёнида хорижий инвесторларга нисбатан солиққа тортишнинг мослашувчан тизими шакллантирилган бўлиб, мазкур тизим солиқ ставкалари орқали тартибланиш хусусиятига эта. Солиқ имтиёзлари орасида “солиқ таътиллари”, “солиқ чегирмалари”нинг қўлланилишида роялти тизимининг амал қилиши янги нефть қудуқларини топишга доир геологик тадқиқотларни амалга ошириш жараёнини такомиллаштиради. Умумий натижа нефть қазиб олиш ҳажми ва транспорт харажатларини сезиларли тарзда пасайтириш имкониятини беради.

Нефть-газ корхоналари инвестицион харажатларини бошқаришнинг либерал ёндашувга асосланган АҚШ тажрибасига мувофиқ, минерал ресурслар ва углеводородларни ишлаб чиқаришни ривожлантириш хукумат томонидан назорат қилинади. Қайта тикланадиган захиралар мунтазам равишда қайта ҳисоблаб чиқилади, ишлаб чиқариш параметрлари тўғрисидаги маълумотлар давлат назорат органларига юборилади, улар қудуқларни бурғилаш жойлари бўйича келишиб оладилар ва фойдали қазилмаларни қазиб олиш тезлигига чекловлар қўядилар. Ушбу чора-тадбирлар тўғридан-тўғри ёки бевосита ер ости бойликларидан оқилона фойдаланишни таъминлайдиган шароитларнинг шаклланишига, шунингдек, рентабелликнинг ўсишига олиб келади.

“Нефть-қазиб олиш соҳасида олинган ижара ҳақининг кўп қисми иқдисодиётга саноат ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, шунингдек доимий фондни яратиш учун йўналтирилади. У давлатга тегишли бўлган қисмда роялти ва ижара тўловидан олинадиган барча давлат даромадларининг 25 фоизини, шунингдек роялти, бонуслар, минерал ресурслар учун федерал тўловларни ўз ичига олади. Бу давлатнинг ривожланишини таъминловчи захиранинг бир тури. У жамоат эҳтиёжларини қондириш, шунингдек инфляциядан даромадларни суғурталаш учун мулжалланган”[1].

Жамғарма маблағлари маъмурият томонидан барча аҳолининг умумий овоз беришидан сўнгги референдумида ва ушбу масалани турли сиёсий ва жамоат ташкилотларида, шунингдек матбуотда мухокама қилишдан кейингина фойдаланилиши мумкин. Ҳар йили жамғарма даромадларининг тахминан 10%

[1] Крюков В., Севастьянова А., Шмат В. Нефтегазовые территории: как распорядиться богатством? Текущие проблемы и формирование условий долговременного устойчивого социально-экономического развития. — Тюмень: «Правовая Экономика» Новосибирск: ИЭиОПП СО РАН, 1995

штат ахолисига дивиденд тўлашга йўналтирилади. Ижарага солиқ солиш йиллик ижарага ажратмалар, нефтни қазиб олишдан олинадиган ижара фоизлари ва бонуслар ёрдамида амалга оширилади. Баъзи ижара шартномалари маҳсулот ишлаб чиқариш ёки фойда тақсимлаш шартномаси шаклида амалга оширилади.

"Бугунги кунда АҚШ энергетика бозорида минглаб хусусий қидирув компаниялари фаолият олиб бораётган бўлиб, углеводородларни қидириш ва қазиб олиш билан боғлиқ жараёнлар патент тизими орқали тартибланади"[1]. Энергетика бозорига киришни таъминловчи қьтий монополияга қарши сиёсат маҳаллий нефть қазиб олувчиларни бозор ўзгаришларига тез ва осон мослашувчанлигини таъминлаш имкониятини беради.

Нефть маҳсулотларида нарх тебранишлари амплитудасининг катталиги бюджет харажатларини режалаштириш имкониятини қийинлаштиради. Бу эса мамлакатда истиқбол режаларни ишлаб чиқишда, ахоли даромадлари ва ижтимоий соха ривожланишини башоратлашда муайян қийинчиликларни келтириб чиқаради.

Россиянинг "Лукойл" компанияси инвестиция фаолиятининг самарали ташкил этилиши жиҳатидан ўз мактабига эга. Ушбу механизмни тўғри ташкил этилиши оқибатида 2018 йил якунлари билан компаниянинг ўртача ишлатилган капитал самарадорлиги индекси - ROACE (Return on Average Capital Employed) 15 фоизни ташкил этди (2017 йилда - 11 фоиз). Компаниянинг EBIDTA (Earnings before interest, taxes, depreciation and amortization) индекси бўйича фоизлар, солиқ ва амортизация ажратмаларидан ташқари фойдаси йил якунларига кура 1115 млрд.рублни ташкил этди[2].

"Лукойл" компаниясининг инвестиция сиёсати инвестициялаш асосий суммасини кафолатлаган ҳолда максимал даромад олишни кўзда тутади"[3].

Харажатларни бошқариш самарадорлигини оширишда Бенчмаркинг нисбатан яхшироқ ишловчиларнинг ишини ўрганиш, такомиллаштириш ва уларнинг иш усулларини қўллаш санъати сифатида қаралади. Бир қараганда гап эски усул ҳақида кетаётгандек кўринади: корхоналар тўғрисида маълумотлар доимо бошқалар томонидан ўзлаштирилган, уларнинг фаолияти таҳлил этилган, ўрганилган ва фойдаланиш учун олинган. Аммо, ўтган асрнинг 70-йилларидан бошлаб айрим корхоналар нафақат рақобатчилари фаолиятини ўрганишган, балки бошқа тармоқдаги етакчи корхоналарнинг иши билан ҳам қизиқишган, корхоналарни бошқариш бўйича турли ёндашувларни ўргана бошлаганлар. Натижада, ишлаб чиқилган концепция ва усуллар харажатларни камайтириш, фойдани кўпайтириш, таркибий тузилишни оқилона ташкил этиш ва корхона фаолияти стратегиясини танлаш имкониятини яратган.

Нефтгаз саноати ривожланган мамлакатларда маҳсулот тақсимотига оид битим (production sharing agreement) ва концессияларни бирга ишлатиш усулларидан кенг фойдаланилмоқда.

Мазкур механизм самарали қўлланган дунёнинг бир қатор давлатлари

---

[1] Азиева Р.Х. Зарубежный опыт управления нефтяным комплексом / Р.Х. Азиева // Молодой ученый. - 2013. -№3. -С. 189-195

[2] Год достижений, раскрываем потенциал, создаем стоимость" Годовой отчет ПАО "Лукойл" 2018. Москва 2019. http://www.lukoil.ru

[3] Годовой отчет ПАО "Лукойл", официальный сайт ПАО "Лукойл" http://www.lukoil.ru/

(хусусан Перу, Филиппин, Ливия ва бошқалар)[1] ижобий тажрибасини ўрганиш биз учун амалий аҳамият касб этади.

Маҳсулотни тақсимлаш битимини кейинчалик рискка асосланган техник хизмат кўрсатиш битимига ўзгартириш ҳам мумкин. Бундай битимда маҳаллий инвестор томонидан “Ўзбекнефтгаз” АЖ тасарруфидаги кам ўрганилган ва истиқболсиз конларни ўзлаштириш, уларга техник хизат кўрсатиш ва кейинчалик қазиб олинган маҳсулотни аниқ бир шартлар асосида ўзаро манфаатли тақсим қилиш механизми кўзда тутилмоқда.

Краудфандинг – сўнгги йилларда бу каби молиялаш усуллари фаол оммалашиб бормоқда. У ҳар хил турдаги лойиҳаларни амалга ошириш учун кенг кўламли молиявий ресурсларни жалб қилиш механизмини ўзида мужассамлаштиради. Одатда мазкур механизм нефть-газ корхоналари ўзларининг стартаплари хақида маълумотларни жойлаштирадиган интернет-майдончаларда амалга оширилади. Инвестор сифатида чиқадиган хусусий шахслар лойиҳалар билан танишиб, инвестицион қарорлар қабул қиладилар. Краудфандинг молия бозори тузилмаларининг иштирокисиз зарурий пул маблағларини жалб қилиш имконини беради, бу мазкур тартибларни бир мунча соддалаштиради.

Рақамли иқтисодиёт лойиҳаларини молиялаштириш механизми сифатида краудфандингни ривожлантириш учун бундан ташқари, лойиҳаларни молиялаштиришнинг анъанавий шаклларинигина (заёмлар бериш, акция, облигациялар ва компания капиталида улушга эга бўлиш) эмас, рақамли иқтисодиётга хос бўлган, тақсимланган реестр технологиясини қўллашга асосланган замонавий шаклларини ҳам кўзда тутиш мухим. Краудфандинг муносабатларининг ҳозирги ривожланиш босқичига хос бўлган, тақсимланган маълумотлар базасида инвесторлар номига ёзиладиган маълум мулкий ҳуқуқларни белгилайдиган ўзига хос шаклидан фойдаланиш лозим деб ҳисоблаймиз.

***Бобоёров М.М.*** *- ОБМ, тингловчи*

## БАНК ТИЗИМИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ ШАРОИТИДА ШАРОИТИДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА АСОСИЙ ВОСИТАЛАРНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ

Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш мамлакат Президетининг 2020йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли Фармони билан тасдиқланган 2020 - 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясида давлат улуши мавжуд тижорат банкларини комплекс трансформация қилиш, банк ишининг замонавий стандартларини, ахборот технологиялари ва дастурий маҳсулотларни жорий этиш, банклардаги давлат акциялари пакетини зарур тажриба ва билимга эга

[1] Богданчиков С.М., Перчик А.И. Соглашения о разделе продукции. Теория, практика, перспективы. Право. Экономика. М.: Нефть и газ, 1999. С. 484.

бўлган инвесторларга танлов асосида сотиш, шунингдек, давлат улуши мавжуд тижорат банклари ва корхоналарни бир вақтнинг ўзида ислоҳ қилиш орқали банк секторида давлатнинг улушини камайтириш мамлакат банк тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларидан бири сифатида эътироф этилган[1].

Тижорат банкларида асосий воситалар - бир йилдан кўпроқ фойдали хизмат қилиш муддатига ега бўлган; ишлаб чиқариш ёки товарларни стказиб бериш, маъмурий мақсадлар учун фойдаланиладиган ёки ижарага бериладиган активлар[4].

Кўчмас мулк, ускуналар ва жиҳозлар - бир йилдан ошиқ фойдали хизмат муддатида фойдаланишга мўлжалланган, ишлаб чиқариш ёки товарларни етказиб бериш, маъмурий максадлар учун фойдаланиладиган ёки ижарага бериладиган моддий активлар. Улар асосий воситалар таркибига киради. Шунинг учун уларни кўгтинша асосий воситалар дсб аташади.

Бошланғич (ҳақиқий) қиймат - тўланган солиқлар, божхона божлари ва йиғимларини, шунингдек активни ундан мўлжал бўйича фойдаланиш учун ишши ҳолатига келтириш билан бевосита боғлиқ бўлган етказиб бериш ва монтаж қилиш, ўрнатиш, ишга тушириш ва исталган бошқа харажатларни ҳисобга олган ҳолда, асосий воситаларни тиклаш (қуриш ва қуриб битказиш) ёки харид қилиш бўйича ҳақиқатда қилинган харажатларнинг ҳақиқий суммаси. Бошланғич қиймат шунингдек, банк активни харид қилиш чоғида ёки ушбу активдан асосий бўлмаган фаолият мақсадларида муайян давр мобайнида фойдаланиш натижасида унга нисбатан мажбуриятни ўз зиммасига олган дастлабки тахмин қилинган активни демонтаж қилиш ва йўқотиш ёки активни тиклаш харажатлари баҳосини ўз ичига олади.

Асосий воситаларнинг бошланғич қиймати уларнинг ҳаққоний қийматини қайта баҳолаш санасида акс еттириш учун вақти-вақти билан қайта баҳоланади.

Шунинг учун ҳам Бошланғич қиймат асосий воситанинг таннархи хам деб атадади.

Модернизациялаш шароитида асосий воситаларни ҳисоби ва аудитини амалга оширишда назарий ва услубий асослар бўлиб, шу сохага тегишли ва республикамизда амал қилаётган меъёрий хужжатлар ҳисобланади. Шу билан бирга реконструкция ва модернизациялаш ишларининг жуда кенг тармоқларга тегишли еканигини инобатга оладиган бўлсак, хар бир тармоқ хусусиятларидан келиб чиқиб, тегишли тармоқ корхоналарининг фаолияти билан боғлиқ бўлган хужжатлар ҳисобланади.

Асосий воситаларни модернизациялаш ҳисобини юритишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 17 мартдаги "Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жихозлашни рагбатлантиришга оид қушимша шора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони[5] мухим асос бўлиб ҳисобланади.

Мазкур Фармонда хўжалик субъетлари томонидан ишлаб чиқаришни мунтазам модернизациялаш, техник ва технологик жихатдан қайта жихозлаш, уни юқори сифатли, рақобатбардош, експортга юналтирилган махсулот ишлаб

---

[1] [1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли "2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида"ги фармони//ҚҲММБ:06/205992/0581-сон. 13.05.2020 й.

чиқаришни купатириш имконини берадиган илғор замонавий ускуналар билан таъминлаш ва бунинг учун субъектларни рагбатлантириш шора-тадбирлари ёритиб берилган.

БХМСнинг 5-сонида[6] асосий воситалар билан боғлиқ капитал харажатларнинг киймати аникланган бўлиши ҳамда келгусида иқтисодий самара бериш шарти билан асосий воситаларнинг кийматига қушилиши мумкинлиги, колган барча харажатлар еса, улар сарфланган давр учун харажатлар сифатида тан олиниши лозимлиги таъкидлаб утилган.

Асосий воситаларни модернизациялаш харажатларини ҳисобини юритишда авваламбор, уларни тузатиш, модернизациялаш ишлари харажатларидан фаркларини кўриб ўтиш лозим бўлади, деб ҳисоблаймиз ва бу борада иқтисодши олимларнинг фикрларини ўрганиб чиқамиз.

О.Бобожонов ва К.Жуманиёзовлар капитал сарфлар ёки капитал куйилмалар деб асосий воситалар ва бошқа узоқ муддатли фойдаланиладиган активларни сотиб олиш ва яратиш билан боғлиқ бўлган сарфларга айтилади, деб капитал қуйилмаларга таъриф беришган[1]. Бу таъриф асосий воситаларни модернизациялаш билан болик харажатлар учун тулик ва етарли емас, деб ҳисоблаймиз.

Бир гуруҳ иқтисодчи олимларнингфикрига кўра, «реконструкция асосий воситаларнинг ишши потенциалини ошириш учун зарур бўлган маълум бир харажатларни талаб қилади. Реконструкция махсулот ишлаб чиқаришни купайтириш; таннархни пасайтириш, хизмат муддатини узайтириш, маҳсулот сифатини яхшилаш учун амалга оширилади. Ускунани ишши ҳолатини саклаб туриш харажатлари реконструкция емас, балким модернизациялаш ишларига тааллуқлидир»[2]. Бу таъриф асосий воситаларни реконструкция, модернизациялаш масаласига Д.Султонова, Н.Жураев ва бошқа иқтисодчи олимлар томонидан миллий ва халқаро стандартларни қ ў ллаш юзасидан тайёрланган ўқув қўлланмада берилган.

Медведев М.Ю. «Реконструкция ва модернизациялаш харажатлари асосий воситанинг бошлангиш кийматини оширади ва бухгалтерия ҳисобида капитал куйилма сифатида акс еттирилади», деб таъриф беришган[3].

Асосий воситалари турлари бўйича қуйидагича гурухланади:

1.Ер;

2.Ерни ободонлаштириш;

3.Мебел ва жиҳозлар;

4.Компютер ускуналари;

5.Транспорт воситалари ва бошқалар.

6.Бино ва иншоотлар;

7.Машина ва ускуналар[4].

Асосий воситалари асосий ишлаб чиқаришдаги асосий воситалар, бошқа тармоқлардаги асосий ишлаб чиқариш воситалар ва ноишлаб чиқаришдаги асосий воситалар.

---

[1] Бобожонов О, Жуманиёзов К. Молиявий ҳисоб, Тошкент: Молия, 2002. - 126 б.
[2] Д.Султонова Д., Жураев Н. ва бошқалар. Молиявий хисоб. Ўқув қўлланма. – Тошкент:Молия, 2002. -113б.
[3] Медведев М.Ю. Учетная политика организации. – М.: КНОРУС, 2010. – 248 с.
[4] Жўраев Н., Холбеков Р., Абдувахидов Ф., Илхомов И. Бухгалтерия ҳисоби, иктисодий тахлил ва аудит. Дарслик. -Т.: 2007 й

Муайян шароитларда актив билан боғлиқ харажатларнинг умумий суммасини тегишли қисмларга бўлиш ва ҳар бир қисмни алоҳида ҳисобга олиш зарур. Бу ушбу объектнинг таркибий қисмлари ҳар хил фойдали хизмат муддатларига эга бўлган ҳолда амалга оширилади.

Барпо етилган (қурилган) асосий воситалар дастлаб балансда қурилишнинг ҳақиқий таннархи бўйича акс еттирилади.

Инвентарлаш чоғида аниқланган ортиқча асосий воситалар банк балансида бошқа операцион даромадлар сифатида акс еттирилади.

Текинга олинган асосий воситалар дастлаб балансда мазкур Йўриқноманинг 8- бандида[13] назарда тутилган харажатларни ҳисобга олган ҳолда бухгалтерия ҳисобига қабул қилинган санадаги ҳаққоний қиймати бўйича тан олинади. Текинга олинган асосий воситаларнинг қиймати қонун ҳужжатларига мувофиқ баҳолаш фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлган мустақил экспертлар томонидан ёки асосий воситаларни қабул қилиш-топшириш ҳужжатларидаги маълумотлар асосида белгиланади[1].

***Шарипов Х.Э.*** - *ОБМ, тингловчи*

## ТОВАР-ХОМ АШЁ БИРЖАЛАРИДА ЯНГИ ИНСТРУМЕНТЛАРНИ ҚЎЛЛАШ САМАРАДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли Фармони билан тасдиқланган Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясида иқтисодиётнинг реал секторида ҳамда молия ва банк соҳаларида ишлаб чиқариш ва операцион жараёнларни рақамлаштириш даражасини 2026 йил якунига қадар 70 фоизгача ошириш, дастурий маҳсулотлар индустрияси ҳажмини 5 баравар, уларнинг экспортини эса 10 баравар ошириб, 500 миллион АҚШ долларига етказиш **к**аби долзарб вазифалар белгиланди[2]**.**

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 24 ноябрдаги ПҚ-430-сонли “Иқтисодиёт тармоқларида биржа механизмларидан фойдаланишни кенгайтириш ҳамда биржа савдоларини тартибга солиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан биржа савдолари натижаларига таъсир этувчи, шу жумладан товар бозори иштирокчилари ҳамда улар томонидан бериладиган нархларга чекловлар ўрнатиш юзасидан қарорлар қабул қилиниши ёки кўрсатмалар берилиши тақиқланди, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Монополияга қарши курашиш қўмитасига 2023 йил 1 мартга қадар хорижий экспертлар ва консалтинг компанияларини жалб қилган

---

[1] O’z R. Banklarida asosiy vositalarning buxgalteriya hisobi to’g’risidagi yo’riqnoma (yangi tahriri) 15.11.2010y.

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли Фармони. Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегияси тўғрисида//www.lex.uz.

ҳолда Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржасини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш вазифаси юклатилди[1].

Юқорида қайд этилган ҳолатлар республика Товар-хом ашё биржаси фаолиятини такомиллаштириш заруриятини юзага келтиради. Бу эса, биржа фаолиятига янги инструментларни қўллаш самарадорлигини таъминлашни тақозо этади.

Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси акциядорлик жамияти 1994 йили апрель ойида Адлия вазирлиги томонидан рўйхатдан ўтказилган ва ҳозирги кунда Марказий Осиёдаги энг йирик савдо майдончаси, ҳамда МДҲ мамлакатлари ичида изчил ривожланаётган хом ашё биржаси ҳисобланади.

Биржа фаолияти мақсади ва предмети ўрнатилган қоидалар асосида олдиндан маълум бўлган жойда ва вақтда, очиқ савдоларни ташкил қилиш ва ўтказиш йўли билан биржа товарлари билан савдо қилишга зарурий шароитларни яратишдир.

1-жадвал маълумотларидан кўринадики, Ўзбекистон Республика товар-хом ашё биржасида бюджет буюртмачиларининг аукцион савдолари ҳажми 2020-2022 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлди.

**1-жадвал**

**Ўзбекистон Республика товар-хом ашё биржасида бюджет буюртмачиларининг ва корпоратив буюртмачиларининг электрон аукциони натижалари, млрд. сўм[2]**

| | 2020 й. | 2021 й. | 2022 й. |
|---|---|---|---|
| Бюджет буюртмачиларининг аукциони | 1189 | 3097 | 11861 |
| Корпоратив буюртмачиларнинг аукциони | 2143 | 4591 | 16800 |

Фикримизча, товар-хом ашё биржалари фаолиятидаянги инструментларни қўллаш самарадорлигини таъминлаш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

1. Асосий товарлар нархини кузатиб бориш тизимини такомиллаштириш лозим. Бунинг учун:

товарларни танлаб олишда қуйидагиларга эътибор қаратилиши керак:

*аҳоли томонидан кенг истеъмол қилинадиган ва фойдаланиладиган товар танлаб олининиши керак;

* нархларни узоқ муддат кузатиш имконияти мавжуд, савдо объектларининг веб-сахифаларида доимий тарзда савдода мавжуд ва даврий янгиланадиган савдо нуқталари товар-хизматлари нархлари кузатилади;

*чегирмага тушган, совға қўшиб бериладиган, акция асосида сотилаётган ва маълум бир имтиёз қўлланилаётган товарлар инобатга олинмайди;

* инфляция таркибига Давлат статистика кўмитаси томонидан киритиладиган товарларга максимал яқин хусусиятга эга товарлар танлаб олинади[3].

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 24 ноябрдаги ПҚ-430-сонли “Иқтисодиёт тармоқларида биржа механизмларидан фойдаланишни кенгайтириш ҳамда биржа савдоларини тартибга солиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори// Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 24.11.2022 й., 07/22/430/1037-сон.

[2] Жадвал муаллиф томонидан **www.uzEx.uz** сайти маълумотлари асосида тузилган.

[3] Internationa Monetary Fund “Consumer Price Index Manual 2020: Consepts and Methods//www.imf.org.

Муқобил истеъмол нархлари индексини шакллантириш учун қуйидаги ишлар амалга оширилиши керак:

*кузатув даврида (кунлик, ҳафталик) товар-хизматларнинг қайд этилган нархлари, савдо объекти ва товарларнинг белгиланган салмоқ вазнларидан фойдаланган ҳолда бир маҳсулот тури бўйича ҳафталик ўртача нархлари ҳисобланади;

*бир савдо объектида бир маҳсулот категорияси бўйича икки ва ундан ортиқ савдо белгилари остидаги намунаси мавжуд бўлса, бунда, хар бир маҳсулот намунаси учун алоҳида вазнлар белгиланади;

*битта маҳсулотни икки ва ундан ортиқ савдо платформасидан олиниши мумкин, бунда савдо платформаларга салмоқ вазнларни белгилаш уларнинг оммабоплиги ва савдо кўламидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

2. Биржа савдоларида фьючерс шартномаларидан фойдаланиш механизмини такомиллаштириш учун қуйидаги талабларга аниқдлик киритиш керак:

*клиринг палатасига ўтказиладиган аванснинг миқдорини ва мезонларини аниқ белгилаш лозим;

*вариацион маржа даражасини аниқ ўрнатиш керак;

*фьючерс шартномаси баҳосини ҳисоблаш методикасини аниқ кўрсатиш керак;

*хорижий компаниялардантайёр дастурий маҳсулотларни ва техни кўмаклар олиш зарур.

Масалан,, "Connomara systems LLC" компанияси Ўзбекистон республика товар-хомашё биржасига лицензия асосида фьючерс савдолари бўйича тайёр дастурий маҳсулотларни тақдим этиш ёки белгиланган талабларидан келиб чиққан ҳолда биржа учун алоҳида дастурларни ёзиш ва амалиётда жорий этишга тайёр эканлигини билдирди.

***Абдусаломова Н.Б.*** *– ТГЭУ, д.э.н., проф.*

## ПРОБЛЕМЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ МАРКЕТИНГОВЫХ ИНФОРМАЦИОННЫХ СИСТЕМ В СТРАХОВОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ

Основным способом преуспеть в конкурентной борьбе на современном финансовом рынке является только широкое использование информационных и коммуникационных технологий. Наш анализ показывает, что ведущие мировые страховые компании широко используют ИКТ для привлечения клиентов, снижения затрат страховых компаний и надлежащего ведения страхового учета.

Также можно заметить, что клиенты больше не обращают особого внимания на скидки страховщика, качество обслуживания или эффективность требований конкретного страховщика. Переход от одного страховщика к другому в первую очередь связан с ценой страхового продукта. Однако среди страховщиков в настоящее время в конкурентной среде побеждает тот, кто ориентирован на клиента и отвечает его потребностям. Современный финансовый рынок невозможно представить без технологических решений,

поэтому компания добьется поставленных целей, если страховые компании будут шире использовать функциональные возможности ИКТ в своей деятельности.

В настоящее время компании по всему миру меняют свою деятельность в сторону технологий цифровой экономики. Развитие ИКТ является одним из приоритетных факторов инвестиционной деятельности. Поэтому возникает необходимость постоянно разрабатывать стратегию развития любой страховой компании. При этом следует отметить, что есть и потенциальные страхователи, которым предоставляется возможность приобретения страховых услуг, не требующих личного посещения офиса страховщика. Страхование имеет большой потенциал, и его развитие ведет к повышению уровня жизни населения. ИКТ, в том числе информационные системы, находят свое применение в страховой работе.

В данном исследовании мы исследовали организацию бизнес-процессов страховщика в рамках маркетинговых информационных систем. Страховые компании обычно создают отдельный отдел, отвечающий за продажи, андеррайтинг, поддержку и претензии по каждому виду страхования. Сотрудники каждого отдела, отвечающего за определенный вид страхования, работают в единой информационной системе страховой компании, обеспечивая сбор всей информации в одном месте. Работа такой страховой компании понятна, но имеет ряд недостатков, главный из которых – конфликт интересов между подразделениями, что неизбежно приведет к снижению качества обслуживания клиентов.

Поэтому такие отделы должны работать со следующими важными аспектами:

- отдельный отдел отвечает за ввод исходных данных в клиентскую базу, подготовку их к администрированию;

- продажа страховых продуктов разделена не по виду страхования, а по типам клиентов, обслуживаемых отделом по работе с юридическими или физическими лицами;

- отдельные отделы страхования и страховой бухгалтерии осуществляют все виды страховых услуг одновременно;

- процессы сопровождения и возмещения выделены в отдельные виды страхования и разделены на отдельные разделы.

Мы считаем, что основным принципом построения маркетинговой информационной системы страховой компании является принцип клиентоориентированности, что означает повышение лояльности клиентов, определение клиентских профилей, постоянный анализ клиентской базы. Для реализации этого принципа недостаточно разделить клиентов на юридических и физических лиц.

Представляем следующие предложения по оптимизации взаимозависимости бизнес-процессов в системе маркетинговой информации страховой компании:

– необходимо создавать персонализированные предложения для клиентов. На самом деле компания должна ставить перед собой задачу расширения клиентской лояльности и направленности во всей компании, в том числе на анализ клиентской базы;

- реализация политики страховой компании по увеличению уровня охвата клиентов страховыми услугами делает более логичным разделение неэффективности разделения по типам клиентов, разделение на каналы продаж, но нецелесообразно раскрывать подразделения по каждому каналу продаж;

- все бизнес-процессы страховщика должны быть «жестко связаны» с необходимой процедурой идентификации клиентов;

- управление страховыми рисками путем разделения портфеля страховых рисков на сегменты должно осуществляться не только отделом андеррайтинга и страховой бухгалтерии, но и отделом перестрахования и службой безопасности страховой компании;

- организация решения с учетом всех законодательных новшеств и удобства клиентов, по методу «все услуги в одном месте», где клиент может оформить все виды страхования.

Современные ИКТ создают широкие возможности для решения существующих проблем, доставляя собранные информационные продукты людям в быстром темпе, снижая уровень труда. Поэтому эффективное использование ИКТ во всех отраслях экономики служит показателем технологического и экономического развития страны.

В настоящее время совершенствование страховой деятельности немыслимо без ИКТ. Развитие интернет-страхования в Узбекистане имеет перспективное значение, и эта перспектива обусловлена объемом рынка страховых услуг и возможностью предложить клиенту, являющемуся потенциальным участником рынка, оставить номера телефонов для связи. , заполнять анкеты по электронной почте, совершать покупки в офлайне связано с увеличением количества сайтов. Большинству страховых компаний трудно вносить временные изменения в свои существующие системы маркетинговой информации. Обычно новые ИКТ-решения требуются для конкретного бизнес-процесса. Изменение существующей ИТ-инфраструктуры компании обычно сложно, дорого и иногда неэффективно. Однако многие страховщики не имеют средств для покупки готового программного обеспечения, часто предпочитая разрабатывать собственное программное обеспечение.

Для отдельных бизнес-процессов целесообразно приобрести или разработать специализированные ИКТ-решения и использовать их интеграцию.

Основным средством выхода на мировой рынок является Интернет, поэтому успех системы страхования в будущем будет зависеть от информации и ИКТ, а будущее страхования будет зависеть от того, насколько эффективно они будут использоваться.

Практика показывает, что при использовании ИКТ в деятельности страховых компаний остаются актуальными следующие проблемы:

а) Обмен документами между подразделениями страховых компаний в основном осуществляется на бумажных носителях, что замедляет многие процессы принятия решений. Кроме того, расходы на бумагу, используемую в этих процессах, растут день ото дня. Поэтому в этих процессах требуется широко использовать функциональные возможности информационных систем;

б) исходя из требований рынка необходимо предлагать новые виды страховых услуг на базе ИКТ для физических и юридических лиц.

В заключения можно сказать что, широкое использование ИКТ позволяет расширить спектр страховых рисков, увеличить продажи страховых продуктов и повысить экономическую эффективность страховщика. Основой для создания системы маркетинговой информации страховой компании является взаимосвязь между бизнес-процессами страховщика. Модель организации бизнес-процессов страховой компании позволяет повысить уровень клиентоориентированности, включить сумму каждого канала продаж в объем продаж страховой компании, такой подход снижает уровень затрат на работу с документами и выявление клиентов, позволяет оперативно реагировать на изменение рисковой ситуации и определяет ее, учитывает в политике.

***Алланиязов П.А.*** *– ҚДУ,тадқиқотчи*

## ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ПАРРАНДАЧИЛИК ТАРМОҒИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Жаҳонда аҳоли сонининг ўсиб боришига мутаносиб равишда озиқ-овқат маҳсулотларини ҳажм ва сифат жиҳатидан таъминлашда паррандачиликни ривожлантириш муҳим ўрин тутади. Чунки, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш тизимида парранда гўштининг сифатли оқсил ва ёғлар манбаи сифатида алоҳида ўринга эгадир. Озиқ-овқат хавфсизлигини барқарар таъминлашда паррандачиликни ривожлантириш алоҳида аҳамиятга эга. Паррандачилик чорвачиликнинг тез етилувчи соҳаларидан бири бўлиб, аҳолини парҳез гўшти ва тухум маҳсулотлари билан таъминлаш имконини беради.

Озиқ-овқат хавфсизлигини барқарор таъминлашда паррандачиликни ривожлантириш алоҳида аҳамиятга эгадир. Паррандачилик чорвачиликнинг тез даромад берадиган соҳаларидан бири бўлиб, аҳолини парҳез гўшт ва тухум маҳсулотлари билан таъминлаш имконини беради. Жаҳон миқёсида аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда аграр соҳанинг ўрни ва аҳамияти кундан-кунга ошиб бормоқда. Жумладан, мамлакатимизда ҳам мавжуд ресурс ва имкониятлардан оқилона фойдаланиб, аҳолини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан кафолатли таъминлаш, ҳосилдорлик ва манфаатдорликни янада ошириш, соҳага илм-фан ютуқлари ҳамда замонавий ёндашувларни жорий этиш долзарб масаладир. Бу жараёнда ҳар гектар ердан олинадиган даромадни ҳозирги ўртача 2 минг доллардан камида 5 минг долларгача етказиш устувор вазифа қилиб қўйилди ва қишлоқ хўжалигига энг илғор технологиялар, сувни тежайдиган ва

биотехнологияларни, уруғчилик, илм-фан ва инновациялар соҳасидаги ютуқларни кенг жорий этишимиз лозимлиги белгилаб берилди.

Паррандачилик - чорвачиликнинг муҳим тармоғи болиб, аҳолига қимматли озиқ-овқат маҳсулотлари гўшт, тухум ва енгил саноатга пат хомашёсини етказиб бериш учун хизмат қилади. Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўзининг ташкилий ва таркибий хусусиятлари билан деҳқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёнларидан фарқ қиладиваўзига хослиги билан ажралиб туради.

Ҳозирги вақтда республикамиз аҳолисини чорвачилик маҳсулотлари билан имкони борича кўпроқ таъминлаш, кишилар эҳтиёжини ҳар томонлама тўлароқ қондириш, шу йўл билан улар саломатлигини янада яхшилаш каби муҳим ва долзарб масалаларни ҳал қилиш масалалари ўз ечимини кутмоқда. Бу муаммолами ҳал қилиш учун аввало чорва турларини кўпайтириш, маҳсулдорлигини ошириш, тез этилувчанлик муддатини қисқартириш, маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш корхона, ташкилот ва муассасаларини замон талаблари асосида барпо этиш талаб қилинади.

Парранда гўшти ўзининг кимёвий таркибига кўра барча чорва ҳайвонлариникига ўхшаш бўлади. Асосий фарқлар кўпинча у ёки бу моддаларнинг миқдори жиҳатида бўлиши мумкин. Масалан, товуқ гўштида оқсил ва экстрактив моддалар кўпроқ учраши билан бирга у тез ҳазм бўлади, ёғи паст ҳароратда эрийди. Жумладан, семиз товуқ гўштида 20 фоиз оқсил, 16 фоиз ёғ, 1 фоиз минерал модда, 64 фоиз сув бўлиб, 100 г гўштида ўртача 228 ккал бўлади.

Қорақалпоғистон Республикаси бўйича 2022 йилнинг 1 апрел ҳолатига кўра, барча тоифадаги хўжаликларда: - паррандаларнинг умумий сони 4 821,0 минг бошга етди. - 2021 йилнинг 1 апрелига нисбатан паррандалар бош сони 354,3 минг бошга ёки (7,9 %) кўпайди. - паррандалар бош сонининг 81,0 % и деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига тўғри келди. Шунингдек, паррандалар умумий сонидан 9,8 % и фермер хўжаликларига, 81,0 % и деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига, 9,2 % и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келади.

Инновацион фаолиятни паррандачилик корхоналарига нисбатан мамлакатда истиқболда паррандачилик маҳсулоти сифат кўрсаткичларини яхшилаш, ҳажм ва иқтисодий кўрсаткичларини кенгайтиришга йўналтирилган ихтиро-янгиликларни яратиш, татбиқ этиш, ўзлаштириш ва тижоратлаштириш каби тадбирлар тизими сифатида ўрганиш керак. Паррандачилик корхонасига янгилик киритиш жараёни киритилаётган янгилик ҳақида маълумот олиш, янгилик ва унинг хусусиятларини таҳлили, инновацион лойиҳани татбиқ этиш давомида паррандачилик корхонасининг бозор рақобатида ўрнини аниқлаш, янгиликни татбиқ этиш бўйича тадбирларни амалга ошириш ва инновацияларни паррандачилик корхоналарида оммавий татбиқ этиш босқичларидан иборатдир.

Қорақалпоғистон Республикасида ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлаш аҳоли бандлиги ва даромадларини оширишда қишлоқ хўжалиги таянч тармоқлардан бири бўлиб хизмат қилади. Қорақалпоғистон Республикасида экологик вазиятнинг оғирлашуви, мавжуд ресурслар танқислиги

муаммосини ошиб бериши миқдорий усуллар асосида оптимал ечимларни аниқлаш талаб қилади.

**Фойдаланилган адабиётлар**


1. Рахматалиев М.Э., Паррандачилик тармоғида инновацион фаолият самарадорлигини ошириш йўллари иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (ПхД) диссертацияси автореферати, Тошкент – 2022. www.ziyonet.uz.
**2.** Рўзиев Р.И ва б., Парранда боқиш бўйича тавсиянома. Тошкент-2017 . Б.36
3. 100 китоб тўплами Агробанк. Тухум йўналишидаги товуқларни парваришлаш. 2021.
4. Алижанов Д., Вохидов А., Суёнкулов Ш.., Паррандачилик хўжаликларини механизациялаштириш Ва автоматлаштириш. Касб-ҳунар коллежлари учун ўқув қўлланма. - Т.: «Давр нашриёти». - 208 б
5. Икромов Т.Х., Қўчқоров О.Р., Чорва, парранда ва балиқ маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш технологияси: Касб-ҳунар колежлари учун ўқув қўлланма.
6. Икромов Т.Х., Қўчқоров О·.Р. Чорва, парранда ва балиқ маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш технологияси: Касб-ҳунар колежлари учун дарслик. - Т.: «ДАВР НАШРИЁТИ» МЧЖ, 2013, - 224 б.
7. Сауханов Ж.К. Аграр тармоқда ташқи самараларни оптимал тартиблаштириш ва трансакция харажатларини пасайтириш: муаммолар, усуллар ва моделлар. (Монография) Т.: "Лессон Пресс" МЧЖ нашриёти, 2022. - 235 б. ИСБН 978-9943-8475-4-5.



***Душаева Н.** – ОБМ, тингловчи*


## ИННОВАЦИОН ЛОЙИҲАЛАР АСОСИДА ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ СТРАТЕГИК МАҚСАДЛАРГА ЭРИШИШ

Замонавий ҳаётни бугун илм-маърифат ва таълимнинг тараққиётисиз тасаввур этиб бўлмайди, инсоният фан ўқи атрофида айланаётгандек гўё. Жаҳоннинг етакчи давлатларида таълимни ривожлантириш биринчи галдаги вазифа сифатида белгиланиши ҳам бежиз эмас. Негаки, мамлакатнинг келгуси равнақи айнан шу соҳада қўлга киритган ютуқлари билан чамбарчас боғлиқдир.

"Ҳаммамизга аёнки, тараққиётнинг тамал тоши ҳам, мамлакатни қудратли, миллатни буюк қиладиган куч ҳам бу - илм-фан, таълим ва тарбиядир. Эртанги кунимиз, Ватанимизнинг ёруғ истиқболи, биринчи навбатда, таълим тизими ва фарзандларимизга бераётган тарбиямиз билан чамбарчас боғлиқ."[1] – деб такидлайди муҳтарам Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев.

Бугунги кунда университетларнинг таълим бериш фаолияти янада такомиллаштирилиб, халқимизнинг асрлар давомида шаклланган илм сари интилиш фазилати яна бир бор намоён бўлмоқда. Ёшларимиз соғлом ҳамда гўзал турмуш кечириш, эгаллаган касби бўйича доимий иш ўрнига эга бўлиш,

[1] https://uza.uz/uz/posts/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-ituv-30-09-2020

масъулиятни ўз зиммасига олиш, инсоний қадр-қимматини камситишга йўл қўймаслик, қисқача айтганда, комилликка эришиш учун ҳаракат қиляпти ва бу жараёнда таълим олишни энг асосий шарт сифатида кўрмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги 2020 йил 23 сентябрда ЎРҚ-637-сонли Қонунида лойиҳалар бўйича бир қатор моддаларда келтириб ўтилган. Яъни 36-модда: “Таълим соҳасидаги ваколатли давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари инновацион ўқув дастурлари ва лойиҳаларини амалга ошириш ҳамда уларнинг натижаларини амалиётга жорий этиш учун ўз ваколатлари доирасида шарт-шароитлар яратади.”; 64-модда: “Таълим соҳасидаги давлат-хусусий шериклик давлат ва хусусий шерикларнинг муайян муддатга юридик жиҳатдан расмийлаштирилган, давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш учун ўз ресурсларини бирлаштиришига асосланган ҳамкорликдир.”; 67-модда: “Таълим ташкилотлари қуйидагилар воситасида тегишли хорижий мамлакатларнинг таълим муассасалари ва ташкилотлари билан халқаро ҳамкорликни амалга оширади: халқаро даражадаги биргаликдаги таълим ҳамда илмий-тадқиқот лойиҳалари ва дастурларини тайёрлаш; ҳамкорликда фундаментал ҳамда амалий илмий-тадқиқот лойиҳаларини амалга ошириш.” ҳамда 68-модда: “Таълим соҳасидаги ваколатли давлат бошқаруви органлари: ўз ходимлари ҳамда мутахассисларини халқаро конференцияларга ва стажировкаларга юбориш, уларнинг халқаро лойиҳалар ҳамда илмий тадқиқотларда иштирок этишини қўллаб-қувватлайди.” келтириб ўтилган[1].

Турли даврларда иқтисодчи олимлар таълим тизимининг микро ва макроиқтисодий даражаларида тутган ўрнини, унинг иқтисодий жиҳатларини тадқиқ этганлар. Таълим соҳасининг миллий иқтисодиётда тутган ўрни унинг ривожланиши билан ўзгариб боради. Хусусан, П.Дракернинг фикрича, ҳозирги даврда “билимлар капитал ва ишчи кучини четга суриб, ишлаб чиқаришнинг етакчи омилига айланмоқда”[2]. Э.Денисоннинг ҳисобларига кўра, АҚШда киши бошига тўғри келадиган даромадларнинг ошиши таълим олиш даражасининг ошиши ҳисобига рўй берган[3].

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида таълим тизимининг ҳолати, ривожланиш тенденциялари, уларни бошқариш ва молиялаштириш, маркетинг ва менежменти, таълим бозорини ривожлантириш масалалари иқтисодчи олимллар томонидан тадқиқ этилган. Жумладан, таълимни ривожлантириш вазифалари[4], бозор муносабатларига ўтиш даврида таълим тизимининг миллий иқтисодиётни ривожлантиришга таъсири[5], таълим хизматлари бозорида иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш[6], тадбиркорлик соҳаси учун олий маълумотли мутахассисларни тайёрлашда бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий

---

[1] Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги 2020 йил 23 сентябрда ЎРҚ-637-сонли Қонуни

[2] Дракер П. Посткапиталистическое общество // Ж. Экономика XXI века. – М.: 1999, № 11. – С. 3-4.

[3] Хайруллаева Т. Взаимосвязь общественного производства и воспроизводства человеческого капитала// Ж. Иқтисодиёт ва таълим. – Т.: 2006, № 4. – С. 11.

[4] Вахабов А., Имамов Э. Высшее образование в Центральной Азии. Задачи модернизации. - М.: 2007. – 214 с.

[5] Эшбоев А.Х. Бозор муносабатларига ўтиш даврида таълим тизимининг миллий иқтисодиётни ривожлантиришга таъсири: и.ф.н. ...дис. автореферати. – Т.: 2008. - 25 б.

[6] Усмонова Р.М. Таълим хизматлари бозорида иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш (олий таълим мисолида): и.ф.н. ...дис. автореферати. - Т.: 2011. - 25

омилларини такомиллаштириш[1] каби йўналишларда илмий изланишлар олиб борилган.

Таълим соҳасининг барқарор ривожланиши мамлакатимизнинг жадал ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлашнинг гаровидир. Унга эришишда олий таълим тизимида иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш асосида таълим муассасаларининг самарали фаолиятини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Чунки, Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизация қилиш даврида, ишлаб чиқариш омилларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш юқори иқтисодий ўсиш суръатларига эришишнинг етакчи омили бўлиб ҳисобланади. Маълумки, инсон омили ишлаб чиқариш ресурслари орасида асосий бўлиб ҳисобланади. Чунки, бошқа барча омиллар, унинг бевосита таъсири ва фаол иштирокида ҳаракат қилади.

Мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни модернизация қилиш инновациялар тизимини ривожлантиришни талаб этади. Инновациялар эса билимларни эгаллаш, илмий-тадқиқот, ижтимоий-иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш ва унинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда таълим тизимининг ўрни беқиёсдир.

Бу борада Қозоғистон мисолида оладиган бўлсак, санаб ўтилган мезонлар бўйича айрим кўрсаткичлар қуйидагича:

- ушбу олий ўқув юрти асосий иш жойи бўлган ўқитувчилар орасидан илмий даража ва илмий унвонга эга бўлганлари - 70 фоиздан кам эмас;
- олий таълимдан кейинги таълим дастурлари бўйича таҳсилни давом эттираётган магистрант ва докторантлар улуши - умумий контингентнинг 15 фоизидан кўпроғи;
- “Times Higher Education World University Rankings” рейтингига мувофиқ равишда дунёнинг энг яхши 200 та университети сафига кирган хорижий олий ўқув юрти иштирокида ишлаб чиқилган олий таълимдан кейинги таълим дастурларининг улуши - 20 фоиздан кам эмас;
- илмий-педагогик ходимларнинг умумий таркибида четдан таклиф этилган хорижий ўқитувчи ва тадқиқотчилар улуши - 12 фоиздан кам эмас;
- хорижий ўқитувчи ва тадқиқотчилар билан ҳаммуаллифликда тайёрланган илмий мақолалар улуши - кейинги уч йилда халқаро рейтингли журналларда чоп этилган илмий мақолаларнинг умумий сонига нисбатан 10 фоиздан кам эмас.

Экспертларнинг башоратига кўра, 2021-2023 йилларга бориб, жаҳон иқтисодиётининг 25 фоизи рақамлаштирилган технологияларни жорий этишга ўтади. Бу жараён эса давлат, бизнес, таълим ва умуман, жамият самарали фаолият юритишига имкон яратади.

Таълимни ривожлантириш борасидаги лойиҳалар:

1. Халқ таълими вазирлиги ва Буюк Британиянинг Махсус таълим эҳтиёжлари миллий ассоциацияси (NASEN) вакиллари ўртасида музокаралар бўлиб ўтди. Музокарадан кўзланган мақсад икки ташкилот ўртасида ҳамкорлик

[1] Кучаров А.С. Тадбиркорлик соҳаси учун олий маълумотли мутахассисларни тайёрлашда бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий омилларини такомиллаштириш: и.ф.д. ...дис. автореферати. - Т.: 2006. – 40 б.

алоқаларини ўрнатиш, қўшма лойиҳаларни ишлаб чиқиш орқали Ўзбекистон халқ таълими соҳасида NASEN салоҳиятини жалб қилиш ва тарғиб қилишдан иборат. Мулоқот чоғида Ўзбекистонда инклюзив таълимни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, имконияти чекланган болаларни оддий мактабларга интеграция қилиш бўйича қўшма лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ҳамкорликнинг ўзаро мақбул форматлари юзасидан фикр алмашилди.

2. 2022 йил 31октябрда Мактабгача таълим вазирлигида Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазири А.В.Шин, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири Б.О.Саидов ҳамда Россия Федерацияси таълим вазири С.С. Кравцов ўртасида ҳамкорлик учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувда мактабгача таълим ва халқ таълими соҳасидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари ҳамда “Малыш” (“Миттивой”), “Команда педагогов под ключ” и “Класс!” (“Зўр!”) қўшма лойиҳаларини амалга ошириш билан боғлиқ кенг кўламли масалалар муҳокама этилди.

3. Erasmus+. Erasmus+ Европа Иттифоқининг таълим, ўқитиш, ёшлар ва спорт соҳаларида лойиҳалар, ҳамкорлик, тадбирлар ва мобилликни қўллаб-қувватлаш дастуридир. У Европанинг 33 та давлати (аъзо давлатлар ва боғланган давлатлар) ўртасида ушбу соҳаларнинг барчасида ҳамкорликни молиялаштириш имкониятларини тақдим этади. Бу 33 мамлакат ва бутун дунё учинчи давлатлари ўртасидаги ҳамкорлик учун кучли халқаро эътиборга эга. 2021-2027 йилларга мўлжалланган дастурда ижтимоий жалб қилинганлик, яшил ва рақамли ўтиш ва ёшларнинг демократик ҳаётдаги иштирокини рағбатлантиришга катта эътибор қаратилган. У European Education Area, Digital Education Action Plan and the European Skills Agendaда белгиланган устуворликлар ва ҳаракатларни қўллаб-қувватлайди. Дастур шунингдек: European Pillar of Social Rights дастурини қўллаб-қувватлайди; 2019-2027 йиллар учун Европа Иттифоқининг Ёшлар стратегиясини амалга оширади; спортда Европа қамровини ривожлантиради. Ўзбекистон олий таълим муассасалари учун Erasmus+ дастурининг қуйидаги йўналишлари очиқ: Capacity Building in Higher Education; Credit Mobility; Joint Master Degrees; Jean Monnet.

4. Германия халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ) 1992 йилдан бошлаб Ўзбекистонда Германия Федерал Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш вазирлиги ва бошқа қатор вазирлик ва идоралар лойиҳаларини амалга оширади. Ҳозирги кунда, GIZ Ўзбекистонда иқтисодиёт, соғлиқни сақлаш, таълим, табиий ресурслар муҳофазаси, шунингдек, ижтимоий ва маданий интеграцияни ривожлантириш соҳаларидаги ислоҳотларни қўллаб келмоқда. Олий таълим вазирлиги ҳамда Германия халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ) ҳамкорлигида амалга оширилаётган “Ўзбекистонда профессионал таълим тизимини ислоҳ қилиш ва модернизациялаш жараёнларини қўллаб-қувватлаш” лойиҳаси доирасида профессионал таълимда дуал таълимни ташкил этиш бўйича хориж тажрибасини ўрганиш учун мамлакат вакиллари ўқув-танишув сафари билан Германияда бўлиб турибди. “Ўзбекистонда профессионал таълим тизимини ислоҳ қилиш ва модернизациялаш жараёнларини қўллаб-қувватлаш” лойиҳаси 2024 йилга қадар амалга оширилиши режалаштирилган бўлиб, унинг қиймати 7

миллион еврони ташкил қилади. Ушбу лойиҳа доирасида 650 нафар ўзбекистонлик мутахассисларнинг Германияда ва Ўзбекистонда турли йўналишлар бўйича касбий таълим соҳасида малака ошириши кўзда тутилган.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**


1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги 2020 йил 23 сентябрда ЎРҚ-637-сонли Қонуни
2. Дракер П. Посткапиталистическое общество // Ж. Экономика XXI века. – М.: 1999, № 11. – С. 3-4.
3. Хайруллаева Т. Взаимосвязь общественного производства и воспроизводства человеческого капитала// Ж. Иқтисодиёт ва таълим. – Т.: 2006, № 4. – С. 11.
4. Вахабов А., Имамов Э. Высшее образование в Центральной Азии. Задачи модернизации. - М.: 2007. – 214 с.
5. Эшбоев А.Х. Бозор муносабатларига ўтиш даврида таълим тизимининг миллий иқтисодиётни ривожлантиришга таъсири: и.ф.н. ...дис. автореферати. – Т.: 2008. - 25 б.
6. Усмонова Р.М. Таълим хизматлари бозорида иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш (олий таълим мисолида): и.ф.н. ...дис. автореферати. - Т.: 2011. - 25
7. Кучаров А.С. Тадбиркорлик соҳаси учун олий маълумотли мутахассисларни тайёрлашда бошкаришнинг ташкилий-иқтисодий омилларини такомиллаштириш: и.ф.д. ...дис. автореферати. - Т.: 2006. – 40 б.
8. https://uza.uz/uz/posts/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-ituv-30-09-2020



***Акрамова Д.*** *– ОБМ, тингловчи*


## ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК ШАРОИТИДА ЛОЙИҲАЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ

Жаҳонда мамлакатлар инфратузилмасини хусусий сектор маблағлари орқали молиялаштириш, давлат-хусусий шериклик амалиётида хусусий инвесторлар билан молиявий муносабатларни такомиллаштириш борасида илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Давлат-хусусий шерикликда қўлланилиши мумкин бўлган молиявий инструментларни диверсификациялаш, хусусий инвесторларнинг инфратузилмани молиялаштиришини харажатларни бир қисмини қоплаш орқали рағбатлантириш ва субсидиялар бериш воситасида манфаатдорлигини ошириш, мулкий ва қарз муносабатларида шерикларнинг позицияларини белгилаш, давлат кафолатларини кенгайтириш, молиявий рискларни адолатли тақсимлаш, давлатхусусий шериклик муносабатларининг иқтисодиёт тараққиётига таъсир даражаси етарли даражада тадқиқ этилмаганлиги каби масалалар ўз илмий ечимини топмасдан қолмоқда.

Ўзбекистонда таълим, соғлиқни сақлаш, коммунал хўжалик, энергетика, транспорт, ахборот коммуникация технологиялари каби соҳаларни

ривожлантириш долзарб бўлиб турган айни вақтда давлат-хусусий шериклик муносабатлари, ижтимоий муҳим инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишда хусусий сектор маблағларидан фойдаланиш борасидаги ислоҳотларга қарамасдан, соҳага хусусий сектор маблағларини йўналтириш даражаси пастлигича қолмоқда. Айни шундай шароитда жорий йилда "давлат-хусусий шериклик асосида 40 дан ортиқ йирик ва ўрта лойиҳаларни амалга ошириш"[1] да давлат ва бизнеснинг ҳамкорлигини замонавий шаклларда ташкил этиш, лойиҳаларни молиялаштириш механизмларини аниқлаш, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган вазифаларни ўзаро манфаатли шароитларда тезкорлик билан ҳал этиш, шунингдек, давлат-хусусий шериклик тизимини самарали бошқариш ва мувофиқлаштиришни талаб этмоқда. Бу эса давлат ва хусусий шериклик амалиётида молиявий муносабатларни такомиллаштириш бўйича илмий-тадқиқотларни кенг амалга ошириш зaруриятини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2021-2023 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2020 йил 28 декабрдаги ПҚ-4936-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга оширишни жадаллаштириш ва уларни молиялаштириш тартибини белгилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади ҳамда "Давлат-хусусий шериклик тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим доирасида хусусий шерикнинг ва (ёки) кредиторнинг (кредиторларнинг) манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида қўллаб-қувватлашнинг қуйидаги турларини тақдим этиши мумкинлиги белгилаб қўйилганлиги маълумот учун қабул қилинсин:

- субсидиялар, шу жумладан, хусусий шерикнинг давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга оширишдан оладиган, кафолатланган энг кам даромадини таъминлашга йўналтириладиган субсидиялар;
- давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш учун зарур бўлган активлар ва мол-мулк тарзидаги қўйилмалар;
- давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш жараёнида ишлаб чиқарилган ёки етказиб берилган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) муайян миқдорини ёки бир қисмини истеъмол қилганлик ёки улардан фойдаланганлик учун тўловга йўналтириладиган Ўзбекистон Республикаси бюджети тизимининг бюджет маблағлари;
- бюджет ссудаларини, қарзларини, грантларини, кредит линияларини ва молиялаштиришнинг бошқа турларини бериш;
- инвесторлар томонидан мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида ўзаро келишувга кўра қўшимча кафолатлар;
- солиқ имтиёзлари ва преференциялари, шунингдек, бошқа имтиёзлар;
- бошқа кафолатлар ва (ёки) компенсациялар[2].

Давлат-хусусий шериклик лойиҳалари учун ажратиладиган маблағлар

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасидан, 29.12.2020. https://president.uz/uz/lists/view/4057

[2] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга оширишни жадаллаштириш ва уларни молиялаштириш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2021 йил 11 августдаги 509-сонли Қарори.

Ўзбекистон Республикаси бюджети тизимининг бюджет маблағлари ҳисобидан давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда белгиланган ҳолларда, Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети параметрларида ҳамда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурида назарда тутилади.

Давлат ва хусусий секторнинг ўзаро тенг манфаатли ҳамкорлигининг ташкил этилиши иқтисодиётнинг ҳар бир субъектини корпоратив ижтимоий масъулиятини оширишига хизмат қилиши мумкин. Ўзаро тенг манфаатли тенг ҳамкорлик бевосита молиявий рискларинг тенг тақсимланиши даромадлилик ва ҳуқуқларни бузилмаслиги билан тавсифланади[1].

Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг муддат билан унинг молиявий самарадорлиги баланслилигини таъминлаш шерикликдаги томонларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашнинг самарали йўли ҳисобланади[2].

Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларида минимал кутилаётган даромадлиликни белгилаш хусусий инвестор учун лойиҳада иштирок этишда битта стимул вазифасини бажаради. Зеро, минимал даромадлиликни белгилаш хусусий сектор учун молиявий риск даражасини камайишига олиб келади[3].

Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг шартнома муддати лойиҳадан кутилаётган даромадлилик ва капитал баҳосига ўзини таъсирини кўрсатади. Махсус лойиҳалаштириш компанияси (SPV) орқали амалга оширилувчи бу молиявий инструмент давлат-хусусий шериклик механизмларига мос тушиши билан аҳамиятлидир. Давлатхусусий шериклик лойиҳаларига Ислом инвесторларини жалб этишда ва иккинчи томондан ҳукуматнинг инфратузилмани хусусий инвестор маблағларидан фойдаланган ҳолда молиялаштиришда сукук инструменти орқали молиялаштириш давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини инновацион механизми деб аташимиз мумкин.

Ташкил этувчи давлат шериги ва сукукларни ўзида сақловчи инвесторларнинг иқтисодий ва молиявий ресурслари махсус лойиҳалаштириш компания(SPV)ларида бирлашадилар. Дунё амалиётида давлат-хусусий шериклик лойиҳаларида ҳукуматлар институционал инвесторларни жалб этишда сукук ислом молиявий инструментидан фойдаланишади. Бунда сукук маълум бир актив асосида эмиссияланиб, белгиланган даромад манбасига эга бўлганлиги туфайли, инвестор сукук сертификатини молия бозорида эркин сотиши мумкин бўлади. Шунинг учун ҳам ҳукуматлар давлат-хусусий шериклик асосида инфратузилмани молиялаштиришда сукук молиявий инструментига мурожаат этмоқдалар. Сукукнинг одатий инфратузилма облигацияларидан фарқли томонлар мавжуд. Инфратузилма облигациялари қарз муносабатларини акс эттириб, фоизли даромадларга асосланади. Сукуклар мулкий муносабатни шакллантириб, инвестор даромадга ҳам зарарга ҳам шерик бўлади. Шу маънода сукук инвесторлари учун даромадлилик кафолатланмаган бўлади. Бироқ,

[1] Patricia M., Leire L., Jose M. A framework for public-private-people partnerships in the city resilience-building process, A framework for public-private-people partnerships in the city resilience-building process, doi.org/10.1016/j.ssci.2017.12.011, www.sciencedirect.com
[2] S. Hanaoka and H.P. Palapus, Reasonable concession period for build-operate-transfer road projects in the Philippines, International Journal of Project Management, 30 (2012), pp. 938-949
[3] B.Ashuri et al., Risk-neutral pricing approach for evaluating BOT highway projects with government minimum revenue guarantee options, Journal of Construction Engineering and Management, 2011, 138 (2011), pp.545-557

амалиётда ҳукуматлар сукук учун даромадларни кафолатлашади ва натижада сукук бозорда харидоргир инструментга айланиши мумкин[1].

Олиб борилган тадқиқотларимиз натижаларида давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини сукук орқали молиялаштиришнинг афзалликлари сифатида қуйидагиларни келтириб ўтамиз:

Давлат шериги учун: кредит инструментларига қараганда нисбатан арзонроқ капитал жалб этиш имконияти. Капитал бозоридан маблағ жалб этиш аввало рисклилик даражаси билан боғлиқ ҳисобланади. Рисклилик даражаси юқори бўлган капитал учун албатта юқори даражада эмитент харажатлари ҳам мавжуд бўлади. Айнан сукук ислом қимматли қоғозларининг рисклилик даражаси бошқа қимматли қоғозларга нисбатан пастроқ эканлигини ҳисобга олган ҳолда, унинг капитал баҳоси ҳам пропорционал равишда бўлади; капитал бозорига ликвидлилиги паст бўлган активларни бозорда ликвидли ва тез айланувчан активларга айлантириш. Бўш турган давлат активларини сукуклар орқали сотиш амалиёти ушбу активларни ликвидлилигини ошириши ва капитал бозоридаги иштирокини таъминлайди; активларни диверсификациялаш имконини беради. Бундай молиялаштириш амалиёти давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини молиялаштиришнинг банк кредитлари ва молиявий институтлардан олинадиган бошқа манбаларга муқобил молиялаштириш манбаси ҳисобланади; ижтимоий самарадорлик. Сукук давлатхусусий шериклик лойиҳаларини молиялаштириш инструменти сифатида, давлат томонидан хусусий сектор маблағлари ҳисобидан таъминланган инфратузилмага ва аҳолининг яхши яшаш тарзига эга бўлади; капитал бозорини, иккиламчи қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш аҳамияти. Капитал бозорида ликвидли активлар ҳажми ошади.

Хусусий шерик учун: **юқори сифатли инвестициялаш**: Сукук ислом давлатларида юқори кредит рейтинги бўйича давлат қимматли қоғозлари даражасида турувчи ислом молияси инструменти ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бошқа қарз муносабатларини ифодаловчи инструментлардан устунликка эга ҳисобланади; **яхши риск-даромадлилик муносабатлари:** даромад-риск тақсимоти муносабатлар сукук асосини ташкил этиши, инвестор ва эмитент ҳуқуқларни тенглигини таъминлашга хизмат қилади; **диверсификациялаш:** хусусий инвестор давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини молиялаштиришда активларини диверсификациялаш имкони бўлади; **ликвидлилик:** хусусий инвестор портфелнинг ликвидлилигини таъминлашнинг яхши усулларидан бири сукук инвестицияларидир.

Давлат-хусусий шериклик муносабатларининг ташкил этилиши ҳар қандай молиявий ресурслар чекланган шароитида ижтимоийиқтисодий ривожлантириш ва аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга қулай муҳит яратилишига хизмат қилади. махсус лойиҳалаштириш компанияси(SPV)нинг ташкил этилиши давлат-хусусий шериклик муносабатларида томонларнинг молиявий рискларини камайтириш, молия бозоридан капитал жалб этишни

[1] Abdelkafi, Rami & BEDOUI, Houssem eddine.. Challenges in Infrastructure Financing Through Sukuk Issuance. 10.13140/RG.2.2.22554.64963. November 2016 DOI: 10.13140/RG.2.2.22554.64963

соддалаштириш, молиявий жараёнларни қулай бошқариш имкониятини юзага келтиради.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга оширишни жадаллаштириш ва уларни молиялаштириш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2021 йил 11 августдаги 509-сонли Қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасидан, 29.12.2020. https://president.uz/uz/lists/view/4057.
3. Patricia M., Leire L., Jose M. A framework for public-private-people partnerships in the city resilience-building process, A framework for public-private-people partnerships in the city resilience-building process, doi.org/10.1016/j.ssci.2017.12.011, www.sciencedirect.com.
4. S. Hanaoka and H.P. Palapus, Reasonable concession period for build-operate-transfer road projects in the Philippines, International Journal of Project Management, 30 (2012), pp. 938-949.
5. B.Ashuri et al., Risk-neutral pricing approach for evaluating BOT highway projects with government minimum revenue guarantee options, Journal of Construction Engineering and Management, 2011, 138 (2011), pp.545-557.
6. Abdelkafi, Rami & BEDOUI, Houssem eddine.. Challenges in Infrastructure Financing Through Sukuk Issuance. 10.13140/RG.2.2.22554.64963. November 2016 DOI: 10.13140/RG.2.2.22554.64963.

***Bo‘ronov G‘.Sh.*** *- O‘zR. Bank-moliya akademiyasi*

## DAVLAT AKTIVLARINI BOSHQARISHNING O’ZIGA XOS JIHATLARI

Bugungi kunda mamlakatimiz iqtisodiyotida davlat ulushi yuqori bo’lgan sharoitda davlat aktivlarini boshqarishga alohida e’tibor qaratilishi zarur. O’zbekistonda davlat aktivlarini boshqarish bo’yicha qator chora-tadbirlar amalga oshirilmoqda.

Davlat boshqaruvi tizimida va aktivlarni boshqarishning real sektorida raqamli texnologiyalarni rivojlantirish maqsadida quyidagi tadbirlar amalga oshirilishi mumkin. Sanoat korxonalarida zamonaviy axborot texnologiyalarini joriy qilish dasturlarini ushbu korxonalarni texnologik qayta jihozlash dasturlari bilan uyg‘unlashtirish, korxona ta’minotining barcha bosqichlarini avtomatlashtirish va boshqarishni ta’minlash, zamonaviy axborot tizimlari va dasturiy mahsulotlarni joriy etish hisobiga mahsulotlar va xizmatlar sifatini yaxshilash, innovatsion avtomatlashtirilgan boshqaruv tizimlari va dasturiy mahsulotlarni joriy etish bo‘yicha normativ-huquqiy bazani takomillashtirish, ishchi joylarni bosqichma-bosqich avtomatlashtirish hamda ishlab chiqarish jarayonlarini robotlashtirish, shuningdek, sun’iy intellekt texnologiyalarini joriy etish, savdo hajmini oshirish va mijozlarga

xizmat koʻrsatishni yaxshilash maqsadida buyurtmachilar (mijozlar) bilan oʻzaro munosabat mexanizmlarini takomillashtirish shular jumlasidandir[1].

Bir qancha rivojlanayotgan mamlakatlarda davlat aktivlarini boshqarishda bir qator o’xshash muammolarni kuzatishimiz mumkin. Xususan, “ko’pgina davlat mulklari va obyektlari yaxshi ta'mirlanmagan va yomon ahvolga kelib qolgan. Bundan tashqari, har yili ta'mirlash jarayonida zarar ko'rgan aktivlar va obyektlarni boshqarish va texnik xizmat ko'rsatish xarajatlari ortib boradi. Bu holat hukumat tomonidan ko'rsatilayotgan xizmatlar uchun jamoatchilik tomonidan tanqidlarga sabab bo'ladi”[2].

**1-jadval**

**Ustav kapitalida davlat ulushi 50 foiz va undan koʻp boʻlgan aksiyadorlik jamiyatlari tahlili[3]**

| Nomi | Davlat ulushi, % | № | Nomi | Davlat ulushi, % |
|---|---|---|---|---|
| **«Taxiatosh Issiqlik elektr stansiyalari» AJ** | 99,2 | **71.** | «Qiziriq paxta tozalash» AJ | 51 |
| **AJ «Qoʻngʻirot un zavodi»** | 95,65 | **72.** | «Shargʻun koʻmir» AJ | 51 |
| **«QQ hududiy elektr tarmoqlari» AJ** | 99,85 | **73.** | «Shoʻrchi don maxsulotlari» AJ | 64,5 |
| **«O`z-Tong Hong Kompani» AJ** | 50 | **74.** | «SIRDARYO PAXTASANOAT XUDUDIY birlashmasi» AJ | 99,77 |
| **Andijonpaxtasanoat** | 99,86 | **75.** | «Agrokimyoximoya» AJ | 51 |
| **«Andijon hududiy elektr tarmoqlari» AJ** | 98,1 | **76.** | «SIRDARYO issiqlik elektr stansiyasi»AJ | 99,16 |
| **«Andijon agrokimyoximoya» XAJ** | 51 | **77.** | «SIRDARYO HUDUDIY ELEKTR TARMOQLARI KORXONASI» AJ | 99,66 |
| **«Andijondonmaxsulot» AJ** | 51 | **78.** | «Oqaoltin don maxsulotlari» AJ | 89,3 |
| **«O`z Koji» AJ** | 50 | **79.** | «SIRDARYO VINO» AJ | 51 |
| **«Qoʻrgʻontepa don maxsulotlari» AJ** | 83,78 | **80.** | «YOʻLREFTRANS» AJ | 51 |
| **«Asaka don maxsulotlari» AJ** | 65,9 | **81.** | «SES» AJ | 100 |
| **«UZauto Motors» AJ** | 100 | **82.** | «SOG`LIQNI SAQLASH XIZMATI XOVOS BIRLASHGAN» AJ | 100 |
| **«Buxoro hududiy elektr tarmoqlari korxonasi» AJ** | 51,3 | **83.** | «Ammafos-Maxsam» MChJ | 51 |
| **«Buxorodonmahsulotlari» AJ** | 51,8 | **84.** | «MAXAM-CHIRCHIQ» AJ | 51 |
| **«Kogondonmaxsulotlari» AJ** | 93 | **85.** | «Chirchiq qishloq xoʻjaligi texnikasi zavodi» AJ | 89,62 |
| **«Kogon paxta tozalash» AJ** | 51 | **86.** | «Toshkent hududiy elektr tarmoqlari korxonasi» AJ | 100 |
| **«Buxoro paxta tozalash» AJ** | 53,7 | **87.** | «Ohangaron Don» AJ | 51 |
| **«Qorakoʻldonmahsulotlari» AJ** | 100 | **88.** | «DALVARZIN PAXTA TOZALASH» AJ | 100 |

[1] Мухибулло Хабибулллаевич Хамзаев. Давлат активларини бошқариш тизимида рақамли технологиялардан фойдаланиш йўллари. // "Science and Education" Scientific Journal August 2021 / Volume 2 Issue 8.
[2] Suwaibatul Islamiah Abdullah Sania, Abdul Hakim Mohammeda, Mohd Saidin Misnanb, Mariah Awang. Determinant factors in development of maintenance culture in managing public asset and facilities. // International Congress on Interdisciplinary Business and Social Science, 2012. – 828 p. https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S1877042812051919
[3] https://data.egov.uz/uzbKr/data/6110b7f9db32b99538e08149 - O’zbekiston Respublikasi Davlat aktivlarini boshqarish agentligi rasmiy veb-sayti ma’lumotlari

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| **«Qorako‘l paxta tozalash» AJ** | 50,9 | **89.** | «Toshkentdonmahsulotlari» AJ | 50,9 |
| **«Peshku paxta tozalash «AJ** | 51 | **90.** | «TA`MINOTCHI-PAXTA» AJ | 100 |
| **«Romitan paxta tozalash» AJ** | 51 | **91.** | «G`ALLA-ALTEG» AJ | 100 |
| **«Shofirkon paxta tozalash» AJ** | 56,64 | **92.** | «O`ZBEKISTON PAXTA TOZALASH» AJ | 100 |
| **«G‘ijduvon paxta tozalash» AJ** | 51,9 | **93.** | «TOSHKENT ISSIQLIK ELEKTR STANSIYA» AJ | 100 |
| **«Jizzax agrokimyohimoya» AJ** | 51 | **94.** | FARG`ONA ISSIQLIK ELEKTR MARKAZI | 99,5 |
| **«Jizzaxpaxtasanoat birlashmasi» AJ** | 99,95 | **95.** | Farg‘ona paxta sanoat birlashmasi | 100 |
| **«Jizzax hududiy elektr tarmoqlari korxonasi» AJ** | 99,93 | **96.** | «Farg‘onaagrokimyoximoya » AJ | 51 |
| **«Jizzax plastmassa» AJ** | 85,84 | **97.** | Kvars AJ | 89,78 |
| **«Uch-tepa paxta tozalash» AJ** | 100 | **98.** | «Qo‘qon don maxsulotlari» MChJ | 51 |
| **«Do‘stlikdonmahsulotlari» AJ** | 93,07 | **99.** | «Qo‘qon mehanika zavodi» AJ | 73,76 |
| **«Zarbdor elevatori» AJ** | 100 | **100.** | «Bag‘doddonmaxsulotlari» AJ | 100 |
| **«Zafarobod paxta tozalash» AJ** | 98,36 | **101.** | ELEKTR TARMOQLARI KORXONASI | 100 |
| **«Dashtobod paxta tozalash» AJ** | 95,17 | **102.** | «Quva don maxsulotlari» MChJ | 51 |
| **«Qashqadaryodonmahsulotlari» AJ** | 92,52 | **103.** | «Xorazm agrokimyohimoya» AJ | 50,99 |
| **«DUNYo-M» AJ** | 51,84 | **104.** | «Xorazmpaxtasanoat hududiy birlashmasi» AJ | 65,52 |
| **«Qashqadaryo hududiy elektr tarmoqlari» AJ** | 99,79 | **105.** | «Urganch ekskavator» AJ | 100 |
| **«Qashqadaryo viloyat agrokimhimoya» AJ** | 56,14 | **106.** | «Xorazm hududiy elektr tarmoqlari» AJ | 99,98 |
| **«Qashqadaryopaxtasanoat» AJ** | 51 | **107.** | «Urganch sharob» AJ | 53,94 |
| **«Shahrisabz vino-aroq» AJ** | 51,01 | **108.** | «Bog‘otdon» AJ | 65,56 |
| **«Muborak issiqlik elektr markazi» AJ** | 99,23 | **109.** | «Xorazmdonmahsulotlari» AJ | 100 |
| **«Talimarjon issiqlik elektr stansiyasi» AJ** | 100 | **110.** | «Xonqa don mahsulotlari» MChJ | 100 |
| **«Don-xalq rizqi» AJ** | 88,5 | **111.** | «Shovot don mahsulotlari» AJ | 51 |
| **«Dehqonobod kaliy zavodi» AJ** | 100 | **112.** | «Toshkent shahar elektr tarmoqlari korxonasi» AJ | 99,96 |
| **«Navoiy hududiy elektr tarmoqlari» AJ** | 99,67 | **113.** | «O`ZLITINEFTGAZ» AJ QK | 51,03 |
| **«Navoiy Agrokimiyo himoya» AJ** | 52,16 | **114.** | «NBU Invest Groub» AJ | 100 |
| **«Navoiy paxtasanoat hududiy birlashmasi» AJ** | 89,37 | **115.** | «O`ZTEMIRYO`LYO`LOVCHI» AJ | 98,27 |
| **«Qizilqumsement» AJ** | 86,92 | **116.** | «O`ZTEMIRYO`LKONTEYNER» AJ | 90 |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| **«Navoiy issiqlik elektr stansiyasi» AJ** | 100 | **117.** | «Kafolat sug‘urta kompaniyasi» AJ | 69,3 |
| **«Qiziltepa Paxta tozalash» AJ** | 52,56 | **118.** | «TOSHKENT QISHLOQ XO`JALIGI TEXNIKASI ZAVODI» AJ | 100 |
| **«Qiziltepa un zavodi» AJ** | 93,5 | **119.** | «GIDROMAXSUSQURILISH» AJ | 95 |
| **«Namangan agrokimyohimoya» AJ** | 55,81 | **120.** | «Elektrqishloqqurilish» AJ | 55,7 |
| **«Namangan hududiy elektr tarmoqlari korxonasi» AJ** | 99,69 | **121.** | «O`ZENERGOTA`MINLASH» AJ | 51,8 |
| **«Kosonsoy paxta tozalash» AJ** | 96,98 | **122.** | «UZBEK LEASING INTERNATIONAL A.O.» AJ QK | 80,3 |
| **«Mingbuloq paxta tozalash» AJ** | 96,56 | **123.** | «O`ZBEKENERGOTA`MIR» AJ | 51 |
| **«Norin paxta tozalash» MChJ** | 96,46 | **124.** | «TOSHKENT ISSIQLIKELEKTRMARKAZI» AJ | 99,8 |
| **«Pop paxta tozalash» AJ** | 97,91 | **125.** | «GIDROPROEKT» AJ | 71,86 |
| **«Popdonmahsulotlari» AJ** | 92,8 | **126.** | «TOSHKENT YO`LOVCHI VAGONLARINI QURISH VA TA`MIRLASH ZAVODI» AJ | 90 |
| **«To‘raqo‘rg‘on paxta tozalash» AJ** | 91,1 | **127.** | «TOSHKENT PAXTASANOAT» AJ | 99,84 |
| **««Uychi paxta tozalash» AJ** | 51 | **128.** | «O`ZBEKGIDROENERGOQURILISH» AJ | 97,04 |
| **«Uchqo‘rg‘ondonmahsulotlari» AJ** | 79,33 | **129.** | «TEXNOLOG» AJ | 98,84 |
| **«SAM H. ELEKTR TAR. KOR» AJ** | 89 | **130.** | «NAQLGAZMAXSUSQURILISH» AJ | 71,39 |
| **«Xorvenko nomidagi Samarqand vino kombinati» AJ** | 71,18 | **131.** | «O‘zbekiston shampani» AJ | 51 |
| **«SAMARQANDPAXTASANOAT» AJ** | 51 | **132.** | «O`ZENERGOINJINIRING» AJ | 87,46 |
| **AJ «AGROKIMYOHIMOYA»** | 83 | **133.** | «TOSHKENT MEXANIKA ZAVODI» AJ | 95,69 |
| **«OQTOSH DON» AJ** | 100 | **134.** | «O`ZVAGONTA`MIR» AJ | 90 |
| **«JUMA ELEVATORI» AJ** | 63,9 | **135.** | «AGREGAT ZAVODI» AJ | 99,42 |
| **«JOMBOY DON MAHSULOTLARI « AJ** | 57,42 | **136.** | «Olmazor kichik sanoat zonasi» AJ | 82,74 |
| **«Surxondaryo hududiy yelektr tarmoqlari korxonasi» AJ** | 100 | **137.** | «Trest-12» AJ | 51,12 |
| **«Surxondaryopaxtasanoat» xududiy aksiyadorlik birlashmasi AJ** | 51 | **138.** | «SUVSANOATMASH» AJ | 99,66 |
| **«Surxondaryodonmahsulotlari» AJ** | 51 | **139.** | «Bektemir spirt eksperimental» AJ | 51 |
| **«Surxondaryo agrokimyohimoya» HAJ** | 51 | **140.** | «ELEKTROGAZ» AJ | 51 |

1-jadvalda ustav kapitalida davlat ulushi 50 foiz va undan ko‘p bo‘lgan 140 ta aksiyadorlik jamiyati va undagi davlat ulushi aks etgan. 140 ta aksiyadorlik

jamiyatidan 24 tasida davlat ulushi 100%ni tashkil etishini alohida ta'kidlab o'tish lozim.

O'zbekistonda davlat aktivlarini boshqarishning o'ziga xos jihatlarini o'rganish asosida davlat ulushi mavjud aksiyadorlik jamiyatlarining ko'pligi iqtisodiyotni rivojlantirishga to'sqinlik qiladigan jihatlardan biri hisoblanadi. Davlat ulushi mavjud aksiyadorlik jamiyatlariga turli iqtisodiy yengilliklar va imtiyozlarning berilishi natijasida xususiy korxonalar bilan bir xil sharoitda faoliyat ko'rsatmaydi. Natijada bozorda sog'lom raqobat yuzaga kelmaydi. Qolaversa, boshqaruvchilar tomonidan bunday iqtisodiy yengilliklar va imtiyozlarning suiiste'mol qilinishi, davlat korxonalarining turli ijtimoiy-iqtisodiy vazifalarni bajarishi natijasida davlat korxonalarining faoliyati samarali bo'lmasligi mumkin. Mamlakatimizdagi aksiyadorlik jamiyatlarida davlat ulushi mavjud aksiyadorlik jamiyatlari soni salmoqli hisoblanadi. Bunday holatda fond bozorini rivojlantirish o'z-o'zidan muammoli holatga aylanadi. Samarali faoliyat ko'rsatuvchi fond bozorini yaratmoqchi bo'lsak, albatta, aksiyadorlik jamiyatlarida davlat ulushini kamaytirish lozim.

***Шарипов Х.Э.*** *– ОБМ, тингловчи*

## ТОВАР-ХОМ АШЁ БИРЖАЛАРИДА ЯНГИ ИНСТРУМЕНТЛАРНИ ҚЎЛЛАШ САМАРАДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

Бугунги кунда дунёда рақамли платформалар “Amazon”, “Alibaba”, “Facebook”, “Ebay”, “Uber”, “Didi Chuxing” ёки “Airbnb” каби йирик корпорациялар учун асосий бизнес моделига айланди. Бу корпорациялар воситачилар ва инфратузилма платформалари сифатида муҳим афзалликларга эга. Улар рақамли платформалардан фойдаланувчилар ўртасидаги барча битимлар бўйича маълумотларни рўйхатдан ўтказиш ва қабул қилиш имконига эга. Электрон тижорат (ЭТ) жадал ривожланиши виртуал маконда бозор механизми асосларини яратди ва бу битимлар сони барқарор ўсишига олиб келди. Бу ўзгаришларнинг барчаси янги бозор тизимининг шаклланишига олиб келди, бу эса бозор агентлари иқтисодий хулқ-атворининг мавжуд моделларига туб ўзгаришлар олиб келади. Рақамли иқтисодиётда рақамли истеъмолчилар ва рақамли етказиб берувчилар агентлар ҳисобланади.

Мамлакатлар электрон тижорат халқаро бозорга чиқиши жуда тез суръатлар билан ўсиб бораётган халқаро электрон тижорат ХЭТ (МЭТ) ни яратиш имконини берди. B2C сегментида электрон тижорат каналлари орқали товарлар сотиш ҳажми (Business-to-consumer, бизнес для клиента) жаҳон иқтисодиётининг ташқи, ички ва бутун дунё бозорида катта ҳажмга етди. Ички бозорда товарлар чакана савдоси сегменти сифатида пайдо бўлган B2C савдоси тез суръатлар билан кенгайиб, бошқа мамлакатлар бозорларида экспорт савдосини таклиф этмоқда. McKinsey-McKinsey Institute (MGI) Глобал

институти ҳисоб-китобларга кўра, онлайн дўконлар экспорт савдосига тахминан жисмоний товарлар жаҳон савдосининг 12 фоизи тўғри келмоқда[1].

1999 йилда евронинг муомалага киритилиши АҚШ опционлари бозорида қуйидаги янги валютавий инструментларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди:

* евродаги колл опционлар;
* евродаги пут опционлар;
* евро/фунт стерлинг опционлари;
* евро/швейцария франки опционлари;
* евро/япон иени опционлари;

Назарий жиҳатдан олганда, тузилган ва ижро этилган шартномалар ўртасидаги фарқ миқдори катта бўлмаслиги керак. Аммо, амалиётда мазкур фарқ миқдори сезиларли даражада катта бўлмоқда. Бу эса, валюта опционларининг муддатидан олдин ижро этилишининг фаоллашганлиги билан изоҳланади.

Экспертларнинг фикрига кўра, жаҳон деривативлар бозорини тартибга солиш кечиктириб бўлмайдиган тадбирлардан ҳисобланади ва ушбу бозорни тартибга солиш қуйидаги икки йўналишда амалга оширилиши лозим:

– ҳосилавий қимматли қоғозлар бозорининг (деривативлар бозори) асосий иштирокчилари бўлган мамлакатларнинг қонунчилигидаги талабларни кучайтириш;

– деривативлар бўйича ҳисоб-китоблар амалга ошириладиган асосий валюталардан воз кечиш[2].

2013 йил сентябрда Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида бўлиб ўтган “Катта йигирматалик” давлатларининг G20 Саммитида деривативлар бозорини тартибга солиш қоидаларини қатъийлаштириш (талабларни кучайтириш) хусусида келишиб олинди.

Саммитнинг декларациясида деривативлар бозорини тартибга солиш бўйича талабларни кучайтириш мақсадида иккита аниқ таклиф берилди:

1. Халқаро консенсус асосида деривативлар савдоси бўйича минимал маржинал талабларни белгилаш.

2. Деривативлар билан ҳисоб-китобларни амалга оширишнинг Марказлашган клиринг тизимини жорий этиш.

Юқоридаги талаблардан кўриниб турибдики, деривативлар бозорини халқаро миқёсда тартибга солиш деривативларни эмиссия қилиш ҳажмини чеклашга қаратилган. Аммо, деривативларни эмиссия қилиш ҳажмини чекланиши салбий самара бериши мумкин. Бунинг сабаби шундаки, деривативлар ҳажмининг асосий қисмини биржадан ташқари бозордаги операциялар ҳажми ташкил этади. Бундай шароитда, деривативлар бўйича барча ҳисоб-китобларни биржа тизимига ўтказиш биржадан ташқари бозорнинг фаолият кўрсатишига хавф солиши мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, глобал молиявий холдингларнинг деривативлар жаҳон бозоридаги фаолиятини назорат қилинмаётганлиги уларни риск-менежмент принципларини инкор қилишларига имкон яратмоқда.

---

[1] The future of work in America // https://www.mckinsey.com/.

[2] Snyder M. Derivatives: The Quadrillion Dollar Financial Casino Completely Dominated By The Big International Banks. — URL: http://theeconomiccollapseblog.com/archives/derivatives.

Табиийки, деривативларнинг замонавий бозоридаги долзарб муаммолар айнан деривативлар билан боғлиқ операцияларни амалга ошириш шартларини либераллаштирилганлиги ва ушбу операцияларни назорат қилиш механизмининг мавжуд эмаслиги билан боғлиқдир

Деривативлар бозорини тартибга солишнинг муракаб жиҳатларидан яна бири шундаки, битта ҳосилавий инструмент турли мақсадларда ишлатилиши мумкин: битта ҳолатда опциондан бир валютага иккинчи валютани сотиб олиш мақсадида қўлланиладиган конверцион операцияни амалга ошириш сифатида фойдаланилса, бошқа бир ҳолатда опциондан валюта рискини хеджирлаш воситаси сифатида фойдаланилади.

Ҳосилавий қимматли қоғозларнинг ҳуқуқий табиати бўйича барча мамлакатлар учун умумэътироф этилган мезонлар ҳозирга қадар ишлаб чиқилмаган. Деривативлар бозор доимий равишда ривожланиб, мураккаблашиб бораётган ҳозирги шароитда деривативларнинг ҳуқуқий табиатини белгилаб берувчи мезонларнинг мавжуд эмаслиги деривативлар бозорининг айрим иштирокчиларига ўзларининг битимларини тартибга солиш тизими доирасидан олиб чиқишларига имкон бериши мумкин.

Электрон тижоратда энг муҳим инфратузилма таркибий қисмларидан бири рақамли савдо майдончаларидир (платформалар ёки бозорлар (маркетплейслар). Уларга савдо компаниялари ихтисослашган веб-сайтлари ёки товарларни реал ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи компаниялар савдо бўлимлари киради. ЭТ билан шуғулланувчи компаниялар савдо майдончалари компанияларга тижорат операцияларини кенгайтириш имконини беради, улар ёрдамида кўплаб мамлакатларда потенциал харидорлар ва ҳамкорларни топиш имконияти мавжуд бўлади.

Платформалар ёки бозорлар (маркетплейслар) виртуал майдонда иштирокчиларга замонавий онлайн-хизматлар таклиф этилади, бундай хизматлар харидорларни ва етказиб берувчиларни топиш, буюртмаларни қабул қилиш, тўловларни қабул қилиш ва товарларни етказиб бериш учун логистикани мувофиқлаштириш ва ривожлантиришни осонлаштиради. Ушбу платформалар ва онлайн дўконларнинг кўпчилиги Amazon, Facebook, eBayёки Etsy каби йирик компаниялар мулки ҳисобланади. Баъзи компаниялар кенг доирадаги товарларни таклиф қиладилар ва сотадилар, бошқалари маълум бир тор гуруҳ мижозлар учун товарларни сотиш ва харид қилишга ихтисослашадилар.

Электрон тижоратнинг ривожланиш тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда, бугунги кунда электрон тижорат замонавий иқтисодиётнинг ажралмас қисмига айланди. Истеъмолчиларнинг тобора кўпроқ қисми интернет орқали товарларни сотиб олмоқдалар, тижорат ташкилотлари эса у ёки бу тарзда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда ушбу тармоқ имкониятларидан фойдаланмоқдалар. Электрон тижоратнинг истеъмол сегментида жами бутун жаҳон сотуви ҳажми 2012 йилдаёқ 1 трлн. доллардан ошган эди ва ҳозиргача янада барқарор ўсиб бормоқда. McKinsey баҳолашига кўра, 2030 йилга келиб, бутунжаҳон электрон тижорат халқаро савдо ҳажмини 1,3-2,1 трлн. долларга

оширишi мумкинлигини тахмин қилмоқда, бу эса саноат товарлари савдоси ҳажмини 6-10 фоизга оширади[1].

***Турдиалиев М.П.*** *– ТГЮУ, соискатель*

## ПРАВОВОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ ИИ В ЭЛЕКТРОННОЙ КОММЕРЦИИ: ОПЫТ ЕС, АЗИИ И УЗБЕКИСТАНА

Популярность электронной коммерции растет с каждым месяцем, что в свою очередь приводит к увеличению прибыли для этого сектора экономики и, конечно же, конкуренции. Например, в Великобритании в первом квартале 2018 года 85 000 рабочих мест были потеряны из-за сектора розничной электронной коммерции, и около 30 000 ритейлеров сообщили о значительных финансовых трудностях. Около 70% организаций и предприятий в этой сфере сообщили, что их проекты искусственного интеллекта (далее — ИИ) были успешными или очень успешными. Три четверти респондентов сообщили о росте различных рыночных показателей двузначными темпами (более чем на 10%). Таким образом, продажи, удовлетворенность клиентов и снижение затрат улучшились.

Сейчас уже нет сомнений, что за искусственным интеллектом будущее и он планомерно начнет воздействовать на все сферы жизни человека. Основными участниками электронной коммерции являются онлайн-платформы, охватывающие широкий спектр услуг, доступных в Интернете, включая сервисы маркетплейсов, поисковые системы, социальные сети, магазины приложений, услуги связи и платежные системы. А, с бурным развитием информационных технологий и необходимостью удешевления процесса продажи для владельцев такого бизнеса (например, расходы на выплату заработной платы работникам, уплату за них налогов, аренду помещения и т. Использования искусственного интеллекта и его правового регулирования. Например, чат-боты сейчас широко распространены в электронной коммерции.

**Европейские нормы гражданского права в области робототехники.**

Говоря о нормативных актах и правовой доктрине, целесообразно обратить внимание на международные документы. В частности, особое значение в рамках евроинтеграционных процессов в Украине имеют акты Европарламента. Недавно Европейский парламент (точная дата — 16 февраля 2017 г.) принял Резолюцию 2015/2103 (INL) о регулировании робототехники с рекомендациями для Европейской комиссии («Правила гражданского законодательства о робототехнике»). Этот документ состоит из положений, касающихся различных аспектов искусственного интеллекта. Анализируя содержание документа, он определяет несколько основных вопросов, связанных с искусственным интеллектом, в том числе:

• основные социальные, экономические, этические и правовые вопросы и проблемы, которые необходимо решить в связи с развитием искусственного интеллекта;

[1] International Trade and E-commerce. May 1, 2021//https://crsreports.congress.gov | IF11194 • VERSION 2 • NEW.

• вопросы регулирования разработки и использования искусственного интеллекта; вопросы контроля за принятием решений при использовании технологий искусственного интеллекта;

• создание институционализированной системы управления в сфере искусственного интеллекта;

• вопросы гражданско-правовой ответственности за разработку и использование искусственного интеллекта;

• обеспечение защиты персональных данных при использовании технологий искусственного интеллекта.

В то же время многие правовые вопросы, которые могут возникнуть в связи с разработкой и использованием искусственного интеллекта, в данном постановлении затронуты лишь поверхностно или вообще не урегулированы. Хотя резолюция Европарламента в системе источников права ЕС не относится к обязывающим актам, содержащиеся в ней положения дают представление о том, чего можно ожидать от правового регулирования в этой сфере в ближайшее время. Более того, постановление является одним из первых реальных шагов к законодательному закреплению стандартов разработки и использования искусственного интеллекта.

Хотя он и носит чисто рекомендательный характер, его положения позволяют составить представление о том, что будет лежать в основе норм, регулирующих деятельность в ближайшей перспективе. Разработка определенных европейских правовых норм искусственного интеллекта будет способствовать развитию соответствующей сферы и обеспечит соблюдение прав человека при формировании новых общественных отношений с участием искусственного интеллекта. Немецкая ИТ-компания SAP (Systems, Applications, and Products in Data Processing) разработала этический кодекс (руководящие принципы SAP для искусственного интеллекта), регулирующий использование искусственного интеллекта. Обсуждение и поиск путей решения сложных этических проблем имеет большое значение для общественного блага.

Этические проблемы, связанные с использованием искусственного интеллекта в сфере электронной коммерции, обычно напрямую переходят в конкретные юридические проблемы. Правила этого кодекса в первую очередь направлены на защиту интересов сотрудников, недопущение дискриминации граждан (как клиентов компании, так и ее сотрудников), сохранение рабочих мест, предотвращение неправомерного использования персональных данных и вмешательства в частную жизнь. Так, например, компания предоставляет своим сотрудникам возможность пройти переподготовку и найти новую должность, если функции сотрудника выполняет искусственный интеллект.

**Другие правовые акты, регулирующие использование искусственного интеллекта: Азия** В дополнение к Европейским гражданско-правовым правилам в области робототехники было бы целесообразно обратиться к другим нормативным актам, разработанным странами по всему миру. Также следует отметить, что ведущими странами в сфере правового регулирования отношений в сфере искусственного интеллекта являются США, Китай, Япония, Корея.

• Закон о развитии и распространении интеллектуальных роботов в Южной Корее;

• Японская стратегия создания новых роботов;

• Корейский генеральный план развития робототехники;

• План развития индустрии робототехники Китая;

• Китайское руководство по содействию развитию индустрии робототехники;

• Американская национальная инициатива по робототехнике;

• План действий по реструктуризации и модернизации промышленности провинции Гуандун на три года;

• Программа Horizon 2020, созданная Европейской комиссией, которая включает многолетнюю дорожную карту Robotics 2020.

Говоря о правовом аспекте необходимости правового регулирования использования искусственного интеллекта в сфере электронной коммерции, следует привести следующие данные. В связи с высокой актуальностью вопроса разработки эффективного законодательства в области использования и развития искусственного интеллекта, в настоящее время на уровне международных организаций, как государственных, так и частных, а также в научной среде выносится множество предложений. относительно основных черт и потенциально необходимых акцентов такого законодательства. Вопрос развития правового регулирования использования искусственного интеллекта решается как на международном, так и на национальном уровне, как в частном секторе, так и на уровне государственных и наднациональных органов.

Прежде всего, обращаясь к отечественной правовой доктрине, можно сказать, что взгляды ученых на нормативную базу регулирования использования искусственного интеллекта в сфере электронной коммерции несколько разделились. Таким образом, есть три пути решения этой проблемы. Первый путь исходит из того, что использование новых технологий в осуществлении общественных отношений приводит к необходимости создания новых правовых норм. Кроме того, второй вариант решения проблемы – при использовании новых технологий возможно появление небольшого количества «новых» типов общественных отношений (которых до сих пор не было) наряду с традиционными общественными отношениями. В этом случае целесообразно лишь изменять, совершенствовать и дополнять уже существующие правовые нормы. Последний путь – попытаться урегулировать новые общественные отношения, связанные с использованием искусственного интеллекта в сфере электронной коммерции, уже существующими правовыми нормами на национальном и международном уровнях.

В то же время важно соблюдать баланс между интересами общества и личности, в том числе безопасностью и необходимостью развития инноваций в общественных интересах. Более того, формирование законодательства об искусственном интеллекте требует, помимо юридической проработки, еще и философского анализа, поскольку речь идет не просто о машине, а о создании интеллекта, самосознающего разума, не человека, но, тем не менее, отражающие

в определенной степени реальный мир. В этом случае, на наш взгляд, применяется действующее законодательство.

Главный вопрос лишь в том, достаточно ли действующих норм, устанавливающих общий правовой режим, или их следует изменить с учетом особенностей искусственного интеллекта. Следует отметить, что многие страны, такие как Австралия, Корея, Китай, Казахстан, Беларусь, регулируются электронными торговыми площадками в рамках законодательства об электронной коммерции. Некоторые страны, например, Корея, помимо закрепления понятия электронной торговой площадки в общем законе, регулирующем электронную торговлю, вводят понятие электронной торговой площадки в закон о защите прав потребителей, для усиления защиты прав потребителей. Например, если говорить о регулировании деятельности площадок по продаже в Интернете, то необходимо акцентировать внимание на следующих аспектах: определение статуса площадок, защита экономических интересов пользователей онлайн-площадок, создание онлайн-площадок для разрешение спора.

Эти меры повысят прозрачность рынка и защитят потребителей от незаконных действий платформы. Кроме того, следует упомянуть о распространенном мнении, что предприятия сегодня используют не ИИ, а автоматизацию или машинное обучение. Последний включает в себя набор вычислительных методов, с помощью которых машины выясняют, как постепенно улучшать свои результаты. Машинное обучение выстраивает закономерности и тенденции, анализируя данные и делая выводы. Эта технология требует машин, которые основаны на собственных «открытиях», используют логику для решения задач и постоянно совершенствуются.

В результате исследования можно сделать следующие выводы. Во-первых, в сфере электронной коммерции происходит широкое внедрение искусственного интеллекта. Тем не менее, хотя вопрос использования искусственного интеллекта в сфере электронной коммерции возник в последние годы, в настоящее время взгляды на возможности искусственного интеллекта расходятся. Во-вторых, вопрос развития правового регулирования использования искусственного интеллекта решается как на международном, так и на национальном уровне, как в частном секторе, так и на уровне государственных и наднациональных органов. В настоящее время в мире существует несколько нормативных актов, регулирующих использование искусственного интеллекта. Например, нормы гражданского законодательства о робототехнике; Закон о развитии и распространении интеллектуальных роботов в Южной Корее; Японская стратегия создания новых роботов; Корейский генеральный план развития робототехники; Китайское руководство по содействию развитию индустрии робототехники; План действий по реструктуризации и модернизации промышленности провинции Гуандун на три года; и т.п.

Вопрос правового регулирования отношений по использованию искусственного интеллекта в электронной коммерции в отечественной правовой

доктрине практически не изучен и отсутствует надлежащая правовая база (для регулирования данных отношений) Узбекистана. Однако в Узбекистане (и почти во всем мире) рынок электронной коммерции растет, поэтому мы видим необходимость внедрения соответствующих правовых норм в нашей стране. В то же время важно соблюдать баланс между интересами общества и отдельных лиц, включая безопасность и необходимость развития инноваций в общественных интересах.

**Использованная литература**


1. O. Semenchuk, Artificial Intelligence in Retail and E-Commerce: Expectations and Reality, Everest.ua. https://www.everest.ua/ai-platform/aibusiness/zastosuvannya-shtuchnoho-intelektu-v-riteylta-ecommerce-ochikuvannya-i-realnist/ (accessed Dec. 23, 2019).
2. Artificial Intelligence Brings E-Commerce Success, DailyComm.ru. http://www.dailycomm.ru/m/45216/ (accessed Jan. 16, 2020).
3. The role of the technologies of the future in modern e-commerce, Blog.imena.ua. https://www.imena.ua/blog/ai-electronic-commerce/ (accessed Dec. 29, 2019).
4. European Parliament resolution of 16 February 2017 with recommendations to the Commission on Civil Law Rules on Robotics (2015/2103(INL). Europarl.eu. http://www.europarl.europa.eu/doceo/document/TA-8- 2017-0051_EN.html (accessed Jan. 14, 2020).
5. O. Dyadura and N. Pismak. Artificial Intelligence and Law. Business Law Electronic Resource. https://www.businesslaw.org.ua/ai-and-law/ (accessed Jan. 11, 2020).
6. I.M. Gorodiskiy, Tendencies for the development of legal control of artificial intellectual in the European union. It law: problems and prospects of development in Ukraine. http://aphd.ua/publication-388/ (accessed Jan. 11, 2020).
7. SAP's guiding principles for artificial intelligence. SAP.com. https://www.sap.com/products/intelligenttechnologies/artificial-intelligence/ai-ethics.html?pdfasset=940c6047-1c7d-0010-87a3- c30de2ffd8ff&page=6 (accessed Jan. 1, 2020).
8. Problems of formation of strategic priorities of the state policy on the development of robotics: prospects for Ukraine. Niss.gov.ua https://niss.gov.ua/en/node/193 (accessed Jan. 16, 2020).
9. Yastrebov, Artificial intelligence in legal space. RUDN Journal of Law, vol. 22(3), pp. 315-328, 2018. DOI: 10.22363/2313-2337-2018-22-3-315-328. https://cyberleninka.ru/article/n/iskusstvennyy-intellektv-pravovom-prostranstve (accessed Dec. 24, 2019).
10. Scientific American: artificial intelligence still does not exist.. Rbc.ru https://www.rbc.ru/trends/industry/5dee31349a79473a0 1a23616 (accessed Dec. 24, 2019).

*Қўзиев Ж.Қ. - ОБМ, тингловчи*

# РАҚОБАТБАРДОШЛИК – КОРХОНА ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ СИФАТИДА

Мамлакатимизни иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлаш ва жаҳон бозорида муносиб ўрин эгаллашида рақобатбардош товарлар ишлаб чиқариш энг долзарб муаммолардан ҳисобланади. Рақобат – бозор механизмининг муҳим ва ажралмас жиҳатидир. Рақобат – бу юқори натижа ва мавқега эга бўлиш учун бозор иштирокчилари ўртасидаги иқтисодий курашдир.

Замонавий бизнес шароитида тадбиркорлик субъекти тадбиркорлик фаолияти йўналишинини танлашдан аввал унинг қандай рақобат шароитида амал қилишини олдиндан билиши муҳим ҳисобланади.

Корхонанинг рақобатбардошлигини бошқариш зарурати, биринчи навбатда, атроф-муҳитнинг тез суръатлар билан ўзгариши, олдиндан айтиб бўлмайдиган иқтисодий ва молиявий вазиятларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ. Рақобатбардошликини бошқаришнинг самарали тизими ва ечими корхонанинг бозордаги барқарор мавқеини таъминлайди ҳамда замонавий бизнес оламида барча рақобатга чидамли бўлишини ва иқтисодий кўрсаткичларининг барқарор ўсишини таъминлаб кўплаб устунликларни беради.

Корхонанинг рақобатбардошлиги бу унинг шундай ҳусусиятики унинг бозорда мавжуд бўлган ўзига ўхшаш объектлар билан таққослаганда муайян талабни қондира олиш даражаси билан тавсифланади. Рақобатбардошлик маълум бир бозордаги ўхшаш тадбиркорлик объектлари билан таққослаганда рақобатга бардош бериш қобилиятини белгилайди. Кенгроқ қилиб айтганда корхонанинг рақобатбардошлиги – бу корхонанинг мамлакат ичида ҳам, ундан ташқарида ҳам бир хил тармоқдаги бошқа корхоналарга нисбатан устунлиги ҳисобланади. Корхонанинг масъул бошқарувчилари мунтазам равишда корхонанинг ўз ички ёки халқаро бозорда рақобат қила олиш йўлларини белгилайдилар.

Рақобатбардошликни ошириш усулларидан бири маҳсулотлар ёки хизматлар сотиш ҳажмини оширишдир. Шуни ёдда тутиш керакки, сотиш ҳажмининг ўсиши ўз-ўзидан керакли натижаларни бермайди, чунки бу корхона харажатлари миқдори, унинг фойдаси каби муҳим бошқа кўрсаткичларни ҳисобга олмайди. Ушбу усулга мувофиқ ишлаб чиқариш жараёнини оқилона ташкил этиш ва ҳажмларни режалаштиришда бир қатор устувор вазифаларни бажариш керак, уларнинг энг муҳимларидан бири маҳсулот сотиш ҳажмини аниқлаш бўлиб, самарали ишлаб чиқариш фаолиятини таъминлайди.

Яна бир йўналиш ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини ошириш бўлиб, у асосан фан ва техника тараққиётининг жадал суръатда ўсишига, янги бозорларни очишига, экспорт ҳажмининг ошишига, фаровонликка ўз таъсирини кўрсатади. Маҳсулот сифати муаммосини ҳал қилиш харидорлар орасида корхона нуфузини оширади, ташқи бозорга чиқиш имкониятини юзага келтиради, шунингдек, максимал фойда олиш учун асос бўлади.

Харажатларни камайтириш рақобатда корхона ўзига хос устунликка эга бўлишини таъминлайди ва бу усул рақобатбардошликни оширишнинг анъанавий, энг қадимги ва энг кўп ўрганилган усули ҳисобланади. Бундай ҳолда, маълум чора-тадбирлар мажмуини кўриб, рақобатчиларга нисбатан камроқ харажатларга асосланган корхона фойда ва даромадга эга бўлади. Бироқ, замонавий бизнес муҳит шароитида бундай устунликни сақлаб қолиш жуда қийин. Ушбу усулни амалга ошириш ходимларнинг укув малакалари, ишлаб чиқариш технологиялари, логистика ва илмий-тадқиқот бўлимида олиб борилган тадқиқот ишлари, ходимларни бошқариш ва ташкилий маданиятни яхшилаш бўйича аниқ, мувофиқлаштирилган чора тадбирларни талаб қилади. Рақобатбардош харажатларни оптималлаштириш йўлини танлаган корхоналар лойиҳалаштириш, махсулот ишлаб чиқариш ва сотиш каби барча босқичларида доимий мунтазам равишда харажатларни таҳлил қилишлари лозим бўлади. Бу эрда бозорни доимий равишда кузатиб ўрганиб бориши, харажатлар ва таннарх таҳлилини ўтказиши, сўнгги замонавий технологияларни, шунингдек рақобатчи корхоналарнинг харажатларини кузатиб тахлил қила оладиган моҳир маркетологлар муҳим рол ўйнайди.

Рақобатбардошликни амалга оширишда учта даража мавжуд бўлиб улар стратегик, тактик ва оператив даражалардир:

– **стратегик даражада** рақобатбардошликни таъминлаш корхонанинг инвестицион жозибадорлигини оширишни назарда тутилади;

– **тактик даражада** рақобатбардошлик корхонанинг ҳолатини тавсифлайди;

– **оператив даражада** эса рақобатбардошликни ошириш учун маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш назарда тутилади.

Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги корхоналар ҳолатининг хусусиятларини таҳлил қилиш ва рақобатбардошликни оширишга маълум ёндашувлар рақобатбардошликни оширишга методологик ёндашув тамойилларини шакллантириш имконини бериб бу тамоилларга қуйидагилар киради:

– корхонанинг рақобатбардошлигини таъминлаш товар ва хизматларнинг рақобатбардошлигини таъминлашни ўз ичига олади;

– корхонанинг рақобатбардошлиги мезонларини аниқлаш корхонани бошқариш тизимидан ҳамда режалаштиришдан келиб чиқиши керак;

– корхонанинг оператив даражадаги рақобатбардошликнинг кўрсаткичи товар ва хизматларнинг рақобатбардошлигининг умумий коэффициенти ҳисобланади;

– корхона рақобатбардошлигининг тактик даражаси молиявий-иқтисодий ҳолати билан ифодаланади;

– корхона рақобатбардошлигининг стратегик даражаси инвестицион жозибадорлик билан ифодаланади ва бу бизнес қийматининг ўсиши билан боғлиқ.

Корхонанинг рақобатбардошлигини оширишнинг қуйидаги усуллари мавжуд:

- Инновациялардан узлуксиз мунтазам равишда фойдаланиш.
- Ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг мукаммал шаклларини қидириш.
- Давлат ва жаҳон стандартларининг сифат талабларига жавоб берадиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш.
- Юқори сифатли хом ашё ва материаллардан фойдаланиш.
- Кадрларни ўқитиш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш.
- Меҳнат шароитларини яхшилаш ва ходимларни рағбатлантириш.
- Бозор маркетинг тадқиқотларини ўтказиш.
- Рақобатчилар фаолиятини таҳлил қилиш.
- Энг самарали реклама каналларидан фойдаланиш.
- Товар белгисини рўйхатдан ўтказиш.

Ушбу усуллардан фойдаланган ҳолда корхона рақобатбардошлигини ошириши, шу билан бирга молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаши мумкин. Замонавий бизнес шароитида фаолият юритаётган корхонанинг бозордаги у учун вужудга келадиган асосий вазифа - бу омон қолиш билан бирга ўз мажбуриятларини вақтида тўлаш қобилияти, бошқача айтганда, тўлов қобилиятини таъминлашдир. Бу муаммо тайёр маҳсулот ва хизматларни сотиш, маркетинг тадқиқотлари ва фаолияти орқали шу билан бирга бозорни, ассортиментни мунтазам мониторинг қилиш, нарх сиёсатини истеъмолчи талабига ва ишлаб чиқариш харажатларига мувофиқ тартибга солиш орқали ҳал этилади. Тўлов қобилиятига эришгандан сўнг, корхона олдида фойдага эришиш масаласи юзага келади. Бундай вазиятда маркетинг фаолиятини иқтисодий, ташкилий ва технологик таркибий қисмлар билан бирга олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Мавжуд муаммоларни бартараф этгандан сўнг, кейинги даражадаги вазифаларни кўриб чиқишга ўтиш амалга оширилади. Иккинчи даражанинг асосий ҳусусияти шундаки бу корхонанинг узоқни кўзлайдиган стратегиясидир. Компания раҳбарияти корхона фаолиятининг устувор йўналишлари тизимини ишлаб чиқиши керак, бу корхона ўрта ва узоқ муддатли истиқболда қандай бўлиши кераклигини тушунишга олиб келади. Бунинг учун стратегик контсептсияни ишлаб чиқиш, бизнес-жараёнларнинг SWOT таҳлилини ва бошқа тегишли таҳлилларни ўтказиш асосида ҳар бир таркибий бўлинма ва умуман корхона учун стратегияларни ишлаб чиқиш керак. Ўзгарувчан бозор шароитларида бизнеснинг мослашишини фаоллаштириши амалга ошириш орқали янги рақобатдош устунликларни таъминлаши ва корхонанинг бошқарувчанлиги ва рақобатбардошлик даражасини ошириши керак.

Рақобатбардошликни оширишда муҳим муаммолардан бири бу истеъмолчилар манфаатлари билан компаниялар манфаатларининг тўқнашувидир. Бундай муаммони корхона мижозининг бозор муносабатларини амалга ошириш жараёнида тузатиш мумкин, бунинг натижасида маҳсулот ва хизматларни сотиш тадбиркорлик субъекти учун ҳам, истеъмолчилар учун ҳам

самарали бўлади. Ушбу тузатишни амалга ошириш фақат дастлабки қарама-қаршилик туфайли юзага келган маълум тўсиқларни енгиб ўтиш мумкин бўлади.

Шундай қилиб, корхоналарнинг рақобатбардошлигини оширишда концептуал услубий ёндашувини шакллантиришнинг мураккаблиги қуйидаги омиллар билан белгиланади:

– мутахассислар ушбу концепцияни ноаниқ талқин қиладилар ва ҳар бири рақобатбардошликнинг маълум бир тор соҳасини қамраб олувчи қарама-қарши таърифларни тақдим этадилар ёки уни ҳар ёқлама талқин этиб илгари суришга ҳаракат қиладилар;

– корхонанинг рақобатбардошлигини оширишни баҳолаш қай тарзда ва қандай мақсадда амалга оширилаётганига қараб, баҳолашда иштирок этувчи омиллар, уларнинг моҳияти, аҳамияти, миқдорий ва сифат таркиби сезиларли даражада ўзгаради;

– корхона рақобатбардошлигини бошқаришда тадбиркорлик субъектлари томонидан маълум иқтисодий манфаатларни ифодаловчи рақобатбардошликни баҳолаш усуллари ишлаб чиқилган жаҳон амалиётида тасдиқланган илмий ёндашувларни ҳисобга олишмайди.

Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодиёти билан алоқалари тобора ривожланиб бормоқда. Бу эса ички бозорда рақобат муҳитини таъминлаш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатдошлигини оширишни талаб этади. Рақобатнинг кучайиши шароитида ҳар бир корхона учун ўз рақобатбардошлигини сақлаб қолиш ва ошириш вазифаси биринчи ўринга чиқади. Бундай рақобатли шароитда ривожланиш стратегиясини доимий самарали амалга оширган корхоналаргина рақобат шароитида яшаб қолади ва ўз мақсадларига эриша олади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**


1. Юсупов Ю.Б. Аналитический доклад. Техническая поддержка экспортеров Узбекистана: текущая ситуация, возможности для совершенствования. 7-бет
2. Кравченко О.В. Проблемы управления конкурентоспособностью предприятия / О.В. Кравченко. - Саратов: Поволж. межрегион. учеб. центр, 2014. - 194 с.
3. Ўзбекистон иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш муаммолари: назария ва амалиёт / Муаллифлар жамоаси: Р.О. Алимов, А.Ф. Расулев, А.М. Қодиров ва бошқалар // С.С. Ғуломов таҳрири остида. –Т.: Konsauditinform-Nashr, 2006
4. Яхшиева М.Т. Ҳозирги замон рақобат назарияси: Ўқув қўлланма. – Т: ТДИУ, 2019.
5. Karlibayeva R.X, Temirov A.A. Korxonalarni raqobatbardoshligini baholash. – T.: Iqtisodiyot, 2019

***Раджабова Г.А.** – ОБМ, тингловчи*

# САМАРҚАНД ВИЛОЯТИНИНГ МАВЖУД ТУРИСТИК САЛОҲИЯТИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳатлар натижасида Самарқанд вилояти туризим салоҳиятини ривожлантириш энг мухим устувор йўналишлардан бири ҳисобланади.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Ўзбекистонда туризмни янада ривожлантириш, мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиш мақсадида кенг кўламли чора-тадбирлар, ҳудудларда соҳани ривожлантириш борасида бир қатор дастурлар ишлаб чиқилди ва улар бугунги кунда ўз самарасини бермоқда.

Бу борада, муҳтарам Президентимизнинг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга мурожаатномасида қуйидаги фикрларнинг билдирилганлиги мазкур мавзунинг нечоғлик долзарблигининг яққол исботидир:

"Саккизинчидан, туризмни ривожлантириш, соҳага инвестициялар жалб этиш, кадрлар салоҳиятини ошириш бўйича комплекс чоралар кўришимиз лозим.

Бизда туризм кўпинча қадимий шаҳарларимиз, тарихий-маданий ёдгорликлар доирасида чекланиб қолмоқда.Ваҳоланки, мамлакатимизнинг бетакрор табиати, миллий қўриқхоналар, тоғли ҳудудларда туризмни ривожлантириш учун катта салоҳият мавжуд. Айниқса, тиббиёт туризми, зиёрат туризми ва экотуризмни ривожлантириш нафақат иқтисодиёт, балки ижтимоий соҳалар ривожига ҳам катта туртки беради.

Туризм салоҳиятини ривожланишининг методологик асослари хорижлик ва маҳаллий олимлар илмий ишларида муҳим тадқиқот предмети сифатида ўрганилган. Хусусан, туризм индустриясининг ривожланишига бағишланган илмий манбалардан энг муҳимларидан бири В.И.Азар тадқиқот ишларини санаб ўтиш мумкин. Сўнгги йилларда чоп этилган маҳаллий олимларнинг илмий ишлари ҳам диққатга молик. З.И.Усмонова томонидан эълон қилинган илмий ишларда туристикрекреацион хизматларнинг ривожланиш тенденциялари таҳлил қилинган. Ж.Н.Абиев миллий иқтисодиётда туризм тармоғини ривожлантиришнинг иқтисодий жиҳатларини тадқиқ этган.

Ш.Р.Рузиев томонидан тарихий-маданий туризмни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизми ва уни такомиллаштириш масалалари ўрганилган. О.Ҳ.Ҳамидов томонидан экологик туризмни бошқаришнинг услубий асосларини такомиллаштириш масаласи чуқур ўрганилган.

Тадқиқот иши давомида кузатиш, қиёслаш, тизимли ва қиёсий таҳлил, статистик гуруҳлаш, эксперт баҳолаш каби усуллардан фойдаланилди. Хусусан, ўндан ортиқ туристик объектларда респондентлар билан чуқурлаштирилган интервьюлар ташкил этилди. Бундан ташқари, туристик фаолият субъектлари менежерлари ўртасида фокус-гуруҳлаш методи асосида таҳлилий изланишлар олиб борилди. Тадқиқотлар натижасига кўра туристларга тақдим этилаётган

асосий туристик маҳсулотлар таркиби ўрганилди. Тадқиқот иши давомида олинган асосий илмий натижаларнинг ишончлилигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотларидан фойдаланилди.

Мамлакатмизда туризм соҳасини ривожлантириш борасида олиб борилган ислоҳотлар натижасида соҳада кесин ўзгариш ва юқори натижаларга эришиб келинмоқда. Ислоҳотлар натижасида Самарқанд вилоятига ташриф буюрган сайёҳлар сонининг 2015-2019 йиллардаги динамикаси йилга келиб, туристларнинг ҳаракатчанилиги маҳаллий туристлар ҳисобига ҳам хорижий туристлар ҳисобга ҳам кескин ўсиши кузатилмоқда. Туризм соҳасининг ҳозирги ҳолати таҳлили вилоятга келувчи сайёҳлар сони йилдан йилга ўсиб бораётганлигини кўрсатмоқда.

**Самарқанд вилоятига ташриф буюрган сайёҳлар сонининг 2015-2019 йиллардаги динамикаси** (1-расм).




**Манба: Самарқанд вилояти Туризмни ривожлантириш департаменти маълумотлар**

Мазкур маълумотлардан кўриниб турибдики, сўнги икки йилда мамлакатимизда туризм соҳасини ривожлантириш борасида амалга оширилган ислоҳатлар натижасида хорижий сайёҳларнинг сони 2019 йилга келиб, 2015 йилга нисбатан қарийиб 10 баробарга ошганлиги кўзатилмоқда. Шунингдек, мамлакатимизда ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш борасида “Ўзбекистон бўйлаб сайёҳат қил!” ички туризмни ривожлантириш дастурини амалга ошириш натижасида 2019 йилга келиб, маҳаллий сайёҳларнинг сони 2015 йилга нисбатан 3 баробарга кўпайганлигини кўриш мумкин.

Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда 2019-2025 йилларда Туризмни ривожлантириш миллий концепциясини ишлаб чиқиши ва ижросини таъминлаши зарур. Шу асосда 2025 йилда юртимизга ташриф буюрадиган хорижий сайёҳлар сонини 7 миллион нафарга, туризм экспортидан келадиган йиллик даромадни эса 2 миллиард долларга етказиш лозим."[1]

Шуни алоҳида қайт этиш керакки, сўнги уч йилда мамлакатимизда туризм соҳасини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 34 та ва Ҳукуматнинг 43 га, жами 77 та норматив ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилинганлиги соҳа ривожининг янги босқичга олиб чиқмоқда.

[1]http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliasy-28-12-2018

Хусусан, мазкур қарорлар асосида Самарқанд вилоятида туризм соҳасида вилоят ҳокимига янги ўринбосар, янги туризмни ривожлантириш департаменти, 2 та олий таълим муассасаси ташкил этилди, инфратузилмани такомиллаштиришга оид саъй-ҳаракатлар бошлаб юборилди, хорижий инвесторлар жалб этилмоқда. Ҳозирги вақтда сайёҳлар талабидан келиб чиқиб, шунингдек Дастурлар доирасида фақатгина жорий йилнинг январь-октябрь ойлари давомида Самарқанд шаҳри ва вилоятнинг табиати мафтункор тоғли ҳудудларида бир вақтнинг ўзида 1003 нафар меҳмонга сифатли хизмат кўрсатиш имкониятига эга 112 та уй меҳмонхоналар фаолияти йўлга қўйилди.

Яна бир янгилик,қабул қилинган ҳужжатлар асосида WiFi нуқталари ўрнатган тадбиркорларга солиқ тўловларидан имтиёзлар берилиши натижасида сайёҳлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида Дастур доирасида шу йилнинг ўзида 55 та янги WiFi нуқталари ўрнатилиб, уларнинг сони жами 67 тага етказилди.

Сайёҳлар ташрифини янада мазмунли ташкил этиш ва кўпроқ қолишини таъминлаш бўйича **15 та йирик** оммавий тадбирлар, ҳар куни Регистон мажмуасидаги Шердор мадрасасида Ўзбекистон этнографик фолклор ва мумтоз куй-қўшиқлар концерт дастурлари намойиш қилиниб келинмоқда.Самарқанд шаҳридаги университет хиёбонининг бир қисми қайта реконструкция қилиниб, Алишер Навоий кўчасининг тунги ёритиш тизимлари тўлиқ янгиланди ва пиёдалар кечки сайри қилишлари учун шарт шароит яратилди.

Туристик салоҳиятни кенг реклама қилиш мақсадида **60 та** хорижий оммавий ахборот воситалари жалб қилиниб, тарғибот ишлари олиб борилди.Жумладан: Al-Jazeera, Россия-1, Айгак Тв, “France television”, Япониянинг TBS, Россиянинг МИР телеканали ва бошқалар. Шунингдек, Дунёда машҳур кинорежисер Киеси Куросава бошчилигида фильм тасвирга олиниб, Канский фестивалда намойиш этилди.Энг қувонарлиси, 180 дан ортиқ туристик шаҳарлар аъзолигига эга бўлган Бутунжаҳон сайёҳлик шаҳарлари федерацияси (WTCF)га Самарқанд шаҳри аъзо сифатида киритилди.

Мазкур амалга оширилаётган ишларни янада жадаллаштириш, келгусида ушбу ҳудудларда ва йўналишларда туризмни ривожлантириш, сайёҳлар оқимини кўпайтириш учун қуйидагиларни амалга ошириш режалаштирилган.

Бу борада 2020 йилда 50 та меҳмонхона жумладан университет хиёбонида 3 та 4 юлдузли меҳмонхона ҳамда вилоят бўйича 200 та мехмон уйлари ишга тушурилиши, 50 та турфирмалар, 100 нафар гид экскурсоводлар фаолияти йўлга қўйиш режалаштирилган.

Жумладан, Индонезиянинг “Sahid group” компанияси билан ҳамкорликда туризм соҳасида (меҳмонхона, франчайзинг, таълим) лойиҳаларни амалга ошириш бўйича келишувларга эришилди. Натижада:

а) Имом ал Бухорий ҳудудида “SAG” МЧЖ билан шерикчиликда 100 хонали 4 юлдузли меҳмонхона қуриш;

б) Саҳид бренди остида хусусий тадбиркор Саъдуллахон Мавлюдов билан ҳамкорликда 3 юлдузли “Sahid Royal Palace” меҳмонхонаси фаолиятини 2020 йилга йўлга қўйиш.

Имом ал Бухорий мажмуаси атрофида “Ҳалол” стандартларига асосан 9 та маҳаллий ва хорижий инвесторлар томонидан қиймати 22,3 млн.долларлик жами 27 та туризм инфратузилма объектлари (шундан 23 та 800 ўринли меҳмонхоналар) барпо қилинмоқда.

Хусусан, “AL-BUKHARI HOTELS” МЧЖ (Тожикистон) “GMFR-AL-BUKHARIY” МЧЖ (АҚШ), “SAVOB GROUP” МЧЖ (Россия), “SAHID GROUP” хорижий корхонаси (Индонезия, SAG қўшма корхонаси), “ARAFAT FUROR” МЧЖ, “ВАҚФ” хайрия жамоат фонди ҳамда маҳаллий ташаббускорлар Азаматова Мўтабар, Қаршиев Шохижахон, Мамараимов Қўзибойлар томонидан қурилаётган меҳмонхона шулар жумласидандир.

Имом ал-Бухорий мажмуаси атрофида “Зиёрат шаҳарчаси” барпо қилиш, шунингдек ташаббускор инвесторлар томонидан меҳмонхона, овқатланиш шаҳобчалари, дам олиш масканлари, ҳиёбон, боғлар ва бошқа зарурий инфратузилма иншоотлари қуриш бўйича ишлар бошланган. Ушбу объектлар 2021 йилда фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.

Шу билан бирга, Самарқанд шаҳрида 2020 йилгача Samarkand city туризм зонаси ташкил этилади. Samarkand city туризм зонасида Самарқанд шаҳрида туристлар кечаю-кундуз бўш вақтларини мароқли ўтказиши учун қулай шарт-шароитлар ва турли хизматларнинг кўрсатилишини таъминловчи замонавий меҳмонхоналар, коттежлар, маданий-соғломлаштириш ва кўнгилочар-савдо масканларининг қурилиши назарда тутилмоқда.

Шу ўрнида соҳада амалга оширилиши лозим бўлган қуйидаги таклифларни тавсия этамиз:

- янги меҳмонхоналар, маданий-соғломлаштириш ва савдо-кўнгилочар марказлар, туристик-рекреацион ҳудудларни барпо этиш ҳамда туризм инфратузилмасининг бошқа объектларини қуриш ишларини жадаллаштириш, айниқса уларнинг сифатига эътибор қаратиш;

- умумий овқатланиш тизимини такомиллаштириш ва туристларнинг кечки бўш вақтини мазмунли ўтказишлари учун шароитлар яратиш, жумладан, замонавий ресторанлар қуриш, нурли ва мусиқий шоу дастурларини ташкил этиш, ўзбек миллий мусиқасининг театрлаштирилган концерт дастурларини ташкил этиш, маданий мерос объектлари ҳудудида миллий урф-одат ва анъаналарни намойиш этиш;

- авиарейслар ва тезюрар «Афросиёб» электропоезди қатновлари сонини кўпайтириш, Самарқанд шаҳрининг тарихий ҳудудида сайёҳларга хизмат кўрсатувчи ихтисослаштирилган ташкилот ташкил этиш, туристик намойиш объектларига олиб борадиган автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш йўли билан транспорт хизматини яхшилаш, авиа ва темирйўл инфратузилмасини янада ривожлантириш;

- миллий урф-одат ва қадриятларимизни тараннум этувчи (масалан, «Самарқанд нонлари», «Самарқанд ҳунармандлари», «Миллий таомлар», «Шарқ ширинликлари» ва ҳ.к каби ҳар йили ўтказиладиган) фестивалларни ташкил этиш ва ўтказиш, хорижий туроператорлар ва ОАВ вакиллари учун ахборот турларини ташкил этиш, оммабоп хорижий телеканалларда, интернет

сайтларида Самарқанднинг туризм салоҳиятини тарғиб қилиш, Самарқанд шаҳри брендини тарғиб этиш;

- туризм инфратузилмаси объектларида банкомат ва терминаллар ўрнатган ҳолда махсус эсдалик совғалари шохобчаларини шаҳар кўчалари бўйлаб тақсимлаш, жаҳоннинг илғор мамлакатлари даражасида туризм бизнеси соҳасида АКТ-хизматлар кўрсатиш, интернет тармоғидан фойдаланишга кенг имконият яратган ҳолда туристлар гавжум жойларда Wi-Fi ҳудудларини ташкил этишни назарда тутган ҳолда Самарқанд шаҳри ва бошқа туристик ҳудудларни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш.

Хулоса қилиб айтганда, туризм индустрияси ривожланишининг асосий йўналишлари ва истиқболларини белгилаб олиш орқали ушбу соҳада олиб борилаётган амалий саъй-ҳаракатларни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

## Адабиётлар рўйхати:


1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 декабрдагиОлийМажлисгамурожаатномаси.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони. “Халқ сўзи”, 2017 йил 7 февраль.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5611-сон Фармони
4. Самарқанд вилояти Туризмни ривожлантириш департаменти маълумотлари (2015-2019 йиллар).



***Ахмедов А.** – ОБМ, тингловчи*


## КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ИЖТИМОИЙ - ИҚТИСОДИЙ

Жамиятда рўй бераётган ҳар қандай воқеа-ҳодисалар маълум бир объектив зарурият орқали юзага келади. Табиий савол туғилади: Хўш, тадбиркорлик фаолиятида иқтисодий эркинлик нима ва у қандай зарурият орқали юзага келади? Бу борадаги долзарб масалалар ва фикрлар иқтисодиёт ва бошқарув соҳасида қатор олимлар ўртасида узоқ йиллардан бери қизиқиш уйғотиб келмоқда. Эндигина ривожланаётган давлатларга хос бўлган тадбиркорликнинг бу жиҳати Р.Кантильон қарашларида ўз ифодасини топганлигини гувоҳи бўлишимиз мумкин. Хусусан, бозор иқтисодиёти тамойиллари шаклланаётган давлатларда тадбиркорлик субъектлари истеъмолчилар учун яратилаётган ҳар қандай товардан, ҳам сифат ҳам миқдор жиҳатдан, ўз манфаати йўлида фойдаланишга ҳаракат қилган.

Албатта, бу ҳодисани тадбиркорлик маданияти энди шаклланаётган даврга мос деб тушуниш мумкин. Аммо бу қараш ҳозирги ижтимоий даврдаги

иқтисодий ривожланган давлатларга хос бўлмаган таъриф саналади, чунки бу давлатларда инсоннинг ижтимоий даражаси барча нарсадан устун туриши ҳақиқатдир.

Р.Кантильон тадбиркорлик фаолиятини бошқаришда сотиш ва сотиб олишдаги таваккалчиликларнинг нақадар муҳим эканлигини ўз изланишларида асос сифатида келтирган. Унга кўра, тадбиркорнинг дастлабки ва сўнги ҳаракатининг пироварди сотиб олиш ва сотиш ўртасидаги таваккалчиликлар натижасида юзага келиши мумкин бўлган жараёнлар боғлиқлигидир.

Шунингдек, у тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишда бошқарув механизмларини ишлаб чиқиш ва уларни бевосита тадбиркор ва истеъмолчи ўртасидаги тизимли ҳаракатни юзага келтириши мумкин эканлигини ўз тамойилларида келтириб ўтди.

Фикримизча, Р.Кантильон даврида тадбиркорлик фаолиятини бошқаришда раҳбарлар томонидан шахсий ташаббуслар ишлаб чиқилган бўлсада, ўз вақтида бажарилишига эътибор қаратилмаган, раҳбарларнинг шахсий манфаати барча омиллардан устун турган.

Ўзбекистон келгусида юқорида келтирилган жаҳоннинг илғор ривожланган мамлакатлари амалий тажрибасининг белгилаб ўтилган жиҳатларини ўз амалиётида қўллашлигини лозим деб ҳисоблаймиз.

Яна бир нарсани унутмаслигимиз керакки, япон корхоналарида ҳар бир ходим фикрини ҳурмат қилишлик муҳим саналади, шунинг учун ҳар бир ходим қайси лавозимда ишлашидан қатъий назар ўз фикрига эгадир. Бу жамоада ўз фикрини ўзгалар фикридан устун қўймаслик учун асос бўлиб хизмат қилади.

Кузатишларимиз натижасида шундай хулосага келдикки, япон корхоналарида бошқарув кўрсатмаларини бериш буйруқ орқали эмас, балки маслаҳат бериш йўли билан амалга оширилади. Бу эса ишлаб чиқариш жараёнидаги заиф томонларни аниқлашга хизмат қилади. Японлар бу жараёнларни «Текшириш – ёрдам» модели деб тушунадилар.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлар фаолиятини бошқаришда эркинлик тамойилларидан фойдаланишда жаҳон тажрибасини амалиётга жорий этишда қуйидаги хулосаларга алоҳида эътибор қаратишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

1. Ривожланган мамлакатларда кичик ва ўрта бизнес субъектлари фаолиятини эркинлик тамойиллари асосида ташкил этишликка алоҳида эътибор қаратилади. Улар тадбиркорлик фаолиятини эркинлик тамойили асосида бошқариш деганда фаолиятини ташкил этгандан сўнг қўллаб-қувватлаш эмас, аксинча, фаолиятни йўлга қўйгунга қадар кўрсатилаётган ёрдамни тушунадилар.

2. Хорижий мамлакатларда кичик ва ўрта бизнес субъектларининг аксариятини қўллаб-қувватлаш фақат давлат ташкилотлари томонидан эмас, аксинча нодавлат-нотижорат ташкилотлари томонидан ҳам амалга оширилмоқда.

3. Ривожланган мамлакатлар амалиёти шуни кўрсатадики, кичик бизнес субъектлари томонидан берилаётган инновацион лойиҳалар мамлакат иқтисодий ривожида асосий катализатор вазифасини бажариб келмоқда.

4. Ривожланган мамлакатларда кичик ва ўрта бизнес субъектларининг давлат олдидаги қарзлари молиявий ташкилотлар томонидан тўлаб берилади.

5. Ривожланган мамлакатларда кичик ва ўрта бизнес субъектларига банк томонидан ажратиладиган кредит ажратмалар йиллик 1-7 фоизгача қилиб белгиланганлиги кичик бизнес субъектлари учун фаолиятни ташкил этишда асосий бош мезон бўлиб хизмат қилади.

6. Кичик бизнес соҳасининг долзарблиги халқаро амалиётда ўз ифодасини топмоқда. Хусусан, айрим ривожланган мамлакатларда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг қарийб 90 фоизи айнан кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларига тўғри келади.

7. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда Кайдзен моделининг аҳамияти нафақат бизнинг мамлакат учун, қолаверса, бутун жаҳон мамлакатлари учун ҳам муҳим саналади.

Ривожланган мамлакатларнинг кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришдаги амалий натижаларини бизнинг амалиётда ҳам қўллашимиз кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни бошқаришда ўзининг ижобий натижаларини беришига ишонамиз. Бундан ташқари, жаҳон тажрибасининг устунлик жиҳатларидан бири ҳам бошқаришда эркинлик тамойилларининг йўлга қўйилиши инсоний муносабатлар негизи асосида шаклланганлиги билан долзарбдир.

Хулоса ўринда шуни таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон иқтисодчи олимларининг тадбиркорликни бошқаришга доир ёндашувларида иқтисодий эркинлаштиришнинг мамлакатимизга мос томонлари ўрганилиб фойдаланишда ижобий натижа бериши мумкин эканлиги тадбиқан ўрганилди.

1. Хорижий олимларнинг тадбиркорлик фаолиятини бошқаришга оид ғоялари республикамизнинг ривожланиш концепцияси билан боғлиқ жиҳатлари назарий томондан ўрганилди ва унинг ўзига хос хусусиятларидан фойдаланиш бўйича қуйидаги хулосага келинди:

Иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатлар АҚШ, Германия, Хитой, Япония, Сингапур ва Жанубий Корея давлатларининг тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришга оид моделларини миллий иқтисодиётда қўллаш борасида умумий миллий таклифлар ишлаб чиқилиши лозим.

Германия давлатида кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш мақсадида 1000 дан ортиқ давлат ва хусусий ташкилотлар жалб этилган бўлиб, бу борада бизнинг республика учун ҳам амалий жиҳатларни ўрганиш долзарб саналади. Чунки мамлакатимизда тадбиркорликни қўллаб-қувватловчи 50 га яқин нодавлат-нотижорат ташкилотлар мавжуд.

***Нурмухамедова М.*** *– ОБМ, тингловчи*

# ИСЛОМ БАНКЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЗАМОНАВИЙ ИҚТИСОДИЁТДАГИ АҲАМИЯТИ

Сўнгги йилларда Ислом молия тизими тушунчаси кўплаб мамлакатлар молиячиларининг сўз бойлигидан мустаҳкам ўрин олди. Дарҳақиқат, турли мамлакатларда, ҳаттоки аксарият аҳолиси ислом динига мансуб бўлмаган давлатларда ҳам, жумладан АҚШ ва Буюк Британияда, ушбу молиявий институт анъанавий банк хизматларига альтернатив молиялаш тизими сифатида барқарор ривожланмоқда. Шунинг учун ислом банкчилигини ўрганиш глобал иқтисодиётда долзарб мавзу ҳисобланади. Анъанавий банк тизимига альтернатив молиялаш шакллари мавжудлигини билиш қизиқарли ва фойдалидир. Йиллик 15-20 фоиз ўсиш суръатига эга Исломий банк дунё бўйлаб ўзининг уфқларини кенгайтирди ва 75 дан ортиқ мамлакатда ўз муассасаларига эга. Ўзбекистон Республикаси Ислом тараққиёт банкига (ИТБ) 2003 йилда аъзо бўлган. Ушбу қисқа муддатли ҳамкорлик давомида ИТБ Гуруҳининг Ўзбекистондаги портфели кўп жиҳатдан Ҳукумат билан фаол ҳамкорлик туфайли жиддий миқдорда ўсди. Бу эса Ўзбекистон Республикаси Инвестициявий дастурлари қатор устувор миллий лойиҳаларининг молияланиши маъқулланишида намоён бўлди. Айни пайтда ИТБнинг Ўзбекистондаги портфели Марказий Осиё ҳудудида энг йирик (1,8 млрд. доллардан зиёд) ҳисобланади. Ислом тараққиёт банкининг Ўзбекистондаги вакили Ҳусан Ҳасанов билан ИТБ ва Ўзбекистон банклари ўртасидаги ҳамкорлик ҳамда республикада исломий молиялаш тизимининг ривожланиш истиқболлари ҳақида суҳбатлашди.

Жаҳон иқтисодиётида глобаллашув жараёнлари мунтазам равишда чуқурлашиб, такомиллашиб бораётган бугунги кунда ижтимоий-иқтисодий тараққиёт янги босқичга юксалиб, ўзгача тус олмоқда. Шу боис глобаллашув мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланишга ва инновацион тараққиётни муқобил имкониятлар ҳисобига мустаҳкамлашга замин яратмоқда. Шунинг учун охирги бир неча ўн йилликлар мобайнида бутун дунёда мусулмонларда ҳам, бошқаларда ҳам ислом банкчилигига қизиқиш ортиб бормоқда. Дубайдаги Ислом банкчилиги ва иқтисодиёти Ал-Ҳуда маркази (Al-Huda Center Of Islamic Banking & Economics (CIBE)) Бошқарув Кенгаши котиби Муҳаммад Зубайр Мугҳалнинг тадқиқотларига кўра, Исломий молия активларининг ўсиш суръати йилига 10-15 фоизни ташкил этиб, сўнгги йилларда уларнинг жами ҳажми 3 трлн. АҚШ долларига етиши[1] кутилмоқда.

Ислом иқтисодиёти – бу ислом динининг асосий манбаларида белгиланган қоидалар доирасида амал қиладиган, жамиятнинг тараққиётига хизмат қилувчи, унинг аъзолари орасидаги иқтисодий муносабатларни белгилаб берадиган ҳамда тартибга соладиган яхлит ижтимоий-иқтисодий тизимдир. Халқаро ҳамжамиятдаги жадал тараққиёт ва фан-техника соҳасидаги муттасил юксалиш

---

[1] http://www.alhudacibe.com

натижасида ўтган асрда мусулмон халқлардан келиб чиққан иқтисодчи олимлар ислом иқтисодиётига қуйидаги таърифларни берадилар:

С.М.Ҳасан уз-Заман: Ислом иқтисодиёти бу фиқҳий ҳукмлар ва қонун-қоидаларининг амалга татбиқ этилиши бўлиб, у инсонларнинг талабларини қондириш учун иқтисодий ресурслардан нотўғри ва исрофгарчилик билан фойдаланишнинг олдини олади. Шунингдек, уларни Яратган Аллоҳ, жамият олдидаги бурчини бажариш учун қодир қилиб қўяди. (Hasan uz-Zaman, 1984).

М.А.Маннан: Ислом иқтисодиёти бу инсонларнинг Ислом қадриятлари билан сифатланган иқтисодий муаммоларини ўрганадиган ижтимоий илм ҳисобланади. (Mannan, 1986).

Хуршид Аҳмад: Ислом иқтисодиёти бу иқтисодий муаммони тушуниш мақсадида тизимли ҳаракат қилиш ва бу муаммога инсоннинг исломий жиҳатдан бўлган муносабатидир. (Ahmad, 1992).

М.Нажатуллоҳ Сиддиқи: Ислом иқтисодиёти бу исломий фикр юритувчиларнинг ўз вақтида бўладиган иқтисодий муаммоларга бўлган муносабатидир. Бу борада мусулмонларга Қуръони Карим ва суннат, шунингдек муаммонинг сабаби ва у бўйича тўпланган тажриба дастак вазифасини ўтайди. (Siddiqi, 1992).

Исломий банк тизими – Ислом ҳуқуқи, бошқача сўз билан айтганда, шариат қонун-қоидалари асосида ташкил этилиш ва фаолият юритиш тамойилига эга бўлган банк тизимидир, яъни бу турдаги банкларнинг барча амалиётлари, масалан, депозит омонати ёки молиялаштириш билан боғлиқ амалиётлари ҳам шариат кўрсатмаларига мувофиқ бўлади. Ислом банкларининг бошқа амалиётлари: пул ўтказмалари, кафолат хатлари, аккредативлари, чет эл валютасини сотиш кабиларга нисбатан ҳам бу қоидалар ўз таъсирини кўрсатади.

Ислом банкларининг анъанавий банклардан фарқ қиладиган энг асосий жиҳати улар амалиётида Ислом дини ман қилган рибо унсурларининг мавжуд эмаслигидир. Агар муассаса фаолиятида рибо унсурлари мавжуд бўлса, бундай муассаса исломий молия муассасаси сифатида эътироф этилмайди. Ислом банкларини тузишдан бош мақсад мусулмонларнинг банкка бўлган эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилиш ҳисобланади. Милодий 7 асрда Макка шаҳри бутун араб қабилалари учун савдо маркази ҳисобланган. Ислом дини ёйила бошлагандан сўнг ҳам у шу мақомда қолди. Ўша даврларда ислом банки тизимининг бирламчи элементи бўлган пул маблағлари ва қимматбаҳо бойликларни сақлаш амалиёти кузатилган. Бу пайтда давлат депозитар муассасалари бўлмаганлиги сабабли ишончли ва омонатдор шахслар бу вазифани бажаришган.

Ҳозирги кунда дунёнинг 75 дан ортиқ мамлакатларида Ислом молия институтлари фаолият кўрсатади. Уларнинг энг катта концентрацияси яқин Шарқ ва Жануби-Шарқий Осиёнинг тарихан аниқланган минтақасида (Баҳрайн ва Малайзия энг йирик марказлардир), шунингдек, Европа ва АҚШ. Ҳозир дунёда 300 дан ортиқ Исломий банклар мавжуд бўлиб, уларнинг умумий активлари 500 миллиард АҚШ долларидан ошиб, йилига 10 дан 15% гача ўсиб

боради[1]. Бошқа манбаларга кўра, Ислом банкларининг умумий сони 200 дан ошди ва уларнинг умумий активлари 160 миллиард АҚШ долларини ташкил этди.[2]

**1-расм. Исломий банк ва молия тизимининг ривожланиш босқичлари[7]**




Бугунги кунда ислом молиясининг учдан икки қисми ислом банкларида жамланган.[8]

Исломий банк хизматлари молиявий-иқтисодий муносабатлари ислом шариати асосида тартибга солиниб, қуйидаги кетма-кетликда келади : Қуръон Карим, Ҳадиси Шариф, Ижмо ва Қиёс[9]. Ислом молиясини асосий тамойиллари қуйидагилар:

Рибо (фоиз) ҳар қандай кўриниши тақиқланган. Бу оддий қилиб айтганда, пулни қарзга фоиз эвазига бериш ёки пулни ҳеч қандай меҳнат қилмай кўпайтириб олиш тушунилади.

Ғорар -бу одамлар ўртасидаги муомалада бир томон иккинчи томонга

---

[1] Исламские банки и их особенности // http://forum.addhome.ru/showthread.php?t=108.
[2] Исламские банки // http://www.elbrusoid.org/articles/poklonen/359929/.

нисбатан ахборотдан етарлича хабардор эмаслик ҳисобланади. Бунда сотувчи ва харидор товар ҳақида тенг маълумотга эга бўлиши керак. Буни шариат томонидан тақиқлашдан асосий мақсад бир томоннинг иккинчи томонга нисбатан ноҳақ устунликка эга бўлишини олдини олишдан иборатдир. Ғорар умуман қўшимча нарса яратмайди балки, кимнидир ютқазиши ёки зарар кўриши эвазига даромад олинади.

Майсир-иқтисодий ноаниқлик ва асосланмаган тадбиркорлик риски сифатида намоён бўлади. Бунга мисол қимор ўйини, яъни бойликни меҳнатсиз бошқа бировни зарар кўриши эвазига тасодифан қўлга киритишдир.

Хулоса шринда шуни таъкидлаш лозимки, Тижорат банкларида исломий банк хизматларини вадиа ва мудораба шартномаси асосида йўлга қўйиш орқали аҳоли ва бизнес вакиллари ихтиёрида бўлган бўш турган пул маблағларини депозитга жалб қилиш тартиби такомиллаштириш ҳисобланади.

***Файзиев А.** – ОБМ, тингловчи*

## BIG DATE – ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН БАНК ИШИДА ФОЙДАЛАНИШ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Маълумки, охирги йилларда Ўзбекистон Республикасида банк-молия сектори тизимида Big Date – технологиялари изчил ислоҳ қиллиш, қатор чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Хусусан, халқаро стандартларга мувофиқ келадиган ва молиявий соҳага хорижий инвестициялар киритиш учун жозибадор муҳитни яратадиган "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"ги, "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги, "Валютани тартибга солиш тўғрисида"ги ҳамда "Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида"ги янгиланган қонунлари қабул қилинди. Банк тизимига замонавий сервис ечимлари асосида ахборот технологияларини, молиявий технологияларни кенг жорий этиш, ахборот хавфсизлигини лозим даражада таъминлаш, шунингдек, молиявий хизматлар кўрсатишда инсон омили таъсирини камайтириш бўйича тезкор чора-тадбирлар кўриш талаб этилмоқда[1].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сон Фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастурида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда, шунингдек, хусусий сектор ривожланишини рағбатлантириш, банкларнинг инвестициявий жозибадорлигини, банк хизматлари оммабоплиги ва сифатини ошириш учун банк секторини тубдан трансформация қилиш мақсадида Ахборотларни «Big Data» асосида йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш бўйича автоматлаштирилган тизимни жорий этиш

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли фармонига асосан 2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси.

белгилаб қўйилган[1]. Катта маълумотлар бир хил контекстга тегишли бўлган ҳар хил форматдаги тузилган ва тузилмаган маълумотларнинг доимий ўсиб бораётган ҳажмини англатади. Ушбу технологиянинг асосий хусусиятлари - ҳажм, тезлик, хилма-хиллик, қиймат ва ҳақиқат. Турли манбалардан олинган бундай маълумотлар тўпламлари бизнинг одатий ахборотни қайта ишлаш тизимларимиз бошқара оладиган даражадан ташқарида.




**1-расм. Хорижий банкларда қўлланиладиган янги рақамли технологиялар**

**Хулоса ўрнида,** Big date – технологияларидан банк ишида фойдаланиш имконияти ва технологияларнинг ривожланиши ва уларнинг мамлакатнинг замонавий пул-кредит сиёсатида фаол қўлланилиши кредит ташкилотлари ва мижозлар ўртасидаги кредитлаш, хизмат кўрсатиш ва мижозларни хабардор қилиш соҳасидаги муносабатларга таъсир кўрсатмоқда. Шу муносабат билан Марказий банк олдидаги биринчи навбатдаги вазифа, биринчидан, мавжуд кредит тизимини рақамлаштириш, иккинчидан, кредит соҳасига IT-технологияларни жорий этишдан иборат. Мижозларга вақт сарфини тежаш ва кўпроқ қулайлик яратишҳамда ресурсларни йўналтириши учун кредит, ҳисоб-китоб ва бошқа операцияларни бажариш вақтини қисқартиришга қаратилган уринишларига кўпроқ эътибор қаратилмоқда. Бундан ташқари Мижозларнинг эҳтиёжларининг ўзгартириш ва янги технологияларнинг пайдо бўлиши филиалнинг тугашини эмас, балки "ақлли" филиалнинг пайдо бўлишини англатади. "Ақлли" филиаллар савдони ошириш ва мижозлар тажрибасини сезиларли даражада яхшилаш учун рақамли технологиядан фойдаланади. Тўғри амалга оширилса, концепция банк филиали иш услубини ўзгартиради (ходимлар сони қисқартирилади), филиалнинг моддий мавжудлигига талабларни сезиларли даражада пасайтиради ва мижозларнинг ўзаро таъсирини ўзгартиради (мақсадли, тегишли савдо ва хизмат кўрсатиш) – натижада банк филиали харажатларни тежаш ва сотишнинг кўпайиши билан ўлчанадиган филиал самарадорлиги 60-70 фоизга яхшиланади.

Чакана банклар учун рақамли технологияларни жорий этишда бир нечта мақсадлар кўзланади: транзакциялар ва сотишни рақамли каналларга ўтказиш; Ҳар бир мижозлар учун 24/7 режимда мулоқот каналини яратиш; сотишга индивидуал ёндашув; интегарциялашган omnichannel модели орқали банкнинг барча каналларида бирдек ишлаш тажрибаси, яъни мижозлар онлайн, иловада ёки филиалда бўладими, узлуксиз техник қўллаб-қувватлаш тизимига эга бўлади. Мижозлар кун ёки туннинг исталган вақтида рақамли филиалга кириб,

---
[1] https://lex.uz/ru/docs/4811025#4813469

кредитлар ёки кредит карталари каби янги маҳсулотлардан тортиб, хизмат кўрсатишгача бўлган барча керакли нарсаларни тезда олишлари керак. Мижозлар қайси каналдан фойдаланмасин, фойдаланувчини қўллаб-қувватлаш тажрибаси узлуксиз бўлиши керак. Бир қатор технологик ечимлар ушбу мақсадларга эришишга имкон беради (2-расм).




**2-расм. Банкнинг рақамли филиалларида фойдаланилувчи технологиялар**[1]

Кейинги авлод банкир планшетлари. Планшетлар банкирларга филиалда виртуал сайр қилиш эркинлигини беради, яъни Apple Store ходимлари сотувларни кўпайтириш ва мижозларга юқори даражадаги хизмат кўрсатиш имконини беради. Тўртта муҳим хусусият банкирларга ҳақиқатан ҳам самарали бўлишга имкон беради:

Реал вақт режимида мижозларнинг шаффофлиги бошқарув панели мижозлар банкоматлар каби филиал машиналарида транзакцияларни амалга оширганда банкирларни огоҳлантиради, банкирлари бу ҳолатда мижозга техник ёрдам ёки мослаштирилган таклифларни бериш бўйича тайёр ҳолатда бўлишларига ёрдам беради.

Мукаммал мижозлар билан муносабатларни бошқариш (CRM) дастурий таъминоти банкирларга банк билан ўзаро муносабатлар, жумладан, аризалар, тўловлар ва сотиб олинган банк маҳсулотлари бўйича мижозлар билан муносабатлари ҳамда уларнинг тарихини яхлит кўриш имконини беради.

Янги CRM платформалари реал вақтда, кейинги энг яхши маҳсулот тавсияларини яратиш учун кенг қамровли мижозлар маълумотлари ва кейинги авлод таҳлилига асосланган моделлардан фойдаланади.

Рақамли савдо модуллари банкирларга ўз планшетларидан мижозларнинг кредит карталари ва автокредитлардан ипотека, суғурта, овердрафт ҳимояси ва депозит ҳисобларигача бўлган маҳсулотларга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун фойдаланиш имконини беради; улар янги мижозларнинг адаптациясини ҳам қўллаб-қувватлайди. Планшетлар ҳужжатларни сканерлаш ва банк

[1] Технологии финансовых услуг в 2020 году и в дальнейшем: революционные перемены [Электронный ресурс]//PricewaterhouseCoopers.– Режим доступа: https://www.pwc.ru/ru/banking/publications/_FinTech – Дата доступа: 31.03.2020.

тизимларига юклаш, бармоқ излари, ID карталар ва паспортларни ўқиш, шунингдек, кредит скорингини амалга ошириш имконини беради. Бу имкониятлар, шунингдек, тезкор кредит ва банк карталарини чоп этиш ва бек офисни автоматлаштириш каби соҳага оид технологиялари билан бирлаштирилган. АҚШ, Европа ва Яқин Шарқдаги бир қатор банклар икки дақиқа ичида рақамли форматда ҳисобрақамни очиш имкониятини яратиш оқарли мижозларги хизмат кўрсатиш сифатини сезиларли яхшиланишга эришди.

Хулолса ўринда шуни таъкидлаш лозимки, банкирларга пул ўтказмалари, манзиллар ва электрон почта хабарлари, нақд пул ўтказишдан тортиб йирик чекларни депозитга қўйиш ва ечиб олишгача бўлган ҳамма нарса учун мижозларни рақамли каналларга ўтказиш имконини беради. Бир қатор банклар ходимлар томонидан мижозларни кенгроқ рақамли технологияларни жорий этиш жараёни оқрали "ўз-ўзига хизмат кўрсатиш" модулиги ўтказиш имкониятини ишлаб чиқдилар.

***Ашуров З.А.*** -
*Хусусийлаштириш ва давлат активларини*
*бошқариш муаммоларини тадқиқ этиш*
*маркази директори ўринбосари, и.ф.ф.д. (PhD)*

## ЎЗБЕКИСТОН КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ ТИЗИМИДА D&O-СУҒУРТАСИ МЕХАНИЗМИ ВА АМАЛИЁТИНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Бугунги кунда Ўзбекистонда корпоратив бошқарув тизимининг ривожланишига нафақат давлат, балки хусусий сектор ва илмий жамоатчилик томонидан ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Ҳозирда мамлакатимизда корпоратив бошқарувни ривожланишига янги туртки берган ҳамда корпоратив бошқарув миллий тизимини янада такомиллаштириш бўйича ўрта муддатли истиқболга мўлжалланган чора-тадбирларни белгилаб берадиган асосий ҳужжат бўлиб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 мартдаги 166-сон қарори билан тасдиқланган ***2021-2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегияси*** ҳисобланади.

Мазкур Стратегияга мувофиқ ижро этувчи орган фаолиятини такомиллаштириш мақсадида ***давлат иштирокидаги корхоналар ижро этувчи орган раҳбари ва аъзолари жавобгарлиги бўйича суғурта қилиш механизмини жорий этиш*** кўзда тутилган. Шу муносабат билан, корпоратив бошқарувнинг хорижий тажрибаси ва илғор амалиётини ўрганиш асосида мазкур мақолада директорлар ва раҳбарлар (D&O) жавобгарлигини суғурталашнинг моҳияти ва аҳамияти тўғрисидаги маълумотларни келтиришни ҳамда ушбу механизмни Ўзбекистон корпоратив бошқарув тизимига жорий қилиш борасида таклифларни беришни лозим топдик.

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, сўнгги йилларда хорижий мамлакатларда компаниялар директорлар кенгаши аъзолари ва ижроия

раҳбариятининг жавобгарлигига катта аҳамият берилмоқда, суд органларининг компания раҳбариятига нисбатан босими ҳам кучаймоқда. Ғарб амалиётида компания юқори раҳбариятини учинчи шахслар даъволаридан ҳимоя қилиш учун қўлланиладиган воситаларидан бири бу D&O-суғуртаси ҳисобланади.

***Директорлар ва раҳбарлар жавобгарлигини суғурталаш (ёки D&O-суғуртаси)*** (ингл. *Directors and officers liability insurance, D&O*) – бу суғурта қопламаси бўлиб, у жисмоний шахсларни, агар улар компаниянинг ёки бошқа турдаги ташкилотнинг директори ёки ижрочи раҳбари сифатида ишлаганликлари натижасида судга тортилган бўлса, шахсий йўқотишлардан ҳимоя қилиш учун мўлжалланган. Мазкур суғурта тури ташкилотнинг бундай даъво натижасида юзага келиши мумкин бўлган суд харажатлари ва бошқа сарфларини ҳам қоплаши мумкин.

«D&O-суғуртаси» тушунчаси корпоратив бошқарув, корпоратив ҳуқуқ ҳамда директорларнинг акциядорлар ва бошқа манфаатдор шахслар олдидаги фидуциар мажбуриятлари тушунчалари билан чамбарчас боғлиқ.

Хорижий мамлакатларда D&O-суғуртаси амалиёти кенг тарқалган. Жумладан, АҚШ да компаниялар директорларни шахсий жавобгарлик таваккалчилигидан ҳимоя қилиш учун одатда директорлар ва раҳбарларнинг жавобгарлигини суғурта қилишади ва суғурта полисларини сотиб олишади. Бунда, компаниялар одатда суғурта мукофотларини директорлар номидан ўзлари тўлашади. D&O-суғуртаси бўйича полис суғурталанган шахс жавобгар бўлганда, одатда суд харажатлари, ҳисоб-китоблар ва молиявий зарарларни қоплайди. Кенг тарқалган айбловлар орасида фидуциар мажбуриятларнинг бузилиши, норматив талабларга риоя қилмаслик, корпоратив бошқарувнинг йўқлиги, кредиторларнинг даъволари ва ҳисобот беришдаги хатолар бўлиши мумкин. Очиқ фирибгарлик, жиноий фаолият ва битта компания ичидаги менежерлар ўртасидаги суд жараёнлари билан боғлиқ харажатлар қопланмайди.

Ўзбекистонда корхона ижроия органининг учинчи шахслар олдидаги жавобгарлигини суғурта қилиш қонунчилик билан тартибга солинмаган. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида корхона бошқарув органларида раҳбар лавозимларни эгаллаб турган шахсларнинг жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисидаги бевосита талаб мавжуд эмас.

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонунида фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилишга оид нормалар келтирилган. Жумладан, ушбу қонуннинг 6-моддасига мувофиқ, жавобгарликни суғурта қилиш умумий суғурта соҳасига киради. Шунингдек, қонуннинг 11-моддасига мувофиқ, қуйидагилар билан боғлиқ бўлган мулкий манфаатлар фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш объектлари бўлиши мумкин: жисмоний шахсларнинг ҳаётига, соғлиғига ёки мол-мулкига, юридик шахсларнинг, давлатнинг мол-мулкига зарар етказганлик учун жавобгарлик юзага келиши таваккалчилиги; шартнома шартларини бузганлик учун жавобгарлик юзага келиши таваккалчилиги. Қонунчиликнинг мазкур нормалари асосида Ўзбекистонда профессионал фаолиятнинг алоҳида субъектлари (масалан, адвокат, нотариус, риэлтор, суд бошқарувчиси, туроператор,

инвестиция воситачиси, божхона брокери ва ҳ.к.) жавобгарлигини суғурта қилиш қонунийлаштирилган ва амалиётда кенг қўлланилади.

Кўриниб турибдики, юридик шахснинг бошқарув органлари таркибига кирган шахсларнинг жавобгарлигини суғурта қилиш имконияти амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган, аммо тақиқланмаган ҳам. Шунга кўра айтиш мумкинки, фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилишга оид амалдаги қонунчилик доирасида юридик шахсларда ўз директорлари ва раҳбарларининг жавобгарлигини суғурта қилиш имконияти мавжуд.

Фикримизча, Ўзбекистонда компания директорлари ва раҳбарларининг жавобгарлигини суғурта қилиш механизмини (D&O-суғуртаси) жорий этиш ҳамда ушбу механизмнинг амалда ишлашини таъминлаш учун, қуйидаги ишларни амалга ошириш зарур.

***Биринчидан***, D&O-суғуртаси институтини қонунчиликда ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш ҳамда ушбу суғурта тури бўйича ихтиёрий равишда шартнома тузиш имкониятини яратиш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига **“81$^{1}$-модда. Жамият кузатув кенгаши аъзолари, жамият директори ва бошқарув аъзолари жавобгарлигини суғурта қилиш”** деб номланган янги моддани киритишни ва унда қуйидаги нормаларни назарда тутишни таклиф қиламиз:

«Жамият жамиятнинг кузатув кенгаши аъзолари, жамият директори ва бошқаруви аъзоларининг жавобгарлигини суғурта қилиш шартномасини тузишга ҳақли, унга кўра кўрсатилган шахсларнинг жамиятга, унинг акциядорларига, жамиятнинг бошқа эмиссиявий қимматли қоғозлари эгаларига ва (ёки) бошқа шахсларга ўзларининг эҳтиётсиз ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида зарар етказиши оқибатида юзага келадиган мажбуриятлари бўйича жавобгарлик таваккалчилиги суғурта қилиниши мумкин.

Жамият кузатув кенгаши аъзолари, жамият директори ва бошқаруви аъзоларининг жавобгарлигини суғурта қилиш шартномасининг муҳим шартлари, шу жумладан суғурта мукофотининг энг кўп миқдори, суғурта суммасининг энг кам ва (ёки) энг кўп миқдори, шартноманинг амал қилиш муддати, суғурта ҳодисаларининг рўйхати, шунингдек, бошқа шартлар жамият кузатув кенгашининг қарори билан тасдиқланиши керак».

Худди шундай нормаларни Ўзбекистон Республикасининг “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Қонунига ҳам киритиш лозим.

***Иккинчидан***, жамият кузатув кенгаши аъзолари, жамият директори ва бошқаруви аъзоларининг жавобгарлигини суғурта қилиш шартномаси, моҳиятига кўра, акциядорлик жамиятининг аффилланган шахслари билан тузилган битим сифатида қаралиши мумкин, шунинг учун, ўйлаймизки, акциядорлик жамиятлари тўғрисидаги қонунчиликнинг аффилланган шахслар билан тузиладиган битимларга оид нормалари бундай битимларга нисбатан қўлланилмаслиги лозим.

Шунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик

жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг **91-моддаси (Аффилланган шахс билан битимлар тузишдаги истиснолар)** қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилиши лозим:

«жамият билан тузиладиган ушбу Қонуннинг $81^1$-моддасига мувофиқ жамият томонидан жамият кузатув кенгаши аъзолари, жамият директори ва бошқаруви аъзоларининг жавобгарлигини суғурта қилиш шартномалари бўлган битимларга».

***Учинчидан,*** D&O-суғуртаси механизми нафақат юридик, балки иқтисодий нуқтаи назардан ҳам ишлаши учун, акциядорлик жамиятларига жамият директори ёки бошқарув аъзолари билан тузиладиган меҳнат шартномасига шундай қоидаларни киритиш амалиётини жорий этиш керакки, унга мувофиқ жамият уларнинг жавобгарлигини суғурта қилиш ва тегишли суғурта полисини сотиб олиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

***Тўртинчидан***, мамлакатимиз компаниялари директорлари, бошқарув аъзолари ва кузатув кенгаши аъзоларининг жавобгарлигини суғурта қилиш механизми нафақат қонунчилик ва норматив ҳужжатларда юридик жиҳатдан мустаҳкамланган бўлиши, балки у суғурта компаниялари томонидан ишга туширилиши ва амалда қўлланилиши ҳам муҳим аҳамият касб этади. Кузатувлар шуни кўрсатадики, ҳозирги кунда Ўзбекистонда суғурта компаниялари (масалан, Uzbekinvest, ИНГО-Узбекистан, Kafolat, Alfa-Invest, Alskom, Asia Inshurans ва ҳ.к.) фуқаролик ва/ёки профессионал жавобгарликни суғурта қилиш хизматларини кўрсатмоқда. Бироқ, уларда D&O-суғуртаси бўйича хизматларни кўрсатиш ҳали амалиётда қўлланилмайди.

Бунинг учун, суғурта ташкилотлари корхоналар директорлари ва мансабдор шахсларининг жавобгарлигини суғурта қилиш бўйича янги маҳсулотни ишлаб чиқишлари ва жорий этишлари зарур. Бунда суғурта ташкилоти ва корхона ўртасида тузиладиган жавобгарликни суғурта қилиш шартномасида D&O-суғуртаси бўйича қопланадиган таваккалчилик ҳолатларини аниқ акс эттириш тавсия этилади.

***Ва ниҳоят***, келусида компания директорлари ва раҳбарларининг жавобгарлигини суғурта қилиш институтини фонд биржасининг листинг тартиботи ёрдамида ривожлантириш мумкин. Бунда, “Тошкент” РФБ нинг биржа котировкаси варағига киритилган акциядорлик жамиятлари учун D&O-суғурта полисининг мавжуд бўлиши мажбурий талаб сифатида белгиланиши мумкин.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда D&O-суғуртаси механизми ва амалиётини жорий қилиш учун ҳам ҳуқуқий, ҳам иқтисодий шарт-шароитлар яратилиши зарур, деган хулосага келиш мумкин. Ўйлаймизки, юқорида кўрсатилган чора-тадбирларни тизимли амалга ошириш нафақат D&O-суғуртаси механизмини жорий этиш, балки унинг тўғри амалда қўлланилиши ҳамда янада ривожланишига ҳам олиб келади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 мартдаги

166-сон “2021-2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” ги қарори / Национальная база нормативно-правовых актов Республики Узбекистан (www.lex.uz).
2. What Is Directors and Officers (D&O) Liability Insurance? Investopedia [Electronic resource]. – URL: https://www.investopedia.com/terms/d/directors-and-officers-liability-insurance.asp
3. Holly J Gregory, Rebecca Grapsas and Claire H Holland. Corporate Governance and Directors' Duties in the United States: Overview. Thomson Reuters Practical Law, 01.09.2021 [Electronic resource]. URL: https://uk.practicallaw.thomsonreuters.com/Document/Ie1ff4115d60d11e79bef99c0ee06c731/View/FullText.html

***Камалова Г.А.*** *- ТГЮУ, магистрант*

## СПЕЦИФИКА СОВЕРШЕНИЯ КРУПНОЙ СДЕЛКИ

На сегодняшний день активизация бизнеса в Республике Узбекистан требует большого объёма финансовых средств. В этих целях, предприниматели обращаются в коммерческие банки за получением кредитов с залоговым обеспечением.

Процесс оформления договора залога происходит у нотариуса, который удостоверяет договор после его правовой экспертизы наряду с представленными документами. Если речь идет о залоге имущества юридического лица, в частности АО либо ООО, то возникает вопрос касательно того, относиться ли такая сделка к категории «крупной сделки».

**Крупная сделка** Понятие крупной сделки установлено в Законе Республики Узбекистан «Об акционерных обществах и защите прав акционеров» (Закон об АО) и Законе Республики Узбекистан «Об обществах с ограниченной и дополнительной ответственностью» (Закон об ООО). Следовательно, сделка является крупной если она имеет одну из нижеследующих трёх целей, а именно: **приобретение**, **отчуждение** либо **возможность отчуждения** обществом имущества, за исключением сделок, совершаемых в процессе осуществления текущей хозяйственной деятельности, и сделок, связанных с размещением акций и иных ценных бумаг.

В статье 83 Закона об АО в отличие от Закона об ООО отчётливо установлены разновидности сделок, относящихся в крупной сделке. В частности, к ним отнесены в том числе заем, кредит, залог, поручительство. Данный список не ограничен приведёнными видами сделок и может также включать в себя и другие разновидности сделок, соответствующих указанным критериям. Так, к данной категории можно также отнести договор купли-продажи недвижимости.

**Критерии крупной сделки,** Для АО стоимость отчуждаемого или приобретаемого имущества должна быть **более 15% от размера чистых активов** общества на дату принятия решения о заключении крупной сделки. Между тем, в ООО данная стоимость должна быть **более 25% стоимости**

**имущества общества**, определенной на основании **данных бухгалтерской отчетности на последний отчетный период**, предшествующий дню принятия решения о совершении таких сделок Однако уставом ООО может быть предусмотрен более высокий размер крупной сделки и в таком случае следует руководствоваться положениями устава.

Анализ статей вышеперечисленных законов, устанавливающих критерии крупной сделки, позволяет нам сделать нижеследующие выводы:

**Во-первых**, крупная сделка не всегда является одной единой сделкой, а может включать в себя ряд взаимосвязанных сделок.

**Во-вторых,** крупная сделка – это приобретение, отчуждение или возможность отчуждения имущества и может быть как прямо, так и косвенно.

**В-третьих,** крупная сделка – это не сделки, совершаемые в процессе осуществления обычной хозяйственной деятельности (договор поставки, договор возмездного оказания услуг и т.д.)

**В-четвёртых,** крупная сделка для ООО – это сделка согласно стоимости, установленной учредителем в уставе, а если устав не определяет, то согласно стоимости, установленной в Законе об ООО. Так, учредители могут установить в уставе, что к крупной сделке относятся сделки со стоимостью более 50% стоимости имущества общества.

**В-пятых,** для правильной квалификации сделки, важно проверить бухгалтерскую отчетность юридического лица на последний отчетный период, предшествующий дню принятия решения о совершении такой сделки.

**В-шестых,** в законодательстве нет требования о единогласном принятии решения о совершении крупной сделки со стороны общего собрания АО и ООО. Хотя, требование о единогласном решении распространяется на решения наблюдательного совета АО.

**Некоторые аспекты нотариального удостоверения**

В силу того, что крупная сделка является продуктом корпоративного права, нотариусу в первую очередь следует ознакомиться с компетенциями органов управления юридического лица, изложенных в учредительных документах залогодателя.

До удостоверения нотариусом крупной сделки, им проверяются представленные документы на законность, выявляется дееспособность сторон, объясняется юридические последствия договора, устанавливается намерения сторон.

Между тем, на практике можно наблюдать следующие случаи, требующие отдельного внимания:

**Во-первых**, оформление договора о залоге как крупной сделки требует предварительного одобрения высшего органа управления (если до 50% от размера чистых активов, то требуется решение наблюдательного совета) залогодателя о её утверждении. Такое решение должен предоставить залогодатель, поскольку у него возникает возможность отчуждения. Однако несмотря на это, на практике решение представляют обе стороны как залогодатель, так и залогодержатель. Таким образом, если речь идёт о договоре

залога, то решение о совершении крупной сделки общим собранием участников – залогодержателя не требуется.

Однако если в качестве крупной сделки представлены договор займа, кредитный договор, то необходимо такое решение от обеих сторон договора.

**Во-вторых,** решение общего собрания акционеров либо наблюдательного совета об утверждении крупной сделки и сама сделка как правило оформляются одним числом (например, 10 октября 2022 года). В то время как статья 84 Закона об АО устанавливает, что крупная сделка совершается исполнительным органом общества после принятия общим собранием акционеров или наблюдательным советом общества решения по ней. Данная норма означает, что сперва должно быть принято решение, а после скажем на следующий день должна быть оформлена сделка.

**В-третьих**, нежелание сторон предоставлять нотариусу кредитный договор. Кредитный договор необходим нотариусу для проверки его условий в части имеющихся ограничений по видам обеспечения и получения необходимого одобрения. Между тем, на практике бывают случаи отказа сторон в предоставлении кредитного договора нотариусу в силу конфиденциальности его условий.

**В-четвёртых,** решение общего собрания учредителей (протокола, решение) об одобрении крупной сделки как правило принимается вне присутствия нотариуса. Часто такое решение вызывает опасения, связанные с фальсификацией документа. Нотариус, увидев подписи учредителей и печать, принимает документ в качестве надлежащего документа. Ведь национальное законодательство не требует нотариального заверения решения учредителей. Однако после оформления сделки, нередко возникают ситуации оспаривания подлинности решения, принятого общим собранием учредителей либо наблюдательным советом. В этой связи, целесообразно внести в законодательство требование о нотариальном удостоверении решения высшего органа управления об утверждении крупных сделок.

Суммируя вышеперечисленное, можно сказать, что согласно законодательству, крупная сделка, совершенная с нарушением требований, может быть признана недействительной судом по иску общества или его участника. В этой связи, необходимо в процессе нотариального утверждения крупной сделки учитывать, во-первых, требования законодательства, во-вторых, требования учредительных документов, и в-третьих, следует удостовериться в грамотном оформлении основополагающего документа - решения учредителя.

## Список использованной литературы

1. Закон Республики Узбекистан от 26 апреля 1996 года № 223-I «Об акционерных обществах и защите прав акционеров».
2. Закон Республики Узбекистан, от 06.12.2001 г. № 310-II Закон Республики Узбекистан «Об обществах с ограниченной и дополнительной ответственностью».
3. Статья 83 Закона об АО и Статья 44 Закона об ООО

4. Статья 744, 2 часть Гражданского кодекса от 29.08.1996г.
5. Статья 83 Закона об АО
6. Статья 44 Закона об ООО
7. Приказ министра юстиции Республики Узбекистан «Об утверждении инструкции о порядке совершения нотариальных действий нотариусами [Зарегистрирован Министерством юстиции Республики Узбекистан от 4 января 2019 г. Регистрационный № 3113]

***Кенжабаев А.Т.** – ОБМ кафедра мудири, и.ф.д., проф.,*
***Шакаров Қ.А.** – ТАТУ “Менежмент ва маркетинг” кафедраси проф. в. б., и.ф.н.*

## ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИОН ВА ЭЛЕКТРОН САВДОНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Мамлакатимиз иқтисодиётини узоқ муддатли ривожлантириш борасида кенг кўламли ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида , ахборот технологиялари ва интернет тармоқлари орқали истеъмолчилар, киччик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари ҳамда давлат солиқ хизмати органларининг уйғунлашган фаолияти алоҳида аҳамият касб этади. Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасини янада эркинлаштириш, унинг ҳажмини кескин ошириш, ҳисоб-китоблар тизимига замонавий ахборот технологияларини кенг жорий қилиш ҳамда ушбу соҳада жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, савдо хизматини кўрсатиш шаффофлигини таъминлаш, тадбиркорлик субъектларининг савдоларда тенг имкониятларини таъминлаш, айниқса давлат харидлари тизимида электрон савдолардан фойдаланиш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.Шунингдек Республикамизда электрон тижоратни янада ривожлантириш бугунги кунда муҳим аҳамият касб этади.Электрон тижоратда маҳсулотларни сотиб олиш–бу янги ахборот технологиялар, телекоммуникацион технологиялар ва техник воситаларга асосланган савдо тизимидир. У харидорга маълум стандартлар ва савдо қонун-қоидалари асосида фирма ва маҳсулотлар ҳақидаги маълумотларни ва тадбиркорлар билан мулоқотни таъминлаб бериб, ҳаридорга кўпроқ маҳсулотлар танлаш имконини берувчи тизим ҳисобланиб. Бунда савдо жараёни харидорнинг қайси вақтда ва қайси жойда бўлишига боғлиқ эмас. Ҳозирги вақтда электрон савдо бизнес юритишнинг энг замонавий шакли бўлиб, ишлаб чиқарувчиларга, тадбиркорларга чиқимларни қисқартириш, товарлар ва хизматлар сифатини ошириш, уларни охирги истеъмолчига етказиш суръатини тезлаштиради. Электрон савдо ёрдамида қўшимча буюртмачиларни жалб қилиш ҳисобига даромадларни ошириш, товар ва хизматлар таннархини камайтириш, товар ҳаракати жараёнини қисқартириш, хизматлар сифатини яхшилаш имконияти мавжуд. Ахборот коммуникация технологиялари хизматлари аҳоли турмушида ҳамда иқтисодиёт тармоқларида ўрни яънада ортиб бормоқда. Ахборот технологияларини жорий этиш натижасида иш юритиш маданиятининг электрон

кўриниши шаклланади, масофа қисқаради, меҳнат унумдорлиги ошади ҳамда тармоқларнинг иқтисодий самарадорлигига ижобий таъсир этади. Мамлакатда замонавий ахборот технологиялари асосида янги турдаги электрон тижорат, банк хизматларини кўрсатиш, электрон тўловлар тизими ва хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида ўзаро ҳисоб-китоблар самарадорлигини ошириш учун кенг шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Электрон савдо тизими ёрдамида хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги тўлов операциялари тезкор бажарилади, буюртмачилар ва маҳсулот етказиб берувчилар ўртасидаги ҳамкорлик амалга оширишда бир қатор қулайликларга эга бўлади. Қолаверса, тадбиркорлар замонавий ахборот технологиялари хизматларига эга бўлиб, дунёнинг исталган давлатидан ўзларига ҳамкорлар топиши, маҳсулот ва хизматларини жаҳон бозорига олиб чиқишлари учун янги йўналишлар очилади. Ҳозирги кунда электрон тижоратнинг асосий маҳсулотлари озиқовқат, ишлаб чиқариш ва информацион маҳсулотлар ҳисобланади. Умуман олганда, фирма фаолиятини рақамли кўринишда олиб борилиши янгилик эмас. Корхоналарда комьютерларнинг ишлатилиши фирмалар фаолиятини енгиллаштирган бўлса, интернетнинг пайдо бўлиши электрон тижорат соҳасининг кучайишига олиб келди. Дастлаб катта корпорациялар интернетни тижорат мақсадида ишлатган бўлса, кейинчалик кичик фирмалар ҳам унга эҳтиёж сеза бошлади. Электрон тижорат бу нафақат электрон воситалар орқали савдосотиқ фаолияти, балки товар ва хизматларга талабни яратиш, савдо амалга оширилгандан сўнг мижозларга қўшимча хизматлар кўрсатиш, ҳамкорлар орасида ўзаро ҳаракатларни енгиллаштиришлар ҳам киради. Электрон тижоратда давлат, хом-ашё етказиб берувчилар, сотувчилар, истеъмолчилар, ишлаб чиқарувчилар иштирок этиши мумкин. Электрон тижорат корпоратив, интернет ва тижорат тармоқлари ичида амалга оширилади. Интернет электрон тижоратнинг бутун дунёда тарқалиши учун қулай замин яратган бўлсада, электрон тижорат ривожланишининг ахборот технологиялари нуқтаи назаридан бу восита оптималлик ўрнини эгаллаб олмайди. Бироқ айнан интернет электрон тижорат ривожланишига катта туртки бўлди ва нафақат катта корпорациялар, балки кичик ва ўрта тадбиркорларга ва алоҳида шахсларга хам ушбу тижоратнинг бевосита иштирокчисига айланиш имконини берди. Бу билан товар ва хизматларни етказиб берувчилар ва истеъмолчиларнинг тобора кенгроқ доирада жалб этилаётганини таъминланади. Кундан кунга электрон тижорат орқали товарларни айирбошлаш, товар ва хизмат турлари кенгайиши билан давлатлар, давлат муассасалари, корхоналар ва шахсларни ўзаро ҳамкорлигини амалга ошириш имконини яратиб, бир ҳамжамиятга бирлаштирди, телекоммуникацион технологиялар тўсиқларсиз самарали ҳамкорлик амалга ошириш учун замин яратади. Фикримизча электрон савдонинг асосий афзалликлари қуйидагилардан иборат: - харидорлар ўзига қулай вақт, жой ва тезликда маҳсулотни танлаш ва сотиб олиш имкониятига эга бўладилар;

- савдо-сотиқ фаолиятини иш фаолияти билан бирга параллел равишда, яъни ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда олиб бориш имконияти пайдо бўлади;

- кўп сонли харидорларнинг бир вақтнинг ўзида бир нечта ишлаб чиқарувчиларга мурожаат қила олиш имкониятининг вужудга келиши; - харидорнинг яшаш жойи, соғлиғи ва моддий таъминланиш даражасидан қатъий назар ҳамма қатори тенг ҳуқуқли маҳсулот сотиб олиш имкониятининг мавжудлиги;

- жаҳон стандартларига жавоб берадиган маҳсулотларни танлаш ва сотиб олиш имкониятининг мавжудлиги; -керакли маҳсулотларни тезликда излаб топиш ва ушбу маҳсулотлар мавжуд бўлган корхоналарга мурожаат қилишда ахборот коммуникацион технологиялардан самарали фойдаланиш имконияти ва ҳоказо.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий «ИННОВАЦИОННАЯ ЭКОНОМИКА: ПРОБЛЕМЫ, АНАЛИЗ И ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ» (3-часть) 85 Мажлисга Мурожаатномаси.// 29.12.2020 й.
2. O‘zbekiston Respublikasi prezidentining 2017 yil 7 fevraldagi PF-4947-son “O‘zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo‘yicha Harakatlar strategiyasi to‘g‘risida”gi Farmoni.
3. М.С.Якубов.Қ.А.Шакаров.Ж.Т.Усманов.Ш.Э.Синдаров “Электрон тижорат”. Ўкув қўлланма. Т.: “Алоқачи” босмахонаси нашриёти, 2021.
4. .Юрасов. Основы электронной коммерции. Учебник для вузов. 2-е изд., перераб. и доп. 2016 г.
5. Gulyamov S.S., Abdullaev A.M. Iqtisodiyotda zamonaviy axborot tizimlari va texnologiyalari. T.: Impress Media, 2018
6. https://www.bigcommerce.com

***Ashirova G.A.*** *- TDIU, магистр*

## IQTISODIYTDA INNOVATSION LOYIHALARNI AMALGA OSHIRISHDA XORIJIY INVESTITSIYALARNING O‘RNI

Innovatsiya–bu kelajak degani. Biz buyuk kelajagimizni barpo etishni bugundan boshlaydigan bo‘lsak, uni aynan innovatsion g‘oyalar, innovatsion yondashuv asosida boshlashimiz kerak. Shuning uchun mustaqil mamlakatimizda Innovatsion rivojlanish vazirligini tashkil etilgan va uning oldiga aniq vazifalarni qo‘yilgan. Bu vazirlik nafaqat iqtisodiyot sohasida, balki butun jamiyat hayotida eng muhim loyihalarni amalga oshirishda o‘ziga xos lokomotiv rolini bajaradi, deb ishonamiz”.[1] Ilg‘or xorijiy tajriba, jahon fanining zamonaviy yutuqlari, innovatsion g‘oyalar, ishlanmalar va texnologiyalar asosida iqtisodiyotning barcha tarmoqlari va ijtimoiy sohani jadal innovatsion rivojlantirishni ta’minlash maqsadida, O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirishning ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha Harakatlar strategiyasida belgilangan vazifalarga muvofiq:

Oʻzbekiston Respublikasi innovatsion rivojlanishining asosiy yoʻnalishlari etib belgilangan:

➢ hududlar ijtimoiy-iqtisodiy salohiyatining barqaror oʻsishi, shuningdek, aholining hayot darajasi va farovonligi yuksalishi uchun zarur sharoitlarni ta’minlashga qodir boʻlgan fan va innovatsiya faoliyatini rivojlantirishning zamonaviy infratuzilmasini shakllantirish;

➢ innovatsion gʻoyalar va texnologiyalarni ishlab chiqish va joriy etish sohasiga investitsiyalarni keng jalb etish, ularning yanada rivojlanishini ta’minlovchi normativ-huquqiy bazani takomillashtirish;

➢ ilmiy-tadqiqot va innovatsiya faoliyatini, eng avvalo, yosh avlodning ijodiy gʻoyalari va ishlanmalarini har tomonlama qoʻllab-quvvatlash hamda ragʻbatlantirish, shuningdek, ushbu faoliyatda iqtidorli yoshlar faol ishtirok etishi uchun qulay sharoitlar yaratish;

➢ agrar sohaga innovatsion gʻoyalar, ishlanmalar va texnologiyalarni, shu jumladan ishlab chiqarish samaradorligini va qishloq xoʻjaligi mahsulotlari ishlab chiqaruvchilarning eksport salohiyatini oshirishga, mamlakatning oziq-ovqat xavfsizligini mustahkamlashga koʻmaklashuvchi qishloq xoʻjaligi ekinlarining yangi seleksiya navlarini targʻib qilish;

➢ iqtisodiyotning real sektori tarmoqlarini har tomonlama rivojlantirishni ta’minlovchi zamonaviy axborot-kommunikatsiya, sanoat va boshqa innovatsion texnologiyalarni jadal joriy etish;

➢ innovatsiya faoliyati sohasida ilgʻor xorijiy (xalqaro) tashkilotlar bilan, shu jumladan ularni nou-xau, nanotexnologiyalar va yuqori texnologik tovar (ish, xizmat)larni ishlab chiqarishning mahalliy bozoriga jalb qilish orqali hamkorlikni kengaytirish.

Innovatsion rivojlanish va novatorlik gʻoyalarini qoʻllab-quvvatlash jamgʻarmasi tashkil etildi. Hozirgi kunda xorijiy investorlarning oʻz mablagʻlarini mamlakat iqtisodiyoti uchun sarflashga qiziqtirish maqsadida davlat qonunlari asosida qoʻllab - quvvatlanishi maqsadida ular uchun imtiyozli moliyaviy sharoitlar yaratilgan. Jumladan:

➢ xorijiy investorlar kapitalini saqlanishi uchun kafolatlar;

➢ koʻrilgan zararlarni qoplanishi uchun kafolatlar;

➢ soliqqa tortish tizimida ularga berilgan imtiyozlar;

➢ foyda va daromadlarni xorijga olib chiqib ketishning erkinligi va imkoniyati borligi;

➢ bojxona imtiyozlarini mavjudligi;

➢ xorijiy investorlar mulklari va ularning oʻzlarini xavf- xatarlardan sugʻurtaviy muxofaza qilish tizimi yaratilgani.

Shu jumladan hozir kunda korxonalarda bozor mexanizmiga yunaltirilgan innovatsion faoliyatni shakillantirish va unda davlatning roli va maqsadlarini belgilash,istikbolli rejalar tuzish alohida ahamiyat kasb etadi. Innovatsion sohaga taa’luqli uslublar hamda zamonaviy fan yutuqlaridan foydalangan holda ilgʻor

innovatsion texnika va texnologiyalarni jalb qilish korxonalarda raqobatbardosh mahsulolar ishlab chiqarish imkonyatlar yaratilib,davlat buyurtmasi hajmini oshirishga yordam berilmoqda. Shu bois korxonalarda innovatsion boshqaruvni qo‘llash zarurati mamlakatim iqtisodiyoti oldida turgan asosiy vazifalardan hisoblanadi. Jumladan uning asosiy iqtisodiy samarasini ko‘rsatib o‘tishimiz mumkin:

• korxonalardagi innovatsion faollikni oshirish uchun agrar, ilmiy va amaliy tashkilotlarini birlashtirish;

• olimlarning o‘z tadqiqotlarini amaliyotga tadbiq qilish faollik ta’sir ko‘rsatadi;

• istikbolli, ilmiy-texnika ishlanmalaridan tuman mintaqa miqyosida qishloq ho‘jalik oziq- ovqat tovarlarni ishlab chiqaruvchilarni istiqbolli darajalarini ta’minlash;

• innovatsiya mahsulotlarini ishlab chiqaruvchilar ilmiy muassalar va ishlab chiqarish asosida rivojlantirish;

• tuzilmalarining o‘zaro aloqalarni yo‘lga qo‘yish;

• innovatsion texnologiyalar hisobini olib borish,ulardan

foydalanish jarayonning tahlil qilish,bu boradagi ehtiyoj monitorongini o‘tkazish va shu asosda keyingi ilmiy- texnika ishlanmalarini rejalashtirishga imkon berish;

• tarmoqning rivojlanish yunalishlarini muvofiqlashtirish,ilmiy tadqiqot ishlari buyicha faoliyat va ularning ustivorligi strategiyasini

ishlab chiqishga ko‘maklashish;

• ishlab chiqarishni texnologik darajasining ko‘tarilishi uchun muhim omilligini isbotlash.

O‘zbekiston Respublikasida innovatsiya faoliyatini kengaytirish uchun qulay muhit yaratilgan bularning hammasi albatta davlatimiz tarraqqiyoti uchun xizmat qiladi. Innovatsion faoliyatda murakkablik va yuqori xavf-xatar o‘zida xarakterlanadi. Buning uchun innovatsiyaviy potensialni va ichki rag‘batlantirishlar mavjudligi yetarli emas. Bu yerda hal qiluvchi harakat kuchi sifatida tashki rag‘batlantirishlar va davlat ko‘magi bo‘lishi mumkin.

## Foydalanilgan adabiyotlar ro`yxati


1. Sh.M.Mirziyoev. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi, //Xalq so‘zi, 22.12.2017 yil.

2. Санто Б. Инновация как средство экономического развития. Пер. с венг. М.: Прогресс, 2001. 275 с.

3. Хучек М. Инновации на предприятиях и их внедрение,М.: Луч, 2002.312 с.

4. Amanov, O.A. (2018) "INNOVATIVE ACTIVITIES IN THE RURAL LABOR MARKET," Economics and Innovative Technologies: Vol. 2018: No. 5, Article 17. Available at: https://uzjournals.edu.uz/iqtisodiyot/vol2018/iss5/17

5. Аманов О. А., Чуллиев Ж. К. ПОВЫШЕНИЕ ЭФФЕКТИВНОСТИ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ЧЕЛОВЕЧЕСКОГО КАПИТАЛА //Экономика и социум. – 2020. – №. 12-1. – С. 373-377, DOI: 10.46566/2225-1545_2020_1_79_364, https://www.elibrary.ru/item.asp?id=44830952

6. Аманов О. А., Жонузоков Н. Б. ВЛИЯНИЕ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ НА РЫНОК ТРУДА // Экономика и социум. – 2020 –№. 12-1. –С. 365-372.
7. Абдурахманов К. Х. ТРУДОВАЯ МИГРАЦИЯ И ЕЁ ВЛИЯНИЕ НА ЗАНЯТОСТЬ НАСЕЛЕНИЯ / К. Х. Абдурахманов, Э. М. Мухитдинов, З. Г. Шакаров и др. // Международный научно-исследовательский журнал. 2019. № 4
8. Amanov O.A. The Importance of Digital Technologies In Ensuring Employment // Экономика и социум. – 2020. – №. 12-1. – С. 302-314. DOI: 10.46566/2225-1545_2020_1_79_302, https://www.elibrary.ru/item.asp?id=44830940

## МУНДАРИЖА


| ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ | |
|---|---|
| ***Kholbaev B.A.*** Actual problems of business and entrepreneurship development in the digital economy | 3 |
| ***Суюнов Д.Х.*** Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувни баҳолаш тизмини такомиллаштириш йўллари | 5 |
| ***Садриддинов Б.Б.*** It-лойиҳалар портфелини бошқариш | 10 |
| ***Францизска Франк*** Актуальные проблемы развития бизнеса и предпринимательства в цифровой экономике | 16 |
| ***Гулямов С.*** Рақамли Ўзбекистон - 2030 стратегиясида рақамли бизнес самарадорлигини ошириш | 19 |
| ***Jinwon Ahn*** Entrepreneurship & inclusive economic institution | 22 |
| ***Andrea Peraldo*** Funding and training opportunities to raise business and entrepreneurship in digital economy | 24 |
| ***Жумағулов А.Э.*** Рақамли иқтисодиёт шароитида ХХР венчур инвестициялар қонунчилиги таҳлили | 24 |
| ***Hmyria Viktoriia*** Development of agrarian business in the conditions of digital technologies | 28 |
| ***Ahmed Mohamed Aziz*** AI and Digital Transformation: Advantages and Challenges | 30 |
| ***Костюченко А.В., Назаров О.О.*** Влияние цифровой экономики на социально-экономическое развитие Узбекистана | 33 |
| ***Нарзиев О.С.*** Ўзбекистонда рақамли тадбиркорликни ривожлантириш учун ёшлар имкониятларини кенгайтириш | 37 |
| ***Mohamed eid Aly Balbaa*** Internet of Everything (IoE): A Global Solution for Business and Entrepreneurship development in the Digital Economy | 42 |
| ***Yukio Toyoshima.*** Digital Economy: Japan's Challenges | 43 |
| ***Sultanov R.R.*** Development of pseudocode and program code of algorithm for optimization of educational content based on elements of artificial intelligence | 44 |
| ***Кенжабаев А.Т.*** Темир йўл транспортини рақамлаштиришда жаҳон тажрибаси | 48 |
| ***Алимов Б.Б.*** Бизнесни самарали бошқаришда инвестицион лойиҳалар мониторингини зарурияти | 55 |
| ***Қўчқоров Т.С., Турапова Ш.Т.*** Рақамли иқтисодиёт шароитида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш зарурияти тўғрисида | 60 |
| ***Yusupov R.A.*** O'zbekistonning "biznesni yuritish" reytingidagi ishbilarmonlik muhiti sifat ko'rsatkishlarining tahlili va uni yanada yaxshilashga qaratilgan shora-tadbirlar | 63 |
| ***Ашурова Ш.А.*** Электронная коммерция | 66 |
| ***Кайтаров В.Р.*** Рақамли иқтисодиётнинг аҳамияти ва иқтисодий ўсишга таъсири | 69 |

| | |
|---|---|
| ***Алимов Б.Б.*** Ахборот-коммуникация соҳасидаги халқаро инвестицион лойиҳалар | 73 |
| ***Раҳимов Ф.Х., Ибодова Д.И.*** Рақамли иқтисодиёт шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик рақобатбардошлиги | 78 |
| ***Бутабаев М.Ш.*** Методологические вопросы оценки уровня внедрения правил корпоративного управления | 82 |
| ***Кайтаров В.Р.*** Рақамли иқтисодиёт ривожланишининг банк трансформация жараёнларига таъсири | 85 |
| ***Абдурахманова М.*** Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув муносабатларини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятларига назарий ёндашув | 89 |
| ***Ашурова Ш.А.*** The importance of innovation in the development of the digital economy | 94 |
| ***Абдухолиқов К.М.*** Тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларини кредитлашни такомиллаштириш | 97 |
| ***Ахмедов Ж.Б.*** Корпоратив бошқарувнинг замонавий стандартларини жорий қилишнинг долзарб масалалари | 100 |
| ***Бердиев Н.Р.*** Тижорат банкларининг кредит ва депозит хизматларини рақамлаштиришни чуқурлаштириш билан боғлиқ бўлган муаммолар | 105 |
| ***Назаров Б.С.*** Ахборот технологиялар соҳасида бизнес инновациялар ва тадбиркорликнингўрни ва аҳамиятини ошириш йўллари | 108 |
| ***Ахмедов Ж.Б.*** Корпоратив бошқарувнинг замонавий стандартлари | 111 |
| ***Абдуразакова Н.Р.*** Потоки прямых иностранных инвестиций до и во время covid-19 | 114 |
| ***Абдурахимова Д.К.*** Инновацион банк махсулотларини жорий этиш билан банклар самарадорлигини ошириш масалалари | 117 |
| ***Абдурахмонов И.Х.*** Суғурта соҳасида блокчейн технологиясини қўллаш истиқболари | 120 |
| ***Абиркулов Б.А.*** Международная практика развитие пенсионнного страхования | 123 |
| ***Азизкулов Б.Х., Мелибоев И.М.*** Рақамли иқтисодиёт шароитида оилавий тадбиркорликни ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари | 126 |
| ***Азизов Ж.Д., Арипова Д.Х.*** Пути формирования прибыли предприятия и ее эффективного использования | 129 |
| ***Алиева Н., Адамбаева Д.*** Солиқ солиш мақсадида кўчмас мулкни бозор қийматида баҳолашнинг ўзига хос хусусиятлари | 134 |
| ***Абдурахимова Д.К.*** Рақамли технологиялардан фойланган ҳолда инновацион банк махсулотларини жорий этиш масалалари | 139 |
| ***Азизкулов Б.Х., Мелибоев И.М.*** Рақамла иқтисодиёт шароитида оилавий тадбиркорликни ривожлантиришнинг зарурияти ва ўзига хос жиҳатлари | 142 |
| ***Аминов Ф.Ф.*** Мактабгача таълим тизимида давлат-хусусий шериклик лойиҳалари | 146 |
| ***Амирқулов С.М.*** Инвестицион лойиҳаларни мониторинг қилиш – бизнесни самарали бошқаришнинг муҳим белгисидир | 148 |

| | |
|---|---|
| ***Абдуллаев Н.Н.*** Тадбиркорликни ривожлантириш ва тадбиркорлик субъектларининг инвестицион фаоллигини таъминлашда тижорат банкларининг ролини ошириш бўйича хориж тажрибаси ва унинг амалий аҳамияти | 153 |
| ***Зокиржонов Д.Т.*** Ўзбекистон ҳудудларида тадбиркорликни ривожлантириш ва тадбиркорлик субъектларининг инвестицион фаоллигини оширишда тижораьт банкларининг ролини ошириш йўллари | 156 |
| ***Utayev B.G‘.*** Mamlakatimizda kichik biznesning ahamiyati va ushbu sohadagi ilg‘or xorij mamlakatlari tajribasi | 159 |
| ***Зулфиқаров Б.Д.*** Инновацион фаолиятни ривожлантириш ва тижоратлаштириш | 161 |
| ***Халикчаева С.И.*** Рақамли иқтисодиёт шароитида солиқ ислҳотарининг солиқ базасига таъсири масалалари | 163 |
| ***Tursunov J.P.*** Raqamli iqtisodiyot davrida pensiya ta'minoti tizimidagi islohotlar | 165 |
| ***Досчанова Д.*** Бирлашган миллатлар ташкилотининг "электрон ҳукуматни ривожлантириш рейтинги"ни шаклланиш ва ривожланиш тадрижи | 168 |
| ***Пардаев Т.Н.*** Божхона хизмати фискал фаолиятини такомиллаштиришда рақамлаштиришнинг ўрни | 170 |
| ***Сирожиддинов Ф.Ф., Қобилова Ф.Х.*** Ўзбекистон республикасида рақамли радиоэшиттиришларнинг dab+ стандартини жорий этиш ва унинг имкониятлари ҳақида | 175 |
| ***Умурзоқов Ж.Ш.*** Нефть-газ корхоналари инвестицион фаолиятининг молиявий механизмини такомиллаштириш | 178 |
| ***Muminov O.N.*** Increasing tourist attraction to Uzbekistan in digital economy period by enhancing service quality | 182 |
| ***Тоиров Н.И.*** Инвестицион лойиҳа: шўртан газ кимё мажмуасининг ишлаб чиқариш қувватини кенгайтириш | 184 |
| ***Сарманов О.А.*** Божхона тўловларини ҳисоблаш ва ундиришда рақамлаштириш истиқболлари | 189 |
| ***Уразбаев Р.О.*** Барқарор ривожланиш миллий мақсадларини амалга оширишда давлат бюджети харажатларининг самарадорлигини ошириш йўллари | 193 |
| ***Рузиева И.Д.*** Инсоният, чиқиндилар ва атроф-муҳит | 196 |
| ***Сауханов Ж.К., Габбаров С.Н.*** Яйловларда чорвачилик самарадорлигини оширишнинг дастурий таъминотини яратиш | 202 |
| ***Махмудова Д., Дўстмуродова С.*** Рақамли банкни ривожлантириш истиқболлари | 206 |
| ***Ибрагимова М., Эркинова М.*** Таққосланма ёндошув асосида бизнес (корхона) қийматини аниқлашнинг амалий масалалари | 208 |
| ***Собиров И.Х. Муродов Ш.*** Рақамли иқтисодиётга ўтишда тижорат банкларида тўлов тизимини такомиллаштириш йўллари | 211 |

| | |
|---|---|
| ***Рахмонов Н.М.*** Фуқароларнинг пенсия миқдорини ҳисоблашда ҳисобга олинадиган иш стажи муддатларини аҳамияти | 215 |
| ***Зулфикаров Ф.*** Xorijiy mamlakatlarda g’aznachilik faoliyatini tashkil etish asoslari | 217 |
| ***Ачилова Ф.К., Абраев А.К., Норов М.М.*** “Digital communal mobile” иловасининг уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасини рақамлаштиришдаги ўрни | 221 |
| ***Турсунов Д.Б.*** Ер ислоҳотларини амалга ошириш ва аҳоли даромадларини оширишда қишлоқ хўжалигида кооперация алоқаларини ташкил этишнинг аҳамияти | 223 |
| ***Шадиева Г.М., Хусинова Ш.А.*** Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик имкониятлари | 226 |
| ***Berdikulov M.A.***Tadbirkorlik subyektlari faoliyatida firma nomlari va tovar belgilaridan foydalanish tartibi | 230 |
| ***Қурбонов С.А.*** Суғурта маҳсулотларини бевосита сотиш учун интернетдан фойдаланиш | 232 |
| ***Туляганова Ш.Г., Ниёзов С.Р.*** Саноат корхоналарини реструктуризациялашни бошқариш муаммолари | 235 |
| ***Atadjanova M.*** O‘zbekistonda oilaviy tadbirkorlikni rivojlantirish istiqbollari | 237 |
| ***Хакимзода М.Ю.*** Управление рисками инвестиционного проекта | 241 |
| ***Холматов Ш.Ғ.*** Янги Ўзбекистонда фармацевтика саноатини ривожлантиришнинг ўзига ҳос хусусиятлари | 244 |
| ***Боронов Б.Ф.*** Молиявий ҳисобот шаклларида товар-моддий заҳираларга оид ахборотларни очиб бериш масалалари | 246 |
| ***Maxmudov A.M.*** Yashirin raqamli iqtisodiyotni soliqqa tortishni yo`llari | 249 |
| ***Sharobidinov A.B.*** Regional e-government system in the development of the digital economy | 251 |
| ***Mansurova M.Y.*** Business process management systems modernization as actual factor of digital economy development | 254 |
| ***Yarbekov U.M., Akhmedov N.A., Akhmadaliev I.Y.*** Uzbekistan competitive industrial performance index, analysis and opportunities | 257 |
| ***Ikromova O.O.*** Budjet tashkilotlarida budjet hisobotlarini moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari asosida transformatsiyalash zaruriyati | 260 |
| ***Бутабаев М.Ш., Нуралиев Р.Т.*** Влияние системы налогообложения на развитие рынка ценных бумаг предприятий с государственным участием | 262 |
| ***Муродова Н.Қ*** Рақамли иқтисодиёт шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли | 267 |
| ***Камолов Ш.Ж.*** Тижорат банклари фаолиятидаги рисклар ва уларни бошқариш амалиёти | 272 |
| ***Раббинов Ж.Р.*** Табиий газ таъминоти соҳасини институционал трансформациялаш зарурияти | 276 |
| ***Содиқхўжаев К.Ж.*** Замонавий маркетинг тадқиқотларини олиб боришда рақамли технологияларидан фойдаланишнинг самарадорлиги | 279 |

| | |
|---|---|
| ***Низамов А.Ш.*** Трансформация бизнеса начинается с трансформационной игры | 283 |
| ***Камолов Ш.Ж.*** Банкларнинг халқаро рақобатбардошлик даражаси | 285 |
| ***Ачилов С.С., Шакаров А.А.*** Эффективность управления и цифровизиция в сферу жилищно-коммунального хозяйства | 289 |
| ***Усманов С.А.*** Рақамли иқтисодиёт шароитида бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш истиқболлари ҳамда муаммолари | 293 |
| ***ХаироваД.Р., Ахмедова Ш.К.*** Внедрение управления проектами в нефтегазовую промышленность Узбекистана | 298 |
| ***Ilasheva A.Y.*** Raqamli iqtisodiyot bugungi kunda | 302 |
| ***Азизкулов Б.Х.*** Рақамли электрон ҳукуматни ривожлантириш асосида маҳсулот ва хизматлар самарадорлигини ошириш имкониятлари | 304 |
| ***Назарова С.Ш.*** Тадбиркорликни ривожлантиришда корхоналарда стратегик бошқарув усулларидан фойдаланишнинг хориж тажрибаси | 307 |
| ***Шоҳаъзамий Ш.Ш.*** Ўзбекистонда давлат қарамоғидаги олийгоҳларни трансформация қилиш – “инсонга эътибор ва сифатли таълим” йилининг талаби | 310 |
| ***Abdiraximova D.K., Muxitdinova D.F.***O’zbekistonda kapital bozorini rivojlantirishda islom moliyasining o’rni | 315 |
| ***Шохаъзамий Ш.Ш., Отаев Ш.К., Акимниязов Т.Б.*** Метод и модели финансирования инфраструктурных проектов государственно-частного партнёрства с помощью рынка секьюритизированных ценных бумаг, обеспеченных потенциалом этих проектов | 318 |
| ***Набиев З.*** Рақамли иқтисодиёт шароитида тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашда касаба уюшмалари роли | 320 |
| ***Холматов С.Н.*** Ипотека суғуртасининг хорижий талқини | 323 |
| ***Шохаъзамий Ш.Ш., Отаев Ш.К., Акимниязов Т.Б.*** Возможный подход к финансированию проектов государственно-частного партнёрства по ипотечному строительству с помощью рынка секьюритизированных ценных бумаг, обеспеченных потенциалом этих проектов | 326 |
| ***Собиров Р.Р.*** Тижорат банкларида инновацион фаолиятни ташкил этишдаги муаммолар ва бартараф этиш йўллари | 328 |
| ***Назаров Р.Ф.*** Зарубежный опыт инновации при страхование транспортных средств | 331 |
| ***Каримова К.Д.*** Кичик бизнес рискларини суғурталаш муаммолари | 334 |
| ***Қурбанқулова Н.*** Суғурта компанияларининг қимматли қоғозлар бозоридаги фаоллигини таъминлаш | 337 |
| ***Кадиров А. -*** Саноат корхоналарига автоматлашган тизимни жорий қилишнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш | 341 |
| ***Исаков А.*** Инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш борасида тижорат банклари фаолиятини мониторинг қилиш | 344 |
| ***Матекеев А.А.*** Малакатимизда эркин иқтисодий зоналарни ривожлантиришда ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиш | 346 |

| | |
|---|---|
| ***Захидова З.Х.*** Банк кредитлари орқали экспортёр корхоналарнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари | 351 |
| ***Жоллыбеков В.Б.*** Қишлоқ хўжалигидаги агротехнологияларни молиялаштириш амалиётида гаров таъминотинибаҳолаш механизмлари | 354 |
| ***Байжанов Д.С.*** Мамлакатимизда ислом банкчилиги фаолиятидан фойдаланиш амалиётини такомиллаштириш | 357 |
| ***Матекеев А.А.*** Эркин иқтисодий зоналарда қулай инвестиция муҳитини яратишни такомиллаштириш | 359 |
| ***Исаков Ж.Я., Захидова З.Х.*** Тижорат банклари орқали инновацион лойиҳаларни молиялаштириш механизмлари | 362 |
| ***Жоллыбеков В.Б.*** Рақамли технологиялар орқали қишлоқ хўжалиги корхоналарини ривожлантириш механизмлари | 365 |
| ***Бакиров Х.О.*** Трансмиллий корхоналарнинг ривожланаётган мамлакатларда инновацион иқтисодиётни шакллантиришдаги ўрни | 368 |
| ***Сагиева М.О.*** Факторы, влияющие на развитие хлопково-текстильных кластеров в Республике Каракалпакстан | 372 |
| ***Валиева Н.Х.*** Новые возможности: интерактивные 3d руководства по применению продукта | 376 |
| ***Исломхужаев А.Ш.*** Ўзбекистон минтақаларида рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари | 379 |
| ***Каримов С.Н.*** Рақамли инфратузилманинг институционал асослари ва мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда тутган ўрни | 382 |
| ***Мажидов Д.Р.*** Ҳар хил турдаги лойихаларни бошқаришда тармоқ муносабатлари | 385 |
| ***Oripov G`*** Effective use of homesteads and building a homestead culture in poverty reduction | 388 |
| ***Nishonov R.I.*** Inson kapitalining iqtisodiy samaradorlikdagi o’rni | 390 |
| ***Кенжабаев А.Т., Сирожиддинов Ф.Ф., Қобилова Ф. Х.*** Ўзбекистон Республикасида рақамли телевидение жорий этилишини такомиллаштириш | 393 |
| ***Хабиева А.Р.*** Основные принципы и современные тенденции развития англосаксонской модели корпоративного управления | 396 |
| ***Қўчқоров Т.С., Турапова Ш.Т.*** Рақамли иқтисодиёт шароитида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш зарурияти тўғрисида | 399 |
| ***Ишмухамедов Б.Ж.*** Вақтинча ишсиз шахсларни ўз тадбиркорлик фаолиятларини бошлашдаги мутахассисликка тайёрлаш ва қайта ўқитиш механизми истиқболлари | 403 |
| ***Алиқориев О.Ф.*** Хорижий мамлакатларнинг ислом банкчилигини жорий этиш ва ривожлантириш тажрибаси | 409 |
| ***Tirkashev B.I.*** Raqamli iqtisodiyot sharoitida kichik biznes va tadbirkorlik subyektlari orasida elektron-tijorat tizimidan foydalanish imkoniyatlari | 412 |
| ***Холиёров У.Э.*** Ўрмон хўжалигини модернизциялаш жараёнларни ривожлантириш | 415 |
| ***Ахадов Б.А.*** Банк рискларини бошқаришда суғуртанинг роли | 417 |

| | |
|---|---|
| ***Мухиддинов А.И.*** Шўртан газ кимё мажмуасида харажатларни бошқаришнинг ташкилий - иқтисодий механизмларини такомиллаштириш йўллари | 420 |
| ***Бобоёров М.М.*** Тижорат банкларида асосий воситалар ҳисобини такомиллаштириш йўллари | 423 |
| ***Темиров И.Б.*** Ижтимоий соҳа лойиҳалари ролини ошириш ва уни ривожлантириш истиқболлари | 426 |
| ***Мухиддинов А.И.*** Нефтгаз корхоналарида харажатларни бошқариш самарадорлигини ошириш бўйича хориж тажрибаси ва унинг амалий аҳамияти | 428 |
| ***Бобоёров М.М.*** Банк тизимини ислоҳ қилиш шароитида шароитида тижорат банкларида асосий воситаларнинг бухгалтерия ҳисоби | 430 |
| ***Шарипов Х.Э.*** Товар-хом ашё биржаларида янги инструментларни қўллаш самарадорлигини таъминлаш йўллари | 433 |
| ***Абдусаломова Н.Б.*** Проблемы использования маркетинговых информационных систем в страховой деятельности | 435 |
| ***Алланиязов П.А.*** Қорақалпоғистон Республикасида паррандачилик тармоғини ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари | 438 |
| ***Душаева Н.*** Инновацион лойиҳалар асосида таълим соҳасидаги стратегик мақсадларга эришиш | 440 |
| ***Акрамова Д.*** Давлат-хусусий шериклик шароитида лойиҳаларни молиялаштириш | 444 |
| ***Bo'ronov G'.Sh.*** Davlat aktivlarini boshqarishning o'ziga xos jihatlari | 448 |
| ***Шарипов Х.Э.*** Товар-хом ашё биржаларида янги инструментларни қўллаш самарадорлигини таъминлаш бўйича хориж тажрибаси | 452 |
| ***Турдиалиев М.П***. Правовое регулирование ии в электронной коммерции: опыт ЕС, Азии и Узбекистана | 455 |
| ***Қўзиев Ж.Қ.*** Рақобатбардошлик – корхона тараққиётининг муҳим омили сифатида | 460 |
| ***Раджабова Г.А.*** Самарқанд вилоятининг мавжуд туристик салоҳияти ривожлантириш истиқболлари | 464 |
| ***Ахмедов А.*** Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ижтимоий - иқтисодий | 468 |
| ***Нурмухамедова М.*** Ислом банклари ва уларнинг замонавий иқтисодиётдаги аҳамияти | 471 |
| ***Файзиев А.*** Big date – технологияларидан банк ишида фойдаланиш такомиллаштириш масалалари | 474 |
| ***Ашуров З.А.*** Ўзбекистон корпоратив бошқарув тизимида D&O-суғуртаси механизми ва амалиётини жорий қилиш имкониятлари | 477 |
| ***Камалова Г.А.*** Специфика совершения крупной сделки | 481 |
| ***Кенжабаев А.Т., Шакаров Қ.А.*** Иқтисодиётда инновацион ва электрон савдонинг тутган ўрни | 484 |
| ***Ashirova G.A.*** Iqtisodiytda innovatsion loyihalarni amalga oshirishda xorijiy investitsiyalarning o'rni | 486 |

**Капитал бозорини ривожлантириш ва хусусийлаштириш шароитида корпоратив бошқарувни такомиллаштиришнинг долзарб масалалари**

*Халқаро илмий-амалий конференция материаллари*

Muharrir: Begzod Keldiyorov
Sahifalovchi: Otabek Fayzullaev
Dizayner: Vasiliy Bursev

Bosishga ruxsat etildi 25.01.2023. Formati 84x60 1/32.
«Times New Roman» garniturasida ofset usulida bosildi.
Nashr bosma tabog'i 27,7.
Shartli bosma tabog'i 27,7. Tiraji 150.
Buyurtma № 23/06

«BROK CLASS SERVIS» MCHJ bosmaxonasida chop etildi.
Toshkent shahri, Segizbaeva ko'chasi, 28-uy.

Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби,
100060, Тошкент, Миробод кўчаси, 25.

BIZNES VA TADBIRKORLIK OLIY MAKTABI